


Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ЖУРНАЛ



49-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ЎУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1981 3

МУНДАРИЖА

ҚИЗЛАР ГУЛДАСТАСИ	3
Г. Марков. Сибирь. Роман. Давоми.	35
С. Акбарий. Кўкан шўро. Достон.	62
Б. Халилов. Гулбаҳор қани? Пьеса.	68
Мирмуҳсин. Илдизлар ва япроқлар. Роман. Охири.	90
Р. Бобоҷон. Юсуф ва Зулайҳо ёки оға-ини адовати. Драматик поэма. Охири.	133
Ҳ. Ғулом. Машраб. Роман. Охири.	147
ПУБЛИЦИСТИКА	
Б. Байрамов. Кенгликлар диёри.	192
САНЪАТ	
М. Қаюмов. Кинематография — ҳаётим.	204
ОЧЕРКЛАР	
Ш. Сиддиқов. Олим бўлсанг, олам сеники.	213
ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ	
Ҳ. Бердиёров, Р. Орзабеков. Таникли адабиётшунос	217
ҚАРДОШЛАРИМИЗ АДАБИЁТИДАН	
О. Шарафиддинов. Инсон қалбига йўл	219
ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Н. Комилов. Фирдавсийнинг шеърий карвони	225
ТАҚРИЗЛАР	
С. Қосимов. Биллур шам.	232
«ГУЛҚАЙЧИ»	
Конвертларни қайчилаганда	237
Маданий ҳаёт.	239
«Звезда Востока» март сонида	239

ҚИЗЛАР

ТУЛДАСТАСИ

Турсуной Содикова

АЭЛ МОНЛОГИ


Тоифамиз ажиб феъллик, гоҳи ҳайрон ўзимиз,
Билмайдурмиз дарёмизми ёки олов ўзи биз.
Табиат-ку бизга бермиш нозик-нафис билакни,
Нозиккина билакни-ю, энг каттакон юракни.
Ҳам демишки, яшамоқнинг андозасин бичурсан
Ва не ташвиш суви бўлса, энг аввало ичурсан.
Ипак бирла пўлатданми қўймиш бизни табиат,
Бир феълимиз нафосатдир, бир феълимиз жасорат.
Кундуз эрлар қаторинда меҳнатда от сурган — биз,
Сиз келар чоғ, ҳорманг дея, таъзим билан турган — биз.
Дала-тузда хирмон-хирмон зару олтин уйган биз,
Уйга келгач химарилиб қўлларга сув қўйган — биз.
Ман ман деган иигит йўқдир биз деб ёниб куймаган,
Нозиккина зот қошида танды титроқ туймаган.
Яна мағрур, тош юрак деб, гап қимлангиз бизларга,
Шарму ҳаё бизга бўлди, ошкор ёнмоқ сизларга.
Мағрур туриб севидик биз, мағрур туриб севдик биз,
Гоҳда сизни бой берар чоғ мағрур тура билдик биз.
Шул ўринда табиатдан қилгум келур ўгитлар —
Бепарвороқ яралдингиз, бегамроқсиз, иигитлар!
Билсаларинг эди, биз-чун қанчалардир қадрингиз,
Яйрай-яйрай бу дунёга сифмай кетармидингиз!
Сиз тасалли берган онлар йўқ эсак-да бор бўлдик,
Сиздан чиқар ҳар суханга гўдак каби зор бўлдик,
Сиз йўқ эса файз йўқолди, хоналар ҳам тор бўлди,

Атру ифор бекор бўлди, ўсмалар ҳам хор бўлди...
 Оналиknинг ғазотида жонни қўйганда гаров,
 Омон қолсанг, чақалоғинг аста кўрсатса бирор,
 Отасига ўхшашиб қоши қабогини кўрган дам,
 Эҳ, билмайсиз, бу аёлга тимсоли йўқ бир байрам!
 Дарвозадан алпдай кириб, ҳовлию, уй тўлган пайт,
 Болачалар «дадам»лашиб қошингизга елган пайт
 Унунт бўлар аразалар-у гинахонлик, ўгитлар,
 Шундай дамда сизни бошга қўйгим келур, ўгитлар!
 Замонанинг зайлар кўринг, титрамоқда асримиз,
 Ер шарининг бор ғамига бунда бўлдик асир биз.
 Куррамизда олов билан кимдир қиларкан ўйин,
 Йигитларжон, бу асрда аёл бўлмоқ ҳам қийин!..
 Қирқ биринчи ўйланинг ҳали фироқлари битган йўқ,
 Унинг аламлари, доғлари, титроқлари кетган йўқ.
 Юракларга қадалганча тураг қабр тошлиари,
 Ҳайкаллар-чи, ҳайкал эмас, элнинг тош бардошлари.
 Қўёв тўйнлар қозиқларга илинганча қолганин,
 Ер йўлида сарви қадлар кута-кута толганин:
 Остонадан ҳануз жилмай мактуб кутган онани
 Қўрарканмиз ҳанузга титраймиз-ку аламли!
 Қучганимча этак тўла бир тўп гўдак боламни,
 Чорлайдирман хитоб билан оналарин оламнинг:
 Келинг, дунё оналари, қарши бориб удумга,
 Керак бўлса, эрлар учун биз борайлик ҳужумга!
 Тўққиз ўғли жангга кетиб қайтмаган ул онанинг,
 Ўн етимча бўзлай-бўзлай катта бўлган хонанинг
 Остонасин тавоб қилиб, бардош тилаб олурмиз,
 Оналиknинг шиддатини, шаҳдин ишга солурмиз,
 Ҳарна куйга тушсак ҳамки, оҳу фифон демасмиз,
 Хитобим шул: ўгитларни биз урушга бермасмиз!

Андижон.



Санъат Маҳмудова



ҲИКОЯ

Dастурхон атрофида икки ўртоқнинг суҳбати авжга чиқди:

— Севги бораканми, Диlor, синаб кўрдингми?..

— Илтимос, сўрама шунаقا нарсани!..

— Кечирасан, ўртоқ! Ёшлигимизда ўзинг нуқул шу ҳақида баҳс-лашардинг.

— Энди баҳслашмаймиз!..

— Магнитофон қўйиб берайми, Санобарнинг қўшиқларини ёзиб олганман...

Шундай дедим-да, бурчакдаги магнитофон тугмачасини босиб, керакли лентани қўйдим. Хонада қувноқ қўшиқ янгради:

Ёшлигим кел, куйга тўлган

Қалбим олтин сози бўл!..

Дилором хурсанд бўлсин, деб Санобарга жўр бўлиб қўшиқ айта бошладим. Ниҳоят, Дилором эриди — қўлларини қовуштирганча аста келиб, диванга ўтирди. Қора қошлиари ўртасидаги тутунча ёзилиб, қўшиқ оҳангига мос билинар-билинмас тебрана бошлади. Лекин менга ўхшаб завқ ва гашт билан эмас, ҳасрат билан...

— Яхши айтади-а?!

— Яхши...

У жилмайишга уринди, лекин уddeлай олмади. Ҳа, чиндан ҳам ўзгариб кетибди, қандайдир руҳи синиқ, кўнгли чўккан. Олдин бундай эмасди.

Бундан ўн йил олдин мактабни Дилором билан бирга битирганимиз. У энг аълочи, синфимиз бошлиғи эди. Ҳаммамиздан ақлли, чиройли, айни пайтда, ўзининг ана шу хусусиятларини билганиданми, ўта мағрур эди. Унга ҳеч ким тенг келолмас, унга ҳеч ким гап айтольмас, ҳатто энг шилқим болалар ҳам унинг ёнидан писиб ўтишарди. Диlorомнинг ўзи ҳам синфимиздаги кўп ўғиљ болалардан бўйчанроқ, фақат Камолга ўшаган икки-учта йигитларгина ундан тикроқ эди. Мен ҳам ёмон ўқимасдим. Ҳар қанча яхши ўқимай, Диlorом мени ҳам менсими «АЗИЗИЧКА, бари бир математикада менга етолмайсан, биттанг ҳам

олдимга тушолмайсанлар», деб писанда қиласди. Ҳақиқатан ҳам, у математикадан жавоб бераётганды, бир синф болани, ҳатто ўқитувчини ҳам оғзига қаратарди.

Сўнгги имтиҳони топшириб, қушдек енгил бўлган кунимиз Дибором бизникida тунаб қолди. Шу куни икковимиз «Эсадалик альбоми» мизга духобадан филоф ясадик, бир-бири мизга бағишлир шеърлар ёздики.

— Сен-ку, Москвага борсанг ҳам ўқишга кирволасан, Дибор, — дедим альбомни жавонга қўйиб, — сен генийсан, фақат шу Камол...

Дилоромнинг оқ юзига гун этиб қизиллик югурди. Узун киприклири пирпиради. Нафис лаблари титради. Лекин сир бой бергиси келмади.

— Нима, Камол, менга унинг қандай даҳли бор?

— Даҳли бор-да, — унинг ёнига ўтириб, бағримга босдим.— Камол ўқишга киролмаса, сен унинг олдида янайм гений бўб кетасан-да...

— Нима?!— у тушунмагандек ғалати қаради.

— Ҳа, ўзлари Камолни севадилару ахир?!

— Жимм!— шошиб кафти билан оғзимни ёпди.

— Э, қўрқма. Нима, обрўйинг тушиб қоладими?— қўлини силтаб ташладим. — Э, ошинг ҳалол бўлса кўчада ич!

— Жим, жим деяпман! — қичқирди у.

— Бунча?!— кулиб юбордим мен.— Эшик берк, дарвоза қулф-ку. Камол бўлса, бир чақирим нарида, поччасининг участкасида ғишт қуяяти ҳозир, майкачанг бўлволиб.

Дилоромнинг йирик-йирик кўzlари порлаб кетди. У бир нуқтага тикилиб қолган, шу туришда ўша кенг елкали, баланд бўйли Камолни ўйларди. Бари бир, яна бир зумда муғомбирлик қилиб, баланд келди.

— Гафларинг ёлғон! Мен уни яхши кўрмайман, билдингми, яхши кўрмайман!..

— Ҳо-о, бари бир ҳамма сирингдан огоҳман. Иқрор бўб қўяқол!— қўлидан китобни олиб қўйдим.

— Қанақа сир? — кўзимга тикилди у.

— Айтайми, хафа бўмийсанми?

— Айт, айт!

— Биринчидан, Камол сени севади, аммо мағрурлигиндан ҳайиқади. Иккинчидан, у бечора сени «севмайди» деб юради. Ваҳоланки, сен уни жонингдан ҳам яхши кўрасан.

— Жим, ёлғончи! — аччиғланди у.

— Рост! — дедим мен ҳам баланд келиб. — Ҳувв анув куни адабиётдан иншога тайёрланаётганимизда сизларникида тунаб қолдим-а?!

— Да, — деди Дибором.

— Ўшанда каравотингга жой қилиб бериб, ўзинг раскладушкада ётдинг-а? — Диборомнинг ранги оқара бошлади, мен гапимда давом этдим. — Ярим кечада уйғонсан, ёнбошимга бир нима ботади. Пайпасласам, матрасингнинг филофи ичидага дафтарча...

— Э, ўғри, жинни! — деди бўшашиб Дибором.

Мен тик турганимча дафтarda ўқиганларимни айта бошладим:

«К... худди сен Гагаринга ўхшайсан. Кенг пешонанг, чуқур кўзларинг, кулиб туришинг... Фақат сен тортинчоқсан. Бу, балки, опанг билан поччангнинг қўлида катта бўлганинг учундир...»

«К... 8 март байрами кечасида рубоб чалиб, қўшиқ айтаётганинг да бундоқ одамга қарамадинг ҳам...»

«К... сен алгебра масаласини ечишдан кўра ғишт қўйишини яхши кўрасан. Бу ишинг чакки...»

«К... ўшанда синфда ҳеч ким йўғида менга хат узатдинг. Ўқимай йиртиб-йиртиб ташладим. Сенга ким қўйибди хат ёзишни, дегандай

тескари қараб олдим. Нималар ёзган эдинг-а, ўша хатда?! Яна ёзасан, кўп ёзасан деб ўйлагандим. Лекин сен чурқ этмаянсан...»

«К... сен мендан ҳам магурмисан-а?..»

— Бўлди-е, ҳаммасини ёдловонти, шион! — Дибором қўлимдан тортиб каравотга ўтқазиб қўйди.— Бошқа бу ҳақда оғиз очма!

— Нега энди? Аслида, ўша блокнотни Камолга обориб берсам бўларкан. Савобга қолардим. Мен аҳмоқ яна жойига қўйибман-а, тавба...

— Бас! Агар даллоллик қилисанг, — деди Дибором елкамга мунштаб, — сендан юз ўгираман, тамом. Сен аралашма!

— Бўлмаса кўп гердаймай бир парда настга туш!

— Тушмийман, билдингми, тушмийман! — у каравотга ўзини ташлади. Кейин ёнбоишлаб менга қаради. Қўзларида ўт чақнарди.— Камол бари бир мени севади, дёмак, ахир бир кун ўзи ялинади. Йўлларимга поёндоз бўлади. Ҳимм.. — У дарров туриб ўтириди-да, кўксига уриб уриб қўйди.— Севгилим менга жон фидо қилишини истайман, вассалом!

— Чучварани хом санабсан.

— Мана кўрасан.

Биз имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, институтга ҳам кириб олдик. Камол Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетида сўнгги имтиҳондан йиқилиб, яна Янгийўлга қайтиб кетди. Колхоз қурилиши бригадасига ишга кирди. Келгуси йил баҳорда Камол нинг аскарликка, чақирилганини эшилдим. Диборомни учратмасдим, факультетларимиз бир-биридан узоқда жойлашган эди.

Бир куни Диборомни университет кутубхонасида кўриб, суюниб кетдим. Ёнига бориб, тилимни тиёлмадим.

— Эй, ноинсоф, Камолга хат ёз! — дедим, — у армияда. Жуда бўлмаса синфдош сифатида ҳол-аҳвол сўра!

— Тушнингни сувга айт, — деди Дибором, — ўзи биринчи ёзсин, керак бўлсан... Менга ҳам осон тутма, — унинг лаблари хиёл титраб кетди.— Ҳай, майли, ахир бир куни ўзи бари бир бош уриб келади.

У ишонч билан сўзларди.

— Ахир ўзи биринчи ёзганда сен писанд қилмагансану! Яна бунинг устига сен кимсан? Олий маълумот олаётган Дибором парисан.

— Э, қўйсанг-чи, Азиза, — у гапимни бўлди. — Мен севигига ишонаман. Камол бари бир менсиз яшолмайди. Қўрай-чи, ҳачонгача чидаб юраркин? Тунов куни бўлса... байрам билан табриклаб открытка юборибди. Бошқа гап йўқ... Баттар ўртансин, деб жавоб ёзмадим! Қадримни билсин!..

Учинчи курсни битиргач, ёзги каникулда Дибором: «Юр Москвага, учувчи тогамникига бориб, ўйнаб келамиз», деб телефон қилди. Мен боролмаслигимни айтдим, ўзи кетди.

Мен эса қишлоққа келиб, Камолнинг ҳарбий хизматдан бундан бир йил олдин қайтгани, синфдошимиз Мўътабарга уйланаётганини эшишиб, лол бўлиб қолдим.

Мўътабар мактабда зўрга уч баҳолар билан ўқир, бир оз кўримсиз, озғин, камгац, қорагина қиз эди. уни Камолдек йигит олади, деб ѡеч ким тасаввур қилмасди. У уч йилдан бери қишлоғимиздаги сабзавот дўконида сотувчилик қиларди. Қизлардан эшилсам, Мўътабар Камолга икки йилдан бери хат ёзив, ҳатто пул-мул ҳам жўнатиб тураркан...

Санобар «Устоzlар» қўшиғини куйлар, Дибором ҳамон қўлларини қовуштирганча ғамгин қиёфада ўтиради. Мен чой келтириш ниятида ўрнимдан турдим. Дибором менга қараб, худди касал одамдек секин:

— Ке, қўй, чой керакмас, ўтириб, — деди.

Мен магнитофонни хиёл настлатиб, ёнига қелиб ўтиридим. У қопи-

ларини учириб, оғир тин олди, кўзларида яна ўша ўт ёнди. Ҳа, у менга нималарнидир сўзламоқчи бўлар, лекин ғалати ҳолатда эди. Ниҳоят, ўзини тутолмади, тилга кирди:

— Ёшлик... куйга, қўшиққа тўлиқ бўлсагина... — у энтикиб хўрсинди, — ҳалиги қўшиқчи қиз айтдику... ана ўшандагина ҳақиқий ёшлик бўлиб қоларкан... Ўшанда... биласанми, Камолнинг уйланганини эшишиб, ҳеч чидай олмадим. Энди кўзим ярқ этиб очилиб, оламни биринчи марта кўриб тургандай, бу оламда фақат Камол билан Мўътабар яшаётгандай алам қиласди менга. Мен юрганаканман осмону фалакда, деб ёниб кетдим. Ўшанда қишлоққа боргим, Камол билан Мўътабарга дардимни тўкиб солғим келди. Лекин боролмадим. Бориб нима ҳам дейишим мумкин? Ўқиши бошланганда мен дарсни эмас, мени дарс тинглади. Бўлмади... Сен, билмийсан, Азиза, бир куни кечки пайт қишлоққа бордим. «Камолларнинг кўчасидан ўтиб кетаман, нима, ўзимизнинг қишлоқ-ку», деб ўйладим. Лекин, уйларига яқинлашганим сайн афсусланардим. Қарагин-ки, худди билгандай Камол, ҳа ўша мени куйдирган Камол, бошида чуст дўпни, елкасига беқасам тўн ташлаб ариқ бўйида турап, ёнида қўй ва кичкина қўзичоқ ўтлаб юради.

— Э, э, Дијоромхон, йўл бўлсин? — деди Камол жилмайиб. — Үқишилар яхими? — унинг овози негадир ҳар вақтдагидан жонли, ҳар вақтдагидан ширали эди.

— Яхши, — дедим мен нафасим ичимга тушиб. — Тўйлар муборак бўлсин...

— Раҳмат! Қани, уйга... Мўътабархон ош дамлайтилар! — Камол худди баҳтиёрлигини намойиш қилаётгандек чертиб-чертиб сўзлар, ўзи эса мендан кўз узмасди.

— Раҳмат... холамларникига кетаётгандим... Баҳтли бўлинглар... — дедиму ундан тезроқ узоқлашишга ҳаракат қилдим.

Боряпману яна ёнаман: Камолнинг ўзини тутишини қаранглар-а! Сир бой бергиси келмайди. Мағрур. Қизиқ, атай бориб, ҳеч нарса демадим-а!.. Билди, бари бир билди. Унинг учун келганимни билди, лекин билмаганга олди.

Мен унга бегона эдим.

Хосият Бобомуродова

ТҮЙГУЛАРИМ

Мен ҳеч кимдан сир тутмадим дардимни
Юрагимда баҳор шавқи ҳукмрон.
Дардларимни ол қүёшга ёрдим-ку,
Ўз қалбимнинг баҳорига бердим ранг.

Түйғуларим айланаркан майсага,
Завқларимдан либос кийди куртаклар.
Бу юрт аро кимки қадам қўйса гар,
Тинглар бўлди баҳор янглиғ эртаклар.

Куртакларнинг овозига тўлгач дил,
Ушиб келди турналарнинг галаси.
Баҳор юртин осмонига тушгач йўл,
Авжга чиқди турналарнинг ялласи.

Түйгум — турнам, учирман бирма-бир,
Баҳорини топа олган дилларга.
Аргимчоқлар билан тўллиб само, ер,
Қўшиқ экиб ўтар улар йўлларга...



Энг шод дамларимда сени излайман,
Сархуши ҳисларимга бўл дейман шерик.
Жуфт қалб шодлигидан умид узмайман,
Келасан!

Қалбингда мен бўлсантирик
Қайдасан? Ичсанг-чи, шодликларимни,
Улар лабларингдан нурдай тўкилсин.
Берай севинчимни, бутун боримни,
Улар сенинг кўзларингдан ўқилсин!

Сен шод бўлган ўша бир лаҳза учун
Мен бутун умримни ҳадя қиласман.



Самарқанд.

Ҳалима Қорабоева

ШУНДАЙ ЯШАЙМАН

Мен шундай яшайманки, кўрган кимса қолсин лол,
Ўзгалардан қарз олмайман яшамоқнинг суръатин.
Бирвларнинг ҳусни билан кўрсатмайман мен жамол,
Аммо менга бегонамас ўзгаларнинг кулфати.

Қувончум ҳам, ҳасратим ҳам ўзим билан ҳамиша,
Ўзим тортгум ўз юкимни, бирвларга ортмайман.
Бу жаҳоннинг жилолари кўзимдадир ҳамиша,
Неки менга даҳлдордир назар солмай ўтмайман.

Вужудимга муштдеккина юрак берди табиат,
Шу каттакон дунёни сен шу қалб билан севгил деб.
Маҳр қилиб бир инсоний тилак берди табиат,
Хаётдаги ғуборларни шу тилак-ла ювгил деб.

Менга берган бор нарсани сира ҳам хор этмасман,
Хор этмасман гуруримни, юрагимни ҳеч қачон.
Мен бир оқиб ўтгувчи бир дарёдурман, қайтмасман,
Қуриб кетгум ёки изсиз, қолгум ё тўлқинсимон.

Мен шундай яшайманки, кўрган кимса қолсин лол!..



Андижон.

Бибисора Отаева

ОСМОН ПОДАЛАРИ

Оқ шерози «қўй-кўзилир»
Ўтлаб юрар кенг осмонда.
Пахмоқларин тароқлар ел,
Авжи қишида, қаҳратонда.
Баҳор чоғи замин узра
Жиринглатиб қўнғироғин,
Қуёш билан юриб, бирга
Эқадилар қўзиқорин.



ПУФАК

Учгин пүфак, баланд уч,
Мовий осмонларни қуч!
Етар шу хўппайганинг,
Контокдай дўппайганинг!
Ортиқ шишиб нетасан?
Пақ ёрилиб кетасан...

Хоразм.

Ҳанифа Солиҳова

ПАХТАЗОР ПОНГТИ

Тонг саҳар...
Ҳулкар ҳам
липилдаб ўчмоқда,
Тўлин ой нурлари
Олислаб кўчмоқда:
Тун қора камзулин
Оҳиста ечмоқда.
Қушлар-чи,
мастона, ҳайрона,
Қуёш-чи,
үфқда безовта...
Тоғларнинг чўққиси жилвада,
Ўзини сезмоқда энг юксак.
Боғларда, дараҳтлар учидা
Нур ўйнар,
Нур ўйнар,
нур — чечак.
Тонг саҳар...
Жилмайган дечқон қиз,
Даланинг файзли дамлари.
Севинч бор,
Қўшиқ бор
Бир олам қувончга қонгани.
Чеки йўқ, кўз етмас далада
«Оқ олтин»— нур,

тонгдай турибди.

Шодлик бор,
Бахт бор —
Чаноқда пахта —
ой кулибди.
Тонг оппоқ,
Ер оппоқ,
Дил оппоқ,
«Олтин қўл» пахтасин термоқда.
Барчанинг дилида нашида,
«Зангори кема»лар бир зумда
Пахтанинг тогини уймоқда.
Манглайды мунчоқ тер,
шўх кулги,
Пахтакор ёноғи қизилранг.
Юракда ҳарорат, соғ туйғу,
Далани тўлдирган куй, жаранг...
Шундайдир қисмати дечқоннинг,
Тонгданоқ далада, тинчимас.
Қадрини билади меҳнатнинг,
Үндадир буюклик ҳам ҳавас.
Бошида қуёш бор, зарҳалли,
Дечқоним довонлар ошмоқда.
Қўлида даврининг машҳали,
Коммуна боғига шошимоқда.

Андижон.

Шоира Юсупова

Құмғон



Хикоя

III ошхон амма оқшом чөғларини ўчоқда милтиллаган олову қора қумғонсиз тасаввур эта олмайди. Ўчоқда калта-калта ёрилган ўтн қаланған ўт ёниб турса, қозондаги овқат милт-мил қайнаса. Ўчоқ оғзига қүйилған қумғон аста шигирласа. Бу жуда серфайз онлар... Қора қумғон шигиллайды. У одам меҳрига ўшаб кетади. Құзга күрінмайди-ю, овозидан күнглинг яйраб, таскин топади. Қампир ҳар оқшам шундай қора қумғон шигиллашини тинглаб ўтириб, набираси Қамолани кутади. У ҳар куни даладан қайтаётганида бир кириб ўтади.

— Буви, қаердасиз? — дейди набираси эшикдан кириши билан.

— Бу ёқдаман, келавер, — ошхонадан кампирнинг овози эшитилади.

Сүңг то набираси етиб келгүнича ярим коса овқатни күтариб чиқиб келади. Қорни очми-тұқми, Қамола бу овқатни: «Мунча шириң, бувижон, худди ўзингизга ўхшайди-я», деб тотина бошлайди. Бу кампирга жуда ёқиб тушади. Мана, набирасини узатганига иккى йил бўлди, ҳамон шу. Буни кўриб баъзилар: «Ҳай, бу нимаси, қиз бола борган жойида тиниб-тинчисин, бу нима қилганингиз», деб койишади ҳам.

Тўғри, кампирнинг ўзи ҳам шундай деб ўйлади. Набирасини: «Бундай ҳадеб келаверма», деб койийди ҳам, лекин, ўзи кутаверади.

Қора қумғон шигиллайды. У одам меҳрига ўхшайди. Шунинг учун ҳам кампир унга тикилиб ўтиришни яхши кўради. Шунда хаёлидан ўтмишидаги шириң-шириң онлар бир-бир ўтиши унга айниқса ёқади.

...Ўша куни у кенжә қизи Қумрийни далага жўнатгач, хомтокни бошлади-да, чошгоҳга бориб, уйнинг олдидаги сўрини тугатди. «Бугунга шу ҳам етар,— деб ўйлади.— Қумримнинг даладан қайтадиган

пайти ҳам бўлиб қолди. Қорни очиб кетгандир. Эрта билан наридан-бери озгинагина қаймоққа нон ботириб еб кетганича юрибди».

Тошхон амма ошхонага кириб, қозонга ёғ солиб, олов ёқишига тутинди. Икки-уч тарашани қалаб, унинг тагига қўйилган қофозга гулгурт чақиб тутди. Бир неча кун офтобда қуриган тарашалар гуриллаб ёниб кетди. Она уларнинг устига таппи қалади-да, тандир тагидаги ўрадан уч-тўрттагина картошка олиб, арчишига тутинди. «Она-болага шу ҳам етади», деб ўйлади. Раҳматли чоли ўлгандан бери шундай озгинагина овқат қиласди. У тириклик маҳалида шунақа оз овқат қилса, хафа бўлар эди. «Яхши ният билан овқатни кўп-кўп қил, кампир, ризқи-насибаси тортиб меҳмон келади. Эшикли уй, меҳмондан қўймасин», дерди.

Раҳматли кўп меҳмондўст эди. Меҳмон келмаган куни қуюқ овқат бўлса, лаганга суздириб, суюқ бўлса, бир косага қуйиб, шундоқ уйларига тулашган қабристон қоровулининкига чиқар эди. Ҳар оқшом бу ерга ҳеч бўлмаганда уч-тўрт мўйсафи тўпланишар, қишлоқ кексалари оқшом чоғлари қабристоннинг бир қоровул билан ёлғиз қолишини исташмас, қоронги туша бошлиши билан фонус кўтариб, шу томонга йўл олишарди. Кейин тун оғиб, алламаҳал бўлгунича суҳбатлашиб ўтиришар, сўнг тарқалишар эди. Ота эса бундай суҳбатларнинг доимий иштирокчиси эди.

«Ҳа, ўша пайлар ҳам бир давр экан. Ўтди-кетди». Тошхон амма чоли раҳматликни эслаб хўрсиниб қўйди. Яхши одам эди. Қампир ундан сира ёмонлик кўрмади. Пешонасида ўғил кўриш йўқ экан, факат кетма-кет қиз туққанида ҳам баъзиларга ўхшаб таъна қилмади. «Борига шукр, — деди. — Оллоҳ супрасидан қуруқ қўймаганига шукр».

У қизларининг бирини Райҳон, иккинчисини Қумри деб атади. Эркалаб, ардоқлаб ўстирди. Қизлар отадан бирон марта қаттиқ сўз эшитмай ўсишиди. Ота қизлари атак-чечак қилганида бир суюнса, тили чиққанида икки суюнди. Улар ҳовли супураман деб қўлларига супурги олганларида «баракалла, дастёrim» деб қувонса, биринчи марта ош дамлаб, олдига қўйғанларида, қизларидан фахрланиб, неча кунгача биродарларига сўзлаб юрди.

«Шунақа дунё экан. Ҳаммаям бир-бир ўтаверар экан». Тошхон амма қозонниңг қопқоғини ёпиб, димлаб қўйди-да, Қумрихон келмаяптими экан, деб эшик олдинга чиқди. Эрталаб қизи сув сепиб, супуриб кетган эди. Ҳалиям топ-тоза турибди. Ариқда сув шарқираб оқиб ётибди. Азалдан унинг озодаликда номи чиққан. Қишлоқда «Тошхоннинг эшигини олди бошқаларнинг уйидан тоза», деб гапириб юришади. Тошхон амма ариқ бўйида ўзи ясаган супасига ўтириб, йўлга тикилди. Йўлда ҳеч ким кўринмади. У енгларини шимариб, ариқдаги сувга юз-қўлини ювишига тутинди. Муздек сув онага тетиклик бағишилаб, енгил тортиди. Бошидан рўмолини олиб артинар экан, узоқдан келаётган икки кишига кўзи тушди. Ким экан, деб тикилди. Дарров таний олмади. Улар анча яқинлашгачгина таниди. Икки кишининг бири қизи Қумрий эди. Унинг ёнида велосипед. Велосипедга қоп юкланган. Унинг нариги томонида бир йигит. Сайджон шекилли. Тошхон амма икки қўрғон нарида турадиган Рухсора холанинг ўртанча ўғли Сайджонни таниди. У яқинда армиядан келган. Энди Қумрихонларнинг звеносида сувчи бўлиб ишларди.

Тошхон амма уларни бирга кўриб, негадир юраги шиф этиб кетди. «Бир-бирига муносиб экан».

Сўнг ўрнидан туриб уйга кириб кетди. Негадир улар етиб келгунга қадар шу ерда ўтираверишга ийманди.

Бир оздан сўнг эшик олдида гангур-гунгур овоз эшитилди.

— Раҳмат, Сайджон ака. Қани, юринг уйга. Чой-пой ичиб бўрарсиз.

— Раҳмат. Уйга борай. Пешиндан кейин шийпон ортидаги карта-га чиқасизларми?

— Ҳа.

— Қайтишда кираман. Тошхон аммамга салом айтинг.

У эсини танибдики, онасини Тошхон амма дейишади. У етти ака-дан кейин туғилган ёлғизигина қиз эди. Бу етти аканинг ҳамма болала-ри уни Тошхон амма деб чақиришар эди. Шунинг учун бўлса керак, у барчага Тошхон амма бўлиб танилган эди.

Биз оз ўтмай Қумрий бошидаги бир қоп ўтни авайлаб эшидан кириб келди-ю, оғилхона олдида уни тап этиб ерга ташлади.

— Ой!

— Келдингми, болам, — Тошхон амма ошхонадан лаганда овқат кўтариб чиқди.

Қумрихон ҳам-чанг-чунгини қоқиб, юз-қўлини ювиб, кийимини алмаштиргач, ойисининг олдига келиб ўтириди.

— Бирор билан бирга келдингми?

— Ҳа, Сайд ака ҳам келётган экан. Велосипедида қопимни олиб келиб берди.

— Рухсора холангнинг ўғиллари яхши. Барака топсин.

— Ҳа, ёмон эмас...

Тошхон амма секин қизига кўз ташлади. Унинг ёноқлари лаъли рангга кирган эди.

Шу кундан бошлаб Тошхон амма ҳали ҳеч бир она журъат этма-ган ишга қўл уришга аҳд қилди.

Орадан бир неча кун ўтгач, оқ рўмолини у ёқ-бу ёғига ташлаган Тошхон амма Рухсора холаникига йўл олди. Рухсора хола эски қадрдонининг иззатини жойига келтириб кутиб олди. Богининг этагида ўғиллари баланд қилиб қуриб беришган шийпонига кўрпачани қалин солиб ўтқазди. Дастурхонга яқинда кичик ўғли шаҳардан олиб келган анвойи меваларни тўкиб ташлади.

Сўнг икки кампир тоза сұҳбатлашиши. Қимнинг ўғлию қизи бу йил мактабни битиргани, қай бири шаҳарга ўқишга кетгани, қай бири кириши мумкин-у, қай бири киролмаслиги, қай бирининг шаҳарда кими бору кими йўқлигидан тортиб, ўзларининг ўшликлари, кимнинг келини қанақалиги, кимнинг қизи жойига тушган-тушмаганлигидан тортиб ҳаммасини гапиришди. Ниҳоят, гап кимнинг кимга қуда бўлаётгани-гига келиб тақалди. Ана шунда Тошхон амма ёрилди.

— Энди менинг келганимнинг сабаби, Рухсорабу, — деди юзи қизараётган бўлса ҳам, лекин ўнғайсизланётганини сездирмай,— қадимдан одатки, совчиликка йигитнинг онаси боради. Лекин мен аксинча иш тутдим. Сизникига ниятимни айтиб, маслаҳатлашгани келдим. Мана, менинг Қумрийим ҳам бўй етди. Сўраётгандар кўп. Лекин мен сиз билан қуда бўлмоқчиман.

Энг қизиги шуки, бу Рухсора холага сира ғалати туюлмади.

— Вой, — деди у, — сиз Қумрийдек қизингизни менга келинликка раво кўрар экансизу мен йўқ дейманми... Узим ҳам жуда кўп ўйла-ганман. Лекин, бир томони бор. Мен ҳали тайёр эмасман.

— Биламан, эгачижон, Сайджон яқинда армиядан келди. Ҳали ишлаб, беш танга-ўн танга топгани йўқ. Бошида отаси бўлмаса...

— Лекин менга сизнинг нарсангиз керак эмас. Тўйни ўртада қи-ламиз.

Қийинчилик одамларни бирлаштириб, аҳил қилиши рост бўлса

көрак. Үшандада, урушдан кейинги оғир йилларда, икки она ана шундай йўл топишган эди.

— Менинг уй-жойим, топган-тутганим шуларники, — деди Тошхон амма, — қоқилтириб қўймайман. Одам қиласман.

Тошхон амманинг аҳди маҳкам экан. Ҳар хил гап-сўзлардан ҳам чўчимади. Умри бўйи шу қизи билан күёвини одам қиласман деб уринди. Қўш сигир боқди, боғидан чиқсан мева-чеваларининг донасини ҳам нобуд қиласманди. Бозорда оладиганини бозорга олиб борди, олмайдиганини қоқи қилди, қишида сотди. Бунинг эвазига, «пишиқ кампир» номини ҳам олди. Ишқилиб, рўзгорини бут қилиб юрди. Ёшларни сира қийнаб қўймади. Етти набирасини ўзи катта қиласман. Шунинг учун, доимо унинг ардоғида юришгани бўлса керак, қизи билан кўёви ҳали ҳам ёш кўёв-келиндек.

...Қора қумғон шигиллайди. Қампир қумғонга тикилади. Шу қумғони деб қўни-қўшнилар унинг устидан қанча кулишмади. Лекин кампир парво қиласманди. Йўқ эмас, гази ҳам бор уйида. Кўёви барака топкур ўтказиб берган. Лекин, нима қилсан, ўргангандан қўнгил-да. Қора қумғоннинг шигиллашини эшишиб, ошхонада ғимирлаб юришни ёқтиради. Қора қумғон шигиллашини одам меҳрига ўҳшатади.

Ха, шунақа экан... Утган йили кенжа набирасини узатадиган бўлишди. Лекин шу набирасини узатиш ҳақида гап бошланибди, унинг юраги узиладиган бўлиб қолди. Гўё ундан ажралса, ўлиб қоладигандек. Кексайганингда овунчоғингга айланиб қолган севикли нарсангдан айрилиб қолиш қийин бўлар экан. Шунинг учун ҳам ёш боладай серхархаша бўлиб қолди. Ҳали у ёқмайди, ҳали бу. Тўйдан бир ҳафтача олдин қизи Қумрий набираси Камолага бир пальто олиб келди. Белгияники эмиш. Оти ҳам бир қийин-еъ. Тошхон амманинг айтишга тили келмай, «белгили пальто», дейди уни.

Шу пальтони кўрди-ю, Тошхон амманинг бирдан ғаши келди.

— Бундай пальтони кўёв томон қилгувчи эди, — деди. — Нега энди қиласманди. Ё бизнинг қизимиз шунга арзимабдими?

Қумрий шунда:

— Бир олгим келди-да, ойи, — деб қўяқолди. — Кўёв томондан келса, иккита бўла қолар. Ёшлигига кийгани қолади.

Тошхон амма афтини буриштириб, нари кетди. Тўй куни эса яна бир жанжал чиқарди. Эртага чарлар дейдиган куни кечқурун қўшнилар чиқиб, эртага пишириладиган чучвара, мохораларнинг масаллиқтарини тайёрлаб бўлишгач, келиннинг сарпосини тахламоқчи бўлишиди.

Тошхон амма ҳам ўша сарполар тахланадиган унинг ўртасига утириб олди, буни кўриб Сайджоннинг катта янгаси лабини бурди.

— Бу кампирга ёшларнинг орасида нима бор экан-а?

Тошхон амма эшиди-ю, эшиитмасликка олди. Бу кеккайган келин ҳамиша уни камситишга ҳаракат қиласми. «Бо худо, ўзи ким бўлибди. Сиддиқ керосинчининг қизи-да. Керосиннинг ҳидини ҳидлаб катта бўлган».

Бу орада қизи Қумрий сарполарни ўртага олиб ташлай бошлади. Атлас ҳам, кимхоб ҳам, шойи ҳам шу ерда. Лекин ҳалиги кеккайган янга:

— Кристалингиз қани? — деб қолди.

— Мана,— Қумрий лампочка ёруғида товланиб турган матони унинг олдига сурди.

— Йўқ, ҳалиги... қалин хили бор-у... Арабистонники.

— Вой, унақасидан олмаган эдим-а, — деди Қумрий бўшашиб.— Ким билади. Үшаниси менга ҳеч ёқмасди. Терининг ўзгинаси.

— Йўқ, — деди яна ҳалиги янга, — ҳар ҳолда, унинг кўрими бошқа, овсин. Бу сарпони қандай қўясиз. Ҳаммаси простой-ку.

«Э, ўпкасидан ел ўтмаган хотин, -- Тошхон амманинг энсаси қотди. -- Ахир ўзинг нечта кўйлак билан келган эдинг. У вақтлар энг кўпи билан етти сидра қилинарди. Нима, еттита кўйлак билан келиб кам бўлдингми. Болалик-чақалик, бир катта хонадоннинг бошлиғи бўлиб ўтирибсан».

— Хой, менга қаранг, Ойпошша, -- деди момо охири чидай олмай.— Бу нарсаларнинг нимаси ёмон экан. Манави атласларнинг бир кийимини камида саксон-тўқсон сўмдан олганмиз. Мана бу кимхоб-чи. Ўзим дастлаб чиққанда бир юз эллик сўмга олганман-а.

— Энди сиз гапирмасангиз ҳам бўлади, — деди Ойпошшахон ўзини сиполикка солишга уриниб. — Камоланинг бошида ҳам онаси, ҳам бувиси бор. Бундай қизларнинг сепи жуда бошқача бўлади.

Тошхон аммага бу бувиликни эплай олмабсиз, дегандек эшитилди-ю, у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди. Ўтиб кетди-ю, янгани узиб олди:

— Сизнинг «катта кўзим»лигиниз ўзингизга, — деди. — Биз топганимизни қиласмиз.

Бу гал ҳам Тошхон амманинг бу қилигини нишиқликка йўйишиди.

— Кампир тушмагур кўзлари жуда оч-да, — деди кимдир.

Эртаси, чарлар куни эса, у яна жанжал чиқишига сабаб бўлди. Моҳорани аввал маҳаллага тортасизлар, деб туриб олди.

— Вой,— деди Ойпошша шунда,— қанақасиз ўзингиз, аввал қудаларга тортиб, обрўй олайлик, маҳалла кейин бўлар.

— Йўқ,— туриб олди кампир,— аввал маҳаллага тортамиз, маҳалла керак.

Шунда Ойпошшахоннинг жони чиқиб, ижирғанди.

— Нима бало, ғаш кўряптими бу кампир?

Энди буниси бўлмай кетган эди. Кампир чидай олмади. Шимарилган енгларини тушириб, уйга кирди-ю, келган меҳмонлар қаторида меҳмон бўлиб ўтираверди. Шу ўтирганича ҳовлига чиқмади. «Шунча қилган меҳнатининг эвазига эшитган раҳмати шу бўлдими. Э, ўғилсизлик қурсин экан... Агар у ҳозир қизи билан эмас, ўғли билан бирга турганида, ўғли уни шундай туртқилатиб қўярмиди... Э, қариганингда суннадиганинг ўғил бўлар экан-да.»

Кампир шу ўйлар билан борми-йўқми бўлиб ўтираверди. Фақат меҳмонлар тарқалишаётганда кузатгани эшик олдига чиқди. Шунда ҳам қимтиниб, бир чеккада, ариқ бўйида ўсан, танаси чирий бошлаганидан ғовак бўлиб, энди куз қуёшида барглари сарғайган тол тагида тураверди.

Қудалар машинага чиқиб, келинни кутишарди.

— Хой, бўла қолинглар. Келинни олиб чиқинглар. Қайнонаси кутиб қолди-я.

Сўнг икки ёнида икки ёш жувон билан келин кўринди. Ҳамма у билан кўришиб, хайрлаша бошлади.

— Хўп, хайр, Камолаҳон, ишқилиб қўша қаригин...

— Бахтли бўлгин.

Қизнинг атрофини ўраган ёш келинчаклар эса қиқирлаб кулишарди.

— Күёвтўрага ҳам салом айтинг.

Лекин Камола бу гапларга эътибор бермас, кўзлари аллакимни қидирарди.

— Бувим... бувим қани?

Кейин унинг кўзи барглари шилдираётган тол тагига қадалди. У қидирган одамини топган эди. Югуриб унинг олдига борди. Қучоқлади.

— Хайр, буви...

Ана шунда Тошхон амманинг эрталабдан бери тўлиб турган ўпка-

си ёрилди-ю, йиғлаб юборди. Гүё булатли осмон чақмоқ чақиб, ёмғир
ғанидан сўнг ёришганидек кўнгли ёришиб кетди.

— Ойинг ўргилсин...

— Бувижон, мен тез-тез келаман... Сиз ҳам борасиз-а?

Тошхон амманинг охирги кунларда тортган азоблари ҳам бир бўлди-ю, ҳозирги қувончи ҳам... Камоласи — унинг кенжатоий ҳеч кимни эсламаса ҳам уни эслади-я...

Қора қумғон шифиллайди. Тошхон амманинг хаёлида меҳри билан тирик азизларининг қиёфаси бир-бир жонланади. Ҳа, инсон меҳр билан тирик экан. Меҳрибонсиз қолишни кўрсатмасин. Шу пайт эса дарвоза очилади.

— Буви, қаердасиз?

Бу ўша — унинг Камоласи...

Бибисора Туробова

ХАТИНГНИ КУТАМАН

Зориқиб-зориқиб кутаман хатинг,
Кўлумга теккан кун — кулади
борлиқ.

Охирги бандидан ўқийман отинг,
Кўксимга босаман, кўзларим ёниб!

Энтикиб-энтикиб очаман хатинг,
Ўзингни кўраман сатрлар аро.
Оппоқ қофоз ичра қалбинг бор
тотли,
Кўзларинг жилмаяр чеҳрамга
қараб,

Севиниб-севиниб ўқийман хатинг,
Туманли ўйларим кетарлар учиб.
Сал олдин недандир дил эди
нотинч,
Қуёшга юксалдим, меҳрингни ичиб!

Ўйланиб-ўйланиб ўқийман хатинг,
Қонимда югурап бир эзгу туғен.
Хатинг ҳам ҳаётдай, ўзингдай
тенгсиз,
Умрингдай мазмунли, серзавқ
онажон!
Орзиқиб-орзиқиб кутаман хатинг...



Муҳсина Бобоева



Менга алам қилмас тошқин дарёлар
Ҳар ён оқиб кетса топиб йўлини,
Менга алам қилмас сокин дарёлар
Борлиқни ром этиб айтса күйини.

Дарёдан ажралиб қолдим ирмоқдай,
Қуриган чинорни кўкартирай деб.
Қалбимни мен унга тутдим булоқдай,
Сўлғин япроқларни яшартирай деб.

Кўлмакка айланаб қолсам ҳам узоқ,
Шу бемор дараҳтни кетмадим ташлаб.
Мени кутса ҳамки саҳролар чанқоқ,
Аламдан турмадим кўзимни ёшлаб.

Кўкармас бўлса ҳам тутаман кўксим,
Ҳар баҳор тилайман унга яшиллик.
Ҳар баҳор тилайман унга яхшилик,
Мен учун тутганди совуққа ўзин.

Менга алам қилмас қолсам гар қуриб,
Минг гулга айланар мендаги юрак.
Менга алам қилмас шунча йил туриб,
Умидим ниҳоли отмаса куртак.



Сен келардинг ёнимга шошиб,
Дарёлардан сузиб ўтардинг.
Келар эдинг тоғлардан ошиб,
Қаҳратонда гуллар тутардинг.

Ўнгай йўлдан боряпсан энди,
Ёнгинамдан ўтиб жимгина.
Оғир йўлда мен топиб сени,
Енгил йўлда йўқотдим яна.

Баҳор Ҳолбекова

ОСТОНАДА

Остонада турма, ичкарига кир,
Бу баҳтдан ўзимни қўйяй йўқотиб.
Интизор яшадим, кутуб кимнидири
Бугун сен турибсан эшигим қоқиб.

Бир оғиз сўз дема, ичкарига кир,
Мен тўлган юрагим сенга очайин.
Менинг ҳаётимнинг камини тўлдир,
Сёning ним баҳтинг ҳам тўлиши тайин.

Мен бугун қаршингда йигласам, кулсам,
Эркаликлар қилсан кўттар барини.
Шундан сўнг майлига сўзлагин сен ҳам,
Фақат айта олгин дилда борини.

Токи ишонч деган буюк бир туйғу
Маҳкам ўрин олсин қалблардан бир-бир.
Менга ўшандай дўст кўпдан бир орзу,
Менга ўшандай дўст жуда зарурдир.



Гулистон.

Дилшода

СОҒИНЧ

Кеч кузакнинг қировлари оппоқ-оппоқ,
Юракдаги тилакларим улардан оқ.
Кўнгил мулкин шоҳи бўлсанг ҳолимга боқ,
Соғингандан соchlаримга қўнмоқда оқ!

Боғлар узра қанот қоқиб учар кузак,
Парвозидан япроқчалар жони ҳалак.
Кеча япроқ ёнар эди мисли олов,
Бугун уни ўчиримоққа келди бирров...

Эй, табиат, ноёб қудрат, енгилмас куч,
Бир галгина илоҳийлик даъвонгдан кеч.
Мен соғиндим, мен тўймадим гулларга ҳеч,
Яшил боғлар либосини ечма бу кеч!

Кеч кузакнинг қировлари оппоқ-оппоқ,
Юракдаги тилакларим улардан оқ...



Ҳуррият Жалилова

Мұҳаббат



Хикоя

K

ишлоққа аллақачон оқшом құнган.

Чигирткаларнинг чириллаши, шолипоялардаги қурбақалар қуриллаши оқшомнинг минг файзига яна бир файз құшган.

Беланчакда ўғлим йиғлайды. Құлымга оламан, бағримга босаман, яна овунади у. Бир оздан сүңг узун-узун киприклари бир-бирига чирмашыб мунчоқдек күз гавқарларини қоплады. Щеңлимга термиламан. Шу термилишимда унинг сиймосида мен учун қадрдан бўлиб қолган чеҳра аксини кўрдим. Қизиқ, кимга қаттиқ меҳринг тушиб қолса, бўлаҗак фарзанд ҳам ўша одамга ўхшайди, деганлари рост экан...

Ўшанда умрнинг энг гуллаган ўн саккиз ёшида эдим. Севги баҳори!

Менинг қалбимда ҳам бириńчи ва сүнгги муҳаббат шу даврда уйғонди. Мен ўша йили район кутубхоналаридан бирига практикага келдим. Кутубхона катта-катта тўрт хонадан иборат уйга жойлашган бўлиб, булардан бири ўқув зали эди. У ёзув столлари, креслолар қўйилган, китоблар тартиб билан терилган шинамгина хона эди. Кутубхоначи сода, меҳрибон аёл Дилбáр опа мени ўз яқинидай кутиб олди. Мен яна бир яқин кишини — энг ширин хаёлларимнинг ҳамиша фойибона ошнасини ҳам шу ердан топдим...

Бир куни хонадан бир даста китоб олиб чиқаётib кимгадир урилиб кетдим. Китобларим ер билан бир бўлиб сочилиб кетди. Шунда баланд бўйли, елкадор йигит менга ўғирилди. Мен унга «кечирасиз», деб оғиз жуфтламоқчи бўлдим-у, қотиб қолдим. Бу — ўша китобларда ҳам учрамаган, киноларда ҳам кўрмаган, фақат хаёлимда ва руҳимдагина яшаган йигит эди. Қоп-қора қўзларини ҳимоя қилмоқчидай қуюқ киприклар, пайваста қошлиар, жозибадор чеҳра... Ҳамон қотганимча турардим. Ноқулай ҳолат. Бундан қутулиш учун иккимиз ҳам энгашиб китоб тера бошладик. Кейин унга раҳмат айтдим-да, қўшни хонага кириб кетдим. Деворга суюниб, қўзларимни юмганча узоқ тин олдим.

У эртасига яна келди. Бу сафар бир ўзим эдим. У ўқув залига кириб мукка тушганча мутолаага берилди. Аҳён-аҳёнда нималарни дир ёзб-чизиб қўярди. Мен унинг бу ҳаракатларини мароқ билан томоша қилиб ўтирадим. Кетаётгандан у мендан карточкасини сўради. Қўлларим қалтираганча карточкасини қидира бошладим. Ва ниҳоят, топдим — мана унинг карточкаси: Олмос Долимов.

У кетгандан кейин ҳам шу бир парча қоғозни юрагимнинг бир парчаси ўралгандай анча вақтгача ушлаб ўтиредим.

Кунлар шу тарзда ўта бошлади. Ҳафтанинг ҳар охирги кунини доим сабрсизлик билан кутардим, чунки у ҳар дам олиш куни кутубхонага келарди. Мен эсам ёнбошдаги хонада жавондаги китоблар орасидан унинг ҳар бир ҳаракатини қузатиб юардим. Ўша биринчи учрашувдаёқ унинг ёниб турган кўзлари юрагимга чўғ ташлаган эди. Уни ҳар кўрганимда юрагим тубидаги чўғ қон томирларим бўйлаб тарқалаётгандек бутун баданимни куйдирар, мен худди телбадек бўлиб қолардим. У эса ҳеч нарсани сезмаётгандек фақатгина тубсиз китоблар уммонига шўнғиб кетгандек. Ўша пайтларда «Биринчи муҳаббатим» қўшиғи янги куйга солинган бўлиб, мен уни магнитофон лентасига ёзив олгандим. Қўп вақт хонамга кириб ичидан беркитиб олардим-да, магнитофон қўярдим. Қўшиқ садолари сокин хонада, очиқ деразадан бутун боғ оралаб тараларди:

Кеча оқшом фалакда ой бўзарип ботгандা,
Зуҳро юлдуз милтираб хира ханда отганда,
Рұҳимда бир маъюслик, сокинлик уйғонгендада,
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим.

Қўшиқ давомида унсиз-унсиз йиғлардим. Нега йиғлардим, ким учун, нима учун? Ҳаммасини билардим, ҳа, билардим, аммо унга изҳор этишга ботина олмасдим. Қалбимда икки ҳис, икки азоб мавжуд эди. Бирни қизлик ғурурим бўлса, яна бирни унга бўлган майл ҳисси. Мана шулар бадалига барча ҳаё ва ғурурни бир четга қўйиб, унга қалбимни тўкиб солсам дердим. Қаёқда дейсиз, буни қилолмасдим. Мен унга очиқ айтишдан қўрқардим. Чунки унинг назарида ўз ҳис-туйғуларини, эътиrozларини бошқара олмайдиган қизларга ўхшаб кўринишни истамасдим. Мен шундай ўйлардим.

Мана, ҳозир кўкда ой қалқиб кетмоқда. Ой аста-секин кўтарилиб борар экан, барглар ортидан ер узра сон-саноқсиз «танга»чалар сочади. Бирдан эсган шабода эса бу «тангачаларни» супириб ташлар ва яна бодроқдек сочарди. Ўшанда ҳам қалбимнинг туб-тубидан ойнинг майин шу нурлари каби порлоқ бир нур сизиб турарди. Бу менинг биринчи муҳаббатим шуъласи эди.

Бир куни мени техникумга чақирдилар, чунки практикамиз муддати ҳам тугаб қолганди. Лекин мен кетмадим, уни кутдим. У эса бугун негадир кечикарди. Шундай бўлса-да, уни кутишга қарор қилдим. Ҳақиқатан ҳам, у кечга яқин келди. Бу пайт мен қўшни хонада жавондаги китобларни саранжомлаётгандим. Эшик очилиши билан юрагим дукиллаб, ҳар бир уриши гўё «у, у», деб садо бераётгандай бўлди. Секин жавон ортидан мўраладим. Юрагим алдамаган экан. Лекин бу келишида менинг бутун орзу-ҳавасларимни, ширин ҳисларимни олиб кетди, қайтмас қилиб олиб кетди.

У Дилбар опа ҳузурига борди, нималар деди-я ўшанда.. Қўлларимдан китоб тушиб кетди, ҳушим ўзимда эмасдай. Фақат Дилбар опа чақиргандагина уларнинг олдига чиқиб бордим. У менга ҳам уйланажётганигини, бизларни тўйга чақириб келганини айтди. Мен эса зўрбазўр бугун жўнаётганимни айтиб хайрлашдим. Хайрлашаётib қўлинни маҳкам қисдим ва дедим: «Бахтли бўлинг!» Ташқарига отдим ўзимни.

Агар яна пича шу ерда турсам, йиғлаб юборишим аниқ эди. Таңқаридә ёмғир ёғар, булутлар паст-пастларда сузіб юргандай атроф қоронғилашган эди. Сочларимдан ёноқларимга думалаб тушаётган ёмғир томчиларини күрган одам менинг йиғлаётганимни ҳам билмасди. Киприкларим, сочларим ёш ва ёмғирдан жиққа ҳўйл бўлганди. Шу ҳолатда уйга бордим-да, каравотга ташладим ўзимни...

Бирдан ўғлим безовталаниб қолди. Унинг қучоғимда эканлиги шундагина эсімга келди. Авайлаб беланчакка соламан, алла' айтаман унга термила-термила.

Хаёлимда яна у. Нега ўшанда журъатсизлик қилдим, иродасизлик қилдим? Аввал айтиш қиз боланинг иши әмас, дедим. Ахир муҳаббат кимнинг аввал айтишига боғлиқ әмас-ку!..

Бутун ҳовли бўйлаб, гулзор оралаб яна «Биринчи муҳаббатим» таралмоқда. Ана, музика садосиданми, ўғлим ҳам уйғониб қолди. У ширин жилмайиб, дўмбоқ қўлларини менга чўзиб талпина бошлади.

Ўғлимнинг жилмайишини, жилмайганда ўнг юзида ҳосил бўладиган кулдиргичини кўриб, бутун борлиғимни унутдим. Ўю хаёлларим зеру забар бўлиб кетди. Беланчакка энгашиб уни бағримга босдим ва фақат гўдаклардагина бўладиган ўзига хос ширин ҳидидан тўйиб-тўйиб ҳидладим.

Мақсада Эгамбердиева

ЁШЛИК


Ёшлик, ҳақсан қуёш сингари,
Гуллар янглиғ ҳақсан ҳар маҳал.
Сен ўзингсан поклик сарвари,
Сен ўзингсан толега маҳтал.

Ҳақсан, тунлар ўтганда бедор,
Тортганингда бағрингга ойни.
Бир ётоққа әмасдир бекор
Алишганинг баъзан саройни.

Ҳақсан, севдим, деганда ёниб,
Қайтмагандан йўлингдан, ҳақсан.
Эл кўзида бахтингдан тониб,
Бермагандан қўлингдан, ҳақсан.

Ҳақсан, ёшлик, баъзан одатга —
Билиб-бўлмай бўлматандан қул.
Чек қўйганда бебош тоқатга,
Баъзан яна танлагандан йўл.

Ҳақсан, чунки сенинг мақсадинг —
Эрур фақат бахту саодат.
Бор бисотинг ва бор савлатинг —
Юрагингда ёнган ҳарорат!



Муяссар Отажонова

Танбур нағоси


Симлар титрайди, титрайди танбур,
Майин күйларидан тўқилар оҳлар.
Кимдир бош эгади, ёш тўқар кимдир,
Қанча маъно бордир, қанча оҳ-воҳлар.

Қария кўёз юмиб чERTМОҚДА танбур,
Балки, юрагида лим-лим аламлар.
Балки, куй баҳона эслайди бир-бир...
Баён қилмоқ учун ожиз қаламлар.

Етолмай мұхаббат деган юлдузга,
Етолмай муродга фигон чеккандир.
Унинг фигонлари балки ой юзга
Асрлардан кейин бориб етгандир.

...Иигит юрагида жўш урганда қон
Билаги ҳам кучга тургандир тўлиб,
Балки айёр тулки тўнида ҳоқон
Унинг юрагини олгандир тилиб.

Миллионлар қалбида бўлган шундай ғам,
Бирор дош бермаган, бирор берган дош.
Бирор шундай баҳти замон бўлса ҳам
Кимлар юрагида ётар қаттиқ тош.



Хоразм сўзи олимларнинг тушунтиришишича «қуёш маска-
ни» деганидир. Дарҳақиқат, қуёш туфайли тупроғимиз гул-
лаб яшнайди. Қуёшли диёр Хоразм на фақат ўзининг мўл-
кўл моддий бойликлари билан, балки қалбида шуъла порлаб
турган одамлари билан ҳам машҳурдир. Мен Хоразмга кўп
маротаба сафар қилганман. Улув Ҳиванинг «Ичан қалъа»-
сида бўлганман, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси қошидаги қу-
дуқдан сув ичганман. Бу элнинг тўғри сўз, ҳалол одамлари
билан кўп бора суҳбат қурганман. Кўпчилик қатори Хоразм-

Қария күз юмид чөртмоқда танбур,
Аламли қисматин этолмай баён.
Бироқ күйларидан ерлар титрайди,
Бироқ күйларида қисмати аён.

«Ёр-ёр» садоси

Уйингдан таралар «Ёр-ёр» овози,
Мажолсиз қарайман ҳовлинг томонга.
Бир умрга хайр күнглим ҳамрози,
Энди ширин сўзлар ўзга бир ёрга.

Қўлларинг силарми ўзга ёр сочин,
Бу кун юлдузим ҳам қолдими якка?!
Энди эгик қолди мағрур бу бошим,
Тасилли сиғмайди бу дам юракка.

Ўзим рад қилгандим севгингни шунда,
Ўзим тортмоқдаман жафосин энди.
Ўшал сенинг сўзинг эшишган кунда
Бу соғ юрагимда йўқмиди севги?!

Мен қайдан билибман бугунги ҳолга,
Бугунги қайғуга тушишим бир кун.
Бу кун сен шодонсан у билан бирга,
Мен эса қушдайман, қафасда тутқун...

Уйингдан таралар «Ёр-ёр» овози,
Қийнайди ҳасадми, билмам ҳавасми...

Илтифот этгандим

Илтифот этгандим, у қочди мендан,
Назарга имлади айтган сўзимни.
Бир оғиз лутфига зор этиб күнглим,
Ешларга тўлдириб кетди кўзимни.

Илтифот этгандим, у қочди мендан,
Ишқ тўла кўзимга тикилди мағрур.
Ўзимни қийнайман ўшандан буён,
Интизор юрагим лахча чўғ эрур!

дан чиққан янги-янги истеъ dod өзгаларини ва уларнинг фалиятини мароқ билан кузатиб бораман.

Сизнинг эттиборингизга ҳавола этилаётган уйбу шеърлар муаллифи ҳам Хоразм қизидир. Унинг исми Муяссар. Мен унга катта шеъриятнинг ишончи муюссар бўлишини тилайман. Уйлайманки, бу меҳнаткаш ва истеъ dodли қизимиз ўзига билдирилган ишончни оқлайди.

Абдулла ОРИПОВ.

Илтифот этгандим, у қочди мендан,
Гүёй йўқотгандай бўлдим баҳтимни.
Хокисор қалбимни тушунмади у,
Тан олмади менинг муҳаббатимни...

Бугун у қошимга келди бош эгиб,
Деди: «Сен ўзингсан мен излаган баҳт».
Энди менга ўтди унинг мағрурлиги,
Энди мен илтифот қилмасман ҳеч вақт!

Урганч.

Эркатош Шукурова


ҚҮШИК

Бир қўшиқ янграп...
Боғдан эмас, жанг майдонидан;
Душманига санчмоқ-чун найза
Қўшиқ айтиб боради жангчи...
Лекин қўшиқ тинди бир лаҳза..

Мен ўша айтилмай қолган
Қўшиқнинг давомин бошлидим.
(Ҳалб қатида армон бўлиб қолган),
Тўй бошида кўзлар ёшланди.

Ҳа, мен бу қўшиқни айтаман,
Қўшиғимга тўлсин ўрмонлар,
Шаҳд ўрнидан турсин ўғлонлар,
Орзу бўлиб кулсин армонлар.

Жангга гувоҳ ўрмонлар ҳаққи,
Шаҳид кетган ўғлонлар ҳаққи,
Дилда қолган армонлар ҳаққи,
Бугун баҳтли давронлар ҳаққи
Қўшиқ айтаман!..



ЛАҲЗА

Бир лаҳза олдин дўст эдик бизлар,
Бир лаҳза олдин сирлашардик биз.
Бир лаҳза олдин гўзал эди олам,
Бир лаҳзада айрилдик эсиз.

Бир лаҳзада қотди севги жилоси,
Лаҳзада дилни танг этди миш-мииш.
Бир лаҳзада қотди лабларда кулгу,
Ноёб баҳтни топтади рақиб иғвоси,—
Бир лаҳзада...

Каттақўғон.

Меҳринисо Ойдинова

МОНГ ОТЛАЭТИР

Түнги ширин хаёл тарк этар дилни,
 Мижжа қоқмаган кўз сархуш сузилар.
 Дилда субҳидамга узатиб қўлни
 Мурғак ташвишчалар бир-бир тугилар...
 Тонгнинг манглайида кезади хаёл,
 Тонгнинг оқ шуъласи орзуга маскан.
 Янги кун ташвиши беради савол:—
 «Юракда туғёнлар тинчимасмикан!?»
 Тонгнинг шўх сурори дилларда яна,
 Түнги сокинликни қувади еллар.
 Уфққа кўз тикиб турибман, ана,
 Олисдан янги кун энтикиб келар.

Самарқанд.

Раҳима Қосимхўжаева

Табриклайман

Қўшиқ

Азиз ўлкам, боғларингда сайраб тинмас булбуллар,
 Гулларингнинг хушийидан чоғ бўлади кўнгиллар.
 Янгиерда янги очган боғингни табриклайман,
 Мўл ҳосилдан барпо бўлган тогингни табриклайман.

Эй мўътабар ва улуғвор Совет Ўзбекистони,
 Бутун дўнё қойил сенга, сендири «оқ олтин» кони,
 Меҳнат билан яратилган баҳтиргни табриклайман,
 Янги ижод, янги орзу — аҳдингни табриклайман.

Қайси бирин санаб етай, сенададир нефть, қоракўл,
 Гўзал боғлар, қорли тоғлар, меваларинг жуда мўл,
 Ҳар фаслда шодиёна тўйингни табриклайман,
 Кенг фазода янграб турган куйингни табриклайман.

Эй бебаҳо, эй муқаддас, севикли нурли диёр,
 Сенда чексиз баҳт-саодат, сенда тинчлик барқарор,
 Истиқболи тўлиб-тошган тонгларинг табриклайман
 Меҳнатингдан топган шараф-шонларинг табриклайман.

Механизаторға

Саҳар туриб, рулингни буриб,
Даладасан кузу, ёз, баҳор.
Пахтазорда тинмай от суреб,
Она юртда бўлдинг баҳтиёр.
Зангор кема капитанисан,
Кўзларингда ишқий бир сеҳр.

Сен Ватанинг жони-таницан,
Юрагингда дунёча меҳр.
Чигитдан баҳт кўкартирувчи
Афсонавий қаҳрамон — сенсан!
Ерни кўкка туташтирувчи
Ўзбек деган алп инсон — сенсан!

София Ҳайдарова

БАХТӢ ҚҮШИФИ

Мен — Момо ҳавоман, аёл меҳрини
Юлдузлар аршига кўтара олган,
Мисоли фаришта, бокира руҳни
Инсон юрагига олиб киролган.

Мен — Момо ҳавоман, дунё болалари
Шодлигига мудом олам бўлсин тинч.
Улар ер юзининг гўзал лолалари,
Бахтили ўссин улар, ғам кўрмасин ҳеч!

Мен — Момо ҳавоман, эрк қўшифини
Жаҳон осмонида куйлайман омон.
Жажжи болакайнинг варрак қўшини
Кафтимда қуёшга етказгум мудом!

Севии

Сен менга термилиб турасан,
Бўйсунмас руҳимга сиғиниб.
Менда иқболингни кўрасан,
Кўзларинг кулади севиниб.

Оҳудек сапчийди юрагим,
Кўксимни тўлдирар ҳаяжон.
Бир бўса — армонли тилагинг,
Ўртада — оқибат, ишқ, имон.

Юрагинг сирлари ечилар,
Сўйлайсан бокира ишқингни.
Хаёлим амрингга бўйсунар,
Бузасан менинг ҳам тинчимни...

Карши.

Маъсума Аҳмедова

БАЙРАМЛИК

ҲИКОЯ

Эрталаб Тошпўлат ака ишга кетаётганда хотини орқасидан жавраб қолди:

— Икки куннинг бирида ичиб юргунча, ана, май яқинлашяпти, болаларга лоақал кийим-кечак олсангиз-чи!

— Нима, болалар жуда ялангоч қолиб кетдими?! Бўпти, мана бугун оламиз-да, мояна тегса, — деб жавоб қайтарди у тезроқ қутулишга ҳаракат қилиб.

Кўм-кўк майса қоплаган қияликтан югуриб тушаркан, юқоридан хотинининг бақириғи қулогига чалинди:

— Ҳой, нима олишни биласизми ўзи? Исломга шапка, Шоирага кўйлак...

«...Шокирга ботинка, Аҳмадга майка, Раҳимга шим...» дея йўл-йўлак бармоқларини битта-битта бўкиб, санаб чиқди у.

Автобазада йигитлар, одатдагидек: «Бир-бир қилмаймизми, Тошпўлат ака?» дейинишган эди, кўнмади. «Аввал чурвақаларни бир хурсанд қиласайлик, кейин...» деди. «Э, сиз энди шундай десангиз, Тошпўлат ака, бошқалардан ёзда қор кутарканмиз-да», деб гина қилгандек бўлди Салим малла. «Майли, нима кутсанг — кутавер!» дея қўл силтаб, жўнаб қолди.

Маошни эринмай тахлаб, ҳамёнга жойлади-да, магазинга йўл олди.

«Исломга ботинка, Аҳмадга кўйлак, Шоирага майка... Ия, Шоира нима қиласади майкани?..»

Магазинда бирорта ҳам харидор кўринмасди. Шундоққина эшик рўпарасидаги пештахтага тирсакларини тираб, пешонасига қўлларини қўйган кўйи қошлари туаш, кўзлари серкиприк қиз мудраб ўтирас эди. Нозик бармоқларини қўш узуклар безаган.

— Мамлакат!

Тошпўлат аканинг овози гулдираб чиқдими, сотувчи чўчиб боши-

ни күттарди. Уйқули қўзларида бир лаҳза қўрқувга ўхшаш ифода акс этди.

— Күёв бола дейман, жуда, а?.. — Тошпўлат ака теварагига разм солганча яйраб кулди.

Мамлакат қўзларини ишқалади, оғзини кафти билан тўсиб, ҳомуза тортди.

— Одам ҳам шунчалик қилифи совуқ бўладими? — деди қовоғини уйиб, бўғиқ овозда. — Шунча ваҳимангизга яраша нима оласиз?

Тошпўлат ака турли-туман матолару газламалардан тортиб, тахтачой, қанд-қурс, гуручу ёғ, аёлларнинг ич кийимларию болалар шиппаги, эркаклар пальтосиғача қалашган қаторларни бирма-бир кўздан кечирди. «Нима олмоқчи эди? Ҳа, Исломга шапка, Шоирага кўйлак, Комилга... Э, бошвоғингни йўқотиб қўйишинг ҳеч гапмас!»

Нигоҳи яна шифтдан полгача буюм тахланган товчаларни кезиб чиқди. Бирдан энг баланд қатор тепасида, ялтироқ қофозга ўралган новвотранг матога кўзи тушди. «Ялтироқ қофозга ўраб қўйибдики — зўр! — деб ўйлади қизиқсиниб тикиларкан. — Энди буни, бели қилдек, «пух» деса, учиб кетадиган нозанинлар кийса керак-да».

— Олмайсизми оладиганингизни?! — деди сотувчи энсаси қотиб. — Олмайдиган нарсага намунча тикиласиз?

«Нега бақиряпти? Ҳудди катта аммасидан бу дўконни мерос олгандек хўжайнлиги оламини бузади? Шуни айтадилар-да, бойникини бойтеват қизғонади, деб!»

Тошпўлат ака хўмрайиб, бармоғини бигиз қилди:

— Ол, кўрсат матоҳингни!

Сотувчи пештахта ортида қимирламай, қўзларини унга қадаб турарди. Тошпўлат ака унинг кўзларида калаканамо илжайишни сезиб, баттар тувақиб кетди:

— Нима деяпман, ол!

— Бақирманг! — Мамлакат жойидан қимирламай жавоб қилди. — Кеннайим олдига солиб қувламасин.

— Нега қувлар экан? Жон-жон десин!

Сотувчи эринибгина стулга чиқди. Газчўп билан матони берироқ суреб, тепадан базўр пастига туширди-да, шахд билан пештахтага ташлади.

Тошпўлат ака йўғон бармоқларини шоша-пиша газлама тўпи ичига сукди. «Мато деган ҳам шунаقا юпқа бўладими? Хотини уҳ деса, эт кўринадиган юпқа нарсаларни киймаганига, эҳҳе, қанча бўп кефди-ю! Бунаقا нарсаларнинг ҳеч кераги йўқ унга. Болалар билан кия оладими буни? Қоматиям ўзи... — Унинг негадир кулгиси қистади. — Ҳа, майли, бўлар иш бўлди. Битта паранг кўйлакка арзимаптими? Чурвакалар билан қийналиб кетди».

— Бер! — деди Тошпўлат ака қатъий. — Улча! Тўрт метр!

— Нархини биласизми ўзи? — деди сотувчи писандада қилгандек. — Иннайкейин эни бир метру қирқ сантиметр. Шунчани нима қилмоқчиз? Ўн етти сўм олтмиш тийиндан... — У шарақлатиб чўт қоқа бошлади?

«Ўн етти сўм олтмиш тийин! Бир метрининг пулига битта арzonгаров костюм олиш мумкин. Эни-чи, ўзиям шу ердан чойхонагача боради-ёв!» Тошпўлат ака бир қарорга келиб:

— Уч метр! Уч метр ўлча! — деди.

Сотувчи харидорга кўз қирини ташлай-ташлай, эрмак қилаётгандек матони ўлчаб, бир парча қофозга ўради-да, унга тутқазди.

— Яна нима?

«Яна нима? Хўши, Шокирга кўк шапка, Исломга шим, Аҳмадга ботинка. Адашиб кетдим-ов...»

— Битта кўк шапка! — деди баланд овозда.

— Размери?

— Размерими? Тўртингчи синфда ўқийди ўзи.

Мамлакат шапкани топиб, пештахтага ташлади.

— Яна?

— Тўртта кўйлак, ўғил болаларницидан. Битта чиройлигидан бўлсин, қиз болаларницидан. Иккита иштон, битта ботинка.

Сотувчи бир талай қилиб ҳаммасини пештахтага уйди.

— Тўртта кўйлак, тўртта шим, иккита майка, шапка, битта ботинка. Хўп, жами қирқ олти сўму қирқ тийин.

Тошпўлат ака харидини қўлтиқлаганича уйига йўл олди.

«Ия, бу ёғи қизиқ бўлди-ку!..»

Мамлакат кўйлаклик матони берди-ю, ҳисобни эсидан чиқарди. Шунақаям иш қиласими одам, келиб-келиб шунча ҳашмаша бўлган нарсани ҳисоблашни унутса-я! Ўн етти сўм олтмиш тийиндан, ў-ҳў, салкам эллик тўрт сўм бўларкан! Вой-бў, шунча пулга алданибди-я! Қайтсаммикан? — У бир дақиқача иккиланиб орқасига қаради. — Булар ҳиссасини чиқарволади одамлардан! Анув Тошмат дегани бўларди. Ўзиям беш йилда товонигача битиб кетса-я. Ҳар келгандан икки тийиндан ўмарганда ҳам ҳақини беш кунда чиқаради ҳали!»

Шундоқ кўчасига қайрилиша катта, усти очиқ машина турар, настда кимдир чийиллатиб сурнай чаларди. «Бешик тўйи эмиш, одамларнинг иши йўқ. Сурнайчининг нима кераги бор экан, ҳайронсан», деб ўйлаб, энсаси қотиб, қияликка кўтарилиди.

«Бирорга жавр бўлди-да, эллик тўрт сўм-а, бу деган савилга озмунча нарса келармиди? Э, шуниям ўйлаб ўтирибдими? Улар учун бу пул — пул бўлибдими? Ҳар битта нарсага ўн тийиндан қўйгандаям... Ўзи хотини ҳисобда йўқ эди», шундай деб ўзини юпатганча уйга кириб келди.

Аҳмад, Ислом, Шокир, Раҳим, Шоира, ана, Комилгача эмаклаб унга пешвоз югуриб келишди. Пешайвонни чангитиб супураётган хотини супургини «тап» этиб ерга ташлади.

У шолчага ёнбошлаганича ҳамманинг тегишини бирма-бир улаша бошлади: Шокирга ботинка, Исломга майка, Аҳмадга кўйлак... Шоира-гаям...

— Бу сенга, — матони хотини томон секин сурди.

Хотини ичидан уни чиқмай жимиб қолди. Матога худди бирорни-кайдай қўл теккисса, кўйдирадигандай тикилиб қолди.

Уни ҳам эслаб байрамлик олиб келмаганига қанча пайтлар бўлиб кетди-ю! Тўғри, бир нарса олиб беринг, деса, эри ҳеч қачон йўқ демайди, лекин ўзича қаторга қўшиб, эслашининг йўриғи бошқа экан. Хотиннинг ўпкасига нақд ҳандалакдек нарса тикилиб қолгандай бўлди.

— Ёқмадими? — деди у хотинидан кўзини узмай. — Мамлакат айтувди ўзи, оборсангиз кеннайим олдига солиб қувлади, деб. — Сотувчини тилга олиши билан юраги бирдан орқага тортиди. — Мана ушлаб кўр, ўн йил кийсанг ҳам қилт этиб йиртилса, йигит ўлай!

— Вой... — деди хотини деярли шивирлаб. Унинг кўзлари намланиб турарди. — Нега ёқмас экан, сиз опкеласиз-у, ёқмайдими?

Негалигига сира ақли етмади-ю, хотинининг шу гапидан кейин у ўзининг титраб кетганини ҳис қилди. Бундай сўзларни эшитмаганига қанча йиллар бўлиб кетди. Эҳ-ҳ...

— Ўзиям японларники экан! — деди Тошпўлат ака завқини ичига сифдиролмай баланд овозда. — Мамлакат айтди, эниям нақ икки метрча келаркан.

«Ё тавба!.. Мен нима қилиб қўйдим-а! Эллик... эллик тўрт сўм!
Эллик тўрт сўм-а... Йў-ўқ!» У бирдан иргиб ўрнидан турди. Матони хотинининг қўлидан шартта олиб, қофозга ўради. Исломдан шапкани, Шоира билан Аҳмаддан кўйлакни, Комилу Шокирдан ботинкаю май-каларни юлқиб олди-да, қўлтиғига қисди.

— Вой, бу нима қилганингиз? — деб сўради хотини ранги қув ўчиб.
— Ҳозир, ҳозир...

Магазинга қайтиб келса, тушлик пайти экан. Аниқ билади: Мамлакат магазиннинг ўзида овқатланади.

Эшик дастасини жон-жаҳди билан тортди, кейин илгакни тақирилата бошлади.

— Нима дейсиз? — Деразадан Мамлакатнинг нафис зар рўмоли, қоп-қора қошларию серкиприк кўзлари кўринди. — Ҳозир тушлик-ку, ахир!

— Оч, оч! — дея бақирди у сабри чидамай.

Унинг авзойидан чўчибми, сотувчи калитни узоқ шиқирлатиб, эшикни очди:

— Кайтиб опкеласиз, девдим-а... — деди ҳафсаласи пир бўлиб.

— Йўқ, мана! — Тошпўлат ака ҳансираб, тез-тез нафас оларкан, қўлидаги нарсаларни пештахтага сочиб юборди.

Қўз қўрқа-писа пештахтага яқинлашиб:

— Тинчликми? — деди.

— Менга сенинг бир тийин ҳам ҳаққинг керакмас, болаларим билан тинч ўтирай, ҳа... — Тошпўлат ака қўлларини орқасига қўйганча тап-туп қадам ташлаб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. — Нотўғри ҳисоблабсан-ку! Мана буни, — у кийимликни кафти билан аста уриб қўйди, — эсингдан чиқарибсан.

Мамлакат шоша-пиша чўт қоқа бошлади:

— Уч метр материал ўн етти сўм олтмиш тийиндан эллик уч сўму саксон тийин. Бояги қирқ олти сўм қирқ тийинга буни қўшсак, юз сўм йигирма тийин...

Тошпўлат ака киссасидан пул чиқариб, эллик тўрт сўм санаб, сотувчига узатаркан:

— Қайтими керакмас, — деди.

— Олинг, Тошпўлат ака! — Мамлакат миннатдорчилигини қандай изҳор қилишни билмай ўнғайсизланётгани шундоқ сезилиб турарди — Қандоқ инсофли одам экансиз-а! Илоё болаларингизнинг роҳатини кўринг...

У байрамлик харидни маҳкам қўлтиқлаб, ташқарига чиқди.

Кўчани кесиб ўтиб, маҳалласига буриларкан, хотин-халаж тўла машина йўлини тўсди. Хотинларнинг ўртасида лунжини шиширганча сурнай чалаётган йигитга қараб қичқирди:

— Авжини баландроқ ол-эй, сурнайчи!

Насиба Нурмуҳаммедова

ДУГОНАМГА

Бир баҳорки, тенги йўқ, зебо,
Кўз ўнгимда — жилвали олам.
Шийонида ўлтириб танҳо
Ўсма қўяр эди дугонам.
Ейилмасин дея авайлаб,
Тебратарди гоҳида бошин.
Оҳ, қанчалар ярашимши унга,
Ҳавас қилдим ўсмали қошин.
Майли, ўсма қўйиб навлрўзда
Учрашувга чиқсин дугонам,
Қошларини кўриб, севинсин,
Висолини кутган йигит ҳам.
Дугонажон, учрашувдан сўнг
Шу сўзларим магзини бир еч.
Ўсма қўйиб тебрату бошинг,
Афсуслардан тебратмагил ҳеч!..

Бепарво ўтдим

Не учун севилдим, севмасам агар,
Не учун юрагинг ўртаб ўтдим мен.
Қувноқ кўзларингни ғамгин кўрсам ҳам
Ҳолингни сўрамай ўтиб кетдим мен.
Бесабр шамолдек тўлғанар фикрим,
Хаёл оғушида маст бўламан, маст.
Негадир бу қалбим йиглайди унсиз,
Эҳтимол кимгадир қўйганман ҳавас...
Не учун севилдим, севмасам агар,
Не учун юрагинг ўртаб ўтдим мен.
Бу сафар юзингни сўлғин кўрсам ҳам
Негадир бепарво ўтиб кетдим мен.

Нега бердим дилингга озор,
 Нечун күзларингни ёшиладим.
 Юрагимда ниш урган ишқуни
 Наҳотки мен юлиб ташладим?!
 Ишонмайман ўзимга ўзим,
 Полман фақат, полман қаршингда.
 Ўй босади... тилайман тўзим.
 Ҳаммаси бор зил қаршингда...
 Йиллар ўтар, баҳорлар ўтар,
 Ўз бахтингни топарсан шунда.
 Лекин сени ранжитган қизни
 Эсламассан у баҳти кунда...

Маҳбуба Ҳамроева

ВАЖИХА

Қуёш шалоласи сочади инжу,
 Кўзларимда ўйнаб югурад севинч.
 Энтикиб мен сендан ичгандим ёғду.
 Ватаним, энди сен ҳовучимдан ич.

Аллаладинг оппоқ қўшиқлар билан
 Менинг беланчагим қуёшга осиб.
 Улғайдим, қояга кўтарилараман,
 Сени меҳр билан бағримга босиб.

Жамила Охунова

ҚУЁШ БОР

Фалакда қуёш бор — гўзалдир олам,
 Қуёш бор, яшаш бор — ҳаёт фусункор.
 Қуёш бор, шунинг-чун мавжуддир одам,
 Қуёшга сигинсам арзийди минг бор.

Сенинг кўзларингда ўтли қуёш бор,
 Шу қуёш туфайли очаман чирой.
 Шу қуёш туфайли қалбимда баҳор,
 Шу қуёш туфайли кезар тўлин ой.



*Шу қүёши бўлмаса на баҳорим бор,
На ёзим, на кузим, на қарорим бор,
Қўлимда жарангдор ва на торим бор,
Фақат шу Күёшга қалбда зорим бор!*

*Сенинг кўзларингда ўтли қүёш бор,
Шу қүёши туфайли қалбимда баҳор!..*

Жамила Харасова

БИР ШЕ҆Р ЁЗАЙ

Бир шеър ёзай...

*Гўдакнинг бегубор кулгуларин яширай унга,
Ошиқнинг энг нозик туйгуларин яширай унга.
Ўтиб кетар ўткинчи елларга оғуш очмаган,
Мұхаббат гулининг мангуларин яширай унга.*

Бир шеър ёзай...

*Ким ишқнинг қадрин билмаса зорлатиб қўяйин мен,
Сўнг қалбига армон солиб чорлатиб қўяйин мен.
Қилмаса гар у ҳаётда мұхаббатга хиёнат,
Бахт қуёшин боши узра порлатиб қўяйин мен!..*

Тошкент.



Георгий Марков

СИБИРЬ

Ҳасан ТҮРАБЕКОВ
таржимаси

РОМАН

ТҮРТИНЧИ БОБ

1

А кимовни Петрограддагидан ҳам кўра кўпроқ Стокгольмда кутишмоқда эди. Тараққий топган бу порт шаҳарнинг тор кўчаларидан бирида кекса рус профессори Венедикт Петрович Лихачев истиқомат қиласади.

Профессор Лихачев умрининг эллик йилини Россиянинг Урал чўқиляридан шарқ ва шимол томонга қараб чўзилиб кетган кенгликларини ўрганишга бағишилаган эди. Ўз вақтида Лихачев Петербург кончилик институтини зўр муваффақият билан тутатиб, сўнгра энг йирик немис профессорлари ва инженерларидан металл эритиш ҳамда кон қидирув ишлари бўйича сабоқ олиш мақсадида беш йил Германияда яшаган эди. Гоҳ Россия академияси, гоҳ Россия географик жамияти, кўп ўринларда эса сибирлик олтин саноатининг хўжайинлари ўюштирган экспедициялар билан Лихачев Енисей, Обь, Иртиш ва мана шу буёк дарёларнинг беҳисоб ирмоқлари соҳилларини ипидан-игнасигача ўрганиб чиқди.

Лихачев деярли ҳар йили экспедицияга отланиб, илгари одам оёғи етмаган жойларгача кириб борарди.

Ёши бир жойга етиб қолганида Лихачев илм-фан учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган, улкан ва нодир манбаларни бир жойга

¹ Давоми. Боши журналнинг 2-сонида.

жамлаб қўйган эди. Экспедициялардаги ишлари натижасида юзага келган баъзи кузатувларини Лихачев Томск дорилфунунинг илмий ишлари мажмуаларида эълон қилдирди.

Лихачев топиб келган ўлка геологияси ва минералогияси ҳамда этнографияси ва археологиясига доир кўпгина экспонатлар Сибирдаги биринчи дорилфунун коллекцияларидан муносиб ўрин эгаллади. Профессорнинг илмий қизиқишлари ўсимликлар дунёсини ҳам ўз ичига оларди. У Сибирь табиатининг баъзи кўринишларини таърифлаб берибина қолмай, балки дорилфунун гербарииси ва ботаника боғига айрим намуналар ҳам келтириб, бу соҳада ҳам илм-фанга ўз ҳиссасини қўшган эди.

Кўп йиллик илмий фаолияти ва улкан истеъоди Лихачевни атоқли олимлар қаторига қўшиб қўйганди.

Лихачев Ломоносовнинг ҳамюрти бўлиб, шимолни яхши кўрарди ва шу боисдан ҳам Сибирга тезда кўнишиб кетганди. Агар сиёsat билан боғлиқ бўлган баъзи муаммолар бўлмаганида, профессор бу ерларни сира ҳам тарк этмаган бўларди. Ҳар гал университетда тартибларни бирмунча эркинлаштириш — ўқув ишларига ўзгариш киритиш, олимларнинг ижтимоий вазифасини кучайтириш учун ҳаракат бошланганида,— Лихачев кескин ўзгаришларни талаб қилувчилар тарафини олиб чиқарди. Томск дорилфунуни ташкил этилганинг биринчи йили ёки у ректор ўрнатган файри демократик тартибларга қарши студентлар стачкасини қўллаб-қувватлаганди. Маориф соҳасида энг реакцион қарашларнинг тарафдори бўлмиш ректор қуруқ академизмни рағбатлантириб, ҳар қандай эрқин фикрга қарши уруш эълон қилганди. Профессорлардан у фақат ўқитувчи бўлишни талаб қиласар, студентларни эса ҳар жиҳатдан тергайвериб, турли шубҳа-гумонлар билан жон-холларига қўймасди. Лихачев ректорнинг бу тутган йўлини маъқул кўрмас ва уни қўллаб-қувватлашни истамасди. Ҳамма жойда у студентларнинг мустақилликка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқар, уларни илмий ақидаларга танқидий муносабатда бўлишга ўргатар, уларнинг дилида ижтимоий ҳаракатта қизиқиш уйғотарди.

Бир куни ректор билан округ маориф бўлимининг нозири — бу одам ўз қарашларининг реакционлиги билан ректордан ҳам ўтиб тушарди — соҳил томон чўзилиб кетган кенг қияликтаги сўқмоқларда сайд қилиб юришган эди. Шу тобда икковининг ҳам кайфияти тинч ва осойишта эди: ўқув йили тугаб бораётган бўлиб, худога минг қатла шукрим, биронта жиддийроқ тартиббузар воқеалар содир бўлмаганди. Бу орада эса Петербург, Москва, Қозон, Юрьевлардан аудиторияларда студентларнинг мажлис ва митинглари бўлиб ўтгани ҳақида хабарлар келиб турганди. Бу йиғинларда дорилфунулардаги тартиблар танқид қилинибгина қолмай, ундан ҳам ташвишлироқ гаплар тилга олинганди: ҳукумат сиёсати қораланиб, император олий ҳазратлари тож-тахтининг муқаддаслигига шубҳа билдирилган эди. Сибирнинг совуқ ўлкаларига ушбу тўс-тўполонлар ҳартугул етиб келмади. Ректор билан округ маориф бўлимининг нозири бу осойишталикни ўз саъй-ҳаракатларининг натижаси деб билардилар. Студентларнинг тийиксиз тўполонлари йўлига ўз вақтида ва катта маҳорат билан шундай бир ғов қўйилдики, тартибсизликларнинг мудҳиши тўлқинлари ушбу ғовга урилиб, чилпарчин бўлди-қўйди. Ҳа, шундай бўлганди ва худо хоҳласа, келажакда ҳам шундай бўлаверади.

Шу пайт бирдан дарахтзор ичидан ректор билан нозирнинг қулоғига студентлар орасида кенг тарқалган «Ўша йироқ, йироқ ўлкадан» қўшиғининг таниш оҳангиги чалинди.

— Кўнгил очишаپти! — деди ҳомийларча бир хушфеъллик билан ректор.

— Ҳа, ёшликтин олтии даври бу,— дея илжайди нозир.

Улар яна бир неча қадам юришиди-да, кейин бирдан таққа тўхтаб қолишиди. Қўшиқнинг оҳангига таниш бўлса-да, маънодор сўзлари мутлақо янги эди:

Ишонч ўти ёнар сийнада...
Енисейдан, Бийдан, Ленадан,
Эркни дея, меҳнатни дея,
Ҳаёт, нурли ҳаётни дея
Тўпланишдик, дўстлар, бу ерга!..
Лабда кулгу, эслаймиз хандон
Байкални ҳам, Олтойни бу он,
Бутун юртга йўллабон салом,
Қўшилингиз бизга дўст-ёрон
Деб чорлаймиз, хулласи калом.
Бунда барча тенгҳуқуқ ўртоқ,
Жарангласин алёр ушбу чок,
Сибирь учун биринчи қадаҳ —
Шукухидан дилларда фараҳ!
Иккинчисин олдик ҳалқ учун,
«Олға!» деган сўз учун бутун!'

Қўшиқ ҳадеганда тинай демасди. Ёшлар янгроқ товуш-ла қўшиқни охиригача айтиб бўлишгач, уни қайтадан бошлашмоқда эди. Қўшиқ он сайин қучга кириб, қўшиқчилар уни борган сари берилиб, эҳтирос билан кўйлашмоқда эди.

— Ҳали шунақами... «Эркни дея, меҳнатни дея»... «Бунда барча тенгҳуқуқ ўртоқ»... — дея лаблари гезарип шивирларди ректор нозирга олазарак бўлиб қарап экан.

— Университетимизнинг шаънига доғ туширади ахир бундай бемаза қўшиқлар! — деди хитоб қилиб нозир ва ҳали баҳор ёмғиридан қуриб улгурмаган ердан юрганича ўзини бутазор ичига урди.

Ректор унинг ортидан югурди.

Бир неча дақиқа ичидаги улар ҳаяжонланиб турган студентларга лиқ тўла ялангликка етиб боришиди-ю, у ердаги манзарани кўриб, оғзилари очилиб қолди. Не кўзлари билан кўрсинларки, студентлар хорига профессор Венедикт Лихачев раҳбарлик қилмоқда эди.

— Қани, биродарлар, кўпроқ шижоат, кўпроқ ҳужумкорлик билан айтинглар, токи бўлажак ўзгаришлар руҳидан деворлар титрасин! — дея кўрсатма берарди қўшиқчиларга профессор, қўлларини шаҳдам қимиirlатар экан. Студентлар ҳам, профессор ҳам қўшиққа шу қадар берилиб кетишган эдики, ректор билан нозирнинг пайдо бўлганини ҳатто сезмай ҳам қолишиди.

— Жаноблар! Жаноблар! Тарқалишингизни сўрайман! Фаҳмлашимча, бу янги қўшиғингизда сизлар на худони, на подшоҳни эсга оляпсизлар... Уялсангиз бўларди. Венедикт Петрович, ёшларни йўлдан урятпиз ахир! — Ректор чинқириб сўзламоқда эди. Унинг оппоқ, лўппи юзлари бўғриқиб, қисилган қовоқлари орасидан баджаҳл кўзлари устаранинг ўткир тифи янглиғ ялтираб турарди.

Лихачев ректорнинг товушини эшишиб, улар томон ўғирилди-да, ажабланганидан экспедицияларда ишлайвериб қадоқ бўлиб кетган қўлларини икки ёққа ёйиб, елкасини қисди.

— Маъзур тутасиз, жаноб ректор! Қўшиқнинг ҳеч қандай айбситадиган жойи йўқ-ку! Унда фақат ўз ватанинга фойда келтириш истаги изҳор қилингапти, холос. Ёшлар студентларнинг баҳор байрамини ўз қўшиқлари билан нишонлашмоқчи эди. Бунинг нимаси гуноҳ экан?!

— Тақиқлайман ва император олий ҳазратлари томонидан мёнга берилган ваколатга биноан тарқалмоғингизни буюраман! — дея чин-

¹ Шеърларни шоир Муҳаммад Али таржима қилган.

қирди ректор Наполеонга ўхшаб қўлларини кўксидা қовуштирганича гўдайр экан.

— Ҳа-ҳа, дарҳол тарқалинглар, — дея депсиниб ректорнинг гапини тасдиқлади нозир. — Сиз ҳақингизда эса, профессор, яқин соатлар ичida алоҳида гаплашамиз.

Нозир кўзойнаги тагидан Лихачевга ўқрайиб тикилар экан, малла мўйлови остидаги лаблари ғазабининг зўридан пир-пир учib турарди. Лихачев эса хахолаб кулмоқда эди. У жингалак сарғиши сочлари қалин ўсган катта бошини орқага ташлаб, чорпаҳилдан келган бутун гавдаси билан силкинганича хандон ташлаб куларди.

Студентлар индамай туришарди. Аммо шу пайт оломон ичидан кимдир шўхлик билан хуштак чалиб юборди.

Ректор билан нозир шу заҳотиёқ жуфтакни ростлаш лозимлигини тушуниб қолишиди. Улар иккича қадам орқаларига тисарилишида-да, қандай секин пайдо бўлишган бўлса, худди шу зайлда қайнизорга кириб кўздан йўқолишиди. Уларнинг ортидан эса худди ўчакишгандек, ёшларнинг жарангдор овозлари эшитилиб турарди:

Эркни дея, меҳнатни дея,
Ҳаёт, нурли ҳаётни дея
Тўпланишдик, дўстлар, бу ерга!..

2

Эртаси куни профессор Лихачев ўз ҳамкаслари суди олдида ҳозир бўлди. Мажлис ректорнинг кабинетида ўтмоқда эди. Эшиклар тақа-тақ беркитилган бўлиб, қабулхонага кираверишдаги эшикни дорилфунун қоровули қўриқлаб турарди.

Лихачевнинг ҳамкаслари қовоқларини солиб, бошларини қўйи эгганларича ректор билан ўқув бўлими нозирининг панд-насиҳатларини тинглаб ўтиришарди. Профессор Лихачевнинг хулқ-атвори унинг ҳамкаслари дидига унча ўтиришмай турарди. Шундай кўзга кўринган профессор хорда қўшиқ айтиб юрса-я! Биласизми, нари борса енгилтаклик дейишиди бунинг отини... Лекин бу иши шунчалик гуноҳ эканми? Маълумки, ишқибозлик айб эмас. Хўш, уларнинг ўзлари-чи, ҳеч нарсага ишқибоз эмасмилар? Бирор рулеткани ўлгудай яхши кўради, бошқаси деярли ҳамма вақтини қартабозлик билан ўтказади, бошқа бирор эса, черков ибодатларига қатнаб юриб кўнгил очади. Масалан, илоҳиёт профессорини олинг, у отларни яхши кўради. У катта йўл четида жойлашган татарларга от сотади ва бундай ишда ортиларажи муқаррар бўлган мўмайгина фойдадан сира ҳам ҳазар қилмайди...

Лихачевни суд қилиш ҳали авжига чиқиб улгурмасданоқ кабинетга жандармлар бошқармасининг бошлиғи отилиб кирди.

— Зоти олийлари, жаноб ректор, томингиз ёнепти ахир! — дея бўкирди полковник кутилмаганда бостириб киргани учун кечирим сўрашни ҳатто хаёлига ҳам келтирмай.

— Бу гапингиз билан нима демоқчисиз, жаноби олийлари? — ранги оппоқ оқариб крёслодан турар экан сўради ректор.

— Студентларнинг боз аудиториянинг эшигини бузиб, митинг қилишяпти!..

— Алоҳа бизгача ҳам етиб келибди-да! — дея хитоб қилди нозир столга мушт урар экан.— Қўриб қўйинг ўша бегуноҳ қўшиқларингизнинг оқибати нима бўлишини, жаноб профессор! Европадаги барча революциялар ана шунаقا арзимас нарсалар билан бошланган, аммо қон билан, ҳа, қон тўкиш билан тугаган!

Ректор муқаррар яқинлашиб келаётган даҳшатли воқеаларнинг

олдини олмоқ учун нима қиларини билмай ўзининг узун столи ортида тиричилаб туарди.

— Хўш, нега сусткашлик қиляпсиз, зоти олийлари? — деди жандармлар бошқармасининг бошлиғи.

Қўрқувнинг зўридан саросимага тушган ректор унга илтижо билан тикилди.

— Хўп, нима қилгин дейсиз? — дея сўради у товуши қалтираб.

— Профессор Лихачевни аудиторияга юборинг. У студентларга ҳеч ким уни қамоқча олмоқчи эмаслигини ва ҳеч кимнинг уни ишдан бўшатиш нияти йўқлигини айтиб қўйсин.

— Боринг, Венедикт Петрович! — Ректор қўлларини қовуштириб, Лихачевга хушомад билан тикилди.

— Бора қолинг, Венедикт Петрович, бўлмасам анови тентаклар лабораторияларга бостириб кириб, ҳаммаёқни яксон қилишади! Илтинос, тезроқ боринг! — Маориф бўлими нозирининг товуши энди бошқача бўлиб, майнингина эшитилмоқда эди.

— Майли, мен бораман. Лекин огоҳлантириб қўяй: агар студентлар университетимиздаги ижтимоий муҳитни ўзгартириш ҳақида талаб қўйгувдек бўлсалар, бунга қарши бир оғиз ҳам сўз айтмайман. — Шундай дея Лихачев ўрнидан турди, бироқ ректор билан нозирга ўз шартидан зинҳор чекинмаслигини уқтириб қўймоқ учун дарҳол яна жойига ўтириди.

Шу пайт бирдан узун қоридорда кўплаб оёқларнинг тапир-тупири, фала-фовур товушлар эшитилди-ю, ректорнинг кабинетига студентлар делегацияси ёпирилиб кирди.

Она сути оғзидан кетмаган бу йигитчаларнинг шижоатини айтмайсизми! Уларнинг қарорлари худди пўлат шамширнинг тифи янглиф-кескир эди. «Биз талаб қиласиз!» «Бир қадам ҳам орқага чекинмаймиз!» «Илм-фаннынг эркин бўлишини, озод меҳнатни талаб этамиз! Бахт-саодат ватанга!»

Нозир жаҳл қилишга уриниб кўрди. У ер депсиниб, томирларни кўкариб кетган қўлларини мушт қилиб тугди-дә, дағ-даға қилмоқчи бўлди. Бироқ қарорни ўқиётган студентнинг товуши янада кескинроқ оҳангда жаранглай бошлади.

— Биз энди ортимиздан жосуслик қилишларига бир лаҳза ҳам тоқат қилмаймиз ва студентларнинг инсонлик қадр-қимматини поймол қилувчи турли чеклашга жон-жаҳдимиз билан қарши чиқамиз. Зоро, бу ишларнинг бари мамлакатимиздаги жаҳолатпарастларнинг кўнгли учун ва монарх томонидан халқнинг маърифат сари интилишини бўғиши ҳақидаги буйруққа биноан қилинният.

Ректор Лихачевга илтижо билан тикилиб туарди. Зоро, унинг дилига даҳшат солаётган бу ёш ва жарангдор товушни фақат ана шу Лихачевгина тўхтата оларди. Бироқ профессор парвойи фалак, хотиржам турар ва бу ҳам камлик қилгандек, унинг қарчифайникидек юмалоқ кўзларида қувлиқ, қандайдир бебошлик жилваланмоқда эди. Шу пайт ректорга бир лаҳза ҳозир профессор тамаки чекавериб сарғайиб кетган мўйлови остидаги катта оғзини очиб томоғидан:

Эркни дея, меҳнатни дея,
Ҳаёт, нурли ҳаётни дея
Тўпланишдик, дўстлар, бу ерга!..

дея қўшиқ отилиб чиқадигандек туюлди.

Ректор ўзининг бундай ваҳимага тушганини ҳамкасларига сез-дирмаслик учун миясида, худди шайтоннинг васвасаси каби ҳосил бўлган бу манзарадан қутулиш ниятида қўлинни қорни олдигача тушириб, аста чўқиниб олди. Аммо унинг кўнглига келганича бор экан.

Кутылмаганда охирги қаторда турган студентлардан бири баланд овоз билан қўшиқ бошлаб юборди:

Ишонч ўти ёнар сийнада,

Шу заҳоти дорилфунун йўлакхонасида турган студентлар бутун бинони гумбурлатиб, унга жўр бўлишиди:

Енисейдан, Бийдан, Ленадан,
Эркни дея, меҳнатни дея,
Ҳаёт, нурли ҳаётни дея
Тўпланишдик, дўстлар, бу ерга!

Ректор қия очиқ турган деразадан кираётган тоза ҳавога юзини тутиб, оғзини каппа-каппа очганича баланд суюнчирига икки бошли бургутнинг тасвири туширилган ўз креслосига шилқ этиб ўтириб қолди. Нозир оғзини очганича серрайиб турарди. Профессорлар қовоқларини солиб, индамай ўтиришарди. Лихачев эса пахмоқ бошини баланд кўтартганича, юзлари ёришиб, студент йигитларнинг кучли, жарангдор товушларига қулоқ солмоқда эди. Шу тобда бу қўшиқлардан дорилфунуннинг қалин фиштин деворлари ларзага келаётгандек туюларди...

3

Ҳамма гап ана шундан кейин бошланди. Дорилфунун бошлиқлари Лихачевни кўргани кўзлари йўқ эди, студентлар эса уни ниҳоятда яхши кўришарди. Лихачев ана шундай шароитда яшаб ишламоқда эди. Реакцион профессорлар унга қўл кўтармоқчи бўлганлари заҳоти дарҳол студентлар ғалаёнга келишарди. Улар Лихачевнинг ҳимояси учун ҳар қандай ишдан ҳам тап тортмасликлари аниқ эди. Ректор ҳам, нозир ҳам бунга сира шубҳа қилишмасди. Шу боисдан ҳам улар Лихачевнинг дорилфунунда ишлаши туфайли содир бўлаётган барча тартибсизликларга қараганда анча жиддийроқ фалокатни бошларига орттираслик учун ўлганларининг кунидан унга ён беришга мажбур бўлардилар.

Тўғри, Лихачевнинг феълида бир хусусият, аниқроғи, кучли бир ҳавас бор эдик, ректор ҳам, нозир ҳам ўз аҳволларини енгиллатмоқ учун ана шундан фойдаланишга ҳаракат қилишарди. Лихачев тиним билмас саёҳатчи эди. У ўн йиллик саёҳатлар тартибини олдинданоқ тузиб қўйганди. Шунинг учун ҳам бир экспедицияни тугатиши биланоқ бошқасига ҳозирлик кўра бошларди. Лихачевнинг душманлари, маълум бир муддатга бўлса-да, савлат тўкиб, тинчгина яшамоқ учун профессорни тупканинг тагига жўнатишга ҳам тайёр эдилар. Ректор бўлак заруратларга мўлжалланган маблағни қисқартирса ҳамки, экспедициялар учун пулни аямас, баъзида эса Петербургдан ва ҳатто катта сармояга эга бўлган боёнлардан қўшимча маблағ ҳам ундириб берарди.

Бироқ Лихачевни сафарга жўнатиб, бир неча ой осойишта ҳаётга эришган ректор ҳар бир янги экспедиция олимга, мажозан айтганда, погонига янги юлдуз келтираётганини маъюслик билан қайд қилмай иложи йўқ эди.

Экспедицияларнинг хulosалари фақат Томскдагина муҳокама қилинмай, Лихачев Петербургга ҳам бориб маърузалар қила бошлаған эди. Аввалига у ерда олимга ишонинқирамай қарашибди. Ўнинг маърузалари фақат Россия географик жамиятида тингланарди. Бу жамиятда эса сохта илм билан чинакам илмий кашфиётларнинг фарқига борадиган ақлли одамлар доим топилгувчи эди. Аммо чор ҳукумати томонидан ўз ерларининг шарқ ва шимол қисмидаги чекка жойларга қизиқиши кучайгани сайин Россия Фанлар академияси ҳам Лихачевнинг илмий

асарларига кўпроқ эътибор бера бошлади. Зеро, шу пайтга қадар Афандар академиясида Ломоносов руҳини бутунлай йўқ қилиш ҳали ҳеч кимнинг қўлидан келмаган эди. Бу руҳ гоҳ жала тагида қолган гулхан янглиғ сўёна бошлар, гоҳ ёмғир тиниб, шамол тургач, яна ўт олиб кетган ўша гулхан каби гуриллаб ёнарди.

Илмий муассасаларда ҳам энди Лихачевнинг гапига қулоқ соладиган бўлиб қолишганди. Шарқда турли корхоналар қуришга журъат этадиган корафта кишилар масаласига келсак, улар ўзларининг ўқимаганликлари ва маърифатга бўлган нафратларига қарамай, Лихачевнинг йўлига кўз тикиб юришар, ундан маслаҳат сўрашарди. Профессор ҳам улардан ёрдамини аямас, ҳатто энг қийин масалаларда ҳам керакли маслаҳатни берарди.

Ўша кезлари Лихачев айрим корхона эгаларига башорат қилиб айтган гапларни, турган гап, ҳеч ким ёзиб бермаган эди. Бу башоратлар Сибирнинг жуда кенг районларини ўз ичига қамраб оларди ва саноатчилар билан оддийгина суҳбат тариқасида қисқагина қилиб айтилган бўлса-да, Суворовнинг хабар ва буйруқлари каби ғоят мумкаммал бўларди.

— Олтинни қураб олишни истайсизми? Шундай олтин Сибирда бор. У Енисейнинг юқори оқимида, унинг ирмоқлари соҳилида сочилиб ётибди. Сўнгра бу олтинни сиз Ўтра Енисейдан ва Ангаранинг қўйи оқимидан қидиринг. Бойиб кетганингиздан кейин эса куч ва маблағингизни аямай шимоли-шарқ томонга боринг. Тома дарёсининг юқори оқимидағи соҳил темир ва тошкўмирга жуда бой. Агар Сибирь ўз темир йўли, ўз металига эга бўлишини истасангиз, ўша ёққа боринг, хато қилмайсиз.

Лихачев фойдали қазилмалардан бўлак соҳаларда ҳам жуда билимдон одам эди. У Сибирнинг дарё ва кўлларини ҳаммадан яхшироқ билар, улардан бутун-бутун йўл очиш режалари, йўналишларини тузиб чиқарди. Бу ўринда у Сибирнинг у бошидан-бу бошигача кезиб чиқкан сайёхларнинг тажрибасини ҳисобга олиб, поёнсиз кенгликларда энг қисқа ва энг қулай йўлларнинг режасини тузиб қўйганди.

— Катта кемалардан ташқари таги ясси қайиқлар ҳам қуриб, кичик дарёларнинг юқори оқимигача сузиб ўтинг. У ерда улкан бойликларга дуч келасиз, энг мұхими эса, бошқа катта дарёларга ўтиб оласиз ва катта йўлларни бир-бирига улаб, Россиянинг қоқ юрагидан энг чекка жойларгача йўл олган бўласиз.

Сибирнинг олтин кон эканлигини сезиб қолган рус заводчилари ҳам, англо-француздар саноатчилари ҳам Лихачевни ўзларига оғдириб олишга, ундан маслаҳатчи сифатида фойдаланишга урина бошлашди. «Бу китоб жинниси ердаги бойликни худди тайгадаги ҳайвонни исидан топган исковуч итдек, ҳидидан билади», дея мақтанишгувчи эди рус боёнлари инглиз ва француздарни банкирлари олдида.

Бироқ уни ажнабий корхоналарнинг манфаатига хизмат қилиш учун кўндиришга бўлган барча уринишларни Лихачев қатъян рад этарди.

— Гарчанд немисларнинг қўлида ўқиган бўлсам-да, лекин мәд бутунлай рус кишисиман. Хорижий пулнинг иси келадиган жойда менинг қиласар ишим ўйк.

Баъзида эса у бундан ҳам лўндароқ қилиб жавоб берарди:

— Қочинг йўлимдан. Мен Россиянинг гумаштаси ва илмнинг қулиман, холос!

Ёши етмишга тўлай деб қолганида Лихачевнинг дилида илму фаннинг маркази — академияга яқинроқ бўлиш истаги зўр келиб, у Петербургга кўчиб ўтди.

— Мен у ерга Сибирни унутиш учун кетаётганим йўқ, аксинча, унга илгаригидан ҳам кўпроқ хизмат қилиш учун жўнаяпман. Эсимни танибманки, қалбимда Михайло Ломоносовнинг: «Россиянинг куч-қудрати Сибирь орқали ўсади», деган сўзлари бонг янглиф жаранглаб келади.

Бу сўзларни Лихачев уни узоқ йўлга кузатгани Томск вокзалининг платформасига тўпланган студентлар тўдасига қарата вагон зинасидан туриб айтган эди.

Петербургдаги ҳаёт биринчи кунданоқ у ўйлаганидан бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Лихачев нарсаларини профессорлар яшайдиган катта квартирага жойлаштириб ва шалоқ вагонда узоқ йўл юриб келганидан сўнг мириқиб ухлаб олишга улгурмасданоқ пойтахтни мудҳиш бир хабар ларзага солди: кайзер Вильгельм Россияга тўсатдан уруш эълон қилган эди.

Бу янгиликни Лихачевга ҳаллослаб югуриб келган студент Вания Акимов хабар қилди. Политехника институтининг сўнгги курс студенти бўлмиш бу йигит Лихачевнинг узоқ қариндоши бўларди. У профессорнинг эрта ўлиб кетган хотинига холавачча бўлмиш аёлнинг ўғли эди.

— Пойтахтга машъум бир соатда келибман, Вания. Агар Томскда жойимни бошқа профессор эгаллаган бўлмаганида, у ерга жон-жон деб қайтган бўлардим. Ватанимизнинг илму фан билан шуғулланишга вақти бўлармиди дейсан энди.

Лихачев гангид қолган эди. У хонада уёқдан-буёққа ҳаккалаб юрар, экспедицияларда йигилган ноёб манбалар, кундаликлар, хариталар, ажойиб доҳиёна башоратлар айтиларажак мақолаларнинг хомаки лойиҳалари тўпланган той-той қофозлар олдига бориб, тўхтаб қоларди.

Вания Лихачевдан уч марта ёш эди, лекин уларнинг дўстлигига баъзи тенгдошлар ҳам ҳавас қиласа арзирди. Лихачев Ванияни икки марта ўзи билан экспедицияга олиб борган бўлиб, унга тирикчилик учун мунтазам пул юборар ва ўз фикр-туйғуларини яширмай хат ёзиб турарди. Уларнинг дўстлашувига аввало илмий қизиқишлигининг умумийлиги сабаб бўлганди. Тўғри, Вания Лихачевнинг кенг пешонали хум калласига жо бўлган билимнинг юздан бирини ҳам билмасди, лекин у илму фанни севар, рус ва хорижий олимлар эришган барча ютуқлар билан яхшилаб танишиб чиқиши истарди.

Лихачевга топиб келган хабаридан Ваниянинг ўзи мутлақо ташвишга тушмаган эди. У жуда ҳаяжонланган бўлиб, қўй кўзлари ёшларга хос ҳали сарфлаб улгурилмаган файрат-шижоатдан чақнаб турарди.

— Бу дейман, Вания ватанимизнинг бошига тушган бундай фалокатдан хурсанд кўринасанми? — дея сўради Лихачев жиянининг бундай хурсандчилигини маъқулламаган оҳангда.

— Нималар деяпсиз, Венедикт Петрович! Уруш — бу жуда катта оғат! Ким ҳам хурсанд бўларди урушга?! — хитоб қилди Вания қандайдир алоҳида ҳаяжон билан. Лекин Вания қанчалик инкор этмасин, унинг товушида севинч бўлмаган тақдирда ҳам, йўқ деганда, тетиклик ва завқ-шавқ сезилиб турарди.

— Ҳар қалай нимадандир хурсандсан. Ҳа, хурсандсан! Башарангдан кўриб турибман-ку, ахир, — энди очиқ-ойдин таъна қилиб деди Лихачев.

— Ҳа, чиндан ҳам негадир жуда безовтаман, — дея тан олди Вания.

— Эҳтимол жанг майдонида жасорат кўрсатишни орзу қиласётгандирсан? Фронтга бормоқчимисан? — сўради Лихачев йигитга диққат билан разм солар экан.

— Йўқ, Венедикт Петрович! Менинг ёзмиш имкон мутлақо бошқа! — деди Вания сира ҳам иккиланмай.

— Хўш, нима экан сенинг ёзмишинг? Севгими? — дея қўлларини икки ёққа ёзид сўради Лихачев.

— Сизга имон келтиргандек, бор гапни айтиб қўя қолай: урушнинг оқибатида революция бўлади. Мен эсам революция учун туғилганман. Ҳаяжонланаётганинг боиси ҳам ана шунда. — Вания қаддиди ростлаб ўз сўзлари учун жавоб беришга тайёр ҳолда, олимга қатъият билан тикилди.

— Ҳали шунақа дегин, — дея хитоб қилди Лихачев. — Сени шунақа... Робеспьер деб ўйламагандим сира.

Олим, чамаси, жилмаймоқчи бўлди-ю, бироқ жилмая олмади. Аксинча, юзи жиддийлашиб, катта-катта кўзларида ташвиш пайдо бўлди. Вания унинг хаёлидан ҳозир нелар кечаетганини осонгина фаҳмлаб олди: «Революция учун туғилганман дегин... Лекин революциянинг нима эканлигини биласанми ўзинг? Буни сен ҳам, мен ҳам билмаймиз».

— Уруш чоризмни мұқаррар равишда портлатиб юборади. Зоро, уруш халқа келтиражак барча азоб-уқубатлардан қутулишнинг ягона чораси революция бўлиб қолади. Ишчилар синфи ана шу синовларда тобланиб, ўзининг мамлакатни социал эркинлик йўлига олиб чиқувчи куч эканлигига ишонч ҳосил қиласди...

Лихачев креслога ўтириди. Ўзининг узоқ умри давомида у одамларнинг ҳаётини қайта қуриш тўғрисидаги турли-туман фикрларга дуч келган эди. Бироқ улардан биронтаси ҳам унинг кўнглига ўтиришмаган, уни ўз-ўзига ром қила олмаган эди. Кўпгина назарияларга у шубҳа билан қарап, баъзиларидан эса ҳатто нафралланарди ҳам. «Сафсата буларнинг ҳаммаси, қадрли жаноблар! Фирт сафсата! Бор гап шу. Россияни янги йўлга солиб юбормоқ учун буни халқнинг ўзи истамоги даркор. Мужик эса қайсар, у сизларнинг «козодлигингизни» истамайди, шунинг учун ҳам уни жойидан қўзгата олмайсиз».

Мана ҳозир ҳам, Ванянинг оташин нутқини тинглаб бўлгач, Лихачев аввало шу тўғрида ўлади.

— Уруш... революция... озодлик... Чиройли, жарангдор эшитиларкан! Лекин буларнинг ҳаммаси бизлар учун, саводхон, зиёли одамлар учун тўғри. Аммо соқоли патак мужик, ўша мазлум ва жаҳолатга ботган мужик бу ҳикматларни хиёл бўлса-да, тушунармикин? — деди Лихачев, дилида навқирон дўстининг ёшлигига қарамай, чамаси, анчайин «мияси бутун» йигит эканлигини қайд қиласар экан. У сира тортинимай, ўзини оддийгина тутяпти, демак, ўзига ишонади, турли маҳмадоналарнинг оғзига анграйиб қараб ўтирамайди.

— Соқоли патак мужик, Венедикт Петрович, чиндан ҳам мазлум ва жоҳил. Лекин у жуда тезлиқ билан маърифатга эришиши шубҳасиз. Унинг илм чўққиларини нақадар шитоб билан забт этишини кўриб, ажабланасиз ҳали!

— У алифбони билмайди! Имзо чекиши ўрнига бармоғини босади. Сен бўлсанг илм чўққиси дейсан! — лаблари алланечук қийшайиб, алам билан илжайди Лихачев.

— Биз турли нарсалар тўғрисида гапирияпмиз, Венедикт Петрович. Сиз абсолют билимлар соҳасидаги илм чўққиларини назарда тутяпсиз, мен эсам революция ва кураш илмининг чўққилари тўғрисида гапирияпман. Бу ўринда эса ўша мазлум ва жоҳил мужиклар одамлар ўйлаганчалик мазлум ва жоҳил ҳам бўлмай чиқяпти. Ҳар қалай, у бешинчи йил воқеаларидан сўнг анча тажриба ортирган.

— Мудҳиш тажриба: подшоҳ саройи олдида тўқилган гуноҳсиз одамларнинг қони, Узоқ Шарқда уқувсизлик билан бошланган ва шармандаларча мағлубиятга учралган қонли уруш, иш ташлаш ва қўзғолонлар... Аммо охир оқибатда буларнинг бари меҳнаткаш халқа сира ҳам енгиллик келтиргани йўқ...

— Аччиқ мактаб ва аччиқ сабоқлар. Улар бекор кетгани йўқ, — дея олимнинг гапини бўлди Вания.

— Илгари ҳам аччиқ сабоқлар бўлган, Вания, лекин унутилган. Булар ҳам унутилади.

— Булар унутилмайди, Венедикт Петрович! Энди ўша сабоқларни хотирасида сақлаб қолган ва лозим бўлганида аввалги хатоларни такрорламаслик учун уларни эслатиб қўядиган куч бор.

— Қанақа куч экан у? Бизнинг зиёлилар эмасми мабодо? Бу кучга унча ишонмайман мен! Бир хилларини қўрқитишиади, бошқаларига дурустроқ пул тўлашади, учинчи хил одамлар эса, ризқи рўздан ажраб қоламан, деб чўчишиади! Уёқдан-буёққа қалқимаслиги учун бу кучга мустаҳкам тирговиҷ керак.

— Мен бошқа кучни айтяпман, Венедикт Петрович. Пролетариат! У тарихий жанглар майдонига чиқди энди.

Шаҳар уруш ҳақидаги машъум хабардан қаттиқ изтиробга тушган эди. Катта ва кичик кўчаларни ерга қапиштириб қўйгандек туюлган бир неча соатлик оғир сукунатдан сўнг ҳаммаёқни инсон қайғусини ифодаловчи бақириқ-чақириқ, қий-чув тутиб кетди. Профессор квартирасининг очиқ деразасидан уруш таҳликасини ўйлаб, ўз қайғу-аламларини арақ билан босмоқчи бўлган маст одамларнинг қийқириқлари эшитила бошлади.

— Мана ўша пролетариатинг! Бугун хириллаб ашула айтяпти, эртага худди шундай хириллаб йиғлашга тутинади, индинига эса унисини ҳам, бунисини ҳам унутиб, ўзи каби одамларни ўлдира бошлайди. Нега шундай қилаётгани тўғрисида ҳатто ўйлаб ҳам ўтирамайди...

— Лекин шундай бир кун келадики, бу қайғу-алам ва бу мутелик бошқа нарсага — дунёни ўзгартириш, ўзни ўзгартириш эҳтиёжига айланади. Ҳа, албатта, шундай бўлади! Маълум даражада, бу ҳол ҳозирнинг ўзида ҳам содир бўляпти. Минглаб кишилар учун бир нарса аён бўлиб қолган: бу урушда фақат шундай қилиш керакки, Россия



мағлубиятга учрасин. Чоризм мағлубиятсиз қуламайди. Бу махлуқнинг жони сабил жуда.

Лихачев сапчиб ўрнидан турди-да, бақувват қўлларини орқасига қилди.

— Мағлубият, дейсанми! Бу сўз менинг қулоғимга худди снаряддек уриляпти. Мен русман ва она ватаниннинг немис кайзери оёғи остида хокисор бўлиб ётишини истамайман.

— Тушунинг ахир, Венедикт Петрович, фақат чоризмнинг мағлубиятигина мамлакатимизни ахлатдан тозаловчи революцияга олиб келиши мумкин.

— Хўрланган ва тор-мор этилган ватан мурдага ўҳшаб қолади. Шунда уни революциялар ҳам қутқара олмайди.

— Ҳалқ эмас, чоризм учрайди мағлубиятга.

— Йўқ, йўқ! Ватаним учун мен ҳамма ишга тайёрман! Шунинг учун ҳам Иван сенинг манови гапларингни эшитишни истамайман. Мағлубият деган сўзни хаёлингдан чиқариб ташла! Биз душманни енгмоғимиз даркор. Фақат мағур ва кучли мамлакатнигина революция муҳтожлик ва азоб-уқубатдан ҳалос этиши мумкин.

Вания олимга унинг қаерда адашаётганини исботлаб бермоқчи бўлган эди, бироқ профессор унинг гапини тинглашни истамади. У газаб билан оёқларини бир-бирига урганича нариги хонага чиқди-да, эман ёнғонидан ясалган оғир эшикни маҳкам ёпиб олди.

Вания жуда дангал гапириб юборгани учун ўзини-ўзи ёзғирганича олимнинг ортидан қараб қолди. «Ҳай, майли, жаноб профессор, ҳозир мен сизга исботлаб беролмаган нарсани бир кун келиб ҳаётнинг ўзи исботлаб беради сизга», дея ўзига-ўзи таскин берарди Вания, олимнинг жаҳлидан тушишини кутсаммикин ёки бошқа қулайроқ фурсат келгунига. қадар уйдан чиқиб кетсаммикин, деган хаёлда бүёғига нима қилишини билмай ўтирап экан.

Вания ҳали бир қарорга келиб улгурмасдан ҳалиги эшик очилиб, ичкаридан салобатли юзига сира ўтиришмайдиган қандайдир гуноҳ корона табассум билан Лихачев чиқиб келди.

— Ҳе, жин урсин ўша сиёсатингни, Вания! Мен уни ўшлигимданоқ ёқтирамасдим, қариганимда-ю, энди мутлақо керак эмас менга у. Кел, бруслника мураббоси билан чой ичамиз,— деди бўғиқроқ товуш билан Лихачев.

— Ҳай, майли, чой ичиш ўтиш ёриш эмас-ку, деган экан машойихлар, — дея илжайди Вания,— лекин ҳақиқат йўлида шуни айтиб қўймоқ керакки, Венедикт Петрович, эҳтимол сиёсатни ёқтирамагандирсиз, аммо бошқаларни ушбу иш билан шуғулланишга рағбатлантирган-сиз.

— Нимага шама қиляпсан?— яна жаҳли чиқиб сўради Лихачев.

— Ҳеч қандай шама йўқ бу ерда, фақат фактлар, холос. Шу тобда сизнинг реакцион профессорлар билан доимий тўқнашувларингиз эсимга тушиб кетди.

— Ҳали бу сенга сиёсат бўлдими, биродари азиз?! Шунчаки менинг юрагим адолатсизликни кўрса сиқилади. Илму фан руҳнинг эркинлигини талаб қиласди...

— Ҳа, баракелла,— дея олимнинг ростгўйлигини маъқуллаб бош иргади Вания.

— Сен ярамас яна мени йўлдан оздириб, ҳукуматга қарши гапиртироқчи бўляпсан. Нима бало, сени бу ерга махфий жандармерия бошқармаси йўлламаганми ишқилиб?!— деди мушт ўқталиб Лихачев, бурчакдан қоп-қора кўзларини ялтиратиб ўтиранг жияни устига бостириб борар экан.

— Тинчланинг, тоға!— деди таслим бўлгандек қўлларини кўтариб

Ваня.— Мени йўллашгани йўқ, балки топшириқ билан олдингизга юборишиди. Студент-большевиклар юборишиди мени. Ижозат этсангиҳ, эртага меҳмонхонангизда кичик бир суҳбат ўтказсак. Жуда мушкул аҳволга тушиб қолдик. Биз яширин шароитда иш олиб боряпмиз, қийин бизга, вазият эса ниҳоятда жиддий, у аниқликни ва ҳаракатни талаб қиласди.

Лихачев муштини пастга тушириб орқага чекинди-да, худди бирор итариб юборгандек, гурс этиб креслога ўтириб олди. Креслонинг чарм қопламаси тагидаги пружиналар унинг оғирлигидан аянчли ғирчил-лаб кетди.

— Оббо васвасачи-ей, оббо бадкирдор-ей! Уша шумтакаларингни рухсат сўрамасдан ҳам йигавермайсанми! Йўқ, бу кишим яна одоб сақлайдилар!

— Эртага соат нечагача уйда бўлмайсиз?— деб фурратни қўлдан бермай сўради Ваня.

— Тугилган куни зиёфатига бораман. Ярим кечада қайтаман. Анча кайф қилиб қайтсан керак ўзиям. Мезбоннинг саксон ёшга тўлиши нишонланади. Чоли тушмагур жуда меҳмоннавоз одам, кейин ўзи ҳам ичиши ўрнига қўяди.

— Маза экан!— дея тилини тақиллатиб ҳитоб қилди Ваня.

— Дарпардаларни ёпиб қўйганларинг маъқул. Қўчада ҳар хил ярамас одамлар дайдиб юрибди.

— Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин,— деди кулиб малайларга ўхшаб таъзим қилганича Ваня.

— Масҳарабозлик қилма, жиян! Қани, дастурхон ёнига ўтири, чой ичамиз! Неонила Терентьевна!— дея қичқирди Лихачев ярим очиқ эшикдан оқсочга қараб.— Ваня икковимизга самоварча билан бруслуника мураббоси ва ширин кулча олиб келсангиз!

— Опкетяппа-ан, барин, опкетяппа-ан!— деган хулоҳанг товуш эшитилди уй ичкарисидан.

5

Эртаси куни профессор Лихачевнинг уйида большевикларнинг мажлиси бўлди.

Венедикт Петрович ярим кечада қайтиб келди. Суҳбат айни қизиган пайти эди. Профессорни қўриб, баъзи одамлар хижолат ичра ўринларидан туришиди. Наҳот кетиш лозим бўлса? Уй эгаси остоноада тўхтади. Барча Ваняга тикилиб қолди.

— Ижозат этсангиз, тогажон, суҳбатимизни тутатиб олсак. Сиз балким ётоқхонага кириб, дамингизни оларсиз?— деди Ваня ярим савол, ярим маслаҳат берган оҳангда.

— Нима бало, сирларингизни ошкор қилиб қўйишимдан қўрқяпсизларми?

— Йўғ-е, нега энди? Сиз эҳтимол, толиққандирсиз, шунинг учун ухлагани ётсангиз бўлармиди, дейман-да, — Ваня шу тобда профессорнинг қўлтиғидан олиб, уни ҳурмат билан қўшни хонага кузатиб қўйишга ҳам тайёр эди.

— Қани, менга стул бер-чи. Бирпас ўтириб, сизларнинг нималар тўғрисида гапираётганингизни эшиитмоқчиман.

Профессор таклифни кутиб ўтиримай, Ваняниңг ёнига бориб ўтириди.

Ҳаммаёқни тамаки тутуни қоплаган хонага сукунат чўмди.

— Бўлти, ўртоқлар, давом этамиз. Венедикт Петрович бу ерда большевикларнинг яширин мажлиси бўлаётганидан хабардор,— деди Ваня қандайдир таваккалчиллик билан.

Профессор аввалига юзида истеҳзоли табассум билан нотиқларнинг гапини инонинқирамай, паришонхотир тинглаб ўтири. «Россиянинг шўринг қургур ҳалоскорлари! Болаларнинг вижир-вижирни буларнинг ҳаммаси! Пуфак қулоқлаб сузиш дейдилар бунинг отини!»— дея дилидан ўтказарди у.

Бироқ тортишув кескин тус олгани сайин Лихачевнинг студентларга нисбатан бўлган иномаслик туйғуси худди баҳор кези офтобрўяда қолган қор янглиғ тезда эрий бошлади. «Гўдаклару, лекин қайса гўдаклар. Чоризмни қулатиш қўлларидан келмайди албатта. Аммо подшони бир қўрқитиб, қўйишлари мумкин», дея ўз мулоҳазасини юмшатди Лихачев.

Профессор кескин мунозаранинг моҳиятини унчалик илғаёлмай. ўтирган эди. Унинг онгига фақат айрим жумлаларгина етиб келарди.

— Омма! Оммани ўз томонимизга оғдиришимиз керак! Бўлажак революциянинг асосий масаласи ана шу,— дея дўрилларди студентлардан бири.

Бошқа гапларга Лихачев қулоқ солиб ўтирмади. «Эҳ: ғўр болалар! Омма, омма, дейсизлар! Россиянинг ҳалқ оммаси саводсиз, мазлум эканлигини, унинг ижтимоий тараққиёт йўлида улкан харсангтош янглиғ чўзилиб ётганидан хабарингиз борми ўзи. Ана шу харсангтошни жойидан қўзғатмоқ учун энг камида мустаҳкам чиғириқ керак. Сиз гўдаклар, ўша чиғириқ вазифасини бажармоқчи эмасмисиз мабодой?!»— дея ўзича баҳслашарди студентлар билан профессор.

— Ҳалқ оммасининг революцион онги ниҳоятда тез ўсади. Уруш ҳозирнинг ўзида миллионлаб кишиларнинг ҳаётини алғов-далғов қилиб юборди. Энг муҳими, ишчи ва деҳқон бир окопда ёнма-ён турибди. Ҳаётнинг ўзи шунаقا: ҳозирги замонда тарихий тўфонлар келажакда ижтимоий курашнинг ҳал қиёлувчи табақаларини биргалашиб ҳаракат қилишга ундаиди, уларни ўзаро яқинлаштиради...

Бу жиянининг қўнғироқдек ёқимли овози эди. Жуда стратег чиқиби-ку жияним тушмагур! Ҳамма унга ҳурмат билан қараётганини айтмайсизми?! Бу дейман, Ванька, мен ўйлаганчалик тўпори эмасга ўхшайди-ку», дея хаёлидан ўтказарди профессор.

Лекин бу кеча унинг ҳар қалай анча кайфи бор эди. Зиёфатда ичилган фанцуз конъяги ўз кучини кўрсататганди. Унинг кўз ўнгидага студентларнинг пахмоқ бошидан тушаётган соялар липиллар, мис занжирга осилган қандиллар чайқалаётгандек кўринар, тўқ қизил гулқоғоз ёпиширилган деворлар аста тебранаётгандек туюларди.

— Ҳай, майли, менга деса, бу ерда эрталабгача гап сотинглар, камина бориб дамимни олай энди. Эшикни қулфлаб қўйишни унутма. Иван. Неонила Терентьевна ухлагани ётганлар!..— дея тўнғиллади профессор ва хонадан чиқиб кетди.

Бир неча кундан кейин эса, эртами-кечми содир бўлиши лозим бўлган воқеа юз берди: олимнинг севимли жияни ва пинҳоний умиди Ванька Акимовни қамоққа олишди. Қамоққа олишгандаям тўппа-тўғри лабораториядан олиб кетишиди.

Уша куни кечқурун профессор Лихачевнинг олдига бир студент келди. Маълум бўлишича, бу йигит олимнинг уйида бўлган ўша мажлисда ҳалқ оммасини ўз томонларига оғдириб олиш ҳақида берилиб мулоҳаза юритган товуши дўриллаган студент экан. Студент анчайин хижолат чекиб, ҳаяжонланган ва ҳатто саросимага тушиб қолган эди. У профессордан емакхонага киришга ва столни йиқитиб, тагини кўришга ижозат сўради. Столнинг тагидаги тахтани ўйиб, у ерга, студентнинг айтишича, жуда-жуда муҳим революцион ҳужжатлар яшириб қўйилган экан.

— Иван билан алоқа ўрнатишими мумкин. Ибтидоий қамоқхона-

да ўз одамларимиз бор, — деди студент дўриллаған товушини хиёл тийишга ҳаракат қилиб.

Лихачев тутикашиб кетди:

— Ванькага айтиб қўй, аплаҳ экан ўзиям! Бунақа барзанги қамоқда подшоҳликнинг текин нонини еб ётмай урушга жўнаши керак эди.— Шундай дея чол эшикни шарақлатиб ёпганича хонадан чиқиб кетди.

Бир аснодан сўнг профессор қайтиб кирди ва бирмунча мулойимроқ товуш билан деди:

— Манови пулни олинг. Юз сўм... Иложи бўлганда ўша ярамас Акимовга бериб қўярсиз. Яна унга айтиб қўйинг, қамоқда бўшашмасин. Агар сургунга тушиб қолса, илм билан шуғуллансан — зерикиш ва кўлчиб ухлашга қарши энг яхши даво ана шу.

— Ҳамма гапингизни айтиб қўяман,— дея ваъда қилди студент.

Иигит қоғозларни студентлар киядиган камзулининг яширин чўнтағига солди-да, чуқур таъзим қилганича чиқиб кетди. Лихачев бир зум энди Иван билан ўқтин-ўқтин учрашувларсиз қандай яшашни тасаввур қилиб кўрган эди, юраги увшаш бошлади. «Экспедицияга жўнашим керак. Объ дарёсининг қуий оқими томон бораман. Океан соҳилини Енисей томондан текшириб кўраман... Бизнинг аждодларимиз Мангазеядан шимоли-ғарб ва шимоли-шарқ томонларга юришган. Ҳаммасини ўз қўзим билан яхшилаб кўришим керак», дея мулоҳаза юритарди Лихачев. Бироқ бу гаплар хомхаёл эди.

Гап шунда эдик, экспедициялар учун, бунијиг устига, шундай узоқ ва серҳаражат экспедициялар учун пул сарфлайдиган ишқибозлар аллақачон йўқ бўлиб қетган эди. Ҳукумат илгарилари ҳам илм-фан учун пулни қисиб-қимтиб ажратарди, энди эса, ҳарбий ташвишлар билан бўлиб, буни ҳатто хаёлига ҳам келтиришни истамасди. Шундай катта сарф-ҳаражатни ўз зиммасига олиши мумкин бўлган ҳалол корчалонни топиш эса жуда амримаҳол эди. Тўғри, бу кори ҳайр учун Россия бойликларига ниҳбатан йилдан-йилга иштаҳалари карнай бўлиб кетаётган англо-француз компаниялари жон-жон деб пул беришлари мумкин эди-ю, бироқ хорижийлар манфаати йўлида хизмат қилиш ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ Лихачевнинг қонини қайнатиб юборарди.

«Ҳаддингдан ошаверма, Венедикт Петрович, бунақа пайтда ҳеч қаерга бормайсан. Ундан кўра столга ўтириб, ўша Сибирга қилган экспедицияларинг материалларини тартибга солгин-да, бундан қандай хуласалар чиқиб келиши ҳақида ўйлаб кўр. Бу ҳам жуда керакли иш ва уни сен учун ҳеч ким бажариб бермайди», дея ўзига-ўзи таскин берарди Лихачев.

Шундан сўнг у Сибиръ экспедицияларининг архиви солингган ва устига оқ тунука қопланган катта сандиқни титкилаб, шундай ишни бошлаб юборди.

У ишга киришиб кетган ана шундай кунларнинг бирида Лихачевнинг олдига кутилмагандага ўша товуши йўғон йигит келиб қолди.

— Иван сизга хат бериб юборди, Венедикт Петрович,— деди студент қўйнининг аллақаеридан найча қилиб ўралган бир варақ қоғозни олиб узатар экан.

— Демак, тоғасини унутмабди-да!— мамнуният билан хитоб қилди Лихачев.

— Унутгани йўқ, у доим сизнинг ташвишингизни қилади,— дея тундлик билан илжайди йигит.

Лихачев кўзойнагини бурнининг устига қўндириди-да, қофоз найчани авайлаб очиб, лабларини қимиrlатганича уни ўқий бошлади.

«Азиз тоғажон! Ўзим тўғримда ёзмайман. Менинг бутун фикр-

хәйлим сизда. Сизнинг бошингиз узра қора булутлар тўпланяпти. Ишимиз аввалига биз ўйлаганимизга қараганда анча пачавароқ бўлиб чиқди. Сизнинг бизга хайриҳоҳ эканлигингиз, ишларимизда ёрдам берганингиз уларга маълум экан. Шунингдек, Сибирдан сизнинг ҳукуматга қарши студентлар уюштирган намойишларда қатнашганингиз тўғрисидаги материалларни юборишини талаб қилишибди. Бу ишларнинг оқибати яхши бўлмайдиганга ўхшайди. Тезроқ Стокгольмга жўнасангиз яхши бўлармиди? Сизни у ерга маъруза ўқиш учун таклиф қилишган эди-ку ахир. Ҳозир ўша ерга жўнашнинг айни вақти келди. Илтимос, сафарга чиқишни пайсалга солманг, тезроқ жўнанг! Сизни қучиб қолувчи садоқатли дўстингиз ва шогирдингиз Иван».

Лихачев жиянининг хатини индамай ўқиб чиқди-да, сўнг дераза ёнига бориб, қўлларини орқасига қилганича осмоннинг аллақаерига тикилиб қолди.

— Жавоб ёзмайсизми? Биз уни Иванга эртадан кечиктирмай бериб қўйишимиз мумкин эди,— деди студент.

— Илтимос, кутиб турсангиз.—Лихачев стол ёнига ўтирди-да, жиянига хат ёзди:

«Ваня! Дарҳол йўлга отланадиган бўлдим. Сибирь архивининг энг зарур қисмини олиб кетаман. Агар мен ўйлагандан тезроқ қутублиб чиқсанг, уйимга кўз-қулоқ бўлиб тур, токи ота-онасиз, ёлғиз ўзим йиққан мол-мулким бегоналар қўлида талон-торож бўлиб кетмасин. Саломат бўл! Тоғанг».

Лихачев қисқагина хатни устидан ўқиб чиқди-да стол тортмасидан ичига қора қофоз ёпиширилган шилдироқ конверт олиб, мактубини авайлаб унинг ичига жойлади.

— Мени кечиргин-у, профессор, лекин конвертнинг кераги йўқ. Сизнинг хатингиз булка нон ичига солиб пиширилади, — деди хиёл илжайиб йигит.

— Майли керак бўлмаса ташлаб юборарсиз! Эскидан адресатни ҳўрмат қилиш одатим бор шунаقا,— деда тушунтириди Лихачев ва конвертни оғир пресс-папье билан текислаб, уни студентга узатди.

6

Орадан кўп вақт ўтмай Лихачев Стокгольмга жўнади. У зинадан юриб швед компаниясига қарашли кемага чиқиб олгунига қадар, бу ердан жўнаб кетишига унчалик ишонмаган эди.

Сафарга чиқиш арафасидаги ана шу бир неча кун ичидага у қаерга бормасин, ўзининг қаттиқ кузатув остида эканини сезиб юрди. Айғоқчилар ҳатто уйида ҳам уни ўз диққат-эътиборларидан холи қўйиши масди. Улар сурбетлик билан унинг деразалари остида айланаб юришар, оқсоқ аёл Неонила Терентьевнани кўчада тўхтатиб, ундан профессорнинг нима иш билан машғул эканини сўраб-суринтиришарди.

Лихачев кутилмагандага ўзини қамоққа олишларидан чўчиб юрди. Бироқ бу ўринда у бир оз ваҳима қилган эди. Ҳеч кимда уни қамоққа олиш нияти ўйқ эди. Аксинча, жўнаш ҳақидаги ниятидан қайтиб қолмаса гўрга эди, деда чўчишаётганди. Маъмурлар, майли, тезроқ қорасини ўчириб Россиядан узоқроқ жойга жўнасин, бўлмасам революционерлар уни ўз томонларига оғдириб олишлари ва ўз ишларига жалб этишлари мумкин, деда фикр юритишарди. Бундай одамга қарши курашишнинг ўзи бўлмайди ахир, зоро, уни бутун Петроград танийди...

Лихачев сўнгги дақиқагача сергак тортиб юрди. У материалларни ўғирлаб кетишлидан хавфсираб, барча чамадонларни ўз қаютасига

жойлаштирди ва бутун йўл давомида уларни тинимсиз қўриқлаб борди. Чунки бу материалларсиз унинг Стокгольмга қилаётган сафари бутунлай маънисини йўқотган бўларди.

Стокгольмда Лихачевни унинг олий унвонига яраша иззат-икром билан кутиб олишди. Юз-кўзини ажин босган, узунчоқ бошидаги сочлари сарғайиб кетган, қоматини худди хода ютгандек тик тутадиган, ўзини Упсала шаҳри эски дорилғунунинг профессори ҳамда Швеция Фанлар академиясининг академиги деб таништирган озғин бир чол қисқагина нутқ сўзлади.

— Мен ўз ҳамкасларим номидан Россия фанининг шундай атоқли намояндасини табриклайтганимдан ниҳоятда баҳтиёрман. Сизнинг Швецияга келишининг рус императори ва Швеция қороли ҳомийлигида тараққий топаётган илму фанларимиз орасидаги дўстона муносабатнинг мустаҳкамланишига хизмат қиласди.

«Бу дейман, ҳомийлик масаласида хиёл ошириб юбординг·ку, отагинам! Ҳукмдорлар олдида ялтоқлик қилиш дейдилар бунинг отини», дея дилидан ўтказди Лихачев, швед профессорининг қоқ суюк Қўлини қисар экан.

Стокгольмда ҳаёт ниҳоятда зерикарли бўлиб чиқди. Ҳафтасига бир марта Лихачев минбарга чиқиб, навбатдаги маърузасини ўқирди. Ҳафтанинг бошқа кунларида эса у бутунлай ўз ҳолича юраверарди. Бошида унга фақат ўзигина шундай ёлғизликда ҳаёт кечираётгандек туюди. Унинг ватани қачон ва қандай тугаши номаълум бўлган уруш ҳолатида яшаяпти. Шведлар эса эҳтиёткор халқ, шу боисдан ҳам улар чет эллик киши бўлмиш Лихачевга алоҳида эътибор беришга шошилишмаяпти. Бироқ тез орада Лихачев бу ерда барча профессорлар шундай ёлғизликда ҳаёт кечиришларини тушуниб қолди. Улар бир-бирларидан бегонасирашаётгандек туюлар, ўзаро муносабатлари ҳам хизмат вазифаларидан нарига ўтмасди. «Ҳаммаёқ диққатбозлиқ, Вания! Бу ерда сиқилганингдан ичавериб, ақлдан озмаганинг тақдирда ҳам барি бир уйга соғ-саломат қайтишинг қийин», — дея жияни билан хаёлан суҳбатлашарди Лихачев.

Аввалига Лихачев эрталабдан-кечгacha вақтини шаҳарни саёҳат қилиш билан ўтказди. Бу ерларни у ипидан-игнасиғача томоша қилиб, ҳаммаёқни кезиб чиқди. Шаҳар, гарчи Россия пойтахти каби гавжум бўлмай, қош қорайган заҳоти жимиб қолса-да, нимаси биландир унга Петроградни эслатарди. Бироқ орадан икки-уч ҳафта ўтмасданоқ Лихачевнинг Стокгольмда томоша қиладиган жойи қолмади. Тез орада порт ҳам жонига тегди, зеро у ерга борса, ватанини қўмсаб, юраги қаттиқ сиқиларди. Баъзан бу ерда русча номланган кемалар кўзга чалиниб қоларди. Бу кемалар осмону фалакка қарата паға-паға тутун чиқарганича уфқ томон йўл олишганида, айниқса унинг жигар-бағри эзилиб кетарди. Ахир ана шу уфқ ортида унинг қадрдан Россияси яшаб, азоб чекмоқда, кураш олиб бормоқда эди-да.

«Барча эҳтиёткорликка тупураман-да уйга қайтаман. Нари борса, Наримга сургун қилишади, у ерда эса мен хароб бўлмайман. Экспедицияларда бажариб улгурмаган ишларни охирига етказаман» дея мулоҳаза юритарди Лихачев умидсизликка тушган кезлари.

Лекин Петроградга қайтиш ҳар қалай хавфли эди. «Ҳеч бўлмаганда Ванькадан бирор хабар келишини кутмоқ керак», дея ўзига-ўзи таскин берарди Лихачев. Ниҳоят шундай хабар келди ҳам. Тўғри, хатни Ванька Акимов эмас, чамаси, яна ўша товуши йўғон студент йигит ёзганди. Маълум бўлишича унинг исми шарифи Александр Петрович Ксенофонтов экан. Лихачевга квартирасидаги нарсалар аввалгидек жой-жойида эканлиги, оқсоқ аёл Неонила Терентьевна соғ-саломат юрганлиги тўғрисида хабар қилгач, Ксенофонтов ҳарбий цен-

зурада шубҳа туғдирмаслик учун худди гап орасида айтгандек қилиб, энг муҳим нарсани ёзган эди: «Иван тўрт йил муддат билан Наримга жўнабди. Унинг ўзини, яъни Лихачевни уйдагилар жуда соғинишганмишу, лекин, начора тез орада уйга қайтишини кутишмаётган эмиш. Зеро ўша бегона юртда зарур ишлари кўплиги, бу ишларни хоҳлаган пайтда ташлаб кетавериш мумкин эмаслигини яхши тушунишармиш. Бу ишорадан Лихачев ҳали Россияга қайтиш пайти келмаганини англади.

Ксенофонтов хатининг охирида Лихачевга ўз адресини хабар қилиб, хатларини шу адресга йўллашни сўраган ва ўзи ҳам тез-тез жавоб ёзиб туришни ваъда қилган эди. Петроградга тезда қайтиш ҳақидаги умидларини чиппакка чиқарган ана шу хатни олганидан сўнг кекса олим ўзининг Сибирь архивини очди-да, қофозларини ёйиб ишга киришди.

Хонада ўтириб, жиддий ишламоқ учун эса Стокгольмда шароит жуда яхши эди. Лихачев Қироллик кутубхонасининг шундоқ ёнгинасида жойлашган дорилфунунга қарашли қулай уйда истиқомат қиласарди. Бу кутубхонанинг китоб жавонларида эса жаҳоннинг турли тилларида ёзилган жуда кўп маълумотномалар жам қилинганди. Кутубхонанинг қўллэзмаларидан Сибирнинг океан соҳили районларига доир баъзи нодир манбалар ҳам топилди. Лекин бундан ташқари, Стокгольмда илмий ишнинг унумли бўлмоғи учун яна бир муҳим шароит мавжуд бўлиб, бунинг отини ёлғизлик, бутунлай ёлғизлик дея аташ мумкин эди.

Манбаларни керагича тўплаб, улардан хulosалар чиқариш, ҳақиқатларни баён этиш фурсати келганида эса, Лихачев доим ёлғиз қолишини яхши кўрарди. «Югур-югур ва шошилинч пайти энг ақлли калладан ҳам бамаъни фикр чиқиши қийин. Ўзинг кўрган, билган, ҳис этган нарсаларинг тўғрисида тинмай ўйламоғинг, узлуксиз бош қотирмоғинг даркор», дея тайинларди у шогирдларига.

Энди бу ерда, Стокгольмда, кўчанинг шовқин-суронидан чорак чақирим келадиган эман ва арғувон дараҳтларидан девор қилиб паналанган осойишта уйда профессор шошилмай, ҳовлиқмай ишлаши, мияси дош берганича ўйлаши мумкин эди.

Узоқ йиллар ишлаш натижасида Лихачев ўзининг шахсий усулини ишлаб чиққан эди. У ўзидан аввало манбани буткул, тўла-тўқис билиб олишни талаб қиласарди. У ёки бу фараз қанчалик доҳиёна бўлмасин, олим манбани тўла эгалламагунча, уни миридан-сиригача билиб олмагунича (Лихачевнинг севимли ибораси!), ўз савқи табиийсинг парвозини батафсил тасдиқламагуңча уни ҳақиқат деб ҳисоблашга ҳақи йўқ, дея ўйларди профессор.

Лихачев, аввалинни ҳам Сибирь тўғрисида анчагина нарса ёзган эди. Унинг дорилфунунлар, география жамияти ва академиянинг илмий мажмуаларида чоп этилган ҳамда шунчаки архивларда сақланадиган асарларида геология, минералогия, климатология, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсига таалуқли хилма-хил масалалар ўртага ташланганди. Бироқ энди у Фарбий Сибирь пасттекислиги ҳақида жуда муҳим ишни бошлаб юборганди. Лихачев буни ўз ҳаётидаги энг асосий иш деб биларди. Ер майдони бешта Францияга тенг бўлган, икки ярим миллион квадрат километрдан иборат кенглик ҳозирча инсоннинг ақли етмайдиган барча сир-асрорлари билан хаёлан унинг кўз ўнгига ястаниб ётарди. Лихачев ер куррасининг ана шу бепоён водийсида содир бўлаетган геологик жараёнларга, қатламларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига доир кўплаб мураккаб саволларга жавоб бермоғи лозим эди.

Бир неча кун давомида олим ҳар бир ёзувини диққат билан ўқиб,

намуналарининг сурати ва рельеф ҳамда қатламларнинг чизмасини бирма-бир кўздан кечирганича архивини тартибга солди. Бу сурат ва чизмалар шоша-пиша чизилган бўлиб, кўпгина саҳифаларда ёмғир томчилари ҳамда шимолнинг совуқ ва нам шамолининг изи сақланиб қолганди. Узоқ сафарларнинг бу излари Лихачевни алланечук ҳаяжонга солгувчи эди. «Ҳар қалай ўзим ҳам анча жаҳонгашта мужик бўлганман-да», деба ўйларди у ўзи ҳақида.

Бу иш ниҳоясига етиб, архив дафтари ва хариталардаги манбаларнинг муҳимлигига қараб шкаф токчаларига териб чиқилгач, Лихачев Қироллик кутубхонасига равона бўлди. У ерда олим каталоглар қутиси ёнига ўтири-ю, бояқиш кутубхоначилар стеллажлар териб ташланган маҳфий жавонхоналардан унга китоб етказиб беришга ултуролмай қолишиди.

Ёшлигида Лихачев француз тилини ўрганганди. Германияда яшаб юрган кезлари у немис тилини мукаммал билиб олди. Ана шулар ва она тили бўлмиш русчадан бўлак у яна инглиз ва итальян тилларини ҳам дурустгина биларди. Швед тилини ҳам у осонгина, деярли йўл-йўлакай ўзлаштириб олди.

Қироллик кутубхонасининг ходимлари ҳар хил олимларни кўра-вериб, кўзлари пишиб кетганди. Ўзларининг швед олимларидан ташқари уларнинг кутубхоналарида дунёнинг турли мамлакатларидан, жумладан, океан ортидан ҳам кўплаб алломалар келиб туришарди. Бироқ улар шундай хилма-хил соҳалар бўйича адабиёт талаб қилаётган одамни биринчи марта кўришлари эди.

Лихачев берилиб, жадал ишламоқда эди. У бутунлай ҳолдан тойиб қолмаслик учун ўзига кун тартиби белгилаб олган бўлиб, бу тартибга қатъяян амал қиласди. Олим эрталаб еттида уйқудан турарди-да, русчасига тўйиб овқатланиб оларди ва соат тўртга қадар тинмай ишларди. Сўнг тушлик овқатни тановул қиласди ҳамда шошилмайгина газета ва журнallарни кўздан кечириб чиқарди. Соат олтида у ўрнидан турарди-да, ташқарида ҳавонинг қандай бўлишидан қатъи назар, шаҳар бўйлаб сайд қилгани жўнарди. Шу зайлда у камиди икки соат сайд қилиб юради. Кечки овқатдан сўнг у яна ёзув столи ёнига ўтириб, ярим кечага қадар ишларди. Уйқуси қаттиқ бўлса-да, одатда кам ухларди. Дарвоқе, ёшининг бир жойга бориб қолганига қарамай, у ҳеч қачон кундуз куни ухлаган одам эмасди, зоро кундузги уйқувишини шалвиратиб, мияни анчага довур ланж қилиб қўяди, деб ҳи-собларди.

Бироқ Лихачев ишга қанчалик шўнғиб кетган, ўз машғулотлари билан бўлиб вақтнинг ўтишини қанчалик унугиб қўйган бўлмасин, бари бир, Ивандан хавотир олар, унинг тақдирини ўйлаб ташвиш чекарди. Олим жиянидан хат-хабар келишини сабрсизлик билан кутар экан, Ксенофонтовга ўзининг ташвишланаётганини икки марта эслатиб ҳам қўйди. Аммо Ивандан ҳамон дом-дарак йўқ эди.

«Чамаси, бекорга ташвиш чекмаяпман. Ахир Ванькани курьер поездидаги олиб кетишаётгани йўқ-ку. Петрограддан Томскка қадар улар ўнлаб авахталарда тўхташади. Ҳар жойда — текширув, оворайи сарсонгарчилик. Кейин Томскдан Наримга ҳам етиб олиш керак-ку ахир. Ҳали роса азоб чекади йигити тушмагур. Очиқ баржада олиб кетишиади уларни. Ҳаво иссиқ бўлсаю баҳарнав-а, лекин изғиринга тўғри келса-чи? Ана ўшандада онасини кўради бу Робеспьер. Революция фақат жарангдор шиорлар, ғала-ғовур намойишлар, оташин нутқлардангина иборат бўлмай, балки азоб-уқубат, оғир меҳнат ҳам эканлигини англаб олади. Бу навқирон жасур сухандонларнинг озмунчаси шоҳ миршаблари билан бўлган тенгсиз курашда ёки қамоқхоналарнинг

унсиз деворлари орасида абгор бўлиб кетдими! Ана декабристларни өлайлик — ҳазилакам қаҳрамонмиди улар, ахир ўшалардан ҳам баъзилари тавба-тазарру қилиб қолиши-ку!» — дея ўзича мулоҳаза юритарди Лихачев.

Ана шундай хаёлга чўмган кезлари у Акимовнинг тақдирига ачи-ниб кетарди. Ахир Ваньканинг жуда ақлли илмбол калласи бор эди-да. «Боласи тушмагур бутун истеъодини бефойда сиёсий баҳсларга сарф-лаб юборадиган кўринади», дея хўрсинарди Лихачев.

Лихачев Ванька билан бирга Кета дарёси бўйлаб Енисейга қадар қилган саёҳатини эслади. Ўшанда улар уч ой вақтларини бирга ўтка-зишган эди. Иван эндигина биринчি курсни тугатган бўлиб, ҳали жў-жахўрэз пайти эди. Лекин ўшандәёқ йигитчанинг илм бобида ниҳоят-да тиришқоқ эканлиги сезилиб туради.

Қирғоқдаги ўпирилган жойларда очилиб қолган қатламларни ўлчаб бўлишгач, Кетанинг ўрта оқими соҳилининг рельефи ҳақида мулоҳаза юрита бошлашганида Акимовнинг қандай қизиқ фикрлар айтганини Лихачев бир умрга эслаб қолганди. Иван ўшанда Енисей бўйлаб саф тортган тог тизмаларининг Кета водийси билан ўзаро алоқадорлиги хусусида қизиқ фикрлар баён қилганди. Лихачев у билан баҳслашди, қалтис саволлар бериб кўрди, бироқ Иван ўз фикрини шу қадар жўшқинлик билан ҳимоя қилдики, ҳатто товуши ҳам бўғилиб қолди. Кечқурун тунаш жойида дала кундалигини тўлдириб қўяр экан, Лихачев Иваннинг фикрларини батафсил қофозга туширди ва шу саҳифанинг ўзидаёқ ушбу фикрларни И. И. Акимов баён этганини қайд қилиб қўйди. Унинг ўзи, яъни Лихачев ҳам Акимовнинг бу фикрларини илмий жиҳатдан асосли ва мукаммал баён этилган, дея ҳисоблаши ҳам илова қилинди.

Олим кун бўйи бўлажак китобни ўз боблари устида ишларди-да, кечқурунлари бу хомаки саҳифаларни қайта-қайта ўқиб чиқарди. Ана шундай пайтларда Лихачев: «Қани энди буларнинг барини Ванькага ўқиб берсан, баъзи нарсаларни у билан муҳокама қилиб олсан, баҳс-лашсам-да, кейин у манови саҳифаларига кўз юргутириб чиқса», дея шивирларди. Гарчи Лихачев баъзан эси оғиб қолгунга қадар берилиб ишлаётган бўлса-да, лекин ҳар қалай ёлғизлик унинг қалбини борган са-йин кучлироқ ўртамоқда эди. Ўртаганда ҳам худди тутқундаги ҳайвон ўзи қамалган қафасининг панжарасини ғажигани янглиғ муттасил ва аёвсиз ўртаб келарди.

7

Лекин кутилмаганда Лихачевни қуршаб турган зулмат ичра ярқ этган бир нур кўринди. Петрограддан Стокгольмга Қазимир Эмильевич Осиповский деган аллақандай одам етиб келди. Осиповский келганинг биринчি куниёқ Лихачевнинг уйида ҳозир бўлди. Осиповский олимга таниш профессорлар ва шогирдларидан салом айтиб, Лихачевнинг уйида ҳамма нарса жой-жойида эканлигини хабар қилди-да, сўнгра унга Неонила Терентьевнанинг совғаси — профессор жонидан яхши кўрадиган бир банка бруsnика мураббосини топшириди.

Осиповский ўзини археология соҳаси бўйича мутахассис, доцент эканлигини айтиб, маълум даражада Лихачевга шогирд бўлишини маълум қилди. Зоро, у Қозон дорилфунунида таҳсил кўриб юрган кезлари профессорнинг маърузаларини тинглаган экан. Ўшандан бўён анча вақт ўтган бўлиб, дорилфунунда одатдагидай тўқнаш келадиган одамларнинг қиёғаси ва исм-фамилиясини яхши эслаб қололмайдиган Лихачев Осиповскийни эслай олмади.

Лихачев ишини йиғиштириб қўйиб, Осиповскийнинг биронта ҳам сўзини эшитмай қолишидан чўчиганича унинг Петроград ва Россия ҳаёти ҳақидаги ҳикоясини бир неча соат давомида тинглаб ўтиргди. Казимир Эмильевич гапга чечан, сухандон одам экан. Сўзлар унинг оғзидан бир маромда, равон оқиб чиқарди. Россия ҳаётининг у билмаган, тилга олмаган томони қолмади! Унинг билмаган иши, аралашмаган соҳаси йўқ экан.

Масалан Россияда ишчиларнинг аҳволи хусусида гап кетди дейлик. Осиповский бит кўзларини аланг-жаланг қилиб, ўзининг гўштдор эгри бурнига қадалганича тинмасдан бидирлай бошларди:

— Ишчиларнинг аҳволи, муҳтарам Венедикт Петрович, жуда чатоқ. Иш ҳақи ўша-ўша, аммо нарх-наво осмону фалакка чиқиб кетган—одамнинг белини синдиради. Кейин қанақаям ишчи бўлсин улар? Заводларда ўсмирлару хотин-халажгина ишлайти. Мастеровой зоти фақат моҳир қўллар зарур бўлган қуролсозлик корхоналарида гина сақланиб қолган.

Лихачев дэҳқонлар ҳаёти билан ҳам қизиқиб кўрди. Осиповский бу тўғрида ҳам гўё кечагина Смоленщина ёки Поволжедан келган одамдек барча икир-чикирлари билан батафсил гапириб берди.

— Ҳаммаёқ хароба! Қишлоқ бутунлай таназзулга юз тутган! Отисизлар сони кундан-кун кўпайиб боряпти. Экин майдонлари қисқариб кетган. Ўйлар вайронага айланяпти. Қишлоқларда қаҳатчилик изғиб юрибди. Одамлар шўра билан йўсинни ея бошлашган. Бевалар билан етим-есирлар сони кун сайин ортиб боряпти.

— Хўш, ҳукуматимиз билан подшоҳ отахонимиз бунга қарши бирон чора кўришяптими? — сўради Лихачев.

— Ҳамма умид Гришка Распутиндан,— дея хахолаб кулди Осиповский ва унинг киборлар доирасида ҳукм сураётган қилиқ ва одатлар тўғрисидаги ҳикоясидан башарасини бужмайтириб, инграб ўтирган Лихачевни сира аямай Петроград салонлари ва меҳмонхоналарида эшитган барча гапларни оқизмай-томизмай профессорга сўзлаб берди.

— У ҳолда, демак, ягона чора революция экан-да? — сўрагандан ҳам кўра кўпроқ тасдиқлагандек қилиб деди Лихачев. — Бундан ҳам ортиқ таназзул бўладими. Ҳар нарсанинг чеки бор-ку ахир! Жаҳолатпараст ва муттаҳам бир одам шундай давлатга бошлилк қилиб ўтиrsa энди! А? — дея меҳмонга савол назари билан тикилди у.

Осиповский қуш қаноти янглиғ серҳаракат қўлларини икки ёқقا ёзib хитоб қилди:

— Қандай хоҳласангиз, шундай тахмин қиласверинг!

— Нимасини тахмин қилиш керак экан бунинг?! Тахмин-пахминсиз ҳам ҳаммаси равшан-ку,— деди қўполроқ қилиб Лихачев.

— Чоризмнинг куни битяпти,— дея яна қўлларини ёзди Осиповский.

— Тезроқ тўнғиз қўпсин-еъ! — деди Лихачев муштини силтаб.

Лихачевнинг ниҳоятда таъби тирриқ бўлиб кетганди. Меҳмонни кузатиб қўйгач, у бурчакларига тўп-тўп китоб ва даста-даста қофоз уйиб ташланган хонада анча вақтгача уёқдан-бўёқса юриб турди. «Бунча имилайсизлар ахир, жин ургурлар?! — дея хаёлан Иванга мурожаат қилиб мулоҳаза юритарди Лихачев.— Лўттибоз ва абллаҳ бир одам аркони давлатга устозлик қилиб ўтиrsa энди?! А?! Биласизми, бориб турган разолат-ку бу ахир! Уни гумдан қилсаларинг бўлармиди? Йўқ, Венечка, илгарилари революционерлар ҳам сенлардан ботирроқ бўлишгувчи эди! Улар рус мужиги жаҳолат уйқусидан қачон уйғонаркин, дея кутиб ўтиришмас, қўлларини булғатишдан қўрқмай ўзлари ҳаракат қилишаверарди...»

Осиповскийнинг Россия ҳаёти тўғрисидаги ҳикоялари Лихачевнинг

юрак-бағрини шу қадар әзиб юбордики, у әртаси куни мутлақо ишлай блмади. Профессор гоҳ рус-герман фронтидаги воқеалар түғрисида хабарлар босилган газеталарни күздан кечириб, диванда чўзилиб ётар, гоҳ курагининг таги санчиётганини ҳис этгунича қайноқ қаҳва ичип ўтирас, гоҳ стол ёнига бориб, Обь-Енисей канали харитасини күздан кечирарди. Ана шунда у, қани энди мен ҳам мана шу ерларнинг бирор жойида, масалан, Кета соҳилидаги манови Зимаревкада оддий балиқчи ёки овчи бўлиб яшасаму жафокаш ватанимнинг юрақни эзадиган барча азоб-уқубатларидан бехабар тинчгина юраверсан—қандай яхши бўларди-я, деб ўйлаб қоларди... «Ресторанг бориб, ўлгудай ичсамми-кан?— дея кўнглидан ўтказди Лихачев дилидаги ҳасратдан қандай қутилишнинг чорасини топа олмай.

Бироқ Осиповский унинг дилидан нелар кечётганини билгандай иш қилди. Пешин чоғи эшик тепасидаги қўнғироқ жиринглади-ю, хонага бедана юриш қилиб петроградлик археолог кириб келди.

— Хўш, муҳтарам Венедикт Петрович, кайфиятлар қалай? Яхши ухлаб, яхши дам олдингизми? Ишлар дуруст кетяптими?— дея бидирлаганича ҳол-аҳвол сўрай кетди Осиповский.

— Ҳаммаси расво,— деди жавобан тўнғиллаб Лихачев, ҳар қалай Осиповский унинг эътиборини оғир хаёллардан четга тортаётганига ўзича хурсанд бўлиб.

— Нима бўлди? Тобингиз қочдими?— дея сўради меҳмон.

— Россия,— деди чуқур хўрсиниб Лихачев.

— Қўйинг, Россияни деб бунча ташвиш тортасиз! Балоям урмайди унга. Агар ҳукмдорларимизга ўзларининг ақллари етмаса, хорижийлардан ақл ўрганишади. Бунақаси кўп бўлган.



— Ҳа, бўлган! Лекин энди бўлмаслиги керак! — деди деярли ўшқириб Лихачев.

— Мен бу ерга сиз билан баҳслашмоқ учун келганим йўқ, Венедикт Петрович, — деди муросасозлик билан Осиповский. — Камина қулингиздан бир илтифотингизни аямасангиз. Бугун «Континенталь» ресторанида таниш-билишларни тўплаб, кичик бир зиёфат бермоқчи эдим. Янги одамлар билан тезроқ танишиб олсан дейман. Акс ҳолда, одам бу тўқ ва фаровон мамлакатда ёлғизликтан ўзини ўзи осиб қўйиши мумкин.

— Ўзим ҳам шундай аҳволга тушяпман шекилли,— деди ғамгии тўнғиллаб Лихачев ва бир четга тикилганича: «Ҳай майли бир оз кўнгил очиб келарман», дея кўнглидан ўтказди.

Орадан уч соат ўтгач, Лихачев ресторангга этиб борди. Дастурхон немисчасига тузалган бўлиб, стол устида идиш-товоқ дегани уйиб ташланганди, егулик-ичкиликни официантлар келтириб туришарди. Улар тарелкага бир паррак колбаса қўйиб, ингичка найдали идишдан тиқини орқали қадаҳга қиттай арақ қўйишарди-да, кейин дарҳол ҳаммасини ичкарига олиб кетишарди. «Аттанг! Қани энди ҳозир ноз-неъматлару ичимлик дегани уйиб ташланган рус дастурхони ёнида ўтирган бўлсан!»— дея ўйларди Лихачев меҳмонларни паришон кўздан кечирар экан.

Инғилган меҳмонлар жуда хилма-хил экан. Қотмадан келган иккита инглиз аёл, чамаси, қари қизлар бўлишса керак, тинмай жаннат-макон Элладанинг оролларидан бирида аллақандай жаноб Смитнинг ноёб қазилмалари тўғрисида сўзлашарди. Уларнинг ёнида ўтирган швед археологи кўринишидан ўлгудай хафагезак ва индамас бир чол бўлиб, чамаси, у тўқсонларни уриб қўйганди. Даврада ўтирган яна бир одам тийраклиги ва гайрати билан бирмунча Осиповскийнинг ўзига ўхшаб кетадиган йигит эди. Бу одам француз Гюстав Мопассан экан.

— Исли шарифим илиа французларнинг иккӣ классигини бирлаштириш шарафига муяссар бўлганман: «исмим Флобернинг исми, фамилиям эса Мопассан, — пошналарини бир-бирига уриб ўзини таништириди француз.

Зиёфат жуда зерикарли ўтди. Инглиз хонимлар билан швед ҳамон баҳти чопган жаноб Смитнинг қазилмалари тўғрисида сухбатлашишар, француз билан Осиповский эса Парижнинг ажойиб ресторонлари, кийим, ноз-неъмат, ҳузур-ҳаловат бобида дунёда тенги йўқ парижлик хонимлар тўғрисида гап сотишарди.

Лихачев қайнайвериб маза-матраси қолмаган гўштни эринибгина чайнар экан, кайфияти борган сайин бузилаверди. «Бу ерда дўстларимнинг ўзи йўқ эди, лекин манови вайсақилар ҳам менга дўст бўла олмайди», дея ўйларди у эшикка қараб-қараб қўяр экан.

Бу оқшом Лихачевнинг бир умр эсида қоладиган бўлди. Уйига этиб бормасданоқ у ўзини шу қадар ёмон ҳис эта бошладики, қўз ўнгидага учқунлар сачраётгандек туюлди. Гўё аллақандай кўринимас бир одам унинг кўкраги устига темир плита қўйиб, кураги остига найда санчгану ана шу найдадан темирчининг дами билан ўпкасига иссиқ ҳаво ҳайдётгандек эди. Қош ва кўзлари устидаги совуқ терни арта-арта, бармоқлари кенг ёйилган кафти билан деворни ушлаганича Лихачев бир амаллаб уйига кирди-да, гурс этиб полга қулади.

Оқсоқ аёл врач чақиргунига қадар Лихачев бандаликни бажо келтиришига сал қолди. Ҳушига келган дақиқаларда у ўзининг ёзув столига назар ташларди-да, юраги баттар сиқиларди. «Ҳаммаси барбод бўлди... Бутун ҳаётимни бағишилаган ишим-а... Шведлар қофозларимни печларига тутантариқ қилиш учун олиб кетишади... Ванькага бериш керак... Ӯшанинг, ҳа, фақат ўшанинг ҳақи бор бунда».

▲ Аммо Лихачевнинг ажали етмаган экан. У нафасини ростлаб олди. Бироқ швед врачлари чолга таскин беришмади: у камиди бир ой, лозим бўлса, эҳтимол икки ой ҳам кўрпа-тўшак қилиб ётиши керак экан. Лихачев умрида биринчи бор ҳасрат-надомат чекиб, йиғлаб юборди. «Қайси гуноҳларим учун бундай жазо тортяпман ахир?! Шунча ишни мен учун ким бажаради?! Бу ишни бажармай ўлиб кетиш эса етмиш икки йиллик ҳаётни барбод қилиш билан баробар-ку».

Бироқ ҳасрат чекиб, кўз ёш тўкиш, ишни ўйлаб ташвиш тортишдан Лихачевга сира наф йўқ эди. Аксинча. Фақат хотиржамлик, дунёдаги жамики нарсаларга бепарвоник, қатъий режим... У фақат шунга амал қилмоғи керак эди. Уч ҳафта давомида Лихачев яшамади, балким ўрмалаб юрган қумурсқа, даладаги гиёҳ янглиғ кун ўтказди. Шундан сўнг у оқсоч аёлдан экспедицияларнинг дала хариталари ёйилган столни яқинроқ сурис беришни илтимос қилди. Аёл аввалига қаршилик қилмоқчи бўлди-ю, бироқ врач беморнинг истагига монелик кўрсатмади.

— Профессорнинг юраги хастароқ, лекин мияси бақувват. Майли, бемалол ўйлайверсин, — деди швед.

Лихачев бир вақтлар ўзи турли белгилар билан тўлдириб ташланган хариталарни олдига ёяди-да, оқсоч аёлни ҳам, уни парвариш қилаётган ҳамширани ҳам ҳайратга солганича уларга соатлаб тикилиб ўтиради.

Ночор аҳволга тушиб қолган қария учун бу энг бахтиёр соатлар эди! Бу пайтларда у курагининг остидаги оғриқни ҳам унтиб, тинимсиз ҳаракат билан ўтган ўша йироқ йилларни эслаб кетар, хаёлан ўз ишининг аллақандай муҳим томонларини хомчўт қилиб кўрар, ўша кунларда аниқлаган тафсилоту далилларни ўн йиллар давомида шаклланган кенг билим доираси билан тақъосларди.

▲ Осиповский олимни эътиборсиз қолдирмади. У Лихачевнинг уйига ҳар куни келиб турарди. Врачлар уни анчага довур беморнинг олдига киритишмади. Шу боисдан ҳам у унчалик қисталанг қилмай, фақат Венедикт Петровичга албатта саломини етказишни ва тезроқ соғайиб кетиш ҳақидаги тилагини айтиб қўймоқни илтимос қилиб юди.

Орадан бир ғой ўтгач эса, Осиповский ниҳоят, олимнинг маълум муддатга касалхона бўлмасига айланган хонаси остонасини ҳајлаб ўтишга ҳам мусассар бўлди.

— Э, муҳтарам Венедикт Петрович! Ўз айбимни ўйласам, ҳамон дилим ўртанади. Ҳар қалай бу воқеа менинг дўстларим билан бўлган ўша машъум учрашувдан сўнг содир бўлди,— деда бидирлай кетди Осиповский.— Қандай изтироб чекканимни билсангиз эди! Келиб-келиб худди ўша оқшом мазангиз қочиб қолганини қаранг-а!

— Қўйсангиз-чи, Казимир Эмильевич! Сизда нима гуноҳ! Ҳамма айб менинг хаста юрагимда,— деди унга тасалли бериб Лихачев.

Бир куни Осиповский Лихачевниги яна бир одамни бошлаб келди. Даҳлизда ичкари кириш учун ижозат кутиб Гюстав Мопассан турган эди. Лихачев уни ичкарига таклиф этди албатта. Француз назо-кат билан таъзим қилди-ю, бироқ олим ётган тўшак ёнига келишига журъат этмади. Лихачев саломлашмоқ учун унга ўзи қўл узатди.

У меҳмонларни ўтиришга таклиф қилди.

— Хўш, жаноблар, бир гапириб беринглар-чи, ёруғ дунёда нима гаплар бўляпти ўзи?— деда сўради у одамлар билан мулоқотда бўлиш имкониятидан хурсанд эканлигини яширмай.

Осиповский қувлик билан француздаги қараб қўйди.

— Гюстав, балким сиз профессорга кайзер Вильгельм ҳақидаги янги латифани айтиб берарсиз?— деди француз тилида Осиповский.

Гюстав башарасини бужмайтириди:

— Маъзур тутасиз, бемалол айтиб берардиму, лекин одобсиз гапларга профессорнинг қандай муносабатда бўлишини билмайман да. Бундай гапларсиз эса латифа латифа бўлмай қолади.

— Айтаверинг,— дея унга қараб маънодор кўз қисди Лихачев.

Шундан сўнг Гюстав Вильгельм ва рус подшосининг немис хотини тўғрисида Парижда тўқилган янги латифани айтиб берди.

Лихачевнинг гавдаси силкиниб, каравот ғичирлаб кетди, олим кулгинини босмоқ учун оғзини пахмоқ сочиқ билан ёпид олди.

Чамаси, бу кулги жуда шифобаҳаш экан! Ўша кундан эътиборан Лихачев ўзини анча енгил ҳис эта бошлади. У тўшакда уёқдан-буёққа ағдарилиб, бошини осонгина ўғирадиган, тирсагини ёстиққа тираб гавдасини хиёл кўтарадиган бўлиб қолди.

Осиповский билан Гюстав ҳар уч кунда уни кўргани келиб туришди. Профессор уларни сабрсизлик билан кутарди. Зоро, бу одамлар билан унинг хонасига сўнгги янгиликлар, латифаю ҳазил-мутоиба гаплар кириб келгандек бўларди.

Улар чиқиб кетишар экан, қария гарчи бу учрашувдан бирмунча толикқан бўлса-да, лекин, сўзсиз, анча соғайган ҳолда кузатиб қоларди.

Бир куни ана шундай касални кўргани келишганида Осиповский билан Гюстав ҳазил-мутоибаю латифалардан сўнг Лихачевдан бўлаjak китоби тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилишиди. Профессор манови даста-даста кундаликлару хариталарни бекорга олиб келмаган-ку ахир. Лихачев илмий мушоҳадаларини бегона одамларга олдиндан айтиб беришни ёмон кўрарди, бироқ бу гал у меҳмонлар чиқиб кетиб, ёлғиз қолишини истамагани туфайли, ўз қоидасидан чекинган ҳолда, қидирив ишлари тўғрисида ҳикоя қила бошлади.

Осиповский унинг ҳикоясини унчалик диққат билан эшитмади. У ҳатто бир-икки марта кафти билан оғзини яшириб эснаб ҳам, олди. Бироқ Гюстав кўзларини катта очганича профессорнинг бир оғиз ҳам сўзини эътибордан четда қолдирмай тинглаб ўтирди. У ё чиндан ҳам бу анча зерикарли мавзуга фоятда қизиқар, ё жуда моҳирлик билан ўзини профессорнинг ҳикоясига ниҳоятда қизиқаётгандек қилиб кўрсатарди.

Осиповский билан Гюстав мазмунли суҳбати учун Лихачевга миннатдорчиллик билдириб, одатдагидан кечроқ чиқиб кетишиди. Лихачев эса ёлғиз қолгач: «Ванька! Қани энди ҳозир у билан гаплашиб олсам», дея хўрсиниб қўйди.

8

Ванькадан эса ҳамон хабар йўқ эди. Стокгольмда яшай бошлаган ана шу давр ичида Лихачев Акимовдан бор-йўғи бир донагина хат олди. Ўшанда ҳам бу мактуб Ксенофонтов орқали жўнатилган экан. У уч ой йўл юриб мактубни ҳўқиз аравада олиб келишганга ўштайди. Наримдан чамаси, биронта одамдан бериб юборилган бу мактуб фаяқат Петрограддан Стокгольмгачагина почта воситаларида олиб келинибди.

Бироқ Акимов юборган хабар Лихачев томон яқинлашиб келмоқда эди. Ушбу хабар профессорга жуда ғаройиб бир йўсинда етиб келди.

Бир куни эрталаб оқсоқ аёл Лихачевга врачнинг ташриф буюрганини айтди. Лихачев ҳайратга тушди. Зоро, ўша куни врачнинг желадиган куни эмасди.

— Ҳай майли, жаноб Ярингни буёққа таклиф қилинг. Киравер-

син,— деди ўзини мунтазам даволаётган врач келган бўлса керак, дея хаёлга борган Лихачев.

— Лекин бу гал бошқаси келди. Қандайдир нотаниш врач,—дея тушунтириди оқсоч аёл.

— Бари бир, кираверсин,— буюрди Лихачев эшик томон қизиқиб қарап экан.

Хонага эгнига оқ халат кийган, малла тусдаги соқоли қалин, баланд бўйли бир киши кириб келди. У кўзойнаги тагидан Лихачевга қараганича унинг ёнига келиб бузук швед тилида саломлашди. Оқсоч аёл хонадан чиқиб кетгач, врач каравот ёнида турган стулга ўтириди.

— Танишиб қўйайлик, Венедикт Петрович,—дея рус тилида сўзлай бошлади у.— Прохоров Сергей Егорич. Акимовнинг маслакдош ўртоғи бўламан.

Улар қўй қисишиб кўришишди.

— Қаёқларда юрибди ўзи у ярамас? Бу ерга келганимдан бери ундан атиги бир дона хат олдим, ўшандаям бор-йўғи ўнтагин жумла ёзибди,— деди чеҳраси ёришиб Лихачев.

— Аввало ижозат этинг, ўзимни охиригача танишитирай,— савол беришга шошилаётган Лихачевни тўхтатиб, деди Прохоров.— Сизнинг олдингизга мени Стокгольмда муҳожирликда яшовчи эсдек-большевиклар гуруҳи юборди. Сизнинг бу ерда истиқомат қилишингизни биз анчадан бўён биламиз, аммо ортиқча шубҳа остига қўймаслик учун сиз билан алоқа боғламасликка ҳаракат қилдик.

— Буни қаранг-а,—деди ҳайратга тушиб бу ерда, бегона ўлкада Иваннинг маслакдошларини учратаман деб сира хаёлига келтирмаган Лихачев.

Прохоров халатининг остидаги аллақайси чўнтағидан анча фижимланган бир конвертни олиб, Лихачевга узатди. Лихачев шошапиша мўғиз гардишли оғир кўзойнагини тақди-да, жиянининг хатини ўқиб чиқди. Иван соғ-саломат экан. Наримга анча кўниги қолибди. Приватнинг рухсати билан бир неча бор Кетанинг юқори оқими томон борибди. У ерда ғалати ўпқонларга дуч келибди. Улардан бирини диққат билан кўздан кечираётib; темирчилик мосламасининг изларини кўрибди. Барча белгиларига кўра, тунгус қабилаларининг мосламасига ўхшар экан. Ҳамон ўша муаммо: тунгуслар рудани қаердан олишганийкин? Сургунда вақтни бекор ўтказмоқчи эмасмиш. Кўп мутолаа қилиб, метереологик кузатувлар олиб бораётган эмиш. Энди бошлиқлардан рухсат сўраб, Тимга бормоқчи ва унинг қўйилиш жойидан юқори оқимигача юриб, ҳеч бўлмагандан юзаки тасвирини ёзиб олмоқчи экан, Бундан ташқари икки тил билан шуғулланаётган эмиш: француз тилида бемалол гаплашадиган бўлиб қолибди, инглиз тилида эса хиёл оқсаётганимиш. Бу ерда сургундаги ўртоқлардан ташкил этилган партия ташкилотчилари мактабида «Россиянинг табиий ресурслари» мавзууда бир неча маъруза ўқибди. Ибтидоий қамоқхонага Ксенофонтовдан бериб юборган юз сўм пулини сўнгги тийинигача олибди ва энг зарур нарсаларга ҳаражат қилибди. Тоғасидан бир умр миннатдор эмиш.

— Баракалла, Ванька, оғарин! Руҳи тушмабди, қадди эгилмабди,— дея шивирларди Лихачев дўрдоқ лабларини қимирлатиб. Сўнгра у Прохоровга қаради-да хўрсиниб деди:— Ванька бу ерда менга жуда керак бўляпти-да! Қариб қолдим, жаноб Прохоров. Юракнинг мазаси қочган, ўқтин-ўқтин кўзим хиралашади, иш эса, отахоним, ошиб-тошиб ётибди, ўн йилга етади. Печнинг устига чиқиб олган чолга ўхшаб ёлғиз яшаяпман. Яхшиямки, жаноб Осиповский келиб туради. Ўзи археолог, жуда дилкаш ва хушхулқ одам. Эҳтимол, танирсиз уни? Прохоров бир оз гангиб, эшикка зимдан назар ташлади-да, товушини пасайтириб деди:

— Худди ана шу Осиповский ҳақида айтиб қўйиш топширилган менга: у археолог бўлиш билан бир қаторда маҳфий полиция бош бошқармасининг агенти ҳамдир. Унинг ихтисоси Скандинавия мамлакатларидағи рус муҳожирларини кузатишидир. У Стокгольмга Копенгагендан келган. Эҳтимол, уни бу ерга ўтказишлирага сиз сабаб бўлган-дирсиз.

— Айтинг-чи, яхши йигит, бу маълумотлар таҳминийми ёки уларнинг бирор далил-исботи борми?— дея жиддий оҳангда сўради Лихачев Прохоровга паришон тикилганича.

— Маълумотлар жуда аниқ, Венедикт Петрович.

— Ҳм, қизиқ. Чиндан ҳам инсоннинг макрини ҳеч нарсага таққослаб бўлмайди.

— Гюстав Мопассан тўғрисида ҳам сизга баъзи нарсаларни айтиб қўймоқчиман,— дея давом этди Прохоров ҳамон ўша равон товуш билан.— Ушбу француз инглизларга яхши хизмат қиласди. Ҳозир у рус-инглиз банки, тўғрироғи, «Лена Гольдфильде» компаниясининг топшириғига биноан шведлар билан аллақандай битим тузмоқчи бўлиб юрибди. Ушбу мусъе илмий қизиқишилардан ҳам холи эмаслар, айниқса бу қизиқишилар Россияга тааллуқли бўлса. Маълум бўлишича, у хусусан, аниқроғи, ўзидан ҳам кўра кўпроқ унинг хўжайнилари сизнинг Сибирь тўғрисидаги тадқиқотларингизга қизинқиб қолишибди. Лондондан Гюставга сиз билан савдо музокараси олиб бориш ҳақида буйруқ келибди. Лондонлик корчалонлар сизнинг асарларингизни таг-туги билан сотиб олишмоқчи эмиш. Худди ана шунинг учун ҳам сизни огоҳлантиришга шошилдик, Венедикт Петрович.

Лихачев ўз қулоқларига ишонмай қолган эди.

— Менинг асарларимни сотиб олишмоқчи? Лондондан буйруқ келди, дейсизми?— ғазабининг зўридан унинг овози бўғилиб қолди. У кучи борича бақирмоқчи эди-ю, аммо товуши томографига тиқилиб қолганди. Чол лаблари қалтираганича аранг шивирлаб гапирмоқда эди.

— Ҳа, ҳа, худди шундай,— дея бош ирғарди Прохоров.

— Мен ўша Осиповскийни ҳам, ўша Гюставни ҳам кетига тепиб



чиқараман. Уларга шундай бир Лондонни кўрсатиб қўяйки абадул-абад фамилиямни эслолмайдиган бўлиб юришсин!—Лихачевнинг товуши борган сайин кучга тўлиб бораарди.

— Йўқ, йўқ, Венедикт Петрович. Аввало тинчланинг. Сизнинг ҳаяжонланишингиз мумкин эмас. Фақат заруратгина сизнинг тўла соғайиб улгурмасингиздан аввал ҳузурингизга келишга мажбур этди мени.

—Хўш, нима қилгин дейсиз менга? Нима қилай ахир? Дарҳол Россияга қайтайми?— Стулда хотиржам ўтирган Прохоровга ташвиш билан тикилди Лихачев.

— Агар бизнинг гапимишга киришни истасангиз, маслаҳатимиз бундай: бутунлай соғайишишингиз керак, Венедикт Петрович. Бу биринчидан, иккинчидан эса, Осиповский билан Гюставга уларнинг ҳақиқий башарасини билишингиз хусусида сира ҳам сир бой бермаслигингиз лозим.

— Ахир одам жирканади-ку, яхши йигит! Улар бундан кейин ҳам менга ўзларини дўст қилиб кўрсатишади!— кўзлари ёниб хитоб қилди Лихачев.

— Сизга нима? Кўрсатишса кўрсатишаверсин!— деди кулиб Прохоров ва ўрнидан турди.— Хўш, ижозатингиз билан мен борай энди. Ўйлайманки, сизнинг соғлиғингизга менинг аралашувимнинг ҳожати йўқ. Мен педиатрман.

— Афсус, болалик ёшидан ўтиб қолганман,— деди бир оз чеҳраси очилиб Лихачев.

Прохоров профессорнинг қўлини қисди-да, бир-икки бор жилмайиб ўгирилганича оҳиста юриб хонадан чиқиб кетди.

(Давоми бор).



Султон Акбарий

ҚУКАН ШИҲНО

ДОСТОН

«Бор экан-да, ийқ әкан»лаб чўпчак қилиб,
Араванинг тўғинцга гупчак қилиб,
Ўтган турфа гурунгларни бошлаймикин,
Хом терини сувга писишиб ошлаймикин!..
Бор гапми бу, ийқ гапми бу — кимга қандай,
Елғон билан чин аралаш тўқигиндай,
Жиндаккина лоф-у, оз-моз олди қочди,
Шутиб шоир ўстиради соқол-сочди...»

Биғинчи боб

«Синфий онгсиз бекор йўгон учов-пўкан,
Коммунизм ҳамишга ҳам керак Қўкан».

Увуз эти ув бўп, жигар-бағир сув бўп,
Луқмакашлик қилаверсан ёшим дув бўп,
Фалон иили, ер депсиниб турган ойда,
Аррапоя деган боғли, сувли жойда
Ўтган экан бир бедилхон соҳиб тадбир,
Фазлу камол билан улуғ, ажиб тақдир.
Қалами ҳам саодатли, бурро экан,
Тўти сўзли, лутфи «Яша, Шўро!» экан.
Лақмаларни тузлаб жўжга очирапкан,
Афандини бир чўқилаб қочирапкан.
Собит оға, Берди бобо — қизиқ олам,
Ичаклари узиларкан «Оббохолам!..»
Мажлисида Шукруллоси ибни Хотиб,

Хамидхони Үторуддек құтли котиб,
 Сайдахмади ёндан чиққан ён қозиги,
 Ҳазил-хузул, мутойиба — жоң озиғи,
 Дүторчиси Аҳмаджоний заргар экан,
 Атрофида Юсуфчаси паргар экан.



Бир куни денг, Ғафур ақа чувиб ўйни,
 Гүсам каби әргаштириб овсар қўйни;
 Сувлатгандаи тиниқ кўнгил булогига,
 Бирка тақиб қўйган экан қулогига:
 «Гапнинг ўғил боласини айтсан, Султон,
 Умр деган бамисоли дурриғалтон.
 Бир думалаб кетса, чиқар жони-понинг,
 Валийни ҳам аյмас вақт тегирмонинг.
 Мана, аканг қарағай ҳам бошин қашиб,
 Чолдеволнинг орқасида шўх донлашиб,
 Бўйдоқликнинг елкасига хуржун солди,
 Бола очган гуррак каби орқа-олди.
 Бири самбиг десам, яна бири сарви,
 Чап ёпишиб олган хўдди чакачарви.
 Увоқ-улоқ, иириги ўйқ, бари майдা,
 «Вақ-виқ» қилган бақа каби ҳовузчада.
 Дўппини бир айлантирсан, кунлар калта,
 Бегим куни, бозор куни қўлда халта.
 «Зиндаги бор гардан афтодан хуржун кўндаланг,
 Шод бояд кўндаланг, ношод бояд кўндаланг»¹.
 Вақтики ал-Ғуломинг ҳам мункайидир,
 Даврон қўлдан кетган янглиғ руҳ заифдир.
 Пилла қуртдай ўз устига ипак ўраб,
 Ўтиб кетар юлдузлардан муччи сўраб.
 Ҳали-бери ўладиган аҳмоқ ўйқ-ку,
 Тағин қайдам кечалари бежо ўйқу.
 Афлотун ҳам билолмаган чарх ўйинин,
 Ҳар эҳтимол, тўссолмасдан дард қуюнин,
 У-бу бўлиб, паққос ўлиб-нетиб қолсан,
 Бу хокдондан ризолашмай кетиб қолсан,
 Кўканчанинг қолган қисми ўзингга тан,—
 Давримизда бойитилган асл маъдан.
 Синфий онгиз бекор йўғон учов-пўкан,
 Коммунизм қуришга ҳам керак Кўкан.
 Лаб-лунжингни овқат билан шиширмагин,
 Уни тарих саҳнасидан туширмагин.
 Ўз ролини ўйнаб турсин хуллас қалом,
 Ассалому вассалом!»

«Нега кўзинг пахтасини чиқарасан?
 Адабиёт майдонида фуқаросан».

Пишган қимиз ичаман деб қимрон ичиб,
 Нордон нарса еб қўйгандаи бошим қичиб,
 Кавшанганча қолган эдим лунжимдагин,

¹ «Тирикчилик хуржуни бўйинга тушгандан кейин хурсанд бўлсанг ҳам тушмайди, хурсанд бўлмасанг ҳам тушмайди» (Тоҷикча байт).

Үқиши учун чиқаролмай қўнжимдагин.
 От тепкисин от кўттарар, ҳанги эмас,
 Йилқичининг гапи эски, янги эмас.
 Гафур Ғулом қаёқда-ю, сен қаёқда,
 Тоза майна бўласан-ку эл-аймоқда!
 Андишанинг тўйин неча ечиб кийдим,
 Ганиматда «вит» деб қўяқолмоқчийдим,
 Иродасиз нигоҳлардан фикрим ўқиб,
 Тош туллакдай ташладилар чўқиб-чўқиб:
 «Хе саними, ундоқ қиласай, мундоқ қиласай,
 Бешотарнинг тепкисига қўндоқ қиласай.
 Боққан моли уч-тўртта-ю, «қуррайи» зўр,
 Кечалари оркестрдай хуррайи зўр.
 Зот-потингда ўтганниди латта чайнар,
 Каллаварам, қора декчанг қачон қайнар?
 Қичаштириб сенам улоқ олсанг-чи бир,
 От устида тақимлашиб қолсанг-чи бир.
 Қачонгача Гафурингҳи ишлар боши,
 Оқмачитнинг ҳалимими санга оши.
 «Ва қатрун ило қатрин изо интизамат наҳру,
 Ва наҳрун ило наҳрин изо ижтамаат баҳру»¹.



Оғзим куйган, мудом тутун қайтармасдим,
 Халпанада ҳалфа бўлган Ҳайдармасдим.
 Машойихлар деганлардек, сукут — ризо,
 Тус ўзгариб, гўё мени қулиб мирзо,
 Қўнгил қушин матрапсиз хүш овладилар,
 Эски аттор қутисини ковладилар:
 «Вэй чапақай жаҳл қурсин, хумори нос,
 Парқинингга бир сув пуркаб қўйдим, холос.
 Катталар иш буюргандо «лаббай!» деб тур,
 Тартиб шундай, тақинчоқмас, одоб зебдор.
 Ип чийланиб ўралади ғалтак билан,
 Бизнинг мулла бўлганимиз калтак билан.
 Лойдан ясад, офтобда қуритишган,
 Онгимизни ерга кўмиб ҷуритишган.
 Сенга нима, жин урмаган, тўрт мучанг соғ,
 Бўталоқдай бўксангда ним қадоқча ёғ.
 Еган-ичган, ўйнайдирган яхши замон,
 Дангасадан бошқасига дориломон.
 Ақлинг тўла, битиргансан катта ВУЗни,
 Тилинг билан юргизасан паравузни.
 Ез дегандан кейин — мажбур, ёзмай кўр-чи,
 Томирдошимиз, манам қўрчи, санам қўрчи!..»



Жувоз тортсам чиқармикин сўзининг ёғи,
 Илҳом дўсти, руҳнинг гижинг арғимоги
 Сўлуқ чайнаб қолмасмикин ярим йўлда,
 Достончанинг ҳомакиси ўлда-жўлда.
 Таваккал деб шахт ураддим нақи эгарни,

¹ «Қатра қатрага қўшилиб дарё бўлур,
 Дарё дарёга қўшилиб денгиз бўлур».
 (Саъдийнинг «Гулистан»идан. Сайфи Саройи таржимаси).

Шернинг тиши орасидан гүшт тегарми,
 Нима фойда менга мишиұр «Құкан»идан,
 Ранғ ортарми бешикчининг дүканидан...
 Узрим айтиб ғүлдирасам алланима,
 Исиб-совиб үқтирилар: «Бе, ғам ема!
 Туя ўтган ерда қолар янтоқ гули,
 Ебингга¹ ҳам топилар бир түрва сули.
 Faфурингдә қатқорин ійқ, нафси кичи²,
 Тошкент суви, эзивички тұла ичи.
 Ез, чиқмаса жири агар мен түловдор,
 Отни боққан сайис³ билар ё жиловдор,
 Құканвойнинг фалсафаси, оқ соқоли
 Сендақанинг сон мингтасин боқар ҳали.
 Құқынинг кесма, қани носдан узат,
 Мұлғонига үхшамасдан рангни тузат.
 Нега құзинг пахтасини чиқарасан,
 Адабиёт майдонида фуқаросан.
 Кимга осон — Шайхгами, Faфургами,
 Құйма құлоқ, қани менинг гапирғаним.
 Е деволга танбур чертиб түрувмидим,
 Шербоз чиқиб кетган сурув сурувмиди.
 Тошга өзега қоқиши үзи бүлармишми,
 Шеър турғанда заргарлық ҳам ҳұнармишми!
 Ийқ десанғми пұлат асаб, тобу тоқат,
 Түякашлиқ қилиш десанғ минг бор роҳат,
 Түрт томонинг қибла, ҳайто, тошингни тер,
 Езувчилік билетини қайтариб бер.
 Чиқиб қолар бошқа тұны келишгани,
 Үнча-мунча ютуқларга әришгани».

«Назм қасрига киаркансан сажда учун,
 Беш шартимга амал қилғин сен инчунун!»



¹ Ібі — хашаки от.

² Кичи — кичикнинг чүччайтириб айтладиган хили.

³ Сайис — отбоқар.

Жон-ҳолимга қўймай ваъда олган бўлиб,
 Ихлос билан ўлкка дам солган бўлиб,
 Дедиларким; «Кўса десам, ёш экансан,
 Бир қайнашда очилувчи мош экансан.
 Назм қасрига киаркансан сажда учун,
 Беш шартимга амал қилгин сен инчунун:
 Биринчиси — ҳаммом қилиб, сувга бош тиқ,
 Мирсанжалий ўригидай ярақлаб чиқ.
 Қошни силаб юрадилар теккизмай гард,
 Бир ироқи совун билан кетар кўп дард.
 Юнонликлар тани асраши шараф демиш,
 Тоза одам паришталик бўлар эмиш.
 Лойчигамас, ғаввосларга учрап ақиқ,
 Харом-харии юришларни қилгум таъзиқ.
 Иккинчиси — юртни тана, дунёни кез,
 Шоирликнинг тариқатин қилиб тез-тез.
 Дала айлан, гузарга чиқ, бозорга тушиб,
 Тоғ ўтини яхши билар зирафуруши.
 Бу — наботот, бу — доривор, келар пором,
 Ўсма — кўзга қувват,райхон — руҳга ором.
 Тўрт оташли гулоб борки, ўткир атири,
 Қорамолнинг уч яшари жувонадир...
 Үчинчиси — хотинчалиш бўлма, бола,
 Гап деганни майдалама, босма мола.
 Тили галча билан бўлма ҳамхужра ҳам,
 Ҳикматлидир нуктадонга бўлиши ҳамдам.
 Гарчанд ийқодир суханворлик учун план,
 Гулни гулга қўшадилар «ёр-ёр» билан.
 Таъбир, тамсил бўлмаса гар олам ғариб,
 Халқ тилини ўрган мисли кон ахтариб..
 Тўртинчиси — виждонингга қарши борма,
 Қизимаган тандир учун хамир қорма.
 Енгани нонинг оқиб тушар бўртмай туриб,
 Пишириб ол бошда, қалам туртмай туриб.
 Эррайимлик қилмай, фақат билганинг ёз,
 Сўнали кўл томон учар суралай гоз.
 Қалбларни гар ишғол қилса дили тамкин,
 Йигирма хил оҳанг билан чалиш мумкин.
 Бешинчиси — яхшилик қил, сувга ташла,
 Сув билмаса балиқ билар, бошни қашла.
 Кўрмагандек қизғанма кўл қамишини,
 Ҳавас қилгин бармоқдан бол томишини!...»



У дедилар, бу дедилар элаб-элаб,
 Неча усул билан болу парга белаб,
 Гарданга зил вазифани юкладилар,
 Сўнг ўзлари жуда қаттиқ ухладилар.




Эвоҳ, қуйинг бир саҳбойи жунун¹ лим-лим,
 Қайтиб юмшоқ болишдан бош олмадилар,

¹ Саҳбойи жунун — телбалик майи.

Ўйнаганми эканлар тун билан «дим-дим»,
Гулиқаҳқаҳ парига¹ кўз солмадилар.
Табиатнинг саркашлиги етмасмиди,
Коржонтовнинг синган бели битмасмиди!
Кўзларда ёш гилдир-гилдир, хаёл тарлон,
Гардуни дун шевасидан замин сарсон!..
Келаверди «вой отам»лаб, «вой бўтам»лаб,
Чоллар тураг оқ соқолин лол тутамлаб.
Хатм ошига етиб келди Кўкани ҳам,
Икки бети сўлиб тушган, қовоқлар нам.
Бўзлар эди: «Томиримдан айрildim» деб,
«Ўчганимда қанотимдан қайрилдим» деб.
«Кимим билан энди қаҳ-қаҳ кулишаман,
«Сен же, мён же» қилиб иззат бўлишаман.
Чуст халқига нима дейман «Қани?» деса,
Холпош араз терс ўғирилиб овқат еса.
Қани Пўлат, Ойпахтанинг амакиси.
Аччиқ экан шоирларнинг тамакиси!..»
Мен ўшандада Кўкан билан келган эдим,
Қирқ кунгача фошиҳадор бўлган эдим...

(Дәвоми келгуси сонда).



¹ Гулиқаҳқаҳ пари — қаҳ-қаҳ, уриб кулғанда оғзидан гул-лолалар сочиладиган
фоят сулува, оқила, мўъжизакор париваш. Бу ерда Ғафур аканинг аёллари Мукаррама-
хонимга ишора.



Босит Халилов

ГУЛБАҲОР ҚАНИ?

**ТҮРТ КҮРИНИШЛИ
МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ**

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Гулбаҳор — Илҳом билан севишиган қиз.

Марҳамат — Гулбаҳорнинг ойиси.

Қосим — Гулбаҳорнинг дадаси.

Илҳом — ишчи, Гулбаҳор севганинг йигит.

Фәзил — ишчи, Илҳомнинг ўртоғи.

Ҳошим — заводда смена мастери.

Ҳадиҷа — Фозилнинг хотини.

Оммавий саҳналарда Илҳомнинг ҳамкаслари — ишчилар иштирок этадилар.

Биринчи кўриниш

Саҳна — ҳовли. Бир томонда ойнабанд айвон ва уйнинг деразалири кўриниб туради.

Музика.

Гулбаҳор.

Навбаҳор бўлса ҳар дам яйрамоқ истар кўнгил,
Булбули гўё каби сайрамоқ истар кўнгил.
Лолазор, кўйинингни оч, айлагин кўнглимни хуш,
Ёр учун гулдасталар бойламоқ истар кўнгил.
Кел баҳорим, лолазорим кўнглими оромисан,
Доимо севгувчиларнинг сен гулирайхонисан.
Ошиқ аҳлин овутган ҳамдами — достонисан,
Ёр учун гулдасталар бойламоқ истар кўнгил.

Марҳамат киради.

Марҳамат. Вой бўй, турдингми? Қўйиб берсам, тушгача ухлайсан-а. Сен дарров катта йиғишириб чиқ, тез бўл! Мен кетишим керак.

Гулбаҳор. Хўп ойи, ҳозир йиғишираман.

Чиқади ва қайтиб киради.

Йиғишириб қўйибсиз-ку, ҳамма уйда. Очиқ турса нима қилади?

Марҳамат. Қўп алжиромай ишингни қил. Ма (*калитни беради*), йиғишириб бўлганингдан кейин калитни менга бер (*Гулбаҳорнинг устига қараб*). Вой, уйда шу кўйлагингни кийиб юрибсанми? Дарров ечиб қўй! Ҳеч кийим аяшни билмайсан-а.

Гулбаҳор чиқади. Қосим киради.

Қосим. Марҳамат, бет артишга сочиқ борми?

Марҳамат. Ҳозир, ҳозир (*Эски сочиқни узатади*). Мана.

Қосим. Бу нима, пайтавами, уйда шунча сочиқ туриб, шуни берасанми? Баракалла сенга-э!

Марҳамат. Ҳозирча шунга артиб туринг. Ҳеч нима қилмайди. Сандиқнинг калитини тополмаяпман.

Қосим. Қадимги мутафаккирлар молпарастларни ипак қуртига ўхшатишган. Пилла қурти қимматбаҳо ипагини ўраб-ўраб, ўзи ўртасида қолиб ўлиб кетар экан. Сен унақа қилма. Тузукроқ яашни ҳам ўйла.

Марҳамат. Ёмон яшаяпманми?

Қосим. Шу ҳам яашми? Сенинг бу қилиқларинг жонимга тегди. Е бошимни олиб кетайми?

Марҳамат.

Нега уйдан қочасиз,
Кимга кўнгил очасиз?
Топиб мэндан бошқани,
Балки меҳр сочасиз?

Қосим.

Тилингдир ўткир қилич,
Тинчлик иўқдир эрта-кеч.
Уйми бу ё дўзахми,
Тушунмайман сенга ҳеч.
(Чиқади).

Марҳамат. Ҳар куни икки мартадан соқол оладиган бўлиб қолганидан ҳам билувдим-а!

Гулбаҳор. Ойи, бир парча латта учун дадам бечоранинг дилини сиёҳ қилдингиз.

Марҳамат. Майли қўявер, хафа бўлса бўлар, даданг фақат ўзининг ҳузурини ўйлади.

Гулбаҳор. Нега унақа дейсиз, кечаю кундуз тинмай ишлайди, топганини сизга беради. Бундан ортиқ нима қилсин.

Марҳамат. Бўлди, бас! Мана, сен институтингни битирдинг. Дадангга, қизингизни шаҳарда қолдиришга ҳаракат қилинг, десам, иложи йўқ, бўлмайди, мен бундай йўлдан юрмайман, дейди. Тавба, даданг тополмаган иложни мана мен топаман. Министрнинг олдига ўзим бораман.

Гулбаҳор. Ойи сиз бекорга овора бўласиз. Борманг, ҳеч иложи йўқ. Мени ишга юборишмоқчи. Ахир институтни битиргандар икки йил қишлоқда ишлаши керак-да.

Марҳамат. У ёқса бориб ишлаш учун сендан бошқалар ҳам топилиб қолади. Сен ҳеч қаёққа бормайсан, тушундингми, бормайсан!

Гулбаҳор. Ишга бормагандарга диплом беришмас эмиш.

Марҳамат. Бермаса бермасин, кераги йўқ.

Гулбахор. Ойи, қизиқсиз-а, ахир, мен шунча йил бекорга ўқидимми?

Марҳамат. Дипломсиз оч қолмассан (*устига қараб*). · Вой, менга қара, ҳали ҳам кўйлакни ечмадингми? Дарров ечиб қўй, дейман сенга, бўл тез!

Гулбахор. Мунча қистадингиз?

Марҳамат. Унақа дема. Мана сени унашиб ҳам қўйдим.

Гулбахор. Нима?

Марҳамат. Ҳадемай тўйингни қиламиз, сенга атаб қанча кўйлак, қанча нарсалар қилиб қўйғанман. Келин бўлганингдан кейин хоҳлаганингни — эрталаб биттасини, тушда биттасини, кечқурун биттасини кияверасан. Ҳозир устингдагини ечиб қўй!

Гулбахор (*тутоқиб*). Менга, сиз топган куёв ҳам, қиладиган тўйингиз билан кийимларингиз ҳам керакмас, тушундингизми?! Керакмас! Агар йўқ, десангиз шу уйдан чиқиб кетаман.

Ечиб чиқиб, улоқтиради.

Олинг матоҳингизни!

Марҳамат. Бу қақажоннинг гапини қаранг. Топган куёвингиз ҳам, қиладиган тўйингиз ҳам керакмас, кетаман эмиш. Мен сени уйдан бир қариҷ чиқариб бўбман. Аввал юборсан ҳам, энди сени ҳеч қаёққа қўймайман. Мен ҳозир ўша ишга юборадиган катталарингни олдига бориб гаплашаман. Сени шаҳарда қолдирмаса, идорасидан чиқмайман.

Шошилганча чиқади.

Музика.

Гулбахор (*ашула айтиб турганда Илҳом билан Фозил секин кириб, қулоқ солишади*).

Гул териб йўлингга чиқсам, севган ёрим келмадинг,
Ташнадирман васлингга мен, танда жоним келмадинг.
Шодлигим, баҳтим, десам, сен билмадинг ҳолим сўраб,
Олдинг охир ҳам оромим, ҳам қарорим келмадинг.

Шулмиди сендан умидим ғамга ёр этдинг мени,
Лоакал бир бор келмай васлингга зор этдинг мени.
Қолмади танда мажол, йўлингда хор этдинг мени,
Олдинг охир ҳам оромим, ҳам қарорим келмадинг.

Илҳом (*тўсатдан*). Гулбахор?

Гулбахор. Ие, Илҳом ака, келдингизми?

Фозил (*қўйл бериб*). Мен Илҳомнинг ўртоғи Фозил Қурбонович Қурбонов. Касбим оддий ишчи, уйланмаганман.

Гулбахор (*кулиб*). Гулбахор...

Илҳом. Биз сизни...

Фозил. Табриклагани келдик. Врачлик дипломингиз муборак бўлсин!

Гулбахор. Раҳмат.

Пауза. Гулбахор тескари қараб турганда Фозил Илҳомга «дадил бўл, гапир!» деб имо қиласди.

Илҳом. Биз ҳалиги... (*дудуқланади*).

Фозил. Сиз билан гаплашиб олсак, яхши бўлармикин... гапир, Илҳом!

Музика.

Илҳом:

Узоқ элдан саломим бор,
Менинг айтар қаломим бор.
Умидимсан, юлдузимсан,
Сенга етиш армоним бор.

Ваъдани сен этма поймол,
Умидимиз топсин камол.
Қулоқ солгин соҳибжамол,
Сенга етиш армоним бор.

Фозил. Гап ана шундай (*пауза*). Сал хафароқ кўринасиз, нима бўлди?

Гулбаҳор. Хафа эмасман, хаёл суриб қолибман.

Фозил. Ҳойнаҳоӣ, Илҳомни ўйлаб, хаёл суриб тургандирсиз-да?

Гулбаҳор. Йўғ-э. Биз—ёшлар баъзан ўйламай, ёшлик ғурури билан гапитриб юборамиз, оқибат нима бўлишини билмаймиз.

Фозил. Э-э, Гулбаҳор, сиз нималар деяпсиз? Ёшлик бу қудратли енгилмас куч. У янги ҳаёт, космосни эгаллаш, чўли биёбонларни забт этиш демакдир. Ёщликка ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Сиз қўрқманг, дадил бўлинг (*Гулбаҳор кулади*). Ие, нега куласиз?

Гулбаҳор. Шундай ўзим.

Фозил. Тўғри, Илҳом тортичоқроқ. Ичимдагини топ, деб юраверади. Шунинг учун ҳам олдин сизнинг розилиғингизни олиб, кейин дадангиз, ойингиз билан гаплашгани келдим. Гаплашсам, майлимчи?

Гулбаҳор (*нохуш*). Билмадим.

Фозил. Агар мендан уялаётган бўлсангиз, гапингизни Илҳомга айтинг. Мен чиқиб турай (*чиқади*).

Илҳом. Гапиринг, нима қилайлик?

Гулбаҳор. Илҳом ака, мени қийнаманг. Яхшиси, ҳеч қандай гап сўраманг. Ойимнинг розилиғигисиз, мен ҳеч нарса дея олмайман. Энди у билан гаплашиб ўтиришнинг ҳам фойдаси йўқ.

Илҳом. Фойдаси йўқ? Нега? Очиқроқ гапиринг.

Гулбаҳор. Илҳом ака, гап сўраб, мени қийнаманг.

Илҳом. Сиз илгариги Гулбаҳор эмассиз. Эҳтимол, энди мен сизга ёқмай қолгандирман Ҳа, шундайми?

Гулбаҳор. Илҳом ака...

Илҳом (*сўзини бўйиб, кесатади*). Рост, мен энди сизга тенг эмасман. Сиз ўқиб, олий маълумотли бўлдингиз, мен эса ҳамон оддий ишчи...

Гулбаҳор. Илҳом ака...

Илҳом. Бўлди, бўлди. Мен сизни нима демоқчи бўлганингизни тушуниб олдим. Гап тамом!

Гулбаҳор. Илҳом ака, сиздан бундай таъналар эшитаман, деб сира ўйламаган эдим. Наҳотки, сиз аҳволимни тутунмасангиз. Мен ҳозир ўз қонимга ташнаман (*айғлайди*).

Илҳом. Нега?

Гулбаҳор. Ойим мени унашиб қўйибди. Сиз бўлса қаёқдаги гапларни айтасиз.

Илҳом. Унашиб қўйди? Ойингизни ҳам эс-ҳуши бордир. Сиз хўп, деб рози бўлгансизки, унашган-да (*дарвоза тақиллайди*).

Гулбаҳор. Вой ўлмасам, ана ойим келдилар, қочинг.

Илҳом. Келса-келар. Менга энди бари бир. Ҳеч қаёққа қочмайман. Майли, ойим қиз, ойингиз келаверсинг, қочмайман.

Қосим (*ташқаридан*). Гулбаҳор, ҳо Гулбаҳор.

Гулбаҳор. Вой ўлмасам, дадам экан, дадам келдилар.

Илҳом (*чўчиб*). Дадангиз?

Яширинади. Қосим киради. У айвонга ўтаётгандада Илҳом қочиб чиқаётуб, чепакни ағдариб юборади.

Қосим. Гулбаҳор, қизим, у ким?

Гулбаҳор. Уми, у... дадажон кечиринг мени... (*айғлаб чиқади*).

Қосим. Бу ҳандай гап бўлди? Тавба. Наҳотки... Йўқ, йўқ. Балки у...

Ф о з и л (кўчадан). Қани, мен билан юр энди. Гулбаҳорнинг дадаси билан дангал гаплашиб, ишни ё ўёқлиқ, ё буёқлик қиласиз.

Илҳом. У ерга кирмай қўяқол, энди гаплашиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Гап тамом!

Ф о з и л. Фойдаси борми-йўқми, сенинг ишинг бўлмасин.

Қ ос им. Булар ким бўлди? (*дарвоза тақиллайди*). Ким у?

Ф о з и л. Мумкинми? (*киради*). Ассалому алайкум.

Қ ос им. Ваалайкум ассалом, келинг-келинг, меҳмон. Мен сизни танимий турибман.

Ф о з и л. Ростдан ҳам танимайсиз, сира кўрмагансиз. Асли Фарғонаданман. Ҳозир Янгиободдан келдим. Чўлда янги шаҳар қуряпмиз. Унга ўзимизча «Янгиобод» деб ном қўйиб олганмиз. У ерда бир ўртоғим бор. Кўп ажойиб, жонон йигит. Ӯдобда ҳам, меҳнатда ҳам ѡчек ким унинг олдига тушолмайди. Во йигит! Кўрсангиз суқингиз киради. Ўлай агар заводимизда энг пешқадам ишчи. План бажаришда ҳамиша бошқалардан олдинда юради. Ахир, у бир беш йилликда икки беш йилликни бажармоқчи. Рост гап, ишонаверинг, новатор, рационализатор, социалистик меҳнат зарбдори. Хуллас, тенги йўқ, жуда бебаҳо, лобар йигит.

Қ ос им. Үҳ-ҳў, меҳмон! Ўртоғингизни жуда мақтаб юбордингизку, ёки сотмоқчимисиз?

Ф о з и л. Йўғ-э, мен даллол эмасман. Совчиман. Сотгани эмас, олгани келдим. Оламан-у, олдирмайман. Мен таърифлаган ўртоғим асли шу ерлик.

Қ ос им. Шу ерлик? Қимнинг ўғли экан?

Ф о з и л. Нариги маҳалладаги Баҳодир акани.

Қ ос им. Э-э... Ӣанви марҳум ишчи Баҳодир аканинг ўғлими? Бир кўрганман, у ҳам отасига ўхшаган хушифеъл кўринарди. Ҳозир отасининг ўрнида заводда ишлайпти, деб эшигтан эдим. Чўлга кетиб қолган экан-да?

Ф о з и л. Ҳа, у қизингиз Гулбаҳор билан мактабда бирга ўқиб юрган вақтларида бир-бирларини севишиб, умрбод бирга бўламиз, деб аҳд-паймон қилишган эканлар. Йигитнинг ѡчек кими йўқлиги учун мен икки ёшнинг яхши ниятлари рўёбга чиқармикан, деган умидда келдим.

Қ ос им. Жуда яхши қиспиз.

Ф о з и л. Лекин Гулбаҳор ўртоғимга, ойим мени унашиб қўйган, депти. Шу гап ростми?

Қ ос им. Шунақа денг?

Ф о з и л. Шунақа.

Қ ос им. Севиш-севилиш айб эмас. Севишиб турмуш қуришга ниша етсин.

Ф о з и л. Ҳа, баракалла! Ҳақ гапни айтдингиз. Лекин мен ҳалиги «унашиб қўйган» деган гапга ҳайрон бўлиб қолдим.

Қ ос им. Мен ҳам.

Ф о з и л. Ростданми?

Қ ос им. Бу жуда нозик масала. Тўсатдан ойиси бемаслаҳат шунақа иш қилиб қўйибди. Шунинг учун бир нарса дейишга ҳайронман.

Ф о з и л. Қиздан бир өғиз сўрамай-а? Ахир улар бир неча йилдан бери... Эҳ, аттанг!

Қ ос им. Сабр қилиш керак.

Ф о з и л. Сабр...

Пауза. Қосим ерга қараб хаёл суреб турганда Фозил чиқади.

Қосим. Эҳ, ёшлик-ёшлик! Ёшликни жиловлаб бўладими? Демак, ҳалиги қочиб чиққан йигит — Баҳодир аканинг ўғли экан-да. Нима қилиш керак? Онасининг феъли-атвори маълум.

Музика.

Ёшлик эрур оқар сой,
Кўкда сувган тўлин ой.
Сайрайди қушлар каби,
Ё булбулми, ё тўргай.

Ёшлик марди майдондир,
Қудрати ҳам зиёндир
Умиди зўр бекиёс,
Тилаги бепоёндир.

Марҳамат йиғлаб кириб, қўлидаги нарсаларни зарда билан улоқтиради.

Марҳамат. Илоё қиз туғмай мен ўлай. Бу қиз бошимга битган бало бўлди. Бирор киши, уни шаҳарда қолдиришга ёрдам берай, демайди. Мана энди қудалар олдидা шарманда бўлдим.

Қосим. Ўйламай қилган ишнинг охири ҳамишавой бўлади. Қизинг нега эрга тегмас эмиш, бир оғиз сўрадингми?

Марҳамат. Йўқ, нега тегмас эмиш?.. Билган бўлсангиз гапиринг...

Қосим. Етиғи билан секин ўзидан сўра, кўнглидаги гапни бил, кейин шунга қараб иш қилиш керак.

Марҳамат. Нима гап ўзи, очиқроқ гапиринг!

Қосим. Айтдим-ку, ўзи билан гаплаш деб, тамом! (чиқади).

Марҳамат. Тавба, бу нимаси?! Унинг эрга тегмайман, деганида ҳам бир гап борга ўхшайди. Мен у бебошнинг бир таъзирини бериб қўймасам юрган эканман (чақиради). Гулбаҳор, ҳо Гулбаҳор!

Гулбаҳор киради.

Хой, менга қара, сен ўзинг нималар қилиб юрибсан?

Гулбаҳор. Нима қилибман?

Марҳамат. Қилғилиқни қилиб қўйиб, тағин нима қилибман дейди-я. Қанақа йигитга сўз бергансан? (Гулбаҳор индамайди). Гапир дейман сенга! У ким? (индамайди). Сенга айтяпман, у ким? Гапир дейман сенга! У ким?

Гулбаҳор. Ким бўларди, туппа-тузук одам.

Марҳамат. Нима-нима?! Вой шўрим. Бетинг қурсин сен тасқаранинг. Қўчаларда қаёқдаги қаланғи-қасанғилар билан гаплашиб, бизни шарманда қилмоқчимисан?

Гулбаҳор. Мен юзингизни ерга қаратадиган иш қилганим йўқ.

Марҳамат. Бундан ортиқ бўладими ерга қаратиш.

Гулбаҳор. Ойижон, менинг наҳотки баҳтли бўлишимни ўйласангиз... мен ахир... (иифлайди).

Марҳамат. Сенга атаб қанча мол-дунё қилиб қўйдим: Ўн иккита кўрпа, ўн иккита якандоз, катта сандиқ. Ўзингга йигирмата қўйлак қилдим. Тағин гилам, гарнитур, холодильник, кир ювадиган машиналаргача, самовар, чойнак, пиёла ҳатто самоварнинг карнайигача олиб қўйдим. Булар сенинг баҳтли бўлишингни ўйлаш эмасми?

Гулбаҳор. Йўқ, сиз бошимдан зар қўйсангиз ҳам мен кўнглимга ёққан киши билан бўлмасам — баҳтиқаро бўламан. Менга сизнинг бу нарсаларингизни кераги йўқ.

Марҳамат. Бўлмаса, сенга ўша бетайн йигит керакми?

Гулбаҳор. Нега бетайн бўлар экан?

Марҳамат. Нима? Бекорларни айтибсан! Эшитганлар нима деийшади? Мен сени унашиб қўйганман.

Гулбаҳор. Ойижон кўп қийнаманг, мен ўлсам ҳам, ундан бошқани демайман (иифлайди, музика, ашула).

Ўзгалар кулса нетай ёрим шудир,
Инглабон кутган менинг норим шудир.
Бу муҳаббат мевасидир найлайнин,
Юракда жаранглаган торим шудир.

Ўзгани ёр демагай ишқ аҳли ҳеч,
Еғса ҳам бошига тош қайтмагай ҳеч.
Хаёлимда удир танҳо эрта-кеч,
Юракда жаранглаган торим шудир.

Марҳамат. Вой беномус,вой мен ўлай! Энди нима қиласан? Бу бебошнинг дастидан дод! Йўқол, кўзимга кўринма, шарманда!

Гулбахор. Ойижон, бу гуноҳкор бадбаҳт қизингизни кечиринг, раҳм қилинг. Наҳотки, унинг орзу умидларини тушунмасангиз?

Марҳамат. Йўқол, беномус, кўзимга кўринма!

Қосим киради.

Қосим. Ҳой-ҳой, оғзингга қараб гапир. Нималар деяпсан, тилнгни тий!

Марҳамат. Тилимни тиймайман, йўқолсин кўзимдан! Менинг ундаи фарзандим йўқ.

Гулбахор (қичқириб). Ойижон, ойижон дейман!. Мени ҳайдаманг.

Марҳамат. Йўқол, беномус!

Гулбахор саросимада узоқ қараб туради.

Музика.

Гулбахор:

Майли, мен уйдан кетай, бундан кетай, Алавидо, эй меҳрибоним, жон дадам,
Кўймасангиз мен бугун буткул кетай. Сиз эрурсиз мен учун энг муҳтарам.
Кўзларимда бўлди ёшим шашқатор, Ёдлагайман унда сизни дам бадам,
Охири бўлдим бегона мен нетай. Охири бўлиб бегона мен нетай (чиқади).

Қосим. Гулбахор, Гулбахор дейман, тўхта!! (шошиб чиқади).

Парда.

Иккинчи кўриниш

Саҳна. Заводдаги бир цех, иш тугай деган пайт. Станокларнинг гуриллагани эшитилиб турибди. Бир томонда қизил бурчак, стол-стул, телефон... Тепада «Коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашингиз!» деган шиор осилган. Цех озода, гуллар қўйилган. Телефон жиринглайди.

Бир ишчи. — Эшитаман. — Қаердан гапирияпсиз? Редакциядан... Ҳа, Ҳошим Каримов бошлиқ асбобсозлик цех аъзолари бундан уч кун илгари саккиз ойда бир ярим йиллик планни бажариб, рапорт берган эдилар. Бугун шу бригада аъзоси Илҳом Баҳодиров саккиз ою уч кунда икки йиллик планни бажариб, энг юқори кўрсаткичга эришди. Бригада аъзолари коммунистик бригада номини олиш учун ана шундай мардонавор меҳнат қилмоқдалар.

Цех ичкарисидан Ҳошим билан Фозил чиқади.

Фозил. Ўҳ-ҳӯ, бизни жуда мақтаб юбордингиз-ку!

Ҳошим. Ишлаганимиздан кейин мақташади-да. Бекорга ҳаракат қиляпмизми.

Фозил. Тўғри-ку, тағин талтайиб кетма, деб қўрқаман.

Ҳошим. Ҳавотирланма. Биз пух, деса учуб кетадиганлардан эмасмиз. Бу гапларни қўй. Сен ҳозир дарров бир даста гул топиб кел.

Фозил. Гулни нима қиласан?

Ҳошим. Иш тамом бўлиши билан Илҳомнинг бугунги ғалабасини тантанали нишонлаймиз. Сен келгунча мен парткомга, завкомга хабар қиласан.

Фозил. Мана, бу ишингга қойилман, оғайни. Сен бекорга бригадир бўлмагансан. Бошинг ишлайди. Бу олтин бош, олтин! (бошини силайди). Ҳозир ернинг тагидан бўлса ҳам гул топиб келаман.

Чиқади. Ҳошим телефон қиласан.

Ҳошим. Алло, парткомданми? Партком қани? Ташқарига чиқди. Илтимос, ҳозир бизнинг цехда кичкинагина йиғилиш бор. Шунга тез етиб келса, завкомга ҳам айтиб қўйинг, хўпми, илтимос, кутамиз.

Ишчилар қўлларини артиб ишдан хурсанд ҳолда ашула айтиб чиқишиади.

Йигитлар, кетманглар, гап бор.

Телефон жириңглайди. Ҳошим трубкани олади.

Эшитаман, парткомданми? Вахтёр, ҳа нима гап? Бир хотин Илҳомни қидириб кепти, дейсизми? Қанақа хотин экан? Тошкентдан кепти, қариндоши бўлса керак дейсизми? Ундаи бўлса жуда соз, дарров киритиб юборинг. Айни муддао бўлди (*трубкани қўяди*). Илҳомни табриклиш маросимига қариндоши иштирок этса, нур устига нур бўлади.

Марҳамат қиради. Осма кранни кўриб қўрқади.

Келинг холажон, ассалому алайкум. Буёққа!

Марҳамат. Менга Илҳом деган йигит керак.

Ҳошим. Илҳом? Хўп-хўп, холажон. Бирпас ўтира туриңг. Ҳозир. Сиз айни вақтида келдингиз. Энди сиз ҳам биз билан баравар хурсанд бўласиз. Айтганча, хола, Илҳом сизга ким бўлади, қанақа қариндошиз?

Марҳамат. У менга ҳеч қанақа қариндош эмас.

Ҳошим. Қариндош эмас? Бўлмаса нега уни қидириб юрибсиз?

Марҳамат ҳўнграб, ийғлай бошлайди.

Ие-ие, холажон, нима гап, нега йиғлайсиз?

Марҳамат. Илоё мен ўлай, қандай балоларга қолдим. Кап-ката қизимдан ажralиб қолдим, дод! Қизимнинг ўлигидан ҳам, тиригидан ҳам дарак йўқ. Қидирмаган жойим, суриштирмаган одамим қолмади. Вой, шўрим қуриб қолди. Олдин дадаси Қўқонда, холасиникида бўлса керак деди. Кейин билсан у ерда йўқ экан. Охири ўтган куни одамлардан қизингиз Илҳом билан гаплашиб юраркан, шу олиб кетган бўлса керак, деб эшитдим.

Ҳошим. Сиз Илҳомни танийсизми ўзи?

Марҳамат. Йўқ, сира кўрмаганман. У муғомбир қизимнинг бошини айлантириб, шу ёққа олиб кепти. Бўлмаса қизим қаёққа кетади. Вой, мен ўлай, боламдан ажralиб қолдим!

Ҳошим. Хола, эҳтимол сиз янгилишаётгандирсиз. Мен шу бригаданинг бошлиғиман. Қизингиз келган бўлса кўрардик ё эшитардик.

Марҳамат. Йўқ, йўқ, сиз билмайсиз, у жуда ичидан пишган муғомбир эмиш. Қизимни авраб юриб, йўлдан урибди. Унинг ўзи қани? Мен ҳозир у билан бўлганимча бўламан. Менинг қизимни топиб бермаса соchlарини битталаб юламан. Ёқасидан судраб шармандасини чиқараман (*цех ичкарисига кирмоқчи бўлади*).

Ҳошим. Холажон, у ёққа кириш мумкин эмас. Станоклар, темир...

Марҳамат. Майли, ўша станоклару темир-терсакларингиз мени янчиб ташлай қолсин. Бу кунимдан ўлганим минг марта яхши.

Яна киришга интилади. Ҳошим ўйлани. тўсади.

Вой-дод! Қиз ўғриларнинг дастидан дод!! Ҳаммаларингизнинг тилингиз бир экан. Мен сизларга кўрсатиб қўяман, борадиган жойимга бора-ман, дод дейман, устиларингдан арз қиласман!

Чиқади.

Ҳошим. Тавба, бу қандай гап бўлди? Энди ҳаммага достон бўлиб шармандамиз чиқади. Илҳом юзимизга қора чаплади.

Ҳамма хафа бўлиб турганда Фозил гул кўтариб, Илҳом билан кулиб қиради.

Фозил. Мана ўртоқлар, мусобақа ғолиби—Илҳомни ғалаба билан тарбиклашларинг мумкин. У бугун саккиз ою уч кунда икки йиллик планни бажарди. Шунинг учун сизларнинг номларингиздан унга шу гулдастани тақдим этишга рухсат бергайсизлар!

Илҳомни күчоқлаб ўпади, гул беради. Чапак чалади. Лекин ҳеч ким олқишиламайди. Аксинча ҳамма Илҳомга ҳўмрайиб қарайди.

Ҳа, нима бўлди, нега ҳўмраяпсизлар?

Ҳоши м. Ҳўмраймай кулагиликми?

Фозил. Нималар деяпсан?

Ҳоши м. Коммунистик бригада номини олиш учун фақат планни ошириб бажаришгина етмайди. Ахлоқ, одобда, юриш-туришда ҳам бошқаларга ўрнак бўлиш керак. Илҳом бўлса бунинг ўрнига ҳаммазини ерга қаратадиган иш қипти.

Фозил (бу гапга ишонмай). Эй, бўлди-бўлди, ҳазил ҳам эви билан-да! Одамнинг юрагини сиқмай, тезроқ ишни бошла. Нима, сен тўйда аза қилмоқчимисан?

Ҳоши м. Ҳа, ҳозир ҳазиллашадиган пайт эмас, иснодга қолганимиз учун аза тутиш керак, аза билдингми?!

Илҳом. Нима-нима? Мен иснод келтирадиган қандай иш қилибман? Очиқроқ гапир!

Ҳоши м. Қиласи ишни қилиб қўйиб, тагин нима иш қилибман, дейсан-а! Уялмайсанми? Қанақа қизнинг бошини айлантириб юрибсан? Нега ота-онасининг розилигини олмай, ўғринча иш қилдинг?

Илҳом. Нималар деяпсан, бу қандай бўхтон?

Ҳоши м. Бўхтон эмиш. Бўхтон бўлса, қизнинг онаси Тошкентдай жойдан бу ерга келармиди? Ўша сен бошини айлантириб юрган қизнинг ҳозир ўлигидан ҳам, тиригидан ҳам дарак йўқ эмиш.

Илҳом. Қаёққа кетибди?!

Ҳоши м. Буни биз сендан сўрамоқчимиз: қиз қани? Онаси айтятники, сен олиб қочиб кетибмишсан. Ҳаммангизни шарманда қиламан, деб додлаб юрибди.

Илҳом (ҳаяжонланиб). Бас, бас, бас! Галирма, етар!..

Ҳоши м. Бу қандай гап? Үртоқларимнинг юзини ерга қаратиб қўймасмиканман, деб ўйламадингми? Сен шу қилифинг билан бригадамизга иснод келтирдинг. Мана, энди йил бошидан бери қилган ҳамма ҳаракатларингиз шамолга учиб кетадиган бўлди.

Илҳом. Бас дедим, сенга! Бас, етар.

Фозил. Ҳой, Ҳошим, қизишмай, гапга қулоқ сол, унда айб йўқ.

Ҳоши м. Бу айб эмасми, сен адвокатлик қилмай қўяқол. Ишими расво бўлди, расво!

Чиқади.

Фозил. Ҳошим, тўхта, гапга қулоқ сол, дейман!

Ҳошимнинг орқасидан чиқади. Ҳамма тарқалади. Илҳом ёлғиз қолади.

Илҳом. Эҳ, Гулбаҳор, Гулбаҳор!.. Мендан юз ўгириб, кимни ихтиёр этиб, қаёқларга ғойиб бўлдинг?

Музика.

Ёр десам, жонон десам, ёлғон экан,
Ёр эмас, дилдор эмас, армон экан.

Қилмаса ёринг вафо ўз аҳдига
Очилиб турган дилинг вайрон экан.

Ёр десам, жон десам ул билмади,
Лоақал ёр арзи ҳолим сўрмади.

Бир қиё боқиб назарга илмади,
Боқмаса ёринг, дилинг вайрон экан.

Парда.

Учинчи кўриниш

Саҳна. Ишчилар ётоқхонаси. Бир каравотда Илҳом ёлғиз.
Музика

Илҳом.

Куйла торим, келсин ёrim,
Сенсан менинг дил оромим.
Дилгинамга хузур берган,
Ҳам ёзимсан, ҳам баҳорим.

Ёр ўлига тиксам кўзим,
Сарғаяди оппоқ юзим.
Бевафо ёр дардида мен
Йўқотдим бор аклу ҳушим.

Илҳом жойига чўзилиб ётганда Фозил киради.

Фозил. Илҳом, тур ўртоқ, кинога борамиз. Илҳом дейман! Нима, қулогингга пахта тиқиб олғанмисан, унинг чиқмайди?! Тур, ётаверганинг билан фойда йўқ. Энди ўша бевафо Гулбаҳорингни бутунлай унут. Аслида ошиқ бўлиш осон эмас. Мана, мен ҳам Хадичаҳон дардида озмунча югурмаганман. Менга қара, бир ошиқ нима деганини айтами, эшиш:

Қўлига тор олиб, хиргойи қиласди.

Ёр ишқида ёниб ҳайрона бўлибман,
Ҳижрон куйида дил вайрона бўлибман.
Найлайки иложим йўқ, эй ёри жонона,
Ҳажринг алами бирла девона бўлибман.

Тор ҷалиб алла айтади.

Ёр ҳасрати ёмондир, алла,
Ошиқнинг ранги сомондир, алла... .

Илҳом сакраб туриб, Фозилнинг ёқасидан бўғади.

Илҳом. Бас қил майнавозчиликни, бўлмаса, бир уриб жағингни эзив ташлайман.

Фозил. Ие-ие, сенга нима бўлди, эсинг жойидами ўзи?.. Хўп, агар, шу билан аламдан чиқадиган бўлсанг, мана уравер (*елкасини тутади*). Истаганингча ур, ғинг десам, одам эмасман. Мен шу аҳволда ётганингга раҳмим келганидан гапиряпман. Ростини айтсам, у қиз бевафо экан.

Илҳом. Бевафо?!

Фозил. Ҳа, бевафо. Қўй, бекорга қайғурма, ундан кўра, юр, кинога борамиз, бир оз ёзилиб келасан, юр.

Илҳом. Йўқ, бормайман.

Фозил. Юрсанг-чи! (қўйидан тортади).

Илҳом (*жеркиб*). Бормайман дедим-ку сенга! (*тескари қараб олади*).

Фозил. Хўп, ана боғмасанг борма. Менга деса, шу ерда кўмилиб ётавер.

Ҳошим (*ташқаридан*). Фозил, ҳо Фозил! Бу ёқса чиқ (*киради*). Фозил, бормисан ўзинг? (*Илҳомга қараб*). Нимага жаъоб бермайсан десам, уни аллалаб ўтирган экансан-да. Бир хил одамларни новатор, рационализатор, деб сал мақтаб қўйсанг, бурни осмонга қўтарилиб, ҳеч кимни менсимиш қўяди.

Илҳом (сакраб туради). Нималар деяпсан?!

Ҳошим. Бироннинг қизини йўлдан уриб, бригадамизга иснод келтирганингни айтаяпман. Биз билан ишламоқчи бўлсанг, оёғингни билб бос, бўлмаса...

Илҳом. Бўлмаса нима, очиқроқ гапиравер?.. Кет, жойни бўшат, демоқчимисан. Нияting шу бўлса, мени ҳайда, ўрнимга хоҳлаган кишинги олавер, тузукми?

Ҳошим. Оламиз, ўзингни тарозига солаверма. Сен кетсанг, завод тўхтаб қолмайди. Бу ерда чидаганлар ишлайди. Чий деганлар,вой деб кетаверади.

Тез чиқади.

Фозил. Нима? Ҳошим, менга қара, сен ахир...

Чиқади.

Илҳом. Чидамаганлар?.. Ие, нималар бўляпти ўзи, у ёқда Гулбаҳор мендан юз ўғирди, заводдагилар бўнақа деб таъна қилишяпти. Наҳотки, мен шундай аҳволга тушиб қолган бўлсам. Эҳ, Гулбаҳор...

Музика, ашула.

Диллашай десам, бугун ул дилором келмади,
Зулғини ёзив хиромон, дилга ором келмади.

Хушламас балки у ёр бирга лола сайрини,
 Кўйдириб дилларни уҳ дилозорим келмади.
 Диллашишга мен нетай, дилга дармон топмадим,
 Кўйлашишга найлайн, бир хиромон топмадим.
 Интизорлик ҳаддан ошди, кўпdir армон, топмадим,
 Кўйдириб дилларни ул дилозорим келмади.

Почтальон (киради). Ҳеч ким борми, Илҳом Баҳодиров шу ердами?

Илҳом. Ҳа, шу ерда. Нима гап?

Почтальон. Мана, ука, сизга телеграмма бор.

Илҳом. Телеграмма бор?

Почтальон. Ҳа. Қани, мана бу ерга қўл қўйиб юборинг (Илҳом қўл қўяди). Ҳа, баракалла, саломат бўлинг, хайр.

Чиқади. Илҳом телеграммани ўқииди.

Илҳом. «Илҳом ака, соат бешда мени аэропортда кутиб олинг, Гулбаҳор». Кутиб олинг, ие... Гулбаҳор!!

Севиниб сакрайди, соатига қараб.

Вой-вой, соат олти бўлибди-ку!

Шошиб чиқаётганида Ҳошим билан Фозилга тўқнашиб кетади. Ҳошимни бир ўлиб, тез чиқади.

Фозил. Ажабо, нима бўлди? Шунча тур десам, қимирамаган одам эчкидай сакраб кетаяпти. Нима бўлдийкин?

Ҳошим. Ким билади...

Фозил. Оғайни очигини айтсам, сен бригада бошлиғи бўлсанг ҳам, гоҳо ўйламай пала-партиш гапираверасан. Илҳомнинг дардини билмай туриб, чакки хафа қилдинг.

Ҳошим. Дарди бўлса айтмайдими, ёрдам берардик.

Фозил. Бу сен ёрдам берадиган дард эмас. Илҳом ёшлигида севишиб-аҳдлашиб қўйган қизнинг онаси бошقا йигитга унашиб қўйибди. Буни эшитиб, Илҳом бутун умидини узиб, бир олам дард билан қайтиб келди. Шундан кейин қиз ҳам афтидан уйдан чиқиб кетган бўлса керак. Онаси бўлса, қизимни Илҳом олиб кетган, деган гумон билан бу ерга даъво қилиб келган. Бу етмагандай сен ҳам суриштирмай заҳрингни Илҳомга сочдинг. Ахир, унинг севиш-севилишга ҳаққи йўқми?

Ҳошим. Мен унинг ичидаги дардини қаёқдан билай?

Фозил. Ўзинг яхши йигитсан-ку, гоҳо гапнинг тагига етмай, бирдан повиллаб ёниб кетганинг ёмон.

Ҳошим. Шуларни биларкансан, нега бир оғиз айтмадинг?

Фозил. Гап келганда айтай, десам, адвокатлик қилма деб қулоқ солмадинг-ку! Ҳа, майли, бу гапларнинг энди фойдаси йўқ.

Пауза. Фозил хиргойи қиласи.

Кўрмайин босдим тиканни, тортадирман жабрини,
 Кўрсам эрди, босмас эрдим, тортмас эрдим заҳрини.

Ҳошим. Яна нима бўлди, ҳасратингдан чанг чиқаяпти?

Фозил. Мен ўзимни эмас, Илҳомнинг дардини куйляпман. Мана, унинг комсомол путёвкаси билан бу ерга келганига неча йил бўлди. Шундан бери бу чўли-биёбон шаҳарга айланди, катта завод, фабрикалар қурилди. Илҳом тенги йигитлар уйлик-жойлик, хотин, бола-чақалик бўлиб кетишиди. У бўлса... (Илҳом бўшашиб киради). Ие, ана дашти-биёбонларни кезиб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Мажнуни шайдо келдилар. Эҳ, Илҳом сенга шунча беҳуда оворагарчиликлар нима учун керак?

Илҳом. Фозил, ҳазилингни қўй. Ҳозир юрагимга қил ҳам сифмайди.

Фозил. Нима бўлди? Яна ўша Гулбаҳорнинг дардими?

Илҳом. Ҳа...

Фозил. Эй ўша қизни нима қиласан яна тилга олиб. Бошқа йигитга унашиб қўйишибди-ку.

Илҳом. Ундан дема. Гулбаҳор келди.

Фозил. Нима-нима, Гулбаҳор келди?

Илҳом. Ҳа, мана (*теглемманни беради*).

Фозил. «Илҳом ака, соат 5 да аэропортда кутиб олинг». Гулбаҳор кепти-ку! Нега юрагимга қил сифмайди, дейсан?

Илҳом. Мехмонхонага кирсак, жой иўқ, бошим қотиб қолди.

Фозил. Шунгами? Ана холос. Ташвиш тортма, сен тез бориб Гулбаҳорни шу ерга олиб кел. Ҳозирча у бизницида Хадичахон келин ойиси билан тураверади. Бор бошлаб кел, келин кутиб қолмасин.

Илҳом. Подадан олдин чанг чиқарма.

Илҳом чиқади.

Ҳошим. Демак, қиз Илҳомни қидириб, ўзи кепти-да, энди нима қилмази.

Фозил. Нима қилардик тезроқ жой-пой тайёрлаймиз. У ёқ-бу ёқларни йиғиштириб дастурхон тузаймиз. Вассадом! Сен ўз айбингни ювиш учун полни ювасан.

Ҳошим пол ювишга беўхшов киришади. Фозил каравотларни тузатади.

Ҳошим. Пол ювиш ҳам қийин бўлар экан-ку.

Фозил. Сен осон деб ўйлаганимидинг, икки марта пол ювсанг, фаррошларнинг қадрига етадиган бўласан. Мен қўшни хоналардан у-бу топиб чиқаман. Сен тезроқ бўл, тағин ивирсиб ўтирма (*чиқади*).

Ҳошим. Хўп-хўп, хўжайин. Гапини қаранг, тез бўл эмиш. Олдин ғлаттани қўлга олиб кўр...

Фозил бир йигитнинг бошига чойшаб ёпиб, ўртоқлари билан ёр-ёр айтиб стол кўтаришиб киради.

Фозил.

Дарёга тош отманглар,
Ботар кетар ёр-ёр.
Йирокқа қиз берманглар,
Олар кетар, ёр-ёр.

Ийғлама қиз, ийғлама,
Тўй сеники, ёр-ёр.
Остонаси тиллодан,
Уй сеники, ёр-ёр.

Улар стулларни қўйиб дастурхон ёзиб, пул қўйишибади.

«Ёрничг гули келди, ўзи келмади ёра» Энди оғайнилар, топган-тутганларингни ўртага ташлайверинглар. Мен ҳозир магазиндан у-бу олиб келаман.

Ҳошим. Шошма (*пул чиқариб*). Ма, мана буни ҳам ол.

Қолганлари ҳам пул узатишади.

Фозил. Бошқа пулларинг иўқми?

Ҳошим. Бор, яна керакми?

Фозил. Йўқ. Ҳозирча етарли. Кўпроғи — ҳали катта тўй қилганимизда керак бўлади.

Чиқади, йигитлар у-бу олиб келиб, стол тузай бошлайдилар.

Ҳошим. Даастурхон тузатишни хотинларга чиқарган-да. Бизга туж қилиш бўлса...

Фозил (*майдо-чуйда кўтарган ҳолда шошиб киради*). Қани, тез бўйинглар, ҳалиям ивирсиб ўтирибсизларми? Тезроқ мана бу нарсаларни ҳам столга қўйинглар.

Келур бугун уйга меҳмон,
Езинг чиройли даастурхон.

Қўйинг олма, писта, бодом,
Бўйинг чаққон, бўйинг чаққон.

Меҳмонимиз жуда азиз,
Таом қилинг, бўлсин лазиз.

Бизлар бормиз, кўрқманг ҳаргиз,
Бўлинг чаққон, бўлинг чаққон.
Ҳамма шошиб қолади.

Мен кўчадан хабар олиб тураман.

Чиқади, бир оздан кейин шошиб қайтади.

Келишяпти. Ҳамма нарса тайёрми?

Ҳошим. Тайёр.

Илҳом билан Гулбаҳор уялишиб, ўнғайсизланиб киришади. Йигитлар ёр-ёр айтишади.
Ҳамма Гулбаҳор билан кўришади.

Фозил. Илҳом, дўстим, ростини айтсан бекорга куйиб-ёниб юрмаган экансан. Гулбаҳор сен куйганча ажойиб қиз экан. Ҳаммадан ҳам сени ҳурмат қилиб бу ерга келгани бизни ҳам беҳад қувонтириб юборди. Раҳмат, синглим. Яхши ҳам баҳтимизга сиз келиб қолдингиз, бўлмаса Илҳом аламига чидаёлмай мени бўғиб ўлдирай деди (*кулги*).

Гулбаҳор. Ростданми?

Фозил. Гулбаҳор, қаерда эдингиз? Ойингиз, қизим йўқолиб қолди, топиб берасанлар, деб даъво қилиб келдилар.

Гулбаҳор. Ўртоғимникида эдим.

Фозил. Уни-буни қўйинг, ўзингиз эсон-омон, йўлда чарчамай келдингизми?

Гулбаҳор. Раҳмат. Илҳом акам индамасалар ҳам дадам йўл кўрсатиб, кузатиб қолдилар. Эрта-индин ўzlари ҳам келиб қолсалар керак.

Фозил. Рост, Илҳом бирорвга йўл кўрсатиш ўрнига ўзи қочиб юради.

Ҳошим. Ҳой, Фозил ҳазилни бас қил! Қани ўртоқлар, дастурхонга, марҳамат.

Ҳаммалари стол атрофига ўтиришади.

Фозил. Гулбаҳор ўқиб, шифокор бўлиб етишибди. У ҳатто қўл тегизмай даволайдиган шифокор экан. У киши бу ерга қадам қўйишлари билан бир неча йиллардан бери дард чекиб юрган дўстимиз бир зумда шифо топдио оёққа туриб, эчкидай сакраб кетди. Шунинг учун бош эгиб шифокорларимизнинг қадамларига ҳасанот деймиз.

Ҳошим. Қойил-қойил! Мен бошқа бир гапни айтмоқчиман. Азиз меҳмонимиз Гулбаҳорни ишчилар кулбасига қадам ранжида қилиб келганилари, бизнинг хонадонимизни ўzlарига муносиб кўрганлари, биз билан бир қаторда ўтирганлари учун беҳад миннатдормиз.

Фозил. Биласизларми, мен кимман?

Ҳошим. Ким бўлардинг, Фозилсан-да!

Фозил. Йўқ, ҳозир Илҳомманд. Гулбаҳор менга қаранг, Тошкентдан қайтиб келганимдан кейин мен—яъни, Илҳом буларга нималар деганини эшитинг (*музика*):

Сой бўйида сохибжамол,
Турап сурниб анда хаёл.
Берсам савол индамади,
Билмам, жоним, қандай бу ҳол?

Жумбоқларинг ечолмадим,
Севгимдан мен кечолмадим.
Висол майин ичолмадим,
Билмам, жоним, қандай бу ҳол?

Тўғрими ўртоқлар? (*ҳамма кулади*).

Ҳошим. Сен ҳозир буларни тергов қилмоқчимисан. Қўй, бу гапларни, мундай кўнгил очиши учун ўйин-пўйин қил.

Фозил. Бу гапинг ҳам тўғри. Қани бўлмаса бошладик.

Музика, ҳамма баравар айтади.

Айлаб ситам ул нозли ёр,
Дийдорига айлаган зор.

Удир бугун меҳмонимиз,
Айтайлик биз энди ёр-ёр.

Ер-ёрга биз эдик хумор,
Севинч бошлаб келди дилдор.

Кувончимиз ошди-тошди,
Қани, дўстлар бошланг алёр.

Ҳамма чиқа бошлайди.
Музика. Илҳом ва Гулбаҳор бир-бирига қараб.

Жумбоқларинг ечолмадим,
Севгимдан мен кечолмадим.

Висол майин ичолмадим,
Билмам, жоним қандай бу ҳол?..

Парда.

Тўртинчи кўриниш

Воқеа орадан бир оз ўтгач, давом этади. Саҳна — Гулбаҳорнинг уйи.

Фозил. Энди бизга қандай хизмат бор?

Гулбаҳор. Раҳмат, Фозил ака, бу ёғини ўзим қиласман. Энди ўртогим Хадичахонни айтиб юборсангиз бўлди.

Фозил. Хўп-хўп. Хадичахоннинг ўзи ҳам тезроқ бориб ўртогимга қарашай деб шошиб турган эди. Ҳозир келиб қолса керак. Гулбаҳор, Илҳомдан дарак йўқ-ку... Уйига меҳмон чақириб, ўзи заводда юрса қизиқ бўлар экан.

Гулбаҳор. У киши ҳамма нарсани менга ишонадилар.

Фозил. Бизнинг хотин бўлса, уйдаги ишларнинг ярмини сиз қиласиз, ярмини мен қиласман деб ажратиб қўйганлар. Мен сенга ишонаман ҳаммасини ўзинг қиласвер, десам ҳам кўнмайди денг.

Гулбаҳор. Ҳали Хадичахон келса шу гапларингизни айтиб бераман.

Фозил. Йўғ-э унда мен Хадичахондан балога қоламан-ку!

Гулбаҳор. Хадичахондан шунча қўрқасизми?

Фозил. Қўрқмайман-ку, ҳурмат қиласман, бир гапини икки қилгим келмайди. Лекин баъзан Хадичахон тушмагур тошни сал оғироқ қўйиб юборади-да.

Гулбаҳор. Сизга ишонгани учун шунаقا қиласди-да.

Фозил. Унда бўлса тузук, Гулбаҳор. Бўлмаса мен кетдим, тезда қайтиб келаман. Хўпми?

Гулбаҳор. Хўп-хўп.

Фозил чиқади. Гулбаҳор столга дастурхон ёзиб, нарсаларни қўяди.

Ишчи кийимида Илҳом киради.

Илҳом. Салом, Гулбаҳор.

Гулбаҳор. Қелдингизми...

Илҳом. Ўҳ-хў... Ҳамма нарсаларни таҳт қилиб қўйибсиз-ку?

Гулбаҳор. Ҳа, ҳамма нарса тайёр. Энди сиз кийиниб олинг.

Илҳом. Олдин ишларни битираильик. Кейин кийинарман.

Гулбаҳор. Сиз қиласиган иш қолгани йўқ. Мен дарров бир жойга бориб келаман. Тез бўлинг, сиз кийинмасангиз, мен кетмайман.

Илҳом. Хўп-хўп (*Илҳом кийиниб чиқади*). Мана, мен тайёр.

Гулбаҳор. Яхши кийиниб олдим, деб яна бирортасини кўрганди қийшайиб кетманг.

Илҳом ҳазиллашади. Эркаланади.

Кўп ҳаддингиздан ошманг (*эслаб*). Айтганча ҳозир ўртоқларим келиб, ошхонадаги ишларни қилишади. Кўрсатиб қўйсангиз бўлди, хўп мен кетдим.

Гулбаҳор чиқади. Илҳом суюниб сажрайди, ашула айтади.

Гуллар ичиди Гулнорим ўзингсан,

Бахтим-баҳорим, наҳорим ўзингсан.

Етдим тилагимга, йўқдир армоним ҳеч,

Менга кулиб боқкан, иқболим ўзингсан...

Ез келдию кўнгилдаги ғам кетди,
Кувончларим кўзларимни нам этди.
Хижрон ўти билан дард-алам кетди,
Гулгун чаман ичра ниҳолим ўзингсан.

Суюниб, ўйнаб турганда Ҳадича киради.

Ҳадича. Ҳорманг, Илҳом ака?

Илҳом. Ие-ие (*ўнғайсизланиб*). Келинг-келинг, Ҳадичахон. Келганингизни сезмай қолибман.

Ҳадича. Гулбаҳор уйдами?

Илҳом. Ҳозир келаман, деб чиқиб кетди.

Ҳадича. Яхши. Мен бўлмаса, бу ёқдаги ишларни қилиб турман.

Илҳом. Сиз бугун меҳмон бўлиш ўрнига хизмат қилар экансизда?

Ҳадича. Илҳом ака, сиз учун ҳар қанча югуриб-елиб, хизмат қилсак ҳам оз.

Илҳом. Раҳмат, Ҳадичахон

Пауза. Эшик тақиллади.

Ким келдийкин, мен қарай-чи.

Ҳадича. Майли, майли.

Илҳом чиқади. Ҳадича иш билан банд, ошхонага кириб-чиқиб туради.

Илҳом шошиб киради.

Илҳом. Ҳадичахон, бу ёққа қафанг, жуда қизиқ бўлди.

Ҳадича. Қизиқ бўлди?

Илҳом. Ҳа, Гулбаҳорни қидириб қайнонам келди.

Ҳадичахон. Қани, қани, бу ёққа бошлаб кирмадингизми?

Илҳом. Қайнонамни мен узоқдан кўриб юрганман. У киши мени сира кўрмаганлар. Мендан Гулбаҳор қаерда туради, деб сўраб қолдилар. Мен нима дейишими билмай сизларнини кўрсатдим. У ҳали ишдан келгани йўқ. Гулбаҳор келгунча бизникига кириб туринг, дедим. У киши шу ерда пойлаб ўтираман, деб унамадилар. Мен ялиниб бўлса ҳам, ҳозир бошлаб кираман. Сиз ҳозирча менинг қаллиғим бўлиб турасиз, хўпми?

Ҳадича. Нима-нима?

Илҳом (шошиб). Кечирасиз. Мен ундай демоқчи эмасдим. Ёлғондан ҳозирча унга иккаламиз худди эр-хотиндек бўлиб кўринсак, демоқчиман, майлими?

Ҳадича. Нимага, тўппа-тўғри, мен сизнинг куёвингиз бўламан, деявермайсизми?

Илҳом. Агар шундай десам, у киши ўлса ҳам бу уйга кирмайди, тушундингизми?

Ҳадича. Тушундим-тушундим. Бошлаб кираверинг.

Илҳом чиқади.

Буларнинг иши жуда қизиқ. Гулбаҳорнинг ойиси қизидан аразлаб ҳозиргача келмаган, тўйини ҳам дадаси бош бўлиб ўтказиб кетди. Охири ахтариб кепти-да.

Чиқади. Илҳом Марҳаматни бошлаб киради, Марҳамат тортиниб у ёқ-бу ёққа қарайди.

Илҳом. Аяжон келаверинг, тортинманг, қизингиз ишдан келгунча бемалол дам олиб ўтираверинг.

Марҳамат ҳайиқиб ўтиради.

Марҳамат. Омин, қадам етди, бало етмасин! (*пауза*). Уйларингга меҳмон келадими дейман. Мен бу ерда ўтирсам, қанақа бўларкин?

Илҳом. Ҳа, бугун уйимизга меҳмонлар келади. Аяжон, сиз бизнинг ҳаммадан азиз меҳмонимиз бўласиз.

Марҳамат. Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Мен қизим келгунча бирпас ўтириб тураман, холос.

Илҳом. Сиз бизникида қанча турсангиз бемалол.

Марҳамат. Ўйларингда ҳеч ким йўқми?

Илҳом. Бор, бор, ҳозир (чақиради). Гулбаҳор, ие Хадичахон бу ёққа қаранг. Меҳмон келди.

Хадича (киради). Вой, холажон, келинг, эсон-омон юрибсизми?

Сўрашади.

Марҳамат. Мен қизим Гулбаҳорни қидириб келган эдим. Ўғлим, қизингиз ишда, у келгунча бизникида дам олиб ўтиринг, деб қўймасдан бошлаб кирдилар.

Хадича. Жуда яхши қилибдилар-да. Ахир Гулбаҳор менинг жонажон ўртоғим, у йўқлигида сизни кўчада қолдирсан, уят бўлади-ку!

Марҳамат. Раҳмат, барака топинг. Гулбаҳорнинг ўзи эсономими, мусофиричиликда бир аҳволга тушиб қолгандир.

Хадича. Гулбаҳор ўйнаб-кулиб юрибди.

Марҳамат. Уй-жойлари тузукми?

Хадича. Ҳа, ёмон эмас. Яшаса бўлади.

Марҳамат. Сизларницидан яхши эмасдир. Айтганча, эри ким бўлиб ишлайди.

Хадича. Эрими, яъни куёвингиз-да?

Марҳамат (энсаси қотиб). Ҳа, ўша!

Хадича. Заводда ишчи. Нима, куёвингиз сизга ўзини қаерда ишлашини айтмаганмиди?

Марҳамат. Йўқ... Мен айтмай, сиз эшитманг. Ҳеч банданинг бошига менинг куним тушмасин. Бу қизимнинг доғи-ҳасратида куйиб кул бўлдим. Қизимга минг жойдан совчilar келиб, оstonamizni чуқур қиливоришди. Охири насиба экан, кағта бозор директорининг ўғлига унашдим. Ўғли жуда ўқимишли, ўзини қора «Волга»си ҳам бор экан. Шунга орзу-ҳавас билан катта тўй-томушалар қилиб узатсам, деган ният билан унашиб қўйган эдим. Ниятимга етолмай армонда қолдим. Яшамагур ўша йигит қизимнинг бошини айлантириб, йўлдан уриб, шу ёққа олиб қочиб келди.

Хадича. Ростданми?

Марҳамат. Рост бўлганда қандай, айланай. Қўни-қўшнилар, таниш-билишлар олдида номусдан бошимни кўтаролмай қолдим. Шунинг учун куявериб, кул бўлдим. Бўлмаса денг, қанча-қанча уй-жойлари тузук, машинаси бор ман-ман деган йигитлар ҳам совчilar юборишидди. Қизимнинг кетидан хўп юришди, йўқ деганининг «Жигули»си бор эди.

Хадича (кулиб). Қизингизни юргран эмас буюрган илиб кетибди-да. Ўша йигитни кўриб юармидингиз.

Марҳамат. Бир умр кўрмаганман. Турқи қурсин унинг. Хотинлар сингари соч қўйиб юрадиган бир нотавондир-да. Ўша бадбашара йигит билан кетгани учун қизимнинг юзини кўрмайман, деган эдим, онайи зор — чидамас экан. Йиғлаб-йиғлаб, яна қизимни қидириб келдим. Она, болам деб ўзини ўтга, чўққа урап экан.

Хадича. Тўғри айтасиз, бир парча гўштни тарбиялаб одам қилиш, вояга етказиш осонми?

Дастурхон ёзади, Илҳом чой дамлаб чиқади.

Қани нондан олинг.

Марҳамат. Ҳозир томогимдан овқат ҳам ўтмайди. Кишининг ўйлагани сира бўлмас экан.

Хадича. Холажон, тақдир-да, тақдир!

Марҳамат. Тақдир ҳам ўлсин. Мен олдин билганини қилсин, деб индамай юрган эдим. Энди астойдил киришдим. Қизимни у ўлгурдан ажратиб оламан. Ҳали у менинг совунимга кир ювмабди. Қачонга-ча қизим ота-онасидан ажралиб мусофириликда юзлари сарғайиб юради.

Хадиҷа. Холажон, тағин, ўзингиз биласиз-ку, Гулбаҳор ҳозир оғир оёқ, ҳадемай неваралик бўласиз.

Марҳамат. Майли, бари бир қизимни ундан ажратиб оламан. Мен бу ерга шу ниятда келдим. Хўп айланай, мен энди турай, омин-облоҳу акбар! Гулбаҳор ҳам ишдан келгандир.

Илҳом. Йўқ-йўқ, аяжон, сиз ҳеч қаёққа бормайсиз. Гулбаҳор ишдан тўғри шу ерга келади. Агар чарчаган бўлсангиз, анови уйга кириб дам олинг.

Марҳамат. Сизлар меҳмонларингизни бемалол кутиб олинглар. Мен бориб қизим билан гаплашаман-у, гостиницага бораман. Унинг уйида ўлсам ҳам ётмайман. Эрининг юзини кўрмайман. Турқи қурсин.

Илҳом. Аяжон, илтимос, сиз бизни хафа қилманг. Шунча уй туриб, сиз меҳмонхонага кетсангиз, уят бўлмайдими? Одамгарчилик шунаقا ҳам бўладими? Ана шу уй сизники хоҳлаганингизча тураверинг. Доим бирга турамиз, десангиз ҳам бош устига, аяжон. Кетаман, деб бизни хафа қилманг. Мени ўз ўғлингиздай кўрсангиз бас. Сизни бошимга кўтараман аяжон.

Марҳамат. Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Бу ерга бекорга кирмаган эканман. Мана, ўғил ҳам топиб олдим. Бу яхшиликларингизни у дунё—бу дунё унутмайман. Айниқса, мусофиричиликда бир оғиз илиқ сўз ҳам кишининг кўнглини тоғдай кўтариб юборар экан (*Хадиҷага*). Қизим, сиз жуда баҳтли экансиз.

Хадиҷа. Мен ўз баҳтимдан нолимайман.

Марҳамат. Қани энди мен ҳам шундай хушмуомила, культурний күёвлик бўлсан.

Хадиҷа. Хафа бўлманг, холажон, киши бир нарсани орзу қилса, албатта, орзусига етади. Аяжон, юмшоққина диванга ўтира қолинг.

Марҳамат. Йўқ, жуда яхши ўтирибман. Мен ҳам қизимга атаб, яхши буюмлар қилиб уйини сизникига ўҳшатиб гулдай безаб қўйган эдим. (*Ердаги гиламга қараб*). Меҳмонлар келишса бекорга бу гилем оёқ ости бўлади. Олиб қўйсаларинг ҳам бўлар экан.

Илҳом. Бу гилам, аяжон, сиз учун бизнинг поёндозимиз.

Кўнғироқ жиринглайди, Илҳом чиқади.

Марҳамат. Айланай, ўртоғингиз жуда яхши экан.

Хадиҷа. Бу кишими? Асти сўраманг, ростми-ёлғонми ҳамма мақтайдику. Илоё кўз тегмасин.

Марҳамат. Рост, мақтаганларича бор экан. Бир зумда одамни ром қилиб, ўзига ийдириб олар экан. Жуда мулоим, хушмуомала йигит экан.

Хадиҷа. Ҳа, бу киши шунаقا сеҳргар.

Марҳамат. Нима қилса ҳам ширин сўз, одамгарчиликли, хушмомала бўлган яхши-да.

Илҳом бир даста хат, телеграмма олиб киради.

Илҳом. Ўртоқларимдан шунча хат, телеграмма кепти.

Хадиҷа. Вой-бўй, мунча кўп.

Марҳамат. Ҳой, қизим, нега улар бунча кўп хат ёзишади?

Хадиҷа. Бу кишининг бошига баҳт қуши қўнган.

Марҳамат. Ростанми, қандай баҳт қуши?

Қўнғироқ жиринглайди.

Илҳом. Хадичахон, бирор келди шекилли (*чиқади*).

Марҳамат. Ҳат келди, ҳат.

Хадича. Холажон, йўлдан келгансиз, бир ювениб олмайсизми? Тайёр иссиқ сув...

Марҳамат. Яхши бўларди, ўзимнинг ҳам кўнглимга келган эди-ю, сўрашга ийманиб турувдим.

Хадича. Холажон сира тортинманг, бу уй ўзингизники. Қани юринг.

Иккаласи чиқади. Илҳом билан Фозил киради.

Фозил. Яна қандай кам-кўстлар бор. Буюр, оғайни, тайёрлаб қўяйлик.

Илҳом. Раҳмат дўстим! (*ўйлаб*). Энди сенга битта илтимосим бор: хотининг Хадичахон шу ерда. Лекин сен у билан менинг хотиним билан учрашгандек муомала қилиш.

Фозил. Нима-нима?! Ақлинг жойидами ўзи, ё ҳаддингдан ошяпсанми, бу нима деганинг?!

Илҳом. Гап бор: Тошкентдан қайнонам келган.

Фозил. Қайнонанг келган бўлса нима бўлти?

Илҳом. Қайнонамнинг феъли қанақалигини ўзинг биласан-ку?

Фозил. Ҳа, айтганча. Тушунарли...

Илҳом. Қайнонам Хадичахонни менинг хотиним деб ўйлаяпти.

Фозил. Бўлмаса, сен буёғини менга қўйиб беравер. Холам билан ўзим гаплашаман.

Хадича билан Марҳамат киради.

Ассалому алайкум, холажон, эсон-омон, соғ-саломат юрибсизми?

Марҳамат. Раҳмат, болам, раҳмат.

Хадича. Холажон, қани бу ёққа ўтиринг. Кўрпача солиб берайми?

Марҳамат. Йўқ-йўқ, овора бўлманг.

Фозил. Хадичахон, холам билан мени таништирмадингиз ҳам.

Хадича. Холам Гулбаҳорнинг ойилари, Тошкентдан келганлар.

Фозил. Шунақами, бўлмаса холамни кўёвдан баҳтлари бор эканда.

Марҳамат. Нима-нима?

Фозил. Куёвдан ҳам баҳтингиз бор экан, дейман, тўғрими?

Марҳамат (*кесатиб*). Ҳа, айланай, куёвдан жуда-жуда ёлчиғанман.

Фозил. Ана-ана, оғайни, эшитдингми, мен сира ёлғон гапирмайман. Холажон, мен Гулбаҳорнинг ойиси куёвини жуда яхши кўради, десам, булар сира ишонмасди. Энди ўз оғзингиздан эшитиши.

Марҳамат. Қўйинг айланай, бошимни айлантирганг, менинг унақа куёвим йўқ, тушундингизми?

Фозил. Холажон, жуда устаси фаранг экансиз. Лекин булар сизнинг ҳазиллаштаётганизни билишмайди.

Марҳамат (*бўғилиб*). Вой тавба, бу қанақа йигит. Ўзига сира гап юқтиргмайди-я!

Фозил. Мен Гулбаҳорнинг дидига қойилман. Ишчиларнинг сардорини танлаб турмушга чиқибди.

Марҳамат. Сардори эмиш...

Фозил. Мен куёвингиз билан танишириб, сиздан кўрмана олмоқчиман.

Марҳамат. Уни кўраман, деб менинг кўзим учиб тургани йўқ, тушундингизми? Қўйинг, гапни чўзманг, одам деган ҳам шунақа эзма

бўладими? Ҳеч бўлмаса мана бу ўртоғингиздан ўрнак олсангиз бўлмайдими? Қаранг, қандай оғир, бамаъни.

Фозил. Ҳолажон, сиз мақтаётган бу йигит минг югурса ҳам, менга етолмайди. Мен қаёқда у қаёқда. У заводда оддий ишчи.

Марҳамат. Ишчи бўлса ҳам бамаъни, иззат-хурматни жойига қўядиган, одамшаванда йигит экан-ку. Шу ишчидан айланай.

Фозил. Унинг меҳригиёси борми дейман, дарров сизга ёқиб қопти.

Марҳамат. Қизим, юринг анави уйга кирайлик. Бу йигит миями қоқиб қўлимга беради.

Хадича билан Марҳамат чиқади.

Илҳом. Фозил жуда қаттиқ кетдинг-ку, оғайни, ҳазил ҳам эви билан-да.

Фозил. Қайнананг ҳақиқатан ҳам жуда қайсар, тутган жойидан кесадиган хотинга ўхшайди. Шунинг учун жўрттага «қитифига» тегдим.

Илҳом. Тағин қош қўяман, деб кўз чиқариб қўйма.

Фозил. Асло, бу гапларнинг фойдаси бор, кейин биласан, оғайни.

Гулбахор чарчаган ҳолда нарса кўтариб киради.

Гулбахор. Илҳом ака, машинадаги нарсаларни олиб киринглар. Югуравериб чарчаб кетдим... уф!..

Илҳом. Хўп-хўп қани юр, Фозил.

Иккиси чиқади, Хадича киради.

Гулбахор. Вой, ўртоқжон, келдингизми?

Хадича. Мен келсам, сиз энди кетган экансиз.

Гулбахор. Ўртоқжон, туриб-туриб хафа бўлиб кетаман. Бунака хурсандчилик кунлар ҳамиша бўлавермайди. Ҳамма таниш-билишлар, ҳатто бир умр кўрмаган одамлар Илҳом акамни табриклаб хат, телеграммалар юборишяпти. Шундай кунларида (*айғламсираб*) ойим лоақал бир энлик хат билан йўқламаганларига куйиб кетаман. Наҳотки, биз шундай кечириб бўлмайдиган гуноҳ қилган бўлсак. Ишчининг айби нима? Яхши ҳам баҳтимга дадам бор. Унинг розилиги билан турмушга чиқдим. Ойим бўлса ишчига тегди, деб ҳали ҳам мендан аразлаб юрибди.

Музика.

Софиниб жоним — онамни ёдлагайман эрта-кеч,
Кўзлари кўзимдадир интизорман эрта-кеч.
Ҳеч унутмасман онам меҳригиёси дилдадир,
Не қиласай, йўқдир иложим, ҳайронадирман эрта-кеч.
На гуноҳим бор эди, мунча озор айлади,
Йўлларида зор этиб, мунча хумор айлади,
Кутдириб охир мени кўп ғамларга ёр айлади,
На қиласай, йўқдир иложим, ҳайронадирман эрта-кеч.

Хадича. Хафа бўлманг, ўртоқжон, ҳали шошмай туринг, ойингиз жаҳлдан тушса, ўзи шу ерга югуриб келади.

Гулбахор. Сиз ойимнинг феълини билмайсиз. У бу ерга сира ҳам келмайди. Бир энлик хат ёзишни лозим кўрмаган одам бу ерга келармиди?

Хадича. Келади, ўртоқжон, келади. Мени айтди, дерсиз, она-нинг ғазабидан меҳри кучли. У албатта, келади.

Гулбахор. Келмайди.

Хадича. Келади дедим келади.

Гулбахор. Келмайди.

* Илҳом билан Фозил нарса кўтариб киради.

Фозил. Ҳой, сизлар нимага ҳеч нарса қилмай, имиллаб ўтириб-сизлар. Ҳализамон меҳмонлар келишиб қолади. Тезроқ кам-кўстларни тўғрилаш керак.

Гулбахор. Хўп-хўп, ҳозир.

Нарсаларни қарагач, Фозил, Илҳом нарсаларни кўтариб ичкарига ўтиб кетишади. Вой... эсим қурсин, гул олишни эсимдан чиқариб келаверибман. Мен ҳозир келаман.

Шошиб чиқади. Фозил. Илҳом киради.

Фозил. Хадичахон, энди холамни чақиринг, бу ёққа чиқсинлар. Хадича. Хўп ҳозир чақираман.

Хадича чиқади.

Фозил. Сенинг жойинг бу ер, қимиirlамай ўтирасан бу ёнингда Гулбахор, бу ёнингда холам ўтирадилар.

Илҳом. Биз тўрга чиқиб олсак меҳмонларни ким кутади.

Фозил. Ундан хотиржам бўл. Холажон, қани тўрга марҳамат. Сиз ўтирадиган жой мана шу ер.

Марҳамат. Йўқ-йўқ, тўрга чиқмайман, бу ер ҳам бўлаверади.

Хадича. Вой холажон, бу нимаси, сиз бугун ҳаммадан ҳам азиз меҳмонимизсиз. Туринг, жойингизга ўтиринг.

Марҳамат. Жуда қизиқ бўлди-ку элдан бурун тўрга чиқиб оламанми?

Хадича. Ҳозир ҳамма йиғилиб келади.

Марҳамат. Тавба, бу нимаси?

Фозил. Бу ерга ўзингиз айтғандай севимли ўғлингиз, мана бу йигит ўтиради.

Марҳамат. Майли ўғлим шу ерда ўтирса, мен ҳам унинг ёнида ўтираман.

Фозил. Ана холос, олам гулистон—она-бола топишдиларинг, тўғрими, холажон?

Марҳамат. Тўғри-тўғри.

Меҳмонлар ашула айтиб киришади. Музика.

Меҳнат ила донг таратган,
Зарбдор бўлиб нишон тақсан.
Хизматлари элга ёқкан,
Ботир ўғлон шон муборак,
Шоди хуррам он муборак.

Сенсан энди бизнинг полвон,
Елкангдадир қизил алвон.
Йўлларингни тўсмас бўрон,
Ботир ўғлон шон муборак,
Шоди хуррам он муборак.

Меҳмонлар гулдасталар тақдим этиб, Илҳомнинг елкасига қизил алвон тақишиади.

Фозил. Қани, дўстлар, энди дастурхонга марҳамат.

Ҳошим. Дўстим, Илҳом, сенга энг юксак — Социалистик Меҳнат зарбдори унвони берилиши билан чин қалбимдан табриклайман!

Марҳамат. Социалистик Меҳнат зарбдори?!

Фозил. Шундай, холажон, ўғлингизга шундай юксак, шундай мўътабар унвон берилди. У беш йиллик қаҳрамони, газета журналларда расмлари чиқди. Телевизорда кўрсатишиди. Шунинг учун бугун тўй.

Марҳамат. Вой болам, жонимни қоқай сизга, келинг, мен ҳам пешонангиздан бир ўпай (*ўтиб елкасига қоқади*). Илоё олинг, олдирманг, баҳтли бўлинг, қўшганингиз билан қўша қаринг.

Фозил (*чапак чалади*). Яшанг холажон, айтганингиз келсин. Дўстим қўшгани билан қўша қарисин. Қани, холамнинг шу қимматли, энг яхши тилаклари учун бир қадаҳ кўтарайлик.

Ҳамма қадаҳ кўтаради.

Хоши м. Холажон, агар рухсат этсангиз, заводимиз колективи
номидан ўғлингизга мана шу совфани тақдим этсам.

Музика ва хор

Шараф билан шон келди,
Нишон тақиб ўғлон келди.
Завққа тўлди дилларимиз —
Ишчи йигит полвон келди.
 (Хор қайтаради)

Будир бизнинг полвонимиз,
Шон-шуҳрати достонимиз.
Минг-тасанно бўлсин сенга,
Элда марду-майдонимиз.

Марҳамат. Ўғлим, Гулбаҳор келмади-ку?
Илҳом. Аяжон, хавотирланманг. Гулбаҳор албатта, келади.
Үйин давом этиб турганда бир даста гул кўтариб Гулбаҳор киради.
Гулбаҳор. Илҳом ака, мана...
Илҳом. Ая, ана Гулбаҳор келди.

Гулбаҳор ойисини кўриб, кўркқанидан ҳаяжонланади.

Марҳамат. Гулбаҳор, қизим, жонгинам, кўзимнинг нури.
Гулбаҳор. Ойижон, ойижонгинам! (иккиси қучоқлашиб кўришади).

Марҳамат. Сени ҳам кўрап кун бор экан. Мунча мени зориқтирасанг. Кўзларинг ҳам киртайиб қопти, рангларинг ҳам бир аҳволда нима бўлди?

Гулбаҳор. Ҳеч нарса бўлгани йўқ, ойижон, соппа-соғман.

Марҳамат. Нега ишдан кеч қолдинг?

Гулбаҳор. Бугун ишга борганим йўқ.

Марҳамат. Сени ишда, деб мени бу ёққа бошлаб келишди-ку?

Гулбаҳор. Шунақами?

Илҳом. Шундай, аям сизни кўчада қидириб юрган эканлар, тўғри уйга бошлаб кирдим.

Фозил. Холажон, мен умримда ёлғон тапирган бола эмасман. Сизга нима деган бўлсам ҳаммаси тўғри. Куёвингизни жонингиздан ҳам ортиқ севишингизни айтдингиз-а?

Марҳамат. Яна нималар деяпсиз? ..

Фозил. Сиз айтган гапни такрорлайпман, холос (Илҳомни кўрсатиб). Бу кимингиз?

Марҳамат. Ўғлим.

Гулбаҳор (бирдан севиниб). Ойижон, ойижонгинам, мен қандай баҳтиёрман, сиз бугун менинг бошимни осмонга етказдингиз (оийисини қучоқлашиб ўпади). Раҳмат ойижон: кўнглумдаги ҳамма доғларни бир йўла ювиб, дилимни равшан этдингиз.

Марҳамат. Нималар деяпсан?

Фозил. Холажон, мени кечиринг, сиз ёмон кўриб қизимни бермайман деган күёвингиз ҳам, яхши кўриб ҳавас қилган ўғлингиз ҳам...

Илҳом. Мен бўламан.

Марҳамат (Илҳомга тикилиб). Нима, шундайми?..

Илҳом. Шундай, аяжон.

Марҳамат. Сиз ҳам, ўғлим, анойи эмас экансиз. Индамай уйга олиб кирганингизни қаранг (эркалатиб). Ёмон экансиз (пешонасидан ўпади). Айтганча Хадичахон сизга ким бўлади?

Фозил. Кечирасиз, холажон. Хадичахон бизнинг бойвучча бўладилар.

Марҳамат. Вой тавба, мен бўлсам...

Кўнғироқ жиринглайди. Гулбаҳор чопганча чиқади ва суюниб Қосимни бошлаб киради.

— Ойижон, Илҳом ака, дадам келдилар, дадам.

У кириб ҳамма билан сўрашгач, Илҳомни табриклайди.

Қосим. Илҳомжон, ўғлим ғалаба муборак бўлсин! (*Марҳаматни кўриб*). Ие, сен Қўқонга тўйга бораман, деб бу ёқقا кебсан-да?

Марҳамат. Ўзингиз-чи, ўзингиз мени Қўқонга кетди, деб бу ёқ-қа қараб чопибсиз-да.

Фозил. Дўстлар, бугунги қувончларимизга қувончлар, шодлигимизга шодликлар қўшилиб кетди. Мана шу ўртоғимиз—ишли йигитнинг оиласиди баҳт-саодати учун, тўйларимиз бундан кейин ҳам шодлик билан ўтиши учун қадаҳ кўтарамиз!

Ҳамма ўрнидан туради. Қадаҳ кўтарилигач, ашула.

Сенсан энди бизнинг полвон,
Елкангдадир қизил алвон,
Йўларингни тўсмас бўрон,
Ботир ўғлон, шон муборак,
Шоди хуррам он муборак.

Парда.

Мирмуҳсин

Илдишлар ва Япроқлар

РОМАН¹

XXVIII боб

Фикр ўзгариши

Чўли баъзан шу томонларга келганда машинасими райком биноси олдида тўхтатиб, ичкарига кириб чиқарди. Иккинчи қаватга кўтарилишдан аввал этигини яхшилаб артиб, битта-битта зинапоялардан кўтарила, кейин биринчи секретарь қабулхонаси эшигидан мўраларди. Онахон банд, телефонда гаплашаётган бўлса, бир муддат тўхтаб, қип-қизил гилам поёндоzlарни босиб ўтгиси кедмай, ийманиб туради. Кейин Онахонга салом бериб, яна орқасига қайтиб кетарди. Бу дўлвор йигитнинг қилифи аввал уни ажаблантирди. Энсаси қотди. Кейинчалик эса саломига бош қимирлатиб, алик оладиган бўлди. Бу одам қизиқ, дерди ўзига-ўзи. Бирон гапи бўлмаса нега эшикда серрайиб туради? Жиннилар ҳам ҳар хил бўлади, деб эшитган эди. Чўли aka ширин жиннилардан бўлса керак. Бирорвга озори бўлмагандан кейин... Нима иш буюрса қиласи, уруғим деб сал-пал суйкалишдан уялиб, Онахон одамлар олдида ўзини тортарди. Уч йил армия сафида хизмат қилиб, унда ҳам машина ҳайдаганини, хизмат муддатини аъло ўтаганию мақтov қофози олгани ҳақида ҳам бир куни шама қилган эди... Бу гапларга Онахон эътибор бермаган ва умуман Чўлининг ўз атрофида пашшахурда бўлишини истамасди. Бир куни Жўмард билан кетишаётганида Чўли узоқдан уларни кузатиб, аҳрамон девдек

¹ Охири. Боши ўтган сонларда.

хўмрайиб турганини сезган. Бундан сал аввалроқ, тушга яқин деразадан кўчага қараб турган Онахон, Шўрчи томондан машинасида физиллаб келган Чўли машинани райком биноси олдида тўхтатиб, иккинчи қаватга кўтарилганини кўрди. Эшикни очиб, Онахонга салом берди: «Термиздан келаётган эдим, босиб ўтгим келмади. Сизга бир салом берай деб кирдим», деди... «Раҳмат, Чўли ака», сўзидан кейин у хурсанд бўлиб, яна зинапоялардан тўқ-тўқ пастга тушиб, машинасини келган томонга буриб, жўнаб кетди. У Термиз томондан эмас, ёлғон айтди, атай Шўрчи томондан келиб, Онахонни бир кўриб кетаётганини деразадан кузатиб, Онахон беихтиёр кулди:

— Жинни!

Ўтники ўтга, сувники сувга, қолди қатиқнинг пули... бўлиб, Онахону Жўмард ўрталари бузилиб кетгач, бунинг устига Тойлоқовдек фириб-гарнинг қабиҳлигидан... дили вайрон бўлиб юрган кезларида яна кунлардан бир куни Чўли эшикда пайдо бўлди. У одатдагидек салом бериб, «Ха, майли...» деб чиқиб жўнаётган эди, Онахон чақирди:

— Чўли ака, тўхтанг!

— Лаббай? — Чўли эшик олдида бир лаҳза тўхтаб қолди.

— Бу ёққа келинг.

— Иўғ-е, мен шундоқ салом бергани келган эдим... Термиздан келяпман,— у ўзига-ўзи ишонмасди.

— Ха, майли! Бу ёққа киринг!

— Этигим сал лойроқ,— унинг этиги дарҳақиқат лой эди.

— Қелаверинг, ҳеч нарса бўлмайди!

— Хўп-хўп,— эҳтиёткорлик билан пойандозни босмай, четдан юриб Онахонга яқин келди.— Ассалому алайкум!

— Чақирсан келмайсиз. Мунча тортинасиз, Чўли ака? Қалай, ишлар яхшими? Бардаммисиз? — Онахон унга кўл узатди.

— Раҳмат, раҳмат! — Чўли қадоқ бўлиб кетган темир кафти билан Онахоннинг нозик қўлларини авайлаб ушлади-да, бу камлик қилгандай чап қўлини кўксига қўйиб, яна салом берди. Онахон кулиб юборди.

— Ишлар қалай?

— Тилло!

— Тилло деганингиздан нимани тушунса бўлади?

— Планни бажардик. Ҳиммати бир дунё дала баҳодирлари эл дастурхонига ўн бир минг тонна «оқ олтин» тўқди. Кўкламда барака уруғининг дурданаларини ерга қадашда пешқадамлик қилган эдик...

— Э, мен сиздан уни сўраётганим йўқ. Ҳамманглар ҳам радиотелевидение тили билан гаплашадиган бўлиб кетибсизлар! Планни сиздан бошқа айтадиганлар ҳам бор! Ўзингизнинг аҳволларингиз қалай деяпман?

— Мен? — Чўли довдираб қолди. Унинг аҳволини сўрайдиганлар бўлмасди. Бунинг устига Онахоннинг бундай саволи унга илтифот бўлиб туюлди.— Мана, юрибман. Аҳволим қанақа бўларди — саховат камарини боғлаган азамат халқнинг аҳволи қанақа бўлса, менини ҳам шунаقا. Бизнинг Сурхондарё халқи ҳаммадан аввал планни бажариб...— (райкомдагилар билан фақат шу тилда гаплашиш керак, деб ўйларди).

— Ха-ха-ха-ха-ха! Оббо, Чўли ака-е! Сиз жуда қизиқ одамсиз!

— Раҳмат, Онахон, каттадан-катта раҳмат! — бу сўзларни ҳам Чўли мажлисларда ўтириб, нотиқлардан, телевидениедан ўрганган эди. У ўзини сиёсий саводли бир одам эканлигини билдириш мақсадида «план» сўзини Ҳанифа Бегимқуловага ўхшаб кўп гапирав, машина кабинасига эса газета-журналларни сочиб қўярди. Баъзан шу газетадан йиртиб олиб, тамаки ўраб чекиб юрарди ҳам,— эл дастурхонига оқ олтин тўқяпмиз...

- Қаёққа кетяпсиз? «Эл дастурхонини» қўйиб, менга шуни айтинг.
- Қолхозга.
- Мени ҳам олиб кетмайсизми?
- Жоним билан.
- Ўн минут кутиб тура оласизми?
- Бўлмасам-чи! Қанча десангиз шунча кутаман! — Чўли хурсанд бўлиб кетди.

Чўли тўқ-тўқ юриб, қабулхонадан чиқиб, пастга тушиб кетди. Онахон ғаладондан бюро аъзоси Ҳанифа Бегимқулова имзо чекиши лозим бўлган қарор лойиҳасини олди. Бу иш унга топширилган эди. Бундан ташқари, бир фикр хаёlinи чулғаб олган, у Ҳанифа Бегимқулова билан юзма-юз учрашишни ўйларди. Ўшандаги аччиқ гаплар ўринсиз эканини, тезлик қилиб, қаттиқ гапириб юборганини ўйлаб хижолат бўлиб юради. Ҳанифа опа ҳақидаги ўз тасаввурига ишонгиси келмасди. Одам таниш жуда бир мураккаб нарса экани, у яхши деб юргани Тайлоқов ярамас кимса бўлиб чиққани уни ўйлатиб қўйди. Қичиклар каттанинг ёнига боради. У кичкина, нима бўпти унинг ёнига борса? Иккиласи-чи, урайком иши билан бораяпти.

Онахон беўхшовоқ бўлса ҳам иссиқ пальтоси, тивит рўмолини ўраб, сумкасини кўттарганча пастга тушди. Йўл-йўлакай Райкомхон опа Итолмасовага колхозга кетаётганини айтиб, Чўли билан бирга «Чағаниён» колхозига жўнади. У энди ҳеч нарсадан бад олмас, Жўмард кўриб қолса рашк қилади, деб ўйламасди. Юрак сиқилиши, хафагарчиликлар ҳам ўтиб кетди, у ҳар замон-ҳар замонда, Жўмард беихтиёр эсига тушганида, бир хўрсиниб қўярди-ю, миқ этмасди. Илгаригидай қувноқлик, сўзамолликлар йўқ...

Улар колхоз идорасига келиб, раисса Ҳанифа Бегимқуловани топиша олмади. Чўтмат ака раисанинг эрталабдан идорада бирпас ўтириб, уй-жой бинолари қурилаётган массивга кетганини айтди. Онахон билан Чўли қайтадан машинага ўтириб, ўша томон жўнашди. Чўтмат ака қулоғи тепасида сариқ қалам, бошида рапида шалка, енг устидан енг кийиб, идорани обод қилиб ўтиради. Ҳамма нарсага қизиқар, баъзида ингичка — хотинчалиш овози янграб қоларди. Пианино чалгандай чўтни чиройли шақиллатар, айни бир пайтда ҳам чўт солиб, ҳам суҳбатдоши билан бемалол гаплашавериши кишини қойил қолдиради.

Йўлда Чўли шу қурилаётган колхоз уйлари битгач, опа битта коттеджнинг ярмини унга ваъда қилганини айтиб, Онахонга мақтанди.

- Албатта, олиш керак,— деди Онахон.
- Лекин, опам битта шарт қўймоқдалар.
- Қанақа шарт?
- Уйлансанг уй бераман, деяптилар...

Онахон ялт этиб Чўлига қаради, ўзини тутолмай кулимсиради.

- Уйланниб олинг. Нима, бу уй солишдек қийинми?
 - Уйланишнинг ўзи бўладими, Онахон, сиз шундоқ дейсиз-да!
- Кимни оламан?

— Наҳотки битта кўзлаганингиз бўлмаса? — деди кулимсираб Онахон.

— Йўқ, тўғрисини айтсам ҳеч ким йўқ,— деди Чўли ғамгин бир оҳангда,— эҳтимол ўзим ёмондирман. Анави Санобарни танийсиз, ўшани айтишган эди, хоҳламадим... Урушқоқ, пучук, новча...

- Уҳ-хўй-ў!
- Эҳтимол мен ўзим Санобарга ёқмасман. Бунинг аҳамияти йўқ,— деди Чўли Онахонга қараб. У умрида биринчи бор юрак ютиб, яна Онахонга гап қотди:— Сиз менга тегармидингиз. Биламан, тегмайсиз. Мана. Аслини олганда мен сизни яхши кўраман...

Онахоннинг ранги оқариб кетди:

— Машинангииздан тушиб кетаман! Бу нима деган гап?!

Машина кенг далада вағиллаб борарди. Шудгор қилинган карталар, олис-олислардаги каллакланган, боши тұмтоқ қатор тут дараҳтлар қишиғиринида жунжикиб ухларди..

— Кечириңг! — Майли, тегмасанғиз ҳам майли. Ҳар замон-ҳар замонда райкомга кириб узоқдан бир күриб қўйсам етади. Мен бир саводсиз кишиман, менга тегармидингиз. Мен буни тушунаман. Менга ким ҳам тегарди? Қўнгил-да. Дарҳақиқат, менга тегиб баҳтсиз бўлиш сизга нега керак? Мен сизни узоқдан бир кўриб кетсан, шунинг ўзи кифоя. Бирор кўриб қолса, шоғёrimiz десанғиз ҳам хафа бўлмайман. Сиздек бир қариндошим борлиги билан фахрланаман. Ёлғон гапирган эдим, ҳалиги Санобар деган қиз ҳам менга тегмаган.

Онахон: «Ўҳ-ҳў, юрагингизда шунча гап бор экан!» — демоқчи эди-ю, бу сўзни тилига чиқармади, миқ этмай ўтираверди. Чўли бўлса қизариб «керақсиз гапларжни тўхтатди. Онахон бунақа гапни ҳеч қачон ундан кутмаган эди. Бу гаплар астойдил юракдан чиққанини сезди. Улар қишлоқ кўчасига киришгач, Онахон сукунти бузиб гап қотди:

— Чўли ака, тез ҳайдаманг, болалар кўп экан!

Хаёл билан кетаётгани Чўли ўзини кўлга олди. Уйқуси ўчган кишидек у ёқ-бу ёққа қараб, ўзига келди.

— Мана шу ердан бошланади массив. Анави уйларга бир қараб қўйинг! Опамлар қуряптилар. Опамлар зўр!

Онахон Чўлига қараб қўйди. Бу гап киноями ёки самимий айтил яптими, билишга қизиқарди.

— Етмиш хўжалик шу ёз кўчиб киради, деяптилар опам.

— Яхши,— деди Онахон,— опа дарҳақиқат зўр ишлар қилаётган эканлар. Кўчанинг икки томонига чиройли тушибди. Икки қаватлами?

Янги уйлардан бирининг ёнида машинани тўхтатиб, усталардан Ҳанифа Бегимқуловани сўрашди. Қурувчилардан бири опа эрталабдан бери шу ерда бўлганини, бундан чиқиб, трактор ремонт паркига борам дейётганини айтди. Улар яна машинага ўтириб жадал трактор паркига жўнашди.

Қорасовуқ, физизон бўлишига қарамай, паркда ремонт кетарди. Ўртага гулхан ёқиб қўйиб, совқотганлар бориб бир дақиқа исинар, қўлларига куҳлашар, яна бориб трактор деталларини бурашарди. Қўл, бурун қорамой... Раиса бунда бўлгани, трактор ремонт қилаётганлар билан гаплашгани, кимнингдир трактори мотори ишламай дикқат бўлиб турганида Ҳанифа Бегимқулова енгини шимариб, унналиб, моторни гуриллатиб юборганини, бу бир тасодиф эканини гапириб, кулишиб ўтирганида Онахон билан Чўли паркка кириб келишган эди. Бу ердаги йигитлар Чўлига «Опанинг омади борлиги»ни гапириб кулишарди. Бир йигит Онахонга эшиттирмай, раиса келганида моторлар ҳам ишлаб кетганини шипшиди. Яна бири: «Опа — ҳукумат. У айтганини қилдирмай қўймайди»,— деди. Опани кўриб қимирламай ётган мотор ҳам гуриллаб кетганига кулишарди. Бўлмаса бу моторга қўл урмаган одам қолмади. Опа келиб, беш минутча унналиб, гуриллатиб юборди. Механизатордан чиқкан-да, деди яна бир йигит. «Турсуной Охунова ҳам шунакамиш-ку,— деди яна бир йигит,— машинани яхши билар экан. У мингандага терим машинаси домла имомнинг эшагидек бошини солиб юрармиш...»

Йигитлар кулишиди.

Ҳанифа Бегимқуловани бу ердан ҳам топиша олмади. Йигитларнинг фикрича, опа ё мол фермасига, ё зовур-дренаж қазилаётган ерга, экскаватор ёнига кетган бўлса эҳтимол, дейишиди.

Чўлининг эски Газиги яна далама-дала чопиб, физиллаганча кетди. Бирон ўн километрни босиб ўтганда, узоқда тумшуғини кўтариб тупроқ

уюмлари ёнида турган экскаватор кўринди. Бунда чуқур зовур қазила-ётган эди. Лекин экскаватор шовқини йўқ, у филга ўхшаб хартумини ерга осилтирганча турарди. Атрофида икки-уч киши бир нима қилиб ғимирлашарди. Эксекаватордан сал нарироқда кўк «Москвич» машина ҳам турарди.

— Опани топдик,— деди ёнида ўтирган Онахонга Чўли,— шу ерда эканлар. «Москвич» ўзлариники, шахсий. Ўзлари ҳайдайдилар.

Улар машинадан чиқиб, одамлар ёнига келиб, салом беришди. Чуқур каналга тикилиши.

— Опамлар қанилар? — Чўли бунда Ҳанифа Бегимқулова кўринмагач, дарҳол сўради.

— Ҳа, Чўливой, мен бундаман, нима гап? — экскаватор кабинасида унинг ричакларини бир нима қилаётган Ҳанифа Бегимқулова ўтирган ерида гапирди. Машинадан чиқиб, қўлида папка ушлаб турган Онахонга қараб қўйди. Онахон экскаваторда ўтирган Бегимқуловага бош ирғаб салом берди. Райком ходими, ўз сўзли, «ҳақгўй» Онахоннинг бу ерга келиб, салом бераётганини кўрган Ҳанифахон секин экскаватор кабинасидан чиқиб, ерга тушди. Қорамой бўлган қўлини латтага, ундан сўнг устига кийиб олган қавима пахталик-телогрейкасига артиб, Онахонга қўл узатди. Онахон, бу — Ҳанифа Бегимқулова эканига ҳеч ишонмасди.

— Келинг, синглим, салом! Яхшимисиз?

— Салом! Мени иккинчи секретаримиз мана бу лойиҳага имзо чектириб келинг, деб юбордилар. Колхоз машинаси райкомга бориб қолган эди, бирга келдим.

— Жуда яхши-да! — деди раиса. У гулдор шол рўмоли билан бошини ўраб олган. Телегрейка ичидан қорамтири узун кўйлак, оёғида этик... Атлас кийиб, костюм кўқсига қатор орденлар тақиб, чиройли қоматини кўрсатиб юрадиган Ҳанифахон эмас эди бу гал.

— Бу азаматлар ҳойнаҳой экскаваторни тўхтатиб қўйиб, иссиқ уйларида ётган бўлсалар керак, деб ўйлаган эдим. Ўйлаганим тўғри чиқди,— деди Ҳанифахон йигитларни кўрсатиб,— келсам ҳеч ким йўқ! Мана аҳвол! Юрганимча бориб учала йигитни ҳам уйларидан бўғиб олиб келдим. Уят сизларга! Эксекаваторни юргизиб бермагунимча кўнглим тинчмайди. Бу паҳлавонларим яна бир нарсани баҳона қилиб, қочиб қолишадими, деб қўрқяпман!

— Кечирим сўраймиз.— деди йигитлар,— биз ҳеч қаёққа кетмаймиз, опажон, безовта бўлманг.

— Биз ингичка толали паҳтага ўтмоқчимиз. Сув кўп керак, сув оляпман. Азаматлар бу қўшимча канални қазишмаса, сув қаёқдан келади?

— Опажон, келинингизнинг кўзи ёриган эди... Туғуруқхонага кетган эдим.

— Хабарим бор. Анави икки ўртоғингизни ҳам туғуруқхонага олиб кетганимидингиз?

— Улар ишга чиқиши керак эди, хумпарлар! Уларнинг кўзи ёришига ҳали анча бор.

Гур этиб кулги кўтарилиди.

— Ҳа, бўпти. Бу ёёни тезлаштириб юборсангиз, хижолатбозлиқ қолмайди,— Ҳанифа опа Онахонга қаради:— Шунаقا, синглим, булар ўзи жуда яхши йигитлар-у, сал-пал шунаقا одатлари ҳам бор. Лекин яхши ишлашяпти. Хотам Жўрақуловицдан хат-хабар борми?

— Хотам Жўрақуловицдан сизга салом,— деди Онахон.— Телефон қилди. Аҳволлари яхши эмиш. Жуда яхши дам оляпмиз, бу ердаги врачлар жуда зўр, деди. Ҳамма ўртоқларга салом айтишимни тайинлаган...

— Саломат бўлсинлар! Хотам Жўрақуловичнинг юраги ёмон бўлиб қолди-да. Уни эҳтиёт қилишимиз керак. Яхши секретаримиз бор,— деди-да, раиса яна йигитларга қаради,— Нормамат, чиқинг кабинага. Шу ердалигимда бир юргизиб, ишга тушинг! Кейин кетаман!

Нормамат бир сапчиб, экскаватор кабинасига кирди. Бир муддат унналиб, совиб қолган моторни гуриллатиб юргизиб юборди-да, ерга тегиб ётган хартумни кўтариб, осмонда осилтириб чуқур каналга ташлади. Ерни ўйиб, канал четига турроқ тўка бошлади. Ҳанифа Бегимқулова, Онахон, Чўли бир муддат экскаватор ишини томоша қилиб туришиб. Ҳанифахон Бегимқулованинг бунаقا ишбилармон раҳбар эканини кўриб, Онахоннинг оғзи очилиб қолди. Уни «малика» ва «этагингизни кўтариб юрадиган чўрингиз эмасман», деганидан пушаймон бўлди. Бегимқулова экскаваторчи йигитларга топшириқ бериб бўлгач, Онахонни ўз машинасига таклиф қилди:

— Келибсиз, энди бизникоиди бир пиёла чой ичиб кетасиз. Мен совқотиб кетдим. Қорозга уйда имзо чекаман. Қани, ўтириңг, Чўливой, сиз машинангиз билан бизникоига бораверасиз!

Олдинда «Москвич», унинг кетидан «Газик» далама-дала кезиб, колхоз марказига келишди. Правление олдидан ўтиб, катта йўл четидаги ҳовлилардан бири эшигига машиналарни қолдириб, ичкарига киришди. Чўли дарҳол ўзини ошхонага урди. Райком секретарлари, Термиздан, Тошкентдан келадиган азиз меҳмонлар ойнабанд айвондан ўтиб ичкаридаги зал уйга олиб кириларди. Ҳанифахон Онахонни ҳам бошлаб ўша уйга олиб кирди. «Отангни ўлдирганга онангни бер», деганларидек, яқинда тил ханжарини санчиб, бағрини қоп-қора қон қилган Онахонни Ҳанифахон энг ҳурматли меҳмони сифатида юқорига, духоба креслога ўтқазди. Чўли бўлса Ҳанифахоннинг ошхонасида жазбуз қилаётганлар ёнида, чой қўйиб, қизларга қараашарди, Ҳанифахон бир муддат Онахонни ёлғиз қолдириб, ичкари уйга кирди-да, кийимларини ўзгартириб, ювиниб чиқди. Қўл ювадиган жўмракни Онахонга ҳам кўрсатди. Бегимқулованинг катта қизи ҳам жуда ўзига ўхшаш чиройли экан, у нон, чой ва кетма-кет қовурдоқ олиб кирди. Ҳанифахон тортиниб турган Чўлини ҳам чақирди. Об-ҳаво, умуман, ҳеч кимга даҳли йўқ гаплардан кейин Ҳанифахон қарор лойиҳаси остига имзо чека туриб, ипак пахта истиқболи ҳақида гап бошлади.

Ҳанифа Бегимқулова янги йил арафасида Тошкентга, Қурултойга бориб келганини ҳаяжон билан гапириб берди. Унинг ҳикоясини Онахон диққат билан тингларди.

...Санъат саройи пахтакорлар билан тўлган: зиналар, коридору кираверишдаги заллар гоятда гавжум. Юқоридан туриб, кенг залга кўз ташлаган киши беҳисоб дўппилар бекиёс гўзлаллик касб этганлигини сезмай илож йўқ эди. Ора-чора рўмол ўраган, парча-парча гулли кўйлак кийган сурхондарёлик аёллар, хонатлас кийган фаргоналиклар ўтиришарди. Бош кийимлар ичиди энг қулайи ва гўзали дўппи эканлиги ҳаммага аён бўлиб турарди. Дунёда турли-туман бош кийимлар кўп, лекин Ўрта Осиё шароитида тўрт гаримдорили дўппидан қулайи йўқ. Айниқса дўппи ўзбекларнинг миллий кийими бўлиб қолдики, киши фарх этади! Дўппи кийган заҳматкаш кишиларни айниқса ҳурмат қилгинг келади. Залга қараб завқланасан, кўкраклари орден ва медалларга тўлган дала заҳматкашлари, пахта усталари ҳар йили бир йиғилиш анъянага айланган бу Қурултойга жуда ҳам ясан-тусан бўлиб келишган эди. Қурултой баҳонаси билан Тошкентда — пойттахтда эски ёр-дўстлар жамолини кўриш, мулоқот, бўш вақтларда магазинмагазин кезиш, невараларга совға-салом олиш кўпроқ ёқарди. Ҳанифа Бегимқулова ўртоқ Рашидовнинг жуда мазмунли доклади ҳақида ҳам, ўз колхози тилга олингани тўғрисида ҳам ҳаяжонланиб гапирди.

Қош қорайишига яқин Онахон уйига кетди. Чўли элтиб қўйди. Ҳанифа Бегимқулова қизи тенги Онахонни эшиккача кузатиб чиқди.

Қўрган эшитгандан афзал. Расмий жойларда, йиғилишларда ялтираб юрган Ҳанифа Бегимқулова иш жойида бошқача экан. Онахоннинг фикри ўзгара бошлади. Опанинг бутун одам эканлиги, бекорга колхозчилар уни яхши кўрмаслигини энди пайқади.

Онахон уйига келиб ҳам Ҳанифа Бегимқулова ҳақида ўйлар, унинг «тасодифан» моторни юргизиб юборгани, экскаваторчиларни уйларидан олиб келгани, қўллари қорамой, юзлари совуқда кўкарган раиса дала кезиб юргани кўз олдига келаверди.

XXIX боб Талваса

Остонақулов прокурорга чақирилди. У ўзининг нега чақирилганини, сўроқда қандай саволлар тушишини тахминан биларди. У район прокурори рўпарасида пинагини бузмай ўтиради.

— Хотам Жўрақулов курортга кетаётганида, аэропортда, у кишини кузата туриб, чўнтағига беш минг сўм пул солгансиз?

— Жўрақуловнинг чўнтағига соладиган менинг беш минг сўм пулим йўқ. Нега мен унинг чўнтағига шунча пул солиб юборар эканман?

— Шуни билмоқчимиз.

— Бу, туҳмат! Менинг ортиқча пулим йўқ, мен жўжабирдек жонман.

— Мана пулингиз! — у стол тортмасидан қофозга ўроғлиқ ўша эллик, юз сўмликлар пачкасини олиб, стол устига қўйди, — бу нима? Пулингизни танидингизми?

— Йўқ, таниганим йўқ! Укажон, ёш прокурор экансиз, ўйлаб сўроқ қилинг! Бу, фитна! Бармоқларим изи йўқ, қўлингизда экспертиза маълумоти ҳам йўқ. Бунча пулни Жўрақуловнинг чўнтағига фақат эсини еган одам солади. Исбот керак! Агар мени жодига солсангиз ҳам бўйнимга қўёлмайсиз, бу менга қарши фитна!

— Фитна эмас, ҳақиқат! Тўғри, сизни ўша лаҳза ушлаш керак эди. Бўйти, ҳозирча гап тамом... Сизга рухсат, кетишингиз мумкин.

— Бу, фитна! Икки дунёда ҳам бўйнимга олмайман! Минг томонни текширганингиз билан ҳам хато тополмайсиз.

— Биз хатони эмас, жиноятни кўрамиз!

Остонақулов қовоғи солиқ, ўзини «озор чеккан қимса» қилиб кўратсиб, район прокурори кабинетидан чиқиб кетди.

Жазосиз қолган жиноят жуда ҳам хавфли, у яна бошқа жиноятни туғиши мумкин. Тойлоқов баъзан ғарқ бўлайтган одамдай, ҳар бир «сомон парчасига» ёпишарди, баъзан пинҳоний талвасада чор атрофга алангларди. Ҳар қалай у кўйлак ичиди, бағримизда исиниб ётган чаёнга ўхшарди. Сал-пал ҳаракат қилинса ниш уриб, заҳар солишга шай турарди. Лекин ҳаммаёқ жимжит, Жўрақулов ҳам ўз иши билан банд эканини кузатиб, секин кўйлак ичидан чиқиб, «беозор» пашшага айланарди. Паашша бўлганда ҳам семиз куз пашшаси бўлиб, дам лабга, дам кўзгà, дам бурунга ўзини уради. Сурбетлик билан пасткашлик бир-бирига омухта бўлиб, у, Жўрақулов кўзига мўлтиллагани мўлтиллаган. Аммо асосий гап бу эмас, асосий гап бошқа! У район раҳбарлаган.

ларининг бир-бирлари билан ола бўлиши, масъул кишилар «сен каттами, мен катта» бўлишиб, бир-бирларининг пайини қирқишини истарди. Шунда у тинч бўлади. Жўрақулов билан Бойбўсинов ўрталаридан илгари ола мушук ўтганини топиб, буни яна авж олдирмоқчи бўлди. Шунга доир гапларни олтинга сотиб оларди. Масъул кишиларнинг бир-бири билан олишуви — Тойлоқовнинг баҳти, улар ёқалашса Тойлоқов тинч бўлади. Қадим икки бойнинг олишуви қозикалон чўнтагини пулга тўлдиради деганларидек, бошқалар жанжали Тойлоқовга айниқса ҳозир жуда зарур эди. Лекин у афсусланар, унинг илгари йилтираб кўринган баъзи «фойдали ишлари» асли сохта экани сезилиб, бу қилиқлар Керенский пулидек бекадр бўла бошлади.

Сиртдан қараганда, хокисор Тойлоқов киши раҳмини келтирадиган йўталишлари билан кейинги пайтда бошини қуий солиб юради. Унинг бир қўлида гул, бир қўлида ханжар ушлаб юришини ҳам биладиганлар бор. Фақат бу одамнинг шунчалик маккор, хирп бўлиб кетганига сабаб нима эканига тушунишмасди, холос. Яқин кишиларидан бири ишратбозлик, шаҳвоний ҳирсга берилиб кетиши натижасида ва доимо ўйнашлари макрига бардош бериши, бад олиши... шунга олиб келган. Нечоғлик ёпишқоқлиги билан заготскот бошлиғи — мансаб эгаси бўлиб олган эди. Қўчқорвой аканинг айтишича, уни қанақасига ташласангиз, шунақасига олчи тураверар экан. Район газетасида ишлайдиган бир йигитча билан тил бириткириб, Жўрақулов таржимаи ҳолини ковлаштириш учун тоғ оралиғи — Бойсунга юборган.

Овқатни у лунжидан бу лунжига олиб, секин, эринмай чайнарди. Чой хўплаб, кейин шу хўплаган чойи билан оғзини чайқагандек, тишлиари орасидан ўтказиб, кейин қулт этиб ютарди. Ёнида турган кишининг кўнгли озарди. Ҳамсуҳбатига тошбақанамо бошини солиб, тикилиб қараб қоларди. Тили ботир, баъзан кишини таҳқирловчи сўзларни ҳам шартта чиқариб юборарди.

Заготскотни халқ контроли текшираётгани, унинг миси чиқаётгани райкомга маълум бўлди. Лекин Тойлоқов бу ишда Жўрақуловнинг қўли бор, Онахон сирни Жўрақуловга очиб қўйди, деб гумон қилди. Онахон бўлган воқеани унга айтмаслиги мумкин эмас, деди. Вақтни бой бермай ҳаракатингни қилиб қол, деб ўзининг баъзи ошналари билан гаплашиб, соддадил Гулжаҳон опага Ҳотам акамларга билдираманг деб икки кийимлик хонатлас, аллақаёқдан юракка даво деб шиша банкада беҳи суви ташлаб кетди. «Ҳаммамизнинг баҳтимизга акамлар саломат бўлсинлар...» деб кўзига ёш олиб, кўп қийинчиликлар тушганда саломат олиб ўтганлар, айбсиз парвардигор, ҳаммамизнинг ҳам гуноҳимиз бор. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлар экан, ишқилиб Ҳотам акамлар омон бўлсинлар...» деб Гулжаҳон опанинг раҳмини келтирди. Йигит кишининг бош эгиг турганини кўрган Гулжаҳон опанинг кўнгли бўшаши. Илтимосига кўра бу гапни дарҳол Ҳотам Жўрақуловичга вақиллаб гапирмади. Чунки асабийлашса юраги ёмон бўлишини биларди.

Булар ҳам унча натижа бермай, комиссия ишни чуқурлаштира бошлади.

Кунлардан бир куни, райкомга келолмай далада Жўрақулов билан юзлашган Тойлоқов уни четроқقا тортиб, мурожаат этди:

— Халқ контроли ўн беш кундан бери босиб ўтирибди. Жуда эзиб ташлади. Айтиш керак эмасмикан, Ҳотам ака. Бас-да энди.

— Биз уларнинг ишига аралашмаймиз.

— Халқ контроли заготскотни босганидан хабарингиз борми?

— Йўқ.

— Райкомнинг санкциясини олмасдан қандай қилиб улар алғовдалғов қилишяпти?



— Ишингиш тўғри бўлса нимадан қўрқасиз! Текшира-вермайдими!

Тойлоқов ўйланиб қолди. Бюро бу ишни қўзғаган-у, лекин Жўрақулов ўзини гўлликка соляпти, деди. Анойи йўқ, Хотам Жўрақулович, сизнинг қирриқ, пихини ёрган киши эканингизни биламиз, деди ичидা Тойлоқов. Онахонга босқинчилик қилгани учун ҳам заготскотга халқ контроли келдимикан, деб хаёл қилди Тойлоқов. Бу энди ўта юдонлик эди. Маккорлик ақллилик деган эмас, бунинг тескариси.

Жўрақуловдан најот бўлмагач, ҳап саними дедио, барি бир уни кўрса титрар, ўзини минг оҳангга солиб, ликилларди, безовта бўларди.

Ишонч томирлари узилган жойда хушомадгўйлик илдиз отади. Баъзан мажлисларда ғалтак ютиб, узундан-узоқ маъруза қиласиганлар ҳам Тойлоқовни танқид қила бошлиди. Тойлоқовнинг товуши баъзан мойи қуриган арава гупчагининг ёқимсиз фийқиллашига ўхшаб кетарди. У кучаниқ билан гапириб, юқорида ўтирган Жўрақуловга ғилайланиб кетган кўзларини қадаб қўярди. Лекин стол устига қараб, қўлида уч-тўрт қалами асабий ғижимлаб, шақирлатиб ўтирган биринчи секретарь гоҳо-гоҳо Тойлоқовга кўз ташлар, бу кўз қарashi билан уни оз-моз безовта қилиб қўярди. Жўрақуловнинг ичмаслиги ҳаммага маълум. Юрагининг баъзида «нағма» қилиши сабабли бу машшатдан маҳрум. Врачларнинг маслаҳати ҳам шу. Фоятда ҳурмат қиласигани бир врач унга агар иссангиз дэволаш ишларимизнинг ҳаммаси шамолга соврилади, саломатлигингиз учун жавоб беролмаймиз деган эди. «Ҳар рюмка конъяк бир кам олтмиш йилдан бўён гурс-гурс уриб, ишлаб келаётган юракка урилган бир ханжар!»— дерди у. Жўрақулов шу ишдан воз кечди. «Худонинг нозу неъматларидан бири — ичкликтан кечганимиз...» деб қиқирлаб куларди. «Ичкилик ичиб бирорвнинг шохи чиқибдими?! Туппа-тузук одамларнинг шу йўлга кириб, охири

бебурд, беобрў бўлиб, ўлиб кетганини ҳам биламиз...» дерди. Гулжаҳон, баъзан соатлаб қилинган лекциялар, панду насиҳатлар, ақлли китобу мақолалар эмас, ишонган кимса, қадрли дўстнинг битта сўзи инсон ҳаётини бошқа изга солиб юбориши мумкин», дерди унинг ўзи. «Жуда ҳам фаришта бўлаверманг, Жўрақулов, бундай бўладиган бўлса хонақодаги зоҳиддан фарқингиз қолмайди. Хонақо эмас,райкомдаги «зоҳид» бўлиб қоласиз», дерди Бойбўсинов. «Ичмасангиз, чекмасангиз, юрмасангиз... бу дунёга нега келгансиз?»— деган эди Тойлоқов. «Бўлмаса, анави бир шоирга ўхшаб папирос қутичи си йифиб, ҳалво еб юраверинг!» Бу дашному оғули кинояларга ҳам чидаб, баъзан кулги, баъзан сукут билан терс жавоб қиласди Жўрақулов. Оғзига сўз олган, қаттиқ туриб, қарорини бузмасди. Жўрақуловнинг бу ишидан оила аъзолари мамнун. Секретарнинг бир обрўсига икки обрў қўшилди. Зиёфатларда у дастурхон устидаги нозу неъматлардан «гуногун тановул этар», лекин чиройли рюмкалардаги «беш юлдузли»лар сўмрайганича қолиб кетаверарди.

Кунлардан бир кун, Термизда, исполномининг меҳмонхона боғида Тошкентдан азиз меҳмон келиб, бирон соатлардан сўнг зиёфат бўладиган эди. Шу муносабат билан Жўрақулов барвақтроқ боққа келиб биллиард ўйнай бошлади. Диққати соққаларда. Жуда берилиб ўйнади. Бир-икки қарсиллатиб тушган соққа унинг шавқини оширган, рақиби ни «ноль»да қолдириш учун файрати жўшиб кетганди. Атай ҳид билиб келган Тойлоқов, Жўрақулов тарафдори бўлиб, ҳа-ҳалаб турди. Шундай ҳаяжонли пайтларда секретарь бир пиёла кўк чой ёки бир стакан қатиқ ичишини, баъзан стаканни қўлида кўтариб юриб, гапиришини ёқтиришини биларди. У дераза пирамонида, чиройли патнусда устига оппоқ сочиқ ёпилган икки стакан қатиқ турганини кўрди. Тойлоқов атай бориб улардан бирини олиб ича бошлади. Бунга кўзи тушган Жўрақулов ҳам бориб, бир стакан қатиқни олди, чиройи очилиб кетди: «Оҳ-оҳ, қатиқхон тўра-ку! Юрагим куйиб турган эди, оҳ-оҳ, зўр иш бўлди!». Жўрақулов стакандаги қатиқни симира бошлади-ю негадир шу лаҳза томоғига етганда ўҳчиб бурчакдаги туфдонга қайтариб ташлади. Тиши ғижирлаб, тили устидаги юпқа шиша парчаларини чимчилаб олди. Бармоқларига озгина қон теккани, шиша парчалари тилини тилиб юборганига ҳайрон бўлиб қолди. Тишлари орасида ҳам майда нарсалар ғижирларди. У бармоқлари билан ойна синифини ушлаб, саросимада турганида Тойлоқов ҳайратланиб, яқин келди: «Нима, нима бўлди, Ҳотам Жўрақулович? Қефир ёмон эканми?» Жўрақулов бош чайқади. Туфдонга тупук аралаш қон тушди. Тойлоқов Жўрақулов қўлидан стаканни оламан деган эди, у бермади. «Бошқасини берайми, Ҳотам Жўрақулович, буниси тозароқdir. Қил тушган эканми?» Жўрақулов ҳайрон бўлиб қолди. Қил эмас, шиша, деди Жўрақулов. Биллиард атрофидаги одамлар ҳам ҳайрон бўлиб қолишиди. Нега шиша бўлади! Тепадаги лампочка синган бўлса парчаси тушдимикан? Ана, люстрада битта лампочка синиб ётибди. Ана, қарап! Қисталоқ фаррошлар қатиқнинг устини беркитмаган эканлар-а! Фаррош хотин жуда ҳам бефарқ экан! Жўрақулов стакан ичига бармоғини тиқди, қатиқка аралаштирилган майда шиша парчалари бармоқ учларига тегди. Агар лампочка синиб тушганида бунчалик майдаланиб кетмас эди-ку! Унинг юрагига шубҳа тушди. Дарҳол стол устидаги графинни олиб, бўш стаканга сув қўйди-да, оғзини чайқади. Юпқа шиша парчасини туфдонга ташлади. Тили устидаги майда шиша синиқларини рўмолчаси билан артди, томоғини фарғара қилиб чайди. Шу пайт икки бор мурожаат этиб, қўлидаги стаканни сўраган Тойлоқовга кўзини олайтириб, бермади. Учинчи бор Жўрақуловни алаҳситмоқчи бўлиб, яна стаканни олмоқчи бўлганида уни сўкиб берди: «Нима қиласиз! Кўй-

сангиз-чи, ўз ҳолимга!» Жўрақулов стаканни кўтарганча ранги оқа-риб, коридорга чиқди-да, бўш хоналардан бирига кириб, ичкаридан эшик илгагини солди. Юраги тинмай уради. Бу нима гап? Бу ишни ким қилди экан? Наҳотки у шундай аblaҳ кимса?! Менинг ўлимим унга шунчалик керак бўлиб қолдими? Нега керак бўлиб қолди? Мен кимга ёмонлик қилдим? Бу ярамас сарсон бўлиб юрганида мен уни ишга таклиф этдим. Қейинчалик менинг тавсиям билан заготскотга борди. Яхши характеристикалар бердим. Унга суюндим, ишондим... Нега унга менинг ўлимим керак бўлиб қолибди? Наҳотки, у қўйнимда кулча бўлиб ётган илон бўлса?! Наҳотки у юз тубан пасткашликка тушиб кетди? Наҳотки шу даражада иблис! Менинг болаларимни, нева-раларимни етим қилиб қўйиш унга шунчалик керакми?

Хона ўртасида туриб, рўмолчаси билан тинмай оғзини, лунжи, тишларини артаётган, баъзан-баъзан туфлаб, икки кўзини дераза олдиди турган стакандан узмаётган Жўрақулов хаёл сурарди: «Падарингга лаънатларга мен нима ёмонлик қилибман?! Нечун жонимга қасд қиласди? Номард! Эҳтимол, менга ўхшаган кўнгли бўш, нодонларга бу ҳам кам! Оз бўлмаса душман мени тобутга солиб қўяр экан. Қайси бир ишим, қайси бир норасида неварам бахтига омон қолдим», деди ўзига-ўзи кексаларга ўхшаб.

Жўрақулов хонага кириб, эшикни илгаклаб қўйганини билган Тойлоқов оёғи куйган товуқдек коридорда у ёқдан-бу ёқقا юра бошлади. Бир нима дейишини ҳам билмади. Қочиб қолсамикан? Йўқ, унда сир очилади. Агар Жўрақулов илгариgidай ҳамма нарсани кечириб, одатдагидек бунга кўп аҳамият бермаса яхши бўларди, деди. Агар юраги кенгликни бир томонга сидириб, ишни чаппасига айлантирса, унда бу ишга прокурор аралашуви, масъул раҳбарга суиқасд — оғир жиноят! У ҳамма гапни тушуниб турарди-ю, аммо пинагини бузмай, ҳеч нарса бўлмагандай кулиб, ҳазиллашиб қўярди. Бу ҳам катта санъат, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундай устомонлик — артистлик ҳам йиллар мобайнида «ихтисослашади». Фаррош хотининг «эътиборсизлиги орқасида стаканлар усти ёпилмаган... ва шифтдаги лампочкалардан бирининг ёрилиб тушиши оқибатида майдашиша синифи стаканга тушган... Хўш, нега бошқа стаканга тушмаган? Бу, тасодиф...» Мана шундай фикрлар унинг бошидан ўтарди. Тулки, менинг ўттиз тўққиз найрангим бор, лекин шулар ичida энг яхшиси пусиб ётиш деган экан. Жўрақулов сал ҳовуридан тушганича у дамини ичига ютиб пусиб ётмоқчи бўлди.

Жўрақулов бир муддат стаканни ушлаб турди-да, бир лаҳзадан кейин уни тумба ичига яшириб ташқарига чиқди. У ҳеч нима бўлмагандай, пинагини бузмади. Мехмонларни қолдириб медпунктга кириб, чақа бўлган тилини кўрсатди. Ҳамшира қиз тезда поликлиникига бориб врачга учрашишини маслаҳат берди. Яна бирон майдашиша ичига кетиб қолмаслигини, ҳар қалай юраги бир оз уриб турганини айтди. Жўрақулов медпунктдан чиқиб, коридорда бир-икки қадам юргач, билинар-билинмас кимгадир эшииттириб фаррош хотининг бепарволиги бу, деди. У машинасига ўтириб, стационарга жўнади. Шофферга ҳам ҳеч нима демади. Врач уни вақтида таъкидлаб, лунжи ва тишлари ёнидан яна шиша майдалари топиб, тозалаб чиқарди. Ундан сўнг, йўлйўлакай столда соатим қолибди баҳонаси билан райкомга кириб, кимгадир телефон қоқди. Бўлган воқеанинг айтиб, шиша майдаси қўшилган қатиқ, б-хонада, тумбочкада эканини ҳам қўшди. У ёқдан «бизнинг одамлар» эҳтиёткорлик билан бориб стаканни олади, дейишди. Зиёфатга тайёрланган бошқа ичимлик ва нозу неъматларга ҳам эҳтиёт бўлиши кераклигини, шубҳани ҳеч кимга сездириб қўймасликни илтимос қилди. «Шоффер», «электромонтёр» бўлиб, икки қиши б-хона тумбочкаси-ди.

даги стаканни олишмоқчи бўлиб, хонага киришган эди, лекин афсус, стакан тумба ичидаги йўқ... Йигитлар хонага жуда ҳам бегидир, бешубҳа киришган эди. Уларнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, бу ҳақда тезда бошлиққа хабар қилишиди. Стакан ғойиб бўлганини телефонда Жўрақуловга маълум қилиб қўйишиди. Жўрақулов тутоқди. Лекин унинг безовта бўлмаслигини, тумба эшиккасида, хонага кираверишдаги эшик зулфинида қолган бармоқ излари плёнкага кўчириб олинганини, стакан боғ орқасидаги чуқурликка отиб юборилганини айтиб қўйишиди. Бу ишлар ҳаммаси талвасада изни йўқотиш учун қилинганини билишарди. Бу, мутлақо тасодиф эмас, зимдан тайёрланган суйқасд экани очиқдан очиқ маълум бўлди, Жўрақулов кўз олдидаги совуқ бир башара пайдо бўлди. Ўзининг анчадан бўён анқов бўлиб қолганини ҳам фаҳмлади. Табиатни муҳофаза қиласман, деб янг қилганлари, районда яхши, мўътадил атмосфера яратаман, ҳеч кимнинг дилини оғритмайман, ҳаммага бир хил яхшилик қиласвераман, одамларнинг ёмони йўқ, ўзинг яхши бўлсанг — ҳамма яхши, деган гаплар унчалик тўғри эмаслигини ҳам фаҳмлади. Ҳали ичимиизда қаллоблар, лўттибоzlар бор экан, ҳаммага ҳам яхши бўлавериш тўғри эмас, деди. Оз бўлмаса ўзи ўлиб кетаёди.

Жўрақулов ўз кабинетидаги креслода иягини икки кафтига қўйиб хаёл ичидаги ўтиради.

XXX боб

Ўртоқ Рашидов Сурхон пахтакорлари хузурида

Сурхон-Шеробод канали битиб, ишга тушириш маросимида ўртоқ Шароф Рашидов иштирок этади, деган хабарни сурхонликлар мамнуният билан эшитишган эди. Ингичка толали пахта экаётган бир неча районларда, Термиз яқинидаги насос станциясида, янги совхозлар ташкил этилажак Бандиҳон даштида ҳам бўлишлари кўзда тутилган. Районлардан келган Сурхоннинг азамат пахтакорлари, механизаторлар Термизда тўпланиб, гулдаста кўтарган мактаб болалари, студентлар ва турли ташкилот ходимлари ҳурматли меҳмонни кутиб олмоққа тайёргарлик кўришарди. Лекин, кутилмаганда, бу тайёргарликдан эртароқ обком бюро аъзолари даврасида Шароф Рашидов аэропортдан шаҳарга кириб келди. Кексалар унинг ҳалқ ҳурматини қозонган сирларидан бири мана шундай камтар инсонлиги деб билишарди. Рашидовнинг характеристини яхши биладиганлар учун бу янгилик эмас эди.

Улар шаҳарда кўп бўлмай, Сурхон-Шеробод канали бош тўғони томон йўл олишди. Рашидов кутиб олган эски қадрдонлари, танишлар ва баъзи янги ходимларнинг ҳаммаси билан қўл қисиб омонлашди. Кимнидир қидиргандек ҳам бўлди. Кимдир бу йигинда йўқ эди...

Термиздан чиққач, икки томон пахтазор, тасмадек асфальт йўлда машиналар қалдирғочек сузид борарди. Биринчи машинада икки раҳбар ёнма-ён ўтиришарди. Шофёр ёнида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳақназар ота виқор билан борарди. Бобони атай гаплашиб кетамиз, деб таклиф этишган. Рашидов ҳар гал Сурхонга келганда бу ернинг машҳур кишилари билан бир пиёла чой устида ёки машинада сұхбатлашар, одамлар билан гаплашишни яхши кўрарди.

— Ҳаво тоза қизияпти, — деди Рашидов пешонасидаги терни артиб.— Термиз мисоли қизиган тандир!

— Айниқса шу кунларда!— деди Ҳақназар ота шиксятомуз, қайрилиб қараб.

— Буни қаранг, аксига!— деди Каримов, гўё бу иш раҳбарнинг кутиб олинишигъа халақит берәётгандай.

— Бизга мана шу керак! Яхши ҳам Сурхонимиз бор! Яхши ҳам Сурхон тандири бор. Вақтида ҳароратнинг кучайгани жуда яхши-да. Ипак пахта учун бу ҳарорат жон-ку!

— Тўғри, — деди Каримов, ўзини ўнглаб олиб.

— Тўғри айтдингиз,— деди тортиниб турган Ҳақназар отага жон кириб,— бизлар мана шунга ўрганиб кетганимиз. Ёзда саратон, иссиғини танимизга бир олмасак, қишида касал бўламиз. Ҳа, шундай. Лекин, худо хоҳласа (бу сўз беихтиёр оғзидан чиқиб кетди. У бирдан тўхтаб, кўзлари ола-кула, ғўлдирай бошлади), бу йил тоза пахта бўлади... Ҳа, пахта йили... Бу йил беш милён икки юз минг тонна берамиз...

Рашидов билан Каримов хахолаб кулиб юбориши. Ҳақназар ота Марказком секретари олдида «худо» сўзини айтиб юборганидан хижолат бўлди. Лаб-даҳанини енги билан артди. Кўкрагидаги Олтин Юлдугза ҳам қараб қўйди.

— Агар пахтамиз бу йил сиз айтгандай тоза яхши бўладиган бўлса, «худо хоҳласа» сўзини тортинмай айтаверинг. Ҳеч қачон сиз билан биздан эшон чиқмайди.

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа, — Каримов отага тикилди.

— Ўрганиш-да, ўртоқ Рашидов, бўлмаса мени қора босиб, бу сўзни сизларнинг ёнингизда айтиб юбораманми! Ўзим эски партизан бўлсам... Хом сут эмган инсонмиз... Тил ўлгур бесуяк...

— Қўрбошини Кофириниҳонда ушлаган мана шу отамиз бўлади,— деди Каримов кулиб,— аммо сал-пал қўрқоқроқлар. Мана шу гапни гапириб қўйдилар-ку, энди бугун туни билан ухламай чиқадилар...

— Биламиз отани. «Чағаниён» колхозини тузиб вояга етказиб, шу колхозлик Ҳанифа Бегимқулова деган қизга топширганлар...

— Ҳанифа Бегимқулова ёш қиз эмас. Лекин, дарҳақиқат, ота колхозни топширганларида қиз бола эди. Балойи азим қиз! Лекин, тўғри, ҳозир ҳам Сурхонда тенгсиз чиройли аёл шу десам, хато бўлмайди.

— Мен эмас, ўртоқ Каримов, туни билан сиз ухламай чиқасиз,— деди хўрозд бўлиб, кулиб Ҳақназар ота,— бу, Ҳанифа Бегимқулова кўпларга уйқу бермайди. Қхи-қхи-қхи-қхи...

— Ҳей, отахон,— Каримов вино ичгандай қип-қизариб кетди.

— Омон бўлсин, жуда яхши аёл. Қизимдан ҳам аъло кўраман. Олов, олов...— ота ўз хатосини тўғрилади.

— Митингни бир соатдан оширмаймиз, ўртоқ Каримов. Иссиқни кўряпсизми?

— Ҳўп, Шароф ака.

— Ҳақназар ота ҳам сўзга чиқсанлар.

— Сўз берамиз, лекин ўн минут. Отанинг бир соат вақтни олиб

ўтлаб кетадиган одатлари бор. Йигирманчи йиллар, Ибройимбек босмачи тўдаларига қарши жанг тафсилотини бу митингда айтмасинлар!

— Унда сўзга чиқмасам ҳам бўлар экан, ўртоқ Каримов, қўрқманг, айтмайман. Сиз ҳам қариганингизда кўрамиз, бизники «босмачига қарши кураш» бўлса, сизники «ингичка толали пахта». Қхи-қхи-қхи-қхи...

Отанинг кулиши Рашидовни ҳам бенхтиёр кулдириб юборди.

— Сўзимизни қофозга ёзиб келмасак, обкомдаги ўртоқлар бизни минбарга чиқаришмайди, ўртоқ Рашидов. Вақтида ўқимаганмиз... Ҳозир ҳам қофозга ёзилган сўзим ийк.

— Қофоздаги эмас, дилдаги гап керак, ота! Қофозлар муҳим, лекин юракдан айтилган гап жуда ҳам муҳим,— деди Шароғ Рашидов.

— Кўп яшанг!— бу гапни эшитган Ҳақназар отага жон кирди. У Каримовга «мана, кўрдингизми», дегандек кинояли қараб қўйди. Тошкентда баъзи раҳбарлар ҳамма нарсага қофоз-ҳужжат талаб қилишлари, бу қофозларга қараб аҳвол-ҳақиқатни билишга уринишларини Ҳақназар ота эшитган эди. Лекин Шароғ Рашидов киши дилидагини бекоғоз билади. Бу унинг партия ва давлат арбоби бўлиши билан бирга катта адиб экани сабаблими, ҳар қалай, у ҳужжатга эмас, киши юрагига кўз ташлайди. Юракдаги бор гапни кўради ҳам. Унинг Сурхондарёга, канал очилишига, ипак пахта масаласи билан келиши, фақат шу масалаларнинг ўзи эмаслигини доно кишилар сезиб туарди. Яна нимадир бор... деб ўйлашарди. Кейинчалик бу тўғри чиқарди. Рашидовнинг ҳеч нарса ёдидан чиқмаслигини, бир айтган сўзи албатта бўлишлигини ҳам билишарди. Бу, раҳбарга одамларнинг эътиқодини оширади. Бу, ҳар қандай ҳужжатлардан ҳам муҳим.

Канал бўйида, далада митинг бўлди. Атроф колхозчилардан келган мингларча одамлар, қурувчилар бу ерга тўпланган. Минбар, қизил аланонлар... одатдагидек, пахтакордан бир киши, қурувчилар номидан бир киши, комсомол-ёшлардан бир қиз, кекса авлод номидан Ҳақназар ота сўзга чиқди. Гулдурос қарсаклар остида минбарга Шароғ Рашидов чиқди. У, қўл ишораси билан давом этажтган қарсакларни тўхтатиб, ҳаммабоп жайдари тилда гап бошлади. Унинг сўзлари ширали, ўҳшатишлар кулги қўзғайдиган қочирим гаплар билан тўла. Бундай қизиқ мисоллар билан қилинган доклад бир соат бўлса ҳам кишини зериктирмайди. У жуда эркин, юрагида бор гапларни очиқ гапирарди. Ўзбекистон партия Марказий Комитети олиб бораётган ишлар, режалар, ҳатто яқин ойлар ичida қилинадиган ишлар ҳақида ҳам гапирарди.

Ҳамма нарсани сир тутадиган, шундай қилса одамлар унинг «раҳбар киши» эканлигини кўпроқ эътироф этиб, ҳайиқиб туришини истайдиганлар ҳам бор. Аслида улар нўноқ бўлиб, ичидан бир бемаъни гап чиқиб кетмаслиги учун бўзрайиб юришади.

Гап, канал — ипак пахтадан ташқари, одамлар ҳақида ҳам борарди. Яқинда ипак пахта истиқболи ҳақида Марказий Комитет ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилган қарор ҳақида ҳам борди. 1981 йилга бориб, ипак пахта бериш 540 минг тоннага етиши, шу жумладан Сурхондарё обlastи 250 минг тонна ипак пахта беражаги, бу ажойиб обlastь — ипак пахтанинг асл макони экани ҳақида ҳам Рашидов гапирди.

— Ипак пахта, дарҳақиқат, Ҳақназар ота айтганидай, бошимда офтоб, оёғимда Сурхон суви турсин, дермиш. Фақат Сурхондарё суви бўлсин дермиш,— деди Рашидов — (бирдан гурра кулги кўтарилиди).— Мен, ўртоқ Каримовдан обlastda аҳвол қалай, деб сўрасам, олтин, дёдилар. Шунга ишонса бўладими? (Яна жонланиш, кейин мингларча кишилар баланд овозда: «Шундоқ, ўртоқ Рашидов», дейишиди. Кейин бирдан чапак чалиб юборишиди).

«Сурхондарё областимизни Ҳақназар ота, Жуманазар ота, сариосиёлик Омонов, Хуррамова, Ҳанифа Бегимқурова, Бозор Раҳмонов, Ўскан Аҳмедов, Истомин, Шоймардон Қудратовларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар чинакам ипак пахта усталари. Мен ипак пахта экилаётган районларимиз раҳбарларидан Ҳотам Жўрақулов ва Чориев ўртоқлар номини ҳам ҳурмат билан тилга олардим. Бу ўртоқлар ишни жуда ҳам яхши ташкил этишган. Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, синалган партия ходими ўртоқ Жўрақуловнинг катта тажрибага эга экани, унинг принципиал раҳбар ходим экани, районда ишлар борган сари яхши бўлаётганини биз биламиз...»

Халқ бирдан қарсак чалиб юборди, лекин президиумда ўтирган бир киши ўзини ноқулай сезиб, ранги оқарди. Жўрақулов устида гап борлиги, баъзан шикоят хатлари, қоғозлар Тошкентга ҳам жўнатилганидан, у яқин ўртада ишдан олинишини кутаётганлар ҳам бор эди. Улар гўё Рашидов бу гапларни билмай, Жўрақулов ишига яхши баҳо бериб юборди, деб ўйлашди. Аслида Рашидов ҳамма гапдан хабардор бўлиб, атай унинг номини тилга олган эди. Жўрақулов юрак дарди билан стационарда ётарди. Туҳматга учраб, боши берк кўчага кириб қолган кишиларни йўлга солиб, йиқилган еридан турғазиб қўйиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундай одамлар умр бўйи ундан миннатдор бўлади. Ҳақназар ота Рашидовни яқин йигирма йилдан буён Ўзбекистон Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлиб хизмат қилаётгани сирларидан бири ҳам шу деб билди. Пахта ва бошқа иш бажариляпти. Буни одамлар қиляпти. Одамлар билан ишлашнинг энг муҳим томони — меҳрибонлик, одиллик деб билди. Дарҳақиқат, у ниҳоятда адолатли, ҳақгўй ва камтар инсондир.

Ҳақназар ота Рашидов нутқига жон қулоғини тутарди. «Пахтакорлик ишида бизга ҳалол, мард кишилар керак! Ўпкаси йўқлар ҳам йўқ эмас орамизда», деганида яна қарсаклар гуриллади. «Бойлик орттиришга муқкасидан кетган, ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган кимсаларга пахтазорда ўрин йўқ!» (Яна гулдурос қарсаклар янгради).

Митингдан сўнг Рашидов ҳаваскор санъаткорлар концертини охиригача мириқиб томоша қилди. Кейин хайрлашиб, Каримов яна бир неча раҳбар кишилар билан биргаликда колхозларга йўл олишиди. Ўраб олган одамлар уни ҳеч қўйиб юбормас, гаплашгилари, уни кўргилари келарди. Кишиларда ҳаяжон, у билан қўл бериб кўришиб, ниҳоятда мамнун бўлишарди.

Рашидовнинг Сурхондарёга келганини стационарда ётган Ҳотам Жўрақулов эртасига газетадан ўқиб билди. Шу куни унинг ёнига Ҳанифа Бегимқурова ҳовлиқиб кириб келиб, митингда бўлган ҳамма гапларни муфассал гапириб берди. Жўрақуловнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Қасалхонада юрагини чанглаб ётган одамни политбюро аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари яхши сўзлар билан эл олдида эъзозлаб эслashi — ҳазилакам гапми? У ётган еридан дик туриб кетди. Ҳанифа назарида, Жўрақуловнинг кўзида ёш пайдо бўлганга ўхшади. Буни кўзойнак орқасидан унча сезиб бўлмас эди.

Жўрақулов шу куни ёқ стационардан чиқиб, уйига келди. Врачлар ҳам ҳайрон. Эртасига эрта билан, одатдагидек, соат тўққизда райкомга, кабинетига кириб келди. Унинг юраги соғ, отнинг юрагидек гурсса-гурсса уради. На волидол ва на валокардин керак! У яна юз йил яшайдиган одамдай енг шимариб, иштиёқ билан ўз ишига киришиб кетди. Райкомда яна ҳаёт қайнай бошлади. Майда гап, ифвогарларга яна сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди...

XXXI боб

Жўмард баҳтлими?

Жўмард билан Марҳабонинг никоҳ тўйи жуда ҳам зўр — гумбур бўлиб ўтди, Моҳитобон хоним ҳамма «орзу-ҳавас»ларини қилди. Тўй янгича бўлиб янгича эмас, эскича бўлиб эскича бўлмади. Тўйдан кейин бир-бирига ўхшаш кунлар бошланди. Бойбўсиновларнинг икки қаватли уйи — атрофи баланд гиштин девор билан ўралган коттеджнинг уч хонадан иборат биринчи қавати келин-куёвга берилди. Дадаси, ойиси ва Чинниҳол юқори қаватга чиқишиди. Ошхона пастда ва «Менинг кабинетим» деб Моҳитобон хоним бунда кўп вақт ўралашар, унинг пазандалиги наинки хонадонда, қариндош-ўруғларга ҳам маълум эди. Сурхондарёликлар аксар гўшт қовуриш, шўрваю гўжага ўхшаган таомларга уста бўлар, лекин Моҳитобон хонимнинг эри Тошкентда ишлаган ва ўқиган йилларида йигирма йилча бунда тургани сабабли хамир овқатларни — уграю лағмону мантини яхши ўрганиб олган эди. Баъзиларнинг айтишича, Сурхонга қизил паловни фарғоналиклар олиб келган бўлса, хамир овқат тошкентликлардан борди. Лекин сурхонликларнинг арча кабобини ҳар қандай пазандалар ҳам тайёрлолмаса керак. Дунёнинг ҳеч бир ерида Дашибавотчалик анор бўлмаганидай, ерўчоқда арчага пиширилган қўзи фақат Сурхонда бўлади. Сурхон водийсида, айниқса, Шеробод томонларда татарлар ҳам кўп. Моҳитобон хоним улардан парамач, чакчак ва шунга ўхшаш ширин таомларни ўрганиб олган. Баъзида ҳазин гармон оҳангларини тинглаб, юраги эрир, раҳматли бувилари Галия бонунинг иссиқ бағрини, неварааларига меҳрибон бир муштипарни эсларди. Пазанда Моҳитобон хонимнинг яна қон босими ошиб, иккинчи бор Тошкентга, стационарга кетиши Бойбўсиновлар хонадонини ҳувиллатиб қўйди. Ошхонада унча-мунча онасига қарашиб юрадиган Чинниҳол ҳам онаси билан жўнади. Ўзини ёмон сезса ҳам Моҳитобон хоним эрининг юпқани яхши кўришини биларди. Икки-уч кунга етадиган юпқа пишириб кетди. Бойбўсинов ҳар куни эрта билан еб, кечгача шунинг қуввати билан юради. Жўмард тушликни мактабда қиласди. Лекин икки-уч маҳал иссиқ овқатга ўрганган Марҳабо бу ҳолга чидолмади. У бир-икки кун онаси-никига қатнаб, у ерда қорнини тўйғазди. Эрига ва қайнатасига ҳам бир тоғорачада ош олиб келди. Бу иш ҳам узоққа бормади, ошхонага кириб ўрганмаган Марҳабо бир куни эрта билан Жўмарднинг илтимоси билан бирлари чой, бирлари қўймоқ пишириб столга қўйиш, ундан кейин отани чақиришни маслаҳатлашиди. Жўмард «қийини» қўймоқни эплаштириди, лекин Марҳабо ошхонада иссиқ чойгумни ушлаб, қўли куйиб ташлаб юборди. Сервиздан ажратиб олиниб, Бойбўсинов учун тутиладиган чиройли катта чойнакнинг ҳам кеча тумшуғини учириб юборди. Марҳабо ошхонага кирса тарақ-туроқ кучайиб кетарди. Илгари ҳам бир пиёла қўлидан тушиб синганида Моҳитобон хоним «келган бало-қазо шунга урсин...», деб Марҳабони юпатиб қўя қолган эди. Унинг ҳеч қанақа овқат пиширишни билмаслигини сезган қайнатаси бир куни ўғли қулоғига шивирлади: «Келинимиз овқат пиширишни билмас экан, шунинг учун уни кўп қийнаш керак эмас. Керак нарсаларни синдириб бўлди, аянг келганида хафа бўлмасин десанг, унга кўп иш буюрма». Жўмард ота айтганини қилди, улар эру хотин шаҳардаги ошхонага қатнашарди. Лекин Марҳабо кимлардандир ошнинг «рецеп-

ти»ни ёзиб олиб, қоғозга қараб ош дамламоқчи бўлди. Мутлақо бўлмади, ўзи ҳам оғзига ололмади. Шавла бўлиб шавла эмас, бир бало бўлди. Ундан негадир қўланса бир ҳид келарди. Бойбўсинов оғзига олганини ҳам секин ўрнидан туриб, умивальникка ташлади. Хулласи калом, овқат тайёрлаш билан шуғулланмаган, умрида фақат «вай, ширин бўпти» деб еб ўрганган Марҳабонинг қўлидан бу иш келмади. Қайнатаси, эри хизматга кетгач, қўш қаватли каттакон уйда ёлғиз қолган Марҳабо соат ўн бир, ўн иккиларда эринчоғлик билан каравотидан туриб, соchlари тўзиган ҳолда ички комбинашка билан бўйи шифтга етадиган тошойна ёнига келар, керишар, ўзининг у ёқ-бу ёғини ойнага солар, шундан кейин елкасига пижамасини ташлаб юз ювишга киради. Кўп вақт совун кўпиртиришга эриниб, жўмракдан шариллаб тушган совуқ сувга бармоқларини номига теккизиб, юзидаги упалар, қошдаги бўёклар оқиб тушмаслиги, сунъий киприкларига птур етмаслиги учун деярли «таянум» қилиб қўя қоларди. Шундан кейин Жўмард столга тайёрлаб кетган таом устидаги оқ сочиқни олиб ташлаб, устига қалин қалпок ёпилган чойнакдан биллур стаканга чой қўяр, бирвара-кайига уч-тўрт чақмоқ қанд ташлар, оппоқ нон устига сариф ёғ сурисиб еб оларди. Бугун эса кечагидан қолган овқат совиб қолгани сабабли афтини буришириб, қошиқ урмади. Асал солинган идиш қопқоғини очаман, деб қўлидан тушириб юборди. Стол атрофида турган пашшалар ҳам гўё шуни кузатиб, ҳайрон бўлишиб тургандай, бирдан учишди. У бу жониворларга озор бериб ҳайдамасди ҳам. Марҳабо наридан-бери чойни ичиб, ўрнидан туриши билан беш-ўнта пашша ўзини ширинликка урди. Ҳамма таомнинг усти очиқ қолгандан кейин нега улар ўзини урмасин! Уларда ҳам нафс бор, ёпишадилар-да! Овқат егандан сўнг устини ёпиб кетиш, ювуқсизларни ювиш нариги ҳовлида Зебохон опанинг иши эди. Шу сабабли Марҳабо бунга одатланмаган. Кечгача стол устида нонлар сочилиб ётарди. У баъзи кунлари тамоман уйдан ҳовлига чиқмас эди, юз-қўлини ҳам одеколонда ювига қўя қоларди. Коридор бошидаги ваннахонага бориб ўтирамай, баъзан хонага олиб кириб қўйгани тувакдан фойдаланар, эрта билан деразаларни очиб, уй ҳавосини янгилаш ҳам одат эмас эди. Марҳабо яна тошойна ёнига келиб пардозни бошлади. Кўнглига ёққан кийимларини гардеробдан олиб, кийиб кўрди, турли ипак кийимларни диван устига уйиб ташлади. «Винзавод» директорининг «ёлғиз» қизи, облисполком раис мувовинининг «ёлғиз» келини, баҳту маржонга кўмилган Марҳабо эрталабки нонуштадан сўнг тошойна билан гардероб оралиғида бўзчининг мокисидай бориб келарди. Шундан сўнг у белларини сиқиб турадиган импорт пальтони кийиб ташқарига чиқди-да, зинапояда бир лаҳза ўйланиб қолди: онаси ёнига борсамикан ёки майший хизмат кўрсатиш уйига — тирноқларини бўятиш учун Лаълихонга учрашсамикан? Бу гал онаси ёнига жўнади. Жўмард каравоти, шундоқ бетартиб, чойшаблари очилганча қолди. Ша кун, тўй арафасида ҳовлида баъзан ялтиллаб кўриниб қоладиган Марҳабога иттифоқо бир ёш бола каттакон гулчамбар олиб келиб, тақдим этди. Бу йигитчани Марҳабо танимади. У ҳовлида ўтири; чой ичди. Бу ерда хизмат қилаётгандарга ёқмаса ҳам, анча ўтири. Бу гулни акаси бериб, табриклаетганини, акаси кимлигини айтмади. Акасининг кимлигини Марҳабо билган эди-ю, аммо қариндошлари олдида буни тан олмади. Ўзини билмасликка соглан эди. Негадир бу иш ялт этиб хаёлидан ўтди. Йўл-йўлакай магазинга кирди, таниш кишилар билан саломлашди. Кимгадир уйи телефони номерини бериб, бир лаҳза у билан кулишиб гаплашиб турди. Бирон импорт нарса келиб қолса хабар қилишини илтимос қилди. Магазиндан чиқишида мактабда бирга ўқиган йигит билан ҳам учрашиб, чақчақлашди. Агар бу ҳолатни Жўмард кўрса, тоза фифони чиқарди. Лекин Марҳабо эрининг ўта рашкчи

эканини ҳали яхши сезмасди. Фақат: «О, жаноб! Сиз мактабда уралашиб қолавермай, кандидат бўлишни ҳам эсдан чиқарманг! Ҳамма нарсада адамлар сизга ёрдам берадилар. Тошкентга борайлик, қанча пул керак бўлса олиб келаман... деган эди бир куни...

— Эсингизни едингизми! — деган ўшанда Жўмард,— мен ўзим тарихни яхши кўрсам, диссертацияни ҳам ёзиб қўйган бўлсам. Нега пул билан иш қилишимиз керак? Бизнинг уйда бунаقا гаплар ҳеч қачон бўлган эмас!

— Жаҳлингиз бурнингиз учида туради-я, Жўмард ака, лекин бари бир пулсиз иш қилиб бўлмайди. Адамлар муллажиринг нималарга қодир, деб юрадилар.

— Э, қўйинг!

— Мен ишга кираман! Уйда зерикдим!

— Жуда яхши. Онам келсин, озгина сабр қилинг. Қаерга кирмоқчисиз?

— Мени обкомга секретарь қилмайдилар, тўғрими?

— Тўғри! Шу фикрингиз билан обкомнинг эшигига ҳам яқинлаштириб бўлмайди!

— Ха-ха-ха-ха-а! Жўмард ака, ҳозир ҳамма ёшлар мендақ! Фақат битта сиз бошқачароқ чиққансиз. Сиз эски-тускилар, вайроналар билан қизиқяпсиз. Ҳозир йигирманчи аср... кибернетика... Вайроналарни қўйинг!

— «Йигирманчи» эмас, ҳижрий бўйинча ўн олтинчи аср. Бунинг аҳамияти йўқ. Будда бўйинча юзинчи аср. Гап асрда эмас.

— Нимада бўлмаса? Мен сизнинг ўз шахсий ишончингизга қарши бўлолмайман. Бу инсоний ҳуқуқ. Лекин ўтмиш асрларга эмас, келгуси асрларга қараш керак!

— Бу тўғри гап. Келажакка қарашимиз керак. Лекин ўтмиши билмаганлар келажакка ҳам қаролмайди. Ўтмиши йўқларнинг келажиги ҳам йўқ.

— Но-о, Жўмард ака! Бу жуда кескин гап. Буни сиз менга айт япсизми?

— Сизга ҳам, ҳаммага ҳам!

— Ҳа, майли. Қани иш ҳақида гаплашайлик. Онамлар кедганларидан кейин сиз мени қаерга ишга киритмоқчисиз? Ишнинг катта-кичиги бўлмайди, деган эдингиз тўғрими?

— Тўғри.

— Қаерга кираман?

— Қаерга кирмоқчисиз? Сизнинг хоҳишингиз муҳим.

— Сен, денг!

— Ҳа, сен.

— Мен қаерга киардим?

— Ҳамма ерга.

— Қаерга киришни билмайман. Озодароқ жой бўлиши керак. Менинг икки дугонам универмагда ишлайди. Шу ерга кирсам нима дейсиз?

— Мен сени механизаторлар тайёрлайдиган олти ойлик курсга кириб ўқийман, ундан сўнг машина ҳайдайман, деб айтасанми, деб ўйлаб турувдим.

— Жинни бўлдингизми?

— «Йигирманчи аср», «кибернетика...» ҳақида гап айтган одам ўзини универмагга урадими?

— Дугоналарим бор, деяпман у ерда! Уйда ўтиравериб юрагим сиқилиб кетди.

Бўлиб ўтган бу гап-сўз ҳозир Марҳабо ёдидан ўтди. Универмагда-

ги дугоналари, ундан кейин Анвар деган мўйлаб қўйган шўх бир йигит. ҳам Марҳабонинг кўз олдига келди. Бу йигит анчадан бўён оҳ уриб юрарди. Универмагга кириб қолган Марҳабони бир лаҳза чеккага чақириб: «Ҳокимлар бир-бири билан қуда бўлиб кетавераркан, камбағал минг яхши кўрса ҳам эзилиб қолавераркан-да! Кичкина одамларнинг муҳаббати ҳамма вақт поймол бўлавераркан-да!» деб, ўзини «Меҳробдан чаён» романидаги Анварга ўхшатарди.

— Жинни бўлманг, менга бунаقا гапларни гапирманг, мен сиз таклиф қилган жойга бормайман! — деган Марҳабо жаҳли чиқиб, — биз сиз билан мактабдош ўртоқ бўлиб қоламиз.

— Майли. Куйиб, сени ўйлаб юришдан бошқа иложим йўқ.

Марҳабо шу ердаги дугоналаридан ҳамда қисман Анвардан Жўмард илгари Онахон деган қизга уйланмоқчи бўлганини, у билан анча юрганини, у қиз Қумқўргон райкомида ишлашини, у билан бирга келиб универмагдан пальто ва бошқа нарсалар сотиб олишганини ҳам эшигтан. Бу гапларни Марҳабо дилида тутарди. Эрининг қизғанчиқ, рашклилигини оз-моз сезарди. Агар Онахон ҳақидаги гап оғзидан чиқса, Жўмард буни у кимдан эшигтанини суриштирумай қўймасди, шунда кетидан осилиб юрган Анварни ҳам билиб, жанжал чиқаришидан қўрқиб, Марҳабо Онахон ҳақида оғиз очмади. Дарҳақиҷат, бунинг нима кераги бор! Оламан, деб айниб кетибди, демак, Онахон ёмон. Ётган илоннинг бошини қўзғаш нега керак! Лекин барі бир имконияти бўлганда ўша Онахонни бир кўришни кўнглидан ўтказиб қўйди.

Шу куни Марҳабо онаси ёнига борди. Бунда бирон соат ўтириб, овқатланиб, яна пальтосини кийиб кўчага чиқиб кетди. У ўзидан-ўзи боши оғиб, яна универмагга кириб қолганини билмай қолди. Қадрдон дугоналари, пештахта орқасидаги турган эпчил йигитлар уни очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Бунда яна бирон соат гаплашиб, чақчақлашиб, кейин уйига қайтиб келди. Чўнтағидаги калитни олиб, катта эшик томондан ичкарига кирди. Шаҳар айланиб, анча бити тўқилган Марҳабо ҳали-замон эри келиб қолиши, у айтмаган бўлса ҳам, бир нарса пишириб, «сюрприз» қилишни кўнглидан ўтказди. Негадир унинг кайфи чоғ эди. Дугоналари ва улар ёнида турган Анвар жуда ҳам яхши илтифот ва хушомад қилгани қалбига ором берди. У уйга келиб, овқат тайёрлаб эрини хурсанд қилмоқчи бўлди. Ечиниб, наридан-бери пиёз тўғраб, сабзи арчди. Холодильникдан гўшт олди. Плитани ёқиб, қозонга икки капир ёғ ташлади. Ёғни обдан қизитиб, ундан кейин пиёз, гўшт ташлашни бир неча дақиқадан кейин сабзи босишини ҳам ёзиб олган эди. Илгари қилган бир овқатида ёғни сал исигач, гўшт ташлаб, ўлгудек бемаза қилгани эсига тушиб онасининг ўргатганича ёғни яхши доғ қилиш учун плита оловини баландроқ кўтариб, бир муддат қўйиб берди. Шу лаҳза телефон жиринглаб, коридорга чиқди. Бу Анвар экан... Улар анча вақтгача ҳар тўғрида гаплашиб қолишли. Боя, одамлар олдида айтмагани, аслида импорт кийимлар, яхши туфлилар борлигини айтди Анвар. Марҳабо оғзининг таноби қочди. Анварга илтимоснамо, ялинганинамо гапира бошлади. Бир муддатдан сўнг, ошхона томондан қора тутун бурқиб, ёғ ҳиди анқиди. У дарҳол телефон трубкасини қўйиб, ошхонага чопди. Қозондаги ёғ лоппа-лоппа ёниб, деворда турган қийма-тахтаю дарпарда ҳам қўшилиб ёнаётган эди. Ошхона тутун ва олов. Марҳабо дод солганча кўчага чиқди. Унинг ранги оқариб кетган, оёқяланг, ички кийимда эди. Кўкраклари очилиб, комбинашкада юрган жувонни кўрган ўткинчи кишилар юргурганча уйга бостириб киришли. Қўши nilar ҳам бу бақириқи эшитиб, чиқа солиб ўт ўчириш командасига телефон қоқишиди. Кимдир шолчою намат кўтариб, олов устига ёпди. Кимдир ҳушёрлик қилиб газни ўчириди. Идиш-товоқлар ерга тушиб синди. Бошқа хоналарга ўтишининг

олдини олиб кўпчилик жонбозлик кўрсатиб, бир оз тинчтишган бир пайтда сигналларини дамо-дам бақиртириб ўт ўчириш командаси ҳам етиб келди. Ошхона ва бошқа уйлар кўздан кечирилиб, фалокатнинг олди олинди. Ўт ўчириш командаси қайтиб кетиш олдидан акт тузаштаган бир пайтда Жўмард кириб келиб қолди. Унинг капалаги учеб кетди. Лекин фалокатнинг олди олинганини кўриб, ўзини босди. Қўшиносиникидан отасига телефон қоқди. Симлар ҳам узилиб кетган эди.

— Жўмард ака, жон ака, мен сизга ош дамлаб қўяман, деган эдим. Сизни хурсанд қиласман, деган эдим. Буни қаранг, фалокат... Бўлмаса мен шундоқ шу ерда турган эдим... Еғни обдан қиздирмоқчи бўлдим...

— Ишқилиб ўзингизга зарар қилмабди-ю, Марҳабохон. Эҳтиёт бўлиш керак.

— Уришиб берасизми, деб қўрқкан эдим,— деди Марҳабо эрини қучиб.

— Нега уришаман! Бу, фалокат. Эҳтиёт бўлиш керак. Энди онамлар келгунча ошхонага кирмай қўя қол. Консерва еб туармиз.

Марҳабо бу фикрга қўшилгандай мамнун бир тарзда эрига боқди. Шу-шу унга овқат қилдирмадилар.

Лекин орадан бирон ҳафталар ўтгач, иттифоқо, телефон жиринглади юргурганча бориб уни кўтарган Марҳабо суҳбатдоши билан узоқ ва шартли белгилар билан гаплашгани ичкари хонада ўз иши билан машғул ўтирган Жўмард диққатини жалб этди. У ҳар қанча зеҳн солса ҳам, суҳбат мазмунига тушунмади. Гап кийим-кечак, об-ҳаво ҳақида кетди. «Бу эзма кимса Марҳабонинг дугоналаридан», деб ўйлади Жўмард. Аслида Анвар эди...

Йигирма тўрт кун деганда Моҳитобон хоним стационардан чиқиб, ўз уйига келди. Уни Бойбўсиновнинг ўзи бориб олиб келган эди. Қизи билан бирга уйга кирган ая хоналарни айланиб чиқиб, бир хўрсиниб қўйди. У келини, ўғли дилини оғриттиси келмади-ю, лекин секин вайсандек бўлди:

— Ўлларинг, исқиrtlар! Ҳаммаёқнинг кирини бошига чиқарибсанлару! Даданг боеқиши қандай чидади экан! Сенлар қўлингга куҳлаб ҳидлайсанлар! Пащаларнинг семириб кетганига қаранглар! Қозонтовоқларнинг қотиб ётганию коридорлардаги пайтава-пайпоқларга қаранглар! Вой, ман касал бўлмай ўлай! Йигирма беш кун кетганимга шунча исқиrtlиг-а!

— Шукр қил, онаси!— деди Бойбўсинов,— оз бўлмаса шу исқиrt уйингга ўт кетиб, ёниб кул бўлишига оз қолди.

— А?

— Шунаقا.

— Вой, мен касал бўлмай ўлай! Худо бир асрари денг!

— Мен сенинг ошхонангу гардеробингнинг куйгани эмас, шифту деразаларингнинг куйгани эмас, стол тортмасида муҳим ҳужжатларим бор эди... Шундан қўрқдим.

Моҳитобон хонимнинг оғзи очилиб, донг қотиб қолди.

— Тавба! У кўзинг бу кўзингни ўяман дейди-я!

Гап шу ерга етганда Бойбўсинов Моҳитобонни тўхтатиб, асабни бузмасликни маслаҳат берди. Қейин уйга олиб кириб кетди.

Кунлардан бир кун пойтахтдан Мукаррама Турғунбоеванинг «Баҳор»и Сурхондарёга келди. Катта концерт бўлди. Бу концертга Жўмард ҳам хотини билан тушди. Марҳабо эрининг шунча қаршилигига қарамай, қиммат баҳога сотиб олишгани тор америкачча «жинси» шимини кийиб тушди. У атай ўзининг белу орқасини таманно қилиб театр фойесида эри билан қўлтиқлашиб юрди. Бу концертга Термизнинг

машҳур кишилари, атрофдаги яқин районлардан, райком, райижроком ва бошқа раҳбарий ташкилотлар ходимлари ҳам келиши ҳаммага маълум эди. Билет топиш қийин бўлган концертга ҳамма тушарди. Бу концертга Марҳабо Онахоннинг келишини ҳам кутган — универмаг қизлари албатта бир йўлини қилиб Марҳабога Онахонни кўрсатишмоқчи бўлди. «Қоп-қора, лўлиға ўҳшайди...» дейишган. Аммо бунга қарамай, унинг жуда ҳам Онахонни кўргиси келди. У Жўмардда қаттиқ из қолдирган, бир куни тушида «Онахон, Онахон...» деб алаҳлаб, уйғониб кетган Жўмард каравотда, ёнида ёстиққа тирсагини қўйиб, ўзини кузатиб турган Марҳабодан қўрқиб кетган эди. Жўмардинг баъзида узоқ хаёл суриши ҳам уни ўйлатиб қўярди. Ўша куни алаҳсираб уйғониб кетган Жўмард юз хил ёлғон баҳоналар билан Марҳабони тинчитган бўлса ҳам, бари бир бу босинқираш Марҳабонинг эсидан чиқмасди.

Дарҳақиқат, театрга Онахон тушди. У Райкомхон опа Итолмасова ва яна бир неча дугоналари билан ёнма-ён ўтиради. Ложада Жўрақулов, Гулжаҳон опа ва бошқа раҳбар кишилар ҳам бор эди. Концерт бошланишига яқин қолганда музқаймоқ олиб келаман, деб Марҳабо ҳимоғдорлик билан ложа атрофида у ёқдан-бу ёқقا юра бошлади. Одамлар ичидаги ўтирган Онахонга тикилди. Дугоналаридан бири: «Иккинчи ҳаторда, ўнгдан тўртинчи...» деб кўрсатишиди. Онахон театрга Жўмард тушганини ҳам сезди. Унинг ҳам юраги жиз этиб кетди. Лекин бир ўлиб тирилган, гўё бор-йўғидан ажралиб, қуруқ жисми ўтирган Онахон узоқдан Жўмардга кўз ташлаб қўйди. «Жинси» шим кийган, чиройли бир қиз қўлидаги музқаймоғининг бирини Жўмардга узатди, у бу ишларни ҳаммага кўрсатиб қиласди. Бу Марҳабо эканини Онахон билди, юраги шифиллаб кетди. Ҳа, демак, шу экан. Лекин ложада ўтирган Ҳотам Жўрақулович бу чиройли қиз Бойбўсиновнинг келини эканини билмай, ёнида ўтирган Гулжаҳонга қаради:

— Кимнинг қизи экан? Бунақалар биз томонда ҳам пайдо бўлибди-да! Ёш бўла туриб, орқасини тўппайтириб кўрсатиш унча яхши тарбиядан дарақ бермайди. Гўзаллигим ҳам, ақлим ҳам, бари шу «жинси» шим ичидаги деб юриди. Офарин!

— Фифон бўлманг, сизга нима!

— Сирасини айтаман-да! Шу қиз комсомол аъзоси ҳам бўлиб чиқади. Ҳа, албатта, аъзо бўлиб чиқади.

Концерт сурхонликларга ёқди, карнай-сурнай қилинмай ташкил этилган бўлса ҳам, одам тиқилиб кетди. Бу гал дам ҳиндча, дам кавказча яхши куйларни бўтқа қилиб обрў оламан, деганлар эмас, ўзбекнинг бекиёс нафис рақсини ижро этадиган «Баҳор» қизлари билан дуторчилар, мақомчилар келган эди. Бу, Марҳабога унча ёқмади. У бўғилиб кетган бўлса ҳам эрининг ҳурмати учун дам сақлаб ўтириди. Бундан кўра уйига бориб магнитофон қўйгани маъқул эди.

Эртасига, душанба куни Жўмардинг дарси бўлмаганлиги сабабли уйда қолди. Шу куни Марҳабо ҳам онамларни кўриб келаман, ундан бичиқчиникига ҳам ўтаман, деб ясаниб кўчага чиқиб кетди. Жўмард нонуштадан кейин китоб ўқишига тутинди, лекин негадир эти увишиб, яна кўрпа орасига кирди. Оз-моз шамоллаганга ўҳшарди. Эндигина бошини ёстиққа қўйиши билан телефон жиринглаб қолди. У ўрнидан туриб бориб, трубкани кўтарди:

— Ал-ло, эшитаман,— у томондан садо бўлмай, кимдир жим турарди,— эшитаман! Ким керак?— яна овоз бўлмагач, Жўмард телефон трубкасини қўйиб, жойига келиб ётди. Ҳайрон бўлди. Кейинги ойларда кимдир уларнинг уйларига телефон қоқарди-да, Жўмард кўтариши билан жим турарди. Шундай бўлавергач, у трубкани олмай, Чиннихол уйда бўлса унга буюрар эди. Телефон қоқкан кимса уларга ҳам сукут

сақларди. Илгари бундай ҳол бўлганини сира эслолмайди. Бу иш ҳам Жўмардни жуда ўйлатиб қўйди. Лекин бу ишда бирон ёмон гап борлигини мутлақо хаёлига келтирмади. Эҳтимол биронта дугонаси гаплашмоқчидир, Марҳабонинг овозини эшитмагач, уялиб жим тургандир... Марҳабо кўп вақт дугоналари билан узоқ гаплашарди. Ҳатто телефон аппарати симини узайтириб, каравотигача етадиган қилиб олган эди. У кўп вақт ўрнида ётиб гаплашарди. Булар Жўмардга ёқмаса ҳам, у кўника бошлади. Сириб кийиладиган «жинси» шим ҳақида ўша куни театрда шивир-шивир гап бўлганини ҳам дилидан ўтказди, лекин тишини-тишига қўйиб, чидади. Чидамай иложи ҳам йўқ: биринки марта раъини қайтариб, жеркиган эди, Марҳабо ўрнига ётиб ийфади. Икки кун Жўмард билан гаплашмади. Қейин отасиникига кетиб колди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Моҳитобон хоним: «Бу нимаси, мен сизни ҳам келиним, ҳам қизим деганман. Кечиринг, эр деган баъзан шунаقا сиёsat ҳам қилади. Нима, сизни урибдими, сўкибдими! Фақат камроқ тентира, қаёқларда юрасан, дебди. Бу, арзимаган гап! Эр бўлгандан кейин тергайди-да!» деди бориб. Шундан сўнг уни машинага солиб, уйга қайтариб олиб келишди. «Хоҳлаган еримга бораман. Бораман! Ўйда ўтирсан юрагим сиқилади!»— деб кунлардан бир куни Марҳабо бақириб, кўкракларини йиртиб «ультиматум» қўйди. Жўмард тилини тишлаб, индамади. Моҳитобон ая ўзини тутолмай: юрса юрар, майли, уришма, қўйвер! Халакунинг итидай тилини осилтириб юриб-юриб келади, деди. Бу гап ҳам Жўмардга ёқмади. Марҳабонинг кайфи чоғлигида қилиқлари ширин... эканлигини дилидан ўтказарди-ю, аммо «халакунинг итидай санғиб юриши»ни ёқтирмасди. Қаерларга боришини ҳам билмасди. Мана бу қилиқ Жўмардни васвасага сола бошлади. Кейинги ҳафтада Марҳабо Жўмардни қўярда-қўймай бир синфдошининг тўйига олиб борди. Бу тўйда Марҳабога ҳам, Жўмардга ҳам илтифот кўрсатиб, хизмат қилиб юргани, Марҳабонинг у билан жуда яқин кишилардек гаплашиши, табассуми... Жўмардга ёқмади. Унинг юраги сиқилиб, тезда хотинини олиб, тўйдан чиқиб кетди. Жўмард кўп ўйлайдиган бўлиб қолди — нима бўлаётганини ўзи ҳам билмасди. Баъзан ёлғиз қолиб, хаёл сурганида негадир кўз олдига Онахон келарди. Машинада шоғёр билан ёлғиз кетаётганини сабаб бўлиб, оралари бузилди. Бунда ҳеч қандай шубҳа қиласидиган гап йўқ эди. У кейинчалик тушуна бошлади. Бу бир арзимаган нарса, дафъатан қараганда англашилмовчилик орқасида пайдо бўлган рашк экан. Марҳабонинг қилиқлари олдиди бу бир ҳалво. Мана шубҳаю рашкларнинг кони! Эрталаб чиқиб, белгисиз томонларга кетиши, кечга яқин ишга борган одамдай чарчаб келиш, ҳар хил баҳона... Мана, рашк қиласман, деган одамга етарли асослар. Жўмарднинг боши қотиб юрган кезларида, улфатлар ичидаги бир суҳбатда баъзи суюқоқ хотинлар ҳақида гап кетди. Ошналаридан бири бошини сарак-сарак қилиб, баъзиларни моддий жиҳатдан ва кийим-кечак билан таъмин қилиб қўйишнинг аҳамияти йўқ, қадамини чакки босишга бир ўрганган жувон эрининг ҳар қанча яхшилиги, кучлилиги, олижаноблигига ҳам қарамайди, эри кўзига чўп ташлайди. Чакки юради, бу бир таръяқ мисол ўрганиб олгандан кейин ташломайди, деди. Бундан ваҳимали гапларни эшитган Жўмард кейинги кунларда жуда хомуш юрарди.

Душанба куни ёлғиз ўтирган Жўмарднинг кўзи иттифоқо жавони ичидаги жияигига олтин ҳарфлар билан муаллифи номи ёзилган китобга тушди. Бу китобни Жўмард туғилган кунига Онахон совға қилган эди. Бу китобга шу маҳалгача Марҳабонинг кўзи тушмаган, агар унинг ичидаги ёзувни ўқиганида, тоза жанжал кўтариши аниқлигини ўйлади. Китобдаги бир шеър Онахонга жуда ёқарди. Шеърни Жўмард ҳам бир

неча бор ўқиган, ҳаяжонланган эди. Ҳозир у китоб саҳифаларини очиб, Марҳабо йўқлигида яна ўша шеърни ўқиди. Унинг рўпарасида Онахон пайдо бўлди.

**Магур ўсган саҳро қушидек
Қалб бўйсунмас эди, ёввойи...
Гўдакларнинг ширин тушидек
Кулар эдим, йўқди парвойим.**

**Баҳор эди... боқдинг кўзимга,
Кўлларинг-ла тутдинг кўзимни.**

**Ишонмадим ўзим-ўзимга,
Туташ қошлар тўсди йўлимни.
Севиб қолдим сени жон каби,
Ўзинг қалбим, ўзинг сўлмас гул.
Мен севгимдан қайтсан, бу юрак
Бир қоракўл қўзичоқ каби
Кўз очмасдан кетгани маъқул!**

XXXII . боб

Бешик ва қабр

Бугун, эскича «катта ҳайит» куни, тонг қоронғисида баркашдаги юпқани бошига кўтариб олган буқчайган бир кампир катта йўлда қабристон томонга йиғлаб, фарёд чекиб кетиб бораарди. Бечоранинг фарзанди ўлган, чидай олмай оҳ ураётгани шундоқ сезилиб турарди. У катта йўлни кесиб ўтиб, чироқлар шуъласидан нари, илон изи йўлга тушиб, кенг дала ўртасидан олисдаги қабристонга бораарди. Бундай кунларда кўплар ўз жигарларини, оға-иниларини эслаб, турли таомлар пишириб, қабристонга келиши мозийдан таомил. Гўрковларга, бундаги ғарибларга хўрәк улашиб, жигари қабри тепасида бир муддат йиғлаб-сиқтаб, кўнглини бўшатиб, қайтиб кетишар эди. Кампир ҳам баркашдаги юпқасини кўтариб, ҳаллослаб, йўл-йўлакай, «Вой, болем, во-ой-й, жоним болеем. сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасми-е! Сени ўлдирғанларнинг ўзи ўл-се-е-ен!»— деб фарёд чекарди.

Она қабристонга етиб келиб, гўрковларнинг кичик ҳужраси ёнида бир лаҳза тўхтаб, қўлидаги тутуняни берди. Эскигина шолча ташлаб қўйилган супа четига ўтириб, тиловат қилди. Юзига фотиҳа тортиб, мозористон четидаги сўқмоқ йўл бўйлаб, ичкарига кириб кетди. Катта гиштин сағаналар, пасту баланд қабрлар, мартартош қўйилиб, атрофи панжара билан иҳота қилинган қабрлар ёнидан ўтиб, энг чеккадаги пастқамликда, қайрагоч дарахти тагидаги кўримсизгина янги қабр тепасига келиб, тонг қоронғисида бу қабрни қушиб, зор-зор йиғлади. Кетма-кет келиб, бир оз нарида кузатиб турган кекса гўрков бу кампир яқинда фожиали ўлган Тойлоқовнинг онаси эканини пайқади. У фарзанди қабрини қучоқлаб, оҳ уриб, йиғлаб ўтирган она ёнига келиб, унга тасалли берди. Яна дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортди. Шундан сўнг, кекса гўрков ўрнидан туриб, ўз ҳужраси томон юрди. Она бўлса бунда қолиб, қабр тепасида тупроққа беланиб йиғлаб ўтиради. Бу қабр тепасига бундан буён ҳеч ким келмайди, онадан бўлак унга ачинадиган кимса йўқлигини ҳеч ким билмасди. Марҳумнинг тириклигига қилган қилмишларини унинг асло билгиси ҳам келмас, бу менинг фарзандим, бу менинг ўғлим, деб она зор-зор йиғларди. Бу қабр ичидаги болалигида тўпписига укпар тақиб юрадиган, йигитлигига ўқиб мулла бўлган, кейинчалик «катта ишларда» ишлаб, костюм кийиб, галстук тақиб, машинада юрадиган фарзанди ётарди. Гўрков Тойлоқов воқеасини эшитган, ҳамма гапдан воқиф эди. Бечора онага ачиниб, кетаётган ерида узоқдан яна бир қайрилиб қараб қўйди. Бешикдан то қабргача шу онага ташвиш ортириб келган ўғил тепасида онаизор яна оҳ уриб йиғлаб ўтирганига ачинди.

□

Фожиа мана бундоқ юз берган эди: Тойлоқов қилмишлари устидан маъмурӣ ташкилот иш қўзғаб, текшираётганидан хабари йўқ, босди-босди бўлиб кетди, деб юарди. Ўша кунлари у қочмоқчи ҳам бўлган эди. Илгари қилиб юрганидек, бу ишни ҳам тинчтиб юбораман, дерди. Лекин ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, у шу кунлари ҳам ўзининг фаҳш ишларини қўймади. У кейинги кунларда бир жувонга элакишиб юарди. Баъзи кунлари кампира ёнига ярим тунда келарди. Болалар унинг ҳолидан хабар олмасди. Билаклари, кўкси тишланиб, кўкарганини кўриб қолган кейинги хотини ҳам эрининг бузуқлигидан кийиб, жанжал кўтарган бўлса ҳам фойда бўлмагач, ташлаб кетган, бу тўнғизни тарбиялаш мумкин эмаслигини билган эди. Тойлоқов янги бир жувонни топиб, серқичиқ бу жувонга муккасидан кетган. Болаларини ҳам тамом унугланган эди. Уларни бориб кўрмас, қайрилиб қарамас, нафақа ҳам ташламасди. Болалари турган ҳовлининг налогини ҳам тўламасди.

Маълум бўлишича, Тойлоқов хотини билан дон олишиб юрганини сезган эри — заготзерно ходими уларни жиноят устида ушлаб олиш учун икки бузуқнинг пайига тушган. Кунлардан бир куни тоғ оралиғига — Вахшивор томонларга кетдим, индинга келаман, деб уйдан чиқиб кетган йигит «машинада кетиб», ярим соатлардан кейин қайтиб келиб, универмаг ёнидаги кўчага кириб, ошнасиникида ўтирган. Орадан бир неча соат ўтгач, овлоқ кўчада Тойлоқов пайдо бўлиб, шундоқ кўча юзидаги бир эшикни калит билан очган. Эшиги кўчага қараган бу кичкина хонада илгари бир тикувчи-машиначи турарди. У кўчиб кетгандан кейин бир муддат сартарошхона бўлди. Ҳозир негадир бўш ётарди. Тойлоқов ичкарига кириб кетгач, рўпарадаги уйда дераза пардасини сал қия қилиб, мўралаб турган йигит орадан яна бирон соатлар ўтар-ўтмас рўмол билан юзини обдан ўраган ўз хотини кўча четидан жадал, шатиллаганича келиб, ўша хона эшигини тақиллатмай кириб кетганини кўрган. Хотинининг жадал келишидан у бу хонада узоқ турмаслигини сезган йигит беш минутлардан сўнг титраб, юргурганча бориб ўша хонанинг юпқа тахтадан ясалган, унча бақувват бўлмаган эшигини зарб билан тепиб илгагини бузиб ичкарига кирган. Ярим яланғоч хотини билан Тойлоқов ёғочкаравотда бақадай бир-бирига ёпишиб ётганини кўриб, жойларингдан силжима, ифлослар, дегану этиги қўнжидан пичноқ суғуриб олиб, икковининг қоқ юрагига санчган. Шундан кейин у титраб, оқариб тўппа-тўғри милиция идорасига келиб, бўлган воқеани фудурлаб айтиб берган...

Она бечора аза очди. Жанозага уч-тўрт одам келди, холос. Лекин ажралган хотини бу воқеани эшишиб, атай келиб, ҳақиқатни яширманглар, мен милиция идорасида бўлдим, ҳамма гапни эшийтдим. Нариги кўчада турадиган бир жувон билан қўлга тушиб, эри пичноқ уриб ўлдирибди. Тўғри қилган! Судда ҳам ўша йигитни ҳимоя қиласман, дебди. Жанозага келган бир неча одамлар бирин-сирин кетиб қолишибди. Хотинининг гапини участка милицияси ҳам тасдиқлаган. Ҳақиқатни бузмай, тўғри айтиш керак! Унинг фаҳш ишлари ўз бошига етди. Унинг бошқа жиноятлари ҳам бор эди, дебди. Бир неча қариндош-уруғлари иштирокида жаноза ўтган. Маъмурӣ ташкилот унинг жасадини катта қабристонга эмас, чеккароққа кўмилсан, дебди. Агар уруғлари уни туғилган томонига олиб кетамиз, деса, Сурхондарёдан олиб чиқиб кетиша қолсин, дейишибди.

Бу фожиани эшитган Ҳақназар ота билан Ёрлақаб оталар кўз олдига «вакил» бўлиб келган, кўп шўриши ғавғоларнинг сабабкори, жингалак соч, тугмача мўйлаб, овчарка итдай серҳаракат, уддабуррон

Тойлоқов келди. Битта одам бутун райкомни тақа-така қилганини эслашди. Бунақаларнинг қисмати беш кун олдин бўлмаса, беш кун кейин, албатта шундай бўлади, дейишиди.

— Ёрлақаб-бой, ҳой, Ёрлақаб-бой?

— Лаббай?

— Таҳоратингиз борми? Юринг, анави Тойлоқов ўлиби, борайлик.

— Э, унга бетаҳорат борса ҳам бўлаверади!— деди Ёрлақаб ота.

Икки чол оғзига нос ташлаб, ўша «бу дунёнинг кайфу сафосини тортган» содда одамларни алдаб, хотин-қизларни бузиб, ишрат қилмоқчи бўлган лўттибознинг жанозасига боришмади.

— Шу одамлар зиёлимандеб, ўзини пардалаб, кўп қабих ишлар қилишяпти. Бир раисга ҳам сўйкалиб, ўзларининг ифлос ишларини унга билдирамай, уни йўлдан оздирмоқчи бўлди. У ўз наздида бу ишларни ҳеч ким билмайди, деб ўйлаган. Мана, кўриб турибмиз-ку! Кафтида кири йўқ, покман, деб юрган ким бўлиб чиқди!

Ёмон гап тез тарқалади. Жўрақулов ҳам, Бойбўсинов ҳам Тойлоқов фожиасини шу куни эшитишиди. Улар телефонда гаплашишарди:

— Чумоли филга ошиқ бўлиб, дадасига: тез шуни олиб берасиз, дебди. Филни олибди-ю, кўп ўтмай фил ўлиби. Шунда чумолининг дадаси Чумолижонга: «Мана, жон-ҳолимга қўймай олишга олдинг, ўлди. Энди ўлгунингча гўр қазийсан», дебди. Биз Тойлоқовни ишчанликда бир фил деб ўйлардик. Аксинча, унинг ҳаром ишлари филчалик катта экан. Энди бу шармандалик то қиёматгача эсимиздан чиқмайди,— деди Жўрақулов.

— Ёмон гап бўлди,— деди Бойбўсинов,— катта шаҳарнинг йўли бошқа, аммо биз чегара ер бўлганимиз сабабли бундай нотайин ким-саларнинг изғиб юриши яхши бўлмади-да! Уртоқлар ташвишда, комиссия келса керак,— деди у Жўрақуловнинг юрагига таҳлика солиб. Чунки у шахснинг Жўрақуловга яқинлигини яхши биларди.

— Текшириш керак,— деди Жўрақулов,— лекин гавҳартош қидирган Чингизхоннинг куни келмасин. Чаганиённи босиб олган Чингиз қимматбаҳо жавоҳирларни талаган. Бир бой катта гавҳарни ютиб юбориб яширганини эштадилар. Шундан сўнг унинг қорнини ёриб, гавҳартошни оладилар. Бундан шубҳаланган Чингизхон бошқа ҳамма эркакларнинг ҳам қорнини ёриб, гавҳар тош қидирган экан, деди қаттиқўллиги билан ном чиқарган Бойбўсиновнинг гапига жавоб қилиб.

XXXIII боб

Инсон осмонга ҳар қанча кўтарилигани билин бари бир ерга тушади

Кишининг ёдидан кўтариладиган нарсалар кўп. Лекин киши дунёга келиб, ўла-ўлгунча унутмайдиган нарсалар ҳам жуда кўп, инсон юрагида чуқур из қолдириб, эркалайди, ибрат тимсоли бўлиб, яхши йўлга бошлайди. Лекин ўн тўққиз яшар қиз — шу ниҳонинг ҳам ўзига ярашур кечмиш-кечирмишлари бор, биз, катталар, баъзида шу ёшларни ҳам камситмаслигимиз керак. Еримиз ниҳоятда кўхна бўлгани билан дунёга келган ҳар бир ўш уни янгидан бошланди, деб ўйлади. Неча бор ўта тараққиёт, неча бор қиёмат-емиришлар бўлиб ўтганини

бильмайдилар, улар учун дунё янги. Бу руҳ табиатнинг инсонга бағишланган бекиёс тұхфасидир. Шу сабабли ҳам қарчаган, баъзан зериккан боболар күз олдида неваранинг елиб-югуриши, ўз дунёсини яратмоқ учун тиришиб-тортишиши ҳәётнинг агадул-абадлигидан далолатдир. Онахонга аввал унча ёқмаган кибору маданиятли кишилар билан гаплашишни ёқтирадиган, истараси иссиқ Ҳанифа Бегимқулова кейин-чалик бошқача бўлди. Аввал тушунмади. Шоир айтганидай, «маҳлиё бўлиб орденига, босмай қўйди олдинга...» бўлиб кўринди. Лекин шу Ҳанифа Бегимқулованинг қорасовуқ — изғиринда юз-қўллари мой, устига пахталик қавима фуфайка кийиб, экскаваторни юргизаётгани, йигитларни уй-уйларидан ҳайдаб олиб келганини, ремонт бригадаси унга қойил қолиши — техникани яхши билиши... Онахонда беихтиёр катта таассурот қолдирди. Этиклари лой, қўллари қорамой, колхозим деб ўзидан кечиб, дала кезиб юрган Ҳанифа Бегимқулова кейинги кунларда унинг күз олдидан кетмасди. Бегимқулова унга ёқа бошлади. Демак, у қалам қош, шўх, қаду қомати келишган «жонон» бўлгани учун колхозга раиса бўлган эмас, унда бошқа қудрат ҳам бор экан. Юрагида оташи, донолиги, ишбилармонлиги учун уни эл ўзига сардор қилган. Бундоқ кўркам ва шўх хотинларнинг қисмати оғир: бир район раҳбари қўй остида ишловчи кўркам жувонни ўз ёнига раҳбарий ишга кўтариб, эрини узоқ бир совхозга ишга юборган. Ҳафталар мобайнинда эру хотин бир-бирларини қўришолмаган. У кимса кўркам жувонни йўлдан оздириб, ўзининг ўйнашига айлантирган. Бу ҳол гап сўз бўлиб, охири жанжал билан оила бузилиб кетган. Бу воқеа ҳам Онахон қулоғига чалинган эди. Лекин кўркам Ҳанифа Бегимқулова бу масалада метин иродали кимса эканини ҳам кишилар сезган эди. Учинчи киши билган сир — сир эмас, уни эл билади, дейдилар. Дунёда сирлигича қолиб кетадиган нарса йўқ. Шу сабабли, агар Ҳанифанинг бирон ножӯя хатти-ҳаракати бўлганда буни сезмай қолиш асло мумкин эмас эди. Ўша куни у экскаваторчи йигитларга танбеҳ бериб, гапираётганини ҳам эшигтан эди:

— Ўқувсизлик қилиш, ёмон ишлашимиз мумкин, лекин вазифага бегона сифат қарашга ҳаққимиз йўқ! Лоқайдликка ҳаққимиз йўқ! Ўзимизники деб, жон куйдирмаслик, бошқаларга оғирлик ташлашдан ёмон нарса йўқ! Сиз, шунақасиз! Енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юрасиз! Кузатасиз, иложини топсангиз қўлингизни совуқ сувга урмайсиз. Бунақа билан иш бўладими?! Яна бунинг устига бошқалар мукофот олса ҳасад қилиб, сасиб юрасиз. Сиз жон чекмай юринг-да, яна сизга орден беришсизми?!

Лекин бари бир Онахон юрагидаги алам тошкўмир чўғидай қалбни куйдириб ётарди. У ичдан куярди. Агар унинг бир қўли ёки оғенини кесиб ташлаганларида ҳам бунчалик оғриқ аламини тортмасди. Лекин у фронтдаги ўша томонини осколка олиб кетган сувсираган жангчидек то қулаб тушунча вазифамга келавераман дерди ўзига-ўзи.

Совуқ кунлар.

Ҳеч нарса бўлмагандек, Онахон ўз жойида ўтиради. Бирдан телефон жиринглаб, Сафоқул Остонақуловнинг овози эшитилди. Йилтироқ, пўрсилдоқ сўзлар оқа бошлади. Бундай носамимий гаплар жонига тегиб кетган эди.

— Ким бўласиз? Ким керак?! — жавоб қилди. Онахон ғазабини ичига ютиб.

— Хотам Жўрақулович бормилар?

— Йўқ! — шаққа трубкани қўйди.

Эртасига эрта билан Остонақулов қабулхонада пайдо бўлди. Онахонга яқин келиб, салом берган эди, жавоб қилмади. Ўтирган ерида ранги оқариб, титрай бошлади.

— Чиқиб кет бу ердан! — ярим овозда гапирди Онахон. Ўзига тиқилган қаҳрли кўзга бардош беролмай Остоңақулов «хўп, хўп...» деганича қабулхонадан чиқиб кетди. — Сенинг мансабингдан ҳам қўрқмайман! Сени шу мансабга тайинлаганлар ҳам яхши одамлар эмас!

Тўпдан кейин қабулхонада Райкомхон опа билан Гулжаҳон ая пайдо бўлишиди.

— Ҳотам Жўрақуловичдан хавотир олиб келдим. Кечаси билан приступ бўлди. Вой, «тез ёрдам»лар келди,— деди диванга ўтириб Гулжаҳон,— ўzlари шу ердамилар?

— Ҳа, кабинетдалар.

— Колхозгами ёки Термизгами бораман, десалар рухсат берманг, қизим!

— Хўп-хўп...— деди Онахон беихтиёр. Афтидан Ҳотам Жўрақулович Онахонни ўз қизидан аъло кўриб, уйда кўп гапирган бўлса керак, унинг буйруғи ўтадигандай Гулжаҳон опа унга тайинларди.

— Вой қизим-ей, бугун кечаси билан менинг бўладиганим бўлди. Икки ёстиқ кислород, укол, врачларнинг нечоғлик иши билан Ҳотам акангизни қайтариб олиб қолдик. Ўзи бир асрари. Эрталаб туриб, юзини ювиб хизматга бораман, дейдилар. Ҳой, адаси, дўхтирлар рухсат бергани йўқ, агар билиб қолса ёмон бўлади, десам ҳам қулоқ солмадилар. Бўлмаса. Мен рухсат бермайман!— деб туриб олдим. Во-о-о-о-й, эски одатларини қилиб, ялиниб-ёлвориб, яхши гаплар гапириб, мени «тушунган; жуда ҳам ақлли хотин» эканлигимни қайта-қайта айтиб, яқинда яна Қисловодскка олиб боришлари, ундан кейин Карлоби-Вари деган заграница курортiga олиб боришларини айтиб кўнглимни олдилар. Мен шўрлик кўнглим бўш, у кишига жавоб бериб юборибман. Мана, жавоб бердиму яна орқаларидан юргурганимча келдим. Онахон қизим, жон қизим, бир хил жанжалкаш одамлар бўлса ёнларига киритманг! Анави иккинчи секретарь ёш, нервлари ҳам бақувват, ўшани олдига киритиб юборинг. Мана энди ҳозир мени келганимни билсалар ҳам диққат бўладилар. Шунинг учун индаманг, ёнларига кирсангиз менинг келганимни айтманг!

— Хўп, Гулжаҳон опа.

Опа кўп ўтирмай, корзинкасида қоғозга ўралган диабетлар овқатини — қийма қилинган гўшт, қора нонни Онахондан соат бирларга қолмай олиб кириб беришни илтимос қилди. Кейин чиқиб кетди.

Онахонни яна хаёл босди; шундоқ меҳрибон хотинлар ҳам бўлади. Уттиз беш йил яшагандан сўнг эру хотинликдан кўра ҳам қадрдан дўст бўлиб кетишар экан. Ҳаёти қил устида, нечоғлик врачларнинг эҳтиёткорлиги билан юрган бу одам юрагида юрт ташвиши. Пахта агар бир йил бажарилмасин-чи, нима бўларкин! Яна юз йил яшайдиган одамдай жуда ҳам ишонч билан ишларди. Унинг узоқ йилларга мўлжалланган режаси ҳам бор. Ўлимни мутлақо ўйламаслик керак! Бу, Жўрақулов фалсафаси. «Ўйлайверма ўлимни, қийин эмасdir ўлмоқ, ҳаётга боқ, шол бўлсанг, юриб кетасан, ўртоқ!» Бу шеърий мисраларни жавонидаги китобдан кўчиринб олиб айтиб юради. Ҳаётни шунчалик яхши кўрса-ю, қонли жангдан омон қайтиб, бу ерда ҳам қанча тўғаноқларни бузиб, рақиблар зарбасига бардош берса! Ундан ўрганиш керак деди ўзига-ўзи Онахон.

Кайфи чоғ Жўрақулов кабинетидан қабулхонага чиқиб, хомуш ўтирган Онахонга кўз ташлади. «Рустами достон» бўлиб турган Жўрақуловнинг кечаси аҳволи не кечганини Онахон билиб турарди.

— Қизим, нега хомушсиз! Бетобмисиз?

— Йўқ,— деди дик ўрнидан туриб Онахон. У атай, сунъий табасум қилди.

— Бобо бардаммилар?

— Яхшилар. Ҳар сафар сизга салом айтадилар.

— Саломат бўлсинлар! — деди Жўрақулов Онахонга тикилиб туриб. Унинг ўз стулига ўтиришини буюрди. Илгари ҳам у бу хонага чиққанида, келгани ёки кетаётганида Онахоннинг дик ўрнидан турмаслигини, мактаб бошқа, бу ерда биз ҳаммамиз teng ходимлармиз деб уқдирган эди. Лекин Онахон ўз муаллимини кўргандек ҳар гал Жўрақулов ва бошқа секретарлар кирганида ўрнидан турарди. — Марҳамат, жойингизда ўтиринг, — деди яна Жўрақулов.

Бир муддатдан кейин, анчадан буён ўйлаб юрган дилидаги гапни айтишга жазм этиб, оғиз чоғлаётган Онахоннинг ҳаяжонини Жўрақулов сезиб турарди. Бунда бошқа киши йўқлиги ва бунинг устига эртаниндин Узбекистон Олий Совети сессиясига, Тошкентта кетишга ҳозирлик кўраётгани сабабли Онахон Жўрақуловга мурожаат этди.

— Хотам Жўрақулович, айбга қўшмасангиз, илтимосим бор эди.

— Марҳамат.

— Мени колхозга ишига юборилишимни сўрайман. Дугоналарим курсни тамомлаб, бу йил машинага минишади. Райкомда иш ёқмади, демоқчи эмасман. Кўнглингизга ҳеч ёмон фикр келмасин. Хотам Жўрақулович, сиз кишилар дилидаги гапни бошқалардан кўра ҳам тушунасиз. Тўғри, мен узоқ ишлаганим йўқ. Уз ишига муҳаббат қўйган киши учун узоқ вақтнинг аҳамияти йўқ. Мен, яна икки йил ишлаб бер десангиз, ишлайвераман, чунки сиз билан ишлаш жуда ҳам кўнгилли эканини бу ерда ҳамма гапиради. Биринчи галда Райкомхон опам. Мен ҳам дугоналарим қатори машинада ишлагим келаётпти... Ҳанифа опа Бегимқуловага ҳавасим келяпти. Жуда ажойиб инсон.

Хотам Жўрақулович бу гапни эшишиб, диванга ўтирганча Онахонга тикилиб қолди. У негадир оғир бўлиб кетди. Юзидағи кулги, кайфи-чоғлиқ бир лаҳзада йўқолди. Яна бир ондан кейин у ўзини қўлга олди.

— Тушунарли,— деди у ўйламсираб,— лекин сиз менга тўғрисини айтинг, бу ерда бирон киши сизни хафа қилдими?

— Йўқ! Ҳеч ким мени хафа қилгани йўқ. Хотам Жўрақулович, мен, аксинча, жуда миннатдорман. Бу ерда ишлаш менга ёқади. Мен ишлайвераман, комсомол аъзосиман, райком иродаси менинг учун ҳамма нарсадан юқори. Лекин, мен бевосита далада ишлашни, механизатор бўлишини орзу қилиб келганиман.

— Тўғри,— деди Жўрақулов ўрнидан туриб,— мен юрагингиздаги гапни тушундим. Лекин бир оз сабр қиласиз.

— Бўйти,— деди Онахон мамнуният билан.

Жўрақулов кабинетга кириб кетгач, Онахон ўрнидан туриб, Райкомхон опа олдига борди. Үнга Жўрақуловнинг қарши бўлмаётганини тўлқинланиб айтиб берди. Лекин бу гап Райкомхон опага унча ёқмади. У энди ўзига бир яхши дўст топган бир пайтда кетмоқчи. Бу унинг кўнглини чўқтирди. Узи хунуккина хотин бўлганидан сал руҳий ўзгариши уни тўрсайтириб, яна ҳам хунук қилиб қўярди. У бир неча йил Лаълихон билан бирга ишлашиб, тил топиша олмаган эди. Шу хотин борида Жўрақулов ёнига киролмас эди ҳам: «Қабулхонада бўри ўтирибди» дерди. Онахон билан юлдузи юлдузига мос келиб, тушлик овқатни ҳам, ишни ҳам бирга қилишарди, бир-бирига ишонишарди, чинакам опа-сингил бўлиб олишган эди. Жўмарднинг номардликларидан ҳам тўла хабардор эди. Олган хотини Жўмарднинг тоза таъзирини бераётганини ҳам Онахонга айтиб турарди. Чунки Райкомхон опанинг синглиси Бойбўсиновлар билан бир девор қўшни, Моҳитобон хоним билан опа-сингил. Зебихон билан Моҳитобоннинг ораларидан оламушук ўтиб «гап», меҳмондорчиликлари тугаб, расмий гаплашадиган бўлиб қолгани, буларнинг ҳаммасига Марҳамат сабаб бўлаётганини.

ҳам Райкомхон опа синглиси орқали эшитган эди. Бундан бир неча ой бурун Жўмард ертўлада ўзини ўзи осаётганида Чиннихол кўриб қолиб, дод солгани, агар у ўн минут кечикканида фожна юз бериши-ю, меҳмондорчиликка кетган Моҳитобон хонимни телефон қилиб чақириргани, ота-она ҳовлиқиб келишгани... Барини Райкомхон опа эшитган. «Жўмард хотинини Анвар деган магазинчи йигит билан ушлаб олибди...» деган гапу Марҳабонинг ўзини осмоқчи бўлгани — бари-бари Онахон қулогига етиб келди. Шунчалик сирдош бўлиб қолган опани ташлаб, колхозга кетиши опага ёқмади.

— Ҳа, майли,— деди Райкомхон опа Итолмасова.— Ҳар кимнинг хоҳиши. Биз сизни ушлаб туролмаймиз, қизим. Қаҳрамон бўламан, орден оламан деб зўр бериб, бели узилиб кетганлар ҳам бор. Шошмаган, ҳовлиқмаган киши манзилга етади. Майли, боринг, нима ҳам дердик!

— Опажон, мен эртани ўйлаяпман,— деди Онахон Райкомхон опани қучиб,— мен доимо секретарь-менинистка бўлиб ишлайвермайман-у.

— Мен, нодон эртани ўйламабман-да!. Менга раҳбарларимиз шу ерда ишлайсиз, шу ерда элга манфаатингиз кўпроқ тегади, дейишагнига, мана, мен йигирма беш йилдан бўён ишлайман. Район Советига депутатман. «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланганман. Райкомдан муҳимроқ жой борми?!

— Тўғри, опажон. Сиз юз фоиз ҳақсиз. Лекин мен бошқа ёқса кетиб қолаётганим йўқ, сизнинг қўй остингиздаги колхозга. Далада ишлашни яхши кўраман. Опажон, ҳар куни сизга телефон қоқаман, ёнингизга келиб тураман...

Тўрсайиб турган Райкомхон опа бир оз юмшади. Гўё у розилик бериб, қарор чиқариб берадигандай;

— Ҳа, майли, ўзингиз биласиз,— деди.

Орадан икки кун ўтгач, қабулхонага Ҳанифа Бегимқулова кириб келди. Унга ҳурмат кўрсатиб, Онахон ўрнидан турди. У билан илиқ кўриши. Пальтоси, тивит рўмолини ечиб, қабулхонадаги қозиқча илди. Костюми ёқасига депутатлик байробини, орден ленталарини тақиб олган эди. У келишириб кийинган.

— Омомнисан, яхши қиз?— Ишларинг тузукми?

— Раҳмат, Ҳанифахон опа. Узингиз яхшимисиз?

— Ҳа, ишларимиз яхши. Ҳадемай кўклам.

— Тушунаман.

— Ҳув авави гапим ёдингдан чиқмаганми?

— Йўқ,— деди чиройли табассум қилиб Онахон.

— Сени олиб кетаман! Шунга келдим. Сен менга ёқиб қолдинг. Сен Ҳанифахон опанг — «малика»га чўри бўлмайсан... Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа! Назаримда, сенинг жойинг далада!

— Мени кечиринг ўша англашилмовчилик учун.

— Йўқ, сен ўшанда тўғри айтгансан. Мени биринчи кўрган одам доимо «малика» дейди. Буни ўзим биламан. Сендан бошқалар ҳам ўйламай-нетмай «малика» деган. Сиртдан шундайроқ кўринисам керак. Ҳа, нима, малика бўлиш ёмонми! Бошқа «малика»ларни билмайман, аммо мени халқ сайлаган. Фаҳрланаман! Онахон, жон синглим, колхозда комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этяпмиз. Сени олиб кетаман, бирга ишлашамиз. Ҳақназар отам ишни менга топширган эдилар, зора шу ишни мен сенга топширсам.

— Йўқ, опажон, вазифангиз ўзингизга буюрсин.

— Хотам акамларнинг ёнларига кириб чиқай. У киши мени чақирганлар.

— Марҳамат! Марҳамат!

Ҳанифа Бегимқулова бир лаҳзалик шакаргуфтторликдан кейин ичкарига кириб кетди. Ярим соатлардан кейин Онахонни қўнғироқ орқали Жўрақулов ичкарига чақириди. Онахон кабинетга кирди.

— Онахон, қизим, «тўқсон беш»дан бир яхшилаб дамлаб келмайсизми? Ҳанифа опангиз ошдан келган эканлар.

— Ҳўп. Ҳозир олиб кираман.

Онахон юргурганча Райкомхон опа хонасига кириб, қайнаб турган чойгумдан кўк чой дамлади-да, ювилган пиёлаларни кабинетга олиб кирди.

— Ўзингиз ҳам ўтиринг,— деди Жўрақулов Онахонга. Кейин чойни қайтариб ўзига қуиди, Ҳанифахонга, Онахонга узатди.— Гап бундок, қизим, илтимосингизни мен иккинчи секретарга, ташкилий ишлар бўлими мудирига айтдим. Уларни рози қилдим. Ўртоқ Бегимқулова билан ҳам гаплашган экансизлар... Илтимосингизни қондирашим. Лекин бизга қийин бўлади, энди муносиб бир ёрдамчи топдим, деб юрган эдим.

Онахон боши қуайи ўтиради. У сал-пал қизариб кетди.

— Хотам Жўрақулович, ёдингизда бўлса керак, сиз ўша вақтда Бойсун райкомининг секретари эдингиз, мен бунда инструктор бўлиб ишлаганман. Кейин Ҳақназар отага мувони бўлиб бордим. Үхашашликни қаранг, сиз бу ерга яна бошقا бир қизни топиб оласиз. Лекин Онахоннинг жойи колхозда!

— Яна Лаълини қайтариб олиб келайми?

— Ў-ў,— деди Ҳанифа,— уни олиб келинг-да, эртасидан ўзингиз кетаверинг. Ҳар келганимда, сизнинг ёнингизга кириб чиққанимдан кейин орқамдан гап қиласади. Ў-ў, унақа хотиндан худо асрасин!

— Ҳанифа-ой, бўпти, эртага мен ўзим Онахонни колхозга олиб бораман. Соат ўн бирларда правлениеда бўласизми?

— Ҳа, албатта.

— Ўзим уни райкомга олиб келган эдим, ўзим колхозга олиб бораман. Бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Келаси йил, шу ойларда унга ўзингиз кафолат берасиз. Партия сафиға кандидат қилиб оламиш!

— Раҳмат, Хотам Жўрақулович! Ишончингизни оқлайман. Раҳмат!— деди Онахон.



Бугун йигирманчи февраль. Сурхон водийсида қишининг қаҳри синган. Лекин ҳаво чарақлаб очилиб кетмаган, кўк юзида олачалпоқ булатлар, қандайдир бир ғубор бор эди. Шудгор қилинган катта ер ўртасида этик кийган, қиш кийимида икки қиз туарди. Уларнинг бири — Онахон, бири — Маъмура. Улар бригада ерини айланишиб юришарди. Кеча Жўрақуловнинг ўзи Онахонни олиб келиб, колхоз правлениеси ихтиёрига топширгани, правление Онахон Ҳақназаровани бригада бошлиғи қилиб, бир оғиздан тасдиқлагани Онахон юрагига қувонч солди. Бу маросимга буваси ҳам атайлаб келиб, тўрда, Жўрақулов ёнида ҳаяжонланиб ўтириди. Комсомол-ёшлар бригадасига ажратилган майдон юз гектардан ортиқроқ бўлиб, машҳур бригада бошлиғи Қўчқорвой ака Шермуҳаммадхўжаев ерлари билан ёнма-ён, бир ўқариқ ажратиб туарди. Ҳанифа Бегимқулова атай шу майдонни ажратдими ёки тасодифми, буни билиб бўлмасди. Бу юз гектар Бўривой ака билан Қўчқорвой акалар бригадасидан олиниб, янгидан ташкил этилди. Цугонасининграйком йўлланмаси билан колхозга келишини билган Маъмура ҳам раисга илтимос қилиб, шу бригадага ўтди. Қизларнинг энсасини қотириб, Чўли ҳам шу бригадага келди. «Ҳо-ой, Чўливой ака, ўзингизнинг ишингиз яхши, ёшларнинг ичидаги нима қиласиз», деди



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

кулиб Онахон. «Йўқ, менинг ҳам ҳали соқолим тўрва бўлгани йўқ, кўкрагимдан итарманглар, мен яхши ишлайман! Мендан ёмонлик кўрмайсизлар!»— деди у. Онахону Ҷаъмурадару бошқа қизлар қулишиди.— Мен опанинг хизматини қилдим. Бўривой ака бригадасида жуда эзилиб кетдим. Бўривой ака золим, ҳақиқий бўри! Мени ўз сафларингга олинглар, агар олмасангизлар ўзимни ўзим Тўпаланг дарёга ташлаб, оқиб кетаман!

— Ўҳ-ҳўй, — деди Онахон.— Сиз негадир йифи-сиғидан чиқмай қолдингиз! Ҳархашангиз кўп. Одамларнинг бошига оғир мусибат тушганда ҳам кўзига ёш олмаган... Бўпти, оламиз, лекин бир шартимиз бор!

— Айтинг, жоним билан эшитаман! Жонимни бераман! Ул десангиз ўламан, тирил десангиз — тириламан! Мен дунёга келиб нима кўрдим! Кўзи очилмаган бир мушук болачалик эмасманми!

— Шарт шуки, мана шунаقا обидийдани камайтирасиз!

— Тушундим!

— Шундоқ бўлсин.

Бу билан Чўли Онахон нима демоқчи бўлаётганини пайқади. Ўзига ҳам, қизларга ҳам қочирим, гаплар қилавермаслигини тайинлаган эди.

Маъмура билан Онахон шудгор кезиб, катта йўл четига чиқиши. Куздаёқ Бўривой ака билан Қўчқорвой акалар ерни яхшилаб ҳайдаб қўйишган экан. Агар канал қазиб битирилса, Тўпаланг дарёдан насос орқали қўшимча сув олинса, бу ерлар айни ингичка толали пахтанинг жойи эканлиги икки қизнинг кўнглидан ўтди.

Шудгор. Чексиз шудгор... Узоқ-узоқларда, ер сарҳадини кўрсатиб турувчи қатор тут дараҳтлари. Икки қиз узоқ-узоқларга тикилишади — бунда фақат еру осмон. Онахон қуш қарashi билан фалакка кўз ташлади — чексиз фазо. Яқинда, мактабда ўқиб юрган кунларида Валентина Терешкованинг космосга қилган парвози юрагига ҳаяжон солиб, космонавт бўлиш орзуси қучган эди. У мана шу боши узра турган фазога қўтарилиши, «Союз» — кемасида ер куррасини айланишини орзу қилган эди. У шудгорланган кенг ер узра турарди. Ҳамма парвозлар ҳам мана шу ер сатҳидан бошланишини, она-еर фарзандлари бир куни юлдузлар оламига етиб боришини кўнглидан ўтказди. У ўқиган қўпгина китобларда бу фикр айтилган эди. Инсон доимо ҳаракат қиласи, излайди, табиат сирларини очади. Инсон юксакликка қўтарилади, чунки у табиат бағридаги модданинг энг олийси, энг мўътабаридир.

Кенг дала, ҳайдалган ер узра турган Онахон дилидан космонавтликни орзу қилган ўша кўнлар ўтди. Очиқ, кенг ерда осмон яқин, гўё қўйл узатса етгудек. Ажаб эмас, пахтакор деҳқон қизи ҳам бир куни ердан фалакка қўтаришса!

Чоршанба куни Райкомхон опа Итолмасовани соғиниб, бирон соат сұхбатлашиб келишни ўйлаб, автобусга чиққан Онахон Жўмард билан учрашиб қолди. Дарҳол ўрнидан туриб, жойини Онахонга бўшатган Жўмард қизариб кетди. У каловланиб, ўзини ноқулай сеза бошлади. Онахон ҳам қизариб кетди. Лекин у ўзини қўлга олди. Урталарида ҳеч нима бўлмагандек, ўқувчи ўз ўқитувчисига илтифот кўрсатгандай мағрур турди. Бўш жойга ўтириди. Салом-алиқдан сўнг гап йўқ, ўртага сукут тушди. Бир муддатдан кейин ғўлдираган бир товушда Жўмард сўради:

— Ишларингиз яхшими?

— Яхши,—деди секин Онахон.

— Райкомга кетяпсизми?

Автобус райқом биноси ёнида тўхташи билан Онахон ўрнидан туриб, ерга қараганча «ўз муаллимига» «хайр» деб бош ирғаб тушиб кетди. Автобус ойнасидан Жўмард тикилганча унинг кетидан қараб қолди. Онахон бинога кириб, шоша-пиша зинапоялардан иккинчи қаватга кўтарилиб, опа ёнига кирди. Унинг юраги турс-турс уради.

— Ҳа, нима бўлди?— сўради Райкомхон опа.

— Ҳеч нима. Зинадан чопиб чиқувдим, юрагим ўйнаб кетди.

Райкомхон опа унинг юзларига тикилди.

— Зинамиз унчалик баланд эмас-ку!— опа Онахоннинг оқариб кетган рангига тикилди. Стулга ўтиришга таклиф қилди.

— Анавини кўриб қолдим...

— Қаерда?

— Автобусда.

— Айтмадимми. Ўзингиз минг маротаба чиқиб юрган зинапоя нега сизнинг юрагингизни ўйнатиб юборар экан,— деб опа уни қучди,— сўрашдими?

— Ҳа.
— Қайси юз билан сўрашди экан! Номард!

□

«Чаганиён» колхозидаги ингичка толали паҳта майдонларини яна-да кенгайтириш ҳақидаги қарор муҳокамасига бағишлиланган мажлисга обком, райком вакиллари келди. Мажлисга Ҳанифа Бегимқулова раислик қиласиди. Докладчининг овози бир меъёрда жаранглар, залдагилар қилт этмай тинглашарди. У ер-бу ерда уйқу босиб мудраётгандар ҳам йўқ эмас. Бу одамлар президиумдан Ҳанифанинг ўқрайиб қараб қўя-ётганига ҳам парво қилмай човига салом бериб, хуррак отишарди. Кўзи тушганлар пиқ-пиқ кулишар, залда жонланиш пайдо қилиб, ким-дир ўтала, ухлаётгандар кўз очиб, уялгандек бўлишарди. Худди шундай қилт этмай диққинафас ўтиришган бир пайтда президиум пардаси орқасидан чиқиб келган «ўта маданиятли» Чўли залдагилар диққатини ўзига тортиб, битта-битта қадам ташлаб раислик қилувчи Ҳанифа Бегимқулова ёнига келди, аллақандай қофозларни унинг олдига қўйди. Раисанинг қулогига ниманидир шивирлаб яна гўдайиб турди. Залга нигоҳ ҳам ташлаб қўйди. Чўлининг қадди-қоматини зал кўради. У ўзининг «масъул кимса» эканлигини айниқса Онахонга таманно этарди. Залда ўтирган «баъзи»ларнинг энсаси қотишини билса ҳам, у атай гўдайиб тураверди. Ҳанифа қофозга имзо чекиб бўлгач, уни олиб яна парда орқасига ўтди. Орадан яна бирон соат ўтгач Чўли яна қўлида қофоз президиумда пайдо бўлиб қолди. У вақтинча бухгалтер бўлиб ишлаб туарди. Яна қулоққа шивирлаш, яна қофоз... «Катталар атрофида гирдикапалак бўлиш унинг эски касали», деди иккинчи қаторда ўтирган бир йигит. Беш йил Бегимқуловага шоғёрилик ҳам қилди. Онахоннинг ўнг томонида ўтирган киши: «Муштлашиб ўрганганинг қўли қичигандай, Чўлининг ҳам эски одати. Шундай йиғилишларда ўзини кўрсатиб, бедана юриш қилади». Орқа қаторда ўтирган киши ҳам шивирлади: «Опа уни яхши кўрар эмиш...» Қўйинг-е!— деди мўйловдор йигит орқасига қайрилиб қараб.— Нега бўлмаса опа турмуш қурмайди? Эри ўлганига ўн йилдан ошиб кетди. Винзавод директори билан ҳам озгина гап бўлган...» Президиумда ўтирганлардан кимдир ўталашиб қўйди. Шу лаҳза шивир-шивирлар тўхтаб, яна қилт этмай ўтириши.

Шу пайт президиумда ўтирганлар орқасида айланиб юрган Чўли Ҳанифа Бегимқулованинг ишораси билан яна парда орқасига кириб гойиб бўлди-да, бир лаҳзадан кейин залда пайдо бўлиб, биринчи қатор чеккасида ўтириб, бошини солиб тоза хуррак отаётган Қўчқорвой акани туртиб уйғотди: «Айб бўлади! Бу ер ухладиган жой эмас! Опанинг жаҳллари чиқяпти. Меҳмонлар бор, бирон соат чида буриб берсангиз нима бўлади!!!» Қўчқорвой ака ҳижолат бўлиб, секин йўталиб қўйди. Тавба қилдим, дегандек бир гувраниб, креслога зил-замбил чўкиб ётган гавдасини тўғрилади. «Ухламаган эдим, ука!» Чўли гапни чўзмай яна залдан чиқиб кетди. Чўли «бухгалтер» сўзини қадимдан «бағалтири» талаффуз этиши, ҳамма сўз охирига «нинг» қўшиб гапириши билан таниқли. Кимдир бир куни Чўлига ўзинг ёмон одам эмассан, сал феълинг бошқачароқ. Хушомадгўйсан! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-о! Нима, худо анойи эмас, бирорни ундоқ, бирорни бундоқ қилиб яратган. Агар ҳаммани бир қолипдан чиқаргандা, ўнинчи калишга ўхшаб бир хил бўлиб қолаверардик!»— деди.

Чўлининг фаоллашиб қолгани, бош бухгалтер йўқлигига вақтинча раиса атрофида айланиши, президиумга қайлашмана ҳам президиумга

бир нарсани баҳона қилиб чиқиши, папка кўтариб юриши, барি Онахоннинг колхозга келганидан кейин авж олиб кетди. Номига бўлса ҳам унинг кўз олдидаги ўзини кўрсатишга уринарди.

Чўлининг бундай «мақом» қилиб юришини Онахон аллақачон сезган, нима қилсан, нарироқ юринг, жим юринг, деб айтольмайди. Нега ҳам айтиши керак. У, дарҳақиқат, юраги покиза киши. Ҳаётидаги оғир хато қилиб ниҳоятда руҳий азоб чекиб юрган Онахоннинг бу дўлвор далачи йигитга «тўғри юринг» дейиншга ҳаққи йўқ. Чўлининг юраги пахтадай оқ эканини биларди. Ўша даҳшатли кун Жўмарднинг тўйидан кейин Чўли Онахонни ўз машинасида олиб қочиб кетганида ўзини баҳтли ҳисобларди. Минг афсус!

XXXIV боб

Кўнгилчанлик балоси

Кутимагандаги район партия ташкилотининг навбатдан ташқари пленуми чақирилди. Аввал, одатдагидек, ингичка толали паҳта ҳақида доклад, кейин ташкилий масала кўрилиб, Ҳотам Жўрақулов ўз вазифасидан озод этилди. Обкомда бўлим мудири бўлиб ишләтган бир йигит райкомга биринчи секретарь этиб сайланди...

Ҳамма ҳайрон. Бу мутлақо кутимаган воқеа! Ҳанифа Бегимқуловва ҳам бу воқеани пленум очилишидан ўн минутча олдин билди. Бу гап Ҳақназар отаю Онахону Райкомхон ола Итолмасовалар учун ҳам тамоман янгилик. Район аҳли учун мутлақо кутимаган эди, Жўрақулов ишдан бекор бўладиган раҳбар деб билишмасди. Президиумда ранги учиб, ҳайрон ўтирган Жўрақуловнинг ўзи ҳам шундай ўзгариш бўлиши кераклигини кечга эшитган эди. Лекин айби нимадалигини билмасди. На чора! Лекин яна бир йилгина сабр қилишганида, ўзи ҳам пенсияга чиқиб кетарди. Бу гап ҳам тўғри эмас, деди ўзига-ўзи, мен ўз пенсиямни ўйлаётирман, бу хусусий иш, эҳтимол мен районнинг олга босишида тўғаноқ бўлаётгандирман?! Масъул вазифаларга ёшлар келиши керак — янги куч, янги режа, файрату янгича фикр... Лекин, ҳар қалай, район ҳар илии планни ҳам, мажбуриятни ҳам ошириб бажариб келаяпти. Ёки Тойлоқовга ўҳшаган шахслар атрофимда ўралашгани сабаб бўлдимикан? Эҳтимол... Ҳотам Жўрақулов пинакка кетгандай узоқ ўйлаб, хаёлининг охирига ета олмасди.

У жуда диққат бўларди; кўза кунда эмас, кунидаги синади, дерди ўзига-ўзи. Ишни янги секретарга топширгандан кейин, икки-уч кун уйдан чиқмай ётди. Ҳаёлидан қатор танишлар, ошналари ўта бошлади. Шулар қатори, Сафоқул Остонақулов ҳам қаршисида пайдо бўлди. Итолмасованинг уйга қилган телефонидан, бу шахс ҳам ўз вазифасидан бекор бўлганини билди. Лекин у Жўрақуловга ўҳшаб харсанг тошга эмас, парёстиққа йиқилибди. Уни фан кандидати деган унвони ҳам бор экан... Қачон бундай бўла қолганини ҳеч ким билмасди. Баъзи Остонақуловга ўҳшаганлар мансабдор хизмат қилиб турганида «бир кунй йиқилишлари»ни ўйлаб, ўзларига парёстиқ тайёрлаб қўйишади. Улар йиллар мобайнида бирон химия лабораториясининг аччиқ газлари, приборлари-пробиркалар ичидаги эмас, эскичасига мадрасанинг тупроғини яламасдан «кандидат» бўладилар. Ана шу чала муллаларга ҳеч тоқатимиз йўқ-да? Бу ишлардан халқ ранжиётганини билишмасмикан? Буни сезишса ҳам ўзларини анойиликка олишади. Маъмурий ташкилотларнинг деразасидан хўмрайиб, кўз олайтириб қараб қўйишади,

бир нима десангиз сизни ейман дегандай кўзларини ола-кула қилишади. Пахтакор халқнинг номини сотиб обрў олишади. Бир ерда узоқ ишлаб, шамол келса тошбақага ўхшаб бошини ичига тортиб яшайберадилар. Уларга куйиниш деган фазилат бегона! Номақбул ишга қарши ҳужум эмас, улар умуман бошини ичига тиқиб ўргангандар! Мабодо жаҳл устида юзига тупуриб юборсангиз, тупукни бармоғи билан артиб ташлаб индамай кетаверади. Бу феъли билан Остонақулов кам деганда юз эллик йил яшайди. У «Қизил китоб»га ёзилган ноёб маҳлуқдек тухуми қуриб кетмаслиги учун ўзини ўзи қаттиқ ҳимоя қиласиди. Ҳа, тухуми қуриётган калтакесагу ва бошқа маҳлуқлар фан учун жуда керак, аммо у мутлақо керак эмас, унинг тухуми қурсиса инсоният учун бениҳоя катта фойда!

Ҳар нарсага ҳам сабр қилган яхши, андуҳ боқий эмас! Орадан ҳафталар, ойлар ўта бошлади. Жўрақулов уйда ётибди, унинг вақти кўп. Бизбизак бўладиган, қўли-қўлига тегмайдиган пайтлар ўтиб кетди. Лекин дард устига чипқон деганларидек, жисмида яна бир дард пайдо бўлиб қолди. Кейинги кунлари Жўрақулов соатларча каравотда ётар, буйрагида тош пайдо бўлиб оғриқ бошлангандан жонини қўярга жой тополмасди. Ессентукига ҳам бориб келди. Аввал майдарони туширишган бўлса ҳам рентген кейинги пайтда буйракдан пастроқда яна тош борлигини аниқ кўрсатди. Қон босими, юракнинг беморлиги операция қилишга имкон бермасди. Ёш кетгандан сўнг ҳар нарса чиқаверар экан. Лекин оғриқ кундан-кунга кучайиб бораради. Баъзан оғриқ бўлган пайтлари, ҳозир жони узилсаю шу дўзахий қийноқдан қутулишга рози бўларди. Мана, икки ҳафтадан буён унинг жисмидаги оғриққа асло чидаб бўлмайди. Баланд тоғларни, ер қатламларини ковлав майдан топадилар. Минг метрлаб, ҳатто ўн минг метрлаб тоғ бағрию ер қаърига кирадилар, инсон ўз қўли билан яратган машиналар ёрдамида нефтни ҳам, уранни ҳам олади. Нечун жисмимдаги дардга қўллари етмас экан, дерди. Жўрақуловнинг ҳаёлига Мирҳайдар аканинг худди шу дард билан оғригани келди. У бечора ҳам кўп азоб чеккан эди. Девонанинг ишини худо тўғрилайди, деганларидек, бу ўта мутаассиб одам оллонинг ҳузурига чопқиллаб бораман, деб ҳамма нарсани тайёрлаб, рози-ризоликларни ҳам қилиб бўлганида жарроҳ уни йўлдан қайтарди. Қўзи мошдай очилган Мирҳайдар: «Ҳамма ҳам худонинг бандаси, ҳамма инсонлар бирордада бўлиб яшаши қуръонда ёзилган. Бошқаларни билмайман-у, локин ҳозирги докторлар жаннати одамлар. Мендек ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган бир кишини асраб қолиш учун олти соат операция қилди», дерди. Мирҳайдар акани ўйлаб кўнглига таскин соларди. Тахтдан тобутга эмас, тобутдан ҳаётга олиб чиқди жарроҳ. Лекин шу лахза унинг кўз олдига лоп этиб Остонақулов келарди. Бу тепакал, бўйни йўқ, ғўладан келган пакана одам анча пишиқ экан. Рӯпарадан қаралса томоғи бақаникидек лиқиллаб турарди. Жўрақулов минерал сувлар, хўл мевалардан кўп истеъмол қилиб, буйрагидаги тошни эритиб чиқариб юбормоқчи бўларди. Лекин бу тош маҳкам ўрнашиб, шунча зўр берса ҳам буйракка ёпишарди. У жарроҳ қўлига тушмасликка ҳаракат қиласиди.

Умуман, ўз касалидан шикоят қиласлик Жўрақуловга ўшиликдан одат. Инсон онадан туғилибдики, касалдан шикоят қиласиди, оҳ-воҳ қиласиди, ўлимни ўйлади. Бир куни у шубҳасиз кетади. Не-не одамлар ўлган, ўлмаслик ҳеч мумкин эмас. Баҳорда куртак чиқариб, барг ёзиб, ундан сўнг ҳосил бериб, кейин сарғайиб қуриган гўзапоямиздек, инсон ҳам келади, кетади. Бу — табиат қонуни. Уни ҳеч ўзгартириб бўлмагач, оҳ-воҳнинг нима зарурати бор?! Шу сабабли Ҳотам Жўрақулович Тошкентда ўқиб юрган йилларида ҳам шундай, дардга мустаҳкам эди. Дарҳақиқат, Жўрақуловнинг бирон кимсага касаллигидан шикоят қил-

ганини ҳеч ким билмайди. Ҳатто поликлиникага келиб, қонини анализга бермагани, электрокордиограммадан ўтмагани учун ўша ер деворий газетасида танқид қилингани ҳам маълум. Ҳамма касал асаб қақшашидан бошланишини врачлар очиқ айтади. Лекин минг йил аввал Абу Али ибн Сино, ундан аввалгилари ҳам, бу гапни айтиб кетишган. Асабни сақлаш керак, лекин бу мумкинми? Жўрақулов ўйлаб қолар, бошқалар учун мумкин бўлганда ҳам унинг учун асло мумкин эмас. Унинг иши, касби беасаб юришга имкон бермасди.

Жўрақулов поликлиника коридорида врач ёнига кириш учун навбат кутиб ўтирганида қандайдир фасон, олифта бир йигитча навбатсиз ичкарига кириб кетди. Жўрақулов шу куни ҳам тажанг уйга қайтиб келди. Тунда яна оғриқ бошланди. Термиздаги 1-сонли поликлиника нинг «тез ёрдами»га қўнғироқ қилиб, тезда врач келишини илтиimos қилишди.

- Кимсиз?
- Жўрақуловман.
- Жўрақуловлигингизни биламан, ким бўлиб ишлайсиз?
- Ҳеч ким...
- Қандай қилиб?..
- Жўрақулов бўлганим учун,— у оғриқ ичида заҳарханда кулди.
- Сизнинг бир танишингиз бор,— деди хотин вайсақилик қилиб,— бесабаб иш бўлмайди.
- Топдингиз...
- Ана, айтмадимми, ўртоқ Жўрақулов,— диспетчер хонасида ўтирган хотин хурсанд, қаҳ-қаҳ уриб кулди,— мумкин бўлса, сир бўлмаса, айтолмайсизми?— афтидан у Жўрақуловни ўттиз ёшлардаги келишган бир йигит деб ўйлади. Тани бошқа дард билмас, деганларидек, унинг қорни зирқираб оғриб турганини ҳам билмасди.
- Айтаман, сир эмас.
- Айтинг.
- Партия. Халқ.
- Халқ? Бу нима деганингиз?
- Менинг сұянадиган кишим.
- Вой тавба! Мен бундақа гапни биринчи эшитишим. Ҳазиллашибисизми? Гапга уста экансиз. Машина тезда бориб қолади, бирон одам эшикка чиқиб турсин. Хўпми?
- Хўп.

...Мана шундай асаббузарлар наинки қон босими дардини олиб келди. У буйракка тош ҳам ташлади. Бу тош томир ичида ётиб, қону сув йўлинин тўсди, у ичкарида яшириниб туриб, Жўрақуловга мушт қўрсатарди: «Мен сенга кўрсатиб қўйман, сенга алам бериб, фаолиятингни эмас, қон йўлингни, тўғрироғи, ҳаётингни тўхтатаман! Мен, кичик бир тош, сенинг, юрагинг тагига жойлашиб олганман. Менинг масаламни энди бюрода кўролмайсан! Сенинг «ўз масалангни кўриб қўйман!» Бу гаплар кимнингдир товушига ўхшаб, хаста Жўрақулов қулоғига эшитилиб кетгандай бўларди. Наҳотки душманим буйрак ичига жойлашиб олган-у, мен шу наҳотдек тош қўлида ўламан! Ҳей, номард! Сен буйракдаги тош қиёфасида менга қарши курашяпсан, сен ўзинг буйракдан ўтадиган тузлардан пайдо бўлгансан! Сени олиб ташлаш шунчалар қийинми?! «Кўргилик!»— деди ўзига-ўзи Жўрақулов. Эҳтимол бу ҳам менга камдир! Жуда ҳам «кафтида кири йўқ» бўлавериш тўғри эмасга ўхшайди! Ёки бизлар, эскироқ кишилар шунаقا тарбияландикми?! Бизнинг вақтимиз бошқачароқмиди? Киши ўз айбини билса, қорни ёрилиб ўлади, дейдилар, эҳтимол биз ўзимизни ўзимиз яхши кўролмаётгандирмиз? Сабр қилиш керак, дерди баъзан тутоқиб, жавраётган Гулжаҳон алангасига сув сепиб. Ўзининг нухси уриб, ўта

тӯғрисўз бўлиб кетган Гулжаҳон ҳам баъзан ҳа-та-тайт... қилиб кетганида, «Ҳей, ойижоним, ўзингни бос! Кўп законлашма!»—деб андак шаҳдини қайтариб, бир баҳя пастга туширади. Бир куни у Шайх Саъдийдан ҳикоят айтиб берди.

Саъдий айтган; қадим замонда бир подшоҳ қўлга тушган асирни ўлимга ҳукм этибди. Ҳаётидан умид узган асир оғзига келган сўз билан подшоҳни ҳақорат қила бошлади. Подшоҳ асирнинг тилига тушунмай, вазиридан у нима деяпти, деб сўрабди. Раҳмдил вазир: «Қаҳр-ғазабини ютиб, инсонга шафқат қилган подшоҳ жаннатга киради», деган оятни ўқияпти, дебди. Подшоҳга вазирнинг сўзи ёқиб, асирни озод қилибди. Аммо бу вазирга зид бўлган иккинчи вазир: «Э, подшоҳ, вазир ёлғон сўзлади, асир оғзига келган ярамас сўзларни айтиб сизни ҳақорат қилмоқда», дебди. Подшоҳ, майли, бу ёлғон сизнинг тӯғри сўзингиздан кўра қимматлироқ дебди...

Кутилмаганда «Чағаниён» колхози партия ташкилотининг навбатдан ташқари мажлиси чақирилиб, анча йилдан бўён секретарь бўлиб ишлаб келаётган Чўтмат Чориев ҳам бекор қилиниб, ўрнига яқинда Тошкентда ўқиб келган мактаб директори Дулдулбек партташкилот секретари этиб сайланди. Янгирайком секретарининг ўзи келиб, шахсан бу мажлисга раҳбарлик қилди. Ҳанифа Бегимқулова билан Кўчқорвой акалар ҳайрон, ўзи нима бўлаяпти? Ёки энди уларнинг замони ўтиб, янгилар келяптими? Улар ҳам пахта терим машинасига қарши чиқкан «консерваторлар» бўлиб қолишдими? Яна кетмон шўрлик «халқ душмани» эълон қилинмоқдами? Кўчқорвой ака ўша вақтда ҳам бу сўзнинг маъносига тушунмай, кўз олдига консерва банкаси кела-нерган эди. У қандай қилиб консерва банкасига ўхшави мумкин, бура-ма мўйлабини қисқичбақага ўхшатишса унда бошқа гап, сал-пал маъно бўларди. Консерва банка дейиш ҳеч бир ақлга сифмайди-ку!

Орадан бир ой ўтгач, иш жиддийлашиб, Дулдулбек баъзи «қолоқроқ» бригадаларнинг партия мажлисида ҳисоботини қўйиб, ўзининг кимлигини кўрсатиб қўя бошлади. Мажлислар, комиссиялар кўпайди. Ҳисоботи қўйилган Кўчқорвой ака ҳам каловланиб қолди. Нима бўлаётганига унча тушунмасди. У ҳайрон бўлиб Ҳанифа Бегимқуловага қараган эди, раиса партия ташкилоти нима деса шуни қиласиз. Бизлар биринчи галда партия солдатларимиз, деди. Колхоздаги ўзгаришлар ҳам Райкомхон опа орқали Жўрақулов қулогига этиб турарди.

Бош невара бу йил мактабга боради. Унга Жўрақуловнинг ўзи бувисига ўхшатиб Гулчеҳра деб ном қўйган. У кўп вақт Ҳотам Жўрақулов ёнида бўларди. Бува билан бувининг эркаси, унга нисбатан бенижоя меҳр жажжи қизалоқни ўз уйидан кўра ҳам бувисиникига тортарди. У кун бўйи бува билан «жаҳоний гапларни» гаплашар, Гулжаҳон ая кетидан ҳовлига чиқса ҳовлига, ошхонага кирса ошхонага киради. Яхши ҳам шу Гулчеҳра бор экан, бува қалбидаги аламни фақат шу «дўст ва қадрдон» тарқатарди. Қизалоқ баъзан газета-журналларга боқиб, раҳбарлар ёнидан «ўртоқ Жўрақулов»ни ҳам қиди-рарди, унинг назарида, буваси энг катта раҳбарлардан эди. Опаси билан аразлашиб қолса: «Мен Пўлатова бўлмайман, Жўрақурова — бувамнинг фамилиясига ўтиб кетаман!»— деб дўқ уради. Неваранинг бор-йўғи, бутун дунёси шу бува эди. Ҳотам Жўрақулович бир куни қариганимизда биронта неварамиздан буюриб, бизга қараса, сув томизса, эҳтимол, барча нарсаларимиз унга эсдалик бўлиб қолар, райком секретарининг неварасиман деб фаҳр этар, деган гап оғзидан чиқкан эди. Гулчеҳра бувасининг ҳар бир гапига жуда эътибор бериши сабаблими, бу сўзни илиб олиб, кунлардан бир кун: «Бува, мен сизга қарайман, сув томизаман. Үлганингиздан кейин китобларингиз менга қолади-я?»— деган эди. Ҳотам Жўрақулович хахолаб кулиб

юборган. У жажжи неварарага қараб туриб: «Ҳа, албатта, ҳозир ҳам уларнинг бари сеники, қизим, аммо менга фақат сен ўзинг қарашинг керак», деган. Невара бу «ўлим» сўзининг нималигига тушумай, ниҳоятда самимий айтганини бува яхши билар эди. Бу гап юрагига ботиш у ёқда турсин, аксинча, яхши ҳам шу невара бўр экан, оғир кунларида уни ташвишлардан алаҳситиб, қалбига дармон берарди. Қора кунларимга деб баъзилардек тўплаган пул, қимматбаҳо буюмлару «фан кандидати...» деган нарсалар мана шу ёлғиз Гулчехра... эди. Яхшиям шу Гулчехра бор экан Жўрақуловлар хонадонига андуҳ киролмади. Аммо Ҳотам Жўрақуловичнинг кўз олдидан Тойлоқов башараси кетмасди. Шоирнинг «Муштум» журналида босилган шеъри унинг дилида ётган гапни топгандай, бу шеър ўша башарани фош этгандай бўларди:

Менга доим куч беринг, аммо
Сиз юзага чиқманг, Илдизсиз!
Мен ўзимни қиласай таманно,
Тўғри, Япроқ курийди сизсиз...

Сиздан қудрат олишни ўйлаб,
Қўёшдан нур эмаман, иш шу...
Сарин елга теккизаман лаб,
Ёқмаганга чанг соламан — ҳарб!
Зафарим-ла тугар олишув.

Ҳа, баъзида эркаликлар кўп —
Бу иш юртда қимматга тушар.

Ўз фойдамга кулоқ динг, обрў
Сизлар билан бўлади ҳашар...

Сиз тупроқдан ҳеч чиқманг дейман,
Мен жамолман, кўзларим сузук.
Сиз нени есангиз, мен ҳам шуни ейман,
Ва, умуман иштаҳам тузук...

Куз Япроғи — ўтмас танганинг
Керилиши бормади кўнга,
Чирт узилди, қўшилди чўлга...
Омон бўлинг чуқур илдизлар,
Омон бўсинг, Илдизвой, танинг!

XXXV боб

Ишқида...

(БИРИНЧИ ҚИТОБГА ХОТИМА)

Ўшанда, акасининг милицияга тушиб қолиши сабаби билан Тошкентга келган сурхонлик қорамағиз қиз Ҳумоюнга ёқиб қолган эди. Унинг юзида қандайдир бир сирли жозиба, илиқлик бор, кишига қараганда лаблари, кўзлари жуда чиройли бўлиб кетарди. Киши беихтиёр унга тикилади. Хижолат қилиб бўлеа ҳам яна қарагиси келарди. Ўзининг шу сирли жозибасидан ўзи ҳам уялинқираб, безовталаниб тикилаётган кўзлардан сақланар, дарҳол бошқа ёққа қаради. Кишини алаҳситарди. Тошкентда шунча қизлар, жувонлар ичидан Онахондай бир дилбар қизни учратмаганига Ҳумоюннинг ўзи ҳам ҳайрон. Тошкентда наҳотки чиройли қизлар кам бўлса? Кейинги йигирма йил ичida Тошкент оналари нуқул чиройли қиз туғаётгандай, кўчаларда беқиёс гўзал қизлар шу даражада кўпки, уларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Лекин Сурхон қизи Ҳумоюннинг юрагини жиз этиб куйдирди. У ўша кунлари бу ҳақда Онахонга имо-ишора ҳам қила олмаган эди. Бу гапни айтишга журъат этолмади. Ҳадди сиғмай тортинган. Ҳазил-мутойиба тарзида ҳам бир гап айтилмади. Негадир бу қорамағиз қизнинг салобати босди. У қайсиdir бир ҳинд раққосасига жуда ўхшашиб кетарди. Атай бир баҳона билан унинг қўйини ушламоқчи ҳам бўлди. Бу ҳам бўлмади. Хуллас, ҳеч гап бўлмади-ю, юраги куйганча қолди. Кейинги уч йил ичida у сўфи бўлиб, жим юргани ҳам йўқ, бошқа йигитлар шу ёшда нима иш қилса, у ҳам бу ишни қилиб юрди.

Ҳумоюн хизматдан келиб, икки кафти боши орқасида, диванда

чалқанча ётиб хаёл сурарди. Ўша куни Онахон унга бир нимани ишора қилгандек, ўткир қарашлари билан бир нимани айтмоқчи бўлаётгандай туулган эди. Ёки унинг ўзига шундай кўринганмикан? Эҳтимол, у ҳеч нима демаётгандир. Эҳтимол, бу кўзлардаги фусун беихтиёр бир маъниони англатгандир. Лекин бари бир бу қизга ўзининг ҳам оз-моз ёққанини сезгандай бўлди. У, буваси ёнида Ҳумоюн билан бир нарсани гаплашиши, ёлғиз қолиши асло мумкин эмас эди.

Раъно вафотидан кейин биринчи бор кўнглига ёқиб, диққатини жалб этган қиз Онахон бўлди. Эртасига машинасида яна университет ётоқхонасига бориб, студент ошналаридан суриштириб, Кунтуғмишни топди. Ётоқхонада анча вақтгача у билан сұхбатлашиб ўтириди. Унинг қаршилик кўрсатганига қарамай, эллик сўм пул берди. Зарурат бўлгандага тортинмай уйга боришини айтди. Дадаси — адвокат домла билан бирпас гаплашиб ўтириб келишини ҳам маслаҳат берди. Кунтуғмиш бу гапга жуда ҳам қувонди, албатта, бориб домлага ташаккур айтишим керак, деди. Ҳумоюн Кунтуғмишдан Ҳақназар отанинг адресини сўраб, ёзиб олди. Бу, адамларга керак, деди, аслида ўзига жуда ҳам зарур эди. Ҳумоюн шу куни ёк Онахонга хат ёзди. Ҳаяжонланар, кейинги пайтда ҳаловати бузилиб, Онахон ҳақида қаттиқ ўйлай бошлагани, хаёли жойида эмаслиги уйидагиларга ҳам сезилган эди.

□

Сурхон водийсидаги «Қ» қишлоғи.

Онахон учун энг оғир кунларнинг бирида Тошкентдан, Ҳумоюн Дўстмуҳамедовдан хат келди. Конверт устига «О. Ҳақназаровага (шахсан)» деб ёзиб қўйилгани сабабли буви почталъондан олиши биланоқ Онахонни севинтираман, деб дарҳол ёнита кирди:

— Акандан хат келганга ўхшайди?

— Йўқ, бошқа одамдан,— деди ётган жойида конвертга тикилган Онахон,— бир танишимдан.— У конвертни оча бошлади.

— Аканг тинчмикан?

— Ҳа, тинчлар,— Онахон бувининг ҳадеб савол бераётганини ёқтирамай, хатни ичидা ўқий кетди.

«Ҳурматли Онахон!

Тошкентда бўлган кунларингизда, Сиз билан танишиб, иш юзасидан учрашган вақтларимиз менда ҳеч унугиб бўлмас таассурот қолдирди. Сиз, бувангиз билан Сурхондарёга кетганингиздан кейин, бу гап Сизга эриш кўринса ҳам ёзаётиман, мен ниманидир йўқотгандай бўлиб юрибман. Менинг айбга қўшманг, бу мен учун ҳеч кутилмаган бир ҳолат. Бир неча бор акангиздан хабар олиб келдим. У кишини кўрсам Сизни кўргандек бўламан. Бошимга тушган оғир жудоликдан кейин, мен энди шундай юравераман... деган эдим. Аммо, сиз Тошкентга келиб, юрагимга ўт ёқиб кетдингиз... Бизнинг оиламиизда Сиз ҳақингизда, бувангиз ҳақида ҳамон гаплашамиз. Менинг адамлар ҳам, аямлар ҳам, қолаверса мен ўзим ҳам доимо одамлар ичидамиз, кўп кишилар билан гаплашганмиз. Лекин сизлар билан танишганимиздан жуда ҳам хурсандмиз, бизда жуда яхши таассурот қолдирдингиз. Мабодо Тошкентга йўлингиз тушса, албатта, бизникига киринг. Телеграмма берсангиз, жоним билан кутиб оламан. Сизга алоқадор ким келса ҳам хабар қилинг, албатта, ўзим кутиб оламан. Агар менга хат ёzsангиз, бошим осмонга етарди, жуда ҳам миннатдор бўлардим.

Сизга доимо сиҳат-саломатлик, баҳт, ишларингизга ривож тилайман.

Салом билан

Ҳумоюн».

Онахон хатни ўқиб бўлиб, ўйланиб қолди. Бу ҳам муҳаббат изҳор ҳилляти... Кўз олдига келган Ҳумоюн Дўстмуҳамедовнинг кўркам башараси Яхшибек Тойлоқовга ҳам, Жўмард Бойбўсновга ҳам ўхшашиб кетарди. Уларнинг учови ҳам кўркам, текис, шляпа кийиб, галстук тақадиганлардан. Бир қабиҳ нияти бор шахслар аввал мана шучдай шириңсўз, меҳрибон бўлиб, қандолат гаплар айта бошлайдилар. Бу ҳам соат сўрашга ўхшаш бир танишув методи! Наҳотки, сирти силлиқ йигитларнинг бурди бўлмаса! Сал ўтмай миси чиқса! Одамлар шу даражада тулки бўлиб кетганми? Ҳумоюн Дўстмуҳамедовнинг хатидан ҳам латта ҳиди келмоқда. Лекин бу йигит биринчи учрашгандан бошлиб олижаноблик қилди. Унинг акаси шу Дўстмуҳамедовлар бўлмаганда кесилиб кетиши ҳам мумкин эди. Улар, дарҳақиқат, яхшилик қилишди. Ҳумоюннинг онаси, отаси ҳам яхши одамлар сифатида эсда қолган эди. Лекин бари бир ҳозир текис йигитларнинг ширин сўзига ишониб бўлмайди, деди ўзига-ўзи Онахон. Акасига кўрсатган яхшилиги Онахонни қисқагина хат ёзишга унади. У Ҳумоюннинг мактубини токчага ташлаб қўйди. Буваси, бувисига «Тошкентлик адвокат Дўстмуҳамедовлардан хат келганини» қисқагина айтиб қўйди, холос. Яна ўша қалин китобини — Оноре де Бальзак романини очиб, буклаб қўйган еридан ўқий бошлади. Эртасига у эски дафтарлари орасидан бир варақ йиртиб, Ҳумоюн Дўстмуҳамедовга хоҳлар-хоҳламай хат ёзди: «Ҳурматли Ҳумоюн Дўстмуҳамедов! Салом! Ёзган хатингизни олдим, бизларни эслаганингиз учун катта раҳмат! Акамларга кўрсатган яхшилигингиз ва умуман унинг ҳолидан хабар олганингиз учун ҳам ҳаммамиз номимиздан, бувамлар номидан ташаккур!

Сизга доимо сиҳат-саломатлик, ишларингизга ривож тилаб, О. Ҳақназарова».

Хатни жўнатди.

Лекин кейинги кунларда Жўмард Бойбўсновнинг бир-икки боррайкомга келиб, соатларча кўчада ғўдайиб турганини опадан эшилди. Бир куни ёмғирда бу ҳолатни ўзи ҳам иккичи қават деразасидан кўрган эди. Хизматдан қайтишда у бир неча бор Жўмардга рўпара келиб қолган, аммо Онахон уни кўрмагандек, тескари қараб ўтиб кетган эди. Ў қандайдир бир сўз айтиши учун анчадан буён Онахоннинг изидан юрарди. Онахон буни аллақачон пайқаган, аммо бунинг энди нима зарурати бор! Ҳамма иш тугади, у ваъда қилган «Боги эрам»лар поймол бўлиб кетди!.. Кейинги кунларда Жўмард Онахоннинг колхозга ишга келганини ҳам эшитиб далада пайдо бўлди. Лекин Онахон у билан мутлақо гаплашмади, учрашмасликка қатъий қарор қилган эди. Ҳа, энди бунинг нима аҳамияти бор!

□

Тошкент.

20 январь, кеч соат саккизлар... Тошкентнинг фарби-жануб осмонига қараган киши ястаниб ётган уч кунлик ой остидаги ёруғ юлдузга кўзи тушади.. Бу, эски ўзбек ҳарфи ҹ (бе)га ўхшашиб кетарди-ю, аслида Ҳумоюнга Онахоннинг чиройли лаблари остидаги якдона ҳолини эслатди. Онахондан беҳарорат мактуб олган Ҳумоюннинг тарвузи қўлтиқдан тушди. У ўйланиб қолди. Нима қилмоқ керак? Кейинги пайтларда унинг қалбида бўлаётган ўзгаришлардан на она ва на отанинг хабари бор. Улар «хонадоннинг ишонган тонги» ёлғиз ўғилнинг ўйланишини жуда ҳам исташарди. Онасининг ўша куни Онахон ҳақида: «Сурхондарёдан бўлса ҳам, жуда ёқимли қиз экан...» дегани эсида. Тошкентданми, қаердан бўлмасин ўғлининг, кимга кўнгли бўлса уни дарров олиб беришга тайёр эканини ҳам биларди. Уч йилдан сўнг қудалари томонидан садо чиқиб, агар куёвимиз хоҳласа Раъно-

нинг синглисини берамиз, Эркинга ҳам она, ҳам хола бўлади, ўғайлик қилмайди, дейишибди. Лекин Ҳумоюн буни мутлақо истамади. Унинг кўз олдида фақат Онахон ярқираб турарди.

Онахон ёзган қисқа, қуруқ хат Ҳумоюнни қаноатлантирумади. У бир турмуш қурган, болалиқ, қизга нисбатан ёши ҳам каттароқлиги кўнглидан ўтди. Мен хатда кўнглимни очиб, эҳтимол бу қизни хафа қилиб қўйган бўлиш имумкин. Дарҳақиқат, мен унинг тенги эмасман... Лекин гап бундами? Мен Сурхондарёга бораман! Уни бир кўрмай иложим йўқ, деди ўзига-ўзи Ҳумоюн. У эрта билан институтга бориб, деканатга, бундаги ўз ошнасига мурожаат этди. Беш кунга Термизга бориб келишга рухсат сўради. Тупроқшунослик бўйича илмий иши жанубий районларга ҳам боғлиқ эди. Паспорт ва командировка ҳужжатларини расмийлаптириб, эрталабки самолётга билет олди. Уйга қайтиб кела туриб, Кунтуғмиш ётоғига кирган эди, баҳтига у дарси бўлмагани сабабли каравотда китоб ўқиб ётган экан. Ҳумоюнга кўзи тушган Кунтуғмиш дик ўрнидан туриб, у билан омонлашиб, хона юқорисидаги азиз меҳмонга қўйиладиган стулни олиб келиб қўйди. Ҳумоюн Дўстмуҳамедовнинг кутилмагандаги кириб келиши уни шошириб қўйди.

— Институт иши билан Сурхондарёга кетяпман... — деди Ҳумоюн стулга ўтиаркан, — сизларнинг районингизга ҳам ўтсан керак. Бобойга айтадиган гапингиз йўқми?

— Йўқ, — деди Кунтуғмиш меҳмонга чой тайёрламоқ ниятида ўзини у ёқ-бу ёққа уриб.

— Безовта бўлманг, мен бир лаҳзага кирдим.

— Бирнас ўтиринг, гаплашамиз.

— Вақт йўқ. Аҳволлар қалай? Бизникига келаман, деб келмадингиз? Бирон нима бўлса айтинг, студентлик менинг ҳам бошимдан ўтган...

— Ҳамма нарса жойида.

— Хўп, хайр бўлмаса! Машинам ташқарида қолди. — Ўрнидан турди Ҳумоюн.

Улар хайрлашиб, ташқарига чиқишганида Кунтуғмиш сўради:

— Бизнинг адресни биласизми? Борсангиз жуда миннатдор бўлардим.

— Бувангизнинг адресларини ёзиб берган эдингиз.

— Ҳа, ўша.

— Хайр! — Ҳумоюн Кунтуғмиш билан қўл қисишиб хайрлашди-да, машинасига ўтириб, шифиллаганча жўнаб кетди.

Эртасига эрта билан самолёт вақтида учди. Қўп ўтмай у булутлар устида, Олой тоғ чўққилари тепасида етти минг метр баландда вагиллаб учиб борарди. У, Кунтуғмишга ёлғон гапиргани, «институт иши билан» эмас, Онахонни кўриш умидида кетаётганини ҳам хаёлидан ўтказди. Самолёт ойнасидан пастга қарап, пастда тусимон оқ булутлар юқорида мовий осмон. Қуёшдан бўлак ҳеч нарса кўринмасди. Дида эса фақат бир одам — Онахон. Етти минг метр баландда, кўз олдида сурхонлик бир қорамагиз қиз турар, у ўша томон ҳайқириб борарди. Агар унинг бағри ёниб, булутлар устидан учётганини Онахон билса эди. У ахир Онахонни севиб қолди, севги ёмон нарса, севги билан ўйнашиб бўлмайди, дерди чайқалиб, баъзан ташлаб-ташлаб юбориб учётган самолёт креслосини маҳкам ушлаб, баъзи чиройли қизлар буни сезишимайди, ҳамма хушомад қиласвериб, ўрганиб қолишган, наҳотки Онахон ҳам менинг муҳаббатимни инкор этиб, ҳайдаб юборса. Наҳотки у мен билан гаплашишни истамаса? Лол бўлиб, бир замбил гўшт бўлиб қайтиб келаманми, деди ўзига-ўзи. Термизга тушибоқ, меҳмонхонага жойлашиб олиб кейин биронта машина ёки автобусда

«Чаганиён» колхозига боришни, отаси бериб юборган совға-саломни Ҳақназар отага топширишни ўйлади.

Бир ярим соатлардан кейин самолёт Термиз иэропортига қўнди. Ҳумоюн катта ва семиз портфелини кўтариб одамлар орасида қатор бўлиб, самолёт зиналаридан ерга тушди. У бир неча қадам юрмасданоқ бу ерга келган баланд бўйли кекса бир одам йўлини тўсди.

— Ассалому алайкўм! Хуш келибсиз!— Ҳақназар ота Ҳумоюнга қучоқ очди.— Домла саломатмилар? Уй ичингиз яхшими?

— Салом алайкўм!— Ҳайрон бўлиб қолган Ҳумоюн қўлидаги оғир портфелни ерга қўйиб, ота билан қучоқлашиб омонлаша кетди.

— Салом!— шу лаҳза ота ёнида турган Онахон табассум билан қўл узатди. Ҳумоюн Онахонни сёзмай қолибди.

— Салом алайкўм!— Ҳумоюн қип-қизариб кетди. У ҳеч бундай бўлишини ўйламаган эди. Онахонни кўриб гапидан янгилишиб қолди.

— Яхши учдингизми, Ҳумоюн Фаррухович?— Онахон унга ширин бир қарашиб билан илтифот кўрсатди.

Бу тушми, ўнг? Ҳумоюн ўзида йўқ шод.

— Жуда яхши. Негадир самолёт жуда текис учди. (Аслида бундай бўлмаган эди). Ҳаво яхшилигиданми.

— Биз томонга текис учади — деди Ҳақназар ота,— сал-пाल Бой-сун тоғлари тепасида лопиллайди, холос. Тошкентлар тинчми? Ҳамма соғ-саломатми?

— Яхши,— деди Ҳумоюн,— институт иши билан Термизга келган эдим. Кунтуғмишжондан салом, ўқишилари жуда яхши.

— Биз ундан телеграмма олдик.. Жуда яхши қилибсиз Сурхондарёга келиб, — деди Ҳақназар ота.

Улар аэропорtdан чиқиб, ташқарида турган «Москвич»га тушишти. Ҳумоюн ҳижолат бўларди. Машина орқасига Ҳақназар ота билан Ҳумоюн ўтиришди. Рулда Онахон. Машина физиллаганча жўнаб кетди. Далалар оша учиб боришарди, икки томонда кенг чорси карталар чарх айланаб қоларди. Шаҳардан улар яна далага чиқиб, ярим соатча йўл юришгач, Ҳумоюн отага мурожаат этди.

— Термиз шунаقا узоқми? Мен аэропорт Термиз шаҳри ёнгинасида, деб эшитган эдим.

— Ўғлим, Термиз қолиб кетди,— деди Ҳақназар ота,— колхозга, бизнекига кетяпмиз. Сурхондарёга келибсиз, биз сизни меҳмонхонага ташлаб қўймаймиз. Домла ҳам, сиз ҳам яхши одамлар экансиз, биз энди сизлар билан қадрдон бўлиб қолдик.

— Ташаккур! Лекин менинг ишларим...

— Мана шу машина Сизнинг ихтиёрингизда... Колхоздан Термиз ярим соатлик йўл, ўғлим. Ҳар ҷанча ишингиз бўлса қилаверасиз.

Кўп ўтмай, машина қишлоққа кирди. Каттакон бир дарвоза ёнида тўхтаб, ичкарига киришди. Уйда ўтирган икки киши дарҳол ҳовлига чиқиб, меҳмонни кутиб олишиди. Сурхон таомилича, ота қўл очиб Ҳумоюн рухсатини кутди. Қейин қўлларини юзига яқин тутиб, фотиҳа қилиб, бир йигитга ишора қилди, ҳовли четида тайёр турган бўрдоқи шу лаҳза сўйилди. Ота Ҳумоюн ва бошқа бунда кутиб турган кишилар чиройли бир хонага киришди, столга дастурхон ёзилиб, яхшигина тайёргарлик кўрилган эди. Онахон Ҳумоюнга худди ўз оғасидек яқин, тортинмай, меҳрибонлик кўрсата бошлади. Расмий-хат ва уни қамраган ишончсизлик ҳаёллари бекор чиқди. Бу дилбар қиз Ҳумоюндан ўзини унча тортгани йўқ, қадрдон кишисидек атрофида парвона бўла бошлади.

Зиёфат яхши ўтди. Қечқурун энг яхши хонага унга жой қилиб беришди.

Эртасига Онахон Ҳумоюнни машинада Термизга олиб тушди. У

ёлғонни сездирмаслик учун селекция ва уруғчилик тажриба станцияси-га, бу ердаги илмий ходимлар, (аниқроғи, профессор Истоминни танир-ди) ғнига шунчаки кириб чиқди. Онахонни атай машинада қолдирди. Үндан кейин иши бўлмаса ҳам обкомга кириб чиқди, бир инструктор таниши бор эди. Шу куни Ҳумоюннинг «ҳамма ишлари битди», Тер-мизда қиласиган бошқа иши қолмагани сабабли йўл-йўлакай самолёт-га билет ҳам олди. Улар қишлоққа қайтишаётганда, гарчи совуқ, томоша қиласиган ер бўлмаса ҳам, Онахон уни йўл-йўлакай кўл бўйига олиб борди. Олис-олиседа Бойбўсиновларнинг коттеджи оқариб кўриниб туради. Тепаликлар, боғлар... Шу яшил тепаликларда Онахон Жўмард билан бирга юрган эди... Бари-бари унинг хаёлидан ўтди. Ҳамма йигитлар ҳам шундай номардмикан, деди у ичида. Рўпарасида турган Ҳумбюнга тикилиб қараб қўйди. Бу одамнинг қилган яхшилиги учун унга албатта илтифот кўрсатиши керак. Лекин бу одамнинг Тер-мизда қиласиган иши йўқроққа ўхшаганини пайқаб, ҳайрон бўлди. Бу ҳам фирибгар эмасмикан? Бир балоси бўлмаса, шудгорда... Онахон, яна ўйланиб қолди.

— Мен сизга бир гапни айтмоқчиман,— деди Ҳумоюн Онахонга тикилиб, тўсатдан,— айбга қўшмайсиз...

Онахон унга ялт этиб қаради:

— Марҳамат.

— Менинг хатимга жуда расмий жавоб қилдингиз? Эътибор бе-риб ўқидингизми?

— Ҳа.

Улар иккови бир лаҳза жим бўлиб қолишиди. Ҳамма гап Онахонга маълум, унинг Термизда ҳеч қандай иши йўқ, у атай Онахон учун бу томонларга келганини фаҳмлаб, қизарib кетди.

— Хатингизни ўқиб, ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Отамлар ҳам жуда хурсанд бўлдилар,— деди атай ҳеч нима билмагандай Онахон,— адани-гизлар ҳақида бувамда жуда катта таассурот қолган. Кўп эслаб тура-дилар. Сиз ўзингиз ҳам олижаноб йигит экансиз...

— Гап унда эмас,— деди Ҳумоюн яна Онахон кўзларига тики-либ,— мен сизни яхши кўраман... Мен... Агар оз-моз мен сизга ёқсан, тақдирларимиз бирлашса...

Онахон ерга қаради. Нима деб жавоб қилишини ҳам билмасди.

Биринчи китоб тамом.

1976—1980 йиллар,
Тошкент.

Рамз Бобожон

Юсуф ва Зулайх ёки оға-иҳиза ё амобади

ДРАМАТИК ПОЭМА¹

Учинчи боб

1

Тимсоҳлар макони —

қора оролда
Юрга даҳшат солиб турарди
зиндон.
Бир вақтлар кўрарди Юсуф хаёлда,
Энди ўз уйидай ўнгига аён...
Вақт ўтар бепарво,

борлиқдан нари
Чекинаётгандай узлат тубига.
Бемордай судралиб, елдай сарсари
Иниллар асрлар аср уфқига...
Фиръавн тож кийди, Юсуф ўлимга
Хўкм қилинган кун —

ўша машъум кун...
Бахт кулиб,
илинди афви умумга —

Зиндоннинг бурчидан
берилди ўрин.

Шукур қилар эди бунга ҳам...
Ойнинг
Ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ!
Писанд қилмас

эди зиндондай жойни,

Зотан,
юрагида кундўзи ёниқ...

Зиндон ичи тундай,
узлуксиз тундай,
Занжир шилдираши янгради
фақат,
Одамлар сиёқи қоп-қора мумдай,
Бўғиқ товушларда
бордай бир тоқат.
Бу ерга тушдингми ўла-ўлгунча
Азоб-үқубатда умринг ўтади
Эвоҳ!

Сабр-косанг тошиб
тўлгунча
Зулмат аждаҳоси сени ютади!
На аянч,
на умид,
на алдов,
на дўқ,

На бир ёлбориш-ла
қисқармас муддат!
Багринени поралаб ўтса олчоқ ўқ,
Эҳтимол, шу ўзи олий бир ҳиммат!
Ҳамманинг ҳуқуқи бунда баробар,
Кисмати қарғалган кексами-ёши?!

¹ Давоми. Боши журналнинг 1—2-сонларида.

Имонини ютган серпул савдогар,
Қўлин тиёлмаган юраги тошими?!
Фарзандлик бурчини унуган ўғил,
Ҳису туғулардан ишроқ дилозор;
Қарзин тўлолмаган бечора

қарэдор,
Олифта, хушбичим, карми ё сўқир,
Омади келмаган руҳонийгача;
Муттаҳам, текинхўр,

товламачи ҳам,

Панд берган саройнинг аъёнигача
Ҳаммаси шу ерда ётар жамулжам,
Ҳайҳот!

Сув тагига чўккан
лойқадай!..

Инсонликдан олис,

махлуқ мисоли...

Ҳеч ким хошиши-ла келмаган атай,
Лекин кетишига ҳам йўқдай

мажоли...

Ўз тақдирига тан бергандай Юсуф
Тишни тишига қўйиб,

сақларди сукут,

Яхши соатларни соғиниб, кутуб,
Кўз тутар,

кошикийди тарқалса
булут!

Қон қиқшаган кунин

эслаб кетди у,

Оғилар қўлида ўлай деганин...

Кошки, яширолса ундаги туғыу

Маломат тагига калтак еганин...

Начора! Ўхшайди бири-бирига,

Энди бу қудуқмас,

қудуқдан баттар!

Кошки, кўнниколса зиндан тилига,

Фарқи йўқ, Юсуфга,

кундузму-саҳар!

Жаҳаннам қўйнида

ҳис қилар ўзин...

Ўзга кулфатига бўлгандаи шерик,

Ҳеч кимдан аямас эди дил сўзи,

Ўзи ҳам билмасди ўликми-тирик?!

Ҳасратин айтмасди ҳеч кимга,

аммо

Ўзгаларнинг дарди қаричма-қарич

Юрагига кириб борарди гўё

Ўзининг қинига тушгандай қилич...

Бешафқат,

илоҳисиз,

бундай идрокни

У ўзи-ўзида ҳис этди аранг.

Оёқ-ости қилмай покиза хокни,

Кўзига суртгуладай асаблар таранг...

Ўзганинг дардини эшиждими, бас,

Унга дардкаш,

дардман бўлиб қоларди.
Қалбини очарди мисоли қафас,
Қалбига қалби-ла қулоқ соларди.
Бу ҳол тақрорланар эди неча бор,
Сўқмоқдан ўтарди

бағри кенг йўлга.

Ўзгалар қалбига киради зинҳор,
Қора тақдирини оларди қўлга,
Тиниқлик нурига

чайгудай бўлиб...

Ўзгалар дардиди билмасди ором,
Ўзгага ўз қалбин этарди инъом;

Ҳаяжон,

изтироб ҳиссига тўлиб...

У билан дардлашган тортарди
енгил,

Кунлар ўтар-ўтмас бўлди-ку аён!

Ўйлашга ҳожат йўқ! Қани бир
шингили.

Юсуфдан эшийтсанг, ёруғдай
зиндан!

Ҳамма нарса унга дил кўзгусида,
Парнипар,

ярқирар қоққудай қанот...

Тортоб кўр,

аклининг тарозусида

Қайси бири вазмин —
ҳаётми, мамот?!

2

Зиндан кечалари туш гирдобида .

Баъзан бир синоат бўлур намоён:

Унугилган севги оби-тобида —

Яна яқинлашар, кўтарар түфён —

Қулоғ урган майсазор,
унут бир баҳор,

Оёғинг остида ястанган ўтлоқ...

Чўчиб уйғонасан тонготар,
наҳор,

Эслолмайсан энди,

у яна ишроқ.

Балки бу туш эмас,

ҳисобга кирмас,

Баъзан тушлар тушга уланиб
кетар —

Кўзингга ер бўлиб кўринган ермас,

Олға юрай десанг,

орқага кетар...

Баъзан туш деганинг
ўнгингдай худди

Ҳамма нарса аниқ-таниқ кўринар.

Ўйлаисан ўзингча, йўқдай ҳудуди.

Туш десанг,

қуши каби учиб уринар...

Кун бўйи ёдингда сақлаб юрасан,

То унут бўлгунча ўйлайсан:
Баъзан тошдай қотиб, не сир?...
Хаёл қопқонига тушгандаи асир...
Юсуфнинг тушига кирди Зулайҳо,
Бу қандай бадбаҳтлик!

Қандай бир даҳшат!!!
Багрида жон бериб ётғаниши, эвоҳ,
Ўнгида босмаса уни фалокат?!
Муҳаббат дунёдан ўтдими, наҳот?!
Мангуга сўндими оловли түйғу?
Меҳру муҳаббатга борми бир
наҳот
Е унга насибми фақат дард, қайғу?
Юсуф ўз тушини ўзи ечолмас,
Зинданнинг қаърида ҳайрондир-ҳайрон!..
Тушига муносиб бир тўн бичолмас.
Ўтган кунлар, энди, армондир-армон!
Наҳот,
бир ошиқдай яшайолмади,
Беҳуда кетдими, қалб ҳарорати?!
Иғво чангалидан бўшай олмади,
Ҳамон тақдираиди туш каромати...
Холбуки, зинданда ёруғ бир юлдуз,
Қайси туш ташланмас
унинг ҳукмига!
Тиниқ нигоҳида тун худди кундуз,
Кулогин тутарди вақт оқимига...
Енгил ечар эди туш жумбогини,
Қойил-мақом қилиб, таъбирини
ҳам...
Жавобсиз қолдирмас жон сўроғини,
Беморнинг дардига
топгандаи малҳам.
Эҳтимол,
тушларда ҳаёт белгиси,
Инсон тақдирининг
рамзи акс этар...
Иифи деб билганинг,
юрак кулгуси,
Воқиа устма-уст қалашиб кетар.
Барини кузатиб улгуролмайсан,
Ҳаммаси сиғмайди хотирангга ҳам.
Кемтик ери бўлса тўлдиролмайсан,
Олов бермагандай тушда ёнган
шам!
Бир кун кириб келди Юсуф қошига
Тинкаси қуриган қоқ суяқ бир чол.
Ўзи шинонмасди ўзин ёшига,
Асаби қақшаган,

бемадор, беҳол...
Аммо, руҳан тетик кўринарди у,
Ўзини тутарди гўёки бардам.
Холбуки мусибат, азоб ва қайғу
Қабр тоши каби босиб турса ҳам!

Ч О Л

Дерлар,
туш таъбирин айтар эмишсан,
Фаройиб бир рўё кўрдим бу кеча.
Ақлим бовар қилмас, нима экан у?
Кўмагингга муҳтоҷ
бўлиб келдим мен!..

Ю С У Ф

Е раббим!
Таъбири бу, ҳамиша қалтис,
Тингламоққа сабру ироди керак...
Чол сўзи түйғуга туртгудай бўлиб,
Юсуфнинг қўнглига солди ҳаяжон.
Бир нафас хаёлга кетди кўмилиб,
Қалбда уйғонгандай
мудраган армон.

Ч О Л

Туш кўрдим...
Тушимда борар эмишман
Мурдалар шаҳрида тобут оралаб.
Ногоҳ кўриб қолдим,
менинг йўлимда —
Пайдо бўлган каби
бир қора нарса...
Яқин бордим унга...
Кўмилмай қолган
Бир одам ўлиги ётарди шунда!
Менда на бир қўрқув,
на жирканч,
ҳазар!

Гўё ўша мурда ўзим эмишман...
Бу, қандай ҳол, эвоҳ!
Тангрига аён...
Қанот товушлари янгради бирдан,
Боқсам,
оқ кабутар бир учиб қўнди
Бояги ўликнинг устига...
Аммо
Уйғонсам, туш экан,
чўчишим,
қўрқдим,
Суратдай ўрнашиб қолди хаёлга,
Ўнутай десам ҳам, унугтолмайман!
Юсуф сезар эди чол авзоидан,
Сўнгги мадори
ҳам қуриб битарди...
Қимир этмаганча турган жойидан
Мангулик қўлига шўнгиг бетарди...

Аммо вужудида яшарди ҳамон
Сабру бардош,
Умид,
ишионч туйғуси.
Ешлик баҳтсиз ўтган,
кеексалик —
армон,
Дунёни тутгудай дарду қайғуси...

Ю С У Ф

Хўп ажойиб бир туши кўрибсиз,
отам,
Унинг таъбирига ҳожат йўқ
балки.
Онт ичиб айтаман,
зиндандан чиқиб,
Эркин қушдай парвоз этиб кетасиз!
Чолнинг кўзларида барқ урди зиё,
Илк бор эшистилди
бундай хуши хабар.
Суюниб кетгандан чиқмасди садо,
Юсуфга ташларди сирли бир
наазар...
Тўсатдан рўй берди ажиб ҳодиса,
Рўпара келгандай ажойиб баҳтга.
Ўни ўйқлатганмиши фиғъави эса,
Ташриф буюрсин деб саройга,
таҳтга.
Элга ошкор бўлди қуввати таъбири,
Энди зиндан эмас, юртга овоза...
Чолга Юсуф гўё кўринди ҳизир,
Лекин ўқилгани бўлди жаноза.
Ҳайҳот!
Юлдуз кўрмай жон берди
шўрлик,
Қувонч сиғмагандай ўксик қалбига.
Зинданни тарқ этмай туриб,
кўргулик,
Кимдир сув томизди чанқоқ
лабига!..

3

Таъбиркорлик ўзи ноёб фазилат,
Гарчи таъбирларнинг ўйқидир
саноги.
Лекин
тан олишга лөйиқ бир
хислат,
Ҳар қалай,
кўнгилнинг ёниқ ҷароғи...
Фолбин фол очади,
ромчи ром кўрар,
Мунажжим юлдузни олар
мўлжалга—

Шаку шубҳалардан ҳақгўйлик
сўрар,
Тириклик юзма-юз келар ажалга.
Ақлу фаросат-ла вақту ҳолатни,
Қалтис вазиятни ҳисобга олиб,
Лак-лак важу карсон,
не далолатни
Мисол келтиради ўртага солиб...
Лекин,
ҳали ҳеч ким аниқ ва таниқ
Айтиб беролмаган истиқбол сирин,
Баъзан тўғри келган тахмин,
тасодиғ,
Баъзан сирлигича қолган яширин!
Баъзан тасодиғга бўламиз хурсанд,
Баъзан қон-қон ииғлаб,
тўқамиз кўз-ёш...
Инсон тақдирни —
бу, наҳотки бепанд,
Каромат кўрсатган тушга эгса
бош?!
Наҳотки,
осмонга оғзини очган,
Сўнгани,
қақшаб ётган вулқон бўлса,
у?!
Йўқ!
Инсон уруғин умид-ла сочган...
Наҳотки,
барқ уриб унмаса орзу?!
Ўз тақдирин ўзи яратар,
демак,
Келажак инсоннинг кўз-қароғида...
Ўз кучи ўзида,
жўши урап юрак,
Виждони ҳамиша вақт синоғида!..
Ана шу синоғда адашмаса, бас!
Сўроққа жавоб ҳам беши қўлдай
аён...
Бир ёнда адолат,
бир ёнда гараз,
Йўлчининг ўйлига қўйгудай
қопқон...
Мабодо адашсанг,
йўлчи,
йўлма-йўл
Ортга боқ,
ортингда чуваланган из
Аччиқ тажрибадай
балки келар қўл,
Дараҳт тупига куч бергандаи
илдиз...
Ортга кесак отма,
қақшатиб қўйма,
У ҳали кунингга ярайди, ярап...
Менинг фаразимни гаразга ўйма!

Сенга,
истиқболга умид-ла қарар...
Үтмиш
ва келажак бир бутун
тошдай,
Бири иккинчисин этолмас инкор.
Келажаксиз үтмиш вұжуда
бошдай,
Үтмишсиз келажак беҳуда,
бекор!
Баҳс ҳали бошланмай тұгады гүё,
Үринли бўлдими саволга жавоб?!
Зулматли йўлларга тушдими зиё,
Ташнага кўрингган сувми ё сароб?!
Олис-олисликлар йўлчига аён,
Лекин
оёқ остин кўрмас шабкўрдай.
Ўз тақдирин ўзи билмас,
нотовон,
Ўзга тақдирига келганда
зўрдай.
Начора! Ўйиндай кўринар ҳаёт,
Кўз олдида пайдо
бўлмиш бир чизик...
Йўл деса йўл эмас,
қоқолмас қанот,
Нигоҳини туман босғандай...
Қизик!
Кўзгу хираланар...
кўрқинч ва умид...
Аниқ кўринмайди ўзи-ўзига!
Омадми, фалокат?!
Бир-бирига зид,
Тасодиф кўринса, кошки кўзига!
О, олтин тасодиф!
Эпчилга эпсан,
Юлдузни бенарвон ургандай
биров...
Беҳаё,
бедаво аёлга сепсан,
Қиморбоз ютгандай
бойлашиб гаров!
Бирор қўлдан иши олишга уста,
Бошиқа бирор эса оғзингдан ошини!
Доғули товланар
минг бир хил тусда,
Шахсият йўлида егудай бошни!
Терандай кўринса саёз бир қудук,
Наҳотки фаҳмига етмас тафаккур!
Ёқамни тутмасдан, наилай,
мунофиқ
Ўпич берив, яна айтса ташаккур!
Замон тақдирида ажид савдолар,
Ва ажаб гавғолар беҳисоб жуда.
Таъбирга муҳтождай талаи рўёлар

Кафтнинг чизиғига, боқма,
беҳуда!
О, Фиръавн туши кўрмииш...
Шартми, ўқувчиим,
Яна узр айтиши,
яна ўтиниш!..
Ҳижолатдан пишиб кетди-ку ишим,
Наҳотки,
ўтмишга керак ўкиниш!
Аста-секин бари бўлади аниқ,
Бариси тушади жойи-жойига.
Тугунлар ечишлар,
ташибеҳлар ёниқ,
Жаҳолат ииқилар идрок пойига.
Баъзи бир ислоҳлар,
.иловалар ҳам
Яна керак бўлса топилар балки...
Қоғия деганинг ғарам ва ғарам,
Ўринсиз ишлатиб бўлмасам,
кулки!
Бурчак-бурчакларда ичгандай оғу
Ҳасад. ўти билан ким куйса ҳамон
Тарих сабоғидан бебаҳрами у?
Йўқ!
Ҳали тарихни танимай нодон,
Тарихий қаҳрамон бўлгудай ўзи;
Ривоят сатридан ҳатлаб ҳаётга...
Сохталиқдан ҳазар қилмас, лўқ
кўзи,
Замону заминни қўйиб иснодга!
Мана,
энди, билсам қолмади фарқи:
Кекса афсона ё йигитдай достон.
Балки,
қадим үтмиш буғуннинг
шарҳи,
Балки,
ташибеҳларда яшарар замон!
Зеро кўнгил ҳуши ривоят эмас,
Воқиа мазмуни,
хуолоса мағзи!
Ким кимга душману,
ким кимдан араз.
Кимни ким севади,
ким кимдан рози –
Ҳаммаси қоришиб кетгандай,
қаранг,
Ҳатто манзиллари,
кунлар ва шахслар...
Уларга чап берив, ўтаман аранг,
Ортда қолиб кетар,
эҳтимол, баҳслар...
Янги сўқмоқлардан елиб бораман,
Яна чорраҳалар,
яна катта йўл!
Янги мэрраларни мўлжал оламан,

Яна ўша ўнгу, яна ўша сўл...
 Яна ўша ғазаб,
 ўша мұхаббат,
 Ошиқу маъшуқлар
 бошқа бўлса ҳам...
 Шоҳ эмас, президент —
 аркони давлат
 Бир имо қилдими,
 яна жаҳаннам!
 Ким билсин, гўзалми
 бадбашара ё?!
Инсон
 инсонлигин эслай олмайди...
 Тарих ўргатгани шудир доимо,
 Хеч ким
 бу сабоғдан четда қолмайди!
 Хаёл жиловини қўйсанг бир нафас
 Яна хотирангга тушар ўша тун —
 Ойдинда юз берган
 қора бир ғараз,
Имондан қўрқмаган
 фитнадай ўйин.
 Бунга сен на қўшиб, чата оласан,
 Ҳатто қиломайсан салгина таҳрир!
 Мабодо урунсанг, гапга қоласан,
 Лекин,
 инсофсизга этмайди таъсир...
 Оға инисини сотса, не ажаб!
 Сотиб бир нималик бўлдими ё
 йўқ?!

Бундай юзсизликка бўларми чидаబ?
Кошкӣди,
 қадалса юракларга ўқ!
 Ҳамон такрорланар,
 яна қайда денг,
Номин айтсам, агар,
 ҳаммага маълум...
Ўз уйидан нари —
 енг ичида енг,
Пичоқ берди,
 ҳайҳот! Малъунга малъун...
Гарчи,
 хулосаси янгилик эмас,
(Асли ўйлагандан кўра
 ҳам баттар!)

Лекин,
 ески гап деб қилинса фараҳ,
 Алданиб қолишдан ҳазар,
 алҳазар!
Қиссадан ҳиссага келганда,
 ҳатто
 Масал қаҳрамони жониворлар ҳам,
 Ростликка ўзини этгандай фидо
 Сохта бўйёкларга беради барҳам!
 Коса тагидаги ним косани,
 ким,

Эвоҳ,
 кўрмаса гар,
 кўрсинг ўзидан!
 Фаҳму фаросатсиз мансабдорлар
 жим,
 Латта иси келар бебурд сўзидан...
 Ҳақли этироzlар бесон-бесаноқ,
 Мисоллар келтириши мумкин
 бир талай —
 Оға ўз инисин сотса-ю,
 бироқ
 Ўзи гадо қолса,
 не дейсиз,
 қалай?!

4

Фиръави ҳукмрон бўлган мамлакат
 Овозаси етди етти иқлимга...
 Үзин танҳо билиб аркони давлат
 Ҳалолликни қўшиб чекди чилимга.
 Юртдам юз ўғирди файзу барака,
 Қўри-қут қолмади омборларда ҳам.
 Салтанат томидан ўтгандай чакка
 Кечак-ю-кундузи чакилларди ғам...
 Йиллар ўтган сайин кетарди путур,
 Серҳосил далалар боқар ҳувиллаб.
 Ҳатто табиатнинг юзида ҷўтири,
 Торғу тош

йиртқичдай турар
 увуллаб...
Тўқчилик,
 мўлчилик элнинг кўзидан
 Ўзини яширди, азиз тутгандай.
 Ҳарорат туйғуси қочиб юзидан,
 Совуқ бир аждаҳо уни ютгандай...
 Фиръави бошида омонатдай тоҷ,
 Ёҳу!

Нон ўрнига кесак фириллар...
 Тобора ошарди солиқ ва ҳирож,
 Азёнлар уйма-үй итдай ириллар...
 Дон-дун эвазига келарди мармар,
 Нодир нақшин ёғоч,
 шоҳи ва гилам,
 Олтин зеби зийнат,
 ёқут, кумуш-зар,
 Ялмоғиздай оғзин очарди ҳарам...
 Фиръави сўрарди оламнинг ярмин,
 Яна ярмин олиш —
 нор
 эзгу бир армон...
 Бир тотиб кўрди-ю, истило таъмин,
 Тинмади
 даҳага кирган қуртсимон.
 Жаҳонгирилик ўти куйдирди уни,
 Ўзи ҳам айрилди бори-йўғидан...

Ўзга тупроқларга тушди учқуни,
Ағанга олгандағы гараз чўғидан.
Ғалаба устигағ ғалаба қилди,
Баъзан ҳориб қайтди
оғир жанглардан.
Баъзан гангіб қолди,
баъзан сиқилди,
Еруғлик кутгандағы
нурсиз тонглардан.
Харжлар ошиб кетди ўйлагандан
ҳам.
Даромад қуриди қурдум дарёдай.
Баҳона бўлса бас,
ҳар кун бир байрам,
Фиръавн ҳис қилар ўзин худодай.
Шўрлик дехқонларни
шилдирап янан...
Яна,
яна буғдоий?..
Буғдоий йўқ аммо!
Воажаб!
Оч ўйда нечун тантана,
Фиръавн шаънига олқиши ва дую...
Бир вақтлар
бадавлат бўлган бу
ўлка
Энди тубанликка тутган каби юз.
Бошида нур эмас қора кўланка,
Кўлида чўф, балки, юрагида муз...
Ҳексалик мұхрини босган ажинлар
Кошки,
пардоз билан бўлса саддипок,
Рангу бўйеклардан ёриса тунлар,
Вайронна юзида жилоланса хок.
Қалбин қиймаларди
чархланган ташвиши,
Қуруқ сўз қулоққа келарди малол.
Үйма-үй юрарди шум қадам
миш-миш,
Коришиб кетгандаи ҳарому ҳалол!
Дабдабалар
ҳамон этарди давом,
Мукофот устига яна мукофот,
Инъомлар устига берилар инъом,
Саройда туну кун меҳмон,
зиефат...
Саркардалар кўкси нишонга тўла,
Руҳоний боболар бўйнида зиннор...
Очкўздан Фиръавн ўзи бир йўла
Бир сандиқ ёрлиқни таққанди
қатор.
Ҳар кун амру фармон
минг-минглаб буйруқ,
Яна дўмбиralар овози баланд.
Сарой азёнлари ўйнатар қўйруқ,

Фиръавн наздида ноёб бир талант...
Бири лашкарбоши, қиличи қонли,
Бири қози калон амру фармонли,
Бири лаганбардор вазири аззам,
Бири кўшик оғаси —
липиллаган шаъм!..
Деҳқон омочини судрарди ҳамон,
Ранѓда ранг қолмаган,
қорни эса оч...
Хазина бўшаган, нурсиз бир ошён,
Фақат ялтиради таҳтда олтин
тож!
Одамнинг одамга йўқ эди қадри
Бир нима чиқмаса эски ҳамёндан.
Бурнига ургандай поранинг атри
Каппа-каппа оғзин очарди тонгдан.
Сув ўғириб ичар пулнинг бошидан,
Мансаб курсисида қўнқайган нодон,
Имон қочган бўлса,
бор-ку жигилдон?!
Ҳатто, ҳазар қилмас сағир
ошидан...
Сув келтирган хор-зор,
кўза синдириган —
Азиз кўринарди унинг кўзига...
Ўз ризқи рўзини ердан ундириган,
Наҳотки, сиғмаса ернинг юзига?!!...
Катта давлат эди —
катта бир рўзфор,
Бир ёғи бут бўлса,
бир ёғи кемтиқ...
Ботмон-ботмон дон-дун,
лекин нонга зор,
Шону шуҳратида йўқдай
бир мантиқ...
Бу, қандай соҳталик,
қандай қабоҳат!
Фиръавн бир чўқиб, ўн қарар,
халак...
Юзини ўғирди файзу фароғат,
Наҳотки,
тинч оқар Нили муборак!
Асрий дабдабалар гангитди балки,
Балки бақатерак чириди ичдан!
О, Фиръавн кўзлари толиқди,
салқди,
Эҳтимол қариди —
кетгандаи кучдан...
Лекин бўш келмасди,
уринарди у
Пўпанақ четига ёпишган ҳасдай...
Оқизиб кетгудай оқар эди сув,
Фиръавн жонига қилинган
қасддай...
Начора! Зўр-базўр нафас олса ҳам

Эл-юрга эўрликдан ўзин тиймасди.
Ўзганинг бошига солган билан ғам,
Ўз айшу ишратин кўзи қиймасди.
Салтанат ташвиши ээди тобора,
Бир қадам кўринди нариги дунё.
Күёш қорайди-ю,

тортгандай наъра

Яширинди, уфқ тагига, эвоҳ!
Сарой аза тутди қирқ кечакундуз,
Коронгулик босди гўё ер юзин.

Балки,

юзланганда душман ўша қуз
Зафар мэррасида кўради ўзин.

Аммо

тирагандай бир нур рубоби,
Сўнгги кучларини ийқандай сарой
Марҳум ҳукмдорга меросхўр,

тобъи

Тахтга чиқди яйраб,
пойлаб ҳойнаҳои.

Лекин, англай олмас,
недан кўнгли ғаш,
Ёшликдан тушдими давлат
ташвиши?!

Вужудини гўё ёндирап оташ,
Ифво,
фисқу фужур —
сарой миши-миши!..

Холбуки,
замон ҳам безовта, бетинч!
Бундан қудратлироқ елка бўлса
ҳам,

Бу юкни кўтара олмас эди ҳеч!
Истиқбол кўринар эди жаҳаннам!

5

Фиръавн ухломас, юраги бежо,
Айни тонг отарда рўй бермииш
бу ҳол,
Бағрини эзарди сирли бир рўё,
Жулдур жумбоқларда
бир минг бир савол...
У ўзин кўрармиш дарё бўйида,
Алҳазар!

Сув оқар эмиш тескари.
Бир дараҳт қулф уриб ўсар қуйида,
Яшил барглар аро еллар сарсари...
Қўлин чўзай деса, чўза олмас ҳеч,
Нима гап?

Тушми-ўнг, ўзи ҳам билмас!
Ўнгидан кўргандек дилида илинж,
Аммо жилай деса, жойидан
жилмас!

Бирдан сув чайқалиб,
отганмииш тўлқин,
Борлиқни тутганмииш тошқин,
тўполон...

Тимқора бир қўтос шоҳ ташлаб,
нечун,

Дарёдан чиққанмииш, боқсанг,
бир ботмон...

Баҳайбат бўлса ҳам, ниҳоят ювош,
Аста йўртиб борди
кўм-кўк ўтлоққа...

Сип-силлиқ сиртида ўйнарди қўёш,
Бирин-кетин чиқди яна қирғоққа —
Етти қўтос шундай!

Кўзни олгудай —
Ҳар бири бақувват
етилган,

семиз.

Кетгуси келмасди, мангу қолгудай
Шу она тупроқда эгизак-эгиз...

Бу, қандай ҳодиса қанақа сир бу?
Яна пайдо бўлди

муҳдҳииш бир маҳлук!

Фиръавн англолмас,
кўзида қўрқув.

Беўхшов бир вужуд,
дўм эса юлуқ...

Соҳилни топтарди,
бир ўт қўймасди,

Лекин,
еган билан сира тўймасди...

Ноҳуш кўринади Нилнинг жамоли!

Наҳотки,
Узлатга чекинган толе?!

Водариф!
Ҳайратдан ёқа йиртгудай!

Дарё чайқалади,
тиграп арз-само...

Бир боқса,
қирғоққа чиқиб йўртгудай,

Дарёнинг тубидан яна бир бало...
Бирининг ортидан яна бириси —

Юғуриб еларди тўлқинни ёриб...
Суякка ёпишган эди териси

Нилнинг таг-тагида очиқиб,
ҳориб...

Ҳайҳот!
Тоқати тоқ, чайқалар дарё...

Яна бешик-бешик тўлқинлар аро
Бир жуфт жангари шоҳ чалинди

кўзга,

Буниси нақ ўзга!

Суяклари қок,
Оёқлари ҳаддан ташқари ориқ...

Яна бири чиқди ўириб чатаноқ,

Аввалгидан —

улса,
ўлиги ортиқ.

Бариси бир бўлиб, шоҳ ташлади-ю,
Семиз қўйтосларни ғажиди дарҳол.
Қанча еса,

шунча юқмасди, ёҳу!
Тобора қақшарди беҳол,
бемажол!

Фиръавн ухломас тушидан нотинч,
Саҳархез безовта,

бilmайди ором.

Ўзидан кетгандай, кела олмас ҳеч,
Кўнгли кундуз эмас,

ҳамон намозишом...

Кўз ўнгидан нари кетмайди ўтлоқ,
Вуҷудини даҳшат босаётгандай.

Хона фирда-шира,

хаёли тарқоқ.

Ўз ақлидан ўзи озаётгандай...
Кимга ҳаволадир бу, жумбоқ фоли!

Эл-юрга бергудай, у,
амру фармон.

Тонг отар сўнгандай юлдуз жамоли
Рангу рўйи ўчган,

кўнглида гумон...

Хавфдан хабар

топган ромчилар келди,
Мунажжим осмонни кузатди саҳар.

Нене алломалар югурди,
елди,

Бир туш таъбирини қилиб
минг дафтар.

Фиръавн лабини тишлаб бетоқат,
Ромчининг кўзига тикди кўзини.

Топгандай таъбири тушдан ҳаловат
Жон қулоги билан илди сўзини.

Ромчи деди унга:—

Хайрли бу туш,

Етти соҳибжамол,

бари баркамол,

Сенга маҳтал эмиш,

сенга ёр эмиш...

Йўлингда зор эмиш,

баҳтиң бор эмиш!..

Фиръавн буюорди, ромчи сўзидан

Дарғазаб бўлгандай: —

Иўқолсин дарҳол!

Ромчилар келарди ромчи изидан,
Аммо жавобини топмасди савол.

Ҳамон ҳукмдорнинг юрагида ғаш,
Гоҳи-гоҳ бош чайқаб қўярди беҳос.

Иўқ! —

дерди,— ҳамма гап бўлмагур,
чалкаш!..

Энди

кўнглида йўқ ҳеч кимга ихлос...
Ниҳоят, саройда тирик жонки

бор —

Бариси даҳшатда,

бари аламнок.

Фиръавн қаҳридан, эй парвардигор,
Ўзинг сақла,

эл-юрг бўлмасин ҳалок!

Бирдан эслаб қолди,

юради миши-миши —

Таъбири бор эмиш...

Қилинмиш зиндан...

Зориқиб кутарди қўйиб тишига тиш,
Зулматдан ёруғни кутгандай инсон!

6

Юсуфни қидириб, сўраб топдилар,
Зиндан азобидан этилди ҳалос

Саройга югуриб, елиб, чопдилар,

Тутқунга берилди олий имтиёз.

Шоҳона саройга қўйганда қадам,

Не кечди, ким билсин, ҳоли,

аҳволи

Эҳтимол, бир ёниб ўчган каби
шам!

(Найлай!

Тутқиб бермас шоир хаёли...)

Наъбра тортди, неча-неча бор тақдир,
Имон қочмаса бас,

қалб тўла виқор...

Даҳшат бўлса,

шунча бўлади, ахир,

Чўчимас!

Бир бошда бир ўлим-ку бор...

Фиръавн қошида бўлди-ю пайдо,

Кўнглида сезмади
ҳеч қандай қўрқув.

Ясанган бир гўдак ўлтирас илло...

Тушидан юзида машҳум бир туйғу.

Тожу таҳт ташвиши тушиб бошига,

Ҳали қўникиб ҳам улгурганча йўқ.

Довдираб серҳашам давлат қошида

Гўё бўлиб қолган сўнгари дудуқ...

Оғир хаёллардан қийналар эди,

Ўзи ўз юрагин қийналар эди...

Ф И Р Ҷ А Б Н

Туш таъбирин сендан яхши

билгувчи,

Яхши таъбирловчи йўқ эмиш,

ростми?

Ю С У Ф

Асло бундай эмас,

давлат паноҳим,

Түш таъбири маҳол...

эҳтимол, ноёб!..

Ф И Р Ъ А В Н

Алҳазар!

*Воҳийдан хабаринг борми,
Менга нени раво кўрмииш тангри?*

Ю С У Ф

Ҳа!

Ф И Р Ъ А В Н

*Ғаройиб бу тушнинг
таъбири қандай?*

Ю С У Ф

*Бу тушни, ҳазратим,
ўзлари кўрган...*

Ф И Р Ъ А В Н

*Йўқ! Гап бунда эмас...
Бу тушда бирон*

Сиру асрор йўқми?

Ю С У Ф

Эҳтимол, бордир.

Ф И Р Ъ А В Н

*«Эҳтимол» деган сўз менга бегона!
Мён ёруғ дунёга келибманки, то
Имон келтирилар —
«албатта!» «сўзсиз!»*

Қани,

айт-чи,

қандай тушим таъбири?

*Менга тинчлик бермас бу ҳол,
бу ҳолат!*

Балки,

бунда бордир сир ила асрор...

Ю С У Ф

Ё раббим!

О, замин тангриси, сенга,

Юксакдан келибdir

эзгу бир воҳий...

*Ҳам жумлаи мўмин тортган дард,
оҳи...*

Мудҳиш бир даҳшатдан

ларзага келмиш

Салтанат қонуни соҳиби идрок.

Бир ёнда қашшоқлик,

бир ёнда бойлик,

Гўё бир варақнинг икки сафҳаси,

Лекин, қақшатгудай бири бирини...

Ҳўш,

етти қўйтоснинг недир маъниси?

*Тўқлик кушандаси-очлик,
қаҳатлик!*

Бизнинг бойлигимиз —

*ризқи рўзимиз,
Мўл-кўл ҳосил бўлса,
мамлакат обод!*

*Курғоқлик юз берса,
юз берар оғат.*

Тожу таҳт,

салтанат ларзага келар!..

Етти қўйтос бизга атойи худо.

Етти йил маъсудлик,

тўқлик,

гўйкинлик

*Ва яна етти йил бўлғуси қурғоқ,
Бор-йўғингни очлик ғажиб,
битиргай!*

Зотан, тадбиркорлик зарур.

ҳазратим,

Ғаллани ғамлашга омборлар

лоzим!

*Мабодо бор доннинг учдан бирини
Ёмон қунга сақлаб қолдирсанг*

агар,

*Дард берган худойим,
бергай даво ҳам!*

Ф И Р Ъ А В Н

*Қул бўлсанг ҳам, лекин,
оқил экансан!*

*Таъбиринг кўнглимга
кўп келди маъқул.*

Тила,

тилагингни берай, донишманд?!

Ю С У Ф

Тилагим омонлик,

тўқлик,

ҳалоллик.

Ф И Р Ъ А В Н

Демак,

сен ўзингсан барига омил,

Ўзинг ол қўйлингга

бу, қутлуғ ишини,

Керак бўлса, берай амру

фармойши!

Ю С У Ф

Ё раббий!

Бир қулга шунча марҳамат!

Ф И Р Ъ А В Н

Донолигинг шунни этади даъват!..

Урф-одат занжирин бандаси сарой
Миқ этмас,

оғзига соглан каби қулф.
Тахт узра айтилган сўзлар,

хойнаҳоӣ
Конун бўлгай эди бузилмаса урф.
Наҳот, суяқ сурин бўса-ю канда,
Қандаидир қул тахтга лойик,
суюклик...

Авлоддан авлодга мерос ўтгандай
Товланиб оқарди нурдай буюклик.
Фиръавн ёшлигига бориб, эҳтимол,
Қулини ўз бошига кўтарар билмай,
Балки, элу юртни сўпар бемалол,
Оқсуяқ зотини назарга илмай...
Яна пичир-пичир ҳар жой-ҳар

жойда,

Сардору амалдор нотинч, нотовон:
«Бу қандаай ҳақорат!..»

Яна саройда!..»

Хусумат уруғи унди ногаҳон...
Шу лаҳза,

шу соат,
шу кундан бошлаб,

Хорижга дон сотиш этилди тақиқ.
Бу хабар дилларни тимдалаб,

ғашлаб,

Исён кўтармаслик бўлса ҳам
аниқ —

Бўйин товламоққа олиб боргудай...
Низоли бир ҳолат юз бериб қолди,
Эҳтиёт бўлмаса,

бошни ёргудай

Халқнинг юрагига ғулғула солди.
Бирор сўз айтишига ўйқ эди ҳадди,
Замоннинг забтидан —

мажруҳ, баҳтсиз халқ

Қишу ёз яланғоч, букилиб қадди,
Қошки англай олса,

қаердадир ҳақ?!

Эл қорнин тўйғазмоқ.
Осон иш эмас,

Ичида лаънатлар ўқиса ҳам гар
Азёнлар сиртидан

Сирин бой бермас,
Қўксида Юсуфга бўлса ҳам кадар...

Бирин-сирин ўтди серҳосил фасл,
Фиръавннинг етти қўтоси мисол.

Минглаб омборларнинг
бағри муттасил.

Дон билан тўларди
лиммо-лим алҳол...

Ҳсуф иш бошида,
Омборлар қурди,
Чекинди ниҳоят юз берган оғат!..
Шумликни идрок-ла кейинга сурди,

Одамлар бошига тушганда кулфат.
Беҳуда кетмади эътиқод, армон,
У кунлар ҳеч қачон бўлмади унугт.
Мана, ўтиб кетди тўкин бир замон,
Ногоҳ кўтарилиди салтанатдан қут!..
Бу ийл эса баҳор

ёмғирсиз, қурғоқ,
Дарддан қутулмоққа

йўқ эди илож.
Нил сувин ютоқиб ялади қурғоқ,
Ташна лабдай намга сезди эҳтиёж.
Тупроқда унмади қиттай майса-ўт,
Қуёш олов сочди кўқдан беаёв.
Ер чанқоқ — ҳаллослар,

даражат шоҳи мўрт,
Дон тўла омборлар тўқликка гаров.
Ҳолбуки, ўлатдай авж олиб ўлим,
Юзин ўғиргандаи юртдан ҳаловат...
Ахир, эл жонига аро кирап ким?
Фиръавндан баттар қаттол табиат!
Мана,

ялмогиздай очлик, қашшоқлик,
Тахту салтанатнинг устида соя.
Қошки, кунлар бўлса эди саноқли,
Тезда ўтиб кетса пояма-поя...

Етим-есирлар,
Уруғу аймоқ,
Отлиғу пиёда келар интиқиб...
Жонига яраша улашилар дон —
Бирига кўпроғу бирига камроқ.
Насяга оларди камбағал дэҳқон,
Савдогар аҳлидан

ундирилди нақд...
Юсуфнинг қўлида тошу тарози,
Четдан келганиларни турди кузатиб,
(Бўлмасдай

бу ҳолни асло

тузатиб...)

Аммо саҳоватда баланд парвози.
Баъзан вужудини қамрарди титроқ,
Яқиндай, танишдай кўринса бирор,
Юзлари қорайган, лаблари дўрдоқ,
Муҳтоҷлик соchlарга

сочгандек қирор...

Иўқ,
унинг кўнглини эговлар бир ҳис,
Гоҳ шодлик,
гоҳ қайғу босарди кўқсин.
Шундай кун келишин

сезарди холис...

Кутганди..
Эсларди ўтган йилларин.
Қадрдан уйини қилолмас унугт,

Болалик чөғлари
күзи ўнгида.
Эслар ва
қайғу-ла сақларди сүкүт,
Оғалар берган
панд бўлди сўнгида...
Ҳар қалай,
Омади кулгандан буён
Ненидир кутгандай бўларди
пинҳон.
Ўтмиш болалигин соғиниб ҳар дам
Ўйларди,
Ё қасос олсинми? Йўқ, йўқ!
Бари бир юрагин кемирар алам,
Кўзида,
кўрсам дер,
андиша, қўрқув.

Шарманда бўлганин англаса токи...
Юсуф юрагида оловли түйғу,
Узоқ ўтмишларга чорлар идроки.

Икки саҳроий чол омбор ёнига
Шошиб,
етиб келди,
қўлларида қоп...
Эт бориб ёпишган устихонига,
Эшаклари эса ўзидан хароб.
Сочу соқол беҳад ўсса ҳам, ҳатто,
Юсуф таний олди, қилмади хато.

Ю С У Ф

Қайдан бўласиз?

БИРИНЧИ САҲРОЙИ
Тошлиқ чўлданмиз,
Тақсирим...

ИККИНЧИ САҲРОЙИ
Узоқдан...

Ю С У Ф

Кўриб турибман...
Нонсиз қолдингиэм?

БИРИНЧИ САҲРОЙИ

Кўпдан... тақсирим...

Чоллар оч,
аёллар, гўдаклар ҳам оч...

Ю С У Ф

Бу ерга илк марта келишингиэм?

ИККИНЧИ САҲРОЙИ

Ҳа, жаноб.

Ю С У Ф
Узоқ йўлга чиқмас
ном излаб ҳеч ким,
Айниқса бефарзанд...
оға-инисиз?

БИРИНЧИ САҲРОЙИ
Ҳа, тақсири!

Ю С У Ф
Отадан нечта эдингиз?
БИРИНЧИ САҲРОЙИ
Уч эдик... Биримиз...

Ю С У Ф
У ҳастами ё?
Олинглар, бу сийлов,
унинг учун ҳам!..
Ўзи эса кўзин улардан узмас,
Титрапди бўши қопни
тутган қўллари.

Безовта...
Очқўзлик —
ёпишган бир ҳас,
Ҳар қалай,
алдашга бормас тиллари...
Нима бу?
Қўрқувми, руҳий чарчоқми?
Еки пушаймонми?

Нима, ҳар қалай?..
Ё қисмат бошига тушган синоқми?
Хаёллар чарх урап бошида талай...
Кўзи тушди —
озғин, бемадор вуҷуд,
Зўр-базўр турарди оёқ устидা...
— О, оға, оғалар!..

Хаёл босди-да,
Бирдан атрофини қоплади бўлут...
Бас,
етар, ачиниш, раҳм ила шафқат!
Бундан кучли туйғу бор-ку,
ҳақиқат!!!

Ю С У Ф
Инингиз тақдири ноаёнми ё?

БИРИНЧИ САҲРОЙИ
Каромат қилдинги, шундай,
тақсирим,
Инимиз йўқолган...

Ю С У Ф
Анча бўлдими?

И К К И Н Ч И С А Х Р О Й И

Бундан...

Игигрма йил бурун.

Ю С У Ф

Ха! Демак

Уни унутмоққа ҳақлисиз, балки,
Игигрма йил, ахир,
оз муддат эмас!
Юз-күзи... эсласанг-чи?!

Айни тонготар...

Қон билан бўялган латта...
Тошу ҳас...
Чуқур... сувсиз қудуқ...
Бўғилган бўғзи...
Гўрда ётгандан ҳам,
Балки, баттарроқ...
Оёқ-кўл боғланган, мисоли қўзи...
Балки,
ташлагансиз тириклай кўмиб!
Менинг нигоҳимга ташлангиз
назар,
Таниш кўринмасми...

Турибсиз кўриб?..

Юсуф йўқ, у ўлган!

Нетай бу сафар

Мен унинг ўрнида яшаб юрибман.
Инингиз меросин олдингиз бўлиб,
Бойиб кетдингизми?

Кўриб турибман...

Афсус,

янгишидингиз, ахир бу дўнё
Адолатсиликдай кўринади нақ,
Ҳамма ҳам ҳалокат қошида зеро —
Ҳар кимнинг ўзига

муносиб тақдир!..

Бозорга мос келмас уйдаги ҳисоб,
Дунё бозорида ҳамма баравар!
Сиз тутган иши эса,

жуда ҳам нобоп,

На қилдингиз ўзга ҳақидан ҳазар!
Қўмак кўрсатолмас ҳеч нарса энди,
Ев бўлди сизларга —

сиздаги виждон!

Воз кечган инингиз

қўл бўлиб кетди,

Бегона юртлардан излади имкон...

Яхши,

унутибсиз,

билингки, аммо —

Ҳаёт ўзи сиздан олгуси қасос.

Бепанд очқўзлик-ла

тиклинган дунё,

Тугагай қон тўкиб олинган мерос!

Сиздаги ҳис-туйғу ўшқириб тинди,

Ўзингизни сотинг,

қўл қилиб, эвоҳ!..

Жазога мустаҳиқ эрурсиз энди,
Юсуф йўқ, мен унинг ўрнида огоҳ...
Қаранг, эслатмасми, сизга
мабодо —

Мана, бу

тош уриб қолдирилган
доғ?..

И К К И Н Ч И С А Х Р О Й И

Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас!..

Б И Р И Н Ч И С А Х Р О Й И

Тақсир... Инижоним...

Кечир, ҳа, кечир...

Мана улар бўгун Юсуф қошида
Тиз чўкиб турибди даҳшатга
тушиб.

Кўзларида қўрқув,
Ҳамон бошида —
Мерос кўргулиги, учгандир ҳуши...
Қўллари қон эрур, вужуди сиёҳ...
Қотиллик номи-ла юз
берган гуноҳ!..

Ю С У Ф

Қани, жадалланг тез,
қопларни очинг,
Бола-чақангизга етганча бергум.
Ўч тошин отмайман сизга ҳеч
қачон,

Фақат ёдингизга мен солиб тургум,
Шум хотира сизга жазо то абад!
Мен эса кечирдим,
тақдир кечирмас!

Мендан юз ўгирди ўша кеча баҳт,
Келгусида аммо жиноят учун
Жазо топажаксиз,
жазосизга ҳақ!

Алвидо оғалар!..

Алвидо энди!..

Х О Т И М А

Қадим бир ривоят!

Минг йиллар бурун,
Машойиҳлар айтиб ўтган,
эҳтимол.

Аммо,
жумбоқ бўлиб кўринган савол
Ҳамон

сир-асрордай кўздан яширин...
Балки,
замин-замон дардин ўйлаган,
Ажиб туши таъбирин севиб
куйлаган...

10 Шарқ ўлдузи № 3

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен ҳам машойиҳлар
хўрматин сақлаб,
Гаройиб рўёга бердим кенг ўрин.
(Чунончи, сирли туш)
Гўёки ёқлаб,
Зўрлаб кийдиролмас
маломат тўнин.
Зотан,
бу мўъжиза — идрокда ёниқ,
Давримиз аксининг
безаги халос.
Ундаги серҳашам, шоҳ лиbos —
Мажоз.
Кайга юз бурмагил
Дилбар қочириқ —
Ҳукмига забт этар...
Дилда эҳтирос...
Аслида шундайдир шарқона услуб,
Қўчириқ
Қонларга кетганки сингиб...
Хушнудлик
Дардманлик ифодасин ҳам
Иҳлоссиз,
мажозсиз англамоқ малол
Лоқайд ва бегам...
улоқда енгиб
Соврунни майдондан олса безавол,
Ранго-ранг ташбеху
рамзий афсона
Барча ривоятлар аро, эҳтимол...
Зеро
ҳаётимиз
кораламасин
Сўнмас бўёқларга
ўраб кўрсатар...
Энди, истаганча этабер,
парвоз —
Кенгликларда
Зулматдан халос...
Мамлакатлар,
Даврлар бўйлаб,
Янги-янги қанот боғлаб,

ҳар сафар

Қудратни чоғлаб...
Ахир
ҳар бир бугунги кун
Ривоят ўзига хос
лиbos ахтарар...
Беҳисоб шоҳликлар,
дину мазҳаблар,
давру давронлар,
Минг ишларнинг изларини
мен
Ўчириб кетмадим
йўл-йўлакай ҳеч!
Илова қиласман гапим сўнггида:
Менга туюлди шу —
ёзар чоғимда: —
Қўлимдан тутгандай бўйди
қаҳрамон!
Не гап?
Шундай бўйса бордир,
эҳтимол —
Ўзга эмас,
Юсуфнинг ўзи bemalol
Нелар солған бўйса,
бошига тақдир
Ўзи сўзлаб берди
баъзан совуққон,
Баъзан этирос-ла
не бўйса таъбири...
Қай бир кун қиласман
бекорга таъкид!..
Қалб сирин англамоқ хусусияти
Шоирга хос десам
кулма, муҳаққиқ!

Начора!

ўзгада ўзлигин очди барнолик,
Дунёга донолик
уруғин сочди!...

Ривоятми, майли,
афсона,
эртак,
Муҳими — таъбирин
фаҳм этмоқ керак!

1977—1980 йиллар.

Ҳамид Ғулом



РОМАН¹

Учинчи қисм

Йўлдаги ҳангомалар

Офоқ хўја Машрабни жазолагани ҳақидаги хабар оғиздан-оғизга кўчиб, элдан-элга тарқалиб достон бўлди. Эшон аъзам илгари ҳам анчагина муридлари, канизаклари ва ҳоказо қавмларига турли жазоларни «раво кўрган», лекин бу ишлар ими-жимнда қилиниб, сарой дёворларидан четга ошиб чиқмаган.

Машрабга берилган жазо овозасининг тез орада кенг тарқалишинга аввало, шоирнинг ўз ғазаллари билан машриқу марғибда машҳурлиги сабаб бўлди. Энди йигирма беш баҳорни кўрган бу қаландар йигит фақат сўфийлар мажлисининг гули сифатида эмас, ошиқлар боғининг булбули сифатида ҳам донг чиқарган эдиким, Офоқ хўжанинг Машрабга берган жазосини ғазал муҳлислари, муҳаббат шайдолари калхатнинг булбулга ваҳшиёна хуружи, деб таърифладилар.

Эшони аъзам ўз ҳисобида қаттиқ янгилиши: осий банда юртнинг ғазабига учрайди, деб ўйлаб, аксинча, ўзи бадном бўлиб қолди. Машраб ўз юртдошлари Пирмат Сеторий ва Обид восвос билан биргаликда саройдан қувилиб, қаландархонага жойлашгач, қаландархона қашқарликларинг зиёратгоҳига айланди. Тўра қаландар ва унинг хешлари тонг саҳардан шом-заволга қадар тўда-тўда келиб турган зиёратчиларни кутиш билан машғул бўлиб, Офоқ хўја хизматини гўё буткул унудилар: бозор-ўчарлардаги маддоҳлик, масжиди жомедаги зикру санолар таққа тўхтади.

Ховлию айвони ҳамиша одамлар билан лиқ тўла бўлган қаландар-

¹ Охири. Боши ўтган сонларда.

хонага бир неча дафъя мўралаб кетган Соқий охун Оғоқ хўжани бу ердаги воқеалардан хабардор қилиб турди. Чиний ҳаким муолижасидан кейин бош оғриғи бир оз босилиб, юрак санчиғи пасайган эшони аъзам қавмлар орасида ўз обрўси чиндан ҳам тушиб бораётганига қаноат ҳосил қилгач, Машрабни ва унинг икки юртдошини Қашқардан бадарға қилиш, бинобарин икки навкар муҳофазасида Илига — Хун Тойчи тасарруфидаги ерларга ҳайдаб юбориш ҳақида фатво берди.

Соқий схун отини эгарлатиб, ўткир шамшир ва найзалар билан қуролланган икки отлиқ барваста навкарни бошлаб, қаландархонага йўл олар экан, эшони аъзам фармонининг мағзини чақиб, раҳнамосининг кароматига тан берди: қаҳратон қишида бир ойлик йўлни яёв босиб ўтиш, айниқса Оқсув воҳаси нарёғидаги Муз довонни ошиш, наинки уч мажруҳнинг, ҳатто боқувдан чиққан отларни миниб олган паҳлавонларнинг ҳам қўлидан келмайди. Демак, отлиқ навкарлар пиёда маҳбустарни улар ҳолдан тойиб, йиқилиб жон бергунча ҳайдаб борадилар-да, ярим йўлдан орқага қайтадилар. Осийларнинг ўликлари эса очбўриларга ем бўлади...

Соқий охун ва унинг навкарлари қаландархонанинг ланг очиқ дарбозасидан отларини йўрттириб кирдилару ҳовлида тўда-тўда бўлиб турган, айвондаги қаландарлар хонишини эшитаётган одамлар деворига дуч келиб, от жиловини тортиб тўхтатдилар.

Айвон ўртасидаги очиқ танчада ловуллаб ёнаётган гулхан атрофида зич ўтирган қаландарлар юқоридаги қат-қат пўстаклар устида ётган Машрабга тикилганча танбур чертаётган Пирмат ва унинг ёнида тиз чўккан басавлат бир йигитга жўр бўлиб, Қашқарнинг қадимги ҳалқ достонлари оҳангидаги баралла куйлар эдилар:

Юрт қадрини шоҳлар билмас,
Бошқа юртга бормагунча.
Яхшиликтин қадрин билмас
Бир ёмонни кўрмагунча.

Кўй узатсан ёрга етмас,
Ёрсиз менинг ишим битмас,
Яхши-ёмон фарқин билмас.
Бир номардга тушмагунча.

Сўндирма мўмин сазасин,
Ўқир у беш вақт намозин.
Беклар бермас юрт ризосин
Токи ҳотам бўлмагунча.

Қаландар бўлмоқ осон эмас,
Сочи белга тушмагунча,
Ошиқ бўлмоқ осон эмас
Ширин жондан кечмагунча..

— Фармони Оғоқ хўжам! — қичқирди Соқий охун кўк от устида қаддини ғоз қилиб.

Танбур тинди. Қаландарлар хониши тўхтади. Қўлларини чўзиб, гулхан тафтида исиниб ўтирган, соchlари ўсиб, елкаларига тушган, юзларини соқол қўплаган афтодаҳол кишилар ташвишли кўзларини охунга қададилар.

— Бобораҳим Машраб, Пирмат Сеторий, Обид восвос Или вилоятига бадарға қилинурлар! — Соқий охун ўнг қўлидаги қамчинни баланд кўтариб, виқор ила сўзлади. — Бул фармони олий жамъи мусулмонлар раҳнамоси эшони аъзам Оғоқ хўжамининг марҳаматлариридир. Қани, мўмин бандалар, қўзғолингиз, йўл тадорикини зудлик ила кўрингиз, ҳозироқ сафарга отланмоқ даркор!

Пирматнинг ёнида ўтирган, қаландарларга қўшилиб хониш қилган басавлат йигит дарҳол ўрнидан туриб, айвон пешига яқинроқ келдида, чиройли оқиш юзида истеҳзо аломати яққол кўриниб, эшони аъзамининг «вазири аъзами»га тик боққанча қиличдай ўткир товуши билан деди:

— Тақсир! Шоири замон бемордирлар. Бул жанобни ҳозир йўлга чиқармоқ тағи жазоламоқ ила баробардир. Или сафарининг қишиғи жанобингизга маълумдир. Ақлингизни пешлаб, шафқат қилингиз, охун!

Соқий охун астарига сувсар сирилган янги мовут пўстин кийган,

бошидаги савсар телпак товланиб турган, оёғидаги баланд пошналиқ киром этиги ўзига ярашган, юпқа лаби устида мўйлаби эндигина сабза урган жасур йигитчага қаттиқ тикилганча: «мен буни қаерда кўрганман», деб бир дақиқа ўйлаб турди-да, уни дафъатан эслади: Юсуф Қошғарий — Абдуллахон саройининг хос шоири!

Охуннинг баданига муз югуриб, кўзлари тинди. «Малика Хоним Ноиша...» Шу ном унинг миясида чақин чақди. Ҳатто Абдуллахонни ҳам писанд қилмайдиган Офоқ хўжа шу хотини қаршисида бош эгишга, унинг шартларини қабул қилишга мажбур. Демак, подшонинг жилови ҳам синглисининг қўлида. Маликанинг биргина имоси билан Абдуллахоннинг чиний ҳакими Офоқ хўжани даволаяпти. Энди бўлса, подшонинг шоири эшони аъзам йўлини тўсиб турибди. Йўқ, Соқий охун бунга рози бўлмайди: «Ё, остидан, ё, устидан!»— шу қарорга келиб, охун навкарларга буюрди.

— Осиyllарни олингиз!

Охуннинг от бошини айвон пешига бурганини кўрган Юсуф Қошғарий:

— Қайтинг, охун, қон тўкилур!— деб бақирди.— Сиздаги навкарлар бизда ҳам бор! Подшога хабар қилурмен, дорга осилурсиз, жаноб!

Айвонда ўтирган қаландарлар ўринларидан туриб, Юсуф Қошғарийнинг икки ёнига саф тортилар. Машрабнинг бағрида ётган Қитмир ҳам айвон олдига келиб, охунга ташланмоқчи бўлиб вовуллади. Пирмат билан Обид беморни ҳимоя қилиш мақсадида уни паналадилар. Соқий охун навкарлари нима қилишларини билмай, саросимага тушдилар.

Шу пайтгача индамай турган Тўра қаландар айвондаги кишилар орасидан чиқиб, олдинга ўтди ва Соқий охунга қўл қовуштириб таъзим қилди-да:

— Тақсир, рижо этурмен, қиши ўтсан!— деди.— Офоқ хўжамга илтимос қилиб, фармон ижросини кўкламга қолдирингиз!

— Ҳукм қатъий!— Соқий охун сўзида туриб олди.— Эшони аъзамнинг сўзлари икки бўлмас. Қимки, ул жаноб раъйини рад этур — гуноҳга ботур!

— Маъқул, тақсир!— Юсуф Қошғарий миясида ярқ этган фикрдан мамнун жилмайиб, дарбозадан кириб келаётган чиний ҳакимга ишора қилди:— Ана, ҳаким келдилар, шоири замонга муолижа қилурлар, баъзаз мен мусофиirlарга ҳамроҳ бўлурмен!

Соқий охун дарбоза томонга қараб, чиний ҳакимни кўрдию ранги қумдай оқариб, дамини ичига ютишга мажбур бўлди.

Чарм тўрвасини елкасига осган кўса ҳаким ҳовлидаги одамлар орасидан парвосизгина ўтиб, айвонга чиқди ва Машрабнинг ёнига келди, тиз чўкди-да, беморнинг чап қўлини олиб томирини ушлади.

Ҳамма жим бўлиб, қаландархонага сукут чўкди.

Юсуф Қошғарий Соқий охунга яқинроқ келиб, унинг қулоғига шивирлади:

— Охун, навкарларнингизни олиб кетингиз. Тонгла саҳар келингиз, биз мусофиirlар-ла йўлга чиқурмиз.

Соқий охун юзини буриштириб ижирғанди ва отининг бошини дарбоза томонга бурди. Навкарлар унга эргашдилар. Улар қаландархонадан чиқиб кетаётганларини кўрган Тўра қаландар:

— Хайрият...— деб эркин тин олди.

Чиний ҳаким Пирматни имлаб чақирди ва беморни уйга олиб кириб ётқизиш кераклигини имо-ишора билан англатди.

Обид билан Пирмат Машрабнинг икки қўлтиғидан олиб сужилар ва уйга олиб кириб, бўйралар устига қатор ёзиб ташланган пўстаклар-

дан бирига ётқиздилар. Ҳаким уларни хонадан чиқариб юбориб, беморни ечинтира бошлади...

Эртаси эрталаб фира-шира тонгда Юсуф Қошғарий түрт отга хуржуну наматларни, Машраб ва унинг юртдошлари учун қалин пўстинларни ортиб етиб келди. Соқий охун ва кечаги икки навкар ҳам қаландархонага улар билан изма-из кирдилар.

Эгарлоғлиқ отларни кўрган Соқий охун Офоқ хўжанинг Машрабни қиши бўронлари чангалида ҳалок этиш ҳақидаги режаси барбод бўлганига, иссиқ кийиниб олган мусофиirlар Юсуф Қошғарий ҳамроҳлигида манзилга эсон-омон етиб олишларига ишонч ҳосил қилиб, тарвузи қўлтиғидан тушди. Лекин сир бой бермасликка ҳаракат қилиб, дарғазаблигини билдирамди-да, тезроқ отланишга ундаdi.

Чиний ҳаким кеча суртган аллақандай мой дорилардан жароҳати анча босилиб, жони бир қадар ором олган Машрабни Пирмат билан Обид суяб отга миндирдилар. Бошқа уч отга улар ва Юсуф Қошғарий миндилар. Шундай қилиб, етти отлиқ қаландархона дарбозасидан чиқаётганларида Тўра қаландар уларнинг сафари бехатар бўлишини тиляб, дуо қилди. Машраб мингандан ёнбошида Қитмир акиллаганча чопқиллаб борди. Қаландарларнинг:

— Худо паноҳида асрасин, шоири замон!

— Эсон-омон кўришайлик!— деган хитоблари эшитилди.

Ховлидаги қаландарлар гуриллаб кўчага чиқиб, отлиқларни ўраб олдилар. Улардан бирни Машраб отининг жиловини тутиб, илтимос қилди:

— Шоири замон! Хонишларингизни соғинурмиз, мажолингиз келса, биз шўр пешоналарни ғазал ила дуо қилингиз, бир нахши айтингиз!

Машраб ёнидаги отда танбурини қўлтиқлаб ўтирган Пирматга ёш тўла йирик қора кўзларини тикди:

— Сеторни чертингиз, Пирмат Сеторий! Бул дунё бевафодир. Аммо, сиз билан биз йигитлармиз, тақдир довулларига бардош берурмиз. Ва локин, мусофиirlар юртда тоза гулимиз, ноёб гавҳаримиз қолур. Парвардигори олам Тўтийи ширин забонни ўз паноҳида асрасин. Нола қилайлик, азиз дўст, ҳусн беҳиштининг ул маликаси ила дийдор кўришмак насиб этсин!

— Ё, олто! Дийдор кўришлик насиб этсин!— Қаландарлар баралла шовқин кўтардилар.

Пирмат танбурни чалди, Машраб еру кўкни титратиб хониш қилди:

Нолау оҳим била дўзахни куйдурсам керак,
Ҳам биҳишту жаннатул маъвони куйдирсам керак.

Қудрати бирла яратти ою кунни бирубор,
Үт солуб етти фалак даврини куйдурсам керак.

Аввалу охир йигилса рўзи маҳшаргоҳда,
Ишқ ўтидин мўмину кофирни куйдирсам керак.

Оҳ уруб бир наъра урсам аршга етгай нолишим,
Нолишимдан сури Истрофилни куйдирсам керак.

ИНсу жинс, деву пари, жумла талаб айлар мани,
Курсиу лавҳу қалам, Рафрафни куйдурсам керак.

Хўжаяу охунду мулло акбару шоҳу гадо,
Беку хону тожиру донони куйдурсам керак.

Қалмоқу лўли, қизилбош, арманилар барчаси,
Муғу, тарсоу, жуҳуд, қибчоқни куйдурсам керак.

Жаннату ҳурингни найлай, то жамоли бўлмаса!
Ҳам мусофиirlарни куйдирсам керак.

Машрабо, сабр айлагил, охир кўрарсан ёрни,
Шул замон икки жаҳон оламни куйдурсам керак.

Газабига чидай олмаган Соқий охун:
— Бас! Кетдук! — деб бақирди.

Қаландарларнинг Машраб шаънига айтган:
— Балли! Баракалла! Омон бўлинг! Муродингиз ёр бўлсин! — дёган қичқириқлари остида отлиқлар қор боғсан йўлни дупурлатиб юриб кетдилар...

Улар етти бекатда етти кеча тунаб, Оқсувдаги карвонсаройга саккизинчи куни шомдан кейин кириб келдилар. Соқий охун билан Юсуф Қошғарий қип-қизил гиламлар, кумуш шамдонлар билан безатилган хос ҳужраларга қўндилар. Машраб, Пирмат ва Обидни икки навкар билан бирга каттагина танобий хонага киритдилар. Ҳаммалари йўлдан ўта толиб келганликлари учун хуфтон намозини ўқибоқ уйқуга кетдилар.

Тун оққан бир паллада Обид восьнос ўрнидан туриб, токчадаги қора чироқни ёқди, бириники биридан бесунақай ҳуррак тортиб чалқамча ётган навкарларнинг белидаги қиличлар ва ёнидаги найзаларни йишишириб, карвонсарой ҳовлисига чиқди-да, қори куралмаган томга улоқтириди. Кейин у хонага қайтиб кириб, навкарларни туртиб уйғотди. Улар бирин-кетин ўринларидан сапчиб турдилар ва қурол-яроғлари йўқолганини, Обид восьнос эса белбоғида осиғлиқ улкан чуст пиочининг қинини ушлаганча бамайлихотир кулиб турганини кўрдилар.

— Йигитлар! — деди Обид восьнос пўстинларини шоша-пиша кияётган навкарларга. — Биз ҳозир Оқсув шаҳрида турибмиз. Бу юрт Офоқ хўжам тасарруфига кирмайди. Агар жонингиздан умидингиз бўлса, дарҳол отларингизни эгарлангу орқага қайтинг. Ҳойнаҳой Қашқарда ота-оналарингиз кутиб туришибди, Обид восьнос деган тоғангиздан гойибона дуо, деб қўйсангиз, улар хурсанд бўлишади. Қани, хўроэлар, отхонага чиқайлик!

Улкан пиchoқ қинини икки қўллаб ушлаб турган Обид восьноснинг важоҳатини кўрган навкарлар лом-мим дея билмадилар ва унинг олдига тушиб, сарой ҳовлисига чиқдилар ва этакдаги бостирма тагига кириб, отларини эгарлай бошладилар.

— Навкарлик ҳунар эмас, йигитлар! — Обид восьнос уларга насиҳатни давом эттириди. — Мундоғ қарасам, Қашқар атрофида ер кўп экан. Тоғ бағирларию адир атрофлари — кўз илғаган олис-олисларга қадар ер... Сув ҳам мўл экан. Дехқончилик, яъни таранчилик қилинг. Қилич одамни тўйдирмайди, ер одамни тўйдиради. Ерда гап кўп, йигитлар!

Навкарлар отларини эгарлаб бўлгач, сарой ҳовлисига бирин-кетин этаклаб чиқдилар. Обид восьнос уларга дарбозани очиб берди.

— Оқ йўл, йигитлар! — деди у яна навкарларга. — Йўлда оч қолсангиз, талончилик қилмангиз, худонинг қаҳри келади. Меҳнат қилсангиз одамлар сизга нон берадилар. Мабодо меҳнатга бўйнингиз ёр бермаса, тиланчилик қилингиз. Фақат Офоқ хўжанинг кўзига кўринмангиз, йигитлар, тириклайн терингизни шилади. Хайр, азаматлар!

Навкарлар отларига миниб, карвонсаройдан узоқлашгач, Обид восьнос дарбозани орқадан танбалади ва хонасига қайтиб кирди. У Машраб билан Пирматнинг донг қотиб ухлаб ётганини кўрди ва мийифида мамнун кулиб, токчадаги қора чироқ пилигини пуфлаб ўчирди...

Саҳар мардонда карвонсаройдагилар бамдод намозига таҳорат олиш учун қатор-қатор ҳужралардан ҳовлига чиқдилар. Машраб ҳам чиқди. Гарчанд бир ҳафталик йўл уни толдирган бўлса ҳам, чиний ҳаким муолижасидан кейин яраси битиб, оғриғи буткул қолган, воийдинг мусаффо ҳавосидан қони тозаланиб, юзига қизил юргурган, йирик қора кўзлари аввалгидаи чақнай бошлаган эди.

Асиш зотлик саман отидан хабар олиш учун отхонага кирган Со-

қий охун етти от ўрнига фақат беш отни кўриб, капалиги учди ва отларни бир-бир кўздан кечириб чиққач, навкарларнинг отларини топа билмади-да, улар тунаган хонага зудлик билан кириб чиқди ва нима қиларини билмай, ҳовли тўридаги қудуқ ёнида чўян обдастадаги сувдан таҳорат олаётган Пирматнинг тепасига келиб ўшқирди:

— Навкарлар қани?!—

— Кўрмадим, тақсир,— ҳеч нарсадан хабари бўлмаган Пирмат парвосиз бир қиёфада қулоқ тагларини хўллади.

Соқий охун кўкда судралиб бораётган булатлар карвонига тикилганча хаёлга фарқ бўлган Машрабнинг қаршиисига келди:

— Навкарларни кўрмадингизми, шоир?

— Қанақа навкарлар?— Машраб ҳамон кўкка тикилганча паришон бир аҳволда жавоб берди.— Булатларни кўриб турибман. Бул карвон Қашқар устида юрадир. Кун ҳам илиб қолди — қиши оғди. Яхши қунар яқинлашиб келадир!

Соқий охун ич-ичида: «Девонадан ой бошини сўраган менondon!»— деди-да, бостиurmанинг тагида қора-тўриқ отининг сағрисини қашлағич билан қашлаётган Обид восвос яқинига борди.

— Полвон, навкарларни кўрмадингизми?— сўради ундан ташвиши тобора ортиб бораётган охун.

— Биз навкарларни эмас, навкарлар бизни кўриши керак, тақсир.— Ўз иши билан машғул Обид восвос охун томонга: «Ит келдими, эшак келдими?», деб ҳам қарамай, парвосизгина жавоб қилди.— Балки, отларини чўмилтириш учун сойга кетгандирлар...

— Лақиллатманг!— Охун жирракилади.— Сой аёздан тарашадай қотиб ётиби.

Мусофирилардан маънили бир жавоб ола билмаган охун Юсуф Қошғарийнинг ҳужраси томонга чопди.

У бир тавақали жажжигина эшикни тарақлатиб очиб кирганда, аллақачон ювиниб, кийиниб олган шоир дарича тагидаги баҳмал кўрпачада чордона қуриб, китоб ўқиб ўтирап эди.

— Келингиз, охун!— деди у заррин муқовалик китоб саҳифасидан кўзини олиб.— Шўх нахши экан, тинглангиз:

Мақсадли кўнгил ичра,
Бир оғати жон келди.
Мужгонлари ханжардек,
Қошлари камон келди.

Жонимда фароғат йўқ,
Улсиз менга роҳат йўқ,
Ҳеч ўзга ҳикоят йўқ,
Чун руҳи равон келди...

— Бас қилинг!— Соқий охун сабрсизлик билан бақириб юборди.— Мен не ғамда-ю, сиз нима деб валдирайсиз!

— Хўш, охун, не ҳодисот юз берди?— Юсуф Қошғарий китобни аста ёнди-да, ўта таажжубланиб сўради.— Бинобарин, жаноб подшомизнинг ҳурматлари йўқмидирки, шоирларига таҳдид ила сўзладингиз? Не гап, осмон ағдарилиб ерга тушдими?

— Навкарлар отлари ила йўқолмиш...— Охун шоирга шубҳали тикилди.— Аввало, сиз жанобнинг бизга ҳамроҳ бўлганингиз гумон тудирдирадир.

Иzzat-нафси охун томонидан таҳқир этилган шоир ўрнидан туриб рақибининг қаршиисига дадил юриб келди ва унинг қони қочган чувак юзига қаттиқ тикилди.

— Охун!— деди у овозини кўтариб.— Сиз билан биз турган Оқсув вилояти эшони аъзамнинг вақф ери эмас, билъакс, подшоҳимиз Абдуллаҳон тасарруфидаги заминдир. Оқсув аҳолиси шоҳимиз фуқаросидирки, инчунин сиз бу шаҳри азимда мусофиридирсиз. Эмди навкарларнингиз ва улар минган отларга келсақ, бул борада сиз менга эрмас, фолбинга учрангиз, шояд аларнинг фоли ўнгидан келса! Хуллас, охун,

бозорга борингиз, мен эрса улуғ шоиримиз Қодирхон куллиётти мутонасига машғул бўлғаймен!

Шоирнинг ҳаққоний пандини мажбуран әшитган Соқий охуннинг ундан узр сўраб, ҳужрадан мулзам тортиб чиқиб кетишдан бошқа иложи қолмади.

У самантойини ўзи эгарлаб карvonсарой ҳовлисидан етаклаб чиқиб кетди.

Юсуф Қошғарий Машраб ва унинг юртдошларини ҳужрасига чақириб, мўлгина нонушта билан меҳмон қилди. Дастурхон устида сухбатнинг асосий мавзуи тунда навкарларнинг отлари билан бирга йўқолгани атрофида айланди. Машраб, Пирмат, Юсуф бу борада ҳар хил тахминларни ўртага ташладилар, бироқ кечасиги воқеанинг сабабчиси ва ташкилотчиси Обид восвос чурқ этиб оғиз очмади.

Соқий охун карvonсаройдан эрталаб кетганча кечгача қайтиб келмади. Аммо, чошгоҳдан то шомгача Машраб билан Юсуф Қошғарийни йўқлаб, Оқсувнинг тури томонларидан уларнинг муҳлислари тўдатуда бўлиб оқиб келабердилар. Ўзларининг бу шаҳарга келишларидан ҳеч кимни хабардор қилмаган шоирлар аввал бунга таажжубланган бўлсалар ҳам, сирни мезбонларнинг ўзлари очдилар: Соқий охун шаҳар ҳокимининг маҳкамасига, қози калон уйига, масжиди жомега, бозорга ва яна аллақаерларга бориб, йўқолган навкарлари ҳақида дарак солиб юрар экан, Офоқ хўжá дуойибад қилган Машраб, Абдуллахоннинг шоири Юсуф Қошғарий карvonсаройга тушганини беихтиёр ошкор қилибди ва буни әшитган оқсувлик шоирлар, олимлар, созандалару хонандалар, дарвишу қаландарлар муссифирларнинг зиёратига йўл олибдилар...

Йўқолган навкарларни қидириб топиш мақсадида кун бўйи шаҳар кезиб чарчаган Соқий охун шом қоронфисида карvonсаройга кириб келганида Машраб билан юртдошлари қўнган кенг танобий хона одамларга лиқ тўлганини, улар токчаларда ёниб турган шамлар шуъласида шоири замоннинг танбур чертиб қилаётган хонишини завқланиб тинглаётганини кўрди ва отини отхонага киритди-да, ўз ҳужрасига йўл олди.

Бу кеча Соқий охуннинг уйқуси ҳаром бўлди. У тун бўйи илон чаққан кишидай тўлғониб чиқди. Машраб хонасидаги базм обдан чўзилди. Хўрзолар иккинчи марта қичқиргандан кейингина одамлар тарқалиб, карvonсарой ҳовлиси тинчили. Соқий охун фира-шира тонг паллада ҳужрасидан ёёқ учиди аста чиқиб, бостирма тагига соядай лип этиб ўтди ва отини эгарлаб, дарбоза томонга секин етаклаб кетди.

«Кетиш керак. Тезроқ кетиш керак. Қашқарга эсон-омон этиб олиб, Офоқ хўжамга арз қилурмен. Эшони аъзам осийларнинг жазосини бергайлар!»

Унинг шундан бошқа умиди қолмади.

У отининг жиловини судраб, карvonсарой дарбозасидан ўгридай яшириқча чиқиб жўнади...

Оппоқ

Или вилоятининг хони Хун Тойчи ёлғиз қизи Оппоқни унинг ўзига муносиб йигит қўлига топшириб, юрт маломатидан қутулмоқчи. Юртда эса, Оппоқнинг шаънига «ёввойи қиз», «урғочи така» каби ножӯя нисбатлар берилади, айниқса йигитлар орасида ҳоннинг жигига тегадиган афсоналар оғиздан-оғизга кўчиб юради.

Атроф вилоятларда ҳам, Илиннинг ўзида ҳам қизлар бўй чўзиб,

ўн тўртга чиққанда пишиб етилган ҳисобланадилар ва ота-оналари улардан сўраб-нетиб ўтирумай, «жойи чиқиши» билан қизларини узатиб юбора берадилар. Оппоқ бўлса ўн саккизга тўлди; ҳуснда оймисан ой, кунмисан кун; ақла унинг олдига тушадиган биронта қизни топиш амримаҳол; сўзда бийрон — дунё кўрган машойхларни ҳам мот қиласи.

Агар Оппоқ деҳқон ёки чўпон фарзанди бўлса, унга аллақачон «қари қиз» лақаби тақилган бўларди, бироқ у хон қизи — баланд тоғлар тагидаги поёнсиз Кўшмир водийсининг соҳиби Хун Тойчи кўзларининг оқу қораси, молу дунёси беҳисоб шу хоннинг арзандаси.

Бугина эмас.

Оппоқнинг ҳаммани доғда қолдирадиган феъл-атвори, қилиқлари бор. Қизнинг ота учун фазилат бўлиб кўринган бу қилиқлари олис-яқиндан келган совчилар, қизга даъвогар куёвтўралар учун нуқсон-бўлиб кўринади. Чунончи, қизнинг шартлари... Унга уйланадиган йигит майдонга тушиб, эл-юрт даврасида от чопишда, камон тортишда, курашда, соз чалишу хониш қилишда ва ҳоказоларда устун келиши шарт эмиш...

Танҳо эрка-арзанда қизининг раъйига қараб иш тутишга одатланиб қолган хон беш йилдан бўён ҳар наврўз тоғ этагидаги кенг яйловга оқ ўтовларини тикиб, сайил ўтказади, мусобақалар уюштиради. Албатта, Оппоқ қиз васлида маст бўлиб, сўлаги оқиб юрган йигитлар йил бўйи машқ қилиб, роса шайланиб келадилар. Уларнинг ота-она, қариндош-уруглари бўлажак келинга аталган совға-саломларни оту туяларга ортиб, қиз шартларини бажариб, ғалаба қозониши зарур бўлган ўғилларининг ўйинларини умид билан кузатадилар. Лекин, афсус, минг афсуслар бўлсинки, машқнинг бир турида ғолиб чиқкан ўғлон иккинчи турида мағлубиятга учрайди: от чопишда ўзган йигит камон тортганда нишонга ура билмайди ёки ҳадафни нишонга урган мерган курашда зафар қозона билмай, минг-минг томошабинлар қаршисида кулги бўлади...

Хуллас, беш йил давомида наврўз фаслида ўтказилган мусобақаларда Оппоқ қиз шартларини ҳеч бир йигит адо эта билмади. Қизнинг бўлса, йилдан-йилга ақли тўлишиди, ҳусни очилди, сўзи ўткирлашди. У ўз дугонаси — оддий чўпон қизи Вазира билан бирга эркин ҳаёт кечириб, ўз шартларида қаттиқ туришни давом эттиради. Айниқса, унинг бир қилиғи Хун Тойчини ҳам шод, ҳам ношод қиласарди. Қиз тундай қора, қуюқ сочини савсар бўрк тагига йиғишириб, йигитчасига шинам кийиниб от чопганда нақ шаҳзода чавандоз суратида кўриниб, отасини шод қилса, иккинчи томондан, зурёд масаласи, ўз вориси муаммоси Хун Тойчининг бошини қотириб, ношод бўларди.

Орзу-умидлари беш йил давомида пучга чиқиб келган хон «номид — шайтон» деган ҳикматга амал қилиб, олтинчи йилги наврўз байрамига тайёргарлик кўра бошлади...

Бу йил кўклам эрта бошланиб, тоғ этакларидаги қорлар тез эриб кетди. Тошлар тубидан жилғалар ярқираб кўринди, кўм-кўк ўтлоқлар яшнаб, у ер-бу ерда лолақизғалдоқлар сон-саноқсиз чироқ пиликларидай қизариб қолди. Хун Тойчининг хизматкорлари минг-минг отутуя, сиғир-бузоқ, лак-лак қўю эчкиларни берк ерлардан яйловга ҳайдаб чиқаргач, Кўшмир кенгликларида ҳаёт қайнади.

Хун Тойчи тоғ бағрига оқ ўтовларни тикиргач, Или вилоятининг қози калони, домла имоми, бою бойёнларидан йигирма чоғлиқ яқинларини чақириб, меҳмон қилди. Бир той, тўрт бўрдоқи қўйнинг гўштёғи катта қозонларда қайнади, жавдари буғдой унидан катта тоғораларда хамир қорилиб, кулчатойлар қайноқ тортилиб турди. Хоннинг маслаҳат мажлиси әкин-тикин, чорва масалаларидан бошланган бўлса

ҳам, меҳмонлар хоннинг дардини билганликлари учун, жағлари қирилаб турарди-ю, кўзларини Хун Тойчининг оғзига тикар эдилар.

Оқ ўтов тўрида қози қалон билан домла-имом ўртасида чордона қуриб ўтирган хон ниҳоят, томоғини қириб, асил мақсаддан сўз очди:

— Наврўзни келгувси жумъя саҳар мардонда бошласак, уруғлар, не дейсизлар?

— Айни муддао!— қози қалон кулчатойга ўралган каттагина юмшоқ гўштни лиқиллатиб ютгач, бамайлихотир гапирди.— Қўмшиларға хабар бердингиз-ма, хон?

— Маслаҳат битса, хабар берурмиз.— Хун Тойчи ўйчан бир аҳволда жавоб қилди.— Бул томон қалмоқлар, ул томон ўзбагу қирғизларға чопар юборажақман.

— Элатларни айланиб ўтдим,— домла-имом қўлининг ёғини сочиқقا арта туриб, сўзга аралашиб.— Иигитлар обдан машқ қилурлар. Фулжада бир бекзода бор экан, бай-бай, тулпорда қушдай учадир. Еркентда бир асилзода ўғлонни кўрдим, камон тортишда беназир... Иншоолло, бу сафар лочинлар парвозга шайдирлар!

Шу тахлит сұхбат асосий мавзу теварагида қизиб, ҳар ким кўрган-билганини ҳикоя қилди, меҳмонлар бу йилги наврўз мусобақалари ниҳоят, натижа бериб, Хун Тойчи куёвлик бўлишига умид билдирилар ва зиёфат охирида домла-имом узундан-узоқ дуо қилгач, оқ ўтовдан мамнун бир қиёфада йилтилаб чиқиб тарқалишдилар.

Бу вақт тепаликдаги қатор оқ ўтовлардан бири — хоннинг тепасида қирғий шакли порлаб турган баланд ўтоби ёнидаги иккинчи гулдор оқ ўтовда қизлар базми авжида. Оппоқ дугонаси Вазирани яна бир қиз билан кечеёқ отлиқ юбориб айтдириб келган қирқча яқин қиз ҳозиргина дастурхонни йигишириб, созу наво мажлисини бошлаганлар. Ўтов ичида гир айланиб ўтирган гўзаллар рубобу дуторларни созлаб, чирмандаларни даранглатиб, сафоилларни шиқирлатиб, шўх куйлайдилар:

Том бошида йўнгичка,
Хой қиз, белинг ингичка
Ингичка деб ғам еманг,
Энди кирдим ўн утга.

Яллама, ёрим, яллама,
Яллолашайлик.
Тоғ этаги салқин экан,
Ёнбошлашайлик.

Кетма ёрим олисга,
Мажбур этма нолишга.
Тоқатим йўқ, севгилим,
Сенсиз ёлғиз қолиша!

Яллама, ёрим, яллама,
Яллолашайлик.
Ариқ бўйи салқин экан,
Ёнбошлашайлик!

Олма берсан олмайсан,
Бехи берсан өмайсан.
Кетма, десам кетасан,
Кетсанг, қайтиб келмайсан.

Яллама, ёрим, яллама,
Яллолашайлик.
Бегоналар кўрмасин,
Бедодлашайлик!

Иигит бўлсанг мард бўлгил,
Юрагимда дард бўлгил,
Ёнимда бирга юргил,
Улсанг ҳам бирга ўлгил!

Яллама, ёрим, яллама,
Яллолашайлик.
Кўм-кўк яйлов салқин экан,
Ёнбошлашайлик!

Куй шу ерга етганда бошқа созлар баравар тўхтаб, фақат чирмандалар даранглаб, бака-банг авжга минди, ўтов тўрида, Оппоқнинг биқинида ўтирган Вазира ўрнидан туриб, қора оҳу сурати чекилган оқ намат устида чир айланганча ўйнаб кетди.

Чиний гулранг шоҳи қўйлак устидан қизғиш кийик теридан нимча кийган, майда ўрилган соchlарини бошига турмаклаган Оппоқ нозик зангори этикчаларини тагига босганча тиз чўкиб ўтирас экан, қизларга қўшилиб чапак чалади, худди ўзи каби узун бўйли, ингичка қадди-бasti келишган Вазиранинг рақсини завқланиб, кўзлари ёниб томоша қиласди.

Бу икки дугона, бир яйлов, бир қуёш қизлари бўлсалар ҳам, юз

кўринишида бир-бирларига сира ўхшамайдилар. Оппоқ ўз исмига муносиб: кўпикланиб турган қайноқ оқ сутга чайиб олингандай ёки тиҳниқ тонг нуридан нусха кўчирилгандай оппоқ: юз-манглайи, бақбақа, бўйинлари, узун қўл-билаклари, хинали ингичка бармоқлари оппоқ. Ингичка бурни пастроқ бўлса ҳам, йирик-йирик сурмаранг кўзларига, узун киприклари ва ингичка қошлирага, думалоқ юзига жуда ярашган; бир қадар тўлиша бошлаган жажжи кўкраклари нимчасини туртиб чиқсан, юпқа лаблари атиргул ғунчасининг япроқларини эслатади. Уни бир кўрган одам бул назокатли жамол соҳибасини иойгаларда не-не чавандозларни ортда қолдирган, камон тортишда не-не мерганларга сабоқ берган, айтишувларда энг сўзамол йигитларни мот қилган ғолиба эканлигини асло тасаввур эта билмайди!

Вазира ташқи кўринишида Оппоқнинг тамомила тескариси: уни танимаган киши дафъатан кўриб қолса, соябон аравада шаҳарма-шашар кезиб юргувчи қуёш ва дарбадарлик фарзанди — лўлл қиз, деган фикр миясида чақнайди. Саратон оловида қоврилиб кўмир бўлган вужуд: бутун қиёфаси чақноқ кўзлари каби қоп-қора йилтиллайди. Ҳаракатлари ҳам чаққон. У чирмандалар зарбига шамолдай тез учар экан, гўё ўтов чир-чир айланадиган...

Қизларнинг чапаклари, шўх қийқириқлари, Вазиранинг чирпирак ўйини бир неча дақиқа давом этгач, ниҳоят раққосанинг боши айланниб, ўзини Оппоқнинг оёғига ташлади-да, «уҳ!... деганча чалқанча ётиб олди.

Қизлар шовқини тинди.

Оппоқ Вазиранинг от ёлидай қалин соchlарини силади, кўмир чўғидай ёниқ кўзларидан ўпди ва:

— Йигит бўлсанг, сенга ўзим тегиб олардим, Вазирахон! — дейиши билан қизлар баралла хандон отиб кулишди. — Рост-да! — Мақтовини давом эттириди Оппоқ. — Сендан ўзабиладиган чавандоз дунёда йўқ. Камон тортишда ҳам шаҳзодаларга машқ кўрсата биласан. Курашда на фил, на дев белингни бука олади. Созу нахшида, рақсу курашда ҳам мен сенинг қулингман! Худо сени фақат бир нарсадан кам яратган — эркак бўлиб туғилмагансан.

Қизлар яна қиқирлаб кулишди. Вазира нафасини ростлагач, ўрнидан туриб, қўлларини нозик кўкрагига қовуштириди-да, Оппоққа эгилиб таъзим қиларкан:

— Жоним сизга тасаддуқ, хонзодам! — деди. — Лофни ошириб юбордингиз. Мен фазлу ҳунарда сизнинг ноқобил шогирдингизман, холос.

— Хашттор чертгим келадир. — Оппоқ ўтов қозигига осиғлиқ қўбуз шаклидаги саккиз торлик асбобга ишора қилди. Вазира дарҳол хаштторни гулдор қозиқдан олиб, хонзода қўлига тутди. Оппоқ хаштторни чертаркан, гўё бир неча созанда жўр бўлиб чалаётгандай рангоранг куй кенг ёйилиб, ўтов ичи жаранглади. — Илида Омонниса хоним «Ишрат ангез» мақомини хаштторда чалганларини эшитганман, — деди Оппоқ кўзларида алланечук мунг филтиллаб. — Гўё, тонг чоғи боғда булбуллар хумор нола қилиб, бир-бирларини чақирамишлар... Үл нахшининг баъзи мисралари ҳамон хотиримда.

Оппоқ хаштторни чертиб, ёнига тиз чўккан Вазирага бир нафас ўйчан тикилиб турди-да, аста куйлади:

Ман найлайн нозик қўлим бойланди,
Ер жамолин кўрмай ўлар ўхшайман.

Қароқчилар ўлдирмакка чоғланди,
Ер жамолин кўрмай ўлар ўхшайман.

Жонимга қасд қилди қароқчи оғат,
Ўндан қутулмоғим мушкул саломат.

Гўё, бўлди менга рўзи қиёмат,
Ер жамолин кўрмай ўлар ўхшайман.

Ёқамни чок этиб айласам фарёд,
Узоқда эшитмас қомати шамшод.

Иккисин, бузилсин бу ҷархи ношод,
Ер жамолин кўрмай ўлар ўхшайман.

Гарифнинг пиридир Жұнайд Қағылыш, Олло берсін ошиқларнинг муродин,
Сендан үзге кимга айтай бу доди, Ер жамолин күрмай үлар үшайман...

Оппоқнинг нахисидан ўта таъсирланган қизлар даврасида додвой бошланди, улар бевафо фалак аламларидан фарёд чекиб, сочларини юлиб, юзларини юмдалаб, астойдил ҳұнграб йиғлай бошладилар.

— Хонзодам!— Вазира Оппоқнинг тиззаларини қучоқлаб, бошини унинг семиз болдириларига урди.— Дод фалакнинг дастидан! Сиздай хүснда ягона, хұлқу фазилатда тенгсиз маликага наҳотки, муносиб асилзода эр топилмаса! Наҳотки, тангри таоло Чинмочиндаги аслзода йигитларни лапашанг қилип яратған! Улар ғызын күргач, эгарда ўтириб қалтирайдилар, майдонда қулоқлари қар, құзлари күр бўлиб қоладилар, камон тортган қўллари кесакка айланади.

— Вазирахон! Бошингизга тушмаган, билмайсиз!— Дуркунгина бир қиз сұхбатга аралашди.— Ҳақиқий ошиқ мисоли сурат: маъшуқасини кўрганда на жони, на забони қолади!

Бу изоҳга қизлар яна хандон отиб қулишдилар.

— Ҳар бир ишнинг ўз вақти-соати бор.— Ҳалиги дуркун қиз ҳикоя бошлади.— Менинг опам Напармонга совчилар кўп келди, аммо ҳеч бир йигит унга ёқмади: бирини ўпоқ, бирини сўпоқ деб рад этаверди— на давлатини писанд қилди, на шавкатини. Бироқ, бултур бир камбағал чўпон йигит опамнинг дилига хуш келдию ота-она раъйига қарамай, ўша йигит билан қочди-кетди...

— Вой ўлмасам...— Вазира хинолик қўллари билан тиззасига шапатилаб уриб, қўзлари олаланиб, ҳўрпайди.— Наҳотки, отангиз индамай қараб тура бердилар, Армонхон?

— Отам бечора опамни қидира-қидира толдилар...— Армон ҳикоянинг охирини қизиқиб кутаётган қизларга бир-бир қараб олдида:

— Орадан икки йил ўтгач, опамнинг ўзи чўпонини олдига солиб, қўчқордай-қўчқордай икки ўғли — Ҳасан, Ҳусани билан уйимизга кириб келди,— деб ҳикоясига хотима чекди.

Қизлар енгилгина тин олиб, жилмайиб қўйишиди.

— Йўқ, қизлар, чўпон тугул шаҳзодани севиб қолсан ҳам мен отанамни ташлаб кетмайман!— Оппоқ ўрнидан туриб, қўнғир сочи устидан шинам боғланган оқ шоҳи дуррасини тузатди ва қозиқдаги савсар бўркини олиб, дурраси устидан бошига бостирди.— Юриңгиз, кўл бўйига борамиз!

Қизлар гурр этиб ўринларидан турдилар ва Оппоққа эргашиб, ўтовдан чиқдилар.

Тиниқ зангори осмоннинг у ер-бу ерида тўда-тўда оқ булултар кўринса ҳам, ёрқин қуёш баркаши қўзни қамаштиради. Ҳаво илиқ. Шарқ томондаги тоф ёнбағирлари кўм-кўк арчалар билан қопланган. Жанубдан учиб келаётган турна галаси уч бурчак шаклида чарх уради. Оқ ўтовлар ортидаги яйловга қўйиб юборилган оқ, қизил, қоратўриқ, кўк отлар тўйиб-тўйиб ўт чайнадилар. Заррин мусаффо ҳаво, уйғонаётган нимияшил табиат, поёнсиз кўм-кўк манзара одам қалбига завқ, ҳавас, умидлар тўлдиради.

Оппоқ у ер-бу ерида лолақизғалдоқлар қизара бошлаган ўтлоқда қизлар олдида борар экан, шодлиги юрагига сиғмай:

— Қўвишмачоқ ўйнаймиз!— деди.— Мен чопаман, сизлар қувиб етингизлар!

У қулочини кенг ёйиб, ўтлоқда чопиб кетди, қизлар уни қувдишлар. Лекин Оппоқ икки чақиримча келадиган масофани ўтиб, кўл бўйига келгунча ҳеч бир қиз унга ета олмади.

Кўл бўйида сув ичаётган ғозлар галаси қизлар шовқинидан чўчинб, қанотларини шақиллатиб ҳавога парвоз қилди. Қизлар ўтлоқ соҳилда

қатор тизилишиб турганча тобора баланд кўтарилаётган ғозлар галасининг текис тизилишиб учишини томоша қилдилар.

Сайрам кўли... Или диёрининг тиниқ кўзгуси, оби ҳаёти. Нариги қирғонига кўз илғамас бу мовий муҳитнинг ўнг томонидан, то тоққа қадар чўзилган ерлар ота-боболари хон бўлган, ўзи ҳам хон аталган Хун Тойчи тасарруфида. Бу водийдаги ўтлоқларда унинг минг-минг от, туялари, ўнг минглаб қўйлари боқиласди. Муз довоннинг бул ёғидаги Или, Оқсув, Кўчар, Қизил, Қумбош ва яна аллақанча шаҳарларнинг бозорларида Хун Тойчининг семиз моллари чақон пулланиб, саройнинг ертўласидаги пўлат сандиқлар олтин тангалар билан тўлади.

Хун Тойчининг давлати беҳисоб. Лекин худо уни фарзанддан қисиб қўйди; катта хотинидан бир ўғил ва бир қиз — Оппоқ билан Арнабой туғилди, холос. У кейинги уч хотинидан бола кўрмади. Шу сабабдан унинг бутун умиди ёлғиз ўғли билан бўлажак кўёвидан: қизини, майли, хон, майли, бек авлодидан бир йигитга узатиб, агар, иложи бўлса, у йигитни ичкуёв қилиб, набираларини ўзи тарбиялаб, мол-мулкига меросхўр қилмоқчи. Лекин, эрка ўсан Оппоққа ҳеч ким ёқмайди: бири мерган эмас, бири чавандоз эмас, бири хунук, бири сўзга нўноқ... «Танлаб-танлаб тозисига учради», деганларидай, Оппоқнинг ҳам нобоп бир йигитни танлаб қўйишини ўйлаб, Хун Тойчи ич-ичидан ёнади, лекин сиртда сир бермай, ихтиёрни қизига бериб қўйган.

Сайрам кўли... Оппоқ унинг енгилгина шабадада мавжланаётган жимир-жимир сатҳига тикилади ва бу бетинч маъвони орзулар тўла ўз дилига, армон билан кечәётган ўз ҳаётига ўхшатади. Онасининг айтишича, у наврўз байрами тонгида туғилган. Яна бир ҳафтадан кейин, наврўз тонгида ўн тўққизга тўлади. Унинг кўп тенгдошлари — улус қизлари тўрт-беш йил аввал узатилганлар, икки-уч болалари бор. Уларга нисбатан Оппоқ — қари қиз.

Кўл бўйига яйраш, қувнаш учун келган хон қизининг маъюслиги, дилгирлиги дугоналарига ҳам кўчди, қизлар кўл сатҳига, кўкдаги турна галаларига тикилганча ўйга толдилар.

Оппоқ беихтиёр нахши бошлади, дугоналарни ҳам унга қўшилдилар:

Жимжит кўл бўйида кўрдим ўзимни,
Ёлғиз булбул сезиб, фарёд айлади.
Чамамда, англади қушча сўзимни,
Бошимдан хушимни барбод айлади.

Йиғилиб келдилар бир неча қизлар,
Хар бири ишқини оҳ уриб сўзлар.
Эй кўзлари шаҳло, юзи қирмизлар,
Нолангиз кўнглимни ношод айлади...

Қизлар куйлаётганда кўл юқориси — тоғ бағридаги яйловга уч йилқичи йигит бир тўп отларни ҳайдаб кириб кела бошлади. Йилқичилар ҳам отга минган; бўрисифат, баҳайбат бир ит ва оламушукни эслатувчи жиккаккина кучук уларга эргашиб келарди.

Отларнинг сон-саноги йўқ — балки, беш юз, балки бундан ҳам ортиқдир. Биялар ёнида тойчалар чопқиллайдир — жигарранг, қоратўриқ, оппоқ, сарғимтири, кулранг-кўкиш тойчалар...

Уч йилқичининг ўртадагиси — манглайида оқ қашқаси бўлган қизғиши саманга минган хушуврат барваста йигит Или қизлари ҳанузгача эшитмаган мунгли оҳангда хониш қилади.

Отлар галаси мавж уриб ўсан ўтлоқ оралаб эртаклардагидай ғаройиб сузиб боради. Илқи қизлар турган ерга яқинлашиб келган сари сал чўзинчоқ чиройли юзини тўсдай тимкора соқол қоплаган, патила-патила сочи елкасигача тушган, йирик қора кўзлари тошкўмир чўғидай чақнаб турган йилқичи йигитнинг овози баландроқ эшитилди, хонишдаги тубсиз мунг қизлар хаёлини қора илондай чирмаб-ўрай бошлади.

Оппоқ қўшиғини беихтиёр тўхтатиб, йигит ноласига қулоқ солди:

Фироқинг ўтиға, ай пулузор, йиғлэрман,
Сани соғиниб туну-күн зор йиғларман.

Нетай, не чора қилай, васлингга етолмасман,
Фироқинг ила чун абри баҳор йиғларман...

Хон қизи куйчи йигитнинг ҳам, шерикларининг ҳам бу ерлик эмаслигини яхши билади. Умуман, Сайрам кўли юқорисида, тоғ бағирларида аҳоли сийрак, фақат кўлнинг нарёғида — Минг уй овулида асосан қозоқлар яшайдилар. Минг уй йигитларининг кўпчилиги Хун Тойчи хизматида: яйловларда мол боқадилар, адирларда буғдой экиб тирикчилик қиласидилар. Лекин, бу йигитлар Минг уйлик қозоқ йигитларга ўҳшамайдилар. Улар узоқлардан келиб, Хун Тойчига ёлланиб ишлайдилар. Қизидан ҳеч нарсани сир тутмайдиган, уни ўғил ўрнида кўриб ҳар борада маслаҳатлашадиган Хун Тойчи бундан уч ҳафта аввал Муз довонни ошиб, Қашқар томондан келган уч қаландарни ўз хизматига олганини, яйловда йилқи бокишга қўйганини сўзлаб берган эди. Бу йигитлар ўша қаландарлар бўлса керак.

Қизлар кўл соҳилида гуж бўлиб турганча қадди-басти келишган йилқичи йигит хонини жон қулоқлари билан тингладилар:

Гаҳи тушимда кўриб суратинг Зулайҳовор,
Яқомни пора қилиб, лолаузор, йиғларман.

Ғарibu бекасу бечора, ҳамдамим йўқидин,
Тушуб бу ғамзада кўнглумга ёр, йиғларман.

Қани мусоҳиби ҳамдам, қани қадрдонлар,
Қани муҳибу қэни гулузор, йиғларман.

Сўроғладим бу жаҳон мулкини саропойин,
Топилмади яна сендек нигор, йиғларман.

Қаён борай, тугатай кимга айтиб, эй дўстлар,
Юроким ўртанибон пуршарор йиғларман.

Таваккал айла худо қисматига, эй Машраб,
Танимда жон борича интизор йиғларман.

— Машраб! — дафъатан қичқириб юборди Оппоқ. — Қизлар! Отамнинг йилқичиси шоир Машраб эркан!

— Шоир Машраб? — Вазира таажжубланиб сўради. — Қайси шоир Машраб? Фазалларини накшонлар тўйларда айтатурган девона Машрабми?

— Худди ўзи!

Оппоқ отлиқ йилқичи йигитлар томонга илдам юриб борди. Қизлар унга эргашдилар.

Бир тўп ясан-тусан қизларнинг йилқи тўдаси томонга чопқиллаб келаётганини кўрган Машраб ёнидаги Пирмат ва Обид восвосга:

— Дарҳол олдинга ўтиб, йилқини ўранглар, шу ерда ўтлатамиз! — деди ва улар икки томондан от чоптириб, йилқининг олдига ўтгач, ўзи отдан тушиб, атрофини ўраган қизларга нима деярини билмай, улар олдига чиққан Оппоққа: «Нима истайсан?», дегандай савол назари билан тикилди.

— Машраб! — деди шаддод қиз чўпонлардай калта пўстин кийиб, бошига қалпоқ бостирган бўйдор йигитга. — Нахшингиз жонимни сирқиратди, нечун «йиғларман» дедингиз, бошингизга не савдо тушмис?

Машраб Оппоққа бошдан-оёқ разм солди ва унинг икки ёнидаги бир-биридан зебо бошқа қизлардан журъати, ғурури билан шундоққина фарқ қилиб турганини фаҳмлаб, кўл сайрига келган қизларнинг бу сардори Хун Тойчининг таърифи тилларда достон бўлган қизи Оппоқ бўлса керак, деб тахмин қилди ва бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун:

— Или хони Хун Тойчининг Оппоқ исмли қизи сиз бўлсангиз кепак? — деб сўради. — Хўш, менинг Машраб эканимни сизга ким айтди?

— Фазалингиз! — Оппоқ дадил жавоб берди.

— Балли! — Машраб хонзоданинг зеҳнига тан бериб, бош эгди.— Ийғлашимнинг сабаби булдурки, хонзода, мен диёру ёридан жудо бўлган бир бечора қаландардурмен!

— Йигит йиғламайди! — Оппоқнинг тиниқ юзи жиддийлашиб, қиийқ қуралай кўзларида қатъиятнинг совуқ шуъласи порлади.— Йигит курашади, енгади!

— Сўзингиз ҳақ, хонзода! — қиз жасоратининг сеҳрига берилган Машраб иқрор бўлди.— Афсуски, курашиб толдим, доғда қолдим.

— Машраб! Наврўз тонги Жилғаланг яйловига келингиз! — Оппоқ бўйини ерга эгиб, курт-курт ўт чайнаётган Машраб отининг ёлини силаб туриб, бошига келган фикрдан нафис жилмайди.— Майдонда йигитлар от чопадилар, камон тортадилар, курашадилар, соз чаладилар, хониш қиладилар! Ғолиб келган йигит соврунни олгай! Кечикмангиз, шоири замон!

Оппоқ шундай деди-да, қиқирлаб қулиб, кўл соҳили томон чопиб кетди. Қизлар унинг кетидан эргашдилар.

Хон қизининг мақсадини хаёлига ҳам келтирмаган Машраб отининг жиловидан ушлаганча ранг-баранг кийинган, бир-биридан сулув қизлар галаси кетидан тикилиб қолди.

— Епирај, ўнгимми, тушимми? — ўйларди шоир.— Соврун дегани не эркан?

У чуқур ўйга толди. Унинг хаёл уфқидан нотаниш қизлар йўқолди-да, бошқа бир гўзал — Офоқ хўжа ҳарамида қон йиғлаб ўтирган Тўтихон кўринди ва боягина тўқилган ғазалидан бир байт юрагини туб-тубидан ёндириди:

Фироқинг ўтиға, эй гулузор, йиғларман,
Сани соғиниб туну-кун зор йиғларман...

Дарбадарлар

Оқсувдаги карвоңсаройда кечаси икки навкар икки оти билан ғоийб бўлгач ва Соқий охун кун бўйи шаҳар қезиб, карвоңсарой соҳибидан шаҳар ҳокимиғача аллақанча одамларга учраб бирон-бир натижага чиқаролмагач, бунинг устига Офоқ хўжа номини ўртага қўйиб қилган дўқ пўнисаларга ҳеч ким парво қилмаганидан дарғазаб бўлиб, «Қашқар қайдасан?» деб орқага қайтишга мажбур бўлди.

Юсуф Кошғарий Машраб ва унинг икки юртдошини оқсувлек таниш билишларидан бир неча кишиникига меҳмонга олиб борди, қўлидан келганча сийлади. Орадан икки ҳафтача вақт ўтгач, у ҳам Абдуллахон ўрдасидаги хизматини баҳона қилиб, шаҳрига йўл олди.

Машраб, Пирмат ва Обид воғвос карвоңсаройда Юсуф Кошғарий совға қилган уч от ва вафодор Қитмир билан хомийсиз, пулсиз қолдилар. Аввал бир от, кейин иккинчи от сотилди. Ҳаво тобора совиб, қор устига қор ёғди. Обид воғвос учинчи отга ҳам харидор топиб келди, лекин Машраб қийиқ кўзлари жавдираб турган, оёқлари узун, манглайида япроқдай оқ қашқаси бўлган бу ажойиб арабий саман отни сотишга кўнмади, аксинча шу от ва Қитмир ҳамроҳлигига Или томонга йўлга чиқиши, йўл-йўлакай турли бекатларда тўхтаб, ишлаб пул топиб, бир амаллаб Ғулжага этиб олишни таклиф қилди. Обид воғвос бу таклифга тиш-тироғи билан қарши чиқди. У Оқсув бозорида йўл билгувчи кишилар билан сўзлашган, улар Ғулжага бориш учун Муз довондан ўтиш кераклигини айтганлар, қиши фаслида эса қор босган тоғ йўлларидан ўтиш амримаҳол: уч мусоғир оч бўриларга ем бўлиб кетади. Яхшиси, ортга қайтиш, Қашқарни четлаб ўтиб, азиятлар чекиб

бўлса ҳам, она юрт Фарғонага етиб олиш керак. Бу фикр сарсон-сарардонлик жонига теккан Пирматга майдай ёқиб тушди ва Обид восвоснинг ёнини олиб, гоҳ ёлвориб, гоҳ йиғлаб Машрабни кўндиришга ҳаракат қилди. Аммо, Машраб кўнмади; аввало, Соқий охун Оғоқ хўжага булар устидан иғво қилиб, навкарлари қиличини қайраб туридикি, Қашқар томонга юриш мумкин эмас. Иккиласми, Оғоқ хўжа бўлган воқеалардан Бозор охунни албатта хабардор қилган, демак булар Наманганга киришлари билан дарҳол ҳисбсга олинадилар.

Машраб юртдошларига кўм-қўк тоғлар оралиғидаги обод Или во-дийсининг ўзи тарих китобларидан ўқиган ва сайёҳлардан эшитган гўзали табиатини таърифлади. Адиrlарда буғдой одам бўйи ўсиб, беназир мўл ҳосил олинар эмиш. Тоғлардаги эгасиз мевазорларнинг поёни йўқ: олма, файнолу қорақот, бужурғон (қулупнай), ёввойи ўриклар тўкилиб, ерни гиламдай қоплаб ётар эмиш. Қенг сой, Кўк сув, Тўғри сув, Оҳир булоқ, Моҳур, Жилғаланг ва ҳоказо ғаройиб отлар билан аталадиган сойлари, яйловлари бор эмиш. Отлар, туялар, қўйларнинг сон-саноғи йўқ. Энди қиши совуқларую қор-бўронларга келсак, сиз билан биздай азамат йигитларга уч ойлик қисқа қиши нима деган гап? Мана ярми ўтай деб қолди, чилла чиқса, ҳаво юмшайди. Келинг, қадрдонлар, йўлга чиқайлик-да, қисматимизни бир синаб кўрайлик. Ахир, оч қолмасмиз. Тоғда нима кўп — айқ, бўри, тулки, буғи, архор, қуён кўп... Камонни шайлаб, наизани пешлаб, ов гаштини суриб, дилни хушлаб, йўл юриб, йўл юрсак ҳам мўл юриб, Илига етиб оламиз. У ёғи яна бир гап бўлар.

Хуллас, қиши ичи даволаниб, жароҳатлари битган, яна қайта кучга тўлган Машраб юртдошларини йўлга чиқишига кўндириди ва уч дўст карвонсарой соҳиби билан ҳисоб-китоб қилишгач, февраль ойининг бошларида самани эгарлаб; хуржуни қопларни ортдилар-да, Гулжага томонга юрдилар. «Жонивори безабон, рафиқи қадрдон»— Қитмир уларга эргашди...

Машраб айтганидай, йўл юрдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрдилар. «Йигит моли ерда», деганларидай бекатларда, бозорларда, карвонсаройларда ўтин ёрдилар, сув ташидилар, ариғу ўра қазидилар, ҳаммоллик қилдилар; чўлларда ёввойи кийик овладилар, инсон кирмаган чангалзорларда бултур кузда ерга тўкилган меваларнинг қоқиларини териб едилар. Хуллас, орадан бир ойча вақт ўтгач, жума бозор эрталаб Гулжага кириб келдилар.

Шаҳар ўртасидаги бозорга одам сигмайди. Бозор атрофидаги тор кўчаларда турли тилда сўзлашган кишиларнинг ғала-ғовури, шовқин-сурони қулоқни қоматга келтиради. Дўқонлар ланг очиқ, ҳар бирида мол тўла. Баззозлар, саррофлар, қассоблар, мисгарлар, вофурушлар харидор чақирадилар. Сон-саноқсиз заргарлик дўқонларининг ойнаванд қутнию жавонларида олтин, кумуш буюмлар, дурри жавоҳирлар, минг турли тақинчоқлар ярқирайди...

Дўқонлар орқаси — мол бозори. Отлар кишинайди, сигирлар мўърайди, қўй-қўзилар маърайди...

Машраб отдан тушиб, самани етаклаганча йўлдошлари билан қўй бозорини четлаб ўтаётганда бир жаллоб унинг йўлини тўсди.

— Отни сотинг, меҳмон, харидор бор,— деди.

— Йўқ, биродар, от сотилмайди,— Машраб от жиловини четга тортаётганда жаллоб саманга қаттиқроқ ёпишиб олди, унинг оғзини йириб очиб, тишларини кўрди, ёлини чангаллаб:— Сотинг!— деди тағин.— Қўнгтожихонга¹ олиб берай! Отингизнинг нархи ўн тилло. Ана боринг, ўн икки тилло бўлсин!

¹ Хун Тойчини гулжаликлар шундай деб атаганлар.

— Йўқ, юз тиллога ҳам сотмайман!— Машраб шилқим жаллобдан қутулиш учун бир тўда лўлилар даврасига тушиб қолган Обид восвосни ёрдамга чақирди:— Обид ака, бери келинг, бул одамдан бизни қутқаринг!

Обид восвос лўлилар орасини ёриб ўтиб, жаллоб тўнининг елкасидан тортди:

— Ҳой оғайни, шоири замон сизга айтдилар-ку от сотилмайди деб! Бу тулпор қушлар наслидан арабий лочин бўлади, нархи минг тилло! Қочинг, ёпишманг, қўлим қичиб турибди, шундоқ ҳам қаншарингиз паст экан!

Пучуқ жаллоб Обид восвоснинг сўзларига парво қилмай, саманинг оёқларини ушлаб кўрди, қорнини, бўксасини силади, яна ёлига ёпишиб, нархини оширди:

— Ана, ўн беш тилло, бор барака, денг! Ия, ҳизирни йўқласак бўларкан, Қўнгтожихон ўз оёқлари билан келиб қолдилар. Омадингиз келган экан, йигит, сотинг, кейин армонда қоласиз.

Хун Тойчи йигирмага яқин туюни бир йўла савдо қилиб, энди отбозорга бурилаётганда пучуқ жаллоб дарҳол унинг ёнига бордива кун анча илиб қолган бўлса ҳам, ағдарма кўндан тикилган узун пўстинини судраб, тулки теллак ичидаги гўштдор улкан бошини кўтарди. Хон бозордаги бошقا отлардан баланд бўйли, узун оёқлари, силлиқ таралган ёли, кийик кўзларини эслатувчи жавдираган кўзлари билан ажралиб турган саманга синчков тикилди.

— Қай томондан келдингизлар?— иягининг у ер-бу ерида узун туқлар осилиб турган чала кўса — хон, Машрабдан сўради.

— Қашқардан.— Машраб самантойнинг жиловини маҳкам ушланча хавотирланиб жавоб берди.

— Не юмуш қиласизлар?— хон, Машрабга яна савол берди.

— Не иш бўлса шуни қиламиз.— Машраб учун Обид восвос жавоб қайтарди.

— Кечин карвонсаройга борингизлар,— хон шундай деди-да, ҳозиргина харид қилган туюлари тўпи томонга бурилди.

«Муғомбир хон,— ичиди ўйлади ширинкомадан маҳрум бўлган жаллоб.— Буларни оти тугул, ўзларини ҳам арзонга сотиб олади».

Машраб ва унинг йўлдошлари отни етаклаб, Қитмирни эргаштириб мол бозоридан чиқиб кетаётганларида аллакимнинг:

— Дод, отим ўлди! Вўйдод, энди нима қиламан!— деган қичқириги эшитилди.

Ерда ағдарилиб ётганча тўрт оёғини осмонга кўтариб типирчилаётган қирчанғи отнинг оғзидан кўпиклар сочишлар, унинг эгаси — жингалак сочили, қоп-қора кекса лўли бозорни бошига кўтариб бақирап эди:

— Дод, отимдан айрилдим, ҳозир ҳаром ўлади. Қассоб борми, акалар, ким қассоб?

Жон бераётган от эгаси бўлган кекса лўлининг ёнида бешик, элак, чирманда ва яна аллақанча ранг-баранг буюм кўтарган эркагу аёл лўлилар, уларнинг майдачўйда болалари тўдаланишиб бақириб-чақириб, қий-чув кўтаришар эди.

Обид восвос белбоғига осиғлиқ қиндан катта пичоғини суғуриб олди-да, ерда типирчилаб ётган отнинг кўксига бақувват тиззасини босиб, шартта сўйиб юборди. Буни кўрган кекса лўли ва унинг болалари дод солишдан тўхтаб, қассобга қўлларидан келганча ёрдамлаша бошлидилар.

Обид восвос қора терга тушиб икки соатча меҳнат қилди. Ниҳоят, отнинг гўшт-ёғлари бўлак-бўлакка ажратилиб, қассоб дўконига ташиб берилди.

Лўли чол Обид восвоснинг меҳнати эвазига битта чирманда берди:

— Раҳмат, ука, зерикканингда чалиб юрарсан,— деди.

Обид восвос чирмандани қўлига олиб, даранглатиб чаларкан, ич-иқидан хандон отиб кулди. У шу қадар куч билан қийқириб кулдики, кўзларидан тирқираб ёш оқиб тушди.

— Вой лўли-ей, бопладинг мени, чол! Энди Обид восвос эмас, Обид чилдирмачи бўлдим! Вой занғар-ей!..— дерди кула-кула Обид восвос.— Шоири замон, бунисига неча пул берасиз! Пирмат Сеторий ёнига Обид чирмандачи қўшилди. Вой сен лўли чол-ей!

Уч оғайни бозордан чиқиб, йўлдаги эндигина қуртак чиқара бошлиган сўфот (тол) дараҳтлари тагидаги чойхонада енгил-елпи тамадди қилиб олдилар-да, кечга яқин Хун Тойчи билан учрашиш учун карвонсаройни излаб кетдилар.

Боя бозорда, лўлининг оти сўйилган пайтда кўздан фойиб бўлган пучуқ жаллоб чойхона яқинида йўлда буларга яна дуч келди.

— Ҳой биродар,— от етаклаб бораётган Машрабнинг қўлидан маҳкам ушлаб олди у.— Йигирма динорга кўнасизми? Йигирмата олтин динорни нақд санаб бераман. Хон сизни ҳам, йўлдошларингизни ҳам, отингизни, борингки, итингизни ҳам текинга олиб кетади. Сиз қалмоқ хонни билмасангиз керак, билсангиз бунақа лақилламаган бўлардингиз. Қўнгтожихоннинг қамчисидан қон томади. Бунинг устига ўлгудай зикна. Биздай жаллоблар турган жойда отни ҳам, туяни ҳам ўзи савдо қилиб олади. Сиз балиқдай қармоққа илиниб ўтирибсиз, биродар, келинг, қўлни беринг, йигирмата олтин динорни олингу Ғулжада йўлдошларингиз билан даврон суринг!

Жаллобнинг шйлқимлиги жонига теккан Машраб узангига чап оёғини қўйиб, самантойга эпчил минди-да, от бошини ўнгга буриб, жаллобдан узоқлашмоқчи бўлди.

— Ана, боринг йигирма икки динор бердим!— жаллоб от жиловини ушлаб ўзига тортди.— Ҳўп денг, биродар, отингизга ишқим тушиб қолди!

— Минг динорга ҳам сотилмайди!— Обид восвос қўлидаги чилдирма гардиши билан жаллобнинг елкасига солди.— Тезда туёқни шиқиллатиб қрлинг, жаҳлим ёмон!

Девсифат Обид восвоснинг важоҳатини кўрган жаллоб вайсай-вайсай орқада қолди, мусофирилар, ниҳоят карвонсарой томонга юрдилар.

Хун Тойчи хон бўлса ҳам, Ғулжага ҳукми ўтса ҳам, бу ердаги ўйлари, дўконлари, саройлари то қиморхоналаригача барча мулкини шаҳарлик давлатманд кишиларга ижарага топшириб, ўзи ҳисобсиз от, туя, қўй, моллари боқиладиган кенг яйловларга тикилган шоҳона оқ ўтовларда яшаши афзал кўришини, Ғулжадаги биргина карвонсаройни шаҳарга келган чоғларида қўнадиган доимий қароргоҳи қилиб қўйганини Машраб ва унинг йўлдошлари бу ерга етиб келгач, дарвоза ёнидаги супада икки чол билан чилим чекишиб ўтирган саройбондан билиб олдилар.

Бундан уч кун аввал юзлаб араваларга буғдой ортиб, минглаб қўйларни чўпонларига ҳайдатиб келган хон уларнинг ҳаммасини ўзи тепасида туриб пуллагач, сарой ҳовлиси тўла оту туяларни бўгун жума бозорда арzon-гаров сотиб олган ва эрта азонда Жилғилонг ва Қорадўнг томонлардаги яйловларга ҳайдаб кетишини хизматкорларига буюрган экан.

Дарвоза ёнидаги супачада фўриллатиб чилим тортиб ўтирган саройбон билан икки чол отдан тушиб салом берган Машрабга, унинг икки йўлдошига ва от туёқлари остида думини ликиллатиб, югуриб юрган Қитмирга парвосизгина қараб қўйдилар. Машраб бозордаги воқеани, Хун Тойчининг буларни карвонсаройга таклиф қилганини айтгач, са-

ройбон, хон ўзи бу ерга чиқмаганча саройга кириш мумкин эмаслиги ни билдириб, кутиб туришни маслаҳат берди.

Қалмоқ чоллар чилимни навбатма-навбат тортиб, хуморларини ёзиб олгач, саройбон уни мусофиirlарга узатди. Машраб билан Пирмат бош қимирлатдилар, аммо Обид восвос чилимни олиб, найнинг учидаги сўлакни кафти билан артиб қуритди-да, аста-секин түфлаб, сархонадаги чўғни обдан ўт олдиргач, шундоқ узун нафас билан тортиди, сархона қип-қизариб бир қарич аланга кўтарили.

— Ў-ў!— деб юборди Обид восвоснинг нафасига қойил қолган қалмоқ чоллардан бири. Кейин қизиқиб сўради:— Қайдан бўласен, болам?

— Фарғонадан.— Обид восвос чирмандасини қўлида силкитиб, ҳалқаларини тиқиллатди.— Эшитганмисиз, отахон!

— Эшитганмен...— Парихона.— Чол афсусланиб бош силкитди.— Ешлик кетди. Йўл олис...

Шу пайт дарбозадан Хун Тойчи икки ёнида икки барваста қалмоқ йигит билан чиқиб келди. Бу йигитлар ҳам хон каби катта пўстин ва тулки қалпоқ кийиб олган, учковларининг оёқларидағи баланд пошналиқ кўн этиклар ҳам бир-бирига ўхшар эди.

Самантойни жиловидан ушлаб турган Машрабни ва унинг йўлдошларини кўрган хон ўнг ёнидаги йигитга қия ўғирилиб сўзлади:

— Увлим Арнабой, бул мусофиirlарни тонгла Жилғилонға олакет! Тева боқсинлар, йилқига қарасинлар!

— Ҳўп, ста!— Арнабой мусофиirlарни қўли билан имлаб чақирди.

Хун Тойчи яна бир қалмоқ йигит билан чилим чекишиб ўтирган қалмоқ чоллар ёнида қолди. Машраб ва юртдошлари Арнабой жетидан карвонсарой ҳовлисига кирдилар.

— Қўлга тушдик, шоири замон!— Пирмат қоронғида отхона томонга от етаклаб бораётган Машрабнинг қулоғига шивирлади.— Қалмоқ хони бизни дунёнинг нариги четига олиб кетади.

— Туз-насибамиз қаерга сочилган бўлса, ўша ерга бориб териб еймиз, Пирматжон.— Машраб саманни устунга боғлай туриб, бамайли хотир жаъоб берди.— Кенг далаларни кўрамиз, ғам-ғуссамизни ёзамиз!

Арнабой мусофиirlарни сарой ҳужраларидан бирига олиб кирди.

Тор хонада йигирмага яқин йигит деворларга суюнганча қатор ўтиришар, бир йигит қашқар рубобини чертиб куйлар, бошқалар унга қўшилишар эдилар:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
На бўлди ёrim келмади.
Ишқ ўтига кўиди жонлар,
На бўлди ёrim келмади.

Келурман деб ваъда этди,
Келар муддатидан ўтди,
Вақт эрта чошгоҳга етди,
На бўлди ёrim келмади.

Ё, бир ёмон дардга қолди,
Ё, бир гайри билан бўлди,
Кўзим ўйлига термулди,
На бўлди ёrim келмади.

Еган ошим заҳар бўлди,
Кийган тўним кафсан бўлди,
Кўзим ўйлига термулди,
На бўлди ёrim келмади.

Қўшиқ тугагач, ҳужрадаги йигитлар ҳаммаси ўринларидан баравар туриб, янги мусофиirlар билан кўришиб, уларни юқорига олдилар. Айниқса, улар Пирматнинг қўлтиғидаги танбурни ва Обид восвоснинг қўлидаги чирмандани кўргач, зерикмас эканмиз, деб қувониб кетишли.

Арнабой хонадан чиқиб кетгач, йигитлар бир-бирларига арзи ҳол айтишиб, ўзаро таниша бошладилар. Машраб ва унинг йўлдошлари бу йигитлар ғулжалик уйғурлар бўлиб, худди ўзлари каби, Хун Тойчига ёлланиб яйловларга буғдой экишга, мол боқишга кетаётганларини билиб олдилар. Уйғур йигитлар эса ўз навбатида янги мусофиirlарни гапга солдилар. Обид восвос ўз тарихини, Пирмат ўз тарихини сўзлаб

бердилар. Айни вақтда улар Бобораҳимнинг шоир Машраб эканини билдиришгач, уйғур йигитларнинг янги йўлдошларга ихлоси ортиб, Машраб номини эшигандарини билдирилар ва уни қўярда-қўймай тўрга олиб, эл орасида машҳур ғазалларидан бирини ўқиб беришни илтимос қилдилар.

Тақир кўрпачада тиз чўкиб ўтирган Машраб Пирматнинг қўлидаги танбурни олиб аста созлади ва ўзига ҳавас билан тикилиб турган йигитларга бир-бир қараб қўйгач, ҳасратли майнин товуши билан оҳиста куйлади:

Мен нола қиласай шому саҳар дод эшигинда,
Жонимни берай шўхи паризод эшигинда.

Ул лолау раҳону суман, тоза қизил гул.
Чин сарв қадин буқлади шамшод эшигинда.

Хубони жаҳон бўлса тақи Юсуфи Канъон,
Султону амир, бандаю озод эшигинда.

Зулфинг сени бу жонима юз доми балодур,
Жоним қушин сайд айлади сайд ёд эшигинда.

Олам бариси лаззати ҳуснингни топибдур,
Гирёну фифон, нолау фарёд эшигинда.

Савдои муҳаббатга тушубман сени излаб,
Ўлтурди ғами кўзлари жаллод эшигинда.

Ул ҳусну жамолинг ўти Машрабга тушубдур,
Парвога сифат қўиди паризод эшигинда.

— Балли! Офарин! — Йигитлар шоирга тасанно ўқидилар.— Сизни кўрганимиздан шодмиз, Машраб! Илоҳо, мусоғир юртларда доим бирга бўлайлик!

Афсуски, улар бирга бўла олмадилар. Саҳар мардонда хоннинг ўзи сарой ҳовлисида пайдо бўлиб, хизматига ёлланган йигитларни учтўрттадан гуруҳларга бўлиб, бепоён Или водийсининг турли яйловларига тақсимлади.

Машраб ва унинг юртдошларига юзга яқин оту туяларни ҳайдатиб, хоннинг ўғли Арнабой Жилғалонг яйловига бошлаб кетди:

Биз буларни орадан яна икки ҳафта ўтгач, ана шу бепоён яйловда йилқи боқиб юрганларида Хун Тойчининг эр танлаб чарчамаган довюрак қизи Оппоқ ва унинг дугонаси Вазираға дуч келганларини, хон қизи Машрабни наврўз байрамига таклиф қилганини биламиз...

Жилғалонгда пойгалар

Оппоқ Машрабни Жилғалонг яйловида ўтказиладиган наврўз байрамига таклиф қилган бўлса ҳам, у Хун Тойчидан рухсат олмагани сабабли йиғинга бормади ва юртдошлари билан тоғ этагидаги Моҳур яйловига йилқию туяларни ёйиб, кундалик одатдаги иш билан машғул бўлдилар.

Машраб Тўтихонни жуда соғинади, уни тун-кун ўйлайди, туш кўради, севгилиси кўз олдидан бир нафас нари кетмайди. Қани энди қаноти бўлсаю Қашқарга учеб борса, ҳарам боғидаги аргувон дарахтига қўнсаю ерга тушиб, мармар ҳовуз бўйида ёлғиз хаёл суриб ўтирган Тўтийишири забонни бағрига босса, тиниқ шаҳло кўзларидан тўйибтўйиб ўпса!..

Пирмат Сеторий билан Обид восвос яйловга ёйилган йилқидан хабар олиш учун кетгач Машраб от белигача ўсан хушбўй ўт устига ташланган пўстакда ўтириб, олис-олисларга — қор босган тоғ чўққилирига тикилади, ўша чўққилар тепасида ярқираган қуёш шуълаларидан порлаган ям-яшил далаларни кўздан кечиради, юраги ёниб, аста хониш қилади;

Бул мусоғир шаҳрида ҳар дам тутошиб ёнзман,
Ҳар қаён борсам бу кун йўлдан адошиб бораман.

На отам бор, на онам бор — ҳеч кишим йўқдур менинг,
Ҳар таги деворларда зору саргардонаман.

Не гуноҳ қилдим, худо, дунёда мен бўлдум ғариб?
Ҳар қаерда бекасу бечорага ҳамхонаман.

Доғлар қўйди юракка бу фалакнинг гардиши,
Қисматим андоғ экан, мен жумладин бегонаман.

Бул ёқомни чок этиб фарёду афғон айлабон,
Барчанинг бағри бутуну мен дили садпораман.

Энди, Машраб, қул экансан, қисматинг булдур сенинг,
Шукрилилаҳ, ҳар ера мен толиби дурданаман...

Ғазал тўқиши билан банд бўлган шоир ўтлоқни ёриб келаётган отлиқни у яқинлашиб қолгандагина сезди-да, ўша томонга қаради.

Паканагина қалмоқ отини йўртиб келаётган Хун Тойчининг катта ўғли Арнабой эди,

Машраб ўрнидан туриб, ўзидан тўрт қадамча нарида отини тўхтаби, эгардан тушаётган Арнабойни кўргач, хонзоданинг ёнига борди:

— Ассалому алайкум, бий, баҳай? Нечун сайилга бормай, биз томонга қадам ранжида қилдилар?

— Ваалайк...— Арнабой қўлидаги қамчини этигининг қўнжига уриб, Машрабга зардали тикилди.— Синглим сени сайилга чорлаған эркан, нега бормадинг?

— Мен сайилга борсам, йилқига ким қарайди?— Машраб ичида: «Оббо, қизалоғ-еў, акасини югуртирибди», деб ўйлаб, Оппоқнинг шаддодлигидан мийифида кулиб қўйди.

— Отингни ғарла, мен минан юр! Йилқига шерикларинг қарайди!— Арнабой қаролига буюрди.— Тез бўл!

— Хўп, бий!

Машраб ўтлоқдаги юзлаб отлар орасидан самантойни дарҳол то-пиб олди ва уни эпчилик билан эгарлаб минди-да, Арнабой кетидан ўлга тушди.

Булар, орадан икки соатча ўтгач, Жилғалонг яйловига этиб келгандарида минг-минг ясан-тусан одамлар тоғ бағридаги баландликда ўт устига ёзилган ранг-баранг наматларда давра қуриб ўтиришар, Хун Тойчи, вазири, хотини, элат улуғлари ва бошқа яқинлари билан тўрдан жой олган, хоннинг ўнг ёнида тикка турган Оппоқ Арнабой билан Машрабнинг келишини кутиб йўлга тикилар эди. У яқинлашиб келаётган икки отлиқни кўриши билан кўзлари чақнаб жилмайди-да, отасининг қулоғига алланималар деб шивирлади.

Кўк мовут чакмон кийиб, бошига қалмоқ бўркини бостирган Хун Тойчи ўрнидан туриб, қўлини кўтарди ва даврадаги ҳанг-манг кишиларнинг ғовури сал босилгач, қизи Оппоққа уйланмоқчи бўлган йигитлар мусобақасининг шартларини баланд овоз билан эълон қилди:

— Бирламчи — пойга. Иккиласми — камон тортув. Учламчи — кураш. Тўртламчи — дўмбира или қўшиқ айтув! Ҳой, Арнабой, сен йигитларни қаторга торт!

Отиқ олти йигит от бошларини Хун Тойчи қизи Оппоқ билан ўтирган ерга буриб келиб, хонга ва аркони давлатга таъзим или салом бердилар.

Оппоқ отасининг қулоғига яна алланималар деб шивирлади.

Хон тагин ўрнидан туриб, пакана семиз отида отлиқ йигитларни сафга тизаётган Арнабойга қичқирди:

— Ҳой увлим, мусоғир йигитни-да қаторга ол!

Арнабой, бир чеккада самантой эгарида ўтирганча сайилга чақирилиш сабабларини билолмай ҳайрон бўлиб турган Машрабга буюрди:

— Йигит, сен-да қаторға тур!

Машраб самантой бошини отлиқлар томонга буриб, йўртиб келди ва басавлат олти чавандоз қаторига еттинчи бўлиб турди.

— Ҳов анави толғача борасизлар!— Арнабой отлиқ йигитларга тоғ тагидаги шохлари тарвақайлаган якка тол дараҳтини кўрсатди ва овози борича бақирди:— Ҳайт!!!

Йигитлар отларига қамчин босдилар, жониворлар қушдай учиб, шамолдай елганча илгарилади.

Пойга завқи юрагини тўлдирган, дунёдаги бошқа ҳамма нарсани унугтган Машраб чап қўлида от жиловини маҳкам ушлаганча ўнг қўлидаги қамчи билан самантойнинг сағрисига устма-уст тушириб, тоғу далалар кўз олдida чир-чир айланганча ҳайё-ҳайт деб учиб бораверди. У ёнидаги бошқа отлар бирин-кетин срқада қолганини ҳам, тепаликдаги толга бошқа йигитлардан анча олдин етиб келганини ҳам сезмади, фақат қулоқларида оломоннинг қийқириқларига қўшилиб, шамол фувуллайди, бутун вужуди ўт бўлиб ёнади....

Чавандозлар мэррадан қайтиб келишгач, Арнабой пакана отида давра ўртасига чиқиб:

— Элатлар!— деб ҳамманинг эътиборини ўзига тортди.— Пойгани Қашқардан келган азамат Бобораҳим ютди!

Оломоннинг олқиши-қийқириқлари еру кўкни ларзага келтирди.

— Энди навбат камон тортишга!

Чавандозлар отларидан бирин-кетин тушиб, хон тўдаси яқинида ерга ууб қўйилган камон ва найзалардан ўзларига мосини танлай бошлидилар. Машраб ҳам чилвири қаттиқ тортиб боғланган каттароқ бир камон билан учдор ўртача найзани танлаб, саф тортган йигитлар қаторидан жой олди.

Арнабой отларга миниб, қатор тизилишган мерғанлар олдига пакана отида ўтди-да, майдон ўртасидан уч юз қадам нарида, тепаликда ерга санчилган терак бўйи хода учидаги калхатга қўли билан ишора қилиб:

— Нишонга уринглар!— деб буюрди.

Ўнг қанотдаги отдаги қалмоқ йигит эгарга ўрнашиброқ ўтириб олди ва камонни обдан тортиб, нишонга синчков тикилди ва отди. Ўқ учиб бориб, калхатнинг тепасидан ўтиб кетди. Йигит камонни зарда билан ерга отиб, от бошини четга бурганча қатордан чиқиб кетди.

Кейин қолган беш йигит навбатма-навбат камон тортидилар. Лекин ҳеч бирининг ўқи нишонга бориб тегмади.

Навбат Машрабга келди. У ўқни камоннинг эгик ёғочи ўртасига шошмасдангина қадади, чилвирни кучи борича тортиб, ўқни мўлжалга аниқ отди. Найза калхатни уриб қулатди.

Яна оломон сурони қулоқни қоматга келтирадиган даражада янгради.

Арнабой пакана оти устида ғоз туриб, овози борича эълон қилди.

— Камон отишда Бобораҳим ғалаба қозонди!

Оппоқ дугонаси Вазирани қулоқлаб хандон отиб кулди, овози борича қиқириб, ғолибни қутлади.

— Энди навбат курашга! Қуръа ташлаётмиш!— Арнабой чакмонининг ич чўнтагидан халта чиқарди.— Бунда етти ошиқ бор: ошиғи олчи турганлар бир-бири билан кураш тушади.

Йигитлар отларидан тушиб, халтага бирин-кетин қўл солдилар ва отиб ошиқ ўғирдилар. Ошиғи олчи турган йигитлар чакмонларини ечиб, белларини боғлаб ўртага тушдилар.

Икки полвон ярим соатча бел олишиб, майдон айланишгач, улардан бири иккинчисини даст кўтариб, боши узра ҳаволатиб ерга урди.

Иккинчи марта қуръа ташланганда яна бир йигитнинг ошиғи олчи

турди ва у ғолиб полвон билан беллашиб, уни дарҳол кўтариб урдида, курагини ерга босди.

Кейин яна қуръа ташланди.

Машраб энг охир ғалаба қозонган йигит билан курашга тушиб, икки соатча роса олишди. Унинг рақиби бўйи пакана, бели йўғон, тоши оғир йигит бўлиб, тўнкадай эгилмай туриб берди, лекин ўзи учун ҳаракат қилмай, елкалари кенг, бели ингичка, лекин кўзлари чайир мусофири рақибини обдан толдириб кучини қирқишни мўлжалга олди. Бироқ пакана полвон янгишди, Машраб унинг ҳийласини тушуниб қолди ва пайт пойлаб, уни елкаси билан суреб йиқитди ва куракларини ерга қапишириб, анча вақтгача тагига босиб турди.

Кенг яйлов яна қарсагу қийқириқлардан ларзага келди.

— Бобораҳим курашда енгди! — пакана отида елиб келган Арнабой Машрабнинг елкаларига қоқиб, охирги мусобақани эълон қилди: — Навбат дўймира чалиб, қўшиқ айтишга!

Уч мусобақада енгилган олти йигитдан бештаси отларининг жиловларидан етаклаб, даврадан чиқиб кетдилар. Аммо, олтинчи йигит — ҳозиргина курашда Машрабдан енгилган пакана полвон Арнабой хуржиндан олиб узатган дўймирани созлай бошлади.

Яйловдаги минг-минг одамлар бир-бирларини туртиб, гап-сўз, бақириқ-чақириқларни тўхтатдилар. Майдон сув сепгандай жимиб қолди. Пакана йигит дўймирани яхши чертар экан, овози ҳам ширали; саҳронинг мунгли қўшиқларини ёниб-ёниб куйлади.

Тингловчилар қўшиқдан таъсиrlаниб, куйчини яхшигина олқишилдилар.

Навбат Машрабга келди. У дўймирани куйчи йигитнинг қўлидан олиб, Фарғонанинг шўх тароналаридан бирини эслади-да, оҳиста чертиб, жарангдор овози билан хониш қилди:

Зебо санамим ўзини зебо ясатибдур,
Қонимни тўқарга бу қизил тўнни кийибдур.

Билмам яна ул офати жон қайси қўноғда,
Ким бирла чоғир ичти — юзини қизортибдур.

Шаҳло қўзини жоду демак айни хатодур,
Тангрим ани ўз мулкида ғавғо яратибдур.

Сочиға чекар лолау, сочбоғи ажойиб,
Кокиллари белга тушуб аъло ярашибдур.

Тупроғим уза лола унар вақтида Машраб,
Куйдирмоқ учун бағрима доғинг тутошибдур...

Сўзлари чертиб-чертиб айтилган қувноқ қўшиқ сайилгоҳдаги шина-вандаларга жуда ёқиб тушди, ҳам пойгада, ҳам камон тортишда, ҳам курашда зафар қўчган, эндиликда куий билан қўнгилларни ром этган мусофири йигит шарафига таҳсину оғаринлар ёғилди:

Оппоқ отасидан ғолиб йигитга янги сарупо кийгизиши, мукофотга олтин беришни илтимос қилди.

Хун Тойчининг буйруғи билан Арнабой Машрабнинг елкасига зангори мовут чакмон ташлади, бошига савсар қалпоқ кийдирди. Хон чўнтағидан халта чиқариб, ғолиб йигитга отди.

— Бахтинг бор эркан, йигит! — деб қичқирди хон.— Қани, тағин бир ўлан айт-чи!

Машраб хонга ва унинг шаддод қизига эгилиб таъзим қилгач, дўймирани бошқатдан созлади ва боягидан ҳам шўҳроқ оҳангга чертиб, завқ билан куйлади:

Гулгун май ичиб лола узорим келадур,
Ҳарён сузулиб кўзи хуморим келадур;

Тишлаб лабини, ўқларини менга отибон,
Чоғлаб юрагимни дилфиғорим келадур.
Зулфини тараб бошдан-оёқ зевар этибдур,
Сунбул ила гул бояғири мөлдірим келадур.
Илкіда қилич, тийри садоқини олиб ул,
Чобмай бу күн жонимни олорим келадур.
Бул Машрабу бечорани зор айлади кетди,
Эмди ишқ ўтиға жонимни ёқорим келадур.

Машрабни давра түрида, Хун Тойчи қизи ва яқинлари билан ўтирган ерга таклиф қылдилар. У саманини яйловга қўйиб юборди-да, хондан пастроққа, нотаниш йигитлар қаторига бориб ўтириди.

Зиёфат бошланди.

Машраб мусобақада ғолиб чиққан, мукофот олган бўлса ҳам кўнгли ғаш: на товоқ-товоқ гўштларга қарайди, на косаларда узатиб туринган қимизу қимронларга лаб тегизади. Унинг ҳәли паришон. У енгди, демак у — куёв. У энди хон қизи Оппоққа уйланиши шарт. Бу фикр қалбини, мисини кемиради. У аъзойи бадани қақшаб, юз-манглайнин тер босади.

Зиёфат айни авжига мингган бир пайтда у ўрнидан аста турғиб даврадан чиқди ва қаманинг ёнига бориб, унга аста минди-да, юртдошлари йилқи боқиб юрган Моҳур яйлови томонга йўл олди...

Йигирма беш йил ҳикояси

1687.

Машраб ўттиз ёшга кирди. Юртдошлари Пирмат Сеторий ва Обид восвос билан Гулжага атрофидаги тог бағирларида, кенг яйловларда Хун Тойчининг туя ва йилқиларини боқиб юрдилар. Лекин, у қаерда бўлса ҳам хоннинг қизи Орпоқ дугонаси Вазира ва бошқа камизаклари билан етиб келиб, мусоғирларинг қора ўтови ёнига оқ ўтов тиктириб қўй сўйдирар, қимизу қимрон ҳозирлатар, кечалари Машрабни ўз ўтвида олиб қолиб, ҳамсұхбат, ҳамхона бўлишга мажбур қиласар, ҳаёсизларча қилиқлари билан уялтирас эди...

1688.

Эрта кўкламда Машраб ва унинг юртдошлари Хун Тойчидан ўз диёрларига кетиши учун рухсат сўрадилар. Хон шарт қўйди: мусоғирлар ичган туэлари, кийган пўстинлари ҳисобига саманин қолдириб кетишлари керак. Хоннинг зиқналиги, молпарастлиги ва раҳмисизлигини шу йиллар давомида обдан синаб билган Машраб дарҳол рози бўлди ва серўт яйловларда яйраб, чиниқиб, соврунлар олиб донг чиқарган отини хон қўлига топшириб, ҳамроҳлари билан бирга йўлга чиқди.

1689.

Машраб, Пирмат Сеторий ва Обид восвос бултур савр ойининг охирларида Гулжага етиб келиб, қаландархонага қўнгган, Пирмат бетоб бўлиб қолгани учун шу ерда қолишга мажбур бўлган эдилар. Пирмат ҳадеганда тузалавермади. Машраб билан Обид пўстинларини сотиб, яна жандапўш ва кўлоҳ кийдилар, қаландарларга қўшилиб масжиду бозорларда зикру сано қилиб, күн кечирдилар, гоҳ-гоҳ шоири нахши-

чилар. *Машрабни ўз уйларига таклиф этиб, сийлаб турдилар.*

1690.

Ниҳоят қиши чиқиб, Пирматнинг дарди бир оз енгиллашиб оёққа турди. Машраб билан Обид йўл тараффудини кўра бошлийдилар.

Уч юртдош анча қариб, туклари тўкилиб, аэбаройи озғинлигидан сүяклари саналиб қолган Қитмирни эргаштириб қаландархонадан чиқдилар ва бозор ёнидаги йўлдан ўтаётгандаридан Хун Тойчининг вазири ўтаганинг дабдабали карвонига дуч келдилар.

Шу кўклиам қари ўтаганга турмушга чиққан Оппоқ Машрабни танийди ва соябон аравадан сакраб тушиб, бечора қаландар билан ишлаб видолашади...

1691.

Қашқарда Абдуллахон вафот этди. Қирқ уч ёшга кирган соғлом шоҳнинг бевақт вафоти ҳақида эл ичида мииш-миишлар кўпайди. Баъзилар бу ўлимни унинг ўрдасидан кетиб, Офоқ хўжса хизматига кирган чиний ҳакимдан кўрдилар...

Абдуллахоннинг ўғли бўлмагани учун шайхулислом бошлиқ уламоларнинг фатвоси билан шоҳлик унинг күёви Офоқ хўжага топширилди.

Машраб ва унинг юртдошлари Қашқарга Абдуллахон дағи этилаётган кунда кириб келдилар. Обид восвоснинг маслаҳати билан булар эшони атзам ва унинг охунлари кўзига кўринмаслик учун жанозага бормай, қадрдонлари Юсуф Кошварийнинг уйига яшириндилар.

1692.

Абдуллахоннинг сарой шоири бўлган Юсуф Кошварий Офоқ хўжса хизматига ўтгач, Машрабни Тўтихон билан кўришириш учун бир йил давомида ҳаракат қиласди, бироқ ҳеч бир натижага эришолмайди. У фақат икковининг ғазаллари, мактубларини бир-бирларига етказиб туришга муваффақ бўлади, холос. Соқий охун буни сезиб қолиб, Офоқ хўжага хабар қиласди.

Юсуф Кошварий саройдан ҳайдалади.

1693.

Офоқ хўжса Абдуллахон таҳтини эгаллаган бўлса ҳам, эшони атзамлик вазифасини бажаришда давом этади, муридларини кўпайтиради.

Соқий охун ўз хуфъяларидан Машрабнинг Қашқарда Юсуфнинг ўйида яширин яшаб турганини билиб олиб, Офоқ хўжага хабар қиласди.

Шоир Машрабнинг довруғи эл ичида кенг ёйилганидан, ҳатто уламоларнинг бир қисми уни «пири комил» деб улуғлай бошлаганидан хабардор бўлган Офоқ хўжса Машрабни ўз ҳузурига чорлайди; аркони давлат ва уламою фузало мажлисидан унинг гуноҳидан кечган бўлиб, унга Тошкентга бориб, бемор ётган шайх Нуриддин билан видолашиб келмоқ вазифасини топширади..

694.

Машраб дўстлари Пирмат Сеторий ва Обид восвос билан бирга узоқ йўл юриб, кеч кузда намозшомга яқин Наманганга кириб келди.

У ўз ҳовлисининг кўча томондаги нураган деворлари тағида, шивалаб ёғаётган ёмғир остида тўпланиб турган ғариф одамларни ва устига эски паранжси ёпилган тобутни кўради.

Унинг онаси Зубайданиса шу бугун тонгда қазо қилган экан.

Машраб муштипар онасининг тобутини қучоқлаб дод солади ва еру кўкни қалтиратиб, «Қайдасан?» радифли мухаммасини — аламли дил фарёдини ўқиди:

Эй сафобахши баҳори бўстоним, қайдасан?
 Нури дийдам, мушфиқим, оромижоним, қайдасан?
 Эй тириклик боиси ороми жоним, қайдасан?
 Гам тифи бирла ўларман, меҳрибоним, қайдасан?
 Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?
 Хотирим восвосдур, девона дерлар сўзласам,
 Эмди менга фарздур байтул харамни кўзласам,
 Дашту саҳрони кезиб етим қўзилик бўзласам,
 Ман сани қайдин топарман тогу тузни изласам,
 Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?
 Бу жаҳонда лаҳза ором топмадим бир дам тиниб,
 Бўлбули беҳонумондирман пару болим синиб,
 Бенаводурман бу боғ ичра онамдин айрилиб,
 Мен етим ўлдум, нетай, қолди қанотим қайрилиб,
 Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?
 Дўстлар, айб айламанглар хотирим восвосдур,
 Бу ўлумнинг ҳанжари бурроси туз олмосдур,
 Сабр қилғиландар сарҳайли хайрунносдур,
 Бу ўлум Одам Атодин бизга бир меросдур,
 Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?
 Бу ўлумнинг дастидин, эй дўстлар, хайрондуман,
 Топмайин чорами ман ҳар ерда саргордондуман,
 Найлайнин ман бандай шоистаи раҳмондуман,
 Дардим афзуни дилим ғамдийда, бесомондуман,
 Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?
 Бу ўлумнинг дастидин мандин забунроқ йўқ киши,
 Зориллиб ҳар кун бу ғамда сарнигунроқ йўқ киши,
 Меҳнати ҳижронида мандин забунроқ йўқ киши,
 Мен етимдин бенаво беҳонумонроқ йўқ киши,
 Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?
 Найлайнин, ёлғуз манга йўқ, барчаға келгон ўлум,
 Ҳазрати Одам Атомиздан мерос қолғон ўлум,
 Барча одам жисмини ер остига солғон ўлум,
 Ёлеузун манго эмас, эл жонини олғон ўлум,
 Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?
 Бу ўлум зор йиглатиб қилди мани барги ҳазон,
 Танда дармон қолмади, бўлдум заифу нотавон,
 Бу оғир юқ остида бўлди қаддим мисли камон,
 Бўлмагай олам ичиди мен каби беҳонумон,
 Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?
 Эрка ўсдим, дардимандлик бирла одат қилмадим,
 Ҳар тараф елдек юруб тўқлуққа тоқат қилмадим,
 Ҳарна юрдум бир шаҳарда истиқомат қилмадим,
 Эй азизим, ман сенга жон бирла хизмат қилмадим,
 Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

1695.

Машраб Наманганда бир йил қолиб кетди. Обид восвос билан Пирмат Сеторий унинг ёнида бўлдилар. Обиднинг ҳар

куни мардикорлик қилиб топиб келган танга-чақаларига уч дўст Машрабнинг отаси Мулла Вали ва онаси Зубайданиса-га худойилар қилдилар, уларнинг қабрларига бориб турди-лар.

Исохўжабой ўғли Пирматнинг гуноҳидан кечмаганидай, Пирмат ҳам синглиси Тўтихоннинг бошига оғир савдолар соглан отасининг гуноҳидан кечмади.

Машраб ғарифона кулбасида фақат ижод билан машғул бўлди.

1696.

Уч дўст эрта кўкламда йўлга чиқиб, Чотқол этакларида-ги Қурама тоғлари оралаб ўтган ўнқир-чўнқир тошлоқ, сўк-моқлар оша юриб, чўпон-чўлиқларнинг кулбаларида тунаб, ниҳоят Тошкентга кириб келдилар.

Машраб Шайхонтоҳур хонақосида ўлим тўшагида жон талашиб ётган шайх Нуритдинга Оғоқ хўжанинг рози-ризолик тилаб айтган сўзларини етказишга улгурди.

Кейин уч дўст қаландарлар тўдасига қўшилиб, Туркис-тонга йўл олдилар. Лекин шаҳардан чиқаберишида Обид вос-вос дарбадарлик жонига текканлигини, ёши ҳам бир ерга бориб қолиб, ниҳоятда ҳолдан тойганлигини дўстларига сид-қидилдан айтди-да, улар билан қучоқлашиб, хайрлашиб орқасига қайтди...

1697.

Қаландарлар олти ой йўл босиб, дарёси Сир бўйидаги қишилоқларга қўниб, одамлар тўпланган ерларда зикру са-нолар қилиб, ниҳоят кеч кузда Туркистон шаҳрига етиб келдилар. Улар Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси атрофидаги ертўлалардан бирига жойлашиб, бу ерга ийғилган мусофиirlар билан кун-тун ҳамсүҳбат бўлдилар.

Машрабнинг вафоли ити Қитмир шу ерда жон берди. Машраб унга жаноза ўқиди. Шу сабаб бўлиб уламолар уни тошибўрон қилдилар. Мажруҳ Машраб дўсти Пирмат билан базур қочиб қутулди...

1698.

Улар қишини Сирдарёдан анча олисдаги тоғ бағридаги овулда, Жонибой деган бир қўйичивон қозоқ ўтвида ўтказдилар. Жонибой дўмбира чертиб ўлан айтадиган шинаванда одам экан, Машрабнинг шоирлиги, Пирматнинг созандали-гини билиб олгач, қўй сўйиб сийлади, унинг хотини Ойсулув мусофиirlарга пўстину қалпоқлар тикиб берди.

Икки дўст Жонибойнинг овулида бир ишл қолиб кетди-лар.

1699.

Машраб билан Пирмат ёзининг иссиқ кунларида бирида Бухорога кириб келдилар.

Бухоронинг машҳур мударрисларида бири — мавлоно Шарифхўжа Машрабнинг шаҳарга келганини, қаландархона-га тушганини эшишиб, уни қидириб топди ва Пирмат икко-вии ўз уйига олиб борди. Биринчи куниёқ уламою фузало-лар ийғилиб, машҳур пирни комил сўфий шоир билан ҳам-сүҳбат бўлдилар. Машраб ўз ғазалларидан ташқари буюк

салафларининг ғазалларини ҳам туркий, ҳам форсий тилда бўдан ўқиб, шоиру фозилларнинг таҳсинларига сазовор бўлди. Чунончи, Мирза Абдуқодир Бедилнинг:

Ки жаҳон нест жуз тажалли-и дўст,
Ин «ман»у «мо» ҳамон изофоти ўст.

яъни: «бутун жаҳон дўстнинг тажаллисидан бошқа бир нарса эмасдир. Бу «ман» ва «биз» деганимиз унинг изофоти, қўшимчасининг ўзгинасидир», деган байтини Машрабнинг оғзидан биринчи марта эшигтан бухороликлар унга таҳсинлар ўқидилар.

Машраб билан Пирмат Сеторий жуда кўп хонадонларда меҳмон бўлдилар, ҳар жумта оқшом шоирлар, олимлар мажлисини қизитдилар.

Лекин ичи қора мавлоно Шарифхўжа Машрабнинг Офоқ хўжанинг дунёнарастлиги, машшатнарастлиги, айниқса хотинбозлиги ҳақидаги тўғри гапларини эргига, бўхтонга йўйиб, унинг бошига иғво ёғдира бошлади.

Машраб билан Пирмат Сеторий Бухорони ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.

1700.

Бу йил шарқий Бухоронинг шаҳар ва қишлоқларида дарбадарлик билан ўтди.

Жайхун бўйидаги бир ҳароб қишлоқда буларга яна бир қаландар қўшилди. Еши бир жойга бориб қолган, кулоҳи эскириб, жандапўши тўзиган, ит етаклаган бу жаҳонгашта Ислам Шерозий бўлиб, Қашқарда Офоқ хўжанинг вафот қилганини буларга билдириди. Ислам Шерозийнинг итига Қитмир деб ном бердилар.

1701.

Уч йўлдош, Ислам Шерозийнинг маслаҳати билан орқага қайтиб, уч ой йўл юргач, Мавлоно Шарифхўжа бошлиқ уламолари Машрабни сазои қилган Бухорони четлаб ўтиб, ҳар йил кўкламда қаландарлар йигиладиган Хўжандга йўл олдилар.

1702.

Хўжанд қаландархонасига Мовароённаҳр шаҳар ва қишлоқларидан, ҳатто Хурсондан келган сўфийлар йигилдилар. Шаҳар дарвишу қаландарларга тўлиб кетди. Аввал алоҳида-алоҳида тўдаларда, кейин Сирдарёнинг кўкаламзор соҳилида уюштирилган мажлисда сұхбатлар, баҳслар қизиди.

Машраб сұхбатининг мазмундорлиги, овозининг жарангдорлиги билан ҳаммани мафтун қилди.

Қаландарлар Бобораҳим Машрабга «шоҳ Машраб» деб ном бердилар.

1703.

Яна кўклам келиб, ерлар кўкариб, дов-дараҳтлар яшинағач, Тўтихонни қаттиқ соғинган Машраб Пирматни бошлаб, Қитмирни эргаштириб, Хўжанддан бир кечада ғойиб бўлди...

1704.

Машраб билан Пирмат Қашқарга етиб келдилар. Сочсоқоли эрта оқарип, бечораликдан муккайиб қолган Юсуф

Қошғарийнинг уйида бир кечада тунадилар. У Еғду мавзудағи қабристонга бориб, Офоқ хўжаси қабрини зиёрат қилишини маслаҳат берганда, Машраб қўл силкиб қўя қолди — бормади.

Офоқ хўжаси ўрнига унинг катта ўғли Яхъё хўжаси тахтга ўтирибди.

Эртаси намози жумъадан кейин Машраб бир ёзи шоҳ саройига борди. Яхъё хўжаси уни қабул қилди. Машраб унга онаси Хоним Поишани кўриши ниятини билдириди. Яхъё хўжаси Машрабни кенг танобий хонада ёлғиз қолдириб, онасини айтиб чиқши учун орқа эшикдан ичкарига ёзи кириб кетди. Бир неча дақиқадан кейин бошдан оёқ қора либос кийган малика Хоним Поишаша худди ўзидаи қора кийинган, узун сочи сийраклашиб оқарган канизаги Тўтихон билан бирга кириб келди.

Машраб ергача таъзим қилиб, уларга салом берди.

Тўтихон Машрабнинг оёғига ииқилиб, ҳўнграб ииғлади.

Машраб Тўтихоннинг елкасидан суяб ўрнидан турғазди, қабарган қадоқ қўллари билан севгилисинга оқарган сочларини силади, ёшли кўзларидан ўпди ва «Ииғларман» радиофли ғазалини ўқиди-да, тахтиравондан телбаларча югуриб чиқиб кетди...

1705.

Машраб билан Пирмат Сеторий, Қашқарининг қаландархонасида яшади. Лекин Машраб қаландарлар тўдасига қўшилиб шаҳарга чиқмади, зикру саноларда қатнашмади, гўшанишинликни одат қилиб, фақат ижод билан машғул бўлди.

1706.

Саратоннинг айни иссиқ кунларида Соқий охун билан Боқий охун бир кунда бирин-кетин вафот этдилар.

Ҳамма қаландарлар жанозага бордилар.

Машраб билан Пирмат Сеторий ҳужрадан чиқмадилар.

1707.

Малика Хоним Поишаша Яхъё хўжаси саройида хизмат қилаётган шоир Фигонийни қаландархонага юбориб, Машрабни ўрдага чақиритириб келди. Шоир ўз севгилиси Тўтихон билан сўнгги марта суҳбатлашиди ва уни маликага топшириб, тонгла Қашқардан буткул кетишини билдириди.

1708.

Машраб билан Пирмат Сеторий Маккага бораётган зиёратчилар карвонига қўшилиб, олти ой йўл юриб, Дарёйи шўр, яъни Ўрта денизгача етиб келдилар. Шу ердаги бекатлардан биринда Машраб тарихдан чаласавод, ўта бидъатчи бир мулла билан айтишиб, уни мот қилди. Мулла карвондаги шерикларини Машрабга қарши қўйзотиб, шоирни ҳар қадамда таъқиб эта бошлиди, ялангоёқликда, қашшоқлик-гадоликда айблаб ҳақорат ҳам қилди. Машраб «Иброҳимдан қолган ул эски дўйконни на қиласай?» деган ачиқ мисраълик ғазални ёзиб, зиёратчиларга ўқиди-да, Маккадан воз кечиб, Пирмат Сеторий билан орқага қайтди...

1709.

Икки дўст Жайхун яқинидаги Қабадиён шаҳрига етиб келдилар.

Машраб бу ерда Низомиддин номли тарихчи олимнинг уйида шоирлар, қаландарлар, дөхқонлар билан тез-тез учрашиб турди.

1710.

Машраб билан Пирмат Сеторий Қабадиёнда савр ойининг ўрталарида Балхга йўл олаётган Оғахон сардор исмли қаландар билан танишиб, унга йўлдош бўлдилар.

Улар иссиқ ёз кунларининг бирида Жайхундан қайиқда сузиб ўтиб, яна уч-тўрт кун пиёда йўл босгач, Султон Маҳмудшоҳ пойтахтига кириб келдилар-да, гавжум қаландархонадаги ҳужралардан бирига жойлашидилар.

Машҳур шоири замон Бобораҳим Машрабнинг довруги Балх аҳолиси орасига тез орада кенг тарқалди.

1711.

Машрабнинг обрўси Балхнинг турли табақалари орасида ёшила бошлиганини, унинг аркони давлату уламою фузалоларнинг кирдикорларини фош этувчи ғазалларини ҳофизлар тўй-ҳашамларда хониш қилаётганини ҳуфъялар шоҳнинг вазири аъзами Бузрукхўжа Бухорийга зудлик билан маълум қилиб турдилар.

Бузрукхўжа Бухорий ҳуфъяларнинг хабарларини Султон Маҳмудга етказди ва шайхулисломдан фатво олиб, Машрабни ва унинг шериклари Пирмат Сеторий билан Оғахон сардорни зинданбанд этиши ҳақидаги фармонга муҳр босди...

«На битибмен – ҳақ сўзни битибмен»

Бандиларни Маҳмудхон саройидан Қароқчиён зинданигача яёв ҳайдаб келдилар. Ҳукмдан кейин қўл-оёғи кишандан бўшатилган Оғахон сардор билан Пирмат Сеторий бир ёғи очлик, яна бир ёғи адолатсизлик изтиробидан мадорсизланиб, сулаяр даражага келган бир вақтда учинчи маҳкум – кишанбанд Машрабнинг аҳволини тасвирлашга қалам ожиз. Ҳар бири қирқ даррага ҳукм қилинган Оғахон билан Пирмат оёқларидаги кишанни базўр судраб бораётган, қўлларидағи кишан ҳалқаларига боғланган арқонларни икки томонда икки навкар тортиб судраётган Машрабга ўқтин-ўқтин қараб қўядилар. Чагир тошлар бетартиб терилилган тор йўлда Машраб бир неча дафъа қоқилиб, йиқилаёзди. Шунда Пирмат уни суюб қолишига интилди, бироқ навкарлардан бири уни қаттиқ тутиб йиқитаёзди ва форс тилига ҳақоратдай эшистилган аллақандай ғализ шевада пардасиз сўзлар билан сўкди.

Кун қоқ пешинга яқинлашиб, тоғ этагига жойлашган баланд ғиштин деворли мачит минорасидан сўғининг намозга чақирган чийилдоқ овози эшистилди. Уч бандини ўраб бораётган олти навкар маҳкумларни йўл бўйидаги қумлоқ саҳнга сурис чиқариб, ўтиришга ундиндилар ва буларнинг икки ёнига учтадан бўлинишиб, чанг босганmallаранг саллаларини тузатган бўлдилар-да, рукуга кетдилар. Оғахон сардор ҳам улар ўртасида тиз чўкиб, офтобда қовжираган узун қўлларини фотиҳага очди.

Пирмат юмшоқ қум устига чўнқайиб ўтирган, қўлларини эзиб

юборган кишанга тикилганча ўйга толган Машрабга яқинроқ келиб, титроқ товуш билан секингина:

— Пирим, на истайдилар? — деб сўради.

— Бир құлтум булоқ сувига чанқоқмен... — Машраб қовжираган лабларини ялаб тамшанди.

— Эҳ, ағеус, булоқ бу ердан анча узоқ... — Пирмат устозининг иссиқдан бўғриқдан ҳорғин юзига, аллақандай теран фикр чатнаб турган йирик қора кўзларига тикилди. — Аммо, чораси топилғусидир. Зинданга етайлик, пирим, зинданбон Наврўзга илтижо қилгум... Қелинг, пирим, мен кўмаклашиб юборай, мана бу дараҳт соясига ўтайлик, шояд бир нафас ором олгайсиз.

Пирмат Машрабни аста суюб турғазди-да, йўл бўйида шохлари тарвақайлаб ўсган танҳо балх тути тагига етказиб, сояга ёнбошлишига кўмаклашди.

Олти навкар ва улар ўртасида Оғахон сардор намоз ўқишни давом этар эканлар, навкарбоши — малла чакмон кийиб, белидаги йўғон камарга шамшир осган, ағдарма битов кўн этигини оппоқ чанг босган серсоқол киши йўл бўйидан тут соясига сурилиб ўтган бандилардан кўз қирини олмас, эҳтимол, ичини ит таталар эди.

Кумга ёнбошлишганча хаёл оғушига ғарқ бўлган Машраб ёнида кўл қовуштириб турган Пирматнинг кўз олдида бояги мудҳиш воқеа — Маҳмудхон саройидаги ҳукм мажлиси жонланди. Тахтда виқор билан ўтирган хоннинг ўнг томонида, қип-қизил гилам тўшалган кенг курсида савлат тўкиб ўтирган шайхулислом девон аҳлини кўздан кечириб чиққач, навкарлар қуршовида тиз чўқтирилган бандиларга қўлини бигиз қилиб, узундан-узоқ нутқни бошлади. Унинг сўzlари Пирмат юрагини заҳарли ханжардай тилди.

— Машраб ашъоридин куфр иси келур, — деди шайхулислом хуржиннинг бир кўзича келадиган қизғиши соқолини тутамлаб. — Гўш тутинг, эй мўмин бандалар, бу куфр сардори нелар демиш:

Этагимни өлпишидан юз худо пайдо бўлур,
Бу дилимни кавламанг оташкадо пайдо бўлур.
Ҳар тарафдан наъраи «во ҳасрато» пайдо бўлур,
Зухд элига ғулғули «ҳой-ху» нидо пайдо бўлур,
Ақли тақвонар аро «вовайлато» пайдо бўлур.

Дил тутаҳди куфр ўтиға шайх ғавғосин кўриб,
Ул ситамғар ришваҳўлар зуҳду тақвосин кўриб,
Фақр элиздин музд олур муфти тамонносин кўриб,
Шармсор зуҳҳод элинни халқни яғмосин кўриб,
Бу тилимдин найтайин аччиқ садо пайдо бўлур.

Хўжа, сайид, бегу хон сардорлар бадкор эса,
Зулм тигин тез этурда ҳар бирни номдор эса,
Косалес кazzоб шайхлар бу ватанда бор эса,
Мазлум эллар инграшубким парча нонга зор эса.
Куфр элиға Машрабидек раҳнамо пайдо бўлур.

— Машраб ва онинг қаландарбаччалари халойиқни гумроҳликка ундар, шариат ва тариқат ўйлидин оздирур. Машраб қуръони мажидни ҳақорат қилур, мардум ароғинда ғулув қўзғатурким, анинг жазоси дорға тортилмоқдир.

Шайхулисломнинг бу фатвосидан кейин вазири аъзам Бузрукхўжанинг ҳукмни эълон қилганий, бу ҳукм асосида эртага жумъа намозидан кейин Балхнинг Қатл майдонида Машраб дорга осилажагини, Оғахон сардор билан Пирматга қирқтадан дарра урилажагини эслар экан, Пирматнинг бағри эзилиб, кўзларига ўш қалқди, болалигидан то шу кунгача йўлдоши, раҳнамоси бўлган улуғ инсондан жудо бўлишига асло ишонгиси келмай:

— Иншоолло, ҳақ жойига қарор топур, пиrim! — деди-ю, ўпкасини оса олмай, ҳұнграб үйғлаб юборди.

— Эй, Сеторий! — Машраб Пирматга жилмайиб боқди. — Құзлардин абрұ наисон нечун? Унұтдингизми иккимиз күйлаган бир ғазални?

Инглесам вакти дуо бўлғаймукин,
Кўз ёшим дардга даво бўлғаймукин?

Бодай ишқу, муҳаббатдин ичиб,
Шавкати дунё жудо бўлғаймукин?

Инғламоқдин менга имкон қолмади,
Ердин манга нидо бўлғаймукин?

Қайси бир дардимни айтай, дўстлар,
Улмайнин, дарди адо бўлғаймукин?

Ёр күйидирди, манинг ҳолим ҳароб,
Арз этарга дод это бўлғаймукин?

— Афв этинг, пиrim! — Пирмат кўз ёшларини енгига артди. — Адолатсизлик сўнгак-сўнгагимдан ўтиб кетди.

— Бошиңгизни баланд кўтариңг, Сеторий! — Машраб тирсакларига суюлиб ўрнидан турди. — Иншоолло, даврон бизнинг-ла тугамагай!

Пешин намози ўқиб бўлингач, навкарлар бандиларни яна йўлга чиқарип, зиндан томонга ҳайдаб кетдилар.

Зинданнинг баланд тош девори тагида, ҳайбатли дарбоза ёнида тўпланиб турган одамларни, улар орасида қаландарларни кўрган навкарбоши бандиларни анча берида тўхтатиб ва навкарларга мужмал лаъжасида алланималарни таъкидлаб, ўзи оломон яқинига борди-да, дарбоза очилиб, бандилар ичкарига кириб кетгунча четлаб туришни йиғилган одамларга буюриб, дарбозанинг вазмин чўян ҳалқасини уч марта дўқиллатиб қоқди. Қўшқанот дарбозанинг бир қаноти қия очилиб, белига шамшир тақиб, қўлига наиза тутган зинданбон кўринди ва навкарбошини танигач, дарвозани каттароқ очди.

Навкарлар қуршовидаги бандилар дарвозага яқинлашганда бир неча қаландар ажралиб чиқиб, Машрабга интилдилар:

— Ассалому алайкум, пири комил!

— Парвардигор паноҳида асррагай, шоири замон!

Соч-соқоли патила-патила кекса бир қаландар Машрабнинг ўнг елкасини силаб, зиёрат қилас экан:

— Иншоолло, Машраб, сизни саломат кўрдик! — деди-да, навкарлардан бирининг турткисидан ийқилаётди. Бироқ, у ўзини ўнглаб олиб, Пирматнинг қўлига букланган қоғозни тутқазишга улгурди.

Зиндан дарвозаси тагида тўпланганлар ҳаммаси Машраб йўлига интизор эканлиги уларнинг дуо ва тилакларидан, Машрабга аталган, Оғахон сардор билан Пирматга узатилган түгунлардан маълум бўлди. Навкарлар зиёратчиларни ҳар қанча туртсалар, четга сурсалар, бақириб-чақириб сўксалар ҳам бўлмади, оломон Машрабга интилар, уни кишанбанд аҳволда кўриб ғазабланар, навкарларни босиб-топтаб, қаландар шоирни улар қўлидан юлиб олишга тайёр эди.

Навкарлар ҳай-ҳай сурон билан бандиларни зиндан ҳовлисига киритиб, дарбозани ичдан ёпиб олишга муваффақ бўлдилар. Бироқ, ташқаридаги шовқин-сурон, қарғиши, хитоблар анчагача гувиллаб турди.

Бандилар тош қўргоннинг тагидаги похол тўшалган кенггина қоронғи хонага киритилиб, эшиги беркитилиб қулфланди-да, ҳалқа тортилди. Шундай қилиб, навкарбоши бандиларни зинданбонга топшириди ва елкасидаги оғир юқдан қутулган ҳаммолдай енгил тортиб, навкарларни бошлаб, зиндан ҳовлисидан чиқиб кетди.

Кишанбанд қўл-оёқлари қақшаб оғриётган Машраб, Пирматнинг ёрдамида похолга ёнбошлади. Оғахон сардор оёқларини эгиб ўтириб

олгач, тош деворга елкаси билан суюлиб, оғир уф тортди. Пирмат боя йўлда иссиқ кўринган кекса қаландар берган қоғозни чўнтағидан олиб, тахини ёзида, туйнукдан тушиб турган найзадай ингичка ёруққа тутиб ўқиди: «Худо ҳофиз, тонгла халос этгаймиз. Исмат».

— Пирим, шогирдингиз Исмат Шерозий ёзмиш.— Пирмат похол устида мажҳул бир аҳволда ёнбошлаб ётган Машраб устига эгилдида, қоғозни кўрсатди.— Халоскор дўстлар шай кўринурлар. Иншоолло, умид учқунлади.

Бу хабарни эшишган Машрабда ҳеч қандай ўзгариш сезилмади: у ҳамон похолда жимжит ётиб, ич-ичидан инграр, бутун кучини йиғиб, вужудини қақшатаётган оғриққа базўр бардош бераётгани сезилиб турар эди. Лекин, Оғахон саркорда кутилмаган бир гайрат пайдо бўлиб, дарҳол узун оёқларини йиғиб, ўрнидан турди ва қоғозни Пирмат қўлидан олиб, синчиклаб кўздан кечирди.

— Дарҳақиқат, бу мактуб Исмат Шерозийдан...— кўзлари ёниб, баралла сўзлади Оғахон.— Мен уни зиндан қопқасида кўриб танидим. Обид восвос ҳам кўрингандай бўлди... Улар бизни қочириш тадориккни кўрган бўлсалар ажаб эрмас. Иншоолло, нажот йўли очилгай!

Машраб Оғахоннинг ҳаяжонланиб сўзлашига ҳам эътибор бермай, пўпанаклар осилган шифт бурчидағи бир нуқтаги тикилганча хаёлдан бош кўтармади. Оғахон яна ўрнига бориб ўтиргач, эшикка қулоқ солиб турган Пирмат устозининг жуда сокин товуш билан:

— Бир қултум булоқ суви бўлса эрди...— деган сўзларини эшишди.

Эшик орқасида сезилган оёқ товуши аниқроқ билинди: қимdir яқинлашиб келарди. «Зинданбон бўлса керак», тахмин қилди Пирмат ва Машрабнинг ўлим олдидаги орзусини унга етказиб, офтобада булоқ суви келтириб беришини илтимос қилишга ҷоғланиб турди.

Эшик қулфига калит солиниб буралди. Кейин у очилиб, қоронғи хона дафъатан ёруққа тўлди. Пирматнинг кўзлари қамашди, бир четга ўтиб, зинданбонга ўй берди. Бир қўлида оғзидан буғ бурқиб чиқаётган хумча, иккинчи қўлида учта паррак нон билан Наврўз кирди.

— Ассалому алайкум, пири комил!— деди у девор тагида ёнбошлиб ётган Машрабга яқинлашиб.— Ёвғон олиб келдим, туринг, тақсир! Мен ҳозир сизни кишандан халос этамен.

Пирмат хумча билан нонни зинданбон қўлидан олди. Наврўз бел-богига осилган калитлардан бирини шодадан чиқариб, Машрабнинг аввал қўлидаги, кейин оёғидаги кишан қулфларига солди. У кишанларни билагига осилтириб чиқаётганда:

— Нима орзуйингиз бор, пири комил?— деб сўради.

Машрабнинг ҳамон индамай, шипга тикилганча ўй суриб ўтирганини кўрган Пирмат устози учун жавоб берди:

— Офтобада булоқ суви келтирингиз, Наврўзбек!

Бугунги ҳукмдан аллақачон хабар топган бўлса керак, зинданбон довруги жаҳонни тутган, эндиликда эса похол тўшакда bemажол ўтирган қаландари замонга дил-дилидан ачиниб боқдида, қўл қовуштириб:

— Сўровингизни бажо этурмиз!— деди ва тикилиб сўради.— Тағин не орзулари бор?

Қуришган лаблари билинар-билинмас қимирлаб, Машраб хаста товуш билан:

— Итимни ҳузуримга келтирсангиз,— деб сўради.

— Итингиз саломат. Қитмир биз бирла ҳамхона.— Зинданбон ис-теҳзоли жилмайди.— Келтир десангиз, келтирай. Узи ҳам бечора нуқул акиллайдир, ҳожасини йўқладайдир.

Зинданбон эшикни қулфлаб кетгач, Пирмат бўз рўмолини Машраб яқинига ёзи, нон ушатди. Оғахон билан иккови чордона қуриб ўтиришдилар.

— Дўстим, овқатни тановул қилайлик,— деди Оғаҳон Машрабнинг бинқинига кириб, уни суяб турғизмоқчи бўлди. Лекин, Машраб туриш ўрнига яна похолга ёнбошлаб:

— Мени маъзур тутингиз! Кўнглим беҳузур...— деди.

Пирмат билан Оғаҳон бир-бирларига маъноли қараб олишди-да, чайир арпа нон бурдаларини оғизларига солиб, хурмачадаги ёвғондан навбатма-навбат ҳўплаб, овқатланишга машгул бўлдилар.

Машраб ҳамон шипга тикилганча сукут оғушида. У ўйлайди. Ҳаётдан умидини батамом узган маҳкумлар ўйлагандай эмас, йўқ, курашда енгилмаган, ҳақсизлик ва адолатсизликдан «ал-қасос» эътиқоди мустаҳкам, қалбида тубсиз ҳис-туйғулар олови қайнаб, илҳоми алангланиб турган жангчи хаёлидай бир хаёл... Пирмат устозининг бундай соатларда фикр юксакликларида хаёлан парвоз этаётганини, унинг беором юрагида ғазал етилаётганини билади. Айниқса, шоир кўзларининг чатнашидан, юз томирларининг тортилиб, нигоҳининг жиддийлашиб боришидан билади. Ҳозир ҳам Машраб шундай руҳий аҳволда. У парвозга шайланган бургутдай болу пари ҳурпайиб, вужуди ёниб-ўртаниб турибди.

Овқат ейилиб, дастурхонга фотиҳа ўқилгандан кейин Оғаҳон яна девор тагига бориб, бояги ўрнида чўнқайиб ўтирганча Ислам Шерозий хатига, нажот юлдузига тикилгандай тикилиб қолди.

Пирмат Машрабнинг ёнига келиб тиз чўқди-да:

— Келинг, устоз, қўл-оёқларингизни силаб қўяй!— деб меҳрибонлик қилди.— Сиз учун сақлаган озгина малҳамим ҳам бор!

У дўсти ва устозининг йўғон томирлари бўртиб чиққан, қалин оқ тук қоплаган озгин қўлларини олиб, кишандан қонталаш териснiga мойли малҳам суртиб, авайлаб силай бошлади. Эзилган гўшт, шилинганд яра ачишиб оғрир, суяклар зирқирап, Машраб тишини-тишига қўйиб, ҷалқанча ётар, лекин кўзларida — ҳамон тубсив тафаккур учқунларди.

Пирмат унинг қўлларини силаб бўлгач, оёқ яраларига ҳам малҳам суртиб чиқди-да, териси обдан ёпишган сўнгакларга иссиқ кафтларини оҳиста юргизиб силаб ўтирап экан, Машрабнинг бетартиб ўсган сочларидан, юз-иягини қоплаган қуюқ соқол-мўйловидан кўзини узмайди: шоирнинг ўшлигидаёқ оқара бошлаган соч-соқоли энди буткул кумушранг касб этган. Айниқса, Балхга келгандан буён у беором: Маҳмудхон, Шайхулислом, Бузрукхўжа Бухорий ва буларнинг ҳуфялари уни бир нафас холи қўйишмайди. Шоир на карvonсаройда, на қаландархонада, на гузарда, на саҳрода бир кун, бир соат таҳлиқадан узоқда бўлди: ташвиш, хатар ҳар қадамда оёғи остидан чиқиб турди.

— Устоз, Ислам Шерозий содиқ шогирдйнгиздир,— эслатди Пирмат Машрабнинг елкалари билан қўкрагини беозоргина силай туриб.— Ҳойнаҳой, эрта тонгла қаландарлар йўлга чиқурлар, улусни оёққа турғизурлар, навкарларга ҳужум айлаб, сизни ноҳақ жазодан холос этурлар!

— Наврўз бедарак кетди,— деди Машраб манглайнинг терини бўз қўйлагининг узун енгига артар экан.— Келса сўра, давот билан қалам берсин, Маҳмудхонга нома ёзгум.

— Хўп, Наврўзбек келса албатта, сўрагум!— Пирматнинг чеҳраси ёришиди: «Устоз хондан афв сўрайди, у ҳам, биз ҳам жазодан омон қоламиз!»— шу фикрдан кўнглида умид учқунлади.

Яна эшик фирчиллаб очилди. Бир қўлида сопол кўза кўтарган, иккинчи қўли билан Қитмир боғланган чилвирни ушлаган зинданбон кириб келди.

— Мана булоқ суви, пири комил!— Наврўз кўзани Машрабга тутди.— Мана, вафодор итингиз!

Қитмир хонага кирибօқ ўзини Машрабга отди, юзига юзини қў-

йиб, эркаланди, акиллаб-акиллаб, гўё ўз тилида арзи-ҳол айтди.
— Эй, жонвор-ей!— Машраб Қитмирнинг пиёлачадай жажжи оппоқ бошини силади.— Ҳижрон сенинг ҳам жонигга озор бермиш!

Ҳажр фироқинг ўтидин ошиқи бекарор ўзим,
Юрган итингни сифати ошиқи хоккор ўзим...

У шу байтни ўқиди-да, ит билан эгасининг бир-бирини тинимсиз суюшини сеҳрланиб томоша қилиб турган зинданбонга юзланди:— Наврўзбек, худо хайрингизни берсин, бизга сеторимизни ва давоту қалам ила қоғоз келтириңг. Бу кеча сўнгги кечадир — шаби ҳижрондир. Биз умри гузаронга сўзу соз ила хотима чекайлик, зеро эрта тонгда ҳаёт ҳам, ижод ҳам битгусидир.

— Балли, пири комил!— Наврўзнинг кўзларида ёш филтиллади.— Тақдирга тан бермоқ мардлар одатидир. Мен ҳозир айтган буюмларингизни муҳайё қилгаймен. Оре, сиз булоқ сувини унудингиз...

— Ҳа, ҳа, боракалло!— Машраб сопол кўзани ердан олиб, аввал итига ичирди, кейин ўзи тўйиб симиради.— Иншоолло, сероб бўлдик.

Зинданбон бўшаган, кўзани олиб чиқиб кетаётib, эшикни маҳкамалаб қулфлашни унумтади.

Пирматнинг малҳам суриси силашидан анча ором олган Машраб похол тўшакда чордона қуриб ўтирганча ҳамон итини бағрига босиб эркаларкан:

— Тақдирнинг зил тоши елкамиздан босиб тургач, биз кабутардай парвоз эта билмасмиз,— деди Пирматнинг қочиш ҳақидаги бояги фикрига жавобан.— Қелинг, Сеторий, дам ғанимат, шеърият гулханини бозиллатайлик, ғазалиёт чаманида сайр этайлик! Ана, зинданбон ҳам базм анжомини келтириди чамамда...

Яна эшик шарақлаб очилиб, қўлтиғига танбур қистирган, қўлида давоту қалам, қоғозлар ушлаган Наврўз кириб келди.

— Пири комил!— ҳамон кўзлари филтиллаб мурожаат этди зинданбон.— Рұксат этсангиз, созингизни мен ҳам эшиштасам.

... Марҳабо, Наврўзбек!— Машраб Қитмирни тиззасидан туширди ва танбурни қўлига олиб, қулоқларини бураб созлар экан, қўлларида яна оғриқ сезиб, Пирматга узатди:— Сетор Сеторийга муносиб! Ёдингиздами, бултур бир мухаммас айтиб эдик:

Ишқ ичра қадам қўйдиму-то тарки сар эттим...

Пирмат танбурни созлаб, «Дугоҳ» мақомининг аввал қисмидан вазмин бир таронани тиниқ чертар экан:

— Ҳа, ёдимда,— деди.

Ишқ ичра қадам қўйдиму то тарки сар эттим,
Сийнамни маломат ўқига ҳам сипар эттим...

— Боракалло!— Машрабнинг йирик қора кўзлари шуълаланди.— Ушал мухаммасни хониш этайлик!

Оғахон сардор билан Наврўз Машрабнинг икки ёнига тиз чўқдилар. Очиқ эшикдан кун ботиш фаслининг ғамгин уфқи кўринди. Салқин шамол хонага елиб кирди. Пирмат «Дугоҳ» дебочасини чалиб бўлгач, Машраб иккovi мухаммасни бошладилар:

Ишқ ичра қадам қўйдиму то тарки сар эттим,
Сийнамни маломат ўқига ҳам сипар эттим,
Бу манзили бехуда кўриб ман сафар эттим,
То олами зоҳирга келиб ман гузар эттим,
Тарк айладиму жумлани қатъи назар эттим.

Ҳижрон кечаси нола қилиб ҳамдаме топмай,
Аҳволи кўнгул айтғали бир маҳраме топмай,
Ҳижрон тифининг заҳмига мен марҳаме топмай,
Озору сутамдин нафасе ораме топмай,
Зулмунгни қариндошу ғамингни падар эттим.

Қилди бу фалак шуъбадаси хастау дилреш,
Ошиқ кишилар билса они, душман эрүр ҳеш,
Бир йилда ўн икки ою ҳамал ёзила ҳам қиш
Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,
Бас, жандани кийдим, ўзими дарбадар эттим.

Фам кечалари бўлди менга мунису дамсоз,
Ул шўхи бало сайд қилур қўзлари шаҳбоз,
Фам ҳайли жафо бирла эди ҳамдаму ҳамроҳ,
Васлинг ҳаваси бирла кўнгул этгали парвоз,
Ҳар ўқки юрак узра эди, болу пар эттим.

Оҳим ўқини шум рақибларга отай деб,
То кўйи муҳаббатни дилим бирла чолай деб,
Кийдим кафанинг факр ила гулхонда ётай деб,
Душмәнки дучор ўлса анга ҳарб қиласай деб,
Дўстим қўлини туттими туғи табар эттим.

Бир дилбари жононани ҳамроҳ этай деб,
Жонимни бериб жониға дамсоз этай деб,
Жон тўтисини ишқ ила шаҳбоз этай деб,
Бир қушки чўлоқ сонида парвоз этай деб,
Гул ғунчалари белга сукуб болу пар эттим.

Мен бунда ҳароб ўлдим-у, сен анда саломат,
Дунёни ғаме ичра менга йўқтур ҳаловат,
Жон мулкида ҳижронни келибдур не аломат,
Афгору кабоб ўлгали ул аҳли сабоҳат,
Хуни жигарим жамъ қилиб моҳазар эттим.

Ялдо кечаси бўлғали ёрим ила ҳамгап,
Бир ғамзага торож этибон дин ила мазҳаб,
Сиррини ниҳон эти будур боиси матлаб,
Кўтаҳназар бўлмаса деб хаста бу Машраб,
Минг маънини бир нукта била мухтасар эттим.

Пирмат танбурни нозик чертар, Машраб икковлари бутун дунёни унутиб, ширали овозвлари билан сўзларни аниқ талаффуз этиб қуйлар экан, Оғахон сардор узоқ ўйлларда қолиб кетган хеш-ақраболари — афтода қаландарлар, юпун дарвишларни ўйлар, Наврўз эса мухаммасдаги ҳаққоний фикрлардан «шоҳ Машраб»нинг кимлигини илк бор қашф этиб, унинг назарида улуғ бўлган шайхулисломдек зотнинг Машрабдек пири комил қатлига фатво берганини энг даҳшатли адолатсизлик деган хуласага келди.

«Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,
Бас, жандани кийдим, ўзими дарбадар эттим..»

Ҳа, энди тушунди Наврўзбек Машрабнинг кимлигини! Бу — шоҳга бўйсунмаган, ақлу идроку мартабада ундан минг чандон юқори мавқе соҳиби — улуғ инсон!

Кўй тугагач, Машраб тош деворга суюлиб ўтирганча бир нафас ўйга толди ва бир қарорга келди шекилли, зинданбонга тик боқиб деди:

— Наврўзбек, эмди бизни холи қўйсангиз! Эртанги кун тадорикини кўрмоқ даркор!

— Балли, пири комил! — зинданбон чўнқайиб ўтирган еридан сакраб турди.— Мен субҳи содиқ тақсиримга таҳорат суви ила тоза либос келтиргаймен.

— Ташаккур, Наврўзбек.— Машраб мийифида кулди.— Инсонда аввало дил пок бўлмоғи даркор.

— Балли, пири комил!

Зиндан ҳовлисига сурмаранг оқшом пардасини ўйди. Туйнукдан тушиб турган нур хиралашди. Зинданбон токчадаги шамни ёқиб, эшикни қулфлаб чиқиб кетгач, Машраб дафтарни тиззасига қўйиб, савағич қаламни давотдаги сиёҳга ботирди-да, қофозга бир нафас тикилиб тургач, ёза бошлади:

Чун қўлим бирла оёғим боғламоқ ҳожат эмас,
Мен ўлумға розиман, бас турғали тоқат эмас.

Мунча шиддат бирла бўйним бўғгали зўр айлама,
Баски, одам қони тўкмак сенга ҳам тоат эмас.

Умр чун барқи ҳаводис, ғофил одам билмади,
Ою кун аромига бир лаҳзаи фурсат эмас.

Лашкаре ҳунрездин сабру ором қайда бор,
Мажнуни девоналарнинг шоҳига роҳат эмас.

Тўккуси қонимни охир Балҳда Маҳмуд шоҳ,
«Ал-қасосу ҳақ» каломи анга ҳам муддат эмас.

Чун муборак бўлсун, ёй Машраб, қизил қонинг сенинг,
Хўб иш бўлди сенга, жон берганинг оғат эмас.

У ғазални ёзиб битиргач, дилидан дарди ариб енгил тортган киши-
дек эркин нафас олди ва дафтар билан қаламни Пирматга узатиб:

— Сеторий, бул ғазалдан нусха олинг! — деди. — Биздин Маҳмуд
қатағонга мактубдир.

Пирмат устози қўлидан дафтарни олиб, шам шуъласида ҳозиргина
битилган янги ғазалга синчиков нигоҳини тикди-да, эътибор билан ўқий
бошлади. У машрабона оддий усулда аниқ маъноли сўзлар шодасини
бир-бир териб ўқиркан, қатл олдидаги сўнгги соатларда Машрабнинг
тавба қилишига, шу билан ўзини ҳам, хешларини ҳам жазодан омон
сақлашига умиди буткул сўнди, аъзойи бадани беихтиёр бўшашиб, қа-
ламни қўлидан тушириб юборишига оз қолди.

— Устоз... — Пирмат дудуқланди. — Бул мактубдин Маҳмуд шоҳ
тағи-да дарғазаб бўлур...

— Бўлсун! — Машрабнинг кўзларида нафрат ўтлари чатнади. —
«Ал-қасосу ҳақ» каломи анга ҳам муддат эмас...» Ҳа, Пирмат Сеторий,
сизга ва жамъи улусга билгиллик ўлсинки, на битибмен — ҳақ сўзни би-
тибмен.

Машрабнинг алоҳида урғу бериб айтган кейинги сўзлари тубидаги
чукур маънони англаб етган Пирмат устозига бошқа бир сўз демади-
да, хасталарга хос титроқ товуш билан:

— Қулингизга қандай фармойишлар бўлур? — деб сўради.

— Пирмат Сеторий! Сиз менинг қулим эмас, содиқ шогирдим, дўс-
тим, сафдошимдурсиз! — Машраб унга миннатдор боқиши қилди. — Ҳар
бир йўлнинг охiri бордир, биродар! Маним йўлим — умри гузарон би-
тиб, охирал фано манзилига етибмен. Пирмат Сеторий, йўқ, саҳв қил-
дим, Пирмаст Сеторий! Сиз ҳақиқат, шариат ва тариқат йўлинида маст-
лар пиридирсиз. Сиз, Пирмаст Сеторий, мандин кейин ошиқлар сардори
бўлиб қолғайсиз, зеро сиз ғазалиёт дулдули, Фарғона булбулидурсиз.
Алқисса, Пирмаст Сеторий, тонгла маним қисматим — қатлиом адo
бўлгач, иншоолло сиз омон қолғайсиз ва шунда сиз Фарғона томон
парвоз қилғайсиз. Бинобарин, маним битукларимни ёширгон ерлари-
нгиздин олмоқни фаромуш этмагайсиз. Мен умрим давоминда йиққон
сўз дурри гавҳарларимни она тупроққа етказмоқни сизга, Пирмаст Се-
торий, фақат сизга топшурдим. Ёлғиз қомонатим, ёлғиз васиятим будур.
Сизга, азизим, фурбатни тарқ этмоқни, жонфиزو диёrimизга саломат
етмоқни ва жамъи битукларимни эл аро эъзоз этмоқни васият қилур-
мен!

Машрабнинг Балҳ подшоҳи Маҳмудхон олдида тавба қилмаслик-
ка, аксинча, ўз ҳақлигини исботлаш учун дор тагига тик боришига
қатъий қарор берганлигига қаноат ҳосил этган Пирмат ўзини дўсти-
нинг оёқларига отиб йиқилди, шоирнинг жароҳатли қўлларидан, жул-
дур жандасининг этакларидан ўпиб, ўнкасини тута билмасдан ҳўнграб
йиғлаб юборди.

— Кўз ёшидан на фойда, Сеторий!— Машраб дўстининг бошини силади-да, сал бўғиқ, осойишта товуш билан ўқиди:

Қонимни тўқар эрмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон,
Тақдирни азал бўлса, найлай анга бермай жон.

Бу ишқ йўлиға кирғон албатта кечар жондин,
Кечмаса агар жондин айтган сўзиdir ёлғон.

— Дўстим!— Пирмат бошини кўтариб, кўз ёшлари аралаш устозига тикилди.— Тортқан азиятларингиз эвазига оллонинг шафқат этмоғига имоним комил. Башарти дажжол Маҳмудхон қатлиом этса, васиятингиз адосиға жоним борича урингоймен!

— Балли, Пирмаст Сеторий!— Машраб ўрнидан туриб, токчадаги шамни пуфлаб ўчириди ва Қитмирни бағрига босғанча, бўзарип келаётган тонгнинг туйнукдан тушиб турган хира шуъласига тикилиб тураркан, кўз олдиди болалиги, кечган она юрт манзараси жонланди: баҳор фасли қирғоқларига тошиб, ҳайқириб оқадиган Норин, бир-бирига тулашган муттасил боғлар, арава базўр сиғиб ўтадиган тор кўча, қўшқанот нақшин дарвоза, бир қаноти қия очилгандай, Тўтихон кулиб боққандай кўринди Машрабнинг кўзларига...

Қатл ва қасос

Султон Маҳмуд Машрабни қатл этиш ҳақидаги ҳукмга имзо чеккач, ҳам аркони давлатни, ҳам уламоларни ҳажв қилиб, ҳақоратлаб юрган бир девонани жазоладим, деб хотиржам бўлиш ўрнига аксинча, оромини буткул йўқотди. Гарчанд шайхулислом билан вазирни аъзам подшони ҳукм мажлиси сўнгига муборакбод этган бўлсалар ҳам, барга қутловлар унга аччиқ таънадай эштилди. У тахтиравондан тушиб, Оқсанордан чиққач ва орқа йўлдан боғи-Дилкушога киргац, ям-яшил арғувон дараҳтларининг саноқсиз қип-қизил гуллари очилиб ётган чаманда, кўм-кўк тиниқ суви жимирлаб турган сарҳовуз бўйидаги мармар супачада ўтириб, хаёлга чўмди.

Ҳали қўёш ботмаган, унинг олтин баркаши рўпарадаги ар-ар тераклар орқасида ярқираб турган бўлса ҳам, бу ерда — арғувонлар соясида гулларнинг муаттар нафаси дилга роҳат бағишлиайди, кўнгилни тинчтади. Тўғрироғи, роҳат бағишлиарди, кўнгилни тинчтади...

Бугун эса тамом ўзга бир ҳол. Подшонинг кўнглида ҳукм мажлисида пайдо бўлган ғашлик, ғулғула ҳамон босилмайди. Бунга сабаб, балки, Машрабнинг шунчаки бир осий банда, шунчаки бир девона эмаслигидир. Унинг шайхулислом саволларига берган жавоблари, вазирни аъзам Бузрукхўжа Бухорий шаънига айтган терс гаплари моҳир мерган отган ҳадафлардай нишонга бориб санчилди. Султон Маҳмуд назарида аксарият мажлис аҳли подшо томонга эмас, билъакс, Машраб томонга оғди!

Асли темурийзодалардан бўлган, ўттиз уч ёшга кириб, қўшни давлатларга қарши уч мухорабада қатнашган ва доим зафар қозонган, асир олган душманларини қатлга ҳукм этиб, Балхнинг қатл майдонида карнаю ноғоралар садоси остида уларнинг дорга осилишини томоша қилишдан завқлангувчи Султон Маҳмуд ҳаётидаги биринчи марта маҳкум қаршисида ўзини нечундир ҳақсиз ва ожиз сезганидан ҳайратда.

Боғи-Дилкушо жимжит. Сарҳовуз сокин. Иссиқ таъсирида дараҳтлар ҳам ухлаётгандай, қилт этган шаббода йўқ. Боғ қопқалари берк. Сарой минораларида посбонлар сергак. Ҳарамда подшо ташрифига

интизор маликаю канизаклар ўзларига оро берадилар. Баланд айвон пештоқига осилган олтин қафасда Ҳинд подшоси совғага юборган доно тўти қуш мудрайди. Чор атроф тинч, ҳамма оромда.Faқат биргина Султон Маҳмуд қалби туғёнда...

Хукм мажлисида кимдир осий девонани «Шоҳ Машраб» деб атади. Бунинг маъносини Султон Маҳмуд шайхулисломдан, сўраганда у: «Хўжандда қаландарлар анга шундай ном берганлар», деб изоҳлади: «Сиз, аъло ҳазрат, улус подшоҳи бўлганингиздек, Бобораҳим қаландарлар шоҳидир...»

Қаландарлар шоҳи... Шоири замон... «Во ажаб, унинг ғурури, нафасининг жаҳаннам оташи каби пурзиёлиги, сўзининг пайғамбар каломидек ўткурлиги шу важданмикан?», ўйлади дили бежо шоҳ.

Гарчанд ҳукм қатъни бўлса ҳам, Султон Маҳмуд ўз вазири аъзамига Машрабни тавба қилдириш борасида уриниб кўришни буюрганидан, мабодо девона тавба қилса, уни дор тагида изза қилиб, Балхдан чиқариб юбориш ниятини дилига тугиб қўйганидан мамнун бўлиб, бир қадар кўнгли тинчиди-да, қип-қизил арғувон гулларига тикилганча марҳум отаси Султон Муҳаммаднинг бу боғ тарихига доир васиятини эслади: «Боғи-Дилкушони бобомиз Муҳаммад Зоҳир Бобир мирзо обод қилмишлар, арғувон дараҳтларини ўз қўллари ила экмишлар. Сен бу боғи ороға ёвни йўлатма, Султон Маҳмуд!»

Мана, ўн йилдирки, ота васиятини муқаддас деб билган Султон Маҳмуд унга амал қилиб келади. Бу вақт давомида у бир томони Бадаҳшон, иккинчи томони — Ғазнага қадар ерларни забт этиб, мамлакатини кенгайтирди, давлатини мустаҳкамлади, хазинасини тўлдирди. Не-не подшолар, хонлар, беклар унга таслим бўлдилар. Faқат биргина девона Машраб унга итоат этмади, унинг тожу тахтига ҳажв ўтини сочди!

Султон Маҳмуд сарҳовуз бўйида узоқ ўтириб қолди. Ажабо, кучкүвватга тўлган навқирон шоҳ соат сайин мажоли қирқилиб, руҳан дармонсизланиб бораётганини сезади, Машрабнинг тавбаси ҳақида вазири аъзамнинг хабар келтиришини сабрсизлик билан кутади...

Ар-ар тераклар орқасида қонталаш қуёш баркаши пасайиб, ярми кўм-кўк тепага чўкди. Енгилгина салқин шаббода қалқиб, нафас олиш енгиллашди. Аллақайси дараҳт шоҳида ёлғиз майна хумор-хумор сайради.

Султон Маҳмуд боғ этагидаги шарпани сезиб, ранг-баранг яшнаб ётган гулзор томонга синчков қаради. Баланд бўйли, елкадор вазири аъзам Бузрукхўжа Бухорий ўнг қўлида бир варақ қофоз билан аста юриб келарди.

«Машрабнинг тавбаномасини олиб келаётган бўлса керак.— Шу фикр Султон Маҳмуд миёсида чақнади.— Хайрият...»

Ерга судралар даражада узун заррин тўн кийган, бошидаги гилам дўпписи қип-қизил юзига ярашган, қоп-қора соқол-мўйлаби дид билан тарашланган Бузрукхўжа Бухорий гулдор кавуш ила хиёбоннинг қизғиши қумини аста босиб келди ва Султон Маҳмуд қаршисида таъзим бажо келтириб, тик қотди.

— Ўқунг!— Султон Маҳмуд вазири аъзамга буюрди.

— Аъло ҳазрат...— Бузрукхўжа Бухорий дудуқланди.— Нобакор...

— Тавба қилдими?— Султон Маҳмуд вазири аъзамнинг гуноҳкорона ерга қадалган кўзларига қаттиқ тикилди.— Нечун тилингиз айланмайдир?

— Девонадин ой бошини сўрамоқ...— Вазири аъзам ҳамон дудуқланиб сўзлади. Кейин мармар супачада ҳурпайиб ўтирган подшонинг важкоҳатидан чўчиб:— Маҳкум тавба қилмади,— дейишга мажбур бўлди.

— Ўқунг! — товуши ғайри табиий қалтираб буюрди Султон Маҳмуд.

Бузрукхўжа Бухорий қофозни кўзига яқин келтириб ўқиди:

Чун қўлим бирла оёғим боғламоқ ҳожат эмас,
Мен ўлумга розиман, бас турғали тоқат эмас.

Мунча шиддат бирла бўйним бўғгали зўр айлама,
Баски, одам қони тўкмак сенга ҳам тоат эмас...

— Ё раббий! — дарғазаб Султон Маҳмуд шиддат билан ўрнидан туриб кетди. — Бошимизга бало бўлди ул девона! Ўқунг!

— Аъло ҳазрат, девонанинг валдирашига қулоқ солмағанингиз маъқул. — Вазири аъзам қофозни фижимлаб ҳовузга отишга шайланганда подшо яна бақирди:

— Ўқунг!

Бузрукхўжа Бухорий қофозни јана ёзиб, ғазалнинг давомини ўқишига мажбур бўлди:

Умр чун барқи ҳаводис, ғофил одам билмади,
Ою кун ғаромига бир лаҳзаи фурсат эмас.

Лашкаре хунрездин сабру ором қайди бор,
Мажнуни девоналарнинг шоҳига роҳат эмас.

Тўккуси қонимни охир Балхда Маҳмудшоҳ,
«Ал-қасосул ҳақ» қаломи анга ҳам муддат эмас.

Чун муборак бўлсун, эй Машраб, қизил қонинг сенинг,
Хуб иш бўлди сенга, жон берганинг оғат эмас.

— Девонани қарангки, шоҳга таҳдида этадир! — Султон Маҳмуд телбаларча хаҳолаб кулди. — Қатл анжомини шай этингиз, вазири аъзам, тонгла жума намозидин сўнг ҳукмимиз қатл майдонида ижро этилғай!

— Балли, аъло ҳазрат! — Бузрукхўжа Бухорий ёргача эгилиб, яна таъзим қилди.

— Ғазални бизга берингиз, девонадин подшога ёдгорлик бўлғай!

Султон Маҳмуд шундай деди-да, ғазални вазири аъзам қўлидан юлиб олиб, хиёбондан шитоб билан юриб кетди ва ар-ар тераклар тагидан ҳарамнинг нақшин эшиги томонга йўл олди.

У ҳарамнинг гулзор ҳовлисига киргач, хосхонанинг кўкиш мармар зинапоясида мудраб ўтирган ҳарам оғаси — бичилган қул Одилшони баланд пошналил кумушранг этиги билан тепиб уйғотди:

— Чоғир мажлисини тайёрла, Одилшо!

Одилшо дарҳол ўрнидан туриб, таъзимга қўл қовуштириди.

Султон Маҳмуд хушбўй атру ифорлар анқиб турган нимқоронги хосхонага кириб, тўрдаги баланд тахти-равонга ўтириди ва Машраб ғазалини ўнг қўлида чангллаганча безгак тутган кишидай тоқатсиз бир ҳолатда девонанинг жасорати устидан хаҳолаб кулишда давом этди.

Хизматкорлар хосхонага оёқ учida аста-секин кириб, хонтахталарга дастурхонлар ёзилар, қўзаларда шароб, ликопларда қази-қарта, қуш гўштлари, анвойи мевалар келтирдилар. Кейин созандио хонандалар бирин-кетин кириб, сетор, най, фижжак, рубобу дафларини қўлларига олганларича подшо фармонини кутиб ўтиридилар. Ясан-тусан раққосалар бурчак-бурчақларда шоҳи кўрпачаларга тиз чўқдилар. Ғазаб, алам, қасос ўти вужудини қамраган подшо гўзал канизаклардан бири узатган лиммо-лим кумуш қадаҳни симириб бўшатғач, базмини бошлашга ижозат берди...

У умрида ҳеч қачон бунчалиқ кўп ичмаган, бу қадар телбаларча

ишрат қилмаган, бу даражада ачиқ-аччиқ кулмаган ва ниҳоят, маст бўлиб йиқилмаган.

Тун оғандада подшонинг тахти-равонда ўтирганча ухлаб қолганини кўрган Одилшо базм аҳлини хосхонадан чиқариб юборди-да, ўзи унинг оёғида посбонлик қилиб қолди...

Тонг отгач, масжиду майдонларда, бозору бекатларда отлиқ жарчилар одамлар тўплланган ерларда тўхтаб, бугун жума намозидан кейин Қатл майдонида Бобораҳим Машраб отли осий банда дорга осилажагини, яна икки осий банда: Пирмат Сеторий билан Оғаҳон сардорга қирқтадан дарра урилишини, бу маросимда подшо Султон Маҳмуд, вазири аъзам Бузруқхўжа Бухорий, шайхулислом ва жами аркони давлат ҳозир бўлишларини бақириб-чақириб хабар қилиб юрдилар.

Бу хабар зиндонга ҳам етиб келди. Зиндон қопқаси олдига тўплланган турли тоифадаги кишилар, улар ичида дарвишлар, қаландарлар, муллаваччалар подшонинг адолатсиз ҳукмидан бир-бирига шикоят қилиб, бандиларнинг олиб чиқилишини кутиб турдилар. Булар ичида Машрабнинг анчагина мухлислари ҳам бўлиб, улар кеча йўлда Пирматга хат берган Исмат Шерозийни ўраб олишган, Машрабни қутқариш учун тайёр эканликларини унга айтишар эди.

Кун чошгоҳга яқинлашганда уч навкар шаҳар томондан от чоптириб келиб, зиндон қопқаси тагидаги оломонни ёриб ўтдилар ва қопқа очилгач, ичкарига кириб кетдилар. Қопқа яна ёпилиб, орқасидан танбаланди. Шу пайт жулдур жандапўш кийган, бошига эски кулоҳ бостирган, суяклари туртиб чиққан япалоқ юзини мош-биринч соқол қоплаган ялангоёқ кекса бир қаландар Исмат Шерозийни енгидан тортиб, четга судради.

— Тақсир, мен Бобораҳимнинг юртдоши бўламан,— деди у Исмат Шерозийни оломондан четга олиб чиққач.— Менинг исемим Обид вос-вос...

— Э, шундоқми?— Исмат Шерозий кекса қаландарнинг яёв юрабериб ёрилган кўмирдай қоп-қора оёқларига ачиниб тикилди.— Машраб сизнинг ҳақингизда кўп сўзлаган эрдилар... Баҳай, бу ёқларга келиб қолибсиз?

— Тақдир, тақсир, тақдир...— Обид восвоснинг қовжираган кўзла-рида ёш қалқди.— Кўп йиллар бўлди Бобораҳим ила Сир бўйида хайрлашиб, Фарғонага йўл олғонимга... Биз дарбадар баражналарга ҳар ерда ер қаттиқ, осмон узоқ... Юртга келгач, Исоҳўжабойга тавбатазарруғ, қилиб тағин ўн йил хизматкор бўлдим, бироқ косам оқармади. Тағин йўлга чиқдим. Мана ўн йилдирки, Машрабни охтарамен. Мең бормаган шаҳар қолмади. Қашқарга борсам «келди, кетди» дедилар. Бухорога борсам ҳам, Хўжандга борсам ҳам — шу жавоб. Бир қаландар шоири замоннинг Балх томонга юрганларидан хабар берди. Олти ой йўл босиб, кеча оқшом етиб келдим. Инишоолло, дўстим дийдорини кўрурман десам, не кулфатки, аzonдан буён подшо жарчиларининг шум хабарини эшитамен... Не бало қўпди, тақсир? Шоири замонни ажал сиртмоғидан қутқармоқнинг иложи борми?

— Шаҳар алғов-далғов...— Исмат Шерозий овозини пасайтириб гапирди.— Биз афтодалар — шоири замоннинг мухлислари навкарлар йўлини тўсиб, бандиларни озод этмоқча шай турибмиз. Ҳозир кўрдингиз, aka Обид, фақат уч навкар зиндонга кирдилар. Биз кўпчилик... Айтинг-айтинг, Машрабни занжирбанд этмасинлар — қочмоғи маҳол бўлур... Ҳар қалай, келганингиз хўб бўлди, бизга мадад берурсиз.

— Шоири замоннинг садағаси кетай, жонимни тикишга тайёрман!— Обид восвоснинг кўзлари ёниб, жундор очиқ кўкрагига мушитурди.— Не қилмоғимни айтсангиз, бас, тақсир!

— Қани, ака Обид, ўртага кирайлик, қопқани очадилар!— Исмат Шерозий Обид васваснинг қўлидан тортиб, оломон орасига яшириндилар.

Зиндон қопқаси кенг очилди. Уч маҳбус: ўртада — қўл ва оёқлари га кишан урилган Машраб, унинг ўнг ёнида рангпар ва оғзин Пирмат Сеторий, чап ёнидаmallаранг соқоли кўкрагини қоплаган Оғахон сардор кўриндилар. Оппоқ оқарган соchlari патила-патила Машрабга оқ бўздан янги кўйлак-лозим кийдирилган, Пирмат билан Оғахон ўз жандапўшларида, бошларида кўлоҳ. Учовлари ялангоёқ.

Икки отлиқ навкар уларнинг икки ёнида, учинчиси орқада — бандиларни зиндон ҳовлисисдан ўйлга ҳайдаб чиқдилар.

Қитмир Машрабнинг кишан солинган оёқлари остида гоҳ у ёққагоҳ бу ёққа ўтиб, пилдираганча югуриб акиллайди.

Оломон иккига бўлинниб, бандилар билаъ навкарларга йўл очиб берди.

Қаландарлар бир кечада соч-соқоли буткул оқарган, арвоҳдай оппоқ либосдаги Машрабни кўриш билан унинг оёқлари остига биринкетин йиқилиб, дод сола бошладилар:

- Ассалому алайкум, пири комил!
- Алвидо, шоири замон!
- Худо ёр бўлсин, шоҳ Машраб!
- Биз афтодаларни афв этингиз, устоз!

Обид восвос ўпкасини тута олмай, ҳўнграб йиғлаб юборди:

- Сизни бу ахволда кўрган кўзим кўр бўлсин, Бобораҳим!

— Э, Обид ака, қаердан кун чиқди?— Машраб юртдошини таниб, оёғи остига йиқилган кекса қаландарга эгилди.— Туриңг, ватан дийдорини кўрган кўзларингиздан бир ўпай!

Обид восвос ўрнидан туриб, Машрабнинг елкасига бош қўйди. Машраб унинг ёшли кўзларидан беозоргина ўпди-да:

— Во дариф, хоким мусоғир юртда қолади,— деди ва ўз атрофида ги одамларни раҳмисизларча қамчиласётган навкарларга мулоим товуши билан мурожаат қилди:— Йигитлар! Султон Маҳмуднинг ҳаром пуштидан бўлсаларингиз ҳам жазони бас қилинглар! Бул афтода инсонларнинг гуноҳи надир?

Навкарлар одамларни баттар қамчилаб йўл очдилар ва бандиларнинг ҳам ёлкаларига устма-уст қамчи солиб, уларни турта-сурта ҳайдаб кетдилар.

Оломон навкарлар кетидан гуриллаб юрди. Обид восвос оёқларидаги кишан занжирларини базўр судраб бораётган Машрабнинг яқинида хун-хун йиғлаб:

— Сизни ахтармаган жойим қолмади, шоири замон!— деб ҳикоя қиларди.— Ўтган йили Намангонда бўлдим, ота-онангиз мозорларини зиёрат қилдим. Ундан Қашқарга йўл олдим. Тўтихонни суриштирдим. Бундан беш йил аввал малика Ҳоним Пошша вафотларидан кейин Тўтихон ҳам қазо қилибди. Уларнинг ҳам қабрларини зиёрат қилдим. Шоир Қошғарийни кўрдим. Ул кишидан сизни Балхда деб эшишиб, бу томонга йўл олдим...

— Бул дунё бевафо!— Машраб Обид восвоснинг ҳикоясидан таъсирланиб, уфлаб юборди ва кишанбанд қўлларини баланд кўтариб мунгли товуш билан ёниб хониш қилди:

Руҳ жоним аршға етти мен ўзум осмониман,
Тутти оламни шарорим, оташи сўзониман.

Ҳеч макону манзилим маълум эмасдур дуняда,
Мен қуондек ёрнинг кўйида саргардониман.

Доимо роҳат тилаб, меҳнат яқомдин ушлади,
Онадин баҳти қаро келдим, онинг ҳайрониман.

Қайси танинг ишқи йўқ бўлса, онинг имони йўқ,
Ҳар кишининг дарди гар бўлса онинг қурбониман.

Аҳли дардларға қилай зоҳир бу пинҳон дардни,
Бехабарларға ва лекин Нұхнинг тӯфониман.

Ҳеч киши билмас мени қайдин бу ерга келганим,
Асли зотимни сўрасанг ким мен ўзим Ҳўқониман.

На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидин,
Мен таваллуди ўшал фарзанди Наманғониман...

Ҳам мазаллат ҳокиға Машраб бошин қўйди букун,
Тонгла маҳшар бўлса мен ишқ аҳлиниг султониман.

Уч бандини ўраб келаётган навкарларга эргашган оломон йўл бос-
ган сари кўпайиб борди ва шаҳарга кира беришда бирдан ғалаёнга
келиб, отлиқларга ёпирилди ва уларни оёқларидан тортиб, ерга йи-
қитди.

Шу ур-иყит тўполонда Машрабнинг битикларини жандапўши та-
гидан белига боғлаб олган Пирмат билан Оғахон сардор оломондан
ажралиб чиқиб, ўзларини шаҳар тор кўчаларидан бирига урдилар ва
бир зумда кўздан фойиб бўлдилар.

Обид восвос билан Исмат Шерозий кишанбанд Машрабни дарҳол
қўлларига кўтариб олиб, навкарларни ерга босиб дўпослаётган қа-
ландарлар орасидан чиқаётгандаридан шаҳар марказидаги Қатл май-
дони томондан от чоптириб келаётган йигирмага яқин навкар уларни
ўради. Машрабнинг халоскорларидан бири — Исмат Шерозий бандини
ерга қўйиб, ўзини четга олишга мажбур бўлди. Аммо, Обид восвосни
навкарлар ўраб олиб, қўл-оёқларига кишан урдилар-да, Машрабнинг
ёнида уни ҳам ҳайдаб кетдилар.

Қатл майдонининг ўртасига — дўнгликка баланд дор қурилган
бўлиб, ундан икки юз қадамча нарида — тагин ҳам баландроқ бир
ерда, майдонни тўлдирган оломондан узоқроқقا бир тўп аркони дав-
лат қип-қизил туркман гиламлари устига ёзилган кўрпачаларда қатл
маросими бошланишини кутиб ўтириби.

Султон Маҳмуд ҳам шу ерда — соябон тагидаги, отнинг белигача
келадиган таҳтда — ўнг ёнидаги курсида ўтирган вазири аъзам Буз-
рукхўжа Бухорий ва чап ёнидаги курсида ўтирган шайхулислом билан
суҳбатда. Шоҳ бугун нечундир тож киймаган: бошида ихчам қилиб
ўралган кашмирий оқ шоҳидан салла, фақат салла пешига шоҳлик бел-
гиси — йирик гавҳар қадалган олтин жига тикилган. Жигаси ҳам, кенг
зарбоф тўни ҳам ҳарир матодан тикилган соябон тепасида, тиниқ зан-
гори осмондаги ёрқин қуёш шуълаларида ярқирайди. Шоҳнинг синчков
тиклиувчи қуралай кўзларида ҳам, тим қора соқол-мўйлови дид билан
тарашланган япалоқ юзида ҳам шодликдан асар йўқ. Гарчанд у маъ-
навий рақиби устидан ғалаба қозонган, уни яна бир неча дақиқадан
сўнг дорга осадиган бўлса ҳам, киртайган ҳорғин кўзлари тунги сар-
мастликдан ва ундан кейин ўтказган беором соатларидан шундоққина
белги бериб туриби. У маҳбуслар келтирилаётган жойга, отлиқлар
ўровидаги кишанбанд Машраб оёқларининг базур судралишига ва
унинг ёнидаги яна бир кишанбанд бандига — қаландар либосидаги
баланд бўйли нотаниш кекса одамга тикилади. Улар орасида кеча
ўзи сўроқ қилган бошқа икки бандини — Пирмат Сеторий билан Ис-
мат Шерозийни кўрмай, Бузрукхўжа Бухорийнинг қулоғига аллани-
малар деб шивирлади.

Вазири аъзам курсидан туриб, аркони давлат орасидан аллакимни
қўли билан имлаб чақирди ва у яқин келиб, таъзимга қўл қовуштири-
гач, шоҳнинг таажжубланганини унга билдириди ва дарҳол бориб,
воқеани аниқлаб келишини буюрди.

Вазири аъзамдан фармон олган киши — Саъди понсад аркони дав-

лат ўтирган тепаликдан пастликка — бандилар келтирилаётган томон-
да юрганча тушиб кетди.

Бу вақт отлиқ ва пиёда навкарлар икки бандини дор тагига кел-
тириб, түрт томондан ўраганча буйруқ кутиб турдилар.

Саъди понсаднинг чопиб келаётганини кўрган навкарбоши дарҳол
отдан тушиб, унинг қаршисида тўхтади ва йўлда содир бўлган воқеа-
ни, яъни Пирмат Сеторий билан Ислам Шерозийнинг қочиб қутулиш-
га муваффақ бўлганликларини, кишанбанд иккинчи банди эса, Маш-
рабни қочиришга уринган Обид восвос эканлигини ҳикоя қилиб берди.

Саъди понсад яна тепаликка ҳаллослаганча қайтиб чиқиб, нав-
карбошидан эшитганларини вазири аъзамга оқизмай-томизмай етказди.
Уларнинг сўзларини Султон Маҳмуд ҳам, шайхулислом ҳам эшитди-
лар.

Машрабнинг кечаги жавоб ғазали — ҳукмдорга қарши ўта журъ-
атли ҳажвиясидан ҳамон алами босилмаган дарғазаб Султон Маҳмуд:
— Иккови дорга осилсин! — деб фармон берди.

Шайхулислом аъло ҳазратнинг фармонини бош қимирлатиб
тасдиқлади. Бандиларга тикилганча завқланиб ўтирган Бузрукхўжа
Бухорий мийифида кулиб қўйди ва яна ўрнидан туриб, дор яқинида
бекорчиликдан писта чақиб ўтирган карнайчию нофорачиларга: «Бош-
ланг!» деган маънода қўли билан ишора қилди.

Етти карнайчи ва етти нофорачи ўринларидан туриб, шоҳ тахтида
ўтирган тепалик томонга таъзим бажо қилдилар-да, карнайларини
ғатиллатиб, нофораларини дўпирлатиб чала кетдилар.

Масхарабозлардек бошдан-оёқ қизил лиbos ва попукли қизил
қалпоқ кийган жаллод ва унинг тўрт дастёри бандиларнинг қўл-оёқ-
ларидаги кишанларини ечдилар. Жаллод бандиларнинг юзини шоҳ то-
монга қаратди ва биринчи бўлиб Машрабни дорда осилиб турган сирт-
моқ тагига олиб бораётганда Обид восвос шоирнинг олдига ўтиб, ўз
бошини сиртмоққа тутиб берди. Жаллод сиртмоқни унинг бўйнига со-
либ, дорга боғланган арқонни қаттиқ тортди. Обид восвоснинг йўл юра-
бериб қабарган яланг оёқлари кўтарилиб, барваста гавдаси лопиллаб
чайқалди.

Шайхулислом паншахадай катта қўлларини фотиҳага очиб, оппоқ
қалин соқол қоплаган кенг япалоқ юзига сурди. Бошқалар ҳам унга
таассуб қилиб, қўл очдилар.

Навбат Машрабга келди.

Шоир дор тагида тик турганча Султон Маҳмуд тахтда ўтирган то-
монга — аркони давлат тўдасига қаттиқ тикилди. Шоҳ шоирнинг жов-
дираб турган ёшли кўзларига қарашга журъат эта олмай, юзини четга
бурди. Шайхулислом курсида ўтирган ерида қалтираб, қуръондан ал-
лақайси бир сурани ичида шивирлаб ўқий бошлади. Шоҳнинг беҳудли-
гидан ташвишга тушган Бузрукхўжа Бухорий тоқатсизланиб қўлинни
кўтарди-да, жаллодга: «Тезроқ бўл, бачаталоқ!» деган маънода ишо-
ра қилди.

Аммо, шу пайт карнаю нофоралар садоси тиниб, Машрабнинг жа-
рангдор овози еру кўкни ларзага солди:

Хуш қолинг, ман эмди кеттим, эй ёронлар, алвидо!
Тушуб шоми ғарифлик, дилда армонлар, алвидо!

Бўлмағайди кошки аввалда бул айёми васл,
Доги ҳижрон ўртади, эй нуктадонлар, алвидо!

Бўлди айёми баҳору сабз бўлди ер юзи,
Бўлди пайдо лоладек доги ниҳонлар, алвидо!

Гар фалак кўйдурса мундоғ неча кунлар айланиб,
Бул жаҳонда қолмағай ному нишонлар, алвидо!

Нури дийдам, қуввати жоним дилимсиз, эй элим,
Ингламоқдан кўзларимдин оиди қонлар, алвидо!

Ҳарна бўлса Машраби бечорадин айланг биҳил,
Хуш қаломи булбули боғи жаҳонлар, алвидо!

Султон Маҳмуд таҳтдан туриб, бор овози билан бақирди:

— Бас! Жаллод, кофири ос тезроқ!

Жаллод Машрабнинг бўйнига сиртмоқ солиб, дор арқонини забт билан тортиб юборди...

Оломон ичида қий-чув йиги, дод-фарёдлар бошланди. Карнайлар ортиқ ғатилламади, ногораларнинг овози ўчди...



Султон Маҳмуд нохуш бир қайфиятда саройига қайтиб келди. У соябон аравадан тушди-ю, ёнида жилмайиб турган Бузрукхўжа Буҳорийга:

— Вазири аъзам, мени танҳо қўйингиз! — деди.

Шоҳ қасрнинг мармар зиналаридан кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлгач, Бузрукхўжанинг ҳам кайфи бузилиб, фармон кутиб турганларга паст товушда англатди:

— Шоҳимиз танҳоликни истадилар. Сиз жанобларға ҳам жавоб. Тонгла кўришурмиз!

Аркони давлат аста-секин тарқай бошлиди.

Султон Маҳмуд саройга кириб, гиласам пойандозлар тўшалган узун йўлакдан мадорсиз бир аҳволда аста лапанглаб юриб борди ва тахтиравоннинг нақшин эшигини секин очиб, нимқоронги кенг таносини хонага кирди.

Шоҳнинг кўз олдида ҳамон Қатл майдонидаги бояги манзара: сиртмоқ лопиллаб турган баланд дор, соч-соқоли оппоқ оқарган, буткул озиб-тўзиган қаландар шоир Машраб, қулоқларида унинг еру кўкни титратган ғуур тўла овози — сўнгги «Алвидо!»nidоси...

Султон Маҳмуд сокин танобий хона тўридаги олтин таҳтга бемажол бир аҳволда ўтириди ва ҳорғин кўзларини юмганча ўйга толди...

Шу зайлда кўнглини тинчитмоқчи, ором олмоқчи бўлган шоҳнинг миясида дафъатан Машраб жавобининг бир байти чақмоқдай чақнади:

Тўккуси қонимни охир Балхда Маҳмуд шоҳ,
«Ал-қасосул ҳақ» қаломи анга ҳам муддат эмас.

Шоир бу байти билан нима демоқчи? Подшони қўрқитмоқчими? Ахир, Султон Маҳмуд уни беасос жазолагани йўқ-ку? У ўз салтанатини, аркони давлатни, дини Исломни, Оғоҳхўжа каби шариат пешволосини, шайхулислому қози-калонларни ҳақорат қилгани сабабли девонани жазолади-ку?

Шоҳ ўз фармони ила ижро этилган ҳукмнинг адолатли ҳукм, эканини шу янглиғ фикрлар билан ҳар қанча асосламоқчи бўлса ҳам, нечундир кўнгли ғаш, аллақандай бир йиртқич ҳайрон ўткир тирноқлари билан жон-жонини ўйиб тимдалайди...

Султон Маҳмуд шундай хаёллар билан банд экан, қаттиқ бир зарбдан қаср ларзага келди, ям-яшил мармар устунлар ўрнидан кўчиб, тасира-тусир қулади, олтин таҳт қаттиқ тебрабаниб ағдарилди, шоҳ ўтирган еридан учиб, товус шакллари нақш этиб тўқилган туркман гиласами устига йиқилди, кейин қатор қандиллар осилган шифт ёрилиб, тўзон аралаш олов лопиллаб кўринди-да, гулдор тўсинлар унинг устига бирин-кетин қарсиллаб туша бошлади.

Бир неча дақиқа давом этган тасира-тусир, тўполон оқибатида

Султон Маҳмуд саройи ҳам, ўртасида Қатл майдони дўппайиб турган шаҳар ҳам буткул вайронага айланаб ер билан яксон бўлди.

Бу — 1711 йил ёз саратонида, рамазоннинг ўн еттинчи куни Балхда юз берган энг даҳшатли зилзила эди...

Тамом.

1978 — 1980 йиллар.
Тошкент.

ҲУРМАТЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!

«Шарқ юлдузи»нинг уч сонида эълон қилинган «Машраб» романининг бу варианти — муаллиф томонидан журнал учун маҳсус қисқартирилган вариантдир.

Халқпарвар шоир, ўзи яшаган зулм ва зулмат замонида ҳақиқат излаган буюк дарбадар инсон, доно файласуф, ишқ ва садоқат кўйчиси Бобораҳим Машраб сиймосига, унинг даври, ҳаёти ва шеъриятига қизикиш йиллар ўтган сайнин тобора кучайиб бораётгани бекиз эмас. Машраб ғазалларини ёд билмайдиган шеър мухлиси, севиб куйламайдиган хофизу хонанда йўқдир.

Ўзбек адабиёти тарихида машраблар анчагина. Баъзи олимларимиз тўрт-беш Машраб ҳақида ёсалар, баъзилар Машраб сонини еттитага етказадилар. Хўш, ҳақиқий Машраб, бизнинг асил Бобораҳим Машрабимиз ким? Жуда кўп девонларда эълон қилинган ва чоп этилмаган ҳолда эларо тарқалиб, тилдан-тилга кўчиб юрган ғазалларинг қайслари Бобораҳим Машраб қаламига мансуб?

Бу саволларга Машрабнинг яқинда нашр этилган девонидан тўла бўлмаса ҳам, асосан тўғри жавоб топамиз.

Хуллас, «Машраб» романини ёзишга тайёргарлик кўрилган даврда уни ёзиш жараённида бир қанча илмий-тадқиқий ишлар олиб боришга, кўпгина жумбоқларни ечишга тўғри келди.

Романнинг бу вариантини ўқиган журналхонлардан, айниқса машрабхонлардан фикр-мулоҳазаларини хоҳ ёзма тарзда, хоҳ биз билан учрашиб билдиришларини сидқидилдан илтимос қиласиз, токи асарнинг мукаммал вариантини китоб учун нашрга тайёрлагандага мазкур фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиш имкониятига эга бўлайлик.

ҲАМИД ФУЛОМ.



ПУБЛИЦИСТИКА

Байрам Байрамов

КЕНГЛИКЛАР ДИЁРИ

САФАРДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Авваллари ҳали Ўзбекистонни кўрмасдан, бу республика ҳақида ўйлаганимда хаёлимга ҳамиша кенглик келарди. 1930 йилларнинг бошларида, ўзбеклар келдилар. Ўшанда бизлар бола эдик, уларнинг ёз кунларида кийган кўкси очиқ, узун яктаклари, тиззагача бўлган узун кўнхили этиклари ва бу кийимда куннинг жазирамасида чарчамасдан, сабр-тоқат билан, юксак интизомда меҳнат қилишлари хотиралдан асло кўтарилимайди. Улар Озарбайжон чўлларини хўжалик учун яроқли қилишга, сувсиз чўлларнинг хосиятини, табиатини ўрганиб-ўргатишга келгандилар. Техниканинг ибтидоий даврида, кийинчиликлар сероб бўлган сувсиз чўлларнинг юзлашиб тарам-тарам ёрилган вақтларда ўзбек қардошлар сахролар билан муомала қилиш қоидаларини ўргатишга келгандилар. Айниқса, пахта плантациялари яратиш, кўриқерларни ўзлаштириб яшилаштириш, полиз экинлари экиш ва парвариш қилиш соҳасида уларнинг малакалари жудаям фойдали ва керакли эди.

Коллективлаштиришнинг илий йиллариданоқ ўзбеклар билан озарларнинг дўстлиги, қардошлиги кенг миёс олди, дўстлик қариндошлика, ақё-укалика вайланди. Ўғлининг исмини Ўзбек, Жайхун қўйғанлар бўлди. Бу дўстлик, қариндошлилик борганинг сайнин кучайиб, узилмас анъанага айланди, ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиб равган тоғди. Ҳар йили баҳорда пахта далаларида иш авжига чиқсан паллада, кузда нақ топди. Ҳар йили баҳорда пахта далаларида иш авжига чиқсан паллада, кузда нақ топди. Ҳамма ёшу қари қардошларга мунтазир бўлади. Бу келишлар ҳамиша қон-қардошлик ҳиссини ва деҳқончилик масъулиятини кучайтиради. Ҳамма биладики, қишлоқ хўжалигининг, айниқса, пахтачиликнинг билимдонлари, экиш ва парвариш ишларининг усталари ва талабчан мутахассислари келяпти.

Ростдан ҳам турпқоча ғамхўрли, уни она каби севмоқ, фарзанддай азиазламоқ, яшинатмоқ ўзбек деҳқонининг доңги дунёга кетган фазилатидир.

Мен ҳам бу йилги сафаримизнинг унугулини ўзбек ҳалқининг тупроқка, меҳнатга муҳаббатидан, деҳқонга ҳаво, сув ва тупроқнинг ўзи сингари зарурий бўлган экинчилик маданияти соҳасидаги шаксиз устунлайларидан бошламоқчиман.

Кенгликлар, сахролар диёри бўлган Ўзбекистон областларига биз кўпинча са-молёт билан борардик. Баъзида бир соат, бир ярим соат қумликлар, бўм-бўш тупроқлар устидан учардик, самолётдан ерни мушоҳада қилардик. Сирдарё, Амударё бўйларига етганимизда бу дарёларнинг суви билан сероб бўлган воҳалари устидан ўтардик, таранг тортилган баҳмалдай теп-текис, чиройли, ям-яшил экинзорлар кўзимизга, кўнглимизга роҳат бағишларди. Кўз илғамас бу ерларда биронта текис бўлмаган, зғри, бесўнақай яшилликсиз, ярашиксиз дала парчаси кўзга кўринмасди. Шу ерларда суғориш, тупроқни жонлантириш ва парвариш қилиш ишлари агротехника-

нинг ҳам энг сўнгги ютуқларига, ҳамда, агар таъбир жоиз бўлса, эстетикасига, гўзаллик яратиш маҳоратига суняди. Мўл ҳосил олишда ақл қўлга нисбатан анча кўп иш қиласди. Фаҳм, тажриба, малака — тупроқнинг, сувнинг, ҳавонинг, мухитнинг хосиятини, табииатини теран билиш ва шулардан оқилона фойдаланиш, ҳосилдорликни юксалтиришин тъминловчи энг мұхим омиллардир. Қоракум, Миразчўл, Қизилқум саҳроларининг номини эшигандан бир пайтлар энг моҳир, тажрибали қарвонбосиларнинг ҳам юраги ёрилганиши. Ўт нафасли, кўкларида даҳшатли қум тўфонлари авж олган ваҳший саҳроларнинг кўп қисми энди инсоннинг қудратли қўлларига таслим бўлган, ҳар қадами этак-этак олтин берадиган саҳий маконга айланган. Қон томиридай тупроқнинг бутун аъзоларига бориб етган каналлар, ариқлар, дарё-дарё сувлар жаннат деб атальмиш афсонани бу дунёга келтирган.

«Ортиқ ичилганда сув-да дард берар» деб айтган эди даҳо Низомий. Сувдан ўринли, тартиб билан тўғри фойдаланиши юксак маданият, ақл идрок талаб этади. Сувнинг мўллиги баракали чўпларни ўлик қўлмакларга, шўрҳок ва ботқоқ жойларга айлантириб, уни касал қилмаслиги керак. Ўзбекистонда кезиб юрган жойларимизда мўл-кўл сувдан фойдаланишининг жуда ажойиб усусларини кўрдик. Суғориши ишлари маданий тарзда, ғоят аниқлик билан олиб борилади. Катта каналлар узоқ-яқинларга ўзлари билан ҳаёт, тароват, яшиллик ташиди. Шаҳарларда, қишлоқларда, ҳатто дала шийпонларида ҳам сарин фаввораларнинг оппоқ сувлари юксак дараҳтлар билан бўйлашади. Деярли, ҳамма жойда учраб турадиган бу фавворалар теварак-атрофга салқинлик, тароват баҳш этади. Ҳатто жазира маҳалларда ҳам тафти ҳарорат у қадар сезилмади. Ҳеч қаерда сув исроғарчилигига ҳам, ташна, қақраб ётган далаларга ҳам дуч келмадик. Сув инсон турмушини яхшилашда, роҳат-фароғатини тъминлашда унинг руҳига завқ-шавқ ва шукуҳ бағишилашда энг мұхим омиллардан биридир.

Тупроқдан исталган нарсани олиш учун унга ўзи истаган нарсаларни бериш лозимдир. Ўзбекистонда тупроққа давримизга хос бўлган меҳр-муҳаббат кўрдик, инсон — тупроқ ҳамкорлигининг нималарга қодир эканлигининг гувоҳи бўлдик. Кумлар олtinga, саҳролар мўл ҳосилли далаларга айланган бу ерларда.

Адабиёт ва санъат декадаси ўтказиларкан тупроқдан, деҳқончиликдан ва экинчилик маданиятидан шунча ҳавас билан гап очишига ҳожат борми? — деб эътиroz билдирувчилар ҳам бўлиши мумкин. Адабиёт, санъат ҳозирги куннинг иқтисодий проблемаларини, ишлаб-чиқариши, дала баҳодирларини ўзининг энг асосий ва ўзига энг лойиқ қаҳрамонларини хеч қачон четлаб ўтиши мумкин эмас. Дўст-қардош бўлган ҳамма ҳалқларнинг, биринчи навбатда ўзбек деҳқонининг меҳнаткаш ўзбек одамларининг мана шундай монументал образи бизнинг санъатимизда ҳам ўз тўлиқ аксини топса эди нур устига аъло нур бўларди. Бу йўл билан бутун дўст ҳалқларнинг гўзал, тақдирлашга лойиқ одамлари, уларнинг фаoliyati бизга яна ҳам яқинлашар, бир-бирилиздан қайси фазилат ва жиҳатларни ўрганиши яна ҳам теран англардик.

Озарбайжоннинг даҳо шоири Низомий етти дунё гўзалининг, жумладан Хоразм гўзалининг ўлмас, яхлит образини яратиб, ўзбекларни ўз ҳалқига абадий яқинлаштириди. Адабиётимизнинг шоҳ асарларидан бирида фарзандининг унтутилмас образини кўрган ҳар бир ҳалқ Низомийни ва унинг ҳалқини ҳамиша миннатдорчилик билан эслайди.

Совет адабиёти ва санъатида таҳсинга сазовор хусусиятлардан бири — ҳалқлар дўстлигининг баралла овоз билан кўйланишидир. Ҳамма ҳалқлар адабиёт-санъатининг асл усталарни ўз ҳалқининг бошча ҳалқларга нисбатан муҳаббатини, дўстлик тўйғуларини санъатнинг сеҳри тили билан изҳор этадилар. Декада пайтида Ўзбекистоннинг машҳур ҳалқ ёзувчиси Ҳамид Гуломнинг «Озарбайжон гўзали», Озарбайжон ҳалқ шоирлари С. Рустамнинг, М. Дилбозийнинг Ўзбекистонга бағишиланган асарлари, ҳалқ ёзувчиси Мирза Ибрагимовни қирқ йилдан кейин шеърга қайтарган «Ўзбек гўзали», Исҳоқ Иброҳимовни шоир қилган «Ўзбек қизи» учрашувларда олқишилар билан кутиб олинарди. Рассомларимизнинг, бастакорларимизнинг бу мавзудаги асарлари ҳам томошабин ва тингловчиларнинг қалбини тўлқинлантириди.

Бевосита дўстликка, алоқаларимизга доир монументал асарлар, образлар яратиш учун истаганча адабий-бадиий материал бор ва ўйлайманки, шундай китоблар ёзишининг пайти аллақачонлар етиб келған.

Хусусан, ўзбек ҳалқи билан бизнинг ҳалқимиз дўстлиги — адабиёти ва санъати сингари, тарихлари сингари қадимдир. Лекин ҳеч қачон алоқаларимиз шундай суръатли, муносабатларимиз бу даражада яқин кўп жиҳатли ва сермаъно бўлмаган. Бир республикадан бошқасига бир ярим минггacha ном таъратган адабиёт-санъат ходимлари, машҳур ижроҷилар, коллективлар юбориш ва уларни юксак савияда кутиб олиш, албатта, зўр ишдир. Шундай бир ҳайъатда, шундай бир миқёсда иш олиб боришга республикада қозонилаётган иқтисодий, маданий, илмий, бадиий мувваффиятлар, яратилган ва борган сайин тиниқлашашётган ижодий об-ҳаво имкон берганлиги шубҳасизdir.

Ўзбекистон каби кенг имконли, суръат билан қурилаётган, ҳар соҳада тарақкий қилаётган буюк бир республикада ҳалқимиз санъатини намойиш қилиш биздан интиҳосиз истеъдод ва кобилият, юксак маҳорат, энг мұхими фидокорлик талаб этарди. Қардошлар учрашувининг илк онлари янада ҳаяжонли бўлади. Сўзниг асл маъно-

сида кенг майдонлар, узундан-узун проспектлар — инсон меҳрибонлиги, табассумлари, юракдан чиқаётган самимий нидолар билан тўлиб кетганди, саломда солланाटган кўллар, рўмолчалар кабутардай қанот қоқарди. «Хуш келибисиз, азиз озарбайжонлик дўстлар!» деган овозлар тинимиз жарангларди. Ҳароратли, самимий туйғулар нурли қарашибарда ёрқин акс этарди. Тошкент ўз тарихига унтилимас бир кун, бир олам ёзарди. Шаҳар ўз хон атласидан байрам либоси кийганди.

Кунма-кун ободлашаётган эски шаҳернинг янги ҳәти кўкларга бўй чўзган да-рахтларнинг, тароватли яшилликнинг қучогида ложувард бир тантана биситига ўхшарди. Деразалар, айвонлар ҳам болалар, катталар билан тўлиб кетганди. Барчанинг дили ҳам, тили ҳам бир фикрни тақрорларди: «Хуш келибисиз, сафо келибисиз, озарбайжонлик дўстлар!»

Янги, муҳташам мөхмонхоналарнинг аъло хоналари, яп-янги жиҳозли, энг соқин, жаннатмакон гўшалар бизлар учун ажратилганди.

Ийлдан-йилга кенгаяётган, ҳар сафар маъноси яна ҳам теранлашаётган, умум Республика, умумўлка аҳамияти қасб этаётган, маданий-маънавий ўсишга туртки бераётган, ҳалқларнинг дўстлик-қардошлиқ алоқаларини буюк миқёсда низомга солаётган адабиёт-санъат учрашувлари ижтимоий, сиёсий ва тарихий маъно қасб этган анъанага айланган. Лекин бу учрашувлар қардошлиқ Республика шунчаки мөхмона гариби, соҳиб чалмоқ, ўйнамоқ, кўйламоқ, у ёки бу шаклда адабий-бадиий асарларни факат намойиш қилмоқдан иборат одайи бир иш эмас, албатта. Бу бир ҳалқнинг адабиёт-санъат соҳасида кўлга киритган ютуқлари ҳақида бошқа — жиҳдий, талабчан, санъатнинг ҳар бир соҳасида тарихий шуҳрат соҳиби бўлган ҳалқ олдида чинакам хисобот бермоқдир. Зарни заргарга кўрсатмоқ, демакдир. Анчадан бери давом этиб келаётган ва замон ўтган сайин моҳиятини, маъносини ортираётган иктиносидой ҳамкорликнинг алоқаларнинг бадиий санъат дунёсида тағин ҳам ривожланган давомидир.

Биз қаерга ва қайси ният билан борганимизни аниқ англардик, ҳалқимизнинг санъат уммонидан нималарни сайдаганимизни, нималарни олиб борганимизни яхши билардик ва уларни қандай намойиш қиласажамишининг ташвиши бир он бўлса ҳам бизни тарк этмасди. Илк онларданоқ, мовий ҳаво кемасининг гўйлидирлари кўниш майдонига тўқинганданоқ, юқорида айтилган ва кўпі тасвирга симладиган эл муҳаббатининг шоҳиди бўлдик, кейин, бизлар яна ҳам жиҳдий ўлашга мажбур бўлдик.

Биз шуни ҳам олдиндан яхши билардикки, қумли, поёнсиз саҳролари бўлган, баҳори ёзимиздан иссиқ, қуёши кўйдирдиган, юксак ҳароратли бир диёрга кетяпмиз. Йиёнинг бу пайтида Ўзбекистоннинг кўрадай қизиган саҳроларининг тандир нафаси энг қалин сояликларда ҳам албатта ўзини билдирадарди. Лекин муҳаббат, дўстлик, қардошлиқнинг самимий ва олий туйғулари жуда юқори даражали иссиқларни ҳам, ҳеч чида бўлмайдиган аёз ва совукларни ҳам юмшатиша ҳамиша қодирдир.

Тошкентнинг Боку кондиционерлари билан салқинлатилган, муҳаббат-ла тўла кенг саройлари бизни ўз қўйига олди. Биз, сўзнинг ҳақиқий маъносида, қардошлиқ самимияти билан лиммо-лим, кенг юракларга кириб бордик. Бизлар иссиқдан, юксак масъулият ҳиссидан шунинг учун ўзимизни йўқотмасдикки, қардошларимиз ҳузурига кенг программа билан, ёруғ кўнгил билан, қўйни-қўнжимиз тўлиб боргандик. Республика мизнинг ютуқларидан дадил сұҳбат очишига сўзимиз бор эди. Ўлкамизда, бутун дунёда шуҳрат қозонган санъат усталаримиз, колективларимиз ўзбек саҳнада рида ўз маҳоратларини кўрсатмоқчи эдилар.

Айтишим керакки, жуда муҳим бўлган илк учрашуводан бошлаб ўзимизга нисбатан талабчанлик ҳиссимиш ҳамда ишончимиш, фуруримиз кучайди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетидаги қабул биз учун унтилимас ва ўз маъносига кўра кўп жиҳатдан ажойиб бўлди.

Бу қабул ҳақида матбуот, телевидение, радио ўз вақтида батафсил маълумот берган. Шунинг учун мен ўша учрашуводан олган таассуротим тўғрисида бир-икки оғиз гапирмоқчиман.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов каби атоқли партия-давлат ходимининг тилидан Республика мизнинг сўнгги ийлардаги муввафқиятлари ҳақида, илик сўзлар эшитиш бизлар учун жуда ҳам фаҳрли ва фараҳли эди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов, Озарбайжон ҳар жиҳатдан суръат-ла тарақкий этяпти, бир қанча фаолият соҳаларида бошқа Республикаларга намуна кўрсатяпти, саноатнинг, қишлоқ ҳўялигининг, меҳнат унумдорлигингин ўсиши савицияга кўра Иттифоқимизда биринчи ўриннадир, деб айтиганда кўнглимиз тоғдай кўтарилиди. Ўртоқ Рашидов, Озарбайжон бошдан-оёқ улкан иншоот майдонидир, Озарбайжоннинг шаҳар ва қишлоқлари тез суръатлар билан қурилиб ободонлашмоқда, деб айтиганда биз асл ватандошлиқ, ватандарварлик ҳисларини туйдик. Озарбайжонда фан ва маданиятнинг, санъатнинг тўхтовсиз инкишофи ҳақида ҳам унинг сермазмун ва теран маъноли сұҳбатини тингламоқ биз учун foят ёқимли эди. Ўртоқ Рашидов Республика мизнинг 60 йиллик юбилейи тантаналарида иштирок этганди, бевосита кўрганларидан, кузатгандаридан кенг юрак билан, ҳавас-ла гапираради. Атоқли ёзувчи, ҳақиқий сўз устасидек, ўзига хос тарзда адабиёт ва санъатнинг олдида турган вази-

фалар, хусусан замонавий асарларнинг моҳияти тӯгрисида теран фикрлар айтди, Озарбайжон адабиёти-санъатининг қадимлардан ҳозиргача Ўзбекистондаги шуҳратидан гапирди.

Таникли совет шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Советский Союз» журналининг баш мұхаррари, СССР Езувчилар Союзи қошида Озарбайжон Адабиёти Шўйбасининг раиси Н. Грибачёвнинг чиқиши ҳам диққатга сазовор эди. У, эътиборга лойик, янги мулоҳазаларни олға сурди:

— Ҳозирги кунда барча ҳалқларнинг адабиёт ва санъати тез суръат билан тараққий этиб, савия, фоя ва бадий қиммат эътибори ила тенглашган; мазмун, сифат жиҳатидан айнилашган. Бу кунда ҳаммамизнинг вазифамиз адабиёт ва санъати замондошларимизнинг кун сайин ўсаётган талабларига, келажак наслларнинг талабларига мос шаклда юксалишига, маъноси, мазмуни, санъати жиҳатидан баркамоллигига қаратмоқдадир. Мен Ўзбекистонда тез-тез бўлиб тураман, мана, бир неча кундан бери шу ердаман, ўз кўзларим билан кўриб, ёзувчилик сезигиси билан ҳис қиласанки, ўзбек ҳалқи oddий қумни олтинга айлантира олади. Мажозий шаклда гапир-сак, сувсиз саҳронинг юзида балиқ етишига билид. Бугунги бадий ютуқлар ҳам шуни кўрсатадики, адабиёт ва санъат ҳам тошдан, қумдан олтин яратади, «сувсиз саҳрова ҳам балиқ етишишга» қодирдир. Биз ҳаммамиз биргаликда, шунга эришиши ниятида ижоднинг оғир заҳматига чидамофимиз лозим.

Тошкентнинг Лопатин кўчасидаги Боку кондиционерлари билан салқинлаштирилган, оромбаҳш манзилларда тунадик. Эртасига шаҳарни саир қилгани чиқдик. Тошкент эни-бўйига ўсяпти. Шаҳарнинг миллий пойдевор устида суръатла, ёқимли-ярасикли тарзда қурилаётгани намуна бўлишга арзигулилар. Майдумки, ҳар бир республикада ҳам ҳар бир шаҳар ободлашмоқда, гуллаб яшнамоқда. Лекин Тошкентда бир қанча баланд, замонавий бинолар борки, эндиғина пардоз-андоз қилиб, бир-бiri билан ёнма-ён туриб бўй, чирой талашаётган ўзбек гўзалларига ўхшайди. Ўзбек меъморлигининг дастхатида, орнаментларида — тарихийлик замонавийлик билан, ҳудди ака-уқадай, қўш ва эш намоён бўлади. Бир хиллик, модабозлик ва ўткинчинлик учратмадим мен уларда. Ушбу кенг, чиройли кўчаларда дарахтлар ҳам бинолар билан бирга қад кўтаргандек, бирга ўсаётгандек туюлади. Бундай гўзал шаҳарда, шундай биноларда яшамоқ инсонда завқ-шавқ ўйғотади, гўзаликка майлини кучайтиради. Фаворолари кумушранг нурдай қатор-қатор бўлиб кўкка бўй чўзган Ленин майдони ансамбли кенглиги, улкан ва азимлиги, ғоявий-бадий қиммати, ҳусни жамоли билан табиат қўйнида бунёд этилган қиёси йўқ музейни эслатади, томошабинда олий эстетик туйғулар туғдиради.

Айтиш мумкин, Ўзбекистонда қурилган ҳар бир янги бинонинг миллий-замонавий сиймоси мавжуддир. Ҳатто, ҳар бир район ва область ҳам ўзига хос шаклга, маҳаллӣ меъморлик күсусиятларига эгалиги аҳамиятга молидир. Шуниси диққатга сазоворки, миллий ўзига хослик, анъанага садоқат — маҳдудликка олиб бормайди, юқсан экстетик дид ва савия туфайли меъморликнинг замонавий андозаси ва меъёри ҳамиша назарда тутилади.

Ўзбекистонда меъморлик, қурувчилик ишларини кузатиб юриб биз табиий равишда тез-тез ўз республикамизни эслардик. Сўнгги давлардаги бунёдкорлик ишларининг кенг миёслилиги, меъморчилигимиздаги ранг-баранглик ва монументаллик, миллий орнаментлардан фойдаланишга майл, Боку ва бошқа тарихий шаҳарларни мизга хос колоритни бойитишга интилиш, нусхавозликтан, сиймосизликдан узоқлашиш хусусиятлари бизга тасалли беради ва қалбимизда умид ўйғотади. Ижтимоий-ишлаб чиқариш мусассасаларининг, Боку кондинционерлар заводининг биноси, Тоғ-усти боғининг шимоли-ғарб тарафидаги жамоат бинолари комплекси, тогнинг кўксидаги викорла турган ва шаҳаримизга азимлик, кўркамлик баҳш этадиган «Гулистан» ва бошқа бинолар, Ленин майдонида тугалланай деб турган комплекс, Соҳил бўйи боғининг бачканаликдан, дидисзилкдан холос бўлиши, фавороларнинг кўпайиши меъморчилигимизда қувонарли воқеалардандир. Совет кўчасининг бўлажак қурилишига доир макетлар меъморчиликнинг яна-да муввафқияти келажигидан далолат бермоқда. Бошқа шаҳар ва қасабаларимизда¹ ҳам қурувчилик ва меъморлик соҳасида ўзгаришлар, сифат янгиликлари сезилмоқда. Бир хиллик, торлик, дидисзилк, бетон қутиларнинг уст-устига қўйилишидан пайдо бўлган стандартлик ва буларнинг натижасида кўзга, кўнгилга ёқмайдиган биноларнинг иншо этилиши камайган сари, ранг-барангликка, кўлайлика, миллийлик ва замонавийликнинг экстетик ҳамоҳанглигига эътибор кучайган сайин умид ва орзуларимизнинг ҳақиқатга айланажагига ишончимиз ҳам ортмоқда. Санъатимизнинг бу соҳасида ақлли, истеъододли ва узоқни кўзлаган ижодкорларнинг бўлиши ҳам бизга тасалли беради. Зероки, Озарбайжон қадими, ҳалқчил, монументал ва миллий-башарий гўзаллиги билан асрларни безаган, мазмунида ва ташки қиёфасида ҳеч қанақа ҳамчилиги бўлмаган нодир меъморлик ёдгорликларига жуда бойдир.

Абшерон тоши қимматбаҳо иншоот материалидир. У бугунги кунда бутун республика қурилиш ишларида кенг қўлланилмоқда. Шу сабабдан фақат Бокудагина эмас, бошқа шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам бир хиллик ва ўхшашлик тез суръат-ла ку-

¹ Қасаба — посёлка

чаймоқдадир. Стандарт бичимдаги, айни кўринишдаги бинолар, бунинг устига бир хил кулранг тошдан терилган, цемент билан сувалган деворлар шаҳар ва қишлоқларимизнинг чехрасида дәғал ва совуқ бир бўзраний яратяпти. Умуман, «одамга бўзрашиш» яхшилик аломати эмас. Албатта, бундай аҳволдан қутулиш мумкин ва бу — эстетик таъсир маъноси жиҳатидан жуда кераклидир. Ранглар, нақшлар, қопламалар ҳар хил бўлса бу соҳеда анча ёрдам бериши мумкин.

Асрлардан бўён қишлоқ ва шаҳарларимизни безаб келган пишган, рангли ғиштларни эслатиб кўйиш фойдадан ҳоли бўлмаса керак.

Сафарда биз билан бирга бўлган Боку Давлат лойиҳалаш институтининг директори, хизмат кўргатган мэймор Нозим Ҳожибов республикамизнинг мэйморлик санъатидан, унинг бугунги ва келажаги ҳақида мароқли, савияли, одамга таскин берувчи сұхбатлар олиб бораради. Мен мэйморлик ва қуруачилик ишлари билан ҳар доим қизиқсанман, романларимни бағишлаганман.

Боку кондиционерлари Ўрта Осиё республикаларида, айниқса, Ўзбекистонда қадрланади. Борганд жойларимизда «Биз Боку ҳавоси билан нафас оляпмиз» деб миннатдорчилик билдиришар, бизга кондиционерларингиздан кўпроқ юборинг, деб илтимослар қилишарди. Биз — адабиёт санъат декадаси иштирокчилари, ушбу илтимосларни мутасадди ташкилотларга, албатта, етказамиз, деб сўз бердик.

Республикамизниг шаҳар ва қишлоқларда кондиционерлар кўпайиб боряпти. Демак, ундан фойдаланиш қоидаларини тартибида солиши тўгрисида бош қотиришининг ҳам пайти аллақаён етиб келган. Чунки, кўча йўлкаларидан ўтсанг тепангдан сув томиб тургани, йигилиб кўлмакланиши, оқиб ётиши, беҳузурлик ва тартибсизлик келтиради. Фақат, бъязи интизомли одамларгина кондиционерлардан чиқадиган сувни ингичка, нозик новлар орқали кўзга ташланмайдиган жойларга, дараҳтларнинг тагига оқизиб юборадилар.

Антенналарни бетартиб ўрнатиш, айвонларни пала-партиш сақлаш кабилар шаҳарларимизнинг зоҳирий гўзаллигига доғ туширади, интизомсизлик, тамизсизлик түғдиради. Ҳар бир бино, ҳар бир шаҳар ва қишлоқдаги тартиб факат у ерда яшайдиганларнинггина иши эмас, балки умумхалқ аҳамиятига молик нарсадир.

Ўзбекистон тарихий ёдгорликларга жудаям бой республикадир. Бошдан-оёқ — тенгсиз, қиёси йўқ обидалар музейига ўхшайди. Самарқанднинг Регистон майдонидаги, шунингдек, Чорбакр, Гўри Амир иморатларини; Бухоронинг дуне бўйича шуҳрат қозонган ёдгорликларини, XII асрнинг ҳайратомуз нишонаси осмонўпар Калон минорани; тарихнинг минг бир асрли мўъжизасидек туюловчи саройлари, мадрасалари, миноралари билан том маънода музей-шаҳар бўлган Хивани, жаҳонда бекёс Жар-кўргон минорасини (XII аср) томоша қилиб тўймайди одам. Қорақалпоғистонда кўрган ёдгорликларни ҳам бир умрга унугтиб бўлмайди. Тошкентдаги В. И. Ленин монументи, ўн тўрт Туркистон комиссари обидаси, Қўқондаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга, Беруний шаҳрида ва Тошкентда буюк олим ва файласуф Абу Райхон Берунийга қўйилган ҳайкаллар, Самарқанддаги Навоий ва Жомийларнинг ҳайкал-обидалари, Нукусдаги Бердақ ҳайкални, шунингдек, бошқа ўнлаб ёдгорликлар эса, ҳалқ даҳоси ва қудратининг ўлмас ва барҳаёт анъаналар билан бойиган, тарихнинг нафаси ва руҳи билан сурориглан кўркам замонамиз аломатини виқор билан кўтариб туради. Катта ва кичик шаҳарларда Улуғ Ватан уруши фидойиларининг хотираси шарафига қўйилган монументлар мазмуни, жойининг танланиши, оригиналлигига кўра диққатни жалб этади.

Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликларга муносабат ва муҳаббат таҳсинга сазовордир. Комплекслар, обидалар сўзининг ҳақиқий маъносида кўз қорачиғидай асранимокда, биронта тошининг ҳам тушишига, сувоғининг кўчишига, рангининг, безагининг бузилишига йўл қўйилмайди. Тўхтовсиз қайта тиклаш ишлари олиб борилади. Миллий-тарихий хусусиятларнинг бирон бир жиҳати назардан четда қолмайди.

Қорақалпоғистон ҳалқ шоири, дўстимиз Ибройим Юсупов образли қилиб айтганидек:

— Бинонинг мустаҳкамлиги унинг пойдеворига боғлиқ. Тарихий обидалар ҳам бугунги санъатимизнинг пойдеворидир, унга эътиборсизлик ҳозирги тараққиётимизга эътиборсизлик, лоқайдлик бўларди.

Пойдеворни унугтиш, назардан четда қолдириш мумкин эмас. Баъзан битта ғиштадаги ёзув ўтмишининг буюк тарихий аҳамиятга молик бир жумбоини ечиб бериши мумкин.

Ўзбекистонда таъмирловчи, наққош усталар, рассомлар етишириш ва тарбиялаш ишларига катта эътибор билан қарашяпти. Ҳатто ҳар бир вилоятнинг ҳам ўзига хос усталари бор, улар санъатнинг маҳаллий хусусиятларини ўрганиб тақомиллаштиромоқдалар, кўхна санъат сабоқларидан ёш авлодга ҳавас ва сабот билан таълим бермоқдалар. Шундай бир анъана ва мактаб ҳар бир ҳалқ учун жуда кераклидир. Мен чин юракдан, теран самимият билан: тарихий обидаларга муносабат, уларни қайта тиклаш ва асраш, тадқиқ этиш соҳасида биз ўзбеклардан кўп нарса ўрганишимиз, намуна олишимиз керак, деб айтишни истардим. Шуниси жуда ачинарлики, бизнинг республикамизда ўнлаб тарихий обидаларнинг, тарихимизнинг жуда муҳим, ҳозиргача ҳам сир қолган қатларини очадиган археологик объектларимизнинг теварак-атрофиға бугунгача биронта тадқиқотчанинг оғзи тегмаган.

□

Тошкентда — азимлиги, ички ва ташки қурилиши, орнаментлари, салобатининг ўзи ҳам бир кўргазма бўла оладиган кўргазмалар залдида тасвирий санъат усталарининг асарлари намойиш этилди. Кўргазмада ҳайрон қолдирадиган, ўйлатадиган, рангкорликнинг энг сўнгги мудаффакиятлари деб аталишига арзигулик полотнолар кўп эди. Улар фақат томошабинларни, санъат мухлисларинингина эмас, атоқли мўйқалам усталарини ҳам ҳайратга соларди.

Гёёки, бу гўзал зал Озарбайжон қўёши, табиати, чечаклари, меҳригиёси билан, нефть, дала қаҳрамонларининг қудрати, фидокорлиги, инсонийлиги билан тўлиб кетганди.

Саттор Бахулзода, Микойил Абдуллаев, Тохир Салоҳов, Марал хоним Раҳмонзода, Түгрул Наримонбоев, Нодир Абдураҳмонов, Буюкоға Мирзазода, Ҳусайн Алиев ва бошқа рассомларимизнинг, ҳайкалтарошларимизнинг асарлари аллақачон ўзбекларнинг мұхаббатини қозонган. Кўргазмаларнинг очилишида атоқли мўйқалам устаси Микойил Абдуллаев нутк айтиб, сўз устаси эканлигини ҳам намойиш қилди. Санъат ва санъаткорлар дўстлигининг тарихий илдизлари, ҳозирги вазифаларимиз, келажак олдида санъаткор масъулияти ҳақида юксак самимият билан гапирди. Санъатшунос олим Мурсал Нажафовнинг чиқиши ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинди. Кези келгандা Буюкоға Мирзазода, Марал хонимлар ҳам (улар биз билан битта маршрутда эди) Озарбайжон рассомлик санъатидан, ўз касбдош дўстларининг ижодидан қилган сұхбатларининг батафсиллиги ва кўтаринки руҳда ўтгандигини айтиб ўтмоқчиман.

Ўзбек мўйқалам соҳиблари ҳам қадимдан бўён Озарбайжон тасвирий санъатига юксак баҳо берганликларини, ундан ижодий ўрганганликларини мамнуният ва самимият билан айтишарди.

Программаларимиз шундай тузилгандиқи, бир зум нафасни ростлаб олишга ҳам фурсат йўқ эди. Лекин ёшу қари ҳаммамиз рассомларимизнинг мудаффакиятидан кувониб яшаргандай эдик. Тўртинчи июнь куни китоб кўргазмасининг қизил лентаси қирқилди. Ўзбекистон партия, давлат ҳодимлари, китобсеварлари бу кўргазмага катта қизиқиши кўрсатиши. Озарбайжон ёзувчилар Союзининг котиби Ҳусайн Аббосзода нинг қиска, маъноли маърузасидан кейин залда катта тантана бошлангандай бўлди. Озарбайжон китобига, бадний адабиётига шундай муносабатнинг ва мұхаббатнинг гувоҳи бўлиш биз учун анча ёқимли эди. Томошабин шунча кўп тўплангандики, жавонларга яқинлашишининг иложи йўқ эди.

Давлатнашркомнинг ходими, китоб кўргазмаси ташкилотчиларидан бири Фаҳрижаон Қаҳрамонова билан ўртамида шундай сұхбат бўлиб ўтганди:

— Неча кундан бўён шу ердамиз, китоб дўйконларида, расталарда, айниқса бадний адабиёт китобларимизни катта қизиқиш билан олишяпти. Ҳатто кўргазмадаги китобларни ҳам сотишини сўрашяпти.

— Мен бъзи ўртоқлардай китобларимиз ҳақида бадбин фикрда эмасман,— деб айтдим,— лекин шу қадар қудратли рассомлари бўлган бир республикада китоб графикасининг, безашнинг номукаммаллиги, жўнлиги, бъзи бадний адабиёт китобларимизнинг дарслклардан Фарқ қиласлиги одамни хафа қилади.

— Кўярпизми, Ўзбекистонда китобат санъати қандай ривожланган!?

— Китоб фақат маънавий ва рамзий жиҳатдан муаллифники. Аслида эса, китоб нашриёти ва полиграфиянинг маҳсулидир. Унинг мундарика, тартибот ва бошқа жиҳатлардан сифатли бўлишига ўша ташкилотлар жавобгардирлар.

— Ўзбекларнинг совфа китобларига қараб тўймайсан киши,

— Яқин ўтмишгача нашриёт ва полиграфия ишлари заиф тараққий этган бир республикада китобат санъатининг шу даражада юксалиши улкан воқеадир,— дедим.

Дарҳакиқат, Ўзбекистон нашриётларида китоб безашга, қофоздан, мұқовадан фойдаланишга, шакл танлашга, рангдан дид билан мазмунга мувофиқ тарзда фойдаланишга, полиграфик ижронинг мұкаммаллигига катта эътибор беришмоқда.

Республика бўйлаб сафаримизда Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг ва республика Журналистлар союзининг раиси Зиёд Есенбоев, Гафур Гулом номидаги бадний адабиёт ва санъат нашриётининг директори, атоқли ҳалқ ёзувчиси. Ҳамид Гулом бизга ҳамроҳ бўлдилар. Улар китоб нашрийнинг бугунидан, эртасидан, қилинган ва ҳали қилинажак ишлардан бағафсил гапирдилар. Ўзбекистонда классикларнинг ҳамда замонавий ёзувчиларнинг кўп жилдликлари жудаям нафис шаклда, сифатли материалдан ва полиграфик хассослик билан чоп этиларкан. Ўзбеклар жаҳон адабиёти дурдоналарининг 200 жилдлигини босишига киришмоқчи эканлар.

Тошкентдаги китоб кўргазмамизда безаги, полиграфик ижронинг ёмонлиги, сифатсизлиги туфайли классик ва ҳозирги замон ёзувчиларимизнинг, жумладан олимларимизнинг анчагина қимматли, савилямизни ва республикамиз тараққийёт даражасини намойиш қила оладиган китобларнинг қўйилмаганлиги афсусланарли бир ҳол бўлди. Нашриётларимиз чоп этган ўзр-зўр достонлар, шарқнинг ва умуман дунёning бир қанча нодир китоблари полиграфик сифатсизлиги, ташки қиёфасининг хунуклиги учун кўргазмадан ўрин олмаган бўлса ва шунинг оқибатида китобатчилигимиз ўз мазму-

нини тўла намоён этмаган бўлса, демак, бу масала хусусида жиддий бош қотирмомиз лозимдир. Масалан, «Тил маданияти» деб аталағидан, жуда муҳим масалага бағишиланган бир китоб чиқаралимиз. Ушбу сериядаги китобда машҳур олимларимизнинг, ёзувчи ва шоирларимизнинг, мутахассисларимизнинг нутқ, умуман тил маданияти ҳақида керакли, қимматли фикрлари босилади. Бу китоб ҳамманинг севган, стол усти китоби бўлиши керак. Лекин уни шундай чоп қилишадики, ҳатто бу масалага энг бефарқ, виждансиз одам ҳам тутоқиб кетади. Айтиш мумкини, ҳеч қимматнинг китобига ишлатиш мумкин бўлмаган, ташландик қоғозда, расво тартиботда босишади бу китобни! Терилишини бир кўрсангиз!.. Битта кичкина китобда (III серия) ноширларнинг ўзлари тузатиш киритган ўн учта ҳато кетган. Ушбу тўплам — оғзини кўпиртириб маданиятдан гапираётган маданиятсизнинг лўтибиозлигига ўхшамайдими?!

Декадалар, сафарлар фаолиятимизнинг бир қанча соҳаларига янгича кўз билан қарашга, фаолиятимизнинг яхши-ёмон томонларини яна ҳам аниқроқ англашга ёрдам берганлиги билан-да, қимматлидир.

Ҳар бир учрашув, томоша ёки сафардан кейин иккι-уч кишилашиб фикр алмашувимиз табиий эди. Ҳамма тадорикларда тўлиқ қатнашишга ҳеч кимда ҳам имкон йўқ эди. Шунинг учун шахсан мен кўрламаган кўргазмаларда бўлган ўртоқларнинг фикр ва таассуротларини эшлишига қизиқардим. Ўртоқлар айтишдиди, Узбекистон меъморлар залидаги «Совет Озарбайжони бу кун» фотокўргазмаси, СССР Халқлар Дўстлиги музейидаги болалар расмлари кўргазмаси катта қизиқиш уйғотган. Республика музейининг сўнгги беш йилликларда саноат, қишлоқ хўжалиги, умуман иқтисодий қўлга киритган муваффақиятларни, маориф ва маданият, илм-фан соҳасидаги юқалишишимизни намойиш қиласидиган рақамлар, экспонатлар кўнглімизни ифтихор туйғуси билан тўлдиради.

Оқшом тун қаърига сингмоқда эди. Биз учун ажратилган қулай ҳар қандай товуш ва шовқиндан йироқ, чаманзор ва гулзор орасидан бўй чўзаётган кичкина фавораларнинг сувлари билан шивирлашаётган меҳмонхона хиёбонларида кезиб туриб, айнича, Алишер Навоий номли Узбекистон ССР Давлат академик Катта театрида Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларининг тантанали очилишидан олган таассуротларимизни ўртоқлашардик. Таассуротлар ҳақида ҳар ким умумレスпублика савиясьида, умумхалқ манфаатлари нуктаи-назаридан фикр юритишига, ютуклар ва камчиликларни әниқ таҳлил этишига интиларди. Ҳамманинг нияти, келажак учрашувларимиз яна ҳам муваффақияти, республика музейининг номига, шуҳратига, давримизнинг талабларига мувофиқ савиядга ўтсин. Яхшининг, яхшиликтининг чек-чегарасини ҳеч ким аниқ кўрсата олмаса керак ва бу уччалик ҳам осон иш эмас, албатта. Имкониятларимиз, ижодий ишларимизнинг мавқеи, яратилган шароит шундайки, биз ҳар бир учрашувдан фавқулодда янгилик, ўзига хослик, ранг-баранглик кутишига ва талаб этишига ҳақлимиш. Шуҳрати оламга кетган неча-неча муғаниларимиз, ижрочиларимиз, чолгучи ва рақкосаларимиз, колектив ва ансамбларимиз бор. Факат ўзимиз эмас, бошқа халқлар ҳам юракдан севган, янги асарларини интизорлик билан кутаётган, номига, санъатига ҳамиша ҳурмат билан ёндошаётган санъаткорларимиз бизнинг ифтихоримиздир. Дунёнинг жуда кўп ўлкаларида Озарбайжоннинг номини кўкларга кўтарган устодларимизга ҳар доим ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг интиҳосиз ижодий заҳматини, фаолиятини, фидокорлигини керагича баҳолаш бизнинг бурчимиздир.

Мусиқа, рақс ва қўшиқчилик санъати соҳасида баланд дид соҳиби бўлган ўзбек халқи ҳузурида ҳам саҳна усталаримиз ва ашулачиларимизнинг, рақкос ва «Жўжалари» музейининг муваффақияти чиқишилари бизни мамнун қилди. Талабчан ва юксак дидли, айтиш мумкин профессионал тингловчилар, томошабинлар билан тўлиқ кетган зал, деярли ҳар бир чиқишдан сўнг денгиздай чайқаларди. Мазкур программамиз жуда катта бўлишига қарамай, яна шунча давом этдирилганда ҳам томошабин ва тингловчилар жон деб кўрар, эшлишарди. Лекин мен ҳаммамизни чукур ўйлатадиган, ҳаммамиз учун муҳим бўлган баъзи масалаларни ўқувчиларимизга, бизларни юборган халқимизга етказишни истардим.

КИЙИМ ҲАҚИДА

Озарбайжонга ҳар йили бошқа республикалардан, кўпгина хорижий ўлкалардан ижодий колективлар, ансамбллар келишади. Декадалар, адабиёт-санъат кунлари ўтказилиди. Шундай маросимлар йилдан-йилга кенг миёс олмоқда. Барча миллый республикаларнинг Москвада ва бошқа шаҳарларда ўтказилган декада ва ҳафталикларининг гувоҳимиз.

Бу декадалар, ҳафталиклар — умумхалқ ишидир. Унда қатнашаётган вакиллар ўз халқини, унинг санъат ва маданиятини рўйи-рост ҳар томонлама намойиш қилишлари керак. Саҳнага чиқкан ҳар ким ўз халқининг миллый кийимини, саҳна ва ижрочиларини анъана нарни бузмасликкә, унга содиқ қолишига бурчлидир. Россиядан, Украинадан, Узбекистондан, бошқа республикалардан, ҳатто, автоном вилоятлардан келган санъат элчилари ўз халқига хос кийим ва безак билан саҳнага чиқишади ва гўзал, ёқимли, ранг-баранг миллый саҳна манзарасини намоён қилишади. Бу жиҳатдан бизнинг кол-

лективларимиз ва ижрочиларимизнинг кийим-кечаги қўнгилдагидай эмас, ҳатто қўпчилигининг қанақа ва қандай кийинганлигини тушуниб ҳам бўлмайди.

Шубҳасиз, қўшиқчи ёки ижрочининг қандай кийим кийиши, қанақа безак ва зийнатлардан фойдаланиши, қанақанги телпак кийиши унинг дидига ва замонавийликка, муносабатига боғлиқдир. (Одамнинг ғашига тегадиган, дидсиз, ёқимсиз кийинганлар, фақат кийим-кечаги билан дикқат-эътиборни жалб этишга уринганлар ҳам бор). Лекин бир ҳалқнинг номидан, айниқса декадада миллӣ санъатни намойиш қилас экан ҳамма қатори бизнинг ижрочиларимиз, қўшиқчи ва ўйинчиларимиз ҳам яхши билишлари керакки, саҳнада уларнинг кимлиги фақат исми шарифларидангина эмас кийимларидан, саҳна колоритидан, ўзларини тутишларидан, миллӣ анъанадан ва бошқа жиҳатлардан кўриниб турмоғи лозим. Балки бизнинг ўз миллӣ кийимларимиз бўлмагандир?! Балки ҳар хил зийн ва безаклар — гўзалликда ой ва юлдузларга, охуяларга қиёс қилгулик сулувларимизга, нозанин аёлларимизга бир умрга армон бўлиб қолгандир? Тўйларда, базмларда қўзни қамаштирувчи кийим-кечакда, турнадай тизилишиб ўйинга тушганлар бўлмаганим.

Минг афуски, улкан, миллӣ-тариҳий аҳамиятга молик бу масалага тадқиқотчи-ларимиз ҳамон бефарқ қараб келмоқдадар. Бу иш адабиёт ва санъат асарлари тўплашдан ва тарихини ўрганишдан кам аҳамияти иш эмас. Мавжуд имкониятлардан, тузук ва қўнгилдагидай фойдаланмаямиз. Миллӣ саҳна кийимларимизнинг кўпчилиги ҳадеб кийилаверганидан яроқсиз ҳолга келиб қолган. Сунъий теридан, худо билади қачонлар тикилган бош кийимларга қараб ҳам бўлмайди. Кийимларнинг газмоллари хусусий буюртмаларга биноан тўқилмаганинги, тузукроқ мутахассислар томонидан тикилмаганингидан уларга безак ва зийнатларни елим билан ёпишириб қўя қолинади.

Озарбайжон аёлларига расм бўлган мўйнали, рангин, заррин баҳмал қўйлаклар қани? Ёқаси, этаклари олтин ва кумуш билан нақшланган чопонларимиз қани? Бутун жаҳонга машҳур, қўёшдай ял-ял ёнадиган қашта ва сўзаналаримиз қани?! Дунёга донғи кетган, нақшлари камалакдай жйлодор Озарбайжон гиламларини яратган аёлларимиз шунчалик камбағал, дидсиз, ёқимсиз кийинишганим?! Бизнинг тожларимиз, билагузукларимиз, тиллақошларимиз, тилла маржонларимиз, сирғаларимиз, узукларимиз қани?! Қани Нотавоннинг кашталари?! Оддий эркаклар кийимларичи?! Биз тиккан машҳур Бухоро телплаклари шунчалик қўпол бўлганми ё?! Озор ҳалқининг ялларини, якка ва колектив ўйинларини санаб саноғига етолмайсан киши. Уларнинг ҳар бири ўзига хос кийимлар кийилиб ижро этилган бир пайтлар...

Ҳалқ санъаткорлари, машҳур баҳшиларимиз сафарда биз билан бирга бўлдиар. Имрон баҳши ансамблининг сеҳрли кўйлари кўпчиликни ром этди. Лекин кийиниши масаласига келсак, улар ҳам nochor аҳволда эдилар. Балки ўтмишда баъзи баҳшиларнинг чопонлари бир этаги узун, бир этаги калта қилиб тикилса тикилгандир. Балки у баҳшининг қимматбахо матодан кийим тикитиришга қурби етмагандир. Бироқ буни «баҳши формаси» деб ҳозирги кунга кўчиришга ҳожат бормикан? Кийимнинг рамзий моҳияти билан унинг материалини айнанлаштириш мантиқислиқдир.

Қорақалпоғистон автоном республикасининг маиший хизмат министри ўртоқ Насиба Жалолова миллӣ кийимлар ва безакларнинг тайёрланиши ҳақида шундай маълумот берди: «Бу ишлар билан министрлигимизнинг махсус мұассасалари шуғулланади. Биз қадимги эркак ва аёл кийимлари альбомларини чоп этганимиз, миллӣ кийимларимизни худди қадимги тарзда тикиш учун тикувчи кадрлар тайёрлайпмиз. «Қорақалпоқ қовуни», «Қорақалпоқ балиғи» ва бошқа чиройли альбомлар ҳам нашр этилган».

Биз борган вилоятларнинг, районларнинг, ҳатто колхозларнинг ҳаммасида ҳам жуда бой ўлкашунослиқ музейларини кўрдик. Улардан жой олган қадимги устибошлар, ўй-рӯзгор буюомлари ва бошқа, ҳар даврнинг ўзига хос анжомлари билан танишган сайин ҳалқнинг тарихи, турмуши, одат-анъаналари, билим ва тушунча тарзи, тараққиёт босқичлари, бугунгача босиб ўтган йўли кўз олдимиздан бирма-бир ўтади. Шунингдек, Ўзбекистон саҳна усталари биз музейларда кўрган кийимларни қандай бўлса шундайлигича тикиб кийишмайди. Балки хонатлас ва бошқа миллӣ нақши газмолларнинг энг яхши намуналаридан ўша андозаларда ижодий фойдаланиб, либос тайёрлашни моҳир тикувчиларга топширишади.

Яна тақрорлайман, бизнинг саҳна кийимларимизни тайёрлаш сифати имкониятларимиз даражасидан анча паст савиядади. Муғон баҳшиларидан катта бир ансамбл қатнашиди декадада. Улар гўёки бошдан-оёқ баҳши кийимида эдилар. Биз уларга эски, ииртиқ-ямоқ усти-бош бериб, жунли ҳом теридан чориқ кийизиш билан нима демоқчимиз ўзи? Бундай улкан миқёсдаги ҳалқ тантанасида кишиларнинг ғашини келтиришни, кўнглини хира' килишни ҳеч бир баҳона ё сабаб билан оқлаб бўлмайди.

ОВОЗ ВА ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТИ

Буюк хонандаларимиздан ва машҳур созандаларимиздан бир нечасининг ижрочилик мәҳоратини ўстириш йўлидаги изланишлари ва томошабин-тингловчи олдидағи масъулиятга муносабати ҳақида баъзи хотираларимни сўзлаб ўтишни лозим деб биламан.

Эллигинчи йилларнинг ўрталарида шарқнинг донгдор хонандаси Абдулхасанхон Эрондан Озарбайжон радиосининг мусиқа бўлумига хат ёзиб, Сайд Шушинский овозига, маҳоратига юйил қолганини айтган ва унинг ижросида мақомлар эшитириши сўраган эди. Эсимда Сайд ўша хатни ўқигач, кўп ўйланди. Мақомчиларнинг моҳир устаси сифатида танилган бу буюк хонанда бир қарорга келиб, ўша илтимосни баъжиш учун бир ой муҳлат сўради.

— Шунча вақт сизга нима учун керак, устод? — деб сўрашди ундан.

— Мақомларни сайломоқ ва Абулҳасанхон учун кўшиқ айтмоқ — ҳазил гапми бу?! Устига устак мақомлардаги ғазалларни ҳам янгилаш керак! Озмунча ишми бу?!

Сайд созандалари билан бир ойдан кўп шуғулланди, машқ қилди, кейин куйлади ва шундай кўйладики!..

Кўшиқчиликда Европа таҳсилини олган, профессионал вокал ва ҳалқ мусиқаси санъатининг билағони бўлган Булбул Мамедов ҳар бир кўшиқ устида тинимсиз қаттиқ ҳаяжон билан меҳнат қиласади. У, ҳар бир кўшиқка қайта-қайта ишлов бермасдан, қалб призмасидан қайта-қайта ўтказмасдан туриб саҳнага, эфирга олиб чиқмасди. Худди шу сабабдан Булбулнинг ҳалқ мусиқа фольклоридан ёки бастакорларимиз асарларидан сайлаб тайёрланган ашулалари яшин тезлигида ҳалққа ёйиларди ва ҳеч қачон унтутилмасди.

Рашид Беҳбодовнинг дунёда шуҳрат қозониши фақат гўзал, ёқимли, оригинал, барча ҳалқлар қалбини забт этувчи сеҳрли овозга эга эканлигидагина эмас. Муваффақиятларнинг бошқа муҳим сабаблари бор. Булар сирини унинг ўз санъатига юксак даражада масъулият билан қараганигидан, овозига мос тушмаган, кўнглигига ўтиришмаган, дуч келган «нарса»ни репертуарига кириватермаслигидан, шунингдек на фақат мусиқага, ҳар бир сўзга, унинг жаранглашига, маъно тусларига, шеърнинг охорига катта эътибор билан ёндашишдан, устодларга хос диёнат, матонат билан тайёрланишидан ахтармоқ лозимдир. Машхур «Сурайё» кўшиғини тайёрлагандага хонанданинг шоир ва бастакор билан қандай ижодий иш олиб боргани яхши ёдимда. Шуниси ҳам маълумки, Рашидинг кўшиқ устида ҳафтавлаб меҳнат қилишини ва маъкул тушмаса куйлашдан бош тортишини яхши билишса-да, ҳар бир бастакор ўз кўшиғини Рашид саҳнага олиб чиқишини истардилар. Бизнинг ёш ижрочилиримиз Рашиддан ибрат олишлари, унинг бой ижодий лабораториясидан ўрганишлари керак.

Шавкат хоним Алакбарованинг ижрочилик маҳорати хусусида алоҳида гапирмоқчиман. Кейнинг йилларда вокал ижрочилик санъатига қизларимиз кўпроқ ҳавас кўйишяпти. Улар орасида ўзиға хос овозга, услугуга эга бўлганлари ҳам кам эмас. Ижрочилик санъатига бирор-бир янгилик, ранг-баранглиг қелтиришга умид түғдирганлари ҳам бор. Лекин шуни ишончла айтишим мумкинки, улардан қайси бири Шавкат хонимнинг санъаткорлик йўлига қадам кўйса, ундан ижрочилик санъатининг сирларини ўрганса унинг ижодий машъали узоқ порлайди, кўшиқдан-кўшиққа, саҳнадан-саҳнага ўсиб, юксалади. Шавкат хоним санъатга, маҳоратга устоз каби буюк талаблар кўшиши билан ҳам, тингловчиларнинг юрагини ром этадиган овозига, ижрочилигига масъулиятли қарашиб билан ҳам ўрнақдир. Унинг саҳна маданияти, этика ва эстетикасининг ўзи бир мактабдир.

Бир куни буюк хонанда Хон Шушинский ҳалқ ёзувчиси Сулаймон Раҳимовникига келганди. Совуқ эндиғина туша бошлаган пайт эди. Хон қалин жун шарфни бўйнига мақкам ўраб олганди.

Сулаймон сўради:

— Ташқари шунча совуқми?

— Бунда ҳалқнинг омонати бор,— дея Хон томоғини кўрсатиб, шарфни секин еча бошлади.

Ўз овози, истеъодди ва ижодининг қадр-қимматини билган, уни умумхалқ бойлиги ҳисоблаган, ҳалқ олдида ўзини ҳамиша жавобгар сезган барча буюк санъаткорлар шундай ўйлаганлар. Улар ўз овозларини, истеъодларини миллий бойлик каби кўз қорашибидай асрар қераклигини теран англағанлар. Истеъод миллий бойлиқдир. Уни «ўзимники» деб ҳисоблашга, ундан истаганидай фойдаланишга, ғамхўрлик қилмасликка ҳеч кимнинг мънавиий ҳаққи йўқ.

Зайнабнинг қисқа муддат ичиде ижрочилик санъати осмонида порлоқ юлдузлардан бирига айланishiغا сабаб унинг ўз қобилиятига, қудратли, малоҳатли овозига жиддий ва ғамхўр муносабатидир. Қўшиқ кўнглигига ётмаса у куйламайди.

Бизнинг мақомларимиз ўзиға хос ижро диапазони ила, пардаларининг кўплиги, мураккаблиги ва паст пардаларда ҳам равонлик, енгиллик тақозо қилиши билан, ижроидан бутун борлигини муҳаббатга, тўйғуга, мусиқага вайлантиришин талаб этиши билан фарқланади. 1958 йилда Москвада ўтказилган Озарбайжон адабиёти ва санъати ўн кунлигига мұхташам Катта Театрда — Хон, Шавкатхоним ва Соралар Қорабоғ шикастасини учлиқда куйлаганларида ҳар банддан кейин гулдурос қарсаклар билан кутиб олинарди. Зал тўлқинланиб титраб кетарди. Кези келганда шуни ҳам айтаки, ўша декаданинг программалари жуда нозик дид билан, миллий-замонавий ранг-баранглиг ва нағислик билан тузилганди. Биз Россиянинг бир қанча ўлка ва диёrlарида, вилоятларида бошқа республикаларда декадалар, ҳафталиклар ўтказганимиз, ҳамма жойларда мәмнунлик билан кузатганимизки, барча ҳалқлар бизнинг мақомларимизни жуда севишади, ҳайратга тушишади. Мақоматнинг ҳамма пардаларида

юришни билмаган овоз ё уни айтмаслиги, ёки паст ва ўрта пардалардан юқори кўзарилмаслиги керак. Шундай қилса, мақомга ҳам, ўзига ҳам зарар етказмайди. Биз Ўзбекистондаги очилиш концертимизда минг афсуски, баъзи кўнгилсиз ҳоллар кузаатиди.

Ижрочи ва санъаткорнинг саҳнадаги ҳаракатларини маҳдудлаштириш, уни сустлаштириш, шўхлиқдан, завқ-шавқдан тушириш, юриш-туришни мезонга солиши керак эмас. Ҳар нарса ўзгариб токомиллашганидай, ижрочининг қўшиқнинг маъносига, руҳига мувофиқ ҳаракатлари саҳнага кўркамлик, гўзаллик беради. Бироқ миллий маданиятни шундай улкан миёсда намойиш қиларкан, ижрочи ўзбошимчаликка, ёқимсиз сакраб тушишларга, овозини, маҳоратини кўрсатиш ўрнига, шу йўл билан карсақ олишга интилишига йўл қўйилмаслиги керак. Бу — чинакам санъат йўли эмас. Ўйин билан ўйинбозлик орасидаги фарқни ҳамма билади. Бирорларга тақлид қилиб, саҳнада ўйинбозлик, маймунлик қиласётганлар, овозга, ижрочилик маҳоратига ноэстетик ва ноэтик муносабатда бўлганлар санъатимизга, маданиятимизга доғ туширишлари мумкин. Истеъоддларни майб қилиши, дидисизлик яратиши мумкин. Шундайлари борки, танлаган қўшиғи, рақси руҳига асло мос тушмаса ҳам, юрагини, хисларини тебратмаса ҳам уни ижро этаверадилар. Ўйлатадиган иккинчи бир жиҳат шундан иборатки, баъзи бастакорларимиз ҳам ўйинбозликка берилиб кетиб, ўрнига тушадими-йўқми, асалларига ўйноқи, енгил мотивлар аралаштиришадики, рақкос бечора хоҳласа-хоҳламаса кўл кўтариб ўйнашга мажбур бўлади.

Таъкидлайман, истеъод билан бирлашган ҳар бир бетакрор овоз, гўзал рақс, саҳна усталиги ҳам — адабиёт, мусиқа, рассомлик дурданалари каби умуммиллий бойлиқдир, ундан антирационалистик шаклда фойдаланишга, унинг исрофгарчилигига йўл бермаслик керак.

Умуман, концерт программаларининг тузилишида бирхиллик, айни услубнинг, айни дастхатнинг тақорори сезилмоқдадир. Шу туфайли тингловчи «хато» билан концертнинг нима ва ким билан бошланажагини, қандай ва ким билан тугашини олдиндан билиб олади. Айтидан, программа тузиш, ташкилотчилик ишларида шуҳрат соҳибларининг сўзи, қарори ҳар доим ҳал қўйувчи бўляяпти, шекилли. Оригинал диди, ўзига хос дастхати бўлган ижодкор ёшларнинг фаолиятига кам эътибор бериляпти. Ҳар қандай майда-чўйда вазифаларни ҳам шуҳрат соҳиблари ўз зиммаларига олишади. Оқибатда, зарари биринчи навбатда уларнинг ўзларига тегади: чарчашади, ҳар бир нарса тўғрисида батафсил ўйлашга фурсат тополмай қийналадилар. Баъзан, сўзи ўтадиган бир одамнинг ҳом, на фақат тингловчининг, ҳаттоқ ижрочининг ҳам юрагига кириб бормаган шеър деб аталмиш аллақандай бир номаълум нарсасини катта саҳнага, кенг жамоатчилика ҳавола қилишади ва шу билан гўзал бир концерт ўз таъсир кучини ўйқотади. Баъзан овозига, услуг ва манерасига мос келмаган қўшиқни машҳур қўшиқчига айттириб унинг нуфузига, номига соя туширишади. Қўшиқ айтиш, шеър ёзиши мода эмас — маънавий эҳтиёждир.

Маълумки, Ўзбекистонда Озарбайжон адабиёти ва санъати иштирокчилари беш маршрутга бўлинниб республиканинг турли томонларига тарқалишиди. Бизнинг бешинчи маршрутуга Боку шахри, Насимий район партия комитетининг биринчи котиби, Озарбайжон КП Марказий Комитети ревизия комиссиясининг раиси Л. Ҳ. Расулова раҳбарлик қиласарди. Айтишим керакки, ўртоқ Расулова самимий, маъноли ва кенг қамровли нутқлари билан республикамизнинг ютуқлари тўғрисида аниқ, эсда қоладиган маълумотлар берарди. Зиммасига юклатилган вазифани меҳрибонлик билан бажарди.

Бизнинг группа Хоразм облости, Қорақалпоғистон АССРда бир қанча қизиқарли учрашувлар ўтказди. Ҳали самолётимиз қум саҳролари устидан учиб бораётганидаёқ шоир Наримон Ҳасанзода ашулачи Илҳоманинг илтимоси билан у анчадан бери куйлаб келаётган бир ўзбек қўшиғининг матнини озор тилига ўғирди. Илҳома уни сид-қидилдан тайёрлади ва бу қўшиқ концертларимизни анча бойитди.

Қорақалпоғистон АССРнинг, Хоразм обlastининг шаҳар ва қишлоқларида бизни чексиз ҳурмат ва мұхబат билан ҳудди қардош қардошни кутиб олгандаёқ қарши олардилар. У ерларда жуда кўп қурувчилик-ободончилик ишларининг гувоҳи бўлдик ва севиндик. Биз учун анча мароқли бўлган бир неча учрашув ҳақида гапирмоқчиман. Қорақалпоғистоннинг пойтахти Нукус шахри кун сайн эни-бўйига кенгаймоқда, гўзлалашмасда. Бор-йўғи саккиз ойда қурилган ва фойдаланишга топширилганига кўп бўлмаган Т. Г. Шевченко номли Нукус давлат Университетининг биноси миллий-замонавий қўриниши, ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган илмий лабораториялари, келакакнинг юксак ихтисосли илмий кадрларини тайёрлашга кенг имкониятларининг мавжудлиги билан дикқатимизни тортди. Бу университетнинг Озарбайжон фан олами билан мустаҳкам алоқаси бор. Озарбайжон Фанлар Академиясининг академиги, таникли тиљшунос олимимиз М. Шералиевнинг Қорақалпоғистонда тилчи олимлар етишириш борасидаги хизматларини миннатдорчиллик билан эсга олдилар.

Нукус шаҳридаги Санъат саройида муввафақияти ўтган катта йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов, Қорақалпоғистон АССРнинг партия ва давлат ҳодимлари қатнашдилар. Мазкур йиғилишда республика-мизнинг ютуқлари тўғрисида Л. Расулова батафсил гапирди. Мен, бир онанинг эгиз

авлодидай бўлган халқларимиз дўстлигининг бу халқлар тарихи қадар қадимлигидан, адабиёти ва санъатимизнинг ушбу қардошликининг мустаҳкаманишидаги ролидан, бу дўстликнинг улкан башарий аҳамият касб этганлигидан сўз очдим. Шоирларимиздан Наримон Ҳасанзоданинг, Фикрат Содиқнинг (у «баҳор» ансамбли) номли янги шеърини ўқиди) чиқишлари ҳам қизғин кутиб олинди.

Шоир Мусо Ёқуб, Носир Чингиз Алакбарзода, артист Тофиқ Мирзаев, кинорежиссёр Мухтор Дадашов ва бошқаларнинг ҳам чиқишлари мароқли эди.

Кези келганда шуну ҳам айтайки, республикамида хизмат кўрсатган артист Ҳабиб Байрамов раҳбарлигидаги чолғувчилар ансамблининг концертлари тингловчиларни ҳаяжонлантириарди. Туказбон хонимнинг «Қаторини», истеъоддли муғанин Илхоманинг қўшиқларини томошабинлар кўпинча гулдурос олқишилар билан кутиб олишарди, уларни қайта-қайта саҳнага даъват этишарди.

Еш пиониночи Одила Алиева, артистлардан Нозим ва Вокифларнинг чиқишлари, бастакор Шафиқа Охундованинг Ўзбекистонга бағишинган қўшиқлари рағбат билан қарши олинди.

Барча учрашувларимиз қалбимизда унтилмас таассуротлар қолдириарди. Лекин Беруний шаҳридаги халқларимиз дўстлиги учун катта тарихий аҳамиятга молик бир воқеа сафаримизни янада сермано қилди. Наримон Ҳасанзоданинг айтганидай, доҳий Фузулий шу ерда ҳам бизга бош бўлишга, оқсоқоллик қилишга ташриф буюрди. Беруний шаҳрининг энг кенг ва марказий проспектига Фузулий номи берилди ва проспект кираверишида қад кўтаражак монумент пойдеворидан чойшабни очиш бахти бизга насиб қилди.

Боғот районида ҳам биз шундай бир фараҳ ва севинч билан юзма-юз келдик. Бизни жуда фаровон, бадавлат бир қишлоқка оборишид. Бу қишлоқдаги колхоз ташкил бўлгандан бўён буюк ёзувчи ва инқилобчи Наримон Наримоновнинг номи билан аталаркан. Колхозга, ўтиз йилга яқин Социалистик Мехнат Қаҳрамони, Наримонов билан шахсан таниш бўлган киши Искандар Дўсов раҳбарлик қилган экан, колхозда Наримоновнинг оқ мармардан йўнилган ҳайкали қўйилган: яшилликлар орасида сут рангли лампа нур сочиб турганга ўхшайди.

Мен йиғилишда сўз олдим:

— Бу ерда ҳар куни камида юз марта халқимизнинг шонли ўғли ва раҳбари Наримоновнинг номи тилга олинади, кунига юз марта Озарбайжонимиз тилга олинади. Бизнинг республикамида ҳам барча халқларга, уларнинг улуғ фарзандларига, инқилоб ва санъат сардорларига шундай муҳаббат ва ҳурмат кўрсатилади.

Ўзбекистонда ижодкор одамларга катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилишининг гувоҳи бўлдик. Хоразмда айтишдики, областнинг колхозларидан бирига таникли халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом фахрий аъзо қилиб олинган. Ўтган йили курғоқчилик, оби ҳавонинг нокуپай келиши билан колхоз қийинчиликларга дуч келиби. Колхоз аъзоси Ҳ. Ғулом у ерга бориб, йиғилиш ўтказибди. Шеърларини ўқиб тингловчиларнинг кайфиятини кўтаргандан кейин ўзига хос самимият ва ишонч билан:

— Бу йил ҳар йилгидан мўл ҳосил, кўп даромад оламиз! — дебди. Албатта, у колхознинг бой тажрибасига, имкониятларига, одамларининг фидокорлигига ишонган. Ҳақиқатан ҳам ўша йили колхоз планни биринчилар қаторида бажарган экан.

Шоир ва умуман санъат аҳлининг эл-юрт билан шундай алоқаси ва борди-келдилиги намуна бўлишга арзиди.

Ҳамма жойларда ўзбек гўзалларининг бетакрор, ҳайратга туширадиган рақслари билан бизларни кутиб олар ва кузатардилар. Раққосаларнинг аксарияти колхоз ва қишлоқларнинг ҳаваскор коллективларидан эди. Лекин бу ҳаваскорларни устоз деб аташ ҳам камлик қиласарди. Ҳар бир рақс халқ тарихи ва турмушининг, маънавий бойлигининг, ҳаётга, инсонга гуманистик муносабатнинг ёрқин тараннуми эди. Ҳалқига тेरаён муҳаббатнинг ифодаси ва қудратли акс-садоси эди. Қўй, ўзбек гўзали ўйнасин-у, сен ҳалқининг кимлигини, кечасини, бугунини, эртасини ўз кўзинг билан кўр! Қўй, Хоразм гўзали Малоҳат нозуғама билан рақсга тушсин-у, сен ҳалқи юрагининг буюклигини кенглигина; зоҳиран, ботинан инжулигини ўз кўзинг билан кўр! Ўзбек рақс санъати (хусусан қизлар) жуда кенг имкониятларга эгадир ва у кун сайин тараққий этмоқда. Ўзбек халқи ўз миллий санъатини кўпинча шу рақс орқали дунё миқёсida намоиш қилмоқда.

Ўнинчи июнь куни беш маршрутда республикани айланганни чиққан декада иштирокчилари Тошкентга тўпландик. Ҳаммамиз завқ-шавққа тўла эдик, сафарлардан, учрашувлардан олган таассуротларимизни ҳавас билан ўртоқлашардик. Ёзувчиларимиз, шоирларимиз, бастакорларимиз, рассомларимиз, меъморларимиз, театр, кино усталаримиз, қўшиқчиларимиз, созанда ва раққосаларимиз — ҳаммамиз юксак дидли улуғ ўзбек халқига манзур бўлганимиздан, ўзбек қардошларимизнинг, акаларимизнинг рағбатини қозонганимиздан чексиз баҳтиёр эдик.

Ўша куни ижодий ташкилотларда бўлиб ўтган йиғилишлар ҳам сермазмун бўлди. Ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, кинематографчилар, меъморлар, театр усталиари кўришиб, учрашиб, бир-бираига ижодий ҳисобот бердилар, қилинган ва ҳалиқилинажак ишларни, ўз режаларини биргаликда муҳокама этдилар.

Тошкентнинг этагида, қайрагочлар, улкан цинорлар салқин ва хушманзара қилинган бил боғда ўзбек ёзувчиларининг меҳмони бўлдик. Мехрибонлик, самимият бизга

руҳ бағишиларди. Фикр дафтарлари варақланди. Чинакам ижодий суҳбат қизиди. Өзарбайжон Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи котиби, ҳалқ ёзувчиси Имрон Қосимов — ўтган йили ўзбек ёзувчилари республикамида ўн кунлик сафарида катнашгандан биргаликда келишилган тадбирлар программасининг бажарилган моддаларини бирма-бир айттиб ўтди. Мәълум бўлдики, ҳар иккала республиканинг Ёзувчилар Союзи, нашриётлари, матбуот органлари, таржимонлари ўз зиммаларига тушган ижодий ва дўстлик вазифаларига сидқидилдан ёндашганлар. Бир қанча шоир ва ёзувчиларнинг асарлари, ҳикоя ёки шеър тўпламлари (ўзбекларни озор тилида, бизнисларидаги ўзбек тилида) ўз вақтида чоп этилган.

Социалистик Мехнат Қаҳрамони, адабиётимиз ва ҳалқимизнинг дўсти Комил Яшин ҳам ҳисобот берди, ижодий алоқа ва ҳамкорлигимизнинг келажакда янада унумдор ва муваффақиятли бўлашагидан гапирди. У айтдики, Узбекистон Ёзувчилари озор адабларининг асарларини бундан кейин янада кўп ва сифатли чоп этажаклар.

Ҳалқ ёзувчиси Мирза Ибродимовнинг таклифи зўр мамнуният билан кутиб олинди. У дедики, бизнинг тилларимиз бир-бираига жуда яқин. Тушунилмайдиган сўз ва ифодалар уччалик кўп эмас. Мана шу сўзларнинг луғатини тузуб чиқиш, таржима ишимишни хийла енгиллаштира, бадиий сифатни оширап ва моддий жиҳатдан анча тежкамкорликка олиб келарди.

Гафур Гулом номидаги бадиий адабиёт ва санъат нашриётининг директори Ҳамид Ғулом Озарбайжон шоир ва ёзувчиларининг ўзбекча босилган асарлари, уларнинг ўзбек ўкувчилари тарафидан илиқ қабул қилинishi ҳақида гапирди ва нашриётнинг келажак планларида кўзда тутилган асарлар тўғрисида маълумот берди. Йигиналишда академик Воҳид Зоҳидов, профессор Лазиз Қаюмов, ҳалқ шоири Зулфия хотим, Озарбайжон ҳалқ шоири, Социалистик Мехнат Қаҳрамони Сулаймон Рустам, ҳалқ шоири Марварид Дилбозий, Ёзувчилар Союзининг секретари Жобир Наврӯз, ёзувчи Акрам Айлиси ва бошқалар алоқаларимизнинг истиқболи хусусида гапиришид. Учрашувда ҳалқ ёзувчиси Али Валиев, Баҳтиёр Ваҳобзода, Ҳусайн Аббосзода, Ҳусайн Ориф, Исмоил Шихли, Наримон Ҳасанзода, Камола Оғаева ва бошқа шоир, ёзувчи ўртоқлар ҳам фаол иштирок этди.

Адабий алоқаларимиз юксалишига ўз ишлари ва ижодлари билан ижобий таъсир кўрсатган ва бу соҳада анча ҳайрли юмушлар қилган ёзувчи ва олимларимиздан Наби Ҳазрий, Паноҳ Ҳалилов, Ҳалил Ризо, Оғажавод Ализода, Аҳад Мухтор, Ояз Вафоли, Фикрат Содик, Маммад Аслон, Нусрат Қасаманли, ўзбек дўстларимиздан Ҳамид Ғулом, Рамз Бобоқон, Нормурод Нарзуллаев, Мирмуҳсин, Лазиз Қаюмов, Суюма Ганиева, Шарқийя Шихалиева ва бошқаларнинг хизматлари юқори баҳоланди.

Республикамиз Умумиттифок, умумдунё миқёсидаги учрашувлар, жиддий муҳозакаралар ўтадиган марказга айланган. Ҳалқларнинг танлиги, машҳур вакиллари Бонкуга тез-тез келишиади. Лекин таассусфлар бўлсинким, бизда на ёзувчилар союзи жойлашган бинода, на ижод уйида ўшандай тантаналарни ўзига ярашикли давриядаги етарили шароит бор.

Тошкентдаги ҳайрлашув кечаси янада сермазмун ва қувончли бўлди. Озарбайжон адабиёти, мусиқаси ўзбек санъатининг ажойиб намуналари билан қўш ва эш жаранглади.

Концертда, ўзбек санъаткорлари ҳам ўзларига устод деб билган, буюк совет бастакори Узайир Ҳожибековнинг асарлари руҳ ва йўналиш бериб турди. Севимли мусиқа арбобларимиздан Қора Қораев, Фикрат Амиров, Ниёзий, Тофиқ Қулиев, Қанбар Ҳусайнли, Муслим Магомаев, Пўлат Булбул ўғлининг асарлари, Фарҳоддинг пиониноси, Ҳобилнинг камони ҳайратомуз янгради.

Мен мамнуният билан республика Маданият министрлиги ходимларининг, ижодий ташкилотлар фаолиятини, жон куйдиришларини алоҳида қайд этишини истардим.

Биз ўзбек ҳалқининг, ўзбек адабиёти ва санъати аҳлигининг самимий, соғ қардошлик тўйғусини, чексиз муҳаббатини ҳар он, ҳар дақиқа сезиб турдик. Юраклар ҳам нозу неъматларга мўл дастурхонлардай кенг ёзилганди. Биз кенгликлар диёрида эдик. Биз иқтисодий, сиёсий, илмий, бадиий алоқаларимиз тарихининг олтин саҳифалари бўлиб қоладиган бетакрор кунларнинг иштирокчиси эдик. Ҳар бир қалам соҳиби, сўз, мўйқалам, умуман ижод соҳиби, ҳен шубҳасиз, бу унтутилмас кунлар ҳақида ўз сўзини айтади. Жўшқин илҳом, теран масъулият билан, бор куч-ғайрати билан республикамиз жамолини намойиш қилган адабиёт-санъат намояндларимизга рағбат билдириш, улар фаолиятини инсоғ билан баҳолаш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Айтишим керак, биз Узбекистонда кўп нарса кўрдик, ўзбек қардошларимиздан кўп нарса ўргандик. Шулар ҳақида ҳам юрак кенглиги билан ва батафсил гаплашмоғимиз лозим. Ўзбек ҳалқига, партия ва давлат ходимларига, зиёлиларга бизга кўрсатган чекиз-худудсиз ҳурматлари, тасвирга сифаси аъло даражада яратган шароитлари учун чин қалбдан миннатдорчилик билдирамиз. Бизга билдирилган ишонч ва эътибор учун кўлимидан келганини аямай жавоб қайтарамиз, деб сидқидилдан сўз берамиз.

Боку.



Малик Қаюмов,

СССР халқ артисти

КИНЕМАТОГРАФИЯ—ХАЁТИМ

Кайси ой, қайси кунда туғилганимни аниқ айтотламайман. Аммо, 1911 йилда туғилғаннегим аниқ. У пайтларда ЗАГС ҳам йўқ эди, янги туғилган чақалоқларга туғилиш гувоҳномаси ҳам берилмас эди.

Мен Тошкент шаҳрининг Чифатой даҳасида туғилғанман. Ҳовлимиз Кунжак күчасида эди.

Дадам ҳамма болаларининг туғилған кунларини чор китобнинг саҳифалариға ёзиб қўйрканлар. Бироқ, кейинчалик дадам қазо қилғанларидан кейин ўша чор китоб йўқолиб қолибди. Ойим эса, менинг қачон туғилганимни аниқ билмас эдилар. «Үрик энди довучча бўла бошлаган пайт эди»,— дердилар. Демак, мен апрель ё май ойиде туғилған бўлсам керак. Лекин паспорт олаётган пайтимда (нега бундай қилганимни ўзим ҳам билмайман), ёшимни бир ёш камайтириб ёздиргандим.

Энди дунёга келган чақалоқ (айниқса, агар у ўғил бўлса) ҳар бир ўзбек хонадонига ўзи билан бирга катта шодиёна олиб киради!

Чақалоқ туғилған ҳамоноқ унинг aka ва опалари бу хушхабарни етказиб суюнчи олгани қариндош-урӯғ, кўни-қўшиналарникига югуришади. Суюнчига пул, дўлпи, белбоғ, рўмолча беришарди. Бу эзгу одат ўзбек ҳалқининг расм таомилида ҳанузгача сақланиб қолган, зеро янги туғилған чақалоқ ўзбек хонадонига ҳозир ҳам қувонч ва баҳт олиб киради.

Эҳтимол, ресубликамизнинг бугунги кунда бутун иттифоқимизда бола туғилишида биринчи ўринда туришига ва энг кўп қаҳрамон она бизнинг республикамизда эканлигига айнан, юқоридағи далиллар сабаб бўлса керак.

Чақалоқ туғилған хонадонга дарров қаердандир сурнайчи, чилдирмачилар баччаларини ўйнатиб, сурнайларини қалиб янги меҳмон билан муборакбод қилгани кириб келардилар. Чақалоқ туғилған уй қанчалик қашшоқ, ночор бўлмасин сурнайчиларнинг қадамини кўтлуғ билиб, топган-таянгандарини олиб чиқиб «ховодор» қиласардилар. Шу борада бутун оила аъзолари— каттаю кичик, кўпчилик қариндош-урӯғлар келишишиб, бамаслаҳат чақалоқка от қўярдилар.

Шу одатга амал қилган ҳолда каминага Абдумалик деб от қўйган эканлар.

Мен ҳамма вақт ва ҳамма ерда оддий ҳаёт кечирдим. Ҳаётим—бу менинг ишим, муҳаббатим, оиласи, фарзандларимдир. Буларнинг ҳаммаси, бошимдан кечирган, ҳис қилган, қашф этган, эришган ва... йўқотган минглаб кечава кундузларнинг ҳар бир дақиқа, ҳар бир сониясини ўзига қамраб олар ва улкан саҳиийлар билан ижодимга тухфа бўларди. Ҳаёт тўхтовсиз қистовга соларди. Мен ҳам бўш келмасдим, унинг ўзини қистовга солиб: ҳа балли, тезроқ, яна тезроқ, дердим унга. Шу боисдан бўлса керак, ҳаёт мени турли-туман мамлакатларга «улоқтириди», дўстлар, душманлар билан, суюкли ва лоқайд одамлар билан учраштириди... Хуллас, бир одам бир умр мобайнинда кўра олиши, ҳис қила олиши мумкин бўлған ҳамма нарсани менга армуғон этиди.

Канийди, мен хотирам ҳазинасида айқаш-уйқаш бўлиб ётган неча-неча километрлаб «плёнкаларга» бир чеккадан кўз юргутириб чиқаолсам. Кўздан кечирсан-у, саралаб олиб, битта фильм қилиб уласам. Лекин афсуски, хотирадаги у ленталарни монтаж столида айлантириб, монтаж қилиш мумкин эмас, фақат хотирадагина жонлантириб, сўнг... қофозга кўчириш мумкин.

...Ота-онам ўн тўрт фарзанд кўришган экан. Лекин отам қазо қилганинида — боз ўғил, қолган эдик. Отасиз қийналиб яшардик. Чунки у замонларда хотин киши рўзгор тебратга олмас, заифа, оқиза ҳисобланарди. Айтишларига қараганда, отам жуда одамохун, оқил киши бўлган эканлар. Таассуфки, у кишидан ҳатто фотосурат ҳам қолмаган. Зеро мусулмонлар суратга тушишини гуноҳи азим деб билардилар.

Ойим дўлпти тикардилар, биз бўлсак, уни бозорга олиб бориб сотардик. Биз ойимизга қўлимиздан келганча ёрдам берардик, лекин бари бир турмушимиз жуда оғир ўтар эди. Нихоят, катта ақамиз Абдуғани ишга кирди-ю сал елкамизга офтоб теккандай бўлди. Оиласиз Октябрь инқиlobини шу зайлда кутиб олган эди.

Ойим мулойм табиат, жуда оққўнгил аёл эдилар. Умрларининг энг охириги кунларига энг дилбар, энг соҳибжамол аёл бўлиб кўрингандилар менинг кўзимга. Саводхон эдилар — ўқиш, ёзиши билардилар. Узун тунли қиши оқшомларида бизни танча атрофига ўтказиб шабчироқ ёруғида китоблар ўқиб берардилар, эртаклар айтардилар.

Шуниси қизиқки, болалигимизда ўй-рўзфор ишида, ҳар биримизнинг ўз вазифамиз бўларди. Жуда ёшлик пайтимиздан тақсимланган эди улар.

Лекин бу мутлақо қашшоқлик очибати эмас, балки бурчни ҳис қилиш эди. Бу хиссият биларда жуда барвақт уйғонган эди.

Энг катта ақам ишга қатнар, кейинги ақам унга кўмаклашар, қолган учовимиз бўлсак ўйдаги бутун рўзфор ишлари билан шуғулланардик: ўтин ёрардик, ҳовли супурардик... қиши пайтларида эса, томнинг қорини куардик, нариги маҳалланинг ҳовузидан баъзан обкашлаб, баъзан чанада сув таширдик. Бир девордармиён аёл кўшнимиз бўларди. На эри, на болалари бор — сўқка бош ғарiba эди. «Одамзод ёлғиз яшай олмайди, унга ёрдамлашиб керак, бўймаса, диккинафасликдан ўлиб қолиши мумкин! — дердилар ойим. Шу гапга амал қилиб биз ҳамиша ўша холага ёрдам қилардик; томнинг қорини куардик, ўтиними ёриб, сувини ташиб берардик...

Менинг ҳәётимда энг биринчи қувончли кун олти ўшимда содир бўлди. Ўша куни мени ақам мактабга бошлаб борган эди.

Талабаларнинг ҳаммаси — каттаю кичик битта ҳужрада сабоқ олишарди. Ҳафтаякни ёд ўқишаради. Лекин ҳар бир талабанинг бирдан бир орзузи — тезроқ бу ғамхонадан ёруғ жаҳонга чиқиш эди.

Қунларнинг бирида домланинг узун таёғи менинг бошимга ҳам келиб тушди. Эсимда: биз болалар, бўйра устида ўтириб олиб, «Алиф ломга анза ал, ҳени мимга ҳизи ҳам, алҳам, до пишду, алҳамдо...», деб ёд олаётган эдик. Чамаси, мен биронта сўзни нотўғри талафуз қилдим, ё ўринисиз ҳаракат қилиб қўйдим шекилли, қават-қават кўрпачалар устида ўтирган домла мулойм овоз билан мени ёнига чақириб олди. Домланинг қошига бориб таъзим қилганини биламан, у тўсатдан елкамга хивич билан тушира кетди. Илгарилари домла бошқа болаларни тез-тез савалаб турган бўлса ҳам, мени сира урмаган эди. Мен бу ноҳақ жазога чида буролмадим. Хивични домуланинг қўйидан тортиб олдимда, қулочкашлаб турриб, елкасига... бир туширдим.

Ўйда мени роса койишид. Абдуғани ақам: «Энди ўйда ҳал ўтириб, то бу беадаб хуқингни маҳалла-кўйда ва масчидда унугашмагунча кўчада қорангни кўрсатмайсан! — деб танбеҳ берди. Домламиз айни пайтда масжиднинг имоми ҳам эдиларки, ул зотга кўл кўтамроқ катта гуноҳ ҳисобланарди.

Мен ўйда бир неча кун ўтириб, бир нарсага тушундим ва уни умрбод миямга қуйиб олдим: калтак агар адолатли бўлса, уни қадрлаб бардош бериш керак, лекин ноҳақ зарбадан ўзни муҳофаза қилиш зарур.

Эски мактабга бошқа қадам қўйгим келмади, ҳафтаякни қуруқ ёдлашни хоҳладим, бари бирарнамаларни ёдлаётганини сира тушунмасдим. Шундай қилиб, ақам мени янги мактабга етаклаб борди. Бу мактаб бир каттакон бойнинг дангиллама ҳовлисида очилган эди. Ҳаммаёғи чиннидай озода, деворлари оппоқ. Муаллимимиз ҳам, ҳали-ҳали кўз олдимда, гўё оппоқ кийимда эди, назаримда. Балки эски мактабнинг корону ҳужраси билан бу дангиллама, чиройли иморат ўртасидаги тафовутнинг жудаям катта бўлганигидан, менга шундай туюлганди. Ё бўймаса, хотирамнинг айрим нарсаларга ортиқча жило берганидан шундайдир. Лекин шу нарса яхши эсимдаки, ўша кун мен учун чинакам байрам бўлган эди. Ҳамма ўқувчилар иккитадан, учтадан бўлиб парталарда ўтиришаради. Бўйра устида эмас, парталарда! Менинг ўқитувчим кекса ва донишманд Тоҳирий (у пайтларда ўшгина йигит эдилар) ҳозир ҳам барҳаётлар. Бу йил у киши муборақ саксон ўшга кирдилар. У киши энг юксак мукофот — Ленин ордени ҳамда «Ҳалқ ўқитувчиси» деган фаҳрий унвон билан тақдирланганлар.

Муаллимимиз бизга партада қандай ўтириши, бирон нарса сўрайдиган бўлса, қўлни қандай кўтариши ўргатдилар. Бу ерда ҳамма нарса мен учун янгилик эди, лекин у янгиликлар шу қадар антиқа, шу қадар пурзие ва шунчалик ғайри oddий эдик, мен ҳанузгача, ўша мактабимни эсласам, ўзимни энг ғаройиб мамлакатга саёҳат қилгандек ҳис қиласман. Кейинчалик мен саксон марта чет элда бўлдим, деярли бўлутун ер куррасини кезиб чиқдим, аммо хотирамда энг ажойиб, энг кучли таассурот қолдирган нарса ҳали ҳам ўша оппоқ мактаб, парталар ва бизлар билан худди ўзидан каттага салом бергандек зўр эхтиром билан саломлашувчи муаллимимиз бўлиб қолди.

Бизлар араб ҳарфида ёзар эдик. Ҳафтада бир кун рус тилидан дарс ўтиларди.

Менда бутун синфимиз билан тушган фото суврат бор. Бу ҳаётимда биринчи марта сувратга тушишим эди. Мен фото сувратдаги ўз синфдош ўртоқларимнинг фото аппаратига ҳали кўнглиларни хиёл чўчиган чехраларига тикиларканман, бизларни тарбиялаб ҳозирги ҳолимизга келтириш учун, муаллимимизнинг роса «она сути оғзидан келган» бўлса керак, беҳад сабр-тоқатли, беназир қобилият ва меҳр эгаси бўлган бўлсалар керак, деб ўйлайман. Муаллимимиз ниҳоятда ғайри oddий истеъодд эгаси эдилар, ҳозир ҳам шундайлар. У киши бизга борлиқ мұхитни идрок этишини ўргатдилар. Мамлакатимизда нималар содир бўлаётганини тушунтириб бердилар. Революция нималигини изоҳладилар...

Ўша биз ўқиган мактаб ҳали ҳам бор. Унинг рўпарасига ўта замонавий янги мактаб тушган. Лекин мен ўқиган ўша мактаб ҳамон туритти, ҳамон у ерда болалар сабоқ олишади...

Кейин катта бўлганимда, кунлардан бир кун мен ўз синфимга кириб бордим, ўз партамга бориб ўтиридим ва ногоҳон, йиғлаб юбордим...

Шу нарса диккатга сазоворки, академик Обид Содиқов, академик — химик Ҳамдад Усмонов, академик Малик Набиев, соғлиқни сақлаш министри Қаюм Зоиров, область партия комитетининг секретари Социалистик Мәжнат Қаҳрамони Фаттоҳ Восиқов, сабоқ савдо министри Фоур Юсуповлар бизнинг мактабимизни битириб чиқишган, бошқа кўпчилик мактабдошларимиз ўқитувчи, ёзувчи, журналист ва бошқа касбларнинг сохиби бўлишган. Менинг укам Абдуҳамид Қаюмов Автомобиль ва ўйлукрилиши министри бўлиб хизмат қилмоқда.

Бинобарин, мен, ўзимдаги барча эзгуликлар учун авваламбор меҳрибон онамдан, ундан кейин, шу мактабимдан беҳад миннатдор эканлигим ҳақида мудом қайта ва қайта ўйлайман.

Мен яна бир нарса тўғрисида, яъни, вактнинг нақадар тез ўтаётгани ва жуда кўп нарсаларга улгуролмаяпганимиз тўғрисида кўп фикр юритаман. Биз бугун қилишимиз зарур бўлган ишларни кўпинча енгилтаклик ва ҳаттоқи, беҳафслалик билан ёртага қолдиряпмиз.

Ўқитувчим тўғрисида фильм қилишга неча-неча марта отландим! Ҳозир ҳам ниятимдан қайтганим йўқ. Ахир улгуролмай қолиш мумкинку! Ҳамма кўзлаган ишларимизни биз ўз вактида бажара оламиزم? Энг мұхим ишларимизни эртага қолдирмаяпмизмикин? Ҳолбуки зарурати бўлмаган, бир зумлик, иккинчи даражалик ишларни, энг қизиги шундаки, негадир шошқалоқлик билан бажаришга киришяпмиз.

Ҳозирги тасаввур билан қарасанг: ҳўш, нима экан ўша мактаб? Ҳамма мактаблар сингари oddий бир мактаб-да... оқ мактаб, деб ўйлайсан.

Ҳай, саводингни чиқаришипти, кўзингни очиб, жаҳонни танитишипти. Лекин, мактаб шу нарса учун керак бўлмаса нимага керак? Азиз китобхон, эсланг, яхшилаб эслаб кўринг ўша мактаблар қачон очилганини ва не-не одамларнинг фақат ўқиши ёзиши хоҳлашгани учунгина жонларини фидо қилгандарини бир эслаб кўринг.

Бу — йигирманчи йиллар эди, у пайтда дин пешволоварининг тарифиботига зид ўла-роқ янги мактаб эшигини очиб осон бўлмаган. Айни шу пайтда, ажойиб олимимиз Кори Ниёзий Кўқонда худди бизниги ўхшаш биринчи босқич мактаб очган эди, у мактабда ўн уч нафар талаба; икки қиз ва ўн битта ўғил бола ўқишганди. Мен Кори Ниёзийнинг бу мактаби тўғрисида «Ўн уч қалдирғочо» номли ҳужжатли фильм суратга олганман. Тошмуҳаммад Кори Ниёзий, босмачиларнинг мактабга кўп маротаба ҳужум қилгани, ўқитувчиларни таъқиб остига олиб, ҳаттоқи бўғизлаб кетган пайтлари ҳам бўлгани ҳақида ҳикоя килиб берган эди. Мен бўлсам, байрам деб ёзяпман.

Партада қаддимни тик тутиб ўтиришни, савол сўраш учун кўл кўтаришни ўргана бошлигани ўша олис йилларда, бизнинг бу шодон байрамимизни, тик қоматимизни аксарият пайт ўқитувчилар қўулларида қўрол билан мұхофаза қилган эдилар ва шу йўсинда кўзимизни очиб, бутун жаҳонни танитган эдиларки, буғунги кунда бу — табиий ҳол бўлиб эътироф этилади.

Совет ҳужжатли киносининг атоқли намояндалари-дан бири, СССР ҳалқ артисти, кинорежиссёр ва кинооператор Малик Қаюмов мана, ярим асрdirки, ўз асарлари билан жонажон Ўзбекистонимизни мадҳ этиб келмоқда. Унинг жуда кўп фильмлари ҳалқаро кинофестивалларда юксак совринларга сазовор бўлган.

Малик Қаюмов жуда кўп хорижий мамлакатларда бўлган, у юртлар ва эллар ҳақида ажойиб фильмлар яратган.

Малик ака шу кунда ҳам жамоат ишларида ажойиб фаоллик кўрсатиб келмоқда. У Ўзбекистон ССР Олий

Оташин шоир, композитор, ўзбек театр санъатига асос солган драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам қўлда қурол билан мактабни ҳимоя қилган эди.

Лекин ҳадеб ўтмишни эслаб кун кечириб бўлмайди. Ёшларимизга муттасил ўтмишни эслатиб, улардан кун-уззу кун миннатдорчилик талаб қилиш тўғри эмас. Аммо айни пайтда, ўтмишни бутунлай унтиб юбориши ҳам ярамайди. Ҳеч бўлмагандан, ўтмишнинг шохидларини (улар жуда озчилик қолишган) унутмаслик керак...

Мен ўзим сабоқ олган ўша кўхна мактаб партасида ўтиаркарманнан, шу тўғрида ўйлардим. Шунда мен, агар бир кун келиб китоб ёзиш учун қўлимга қалам оладиган бўлсам, бундан асосий мақсад ўзим ҳақимда ҳикоя қилиш эмас, балки мени чинакам ҳаёт сарни етаклаган одамларни эзгу сўзлар билан тилга олиш бўлади, деб кўнглимдан ўтказиб қўйган эдим. Мен назарда тутган у одамлар оч, ялангоч яшашган, истибод, жаҳолат ва нодонликдан изтироб чеккан эдилар. Ва лекин шунга қарамай, мудом олға юрган эдилар. Ундаи одамларни мен ўз ҳаётимда кўп учратганман! Жуда кўп эди улар! Гарчи уларнинг барчасини эслай олиш амри маҳол бўлса ҳам, уриниб кўрмаман, зотан мен айнан шу мақсадда қўлимга қалам олдим... Ўшанда ўзимнинг собык синфимда ўтириб, деразага тикилганча шундай ҳаёла чўмған эдим. Ташқарида эса азим Тошкент шахри мени дунёга келтирган, ҳаётимни беҳисоб шодлик ва баҳт туйғулари билан мунаввар қилган менинг Тошкентим гулгул яшнардик, айнан шу севимли шахрим бир кун келиб мени ўз бағрида мянгу олиб қолажак.

Лекин аминманки, бунга ҳали узоқ, зеро мен сувратга олмаган фильмлар ҳали жуда кўп, аксарият дўйстларим ҳақида ҳали ёзиб ултурмаганиман, ҳали менинг ёрдамимга муҳтож бўлган ижодкор ёшлар бор. Яна, мен бормаган мамлакатлар ҳам, ўқимаган китоблар ҳам ҳали беҳисоб. Булардан ташқари, мен қизим Маринани келин, она бўлганини кўрмоқчиман.. Фақат бува «бўлишишни истамайман», чунки мен ҳамиша ўзимни ҳали жуда ёшдек, гўё ҳамма нарса — бир вақтлар Кўштути маҳалласидаги чиннидай оппоқ мактабнинг мана шу сувратдаги партасига биринчи бор ўтирган чоғимдагидек — эндиғина бошланаётганга ўхшайди, назаримда.

Мен ўз мактабдошлариминг фотосига тикиламан. Оппоқ кўйлак кийган ўқитувчимдан кўз уза олмайман.

Бизнинг домла Тоҳирий... Унинг иқтидори нимада эди ўзи? Билишимча, биринчи навбатда унинг оқ кўнгиллигида эди. У, том маъноси билан ўтирил маълумотли одам эди — ҳам математик, ҳам химик, ҳам филолог. У бизни мактаб илмига ўргатиш билан чекланиб қолмай, ҳаёт ҳикматларидан ҳам сабоқ бераркан, бунинг учун вақтини ҳам, кучини ҳам аямасди. Уз ҳаётимизда биз биринчи бўлиб ахлоқий қонунларни шу кишидан ўргандикки, унинг бу сабоқларини «сабоқ сифатида ўрганиш» эмас, балки уларни ўз ҳаётий тажрибанг, тафаккуринг, эътиқодинг билан мунтазам равишда бойитиши лозим эди.

Эсимда Ленин ўлган кун домламиз бизни революционерларнинг биродарлик қабри тепасига бошлаб борган эди. Ўша куни ҳаво жудаям рутубатли эди. Ҳаммаёқ билч-биль лой, зах, кор аралаш ёмғир ётар эди. Бизлар бўлсак сарпойчанг оёғимизга калиш кийган, эгнимизда тўн, бошимизда дўппи. Ўшанда муаллим Тоҳирий бундай деган эди: «Бу кунни яхшилаб хотирлаб қолинг, мана бу ёмғир аралаш қорни ҳам. Зеро осмон энг ажойиб одамга аза тутяпти. Ҳеч қачон кўз ёш тўкишдан хижолат бўлманглар. Ўлганларни хотирлаб, уларга аза тутишин ўрганиш, шундагина сиз тирикларнинг қадрига етадиган, уларни жондан ортиқ эъзозлайдиган бўласизлар».

Мен яна, синфдошларимиз билан биргаликда биринчи марта Наврӯз байрамини нишонлаганимни эсладим. Бу 1919 йилнинг йигирма иккинчи ё йигирма учинчи марта куни эди. Муаллимимиз гулларни, айниқса чучмўма, бинафша сингари дала гулларини жудаям хуш кўрарди. Шунинг учун бўлса керак, кўпинча у бутун синфи гул терганини далага бошлаб чиқиб кетарди. Мен ҳар йили Наврӯз байрами кунларида муаллимим яхши кўрган ўша гулларни эслайман...

...Мана, муаллимим саксон ёшга кирдилар. Бизлар, у кишининг талабалари, шу

Советининг депутати ва Ўзбекистон кинематографчилари союзи Правлениесининг биринчи сёкретари сифатида ўзбек кино санъатини ривожлантиришида улкан ҳисса қўшаёттир.

Малик Қаюмов «Кинематография — ҳаётим» номли йирик эсдаликлар китобини ёзди. Бу асар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп қилинмоқда.

Бугун биз журналхонлар эттиборига мазкур китобнинг илк сахифаларини ҳавола қиласмиш.

. улуғ ва муборак айёмларида қатнашиб, пойларига таъзим қилишга мушарраф бўлганимиздан фоятда баҳтиёр ҳис қилардик ўзимиzioni.

Умримизда биринчи марта экспурсияга бошлаб чиқкан, биринчи бўлиб, Тошкентнинг эски ва янги шаҳар қисмларини кўрсатиб, бу ҳақда муфассал сўзлаб берган шу муаллимимиз эдилар. Мушоҳада, мулоҳаза, мунозара қилишга ўргатган шу азиз ўқитувчимиз эдилар. У кишининг ҳеч нимани назардан четда қолдирмаслик, ҳамма нарсани мияда қайд қилиб хотирлаб қолиш қобилияти менинг идрокимни ҳам маълум даражада пешлади. Муаллимимиз менга атроф мухитни дикқат билан мушоҳада қилишни ўргатди, ҳолбуки, аксарият одамларнинг болалик ва ёшлик йиллари шу мухит даврасида «сандирақлаб» юришдан нарига ўтмайди.

Тошкент шаҳрини мен, аввалига, муаллимимизнинг кўзлари билан кўрдим, кўрдим-у самимий меҳр билан севиб қолдим уни. Кеинчалик, кинооператор бўлганимда ва ниҳоят режиссёр бўлганимда, ҳар сафар шу илк меҳрим — суюкли мавзуминг мурожаат қиласканман, бу азиз шаҳримга янгидан-янги фильмлар бағишиладим... Фақат мен яшаган давр мобайнида у неча-неча бор ўзгармади, не-не кунларни бошидан кечирмади, қанчадан-қанча азизу мўътабар одамларидан жудо бўлмади. Минг-минглаб одамларга бошпана берди, мудҳиҳ зилзиланинг таҳдидидан қаддини буқмади ва қардош элларнинг саҳоватли мададини очик юз билан қабул қилди.

Хўш, мен ялангоёқ кўча чангитиб юрган болалик чоғимда Тошкент қандай эди?

Менинг кўзимга у фоят гўзал бўлиб кўринган эди. Лекин энди тушунсан, Россия империясининг бош штаби капитанни барон Мейендорф XIX асрнинг бошларида Тошкентни қандай қиёфада кўрган бўлса, менинг болалик чоғимда ҳам у шундай ҳолда эди. Барон ўн тўқизинчи асрнинг йигирмачи йилларида «Оренбургдан Бухорга саёҳат» номли китоб ёзган эди. Мана шу китобида у Тошкентни шундай тасвирлайди: «шаҳар гир айлантириб пахса девор билан ўралган... Кўчалари тор-тор... уйлар Бухородаги уйларга нисбатан анча ғарibi...»

Тўғри, ўтган асрнинг бошларида Тошкенда бор-йўғи уч мингтacha хонадон бўлган эди, юз йилдан кейин — XX асрнинг бошларида эса, улар ўттиз мингга етди. Шаҳар ўси, ҳатто унинг ёнбошида Янги шаҳар пайдо бўлди. Биринчи қараганда, эски шаҳар кишининг кўзига антиқа, гўзал шаҳар бўлиб кўриниши қийин эди. Кўчалар, худди бир-бирлари билан айқаш-үйқаш бўлиб кетган илонларга ўхшаб, бир-бирларини кесиб ўтган, тутишиб кетган эди. Уйлар, худди қиморбознинг «гардкам» деб отган шашқоллари сингари сочилиб ётарди. Биронта ҳам тош кўча йўқ эди. Қишида тизза бўйи лой кечилар, ёзда эса тупроққа ботиб юриларди.

Бу тор кўчаларга дарахтлар экилмасди, дарахтлар фақат ҳовлиларда бўларди. Ўнгингда ҳам, сўлингда ҳам кемтиқ пахса ё синч девору том бўғотларидан бошқа ҳеч нима кўрмасдинг. Шу деворлар ортида одамзод яшашини ўткинчи фақат томлардаги чор бурчак мўрконлардан чиқаётган тутундан билиши мумкин эди, холос.

Эсимда, уйимизнинг эшиги ҳамиша очик бўларди. Лекин мен эски шаҳарнинг инсон кўзидан панада қолган шундай хилват кўчаларини яхши эслайман ва... севаман. Кўчаларда ҳеч қандай фонус ё чироқ бўлмасди. Сувни эса, юқорида баён қилганимдек, қўшини маҳалладаги ҳовуздан обкашлаб таширдик. Мен учун энг хуш ёқадиган манзара — бозор эди. У ерда тоғ-тоғ ўюлган турли-туман ёз неъматлари кўзни қамаштириради. Ҳар ёқдан сотувчиларнинг харидорларни чорловчи: «кеп қолинг, егандар дармонда, емаганлар армонда», деб бақириб-чақириган овозлари эшитилиб турарди. Бўйинларига кашкул осган қаландарлар растама-растаси кезиб тиланчилик қиласдилар. Лекин улар, улар билан бирга бозор бошида табиблиқ қилувчи тиш суғурувчилар ҳам, синган, чиққанин даволовчилар ҳам, азайимхонлар ҳам аллақачон йўқ бўлиб кетишган. Уша замонларда, одамларга ариза, мактуб ёзиб бериб кун кўрувчи миразалар бўларди, улар ҳам кўз очиб юмгунча фойиб бўлишиди. Мирзаларнинг тасмага осилган сиёҳдонлари ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди.

Номози жума пайтидаги бозор ҳозир ҳам яхши эсимда. Баққоллар, савдогарлар, дўйондорлар молларини пештахтада қаровсиз қолдириб, масжидга кетаверадиляр.

Лекин Тошкент бозорининг энг яхши ва бекиёс жиҳатлари ҳозир ҳам сақланиб қолган: катта қозонларда мұаттар ҳид таратиб турган паловлар, тоғ-тоғ ўюлган сабзавоту ҳўл мевалар, алоҳида қовун растаси, алоҳида нон растаси...

Мен ҳанузгача тонг палласида ёлғиз ўзим бозорга бориб, ҳар бир растани битта-биттадан айланниб чиқишини яхши кўраман. Ҳозир ҳам худди болалик чоғимдагидек, мева ҳарид қила туриб, улардан татиб кўраман, савдолашман... Нон растасидаги ўз гўзаллиги билан кўзни қамаштирувчи минг хил қиёфадаги иссиқ, барра нонларнинг зум ўтмай тарқалиши ва пештахталарнинг шундай тезлик билан яна янги ёпилган нонларга тўлиб туриши ҳамиша менинг ҳайратга солади. Мен помидори, бодрингларни ўзим битталаб танлашни яхши кўраман, болаликдан кўзим пишиб қолган одат бўйича қовунларни салмоқлаб, уларнинг тўнига қараб ширинини аниқлайман. Она заминимизнинг мўл-кўл неъматларини жонимдан ортиқ яхши кўраман, зеро бу бекиёс гўзал манзара ҳамиша ҳаётимни байрамга айлантириади.

Бинобарин, энди мен тонг палласида бозорга бораракман, ўзимни ҳамон бир вақтдаги ёш Абдумалик деб ҳис қиласман, зеро уша кунларнинг бирида мени қўлимиздан ушлаб шундай ажиб афсонавий оламга етаклаб борган эдиларки, у олам ўз

чиройи, хушманзаралиги билан Тошкентнинг эски бозорига жудаям ўхшаб кетар эди. Бу кино олами эди.

Уша пайтида мен Шайхонтохур яқинидаги Ленин номли мактабда тўққизинчи синифда ўқирдим. Киностудия Шайхонтохур дарвозасининг ёнгинасида эди. Бир ой рўза пайтида Шайхонтохур деярли бутун Тошкент аҳолисининг кўнгил очадиган жойига айланарди. Кечқурунлари, шомдан кейин бу ерда созандалар, хонандалар тўпланишар, дарборзлар ўйин кўрсатишар, от ўйин тинмай айланарди. То саҳаргача бу ерда ҳаёт қайнарди. Ҳар қадамда ош, кабоб, гўшткуйди-ю яна турли хил лазиз таомлар сотиларди.

Биз, болалар, шу бир ой рўза пайтида ҳар куни кечқурун Шайхонтохурга борардик. Лекин бу ерга девордармиён жойлашган киностудияда бундан ҳам қизиқарли томошалар бўларди. У ерда тамомила бошқача ҳаёт ҳукм сурарди. Афсуски, студиянинг эшиги бизлар учун берк эди.

Тўғри, биз болалар, кино кўргани кино-театрга бориб турардик. Аникроқ қилиб айтганда, биз кино залининг атрофини ўргаган девор бошларига ё дараҳтларнинг шохларига чиқиб ўтириб кино кўрардик.

Тарзанинг бири-бирига уланиб кетган сон-саноқсиз ва антиқа саргузаштларини томоша қилиш биз учун ҳаётнинг энг олий мақсади бўлиб туялардик, бу мақсадга эриши учун, сеанс кетаётган пайтида, жазава тутиб кетиб, дараҳтдан йиқилиб тушшлар ҳам, кўйнингдан чикариб тажиб еб ўтириган олманг қимизак чиқиб қолса, ўйлаб-нетиб ўтирмай, уни томошабинлар бошига отиш ҳам, кези келганда, контролёрнинг дағдағасини эшишиб, дараҳтдан тикка сакраб тушиб, шаталок отиб қочишлар ҳам бўлиб турарди.

Қурбон Чорбоев киноси атрофидаги дараҳтларга Тарзанинг содик издошлари ва муҳлислари сифатида чиқиб олар эканмиз экранда қаҳрамоннинг лирик чекинишлар — хирсли ўпишишлар, эркалашлар, кучоқлашлар билан банд бўлган чоғларида, «нимага алаҳисиясан, сакрасангчи, қувласангчи, отсангчи» дегандек ҳамма ёқни бoshimizga кўтариб қичқирав, кулокларни қоматга келтириб ҳуштак чалар эди.

Шу пайтагча фестивалларда мукофотлар, совринлар олган кино санъатининг энг нодир намуналаридан биронтаси ҳам хеч қачон ўша оқ парда сатҳида кўрсатилган овозсиз киночалик мени ҳайратга солмаган. Бу антиқа томошахонанинг хўжайини Қурбон Чорбоев фильмни ғоятда ажаб ва мафтункор сўзлар билан изоҳлаб турар эди. Уни бутун Эски шаҳар яхши танирди. Одамларни кино кўришга жалб қилиш учун не-не йўлларни ўйлаб топмасди у. Эсимда, кунларнинг бирида «Тошкентда номаълум одам» деган афиша осиб қўйганди. Бу афишани ўқиган кино муҳлислари кинотеатрга гурра-гурра ёпирилиб келаверишиди. Тошкентда пайдо бўлган номаълум одамни ҳаммаям кўргиси келарди-да. Кейин маълум бўлишича, фильмнинг номи «Номаълум одам» экан. Чорбоев ўз афишасида, Тошкентга «Номаълум одам» деган янги фильм келди, демоқчи бўлган экан.

Бизлар жудаям гўл ва ҳар нарсага лаққа ишонаверардик. Шунинг учун ҳам Қурбон Чорбоев фильмдаги ҳар бир эпизодни ўз билганича изоҳлаб тушунтийараркан, томошабинлар ундан беҳад миннатдор бўлардилар. У жуда ажойиб ҳикоячи, бунинг устига, ичидан тўқишида устаси фаранг одам эди. Шунинг учун ҳам унинг ҳикояларини томошабинлар яна бир қизиқ кинодек қабул қилишарди. Мен, ҳатто кино қизиқарлироқмиди ё Чорбоевнинг ҳикоясими, аниқ айтолмайман.

Шундай қилиб, мен Ленин номли мактабда таҳсил кўрар эдим, мактабимиз киностудиянинг, ёки ўша вақтдаги номи билан айтадиган бўлсак, кинофабриканинг шундоқкина ёнгинасида эди. Сирасини айтганда, уни студия деб ҳам бўлмас эди, фабрикага-ку мутлақо ўшамас эди. Совет шарқида биринчи бўлиб таъсис этилган бу кино корхонасини сабиқ «Шайхонтохур» мадрасасига жойлаштиришиди. Йўқ, мен янглишдим — бу биринчи кинокорхона эмас эди. Бундан олдин, Бухорода, «Бўхжино» корхонаси очилган эди, донги кетган «Улим минораси», «Мусулмонлар» номли машҳур фильмлар ўша ерда суратга олинган эди. Мен у фильмларни кўрганман, улар менга жудаям ёқкан эди.

Уша пайтларда Москва ва Ленинграддан келган биринчи кинематографчилар: режиссёр Висковский, оператор Фридрих Вериго-Доровский ва бошқалар кино ленталарида биринчи наебатда шарқ манзарасини акс этиришин истардилар. Лекин улар шарқ манзарасини хонларнинг саройлари ва подшоларнинг ҳарамидан эмас, билъакс, улардан жуда олисда, ҳалқ орасида, унинг расм-таомиллари, тили, турмуштарзи, миллий анъаналаридан қидириш лозимлигини билмас эдилар ҳали. Бундан ташқари, улар ҳали «Минг бир кечча», «Боғоддодлик қароқчи», «Хинда мақбараси» ва... Шарқ ҳаётига тақлид қилиб суратга олинган ҳоказо фильмлар таъсиридан қўтулиб улгурмаган эдилар. Айни пайтида «Улим минораси» фильми «ўртамиёна» фильмлардан бўлишига қарамай, маҳаллий кино томошабинлар орасида бекиёс дараражада муваффакият қозонди. Бунга сабаб — фильмнинг ерли материал замирида суратга олинганлиги бўлди. Кино энди ҳар хил афсонавий сюжетларга суюнган ўйдирмачи эмас, балки ҳар куни томошабиннинг кўзи олдида содир бўлаётган реал воқеаларни намойиш қиливчи баёнинига айланган эди. Экранда, қадрдан она ер, болаликдан таниш бўлган кийим-бошлар, ўйлар, кўчалер, ердокли ва гавжум бозор бошилар тасвирланарди... Мана шу нарсалар томошабинни ўзига ром қиласар эди. Кинематограф

биринчи марта ўзбеклар ҳақида ҳикоя қила бошлаган эди. Эҳтимол, фильмнинг айнан шу — қисман бўлса ҳам ҳаётлилик жиҳати — ўшанда мени мафтун этган бўлса ажаб эмас. Хуллас, уйдирма тасвиirlар эмас, балки реал ҳаётнинг ўзи мени кино санъати қучогига даъват эта бошлаган эди. Кино санъатига бўлган майлимни мен ҳозир шундай силлиқ жумлалар билан, равон изҳор этяпман. Аммо у пайтларда, бу нарса шунчаки, қизик туюлган эди, холос. Айнан мана шу қизик иш мени киностудия дарвозасига бошлаб борган эди, ёки аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, кино-пробага бориш учун таклифдан бош тортмаслика унданаган эди.

Мана, ниҳоят, мен ҳаётимда биринчи марта кўпдан орзу қилганим кинофабрика-ни ўз кўзим билан кўришга муяссар бўлдим.

Энди, киностудияга қандай бориб қолганимни айтib берай. Мактабимида драма тўғараги очилган эди. Бу 1929 йил бўлиб, ёшим 18 га кирган ўспирин йигит эдим; шу пайтда мен ўнинчи синфда ўқиётган эдим. Тўғарагимизга ҳақиқий театр актёри раҳбарлик қилар эди.

Лекин кунлардан бир кун... ҳаммаси мана шу «бир кун»дан бошланди. Менинг ҳаётимини бутунлай ўзгартириб юборган ҳам ана шу «бир кун» бўлди. Йўқ, ундеймас, образли қилиб гапирадиган бўлсам, ўша «бир кун» қўлимдан етаклаб бориб ўз ҳаёт йўлимига солиб юборди. Хуллас, омади йигит эканман. Ўша куни мактабимиизга, тўғаран машгулоти пайтида бир ўқтам йигит — Николай Николаевич Кладо кириб келди ва қўлимдан етаклаб, «орзу фабрикаси» дарвозасига олиб борди ва «сим-сим, эшигингни оч!» деган эди, эшик очилди. Мен ҳар томонга аланг-жаланг қараб, кўрқа-писа ичкарига кирдим. Бу даргоҳга кирган чоғимданоқ юрагимни ховчлаб, кўрқувни ҳеч тарқ этмадим. Чунки ҳозир: «Ҳей, бола, бўлди, иззатинг битди, қани тўғёғингни шиқиллатиб қол», деб бақириб, мени студиядан ҳайдаб чиқариб юборишиди деб кута бошлаган эдим. Лекин мени ҳайдашмади, аксинча, «Биз билан бўл, ўқи, ишла, ҳеч нимадан кўрқма. Энг муҳими меҳнатдан — тер тўкиб меҳнат қилишдан кўрқмасанг бўлгани. Илло. бу меҳнат бир умрли бўлади. Ўз иқболингни шу меҳнатдан топасан», деб айтдилар менга.

...Шундай қилиб, Николай Николаевич Кладо менга кино эшигини очди. Мен бу даргоҳга кирдиму эшик ёпилди. Бу ердан қайтиб чиқадиган йўл йўқ эди. Зотан кинонинг «тупроғини ялаган» одам ҳеч қачон ундан юз ўғириб кетолмайди.

Жудаям омади юришган йигит эканман, ўз касбимни топдим ва уни умрбод мунтазам равиша ардоқлаб келдим. Мана шу «топпилма» учун, шу улкан соғва учун мен ўзимнинг энг биринчи устозларимни умримнинг охиринчага миннатдор бўлиб қоламан. Кино ҳам худди энг суюкли маҳбубага ўҳшайди, ундан юз ўғириб кетиб, бўлмайди. Касбим менга бевафолик қилмади, мен ҳам унга умрбод содик қолдим. Ўтамиздаги бу муҳаббат бамисоли ошиқ-маъшуқлар севгисига ўҳшарди. Ҳозир ҳам шундай...

Николай Николаевич Кладо Ўзбекистонга 1929 йилда Ленинграддан келган эди. Унинг отаси адмирал бўлиб, рус-япон урушида қатнашган ва рус флотини ҳалокатдан кутқарғанлардан бири эди. Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг Николай Николаевичнинг отаси совет ҳокимияти томонига ўтиб инқилобий ҳаракатларда фаол иштирок этган эди.

Николай Николаевич 1908 йилда туғилган, демак, мендан бор-йўғи уч ёшгина катта эди.

Мен кинода роль ўйнай бошлаган пайтларимда, бўлғуси касбдошларим Москва ва Ленинграддаги кино институтларида таҳсил қўрар эдилар. Мен уларни биринчи марта студиямизга практикага қелишганида кўрдим. Улар жуда мағурланиб керилиб юардидилар. Ўзларини ҳамма нарсадан вонифед хисоблардиларки, назарларида, кино соҳасида, билимдонлиқда уларга тенг келадиган одам йўқдек эди. Аммо уларнинг ҳақиқий кинематографи бўлишлари учун ҳали «етти қовун пишиғин бор эди — шундай бўлиб чиқди ҳам. Негаки, кинематограф биринчи навбатда амалиётни, ҳамда... истеъоддини талаб қиласиган касбdir. Мен бунга қатъий ишонаман. Тўғриси, ўзим ВГИК (Бутуниттироқ Давлат Кинематография институти)ни битирмаганимга ҳали-ҳали афсусланман. Ўша пайтларда кўпдан-кўп китобларни мутолаа қила олмаганимга ҳам «аттанг» дейман. Зеро ўша китоблариз ҳаётда олға одимлаш мушкуллиги аниқ эди. Ўша пайтдаги энг ажойиб домлаларим Эйзенштейн, Пудовкин, Кулешовларнинг гапларига қулоқ осмадим... Пойтахт ҳаётининг «қозонида қоврилмадим». Тунги Москвани кезмадим, МХАТ, Большой театр, Консерваторияларнинг кассалари олдида билет олиш учун навбатда турмадим... Мана шулар, мен аминманки, тузатиб бўлмайдиган хатоларим эди. Мана шунинг учун ҳам мен, Ўзбекистон кинематографчилар Союзи Правлениесининг биринчи секретари лавозимига сайланганча, иложи борича кўпроқ ёшларимизни Москва ва Ленинградга ўқишига юборишига ҳаракат қила бошладим. Бу ёшлар у шаҳарларда на фақат илм олишлари, шунингдек, ўз касблари маданиятидан ҳам сабоқ олишлари шарт.

Менинг ёшлик даврим бошқача эди — илм олиш учун ҳам вақтни аяр эдик. У пайтларда ҳамма нарсага тезроқ эришишга ҳаракат қиласидик. Тезроқ кинога тушиш! Тезроқ кино олиш! Тезроқ севиш, олтин ёшлиқдан ва унинг бекиёс имкониятларидан маст бўлиш! Ҳаммаси тезроқ, тезроқ бўлса дердик... Лекин сувратга тушиш орзуси биринчи навбатда турарди албатта, Ким ҳам койирди бунинг учун мени? Хўш, ҳо-

зирги пайтда ҳам қайси йигит ё қизимиз кинога тушишдек ширин армонидан бошторта олади. Бундайлар йўқ! Мен ҳам шундай эдим.

Ўша пайтда «кинофабрика»да иккита хроникачи оператор бор эди (Ф. Назаров ва Н. Гасилов), лекин мени у пайтда кинохроника қизиқтирмасди. Биз, болалар, хроникани, ўз таъбиримиз билан айтганда «ҳаётий» кино ҳисобланмиш бадий киночалик хуш кўрмас эдик.

Лекин эсимда, бизни ўзига ром қила олган ҳужжатли кинолар ҳам бўларди. Булар кўпроқ медицина мавзуидаги илмий-оммабоп фильмлар эди. Бу фильмлар фожиавий-саргузашт сюжет замерида жуда қизиқарли қилиб сувратга олинарди.

Фильмда одамлар ростакамига қасал бўлиб, ростакамига ўлардилар. Буни кўрган томошабин шу даражада ќўрқиб кетар эдик, намоиш қилинаётган ва баён этилаётган илмий изоҳларга (яъни қасалнинг пайдо бўлиш сабаблари ва унга қарши кураш усусларига) диққат билан кулоқ солиб, берилib томоша қила бошлардилар. Эсимда, шундай фильмлардан бирининг номи «Қутуриш» деб аталарди. Бунда қутурган ит қопиб олган бир қизнанинг яянчли ҳаёти тасвирланган эди. Аввалига отаси уни табиға олиб боради. Табибининг «куф-суф»идан, турган гапки, қизча ўлар ҳолатга бориб қолади. Лекин шу маҳал экранда ақлли, хушбичим доктор пайдо бўлади ва қизчани дори-дармон билан даволаб, ажал чангалидан тортиб олади. Томошабиннан пар эса, бундан енгил тин олардилар.

Бунақа фильмларни одамлар ҳатто ҳорижий саргузашт фильмлардан ҳам зўр қизиқиши билан томоша қиласдилар. Бунга сабаб, улар экранда ўзларини, ўз турмуштарзарини мушоҳада қиласдилар. Бу пайтларда ҳалқимиз худди кўзуга қарагандай ишонч билан тикила бошлади экранга, зеро экранда энди бухоро амири ва унинг аъёнлари эмас, балки оддий ҳалқ акс эта бошлаган эди. Ҳар бир томошабин унда ўзини кўра бошлаган эди.

Ана шунда кўнглимга бир фикр келди. Кишиларга, уларнинг турмуш тарзи, қандай ҳаёт кечириши, дам олиши, ишлаши ҳақида, хуллас, мавжуд ҳаёт ҳақида кино кўрсатилса қандай бўларкин, деб ўйлай бошладим. Шундай деб ўйлашга ўйладиму кейин яна унтиб юбордим бу фикримни, негаки, кўнимга кинокамера олишдан олдин, ўзим шу «камера»га сувратга тушишим ва бу ишни қилишим (яъни кинога тушишим) керак эмаслигини ўзим тушуниб етишим лозим эди. Лекин бунга ҳали анча бор эди...

Йўқ, мен актёр эмасман. Мен юқорида Николай Николаевични қандай ажойиб, истараси иссик, ўз дўстларига ғамхўр одам эканлиги ҳақида ёзган эдим. Менинг тасаввуримда у ҳаётий режиссёр эди.

Ўттизинчи йилларда киностудияда Ленинграддан келган ёш кинематографчилярдан катта бир гурӯҳи Николай Николаевич Кладо билан биргаликда ишларди. Булар кинооператорлар: Погорели, Асмус, Величко, Хренников ва яна бизнинг тошкентлик Андрей Булинский эдилар.

Шундай қилиб, мени қарол ролига таклиф қилишди. Йиртиқ чопон, эски яктак кийдиришгани, елкамга ҳуржун ташлашгани яхши эсимда. Юзимга грим суришди, ҳатто умримда биринчи марта ула ҳам сепишиди. Кинопробанини томиғга чиқиб олишиб. Суратга олувчилар: оператор Фридрих Константинович Вериго-Доровский, унинг асистенти Георгий Зельма, Николай Николаевичнинг ўзи, унинг асистенти Раҳмат Аҳмедов, ёрдамчиси О. Турсунов ва бошқалар эдилар. Мен кинокамера қаршисида турган эдим, Фридрих Константиновичнинг буйруғи билан ёритувчилар ҳар томонимдан бир неча катта-катта кўзгулар қўйиб юзимни ёрита бошлашди. Мен ҳақиқат излаб ўз қишлоғидан шаҳарга жўнаб кетаётган камбағал дехқоннинг ролини ижро этишини керак эди. Ушанда, томда нималар қылғаними эслолмайман, фақат шу нарса эсимдаки, шу куни томдан йиқилмадим. Негаки, одатда томга чиқсан, албатта йиқилиб тушардим. Болалигимда томдан йиқилиб оёғимни синдирган, кейин узоқ вақтгача ўрин-кўрпа қилиб ётган эдим. Соғайиб оёққа туриб кетганимдан кейин эса, дараҳтдан йиқилиб тушган эдим, лекин, мана, ҳалигача отдайман.

Эртаси куни биз ҳаммамиз кинопробаларни кўргани кичик залга тўпландик. Мен, мадраса ҳужрасига жойлашган бу кичик залга биринчи марта киришим эди. Қанчалик ҳаяжонланётганими таърифлашга тил ожис эди. Николай Николаевич мени ўз ёнига ўтказди. Залда чироқ ўчди. Киномеханик кеча суратга олган ҳамма ленталарни бир бошдан кўрсатди. Мен, ёқмай қолсан, мени киностудиядан ҳайдаб юборишади. Деб ўйлаб қаттиқ ташвиш тортар эдим.

Лекин кинопробаларни кўриб бўлганимиздан кейин Николай Николаевич, қалай, ёқдими, деб сўради мендан. Мен, йўқ, ёқмади, негаки, одамлар ҳаётда ўзларини бундай тутмайдилар, деб жавоб қилдим. Бироқ, ролим ҳаммага ёқкан эди, сабабини ҳали ҳам тушунолмайман.

Бир куни биз экспедицияга отлана бошладик. Узоқ отландик. Кўзгуларни, киноаппаратларни ба бошқа керакли буюмларни қутиларга жойлаштиридик. Ўттизинчи йилларнинг бошида студияда автомашина йўқ эди, шунинг учун биз юкларни араваларга ортиб, эрталаб тонг палласида йўлга чиқдик. Мақсад — шу бугун кечгача манзилга етиб олиш эди.

Манзилимиз — Бурчмулла эди, ўша ерда кинога олишимиз керак эди. Уернинг гўзал манзараси ҳали-ҳали кўз олдимда. Ўнг томондан кўк сунчап томондан Чотқол дарё-

си оқиб тушиб, бир-бирлари билан туташадилар-да азим Чирчиқ дарёсига айланадилар. Шаҳримиздаги жамики анҳору ариқларнинг бошланиши шу Чирчиқдан.

Уша ерда умримда биринчи марта осма кўпприкни кўрган эдим. Аввал араваларни ўтказдик, отлар хуркмасин деб, кўзларини боғлаб қўйдик. Кўпни кўрган аравакашлар бир-бирларига кўмаклашиб, кўпприкдан бехатар ўтиб олишиди.

Энди кўпприкдан ўтиш навбати киногруппага келди. Биз кўпприкнинг қоқ ўртасига борганимизда у худди беланчакдек чайқалиб, лопиллай бошлиди. Назаримизда, у ҳозир узилиб, ҳаммамиз пишқириб кўпик сочиб оқаётган дарёга тушиб кетаётгандек эдик. Айримлар бу даҳшатга бардош бера олмай, орқаларига қайтишдиям.

Картина директори Ефим Морозов ҳаммадан кўпроқ тихирлик қилиб, оёғини тираб туриб олди. Ярим ҳазил, ярми чин қилиб, унинг ҳам кўзини боғлаб етаклаб ўтишини таклиф кила бошлиши.. Хуллас, ахийи бир амаллаб кўндиришиди..

Шуни эътироф этиш керакки, Николай Николаевич Кладо суратга олган «Боғдоддан чиқсан америкалик хоним» фильмни Ўзбекистон кинотеатрларида зўр муваффақият билан намойиш қилинди. Албатта, республикамизда биринчи колхозлар тузилиши ҳақидаги бу фильмнинг бунчалик довруқ қозонишига асосий сабаб унинг номи эди — «Боғдоддан чиқсан америкалик хоним».

Фильм экранларда намойиш қилини бошлагандан кейин биз кино мухлисларидан жуда кўп хатлар олдик. Бу хатлар орасида қизларнинг актёрларга ёзган ишқий мактублари ҳам бор эди.

Киноактёр Тўлаҳўжаев Американинг машҳур кино артисти Дуглас Фербенкснинг ўхшаш ингичка мўйлов қўйиб ва ўша пайтда ҳамма ёқда шов-шув бўлган «боғдодлик қароқчи» фильмидаги Дугласнинг кийимига тақлид қилиб кийиниб юрар эди.

Ҳамиша киностудиянинг дарвозаси олдида Тўлаҳўжаевни «бир кўргани» келган одамлар уймалашиб туришарди. Бизнис артистимиз ҳам баъвида атайлаб шу олонмон олдида тўхтаб, узоқ вақт сухбат қурарди. У чинданам ўқтам Дуглас Фербенксга ўхшаб кетар эди. На фақат ташки киёфада, истеъодда ҳам ундан қолишмасди.

ВГИКнинг актёрлар устахонасини битириб чиқсан унинг соҳибжамол умр йўлдоши Зулфия Шокирова эрини ҳамиша рашик қилгани-қилган эди.

Николай Николаевич яна «Юксалиш» номли фильмнинг сценарийсини ёзди. Бу сценарийда у Ўзбекистон Совет социалистик республикасида тикланиш даврида мавжуд бўлган барча муаммоларни мужассамлаштириб кўрсатишга ҳаракат қилган эди. Кладо биз ҳаммамиз сингари ҳали ёш, софдил ва анча тажрибасиз санъаткор эди. Фильм қаҳрамонлари ҳам жуда софдил одамлар эди. Бироқ уларнинг характеристидаги «мураккаблик» шу фазилатнинг ўзи билан чекланниб қўя колган эди. Рус санъаткорлари: Ўзбекистон — бу пахта, деб одилона фикр юритардилар-у лекин улар пахтанинг экзотикини унтиб кўярдилар. Режиссёр ва сценаристлар: пахта тозалаш заводини тасвирласанг бўлди, ўёғига фильм — ўқлари яхши мойланган машинадек ўзи ғизиллаб кетаверади, деб ўйлашар эди. Биз учун, ўзбек киносиининг сюжетлари подшо ҳарамхоналари, кошоналарини тарж этиб, кенг кўчага, одамлар орасига, ҳалқнинг чинакам меҳнати ва ташвишлари жараёнинг одим отганининг ўзи улкан ютуқ эди. Лекин кинематографиянинг бадииятини ундан «ҳаётлилик»нинг ўзи таъминлай олмас эди. Ижронинг соҳталиги, масалаларнинг ўта сердабдабалиги, ҳаётдан орқада қолмаслик учун астойдил уринишлар — буларнинг ҳаммаси кино тараққиётига, унинг кучга киришига қаттиқ ҳалал берар ва менинг назаримда, фильмларимизнинг ҳаётдан узоқлашиб кетишига сабабчи бўларди. Эҳтимол, айнан мана шу «ҳаётдан узоқлик» мени бадий кинематографдан совутгандир. Аниқ айтолмайман. Мен юкорида айтиб ўтган эдим, ўз ҳатти-ҳаракатларимни мулоҳаза қилишни мен кейинчалик, анча ёшга бориб қолган пайтларимдагина ўрганганман, аммо у пайтларда ҳаёт лаззатидан, унинг битмас-туганмас неъматларидан баҳраманд бўлиб, «дўпимни яримта» қилиб ялло қилиб яшашнигина билардим. Мана шу беташвиш ва халоватли ҳаётим учун мен ҳанузгача Николай Николаевичга самимий миннатдорчилигимни изҳор этиб келаман.

ОЛИМ БҮЛСАНГ, ОЛАМ СЕНИКИ

— Тўплам эмас, справочник-кўрсаткич,—
теп бошлади.— Беруний номидаги Шарқшун
даги Яқин ва Ўрта Шарқ математикаси тарих
да астрономияга доир кўлёзмалада
Фанлар академияси

Шомурод Сиддиқов

ОЛИМ БҮЛСАНГ, ОЛАМ СЕНИКИ

Мана, Иброҳим Мўминов кўчасидаги 12-й. Унинг учинчи қаватидаги кварталардан бирида икки олим истиқомат қиласди. Бири физика-математика фанлари доктори, иккинчиси биология фанлари доктори. Галина Павловна билан Карим Раҳимовни тақдир инқилоб бешиги, илм-фан маркази — Ленинград шаҳрида учраштириди.

Эллик тўртинчи йилнинг ёз ойлари эди. Карим Раҳимов Самарқанд Давлат университетининг биология факультетини тамомлаб, Ленинград шаҳрига йўл олди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб И. П. Павлов номидаги Физиология институти аспирантурасига кирди. Галина Павловна эса шу йили Ленинград университетининг мөханика-математика факультетини тутагиб, ССРР Фанлар академиясининг Тиббиёт ва Техника тарихи институти аспирантурасига қабул қилинганди. Икки ёш умумий дарсларни бирга тинглашди, кутубхонага бирга бориб, бирга қайтиши. Ниҳоят, муҳабат деб атальмиш сеҳргар тўйгу икки ёш тақдирини туташтириди.

Галина Павловнанинг отаси Павел Евгеньевич Матвиевский таникли олим — тарих фанлари доктори, профессор эди. Ҳозир ҳам у Оренбург давлат педагогика институтида хизмат қиласди. Онаси Ксения Яковлевна эса чет тиллар мутахассиси, немис ва француз тилларини яхши эгаллаган етук муаллима эди. Отаси онанинг ёлғиз фарзандига қайта-қайта уқтирадиган ўғити шундай эди: «энг баҳти замонда туғилдинг. Совет замонидаги инсон боласининг ҳар томонлами маънавий камолотопиши учун барча шароит мухайё. Улардан оқилона ва унумли фойдаланиши фақат одамнинг ўзига боғлиқ. Вактга ютқизма, вактдан ют. Қунт ва чидам билан ўқи».

Галина улғайган сари ота-онасиининг бу панд-насиҳати унинг учун тобора янги маъно ва мазмун касб эта борди. У мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ онаси кўмагида немис ва француз тилларини ўрганишини машқ қилди, отаси таъсирида эса ҳалқлар тарихи, айниқса, буюк шахслар ҳаёти билан қизиқди. Университетни тамомлаб, аспирантурага кириши билан отаси унга яна бир нарсани қаттий уқтириди: «Қизим, гарчи лотин тили илмий таҳлилда ўлик тил деб талқин қилинсан-да, у фан тили, илмий терминология ва манбалар тили сифатида мухим аҳамиятга эга. Шу тилни ўрганишга ҳаракат қил!» Галина ота удумига қаттий амал қилди. Аспирантура муддатининг бир йилини лотин тилини эгаллашга бағишилади. Чет тиллар бўйича топшириладиган кандидатлик минимумини ҳам лотин тили бўйича топшириди. Қадимий ёзма манбалар тилини ўрганиш эса Галина Павловнанинг илмий иши учун янги имкониятлар яратди. У ўз муддатида, яъни уч йилда «Л. Эйлернинг сонлар назариясига оид эволюциянинг мавzuидаги кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

— Эйлернинг илмий мероси билан маҳсус шуғулланишиңгизнинг боиси нимада?

Суҳбатлардан бирида олимага шу савол билан мурожаат қилдим.

— Леонард Эйлер — бу Европа математика мактабининг асосчиларидан, ҳозирги математика фанини оёқка қўйғанлардан бири,— дея салмоқлаб жавоб қайтарди у.— Шундай ноёб истеъодлар бўладики, улар қанчалик узоқ умр кўрмасинлар, ўз-

лари яратган бой ижод маҳсулини ҳәётиларда азим Чирчик дарёсига айланадилар. Эйлер ҳам кам эмас, саксон ёш умр киг бошланиши шу Чирчиқдан сида ишлаган, буюк рус олими М. В. Лесма кўприкни кўрган эдим. Аввал аравалар юз эзликдан ортиқ қимматли илмий аярни боғлаб кўйдик. Кўпини кўрган арава этилган. Қолгандари эса ҳалқнинг қиммикдан бехатар ўтиб олишиди.

Галина Павловна Матвиевская ва Карим Раҳимов 1958 йилнинг охирларида «фан кандидати» деган илмий даража билан Ленинграддан Тошкентга келишиди. Карим Раҳимов Узбекистон Фанлар академиясининг Физиология бўлимига (ҳозирги Физиология институти) ишга жойлашиди.

— Катта устоз ва ажойиб инсон академик С. Ҳ. Сирожиддинов билан дастлабки учрашивимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди,— вазмин ҳикоя қиласиди Галина Павловна ўша йилларни эслаб.— Турмуш ўртогум Карим Раҳимович мени В. А. Романовский номидаги математика институтига бошлиб борганди. Ўша вақтда Саъди Ҳасанович шу институт директори эди. У бизни илиқ кутиб олди ва мен билан қисқача сұхбатлашди, қанақа чет тилларни билишилигими суриштирди. Саъди Ҳасановичнинг ўшандаги маслаҳати ҳали-ҳали эсимда: сиз учун ўзбек фанида ўзлашмаган кўрик бор. Бу— Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё математика тарихи. Лекин кўриқка қўл уришингиз учун аввалин сиз араб тили ва графикасини ўрганишингиз лозим. Қийинчилликдан чўчимасангиз...

Ўшанда мен академик С. Ҳ. Сирожиддиновга «ишончингизни оқлайман» деб сўз бергандим. Сўзимнинг устидан чиқиш учун тинмай ўқидим, ўргандим. Бир суткада ўн уч-ўн тўрт соатлаб ишлашга тўғри келди. Роса уч йил дегандан араб тили ва графикасини ўзлаштириб олдим. Шундан кейин Саъди Ҳасанович ишора қилган «кўриқка» қўл уришим осон бўлди.

Дарҳақиқат, лотин тили Европа шароитида инсоннинг яратган маънавий меросни ўзлаштириша қанчалик катта аҳамиятга эга бўлган бўлса, араб тили ва графикаси Шарқда ана шундай муҳим «илмий қалит» воситасини ўтаётганини Галина Павловна каби «кўп тилли» олимлар жуда яхши билишади.

Галина Павловна вақтни тилладан ҳам қиммат кўрадиган олима. Айниқса, араб тилини пухта этгалиб олгандан сўнг вақтни баттар қизганадиган бўлди у. Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди олима учун асосий тадқиқот обьекти бўлиб қолди. У бу ерда уззу кун ўтириб, турли даврларга оид математик қўлёзмалар ва риёзлаларни синчилаб ўрганиш ва таҳлил қилишга киришиди. Унинг кўп йиллик тинмай изланиши, машққати меҳнати натижалари аста-секин оқ қоғозларга кўчди.

«Ўрта аср Шарқидаги сон назарияси ҳақида», «9-15-асрлар математикаси тарихига доир», «17-асрдагча Европада сон ҳақидаги назариянинг ривожланиши», «9-15-асрлар Ўрта Осиё математикаси тарихига доир» сингари муҳим илмий асарлари шу тарриқа майдонга келди. Олима бу ишларида узоқ давр сир бўлиб келган муҳим тарихий факт — Шарқ, хусусан, Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино сингари мутафаккирлар асос соглган Ўрта Осиё математика фани Европа математикаси учун замин бўлиб хизмат қилганини исбот қилди. Масалан, Ал-Хоразмийнинг «Ал китоб ал муҳтасар фи ҳисоб алжабр вал мүқобала» («Тиклаш ва қарши қўйиш ҳисобига оид қисқа китоб») ёки қисқача «Алжабр» асари 12-асрда Европада ўрганила бошлаган ва лотинчага ағдарилган. Мактаб дарслекларида ҳали-ҳалигача лотинча деб талқин қилинадиган «алгебра» термини ва таҳандошимиз ал-Хоразмийнинг «Алжабр вал мүқобала» рисолосидаги «алжабр» амали номининг бузилган шакли эканлигини энди билиб турибмиз. Бу нарса таникли олим Омон Файзуллаевнинг 1965 йилда нашр этилган «Муҳаммад Хоразмий» китобчасида ҳам қайд этилган. Г. П. Матвиевскаянинг йирик тадқиқотларида Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё математика тарихи билан боғлиқ кўпгина муҳим масалалар марксистик методология асосида чукур талқин қилинди. Чунончи, бугунги кунда биз учун жуда табииб бўлиб кетган ўнлик системасидаги амалларни, яъни қўшиш, олиш, кўпайтириш ва бўлиш усулларини машҳур ўзбек олими ал-Хоразмий асослаган. Европа олимлари бу амалларни унинг асарларидан ўрганганлар.

Олима қатор йирик илмий асарлар эълон қилиш билан бир қаторда 1968 йилда кўп йиллик тадқиқотлари асосида «Ўрта асрлардаги (9-асрдан 16-асрдагча) сон назарияси мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Расмий оппонентлар, хусусан, москалил профессор Б. А. Розенфельд, академик В. П. Шеглов бу ишга юксак баҳо бердилар. Орадан олти йил ўтган олима ҳәётиде яна бир қувончли вожеа юз берди. У Шарқ математикаси тарихига оид туркум илмий тадқиқотлари учун 1974 йилда Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Галина Павловна тиниб-тинчимас олима. У Шарқ математика тарихининг янги қатламларини тобора кенг тадқиқ қилаётir.

Бир кун олимнинг иш столида «Фан» нашриётида чоп этилган «Яқин ва Ўрта Шарқ ўрта асрлардаги аниқ фанлар тарихидан» деган тўпламга кўзим тушиб қолди. Галина Павловнадан шу тўплам мазмунини қисқача шарҳлаб беришни илтимос қилдим.

— Тўплам эмас, справочник-кўрсаткич,— сұхбатдошим китобни секин варақлаб төп бошлади.— Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондидаги Яқин ва Ўрта Шарқ математикаси тарихига оид материалларни кўздан кечириб, математика ва астрономияга доир қўлёзмалар рўйхатини тушиб чиққанман. Справочника шу рўйхат «ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти математика ва астрономия қўлёзмалари» сарлавҳасида берилган. Узоқ йиллар давомида олиб борган текширишлар шуни кўрсатдики, ўтмишда Шарқда мингга яқин олим математика ёки астрономия билан шуғулланиб, ноёб илмий мерос қолдирган. Форобий, Абул Вафо, Беруний, Абу Али ибн Сино, Байҳакий, Кушёр ибн Лаббон, Андалусий, Тусий, Қазвиний, Самарқандий, Шамсиддин Бухорий, Тафтазоний, Улуғбек, Коший, Али Кушчи сингари ўз даврининг буюк олимлари математика фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар. Масалан, Тусийнинг «Арифметикани тахта ва чанг ёрдамида ўрганиш бўйича қўлланма» асарини олайлик. Мәълумки, Ат-Тусийлар яшаган даврда қоғоз-қалам йўқ эди. Шунинг учун у вактда оддий таҳтага чанг тўшалиб, унга арифметик сонлар бармоқ билан ёзиб ўрганилган, чангга керакли сонларни ёзиб, ўчириш ҳам осон бўлган. Олим ўз асарида арифметик амалларни шу усууда ўрганиш қоидларини баён қилган. Ёки бўлмаса, Ал-Берунийнинг устози ибн Ироқ ҳақида гапирадиган бўлсак, бу машҳур олимнинг ҳозир бизга математик ва астрономияга оид ўн олтига рисоласи мъялум. Хуллас, ҳали ўрганишимиз лозим бўлган илмий мероснинг ҳажми ҳам, салмоғи ҳам жуда бекиёс. Бунинг учун бир-икки олимнинг умри кифоя қилмайди. Шунинг учун биз бу ишга кўпроқ ёшларни тортишга ҳаракат қиласламиз.

Олима ҳар гал камтарлар қилиб, фандаги ҳамда ёшларга устозлик қилишдаги хизматларини атайлаб четлаб ўтар, сұхбат йўналишини бевосита унинг ўзига қаратган онларимда ҳам гапни бошқа томонга буриб, чап берарди. «Олим ўз бурничи оқлаши учун ҳозир бутун имконият мавжуд», деб сұхбатга якун ясашга уринарди. Аслила Галина Павловнанинг фан йўлида қилаётган ишларини ҳар қанча таърифласа арзиди. Уз она тилидан ташқари еттига ажнабий тилни — поляк, немис, француз, инглиз, чех, лотин, араб тилларини мукаммал эгаллаган бу олима математика тарихига доир қимматли қўлёзмаларнинг түрли вариантларини бир-бири билан муқояса қилиб, Кори Ниёзий, Т. Саримсоқов, С. Сирожиддинов номлари билан боғлиқ бўлган ўзбек математика фанини янги тарихий факт ва материаллар билан бойитаётir. У ўш олимларнинг ҳам ғамхўр устози. Олимнинг илмий раҳбарлигига Ашраф Аҳмедов «Геометрия тарихидан», Ҳамид Тилашев «Ўрта Осиё математика тарихига оид янги мъялумотлар» деган мавзулардаги диссертацияларини ҳимоя қилиб, кандидатлик дипломини олганларига анча вакт бўлди. Бухоролик Муқаддас Абророва ҳам олима кўмагида «Бухорода математикани ўқитиш тарихидан» мавзусидаги диссертациясини ниҳоясига етказди. Наманганлик Зулфия Садриддинова ва тошкентлик Жаводулла Ибодов эса олимнинг янги шогирларни.

Қайси куни эрталаб ишга кетаётib Галина Павловнани ҳурсанд ҳолда учратдим. Қувончи боисини суринтиргандим: «Янгилик, З. Садриддинова кеча Намангандан телефон қилиб, кимданdir математикага оид янги қўлёзма топганини хабар қилди», деди у.

Галина Павловна фан йўлида тинмай янгилик қидираётган олима. У ўзидаги ҳақиқий олимга хос синчковлик фазилатини шогирларига ҳам юқтираётir.

Сұхбатимиз фанлар тарихи, унинг ривожланиш босқичлари мавзусига келиб тақалганда, у ислом динининг узоқ давр инсоният тафakkur тараққиётига ғов бўлганини ачиниб гапириди. Шарқшунослик ва унинг таркибий қисми бўлган туркшунослик фанларининг Шарқда эмас, аввал Европада шаклланishi сабабини ҳам шундан деб изоҳлади. Йигирманчи-ўттизинчи йилларда ислом динига бўлган «хўжум» даврида эса тушуниб-тушунмай, кишилар қўлидаги араб графикасида битилган қимматли илмий китобларнинг бир қисми йўқотилиб юборилганлигини эслаб, у бир оз маъюс тортди. Ўша қалтис давр «ҳазили»дан чўчиб қолган баъзи кишилар ҳозир ҳам асрар келаётган баъзи ноёб китобларни кўрсатишга журъат этолмайтганлигини айтди.

— Ишга қизиқиб, берилиб кетганимдан вактнинг қандай ўтганини ҳам билмайман,— деди олима иш режими устида гапириб.— Ҳали айтгандек буюк Берунийнинг устози ибн Ироқ ҳақидаги ишимни ниҳоясига етказишим лозим. Москвада босилаётган китобларнинг корректурасини ўқиши керак, бир томонда ёшларнинг диссертациялари. Вактни ҳар қанча тежасак ҳам етишмайди.

— Москвада қанақа асарларингиз босилаяпти?— сұхбат орасида сўрадим ундан.

— Ал-Беруний ҳақида академик С. Ҳ. Сирожиддинов билан ҳамкорликда ёзган китобимиз «Просвещение» нашриётиде чоп этилди. «Ўрта Шарқ математиклари ва астрономлари» номли йирикроқ ишим «Наука» нашриёти Шарқ адабиётлари редакциясида муҳаррир таҳриридан ўтётir.

— Кейинига асарингизнинг ҳажми қанча?— қизиқиб яна савол бердим.

— Қирқ босма тобоқ атрофида.

— Анча салмоқи иш экан-да.

Олима ижодининг маҳсулдорлигини кўриб, шу тобда мени ҳам мамнунлик ва қандайдир фахрланиш ҳисси чулғаб олганди.

— Тарихнинг, жумладан фан тарихи деб аталадиган фаннинг олдида, бошқа

соҳалардан фарқли ўлароқ битта умумий проблема туради,— Галина Павловна алоҳида эҳтирос билан гапирарди.— Бу минг-минг йиллар давомида инсоният ақл-заковёти билан яратилган маънавий бойликининг ўрганилмаган томонларини ўрганиш, уни замондошларимиз бойлигига айлантириш ва бугунги тараққиётга хизмат қилириш. Ўрганилиши лозим бўлган материалларнинг кўлами эса жуда кенг. Омонлик бўлсан...

Фан ичига қанчалик кириб борилса, унинг уфқи шунчалик кенг кўринаверади шекилли. Шу ўй билан рўпаратдаги сұхбатдошимни зидан кузатарканман, унинг тे-ран кўзлари фан уфқларини тобора яққолроқ кўраётгандек, шу уфқий кенгликларда яширнимиб ётган сирларни хаёлан идрок қилаётгандек туюларди менга.

Олиманинг турмуш ўртоғи Карим Раҳимов ҳам янги илмий муассасаса — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Физиология институти лабораторияси мудири сифатида муҳим муаммолар устида иш олиб бораёттир. Галина Павловна эса «дараҳт бир жойда камол топади» деган ҳалқ ҳикматига қатъий амал қилиб, йигирма йилдан бери республика Фанлар академияси Математика институтининг математик таҳлиллар бўлимида катта илмий ходима сифатида тинмай изланяпти.

Яқинда улар хонадонида бўлганимда яна бир кўнгилли воқеанинг гўвоҳи бўлдим. Карим Раҳимов ўз шогирди Бакирнинг отасини узоқ Кўшработ районидан чактириб, унга шундай маслаҳат берарди: «Хурматли Зариф ака, ўғлингиз йигирма олти ёшида фан кандидати бўлди. Қобилияти яхши. Бу илмий даража унинг учун чегара бўлиб қолмаслиги керак. Бакирни икки йилга Ленинграддаги И. П. Павлов номидаги Физиология институтига юборсак. У ерда Александр Михайлович Уголовега ўхшаган етук рус олимлари бор. Уларнинг кўлида ўғлингизнинг яна ҳам кўзи пишади. Сиз эса фарзандингиз оиласига, невараларингизга қарашиб турсангиз...»

— Сиз олим одамсиз, Бакиржоннинг устозисиз. Маслаҳатингиз жуда маъкул. Ахир, ҳалқимизда «олим билан юрсанг очилар кўзинг...» деган ҳикмат бор, — Зариф ака шундай дея Карим Раҳимовнинг гапини мамнун тасдиқлади.

Оддий қишлоқ дехқонининг ўғли Бакир Зарипов яна илм кетидан кувиб Тошкентдан Ленинградга жўнаб кетди. Карим Раҳимов ҳам, Галина Павловна ҳам унга сидқидилдан оқ йўй тилашди. Ҳа, улар фан учун интилган одамни жуда қадрлашади, унга самимий хайриҳоҳли билан ёрдам кўлини чўзишиади.

— Бўш вактларимда бадиий китоблар ўқиман,— деди иш режими хусусида гапиравкан олима.— Ажнабий тилларни билганим учун Европа классикларининг асарларини ўз оригиналда мутолақ қиласман. Асарни оригиналда ўқишига нима етсин, уннадаги миллий рух, чуқур психологиям кишига ҳузур бағишлайди. Гёте, Шиллер, Байрон, Бернард Шоу, Мопассан каби буюқ санъаткорлар китобхонга бир олам завқ бағишлайди-ку... Яна расм қоралайман, табиат манзараларидан қусха кўчиришни хуш кўраман. Анави суратлар,— у қўли билан хона деворида осиғлиқ расмларга ишора қиласди,— ўзимнинг машқларим.

Расмларга бирма-бир кўз югуртаман. Улар профессионал рассомлар яратгандек жуда жозибали эди: кенг денгиз, елканли кема денгиз тўлқинларини мағрур ёриб, олға ўқтам сузуб борарди. Шу расмни синчковлик билан кузатарканман, хаёлимда елкан билан олима ўртасида қандайдир рамзий ўйғунлик ҳис қиласдим.

ТАНИҚЛИ АДАБИЁТШУНОС

(НУРИДДИН ШУКУРОВНИНГ 50 ЁШИГА)

Таниқли олим ва истеъоддли танқидчи Нуриддин Шукуров 50 ёшга тўлди.

Ўттиз йилдан бери у адабиётшунослик ва адабий танқидчилигимизнинг муҳим ма-салаларида доир кўплаб адабий-танқидий мақолалар, монография ҳамда ўқув кўлланмалар, яратиб, жамоатчилик олқишига са-зорор бўлиб келмоқда. Унинг турли йилларда яратилган «Поэзиямизнинг муҳим бир камчилиги ҳақида» (1953), «Бузуб кўчириш ва хато изоҳлашга қарши» (1956), «Ўзбек совет поэзияси ҳақида мулҳазалар» (1956), «Сюжет ва бадий тўқима» (1957), «Сюжет ҳақида қайдлар» (1956), «Поэтник мазмун ва бадийлик проблемаси» (1959) каби мақолаларида адабиётимизнинг ютуқ ва камчиликлари синчковлик билан тадқиқ этилди, жиддий назарий умумлашма хуло-
лалар чиқарилди.

Ёш олимнинг танқидчилик соҳасидаги ис-теъодди 50-йиллардаёқ тан олинган эди. Чунончи, «Самарқандлик танқидчининг қизиқаралашаси» («Бюллетень комиссии по литературе народов СССР», СП, № 10 от 1956 г.) номли тақризда, 1959 йилда Москвада ўtkazilgan ўзбек адабиёти ва санъати декадаси материалларида («Школа мастерства», Тошкент—1960, стр. 57), Ўзбекистон ёзувчilarinin съездлари ва пленумларida Нуриддин Шукуровнинг танқидчилик фаолияти юксак баҳоланди. Олим 1960 йилда «Гафур Гуломнинг лирик поэзиясидаги маҳорати» мавzuидаги кандидатлик диссертациясини химоя қилди. 1966 йилда диссертация материаллари монография тарзида нашр этилди. 1973 йилда Н. Шукуровнинг «Услублар ва жанрлар» номли йирик монографияси чоп қилинди. Олим шу йили «Ўзбек совет поэзиясида метод бирлиги ва услугуб ранг-баранглигин мавзууда доктор-лик диссертацияси ёқлади.

Нуриддин Шукуровнинг диссертация ва монографияларида, ўнлаб мақолаларида ўзбек поэзиясининг эстетик бойлигини тадқиқ этиш етакчи ўрин эгаллайди. Мунаққиднинг ўзига хос хусусияти шундаки, тадқиқотларнинг аксари қисми конкрет ёзувчining услуби ва маҳоратини таҳлил қилишга ағишлангандир. Адабиётимиздаги жанрлар, сюжет, композиция, тил, вазн, қоғия каби бадий маҳоратга даҳлор томонларни ҳам

олим синчковлик билан ўрганиш ва умумлаштиришга ҳисса кўшган.

Муаллимлик Нуриддин Шукуров фаолиятининг муҳим томонини ташкил этади. У 1953 йилдан бери СамДУ ўзбек адабиёти кафедрасида аввал ўқитувчи, аспирант, сўнгра доцент ва профессор сифатида ёшларга адабиёт имиддан дарс бериб келмоқда. Профессор Н. Шукуров адабиётшунослик проблемаларини адабиётимизнинг бўлғуси жонкуярларига таҳлил этиб бериш билан бирга шу соҳа бўйича дарслик ва ўқув кўлланмалари яратишда ҳам жонкуярлик кўрсатмоқда. Унинг бир гурух авторлар билан бирга яратилган «Адабиётшуносликка кириши» китоби ҳозирги пайтда республикализ олий ўқув ўртлари филология факультетлари студентлари учун зарур ўқув кўлланмасига айланниб қолди. Кўлланмада адабиётшуносликнинг муҳим проблемалари бадий адабиёт ва бадий асарнинг ўзига хос хусусиятлари, адабиёт тараққиётининг қонуниятлари конкрет ва тушунарли тарзда, аниқ мисоллар асосида таҳлил қилиб берилган.

Нуриддин Шукуров бир қатор бадий асарлар ҳам яратган. У СССР ёзувчilar



союзи ҳамда СССР Журналистлар союзининг аъзосидир. Олим 1968 йилдан 1973 йилгача Самарқанд областя «Ленин йўли» газетаси бош редакторлиги вазифасини бажарди ва кўплаб журналистларга раҳнамолик қилди. У «Гафур Гуломнинг ҳаёти ва ижоди», «Дорилғунун анъаналари» ҳужжатли фильмларининг муаллифиdir.

Нуриддин Шукуров Самарқанд адабий мухити тарихини яратиш, самарқандлик ёш ижодкорларга ғамхўрлик, кўрсатиш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг «Асрлар поззиясида Самарқанд» (1970) китобида Самарқанднинг революциягача ҳамда революциядан сўнгги йиллардаги адабий мухити ёртилган. Самарқандда камол топган ижодкорларнинг кўпчилиги Н. Шукуров кўмагида бадиий маҳорат сирларини эгаллагани билан фаҳрланадилар. У бир неча йилдан бери Ўзбекистон ЛКСМ Самарқанд область комитети, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Самарқанд область бўйими ҳамда Самарқанд Давлат университети ҳамкорлигига ташкил этилган «Шалола» ижодий клубига раҳбарлик қилмоқда. Нуриддин Шукуров шогирдларини факат бадиий ижод билан шугулла-

нувчи ёшлар орасидагина эмас, республикализ турли олий ўкув юртларидағи илмий-педагог кадрлар орасидан ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Профессор Нуриддин Шукуров ўзи таълим бераётган университеда ўқув-тарбиявий ишлар яхшиланиши, ёшлар тарбияси намуналий ўйла қўйилишида хормай-толмай хизмат қилиб келмоқда. У кейинги йилларда Самарқанд Давлат университети лартия комитетининг секретари вазифасини бажарди. Айни пайтда университет ўқув-тарбиявий ишлар проректори лавозимида ишламоқда. Партия ва ҳукуматимиз иқтидорли олим, адабиётимизнинг таникли жонкуяри, моҳир педагог Нуриддин Шукуровнинг фаолиятини муносиб тақдирлади. У ҳукуматимизнинг Фахрий ёрлиқ медаллари билан мукофотланган, 1977 йилда эса унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фаҳрий унвони берилди.

Қимматли юбилияримизга соғлик ва илмий-ижодий ишларида янада баркамоллик тилаймиз.

Х. БЕРДИЁРОВ,
Р. ОРЗИБЕКОВ.

ИНСОН ҚАЛБИГА ЙҮЛ

(АДАБИЙ ПОРТРЕТ)

Ленин мұкофотининг лауреати, Социалистик Мемлекеттік Қаҳрамони Эдуардас Межелайтис күп миллатли совет адабиётининг ёрқын намояндадаридан биридир. Унинг асарлари фақат бизнинг мамлакатимиздегина машхұр бўлмай, жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима қилинган. У XX аср жаҳон поэзиясининг ривожида салмоқли ўрин тутивчи шоирдир. Межелайтис поэзиясининг марказида буғунги замондошимиз — инсон образи туради. У инсон характеристикининг турли қирраларини тадқиқ этиб, инсон қалбининг энг ғеран жиҳатларини кашф этар экан, социалистик адабиёттинг гуманистик пафосини яна бир дараҳа юқсанка кўтари. Унинг шеърияти инсоний туғуларга бойлиги, давримизнинг энг илғор ғояларини ўзида мұжассам этиши билан миллионлаб китобхонларнинг мұхаббатига сазовор бўлди. Межелайтис ўз ижоди билан поэзия бугун ҳам ҳәётнинг мұхым ижтимоий қатламларини қамраб олишга қодир эканини, давр драматизмини ифодалаш қудратига эга эканини намойиш киди. У яратган шеърият том маънодаги фалсафийлик билан сугорилган теран интеллектуал ижод намунаси. Межелайтис поэзиясининг ҳәёт билан алоқасини янада мустаҳкамлаш билан бирга, унинг имкониятларини ҳам кенгайтирди, тасвир воситаларини ҳам бойитди, XX аср руҳига мос равишда шеъриятга бадийи синтезин кенг олиб кирди.

Эдуардас Беньяминович Межелайтис 1919 йилда Круойя дарёси бўйида жойлашган кичик қишлоқлардан бирида туғилди. Қишлоқ Карейвишкай деб аталарди. Унинг отаси ўша қишлоқдаги бароннинг тегирмонида механик бўлиб ишлаган. Онаси ҳам бадавлат одамларнинг эшигига хизмат қилган. Онаси ўқимаган аёл бўлса-да, жуда меҳрибон, кўнгли очик, мушфиқ эди. У ҳалқ қўшиклиари ва эртакларини, афсона ва ғувоятларни жуда кўп билар ва узун туннарни қисқартиб, ўғлига айтиб берарди. Улар ўш Эдуардас қалбидаги гўзаллик туғусининг чечак ёйишига сабаб бўлади, унда

уз ҳалқига, она юртига, унинг маданиятига муҳаббат ҳисларини туғдиради. Айни чоқда, ўш Эдуардас сабабларини ҳали англаб етмаса-да, ҳәётдаги ижтимоий тенгизлизлики ҳам кўради. У баронларга ўхшаган бир ҳоувч одамларнинг бойлиги ошиб-тошиб ётганига, өта-онаси каби кўплаб одамлар бир бурда нон илинжида мешаққатли меҳнатга маҳкум эканига, фақир ва қашшоқ ҳәёт кечиришига гувоҳ бўлади. Бу эса ўш Эдуардас қалбидаги ижтимоий тенгизлизлик, адолатсизликка қарши нафрат куртакларини уйғотади. Муҳаббат ва нафрат эса муайян шароитда қалбда шеърга айланиши мұқаррар. Эдуардаснинг кейинги ҳәёти шунга олиб келди. Орадан кўп ўтмай, унинг отасини барон ишдан ҳайдаб юборади. Ота иш қидириб шаҳарга йўл олади. Она ҳам олис қишлоқдаги бадавлат хонадонлардан бирига ёлланади. Эдуардасни эса бошқа қишлоқда яшайдиган опаси Мариянинг қарамоғига юборишади. Эдуардас опасинидағи фоз бокиб, тирикчиликка кўмаклашади.

Бу ерда гўзал Круойя дарёси соҳилида туғила бошлаган бу туғу — табиат билан биргалик, яқдиллик туғуси, она табиатга чексиз меҳр-муҳаббат кейинчалик Межелайтис шеъриятининг магиз-магизига сингиб кетади ва унинг поэтик индивидуаллигидаги энг асосий ҳусусиятлардан бирига айланади.

Эдуардас ун ўшиданоқ шеърлар еза бошлияди. Ун беш ўшида, яъни 1934 йилда ўшлар журналида унинг биринчи шеъри бошлиб чиқади. Бу шеър шаҳар чеккасидаги ташландик ва қашшоқ маҳалланинг фақир ҳәёти ҳақида ҳикоя қиласади. Еш шоир бу шеърни бошқаларга ақл ўргатиш, уларнинг кўзини очиш учун эмас, юрагидаги дардвламнинг зўридан ва ҳәётнинг баъзи томонларини ўзи учун аниқлаб олиш заруратидан ёзган эди. Еш шоирга омад кулиб боқади — у ижодда дастлабки қадамларини қўяр экан, меҳрибон, ғамхур ва талабчан устозларига дуч келади. Эдуардас ўқиган гимназияда адабиёт дарсини машхур литва шоираси Саломея Нерис берарди. У ҳәётлигига даёқ шеърларининг ғоят латифлиги ва жо-

зидарорлиги учун «Литва булбули» деб ном олган эди. Саломея Нерис Эдуардас-нинг шеърлари билан танишиди ва унга ижод қилишда давом этишини маслаҳат беради. Яна бир машҳур литва шоири Карос Бинкис ҳам Эдуардаснинг шеърлари билан танишишиб, унга қимматли маслаҳатлар беради. Айниқса, поэзия бағрига яширган гүзалик дунёсини тасаввур килишда унинг Эдуардасга берган ёрдами бениҳоя катта бўлди. Кекса шоир ўн олти ёшли Эдуардасни уйига таклиф қилиб, бир неча соат давомида унга Верлен, Рильке, Тувим, Есенин, Блок, Маяковский шеърларини ёддан ўқиди. Шу сұхтаб туфайли Эдуардас буюк поэзиянинг рангларга бой, теран ва гўзал оламини кашф этади. Шундан кейин у янада зўр файрат билан жаҳон адабиёти дурданаларини ўқишига, уларда жамланган қимматбаҳо тажрибишга ўзлаштиришига интилади. У литва ҳалқ қўшиқларидаги тубсиз салимият ва нафис лиризмни, жозибадор мэйинликни қабул қиласди. У литва шоиrlарининг ижодидан, айниқса, литва адабиётининг асосчиси Кристоинас Донелайтис ижодидан кўп баҳраманд бўлади. «Мени доимо Донелайтис қаҳрамонлари— оддий дехқонларнинг Буюк Табият билан алоқаси қойил қолдирди, шоирнинг жуда ажойиб натур-философиясидан, достонидаги Кўёшга сифинишидан ва, ниҳоят Инсон шаънига мадхия яратишига интилишидан завклана-ман»,— деб ёзди Межелайтис. У Донелайтис билан бирга Данте ва Уитмен, Гёте ва Верхарн, Маяковский ва Поль Элюар каби буюк шоиrlарни ҳам устоз деб билади. Бу буюк устозлар таъсирида ёш шоирнинг овози тобора бақувват тортиб боради. Лекин шоирнинг такомилида ҳар қанча буюк бўлмасин, адабий манбаларнинг ўзи ҳал қуловчи роль ўйнамайди. У, албатта, ҳаёт қозонида обдан қайнаши, курашлар оловидан тобланиши, ҳаёт дорил-фунунида сабоқ олиши керак. Фақат ҳаётгина, ҳаёттй тажрибагина, ҳаётнинг паст-баланд тўлқинлари туфайли қалба тўп-ланган дард ва түғёнгина ижодга бақувват қанот баҳш этиши мумкин. Межелайтис тақдирода ҳам бу ҳақиқатнинг яна бир карпа тасдиқланганини кўрамиз.

Межелайтис гимназияни битириб, университетга киргач, студентларнинг антифашист ҳаракатида актив қатнашади. Буларнинг барчаси ёш шоирнинг гоявий чиниқишига, дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Ниҳоят, тарихий 1940 йил етиб келади—шўйили Болтиқ бўйи республикаларида совет ҳокимиюти қайта тикланди—Литва ҳам Эстония ва Латвия каби совет ҳалқарининг буюк қардошлиқ оиласига тенг ҳуқуқли аъзолар бўлиб киради. Кечя яширин ташкилотда минг хил тусикларни енгиб, турмалар ва сурғуллар хавфини писанд қилимай, озодлик учун кураш олиб борган ёшлар энди янги ҳаётни куриш учун кураш бошлайдилар. Межелайтиснинг эътироф этишича, озодлик учун курашга қарагандо янги ҳаёт куриш учун курашмоқ осон эмас экан. Межелайтис бу даврда журналистик фаолият билан шуғулланади

ди ва Литва комсомолининг органи бўлмиш «Комсомол ҳақиқати» газетасига редакторлик қиласди. Газета редакциясигида иш унинг шоирона самолардан ерга тушишига ёрдам беради, унинг шеъриятини реал ҳаёт материали билан бойтади.

Бироқ тинч ҳаёт қуриш соҳасидаги кураш узоқ давом этмайди—1941 йилда Улуғ Ватан уруши бошланади. Литвани урушнинг дастлабки даврида ёкемислар босбис олади. Межелайтис миллионлаб совет кишилари каби Ватан ҳимоясига отланади—уруш йилларида у ҳарбий мухбир бўлади. Уруш, биринчи бомбалар шоир учун яна бир реализм мактаби бўлиб хизмат қиласди. Ватан уруши фронтларида у душманинг ёвуэлиги, шафқатсизлигини кўради, фашизм идеологиясининг аксилиансоний моҳиятига яна бир карра амин бўлади. Шу билан бирга Межелайтис совет кишиларининг матонатига, гоявий эътиқодининг мустаҳкамлигига ҳам гувоҳ бўлади. У ҳалқлар ўртасидаги дўстлик, иноқлик, қардошлиқ совет кишисининг матонатини таъминлаган манбалардан бирни эканига ишонч ҳосил қиласди.

Уруш йиллариди Межелайтис ҳаётиди яна бир кегта воқеа содир бўлади—у 1943 йилда Коммунистик партия сафлари га киради. Балогатга етгандан бошлаб, кескин синфи курашлар жараёнида улгайган, эрк ва озодлик; адолат ва тенглик учун курашган, ўз илҳомини инсонни улуғлашга бағишилаган Межелайтис учун бу ҳодиса мутлако табиий ва қонуний бир ҳол эди.

Уруш тугагандан кейин ҳам, Межелайтис бир лаҳза бўлсин, янги ҳаёт қуриш йўлидаги курашчан ижтимоий фаолиятини тўхтатгани йўқ. У аввал комсомол ишлариди ишлади, кейин кўп йиллар мобайнида Литва Ёзувчilar союзига раҳбарлик қиласди. У бир неча қаҳирик Литва ССР Олий Советининг депутати сифатида ҳам актив фаолият кўрсатди. Айни чоқда, Межелайтис ижодкор сифатида ҳам жуда самарадор меҳнат қиласди. Унинг «Лирика» деб аталган биринчи китоби 1943 йилда босмадан чиқди. Шундан кейин қиска муддат ичидан бирин-кетин «Ватан шабадаси», «Тўкийман қўшиқларнинг куроқ гиламин» каби тўпламлар майдонга келди. Буларга кирган шеърларнинг кўпчилиги литва адабиётининг классик традициялари асосида ёзилган лирик шеърлар эди. Ҳалқ қўшиғи, афсона ва ривоятлар, эртаклар, табиатни шоирона улуглаш литва лирикасининг қонқонига сингиб кетган хусусиятлардир. Межелайтис ҳам Саломея Нерис, Антанас Ванцлова, Монтила каби шоиrlар изидан бориб, шеъриятнинг ана шу туб илдизларидан баҳраманд бўлди. Бироқ реал ҳаёт, ундаги кескин зиддиятлар, тинимсиз давом этган синфи кураш поэзия уфқларини кенгайтиришини талаб қиласди. Реал ҳаёт бутун зиддиятлари билан шеърият бағридан жой олишига талпинарди. Бунга қандай эришмоқ керак? Қайси йўллар билан шеъриятнинг таъсир кучини оширишга, унинг ҳаётдаги реал мавқеини мустаҳкамлашга эришмоқ мумкин? Бу муаммолар шоирни

муттасил изланишга, янги-янги тасвир воси-
даларини излашга ундаиди. Межелайтис ҳа-
ётда кўрганларини, совет кишиларида ку-
затган фазилатларни умумлаштиришга,
уларнинг моҳиятини аниқлашга интилади.
Шу интилишининг меваси ўлароқ, 1954 йил-
да «Қардошлик достони» майдонга келади.
Бу достон ўша йилларда уч республика —
Литва, Латвия ва Белоруссия чегаралари
туашган жойда — Дрисвяты кўли ёқасида
курилган электростанцияга бағишиланган.
Электростанция — уч қардош халқ ўтрас-
идаги бузилмас дўстликнинг, аҳил меҳнат-
нинг тимсоли сифатида майдонга келган
эди. Шоир достонда электростанция баҳо-
насида ҳалқлар дўстлигини кўйлади. Му-
хими шундаки, Межелайтис бу асарда шун-
чаки фактларни қайд қилиш, воқеаларни
куруқ баён қилиш йўлидан бормайди. Бу
достон ҳам Межелайтиснинг тинимиз из-
ланиши, ўйлари, фалсафий умумлашмалари-
ни ифодалайди. Бу изланишларнинг моҳия-
тини англаш учун шоирнинг ўзига сўз
берган маъқул: «Биз туғилиб ўсган уйнинг
ҳиди биз учун ҳамиша қадрдан ва қал-
бимизга яқин бўлиб қолади. Бироқ бу —
кўхна дунёмизга ёпишиб олишимиз керак
ёки ўзимиз деч қаёқка бормай, уйимизга
ҳам ҳеч кимни киритмаслигимиз керак
деган маънени билдирамайди. Инсоният тари-
хи океандай қайнаб ётипти. Биз оддий бир
нарсани — қўшниларимиз билан тинч-тотув
яшашни ўрганиб олишимиз зарур, иложи
борича кўпроқ дўст ортиришимиз лозим.
Асримизнинг буюк гуманизми — бутун дун-
ёдаги меҳнат кишилари ўртасида қар-
дошлик туйғусининг тобора мустаҳкамла-
шиб бораётганидадир». Бинобарин, поэзия
ҳам адабиётнинг бошқа турлари каби ана
шу муқаддас туйғуни мустаҳкамлашга, жа-
ҳон ҳалқлари қалбига қардошлик уруғла-
рини сепишига хизмат қилиши керак. Межелайтис
совет кишиларининг фазилатлари
иҷида реал қардошлик туйғуси маъжудли-
гини чўкур ҳис қиласди, буни бенихоя қадр-
лайди ва «Қардошлик достони»да юксак
бадиий маҳорат билан ифодалайди. Шу
достондан кейин ҳалқлар дўстлиги темаси
унинг поэзиясида марказий ўрин эгаллай
бошлайди ва Межелайтис поэзиясининг ин-
тернационал пафоси борган сари баландроқ
оҳангларда жаранглайди. 50-йиллар-
нинг ўрталарида Межелайтис Европа бўй-
лаб сафар қиласди ва бу сафар оқибатида
«бегона тошлар» деб аталган шеърий тўп-
лам майдонга келади. Бу тўпламда ҳам
турли Европа мамлакатларидаги ҳаётнинг
реал манзараларини тасвирлаш билан бир-
га, шоир, биринчи навбатда, интернациона-
лизм фойларини баоалла кўйлашга интила-
ди. Бу мотивлар «Юлдузлар этагида», «Қу-
ёш қаҳрабо қўйнида» каби тўпламларда
ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Шу тўплам-
ларда ёк Межелайтиснинг яна бир муҳим
хислати яқъол кўзга ташланади — у поэ-
зиянинг асл моҳиятини теран тушуниш.
Јунинг ҳаётйлигини таъминлаш йўлида мун-
тазам равишда изланувчи, шоирона сўз-
нинг янги-янги имкониятларини кашф қи-
лишда интилувчи ижодкор сифатида кўри-

нади. Доимий изланишнинг адабиётдаги
зарурат экани, ривожланишнинг муҳим
шарти экани ҳакида Межелайтиснинг ўзи
жуда яхши айтган: «Аҳир ҳаётнинг ўзи шу-
ни исбот қилганки, фақат маданият соҳа-
сида гина эмас, турмушнинг бошқа соҳа-
ларида ҳам энг яхши анъана — доимий
революцион янгиланиш анъанасидир. Шу
туфайли санъатда ҳам мангу изланишлар
традицияси туғилган... Ҳамма нарсани бир
хил қилиб тараашла одати ўз вақтида ба-
дий ҳаётга катта зарар келтирган. Фақат
манзаранинг ранг-баранглиги ва бойлиги-
гина қалбга шодлик бағишилади... Изланиш —
беоромлиг ва ёнишdir. Изланиш —
Инсон ва Тарих, Инсон ва Давр ўртасидаги
янги алоқаларни қидиришdir».

1957—59 йиллар давомида Межелайтис-
нинг «Инсон» поэмаси майдонга келди.
Поэма қисқа муддат ичиди жуда машҳур
бўлиб кетди. У рус тилига, қардош ҳалқлар
тилларига таржима бўлди, чет элларда бо-
силиди. Поэманинг юксак ғоявий-бадиий ху-
сусиятлари учун 1961 йилда унга Ленин
мукофоти берилди. 1963 йилда эса «Ин-
сон» поэмаси шоир Темур Фаттоҳ таржи-
масида ўзбек тилида босилиб чиқди. Кўп-
гина йирик сўз санъаткорлари поэмани
юксак баҳоладилар. Жумладан, атоқли со-
вет ёзувчisi К. Симонов «Инсон» поэмаси
ҳакида шундай ёзган эди: «Межелайтис
китобининг сўнгига саҳифасини ёпар экан-
сан, ўзинги мусаффороқ ва юксакроқ,
кучлироқ, олижаноброқ ва ҳаттоки гўзал-
роқ ҳис қиласан. Унинг энг муҳим томони
ҳам шу бўлса ажаб эмас... Шеърлар китоби
сенга — инсонга биқинингга ёпишган шил-
лиқлардан тозаланишга ёрдам берса — қандай
яхши! Шеърлар китобини ўқиб чиққа-
нингдан кейин майса янада яхшироқ, ос-
мон янада мовийроқ, ҳаво янада тиникроқ,
эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам чехра-
лари янада гўзалроқ кўринса, қандай ях-
ши! «Инсон» китобини ўқиб тутгатар экан-
сан, худди ана шу туйғуларни ҳис қиласан!».

«Инсон» поэмаси ҳам традицион, ҳам
айни чоқда, новаторона асар. Достон шу
маънода традиционни, Межелайтис бу аса-
рида совет адабиётидаги изчил гуманистик анъа-
нага содик қолди. Маълумки, йирик совет
ёзувчиларининг кўпчилиги инсоннинг фа-
зилатларини юксак фалсафий-лирик умум-
лашмаларда мадҳ этиувчи анчагина асарлар
яратишган. Бу ўринда, лоақал, М. Горький-
нинг «Инсон» поэмасини ёхуд В. Маяковс-
кийнинг «Инсон» поэмасини эслаш мумкин.
Уларнинг иккавида ҳам меҳнаткаш инсон-
нинг улуғлигига, яратувчи қурдатига чукур
ишонч ифодаланган. Бу асарларда кўтарин-
ки патетик оҳангларда инсоннинг монумен-
тал образи чизилади.

Межелайтис фақат Горький ва Маяковс-
кий традициясини давом этириш биланги-
на чекланмайди. У Инсон темасини иш-
лашда жаҳон поэзиясининг Нозим Ҳикмат,
Пабло Неруда каби йирик намояндларин-
нинг ижодий тажрибасига ҳам таянади. Ай-
ни чоқда, Межелайтис традициялар рамка-

сида чекланиб қолмайди, балки ўзи ҳам бу темани ишлашга жиддий янгилклар күшади.

«Инсон» поэмасининг новаторона асар эканини таъминлаган энг муҳим жиҳатлардан бири шундаки, Межелайтис ўз асарида Инсон масаласига XX аср ўрталарида яшаб, илғор позициялардан фикрловчи ижодкорнинг нуқтаи-назаридан қарди.

XX аср — буюк қурашлар даври. Шу жумладан, ҳозир инсон атрофида, инсон ҳақида ва инсон учун ҳам жуда кескин, муросасиз ғоявий қураш кетмоқда. Социалистик идеология билан буржуа идеологияси ўртасидаги мисслиз мұхорабада инсонга мұносабат масаласи марказий ўринлардан бирини әгаллайды. Бугунги буржуа адабиёти, буржуа санъати ҳам инсон ҳақида гапиради, инсон образини яратади. Бироқ ундан инсон образи социалистик санъати вакилларининг, жаҳон прогрессив санъати вакилларининг ижодидагига қаранды батамом тескари позициялардан тасвирланади. Буржуа санъатида дағал жисмоний күчта сиғиниш мавжуд. Унда инсон мұхитдан ва бошқа одамлардан ажralған, мұтлақо автоном ҳолда ҳаёт кечирувчи күч сифатида талқын қилинади. Буржуа санъати инсоннинг ижтимоий мөхиятини инкор қилип, уни фақат биологик ҳодиса сифатида күрсатади ва ундағы инстинктларни, айнина, салбий инстинктларни ҳал қылувчи күч сифатида талқын қиласади. Таникли адабиётшунос В. Огнев «Шеър ҳақида китоб» асарида бир қызық фактын ҳикоя қиласади. Унинг ёзишича, Межелайтис билан деярли бир вактда швед шоири Ялмар Гульберг ҳам «Кўзлар, лаблар» деб китоб ёзган. Бу китоб ҳам инсон ҳақида. Бироқ Ялмар Гульберг талқинида инсон кўзлари фақат ёлғонни, сохталини кўради, унинг лабларидан эса қалбининг ҳақиқий ҳолатини яширувчи сўзларгина чиқади. Инсон ўз түйғулари кобигига биққиниб олиб, ўлишини кутади. Фақат ўлимгина унинг ҳақиқий «мененин» намоён этиди. В. Огнев ҳақ — бундай фалсафадан ўта совуқ умидсизлик, тушкунлик руҳи уфуриб турипти. Социалистик адабиёт вакиллари, шу жумладан, Э. Межелайтис ҳам инсон ҳақида кўйлар эканлар, изчил гуманистик позицияда турди, унинг кучига, қудратига, ижодкорлигига, олижаноблигига ишонч ғояларини олға сурадилар. Инсон, биринчи наавбатда, яхшилик, эзгулик тимсоли ва ҳақиқий инсон бор жойда муқаррар тарзда яхшилик ғалаба қозонади.

XX аср гуманизм мининг мөхиятини ташкил қылувчи бу муҳим ғоя Межелайтисининг китобида ўзига хос шаклларда юксак маҳорат билан ифодаланган, юксак патетик оҳангда кўйланган.

Межелайтисининг достони «Инсон» деган шеър билан бошланади. Биз биринчи шеърда ёқ Инсоннинг фалсафий, умумлашган, монументал образига дуч келамиз: ер шарига оғенини маҳкам тираган бу инсон кўйларида қуёш шарини ушлаб туради. У ер шаридаги жамаки бойликларни яратган ижодкор эканини барабалла овоз билан мағ-

рур айтади: Ер шаридаги тириклик ва гўзаллик, бойлик ва рангдорлик шу ижодкор инсон туфайли мазмун касб этади — у ҳаётнинг маркази, шунинг учун ҳамма нарса унинг теварагида айланади. Ерга қуёш табассумини етказувчи бу Инсон — гўзал, оқил, қатъий, мускуллари бўртиб туради, елкадор. Кўрамизки, Межелайтисининг биринчи шеърида ёқ Инсон жонли одамларга хос бўлган реал белгилар ўрнига космик миқёслардаги фантастик, муболағали белгилари билан кўз ўнгимизда гавдаланмоқда. Бироқ у айни чоқда реал инсон — у XX асрнинг энг илгор вакили. Межелайтис шеърнинг сўнгига бу инсонга реаллик белгиларини ато этади:

Ҳа, мен — Инсон,
Мен — Коммунист!

Бу шеърда кўрганимиз фантастик белгилар, космик миқёслар, муболағали рамзларнинг реал ҳаётий тасаввурлар билан бирнишиб кетиши ва бунинг оқибатида шеърда монументал образ туғилиши достонни ташкил қылувчи ҳамма асарларда мавжуд. Бинобарин, бу хусусиятни Межелайтис новаторлигининг бир белгиси сифатида, шоир индивидуаллигини намоён этивчи хусусият сифатида қараш мумкин. «Инсон» достонида: «Қўллар», «Қон», «Юрак», «Қўзлар», «Овоз», «Сочлар», «Лаблар», «Фикрлар», «Одамлар», «Ном», «Уйғониши» деб аталаувчи шеърлар бор. Буларнинг ҳар қайси сида инсоннинг бирор аъзоси ҳақида гап боради. Бироқ шоир инсон аъзоларини ҳар қайсиси ўзи мустақил ҳаёт кечирувчи ашёлар тарзида талқин қилмайди, аксинча, ҳар бир аъзо қалб ҳаракатининг манзараларини чизади ва улар бирлашиб Инсоннинг жисмоний ва маънавий сифатларининг яхлитлиги ҳақида тасаввур беради. Бу аъзолар шоирга XX аср одамининг қиёфасини умумлаштиришга имкон түғдирган. Мана, «Овоз» шеъри. Шеър «Менинг овозим ўзиға хос ҳаёт билан яшамоқда. Унинг ўз тарихи, ўз таржими ҳоли бор» деган мисра билан бошланади. Сўнгра шоир ўз овозининг таржими ҳолини ҳикоя қилиб беради: «Тўплар янграган, гранаталар дўлдай ёқкан кунларда шоирнинг овози бир солдат сингари қор бўронлари ичиди окопларда музлаганига, очликдан ҳолдан кетиб, яна шамолга қарши отланганига, тутунларда қорайтанига ким гуноҳкор?» Бу овозни бир ўқ ярадор қилди, у қоқилиб йиқилди, қонли яраси ҳам ҳали бигтани йўқ! Кўриниб турибиди, гап шоирнинг ярадор овози ҳақида кетяпти, лекин биз гапнинг тагида гап борлигини қийналмай сезиб оламиз — овоз бир баҳона, поэтик усул, холос. Шоир овоз баҳонасида Инсон ҳақида, унинг ҳаётни, қураши, тақдири тўғрисида ўйлаяпти.

Достоннинг тасвирий воситалари ҳақида гапирганда, унда бир катор образларнинг, айнина, қуёш образининг кўп кўулланганлигини айтиш керак. Бу образлар салмоқли, фалсафий умумлашмаларни ифодалайди. Жумладан, қуёш инсон мангулигининг, уннадиги эзгу, олижаноб, гўзal фазилатларнинг

мангулигини, ҳаётнинг мангулигини ифодаловчи образ даражасига кўтарилиган. Досонда «Йўқ, сен енгмайсан, бузгувчи!» деган шеър бор. Унда шоир инсоннинг тарихидаги жамики йирик истилолар ҳақида, машҳур бузгувчилар ҳақида гапиради ва уларга ҳамон самода порлаб турган қўшнинг барқарорлигини зид қўяди. Шеърда яна гуманистик фикр биринчи ўринга чиқади-ю, қўёшининг мангулигини таъминловчи омил — ижодкор инсоннинг яратувчи меҳнатни экани тасдиқланади:

Англадим, йўқ, сен эмас, сен
енгмайсан, бузгувчи!
Ер юзида бари бир енгар меҳнаткаш
одам!

Ғалаба қозонади ўша ҳаёт тузгувчи.
Меҳнат бўлади қўёш!
Шудир тақдир хўкми ҳам!

Шу шеърда жуда ёрқин ифодаланган оптимизм, ижодкор Инсоннинг қудратига ишонч, унинг истиқбалига, тақдирига умид билан қараш, «Инсон» достонининг ички пафосини ташкил қилувчи муҳим жиҳатлардан биридир.

Бу достон бутун совет поэзиясининг ривожига самарали таъсир кўрсатди. Бугун ўзбек шоирларининг ижодида инсон талқинининг янгилаши оҳангларини кузататгандан эканмиз, бунда Межелайтис кашф этган янги имкониятлар ҳам катта фойда берадиганини сезиш қийин эмас.

Межелайтис «Инсон» достонидан кейинги асрарларида ҳам ўзи эгаллаган мэрраларни янада мустаҳкамлади ва замондошимиз образини яратишида, унинг бугунги бе-ором, серташиби ҳаётини ифодалашда янти-янги мұваффақиятларга эришиди. Унинг сунғиги ўн-ўн беш йил ичида яратган китоблари орасида «Кардиограмма», «Жануб панорамаси», «Мангу тор», «Авия этюдлар», «Алелюмай», «Микропоземалар», «Менинг Итаками», «Линголинге» каби шеърий тўпламлари алоҳида ажralиб туради. Улар Межелайтис ижодидаги асосий мотивлари — гуманизм ва интернационализм мотивлари янада чуқурлашганидан далолат беради. Айни чоқда, бу тўпламларда Межелайтис поэзиясининг интеллектуаллиги янги босқичга кўтарилигини, фалсафийлик теранлашганини, ҳаётни бутун зиддиятлари билан қамраб олиш кучайганини кўрамиз. Буларнинг барчаси пухта ва оригинал образлilik билан бирлашиб, ҳаёт ҳақиқатини чуқурроқ ифодалашга йўл очган. Межелайтис ижодини текширган, тадқиқчиларнинг ҳаммаси бу китобларни таҳлил қиласар эканлар, уларни монументал поэзия намунаси деб атайдилар ва бу поэзияда синтезга интилиш борганд сари мукаммаллашиб бораётганини таъкидлайдилар. Мана, масалан, «Кардиограмма» тўпламини кўрайлик. Ундаги шеърлар уч кисмга бўлинган. Бу кисмлар «Замон», «Меҳнат», «Санъат» деб аталади ва ўз ичига шу уч масала ҳақида фикрловчи шеърларни олади. Айниқса, «Санъат» қисмидаги шеърларда Межелайтиснинг эстетик қарашлари, XX аср одамининг ҳаётида санъатнинг ўрни ҳақидаги му-

лоҳазалари кенг ифодаланган. Бу шеърларда биз физика, биология, математика каби ҳодисалар билан санъат чоғиширилганни ҳам, жаҳон фанининг жуда кўп атокли на-мояндаларига мурожаатни ҳам кўрамиз. Муҳими шундаки, булар Межелайтис шеърларининг ташки ғелгиси, безаклари эмас, балки унинг мазмунига сингдириб юборилиган. Шоир бугунги ҳаётда илм-фан ва техниканинг ҳар бир шахс турмушига сингиб бораётгани, унинг психологияси ва фикрлаш тарзига таъсир қилаётганига асосланиб, шеърията ҳам илмий категориялардан фойдаланишга интилади. Умуман, образли тафаккур билан илмий тафаккурни бир-бирига қўшишга интилиш, санъат ва илмни яқинлаштиришга уриниш Межелайтис поэзиясидаги синтетизмнинг характеристи белгисидир. Шоир бу билан ҳам чекланмайди: у шеърията музика ва рассомлик категорияларини ҳам сингдиришга интилади. Бу интилиш буюк лита рассоми ва композитори Чирлёнисдан таъсирланиш натижасида туғилган. Умуман, Межелайтис Чирлёнисга жуда кўп шеър бағишилган. Унинг кўпгина шеърлари Чирлёниснинг фикрлари, қарашлари, мулоҳазалари асосида туғилган. Межелайтис бу билан ҳам чекланмайди, Чирлёнис ижодий методининг етакчи хислатларини поэзияга кенг табтиқ қиласди. Бунинг оқибатида Инсон характеристи янада тўлароқ очилади. Шу жиҳатдан Межелайтиснинг Инсон ва табиат ҳақидаги, улар ўртасидаги туғма яқинлик масалаларига бағишилган шеърлари характеристидир. Бу шеърларда инсон ва табиат ўртасидаги муносабат фақат эмоционал тарзда ифодаланади. Межелайтиснинг ўзи Чирлёнисга эргшиб, шеърията музика ва рассомликни қўшишга интилиши тўғрисида шундай ёзди: «Музика, шеърият ва рассомлик — буюк салосадир. Улар маънавий ибтидонинг қудратли салосаси. Мен уларни бирлаштиришни, бирлаштириб, Инсонга тұхфа қилишини истайман». Межелайтис энг яхши шеърларида шу орзусига мәълум даражада эришган.

Межелайтис жуда сермаҳсул ижодкорлардан биридир. У йил сайнин бирон янги китоб ёхуд бирон туркум, достон яратмай қўймайди. 1979 йилда шоир 60 ёшга тўлди ва ўзининг тўйига атаб янги достон яратди. «Дружба народов» журналида босилган бу асар «Эгасиз ернинг күшлари» деб аталади. Достон Улуг Ватан урушига бағишилган — унда шоир урушнинг кенг кўламда олинган манзарасини чизиб берган.

Межелайтис фақат шоир эмас, таниқли прозаик ҳам. Унинг «Лирик этюдлар», «Нон ва сўз», «Бу — Литва», «Тунги парвоналар», «Чирлёниснинг дунёси», «Контрапункт» каби насрый китоблари машҳур. Лекин бу китоблар қисса ёхуд романлардан ташкил топмайди — улар ҳам шоирнинг шеърлари каби ғоят ўзига хос шаклга эга. Бу китобларнинг айримлари публицистик ва адабий-танқидий очерклардан иборат. Масалан, «Нон ва сўз», ёхуд «Бу — Литва»

ана шундай китоблар. Баъзилари («Чиорлёнисининг дунёси») фалсафий рисола характёрига эга. «Лирик этюдлар» ва «Тунги парвоналар» эса — кундаликлардан намуналардир. Уларда autobiографик материал шоирнинг адабий-эстетик ва фалсафий қарашлари билан чамбарчас бирнишиб кетган. Бу китобларда бир-бирига зид фикрларни ҳам учратиш мумкин. Бунга таажжубланиш керак эмас — чунки китобда йирик шоир, фаол жамоат араббининг ҳақиқат излашдаги ғоят мураккаб йўли, изтиробли изланишлари ифодаланган. Уларни варақласангиз, адабиёт ҳақида, бугунги шеърят түғрисида, шакл ва мундарижа бобидаги изланишлар ҳақида теран фикрларга, мароқли кузатишларга дуч келасиз. Бу китоблар Межелайтиснинг бой ва теран қалбининг ёрқин кўзгусидир. Уларда шоирнинг энг эзгу, энг теран йўлари ва туйғуларини ошкор этувчи наср билан бирга, лирик шеърлар ҳам мавжуд. Ҳар қалай, бу китоблар ҳозир адабиётимизда анча кенг тарқалаётган лирик прозанинг яхши намуналариdir.

Биз Межелайтиснинг ижодий йўли ҳақида жуда қисқа ва умумий тарзда ҳикоя қилдик. Лекин шу айтилганларнинг ўзиданоқ кўриниб турибдики, Эдуардас Межелайтис кирқ йиллик ижодий фаолияти давомида узлуксиз изланишлар йўлидан бориб, оригинал, юксак бадиий хислатларга

эга бўлган поэзия яратди. Унинг шеърияти совет поэзиясида монументалликка, синтезга, интеллектуалликнинг кучайишига йўл очди. Айни чоқда, Межелайтис поэзияси социалистик гуманизм идеяларини баланд оҳангда кўйлаши билан, интернационал патосининг теранлиги билан, урушга қарши, ижтимоий тараққиёт учун, тинчлик учун хизмат қилиши билан қимматлидир. Межелайтис ижоди бугунги серташвиш дунёда, кескин ва муросасиз курашлар давом этётган шароитда поэзия прогрессив инсониятга самарали хизмат қилиши мумкингина эмас, зарур эканни ҳам яна бир бор исбот қиласи. Ниҳоят Межелайтис ижоди — социалистик реализм адабиётининг имкониятлари ғоят кенглигидан, унда ҳамиша изланишларга ўрин борлигидан, поэтик индивидуалликларнинг хилма-хил ва ранг-баранг тарзда намоён бўлиши учун ҳамма шароит мавжудлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Литва халқ шоари, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Мехнат Қаҳрамони, Литва Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати Эдуардас Межелайтис поэзияси кўп миллатли совет халқларининг ҳаммаси учун ғоят ардоқлидир.

Озод ШАРАФИДДИНОВ.

учинчи китобларда изчил давом эттирилмайди. Натижада асарнинг анча боблари ҳақида маълумот йўқ, бу эса орада узиншини юзага келтириб, баъзи қаҳрамон-

Нажмиддин Комилов,

филология фанлари кандидати

ФИРДАВСИЙНИНГ ШЕЪРИЙ КАРВОНИ

Атоқли адилларимизнинг ажойиб истеъодди, машаққатли ижодий меҳнатлари туфайли жаҳон классикасининг нодир на-маналари бирин-кетин тилимизда янги ҳаёт томоқда. Шулардан бири Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳномаси»дир.

Фирдавсий — ўрта эср шарқ уйғонишининг улуғ санъаткор адаби. Унинг номи замондошлари Абу Райхон Беруний ва Ибн Сино сингари машрику мағрибга тарқалган. «Дунёнинг биринчи даражали шоирларидан бўлган Фирдавсий» (Н. Г. Чернишевский) ўз ҳалқининг кўпминг йиллик тарихини шеърий тил билан қайта тирилтириб, унинг абдади безавол поэтик ҳайкалини бунёд этади. «Уттиз йил ранж чекиб, Ажамни форсийда янгидан тирилтиридим», — деган эди унинг ўзи. Диёрининг шонли ўтмиши билан фахрланувчи, унинг келажаги ҳақида қайғурувчи шоирнинг юраги бу китобда ҳамон тегиб турибди.

«Шоҳнома» — музазам эпопея. У 120 минг мисра шеърни ўз ичига олади. Бу: 50 та шоҳлик давридаги тарихий воқеалар, ҳар бири мустакил поэма ҳисобланувчи 15 та қаҳрамонлик ва ишқий-саргузашт достони, 150 га яқин жанг жадаллар, 100 дан ортиқ турли ҳажмдаги ҳикоя, афсона ва ривоятларнинг тасвири демак. Шоир буларнинг ҳаммасини тарихий даврланиш принципи асосида изчил мунтазамлика келтириб, яхлит бадий-мантиқий композицияга жойлаштирган. Асарнинг етакчи мотивлари, ўзига хос ягона барқарор марами бошдан-охиригача давом этади ва унга улуғвор руҳ бағишлайди. Оташин ватанпарварлик руҳи билан сугорилган «Шоҳнома»да ҳалқчил, умуминсоний, гуманистик ғоялар чуқур ифодалангани учун у мана минг йилдан бери турли миллат кишиларининг севимли асари бўлиб келмоқда. Унда Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳалқларининг кўп асрлик оғзаки ижоди, Авесто гимнларида кўйланган ғоялар: қадимги аждоларимизнинг табият ва жа-

мият ҳақида дуалистик фэлсафий қарашлари; турли-туман афсоналар, инсоннинг илк ибтидоий мусаффо туйгулари или ажиб асостиrlарга уралган армон-орзулари, ўтроқлашган аҳолининг маданий ҳаёт учун олиб борган кураши ўз аксинни топган. Тинч ва осойишта меҳнат туфайли барпо бўладигак ширин турмуш кечинмалари, адолат ва тадбиркор подшо бошқарадиган марказлашган, қудратли давлат тўғрисидаги эзгу ғоялар кўйланади. Улуг шоир, шу тариқа, тарихий воқеаларни ҳалқ ижодиёти билан устакорона боғлаб, уни ўзининг ҳикмати, бадий-фалсафий мушоҳадалари элагидан ўтказиб тақдим этади.

«Шоҳнома»да тарихий манбалардан яхши «Фойдаланилган», аммо шоирнинг мақсади Эрон шоҳлари ҳаётини хронологик тартибида баён қилиб чикиш, тарихни назмга кўчириш эмасди. Унинг нияти ватан қаҳрамонларининг образини яратиш, ватанпарварлик, озодликни кўйлаш орқали миллий мустақилликни сақлаб қолишга даъват этиш бўлган. Шунинг учун ҳам асарнинг марказий ғояси — қаҳрамонликни улуғлаш, бош қаҳрамонлари эса — Рустам, Гев, Баҳром, Суҳроб, Исфандиёр каби паҳлавонлар лашкарбошилардир. Бу паҳлавонлар ватанинг даҳлсизлиги учун чет эл босқинчиларига қарши аёвсиз жангларда ғалаба қозонадилар, эл-юртнинг шарафи, ор-номусини ҳимоя этиб, ҳақиқат ва адолат учун тик туриб олишадилар. Энг қизиқарли саргузаштлар, драматик воқеалар шу қаҳрамонларининг ҳаёти билан боғлиқ қилиб берилган. Муаллиф: «Умримнинг ярмидан воз кечиб, жаҳонни Рустам номи билан тўлдирай», — деб очиқ баён этган эди. Шунинг учун ҳам шоҳлар «Шоҳнома»да иккинчи даражали персонажлардир. Шуни назарда тутиб, адабиёт тадқиқотчилари «Шоҳнома»ни шоҳлар тўғрисидаги ёзилган асар эмас, балки шарқ адабиётининг шоҳ китоби деб атайдилар.

«Шоҳнома» ҳали тилимизга таржима

бўлмасдан туриб ҳалқимиз ичидаги маълум эди, унинг руҳи адабиётимизда кезиб юради. Ўзбек адабиётининг улкан намояндадари Юсуф Ҳос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобирлар Фирдавсийни устоз деб билганилар, унинг даҳосидан руҳланганлар. «Шоҳнома» сюжетлари, қаҳрамонлари оғиздан-оғизга ўтиб, ўзбек фольклоридан мустаҳкам ўрин олган.

Асар XVIII—XIX асрлар ичидаги Шоҳ Ҳижрон, Мулло Охунд Ҳомуший, Нурмуҳаммад Бухорийлар томонидан ўзбек тилига бир неча марта таржима қилинган эди. Бу таржималар Фирдавсий достонини ҳалқ дилига яна яқин қилди. Аммо шундай бўлсада, мазкур таржималарнинг бирортаси ҳам «Шоҳнома» тўғрисида тўлиқ тасаввур беролмасди. Чунки, биринчидан, улар асосан насрый йўлда бажарилган бўлиб, Фирдавсий шеъриятининг нафосатини етказолмасди, иккинчидан, мутаржимлар асар мазмунини ўзgartириб талқин қилганлар, маълум маънода замоналаштиришга мойил бўлганлар (ислом ақидаларини сингдириш, янги адабий услубларни қўллаш каби). «Шоҳнома»ни шеърий йўл билан тўлиқ равишда таржима қилишга уринишлар ҳам бўлган.

Катта кемага катта сафар муносиб, дейдилар. «Шоҳнома»дек улкан асарни таржима қилиш шунга яраша тайёргарлик, сабр-тоқат билан қилинадиган изланиш, ўқиш-ўрганишни, узоқ давом этадиган ижодий меҳнатни талаб қиласди. Энг аввало бу ишга кўп урадиган шоирнинг юрагидаги бардам, бақувват, ишонч, истеъдоднинг олтин калити — жасоратга чорловчи журъат нурланиб турмәси лозим. Бир неча йиллар давом этадиган бу ишда мутаржим мудом Фирдавсийнинг шеърий оламида яшайди, унинг ҳавосидан нафас олиб туради. Погона-тогона чуқурлашиб бориб, ҳар бир байтнинг нозик қирраларига қадар идрок этади, уни қалбига жойлаб олади. Ана шунда сехрли мисраларнинг замонамиз ўқувчиларига манзур бўладиган ўзбекча вариантлари туғилади — таржима жараёни бошланади. Бадиий асар таржимони истеъдодли ижодкор бўлишдан ташқари, яна тадқиқотчи олим, ҳар томонлама билимдон шахс бўлмоғи даркор, деган гап бу ерда жуда-жуда ўринлийdir. Бундай хислатларни «Шоҳнома»нинг янги таржимасини вужудга келтирган адабиётимиз сиймосида кўриш мумкин. Айниқса, форс-тоҷик адабиёти бўйичакатта мутахассис, Ҳалқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати Шоислом Шомуҳамедовнинг бу улкан ижодий ишни амалга оширишда қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш керак. Ш. Шомуҳамедов анча йиллардан бери шарқ адабиётидан таржималар қилиб, бизнис хушнуд этмоқда. Рудакий, Ҳайём, Саъдий, Жомий, Бедил каби улуғ шоирларнинг пурхикмат асарлари шу кишининг жонкуярлиги, таланти туфайли ўзбек адабиётининг мулкига айланниб қолди. «Шоҳнома» таржимасининг ҳам ярмидан кўпроғи Шоислом Шомуҳамедов қаламига мансуб, бундан ташқари

эга бўлган поэзия яратди. Унинг шеърияти совет поэзиясида монументаллика, синтезга, интellektuallikning кучайишига йўл очди. Айни чоқда, Межелайтис поэзияси социалистик гуманизм илаъяларини багдами «Шоҳнома» таржимаси уч китоб ҳажмидаги чоп этилди. Бунга асарнинг Душанбеда чиқарилган тўқиз жилдик нашри асос килиб олинган. Таржима йигирма бир минг байт атрофида шеърни ўз ичига олади, бу эпопеяниг учдан бир қисмига тенгdir. Ихчамлаштирилган вариантни юзага келтириш учун асар қисмларини ажратиб олишда таржимонлар нималарга риоя қиласланар? Биринчий китоб (ҳаммаси Шоислом Шомуҳамедов таржимаси) асарнинг бошланиши — Каюмарс подшолигидан Сиёвуш достонининг адогигача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Орадан муқаддима боблар, Фаредун подшолиги давридаги Салм-Тур-Эраж мажаролари, Нўзар Пашанг, Таҳмосп, Гаршосп шоҳлиги, Афросиёбнинг биринчий юриши ва Рустамдан енглиши, Кайковуснинг Барбаристонга хужуми, Сиёвуш вафотидан кейин юз берадиган бир қанча воқеалар қолдириб кетилган. Афсонавий шоҳлар — Каюмарс, Ҳушанг, Таҳмурас, Жамшид ва Заҳҳоки морондан кейин таржимада эпопеяниг энг қизиқарли драматик достонлари — «Зол ва Рудоба», «Рустам билан Кайковус», «Суҳроб» ҳамда «Сиёвуш» қиссалари келади. Яхлит достонларнинг айрим эпизодлари қисқартирилган бўлса ҳам, лекин бу мазмун ва сюжетнинг бутунлиги, воқеаларнинг мантикий ривожига путур етказмаган.

Иккинчи (Ҳамид Ғулом, Назармат, Жуманиёз Жабборов таржимаси) ва учинчى (Шоислом Шомуҳамедов ва Жуманиёз Жабборов таржимаси) китобларда ўзбек ўқувчиси Кайхусрав подшолиги воқеалари, «Бекан ва Манижа» достони, Исфандиёрнинг етти жасорати, Искандар шоҳлиги даври, ашконийлар ва сосонийлар сулолаларининг келиб чиқиши, Баҳром Гўр, Ҳурмузд, Баҳром Чўбина, Ҳусрав ва Ширин достонлари билан танишади. Бу ерда ҳам биринчий китобда қўлланилган принципга асосан «Шоҳнома»нинг ҳажман катта, сюжети яхлит ва мазмунан ранг-баранг бўлган қисмлари танлаб олинган. Албатта, Фирдавсий асарларининг кераксиз қисми йўқ, унинг ҳамма боблари ҳам қизиқарли ва муҳим. Аммо уни қисқартиб таржима қилишга тўғри келар экан, тузвучилар Ш. Шомуҳамедов ва М. Н. Османовлар кўллаган принципни мақбул деб ҳисоблаш лозим. Чунки улар «тарихий хронологияни» сақлашга берилмасдан, балки шоир даҳосини намойиш этадиган, кўп замонлардан бўён эл орасида қадрланиб келган достонларни танлаб олиб таржима қиласланар.

Қолдирилган қисмлар тўғрисида ўқувчиларни хабардор этиш ва шу йўл билан даврлар, воқеалар ҳалқасини бир-бирига улаш мақсадидан уларнинг қисқача насрый изоҳи бериб борилган. Бирор, афсуски, ана шу яхши ўйланган тадбир иккинчи ва

учинчи китобларда изчил давом эттирилмайди. Натижада асарнинг анча боблари ҳақида маълумот йўқ, бу эса орада узилишини юзага келтириб, баъзи қаҳрамонлар тақдирининг ноаник бўлиб қолишига сабаб бўлган. Масалан, «Шоҳнома»нинг бош қаҳрамони Рустам ҳаётининг нима билан тугагани ўзбек китобхонига қоронги. Сабаби — Рустамнинг Исфандиёр билан жанги ва бу жангдан сўнг паҳлавоннинг хоинона ўлдирилиши таржимада йўқ, бу ҳақда насрый изоҳ ҳам берилимаган. Шу сингари Кайхусравнинг Афросиёбга қарши «улуг юриши», Искандар билан Доро жанги ва бошка бобларнинг ўйлигидан таржими китобларидаги воқеалар ўзаро боғланмай турибди.

Бироқ ихчамлаштириш ва қисқартиришларга қарамасдан, ўзбекчалаштирилган достонлар Фирдавсийнинг асосий ғоялари, пафосини ўқувчиларга етказа олади. Танлаб олинган ҳар бир достон муаллифнинг муайян ижодий ниятини ифодалаб келади. Эзгулик ва ёвузлик орасидаги кўраш, ватанпарварлик, қаҳрамонлик мотивлари чукур акс этган.

«Шоҳнома» ҳажман катта асар бўлсада, лекин унинг асосий услубий белгиларидан бири бу мухтасарликдир. Фирдавсий ажойиб усталик билан ихчам, лўнда ифодалар орқали миқдоран кам, аммо мазмунан бой, таъсиричан байтлар ижод қилиб, ёрқин образлар яратга олган. Улуғ шоир маснавий майдонида маҳорат билан шундай қалам сурадики, унинг бирор байтини жойидан силжитиш ёки алмаштириш мумкин эмас. Асарнинг ҳар бир байти ҳикматдай жаранглайди. Улар ўзаро мустаҳкам мантиқий алоқага эга бўлиб, воқеалар жараёнининг, тасвирини, фикрнинг ихчам давом этишини тўла акс эттиради. Бутун-бутун достонлар бошдан-оёқ ана шундай ҳикматлар занжиридан ташкил топган. Шунинг учун «Шоҳнома» ни қисқартириб таржима қилганда, унинг алоҳида достонлари бобларни ажратиб олиш мумкин, бироқ асарнинг ички тузилишига дахл қилиш, байтларнинг мантиқий кетма-кетлигигини бузиш, улар сонини камайтириб ёнки кўпайтириб таржима қилиш мумкин эмас. Орадан байт ташлаб кетилса — воқеаларнинг мантиқий оқимига птурт етади, бир байт иккι-учта қилиб ўйрилса — тавсифийлик, чўзиқлик ҳосил бўлади. Шуларни эътиборга олиб, таржимонларимиз асарни байтма-байт ўйриш принципига қатъий риоға қилганлар. Биринчи китобнинг икки жойида байтлар қолдирилганидан таржимада маъхумлик содир бўлганини кўрамиз. Бироқ, бу атайлаб қилинган «ихчамлаштириш» эмас, балки тасодифий ҳолга ўхшайди. Зеро, маснавий таржимаси, алалхусус «Шоҳнома» шундай йўл тутиши таъсозо этади. Чунки байт маснавийда асар маъносини ифодалайдиган энг кичик композицион бирликдир. Мутаржим шу бирликлар — байтларни бирин-кетин ўз она тилида ижод қила бориб, асарни бутун ҳолида таржима қилиб чиқади. Булар шуни кўрсатадики, «Шоҳнома» таржимаси-

нинг қийматини белгилаш, унинг таҳлилини амалга ошириш учун ишни ҳар бир байтнинг шакл-мазмун, маъно-бадиийлик яхлитлигига асл нусхага қай даражада мос келишини аниқлашдан бошлаш лозим. Таржимонлар маҳорати, метод ва усуллари шундагина ойдинлашади. Шу асосда таржима ҳақида ҳукм чиқарилади.

Мисолларга мурожаат қиласига: Темирчи Кова илоншоҳ Захҳок саройига шиддат билан кириб бориб, унинг золимлигини фош қилиб ташлайди ва ўғлини қайтариб бериши талаб қиласиди. Одамларнинг бопаларини ўлдириб, миясини илонларга едириб, шоҳлик қилаётган Захҳок Кованинг важоҳатидан кўркиб, унинг фарзандини қайтариб беради, лекин бунинг эвазига «Захҳок адолатли» деган соҳта ҳужжатга имзо чекишини сўрайди. Шунда Кова:

Хурӯшиду баржаст ларзон зи жой,
Бидарриду бистурд маҳзар ба пой.
Гаронмоя фарзанди ў пеши ўй,
Аз айвон бурун шуд хурӯшон ба
кўй (1.88)

Шоислом Шомуҳамедов таржимаси:

Ғазабидан қалт-қалт титрай бошлиди.
Ёрлиқни йиртдию, ерга ташлади.
Арзанда фарзанди билан икковлон.
Ғазаб билан чиқди кўчага шул он
(1.104)

Таржима асл нусханинг мазмунини тўла ифодалаган. Шоирнинг ҳаяжонли тасвири, ҳиссиятлари, зулмга қарши башафқат ғазаби аниқ берилгани учун Кованинг важоҳати кўз олдимизда намоён бўлади. Абулқосим Фирдавсий бир ёки икки байтда қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ўй-фиқри, кечинмаларини кўрсатиб бера олади. Чунончи, Захҳокка қарши отланган Фаредуннинг ҳолати:

Бошида қасосу дилида ғазаб.
Қовоги ўюлган, кўзлар хунталаб
(1.99)

Ёнкин асарнинг дардли саҳифаларидан бири — Рустамнинг ўз ўғлини ўлдиригандан кейинги изтироғи кечинмаларини олиб кўринг. Бу уч хил усолда тасвир этилган: Рустамнинг ўз монологлари, бошқа персонажларнинг у ҳақдаги гаплари ва муаллиф байни. Бундай дардли сатрлар, шунингдек бошқа қаҳрамонларнинг характер-хусусиятларини очиб берадиган ўринлар ҳам, ошиқ-маъшукларнинг висол дамларини тасвирловчи байтлар, жанг ѡжалларнинг ур-ийқити, шовқин-суронли манзаралари ҳам, паҳлавонлар ва шоҳларнинг тантанавор нутқларию шоирнинг лирик чекинишлари ҳам — бари таржимонлар томонидан ўзбекча байтлар орқали дуруст ифодалаб берилган.

«Шоҳнома» таржимонларидан бири И. Сельвинский Фирдавсий маҳорати ва уни таржимада акс этиришнинг муҳимлиги хусусида гапириб, шундай дейди: «Биласизми, тасвирий санъатда ҳаракатни ифодалаб бериш, масалан, сакраб-сакраб югураётган отни чизиб кўрсатиш ғоят муш-

кул. Бу факат буюк рассомларгагина насиб бўлган. Шеърда ҳам, масалан, камон ўқининг учиб бораётганини тасвиirlаб бериш осон иш эмас. Фирдавсий буни қила олган. Ўқ сизнинг диққатингиз марказида туриши учун шоир барча воситаларни ишга солади. Шу мақсадда у Ашкабуснинг Рустам устига ўқ ёмғири ёғдирганини айтади ва жанг охирида Рустам отган ўқ лашкар олдидан олиб ўтилганда, жангчилар уни найза деб ўйлаганлари келтирилади. Хуллас, бутун эпизод ийӯқ билан тўлдирилган. «Ўқ бу ерда энг кўп тасрорланадиган сўз. Аммо бугина эмас. Шоир сизнинг эътиборингизни «ўққа тутиб», ўқнинг парвозини тасвир эта бошлайди. Бу ажойиб! Бошида бир неча байтларда атайлаб чўзиб бўлса ҳам Рустам ўқининг таърифи, унинг, камонга жойланиши, отишга ҳозирланиши боскичлари баён этилади— ўқ отилишини сабрсизлик билан кутасиз. Бу атайлаб қилинган секинлаштириш, воқеалар оқимини бўлажак якунловчи бош зарбага тайёрлаб боришдан кейин, шундай бирдан... ўқ кўйиб юборилади. У учбормоқдан... бир байт доирасида. Унинг ҳалокатли оқибати эса, бир сатрда ифодаланган холос!

Абулқосим Фирдавсийнинг бундай юксак санъетини теран тушуниб таржимада янгидан ҳосил этишга муваффақ бўлиш таҳсинга сазовор, албатта. «Шоҳнома»да аввали гобларда баён этилган воқеалар, қаҳрамонларнинг номлари, хислат-хусуситлари кейинги достонларда тасрорланади, баъзан бу тасвирий восита вазифасини ҳам бажариб келади. Шунинг учун алоҳида қисмлар таржима қилинган тақдирда асарнинг бутун воқеалари бошдан-охиригача ўрганилиб, хотирда сақланган бўлиши лозим. Бу яна шунинг учун мұхимки, Фирдавсий ҳар бир бобни маҳсус мұқаддима билэн кейинги бобга улаб борар экан, мұқаддималарда аксарият бўлажак воқеаларнинг мазмунини имо-ишоралар орқали ўқувчига сезидириб, уни қизиқтириб боради. Шоир ишорасини тўлиқ фаҳмлаш учун эса мұқаддималардан кейин келадиган бобнинг мазмунидан яхши хабардор бўлишга тўғри келади. Чунончи, Ҳурмузд таҳтда ўтирган пайтидан адолатли бўлишга вайда беради, лекин сал ўтмай юртнинг улуғларини қатл қила бошлайди. Баҳодир лашкарбоши Баҳром Чубинани ранжитади, натижада Баҳром унга қарши исён кўтаради, шоҳнинг ўзини бўлса кўзини ўйиб, кўр қиласдилар. Шоир бу воқеаларни мұқаддимада баҳор ва кузнинг мунозараси орқали заҳарханда аралаш баён этиб, ўзининг салбий муносабатини ифодалаган: кузнинг ҳам безаклари, мақтанадиган нарсаси кўп, аммо булар ҳаёт нишонаси эмас. «Мабодо саргайса ранг-рўйинг андак, Ҳурмузд тожи каби берайин безак» (Ш. Шомуҳамедов таржи-маси) — дейди баҳор кузакка... Ҳамид Фу-

¹ И. С. Брагинскийнинг «Шоҳнома»нинг 1957 йилги русча нашрига ёзган сўзбоши-сидан олинган (ГИХЛ, М., стр. 22).

лом, Жуманиёз Жабборов, Назэрмат таржима қилган боблардаги мазмун әксарият ўринларда яхши ифодаланган, байтларнинг ихчамлиги, образлар, эпик ҳикоя усули сақланган. Бироқ айрим қисмларда маъно ноаникликларига йўл қўйилганини ҳам сезиш мумкин.

«Кайхусрав подшолиги» бобининг кириши қисмида Фирдавсий ўзининг шоҳ ва салтанат ҳақидаги қараваларни баён этиб, дейди: агар тождорнинг асл зоти — гавҳари шоҳлардан бўлса, у яхшилик қилиши лозим. Ўшандайдо шоҳ уч нарсани орзу қилса арзиди. Булар: хунар, нажот ва гавҳар бўйиб, учаласи бир-бира билан боғлангандир. Шундан кейин муаллиф биринчи ўринга — гавҳарни, иккинчи ўринга — нажотни, учинчи ўринга — жамиятда қўлга киритилган хунарни кўйиб таъриф этар экан шу хислатларга эта бўлган ўхумдор ақлли бўлса яна яхши, деган хуносага келади. Таржимада байтлардаги жумлаларнинг фализлигидан бу маънони англаб бўлмайди. Бугина эмас, Фирдавсий қаравалрига зид фикрлар келиб чиқсан. Чунончи:

Тоза бўлса агар подишаҳ зоти.
Яхшилика қолур жаҳонда оти (2,7)

Абулқосим Фирдавсийни подишаҳ зотининг тоза-нотозалиги эмас, балки унинг «қонуний сулолалар» авлодидан бўлиши қизиқтириган. Фарр соҳиби яхшилик қилиши шарт — шоирнинг ақидаси шу. Таржимон давом этиди: «Насаб ҳам фойдасиз агар йўқ хунари» (2,7). Аслида эса: «Гавҳари бўлмаса хунарни қайдан олади?» дейилган. Демак, шоир гавҳарни бирламчи ҳисоблаб, ҳаётда қўлга киритилган малака, тажриба ва бошқаларнинг миқдори шу гавҳарнинг қийматига вобаста, деган фикрни олға суради. Таржимада бунга қарамакарши ўларок хунар бирламчи, агар бу хислат кишида бўлмас экан, насабнинг қанақа бўлишининг аҳамияти йўқ, деган маъно ифодаланган. Шуни ҳам айтайликки, «Шоҳнома»даги ҳунар сўзи биз тушунадиган маънода эмас: Шоир бу сўз орқали жамиятда қўлга киритиладиган жамики нарсалар — билим, малака, ахлоқ-одоб, ҳарбий маҳорат ва ҳоказоларни назарда тутади. Шунинг учун асардаги сўз ва ибораларнинг таржимасиз олганда уларнинг ҳозирги ва илгариги маънолари орасидаги тафовутларга эътибор бермоқ даркор. Шунга ўхшаш яна бир мисол: озода, озод сўзлари «Шоҳнома»да мулк эгаси, номдор, насл-насабли, хўжайн маъноларидан келади. Шоҳ Ҳусрар атрофига барча аслзодалар, заминдорлар (дехқонлар) ва тождорлар йиғилдилар, дейди Фирдавсий. Таржимада көлтирилади: «Насаб унга зеб-озодалик. Ҳудованди тожу ва шаҳзодалалик» (2,9). Зеб-озодалик ҳозирги тилимизда зеб-зийнат ва тозалик маъноларини беради, ҳудованди тожни эса — ўзбек китобхони тожи эгаси эмас, балки тожи худоси деб тушунади. «Ў» боғловчисини ишлатгандан кейин «ва» ортиқчадир. Байт маъноси умуман мавҳум, у оригиналдагидай атроф ҳокимларига эмас, Кайхусравга қа-

ратилган бўлиб қолган. Шу сингари ғализ
Жархималар иккинчи китобда анча учрай-
ди.

Айрим ўринларида қаҳрамонларнинг
номлари алмаштирилган, бир қаҳрамонга
тегиши гап иккинчисига нисбат берилган.
Масалан, Занги Шоварон деган исми
шариф Зангау Шоварон тарзида ёзилиб,
иккита одамга айлантирилган. Чолғу ас-
боби кўс (нофора) лашкарбоши қилиб
«тайинланади»: «Колат йўлига сўнг Кўс
жўнатилди» (2,89). Асл нусхада бўлса:
«Тўс келгач, Калот (Колат эмас) йўлига
нофора чалдириб кирди».

Жўманиёз Жабборов таржима қилган
«Искандар подшолиги» бобида ҳам баъ-
зи ноаникликларга йўл қўйилган. Дорони
енгган Искандар унинг хотинига мактуб
йўллаб, шаҳаншоҳнинг удуми, васият-на-
сиҳатларига амал қилингуси, шу васиятга
мувофиқ қизингиз Равшанакни олдимга
юборинг, дейди. Ўзбекчада ўқимиз:
«Менга Равшанакни этингиз инъом». Мак-
туб сўнгиди ёзилади: «Кўнглингизни тўқ
тутинг, муросага келинг, Эрон сизнинг
ихтиёргингизда. Мени Доро ўрнида би-
линглар».

Жаҳонда Дородек ном беринг менга,
Кўнглимдагидек ком беринг менга
(2,354)

Забардастлик иддиоси, босқинчиларга
хос дўй-пўписа акс этган бу тархималар-
да. Ваҳланки, Фирдавсий Искандарни
Эронга бостириб келган ажнабий ҳукмдор
эмас, балки ашконийлар таҳтининг мерос-
хўри сифатида тасвирлайди. Шунинг учун
Искандар пўписа қилмайди, маликани инъ-
ом этинг, дея талаб қилмайди (ахир инъ-
ом мактуб орқали талаб қилинмайди, қо-
лаверса, бу сўз шоҳ қизи шаънига муносиб
эмас). Бу фикр Искандарнинг Равшан-
акка ёзган мактубида яна ҳам ёрқин ба-
ён қилинган (мазмуни): «Шоҳлар фарзан-
дига муносиб олдинда Исфаҳон мӯъбади,
канизаклар, тож ва таҳти равон билан,
сенга суту шарбат берганлар билан кел-
тирсинлар деб буюрдим. Бизнинг ҳарамни
равшан қил, қасримда бонулар сардори
бўлгин, сўзларинг ҳамиша ҳаёли бўлсин»
(7,13). Парча шундай таржима қилинган.

Қаттиқ тутиб шоҳлар удумини бул
кун,
Пешкаш этмоқдамиз Исфаҳон мулкин
(?)
Сенгадир тожимда неки ҳикмат бор
(?)
Сенгадир суту бол эмган бу диёр
(?)
Бизнинг жонимизга нур бўлсин
жонинг...
Сенинг хоҳишингча айлансан дунё
(?) (2,354—355)

«Шоҳнома» қаҳрамонлари мактуб бит-
гандага уни ҳаммавақт яздон номини ёд-
га олиш билан бошлайдилар. Бу — қатъий
коида. Искандар мактублари ҳам шундай
ёзилган. Аммо таржимон яздон ўрнига
қизнинг ўзини дуо қиласди, Дилюорой (До-

ронинг хотини) номани Искандарни мадҳ
этиш билан бошлашга «мажбур» қилинган...

«Шоҳнома»да кенг манзаралар чизиш,
панорамали тасвир асосий ўрин эгаллайди,
бу ҳол этолеянинг шеърий тузилиши,
бадиий воситаларида ўз таъсирини қол-
дирган. Шундай усуллардан бири мисрада
(ёки бутун байтда) сўз ва бирималарни
қаторлашиб, ўюштириб кептириш —
саноқ санъатидан фойдаланишдир. Шу
жиҳатдан Рустам жангни тасвирловчи
парчага дикқат қиласак, бир жумладан
иборат икки байтда уч мисра нуқул ҳарбий
қуролларнинг номлари ва улар воситаси-
да паҳлавон амала оширган ишлар санаб
чиқилганини кўрамиз. Яъни: Рустам қилич,
ханжар, гурзы ва аркон билан ёвларнинг
бошини, кўксини, қўлини кесди, ёрди, син-
дириди ва боғлади. Сўзлар қатори шеърий
либос кийганда — вазига жойлашиб, ўз-
аро оҳангдошлиқ касб этгач, катта ифода-
вий кучга бўлади. «Шоҳнома»да сўз-
лар билан бирга, бирималар, жумлалар
ҳам ана шундай кетма-кет ўюшиб келган.
Бу усул барабар тўхтамларни ҳосил қилиб,
шеърнинг ҳаракати, ички динамикасини
кучайтирган, ритмнинг муайян мусиқий
такт бўйича аниқ тақрорланиб, вазн билан
қўшилган ҳолда ажойиб гармонияни ву-
жуудга келтирган. Классик адабиётшунос-
ларимиз буни лафу нашр (йигиши ва ёйиш)
санъати деб номлаганлар. Европа поэтика-
сида эса бу параллелизмлардан фойдала-
ниш деб аталади. Бироқ «Шоҳнома»да
мазкур усул шу даражада кенг ва хилма-
хил кўринишида қўлланилганки, уларнинг
ҳаммасини лафу нашр ёки параллелизмлар
андазаси билан таърифлаб бўлмайди. Бу
Абулқосим Фирдавсийнинг ўзигагина хос
санъатидир. Асарни таржима қилган ўзбек
шоирлари унинг бу хусусиятини яхши бе-
ра олганлар.

Йигилди парию, паланг, парранда,
Арслону қоплону шеру дарранда

(1,47)

Баландда ҳилпирав Коваён ялов,
Шоҳона, ҳумоюн, нурафшон ялов

(1,111)

Наъра тортгандা сардоркуш полвон,
На филда хуш қолди, на девларда
жон (1,383)

Бу тасвирий восита тақрор санъати би-
лан қўшилиб, муайян мусиқий ҳамовоз-
ликини пайдо қилган. Шу сабабли қатор-
лашиб келган сўз ва иборалар аксарият
ўзаро оҳангдошлар. Бундай оҳангдош-
ларни таржимада ҳам ўқиб завқланамиз:

Саҳоват, адолат қўтармиш уни,
Фаредун сендиран қилолсанг шуни

(1,128)

Ўзила бир даста паҳлавон олди,
Ҳамфир, ҳаммаслак, ҳамзабон олди

(1,154)

Абулқосим Фирдавсийнинг тили баоят
мусиқий. Сўзлар, ҳижолар тўла оҳангдош
бўлмаган жойларда ҳам айрим товушлар-
нинг аллақандай ички нурланиши, майнин
садо беришини сезиб турасан киши. Бу

оҳанглар шоир юрагининг қат-қатидан сизб чиққан наводай ёкимли.

Бироқ шуни айтиш керакки, шеърда ички оҳангдошликнинг бўлиш-бўлмаслиги шоирнинг услубига боғлиқ нарса, у гоҳида кўп, гоҳида кам бўлиши, ёнки умуман бунга аҳамият берилмаслиги мумкин. Оҳангдошликнинг зарурий элементи қофиядир. Қофия барқарор унсур сифатида шеърдаги бошқа мусиқий элементларни бир мәромга йўналтириб, мисралар «бошини қовуштиради». Фирдавсий шеъри бу жиҳатдан олий намуна. Унда қофиянинг тури кўп: тўла оҳангдош сўзлар қофияси, ҳамоҳанг ҳижолар, алоҳида товушлар жўрлиги ва ҳоказо. Аҳён-аҳёnda радиf ҳам учраб туради. Қофия бўладиган сўзлар аксарият қаҳрамонларнинг характер ҳусусиятларини, ғояларини чуқурроқ ифодалашга хизмат қиладилар.

Бирорга насиба бўлгаю меҳнат,
Бирорга ўтгайдир лаззату неъмат.
Жасоратли дехқон хунардан тушар,
Нақиблик дарахти самардан тушар.
Кинаю адодат ишга бош бўлур,
Ганимлар шоҳининг бағри тош
бўлур (3,606).

Асл нусхадаги қофия сўзлар бъязан ўзгартирмасдан айнан келтирилади. Бу тадбир «Шоҳнома» руҳини ҳис қилиб туришга кўмак беради. «Эллада ва Румонинг улуғ шоирларини таржима қилиши хусусида гап боргандан, — деб ёзган эди В. Брюсов, — ...нутқнинг, сатрлар тузилиши хусусиятини, ҳамма сўзлар, бутун ибораларни, барча таркиботларни бериш зарур деб ўйлаймиз» («Русские писатели о переводе», 543).

Мазкур фикр юонон ва румо классик адабиёти таржимаси тўғрисида билдирилган бўлса-да, у қадимги шарқ шеъриятига ҳам бирдай тааллуқлидир. Айниқса «Шоҳнома»дай кўхна асотирлар юзасидан ёзилган асар таржимасига бу талаб батамом мувофиқ келади. Бу жуда қаттиқ талаб. Аммо олдинга катта талаб кўйиб, масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда ишга киришишнинг ўзи, гарчи муддаю юз фоиз амалга ошмаса-да, яхши натижаларга олиб келиши мукаррар. Зоро, андазани кенг олиш, уларни кутлуғ мақсад ўйлига баҳшида этиш ўз ишига чексиз муҳаббат ва бегарас ижодий ниятдан дарак беради. Ахир яхши таржима — таржимоннинг ўз намунасига муҳаббати мевасидир! Бу очик, равшан, оқилона муҳаббатdir. Мутаржим гўзалликни чуқур тушунган, уни ўзининг оламига айлантирган ва шу оламдан янги олам ато этиш истеъдодига молик бўлган одамдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, ижодкор сифатида таржимонни «ишнинг практик аҳамияти»дан кўра соф адабий ният — ўзга тилда бунёд этилган кишини мафтун этувчи бемисл сўз санъатини она тилида кўриш, «бегона мўъжизани бир лаҳза бўлоа-да ўзиники деб билиш» (А. А. Фет), уни эгаллаш истаги кўпроқ қизиқтиради. Шунинг учун улар енгиб бўлмас куч билан

бу ишга бериладилар. Бъязан тантана қиқтадилар, бъязан эса мағлубият аламий чекадилар. Лекин яна ўша В. Брюсов айтганидай «Данте билан курашда оқсоқ бўлиб қолиш ҳам зўр шарафдир».

Бу кураш, халқаро ижодий турнир жаҳон адабиёти майдонида бир неча асрлар давом этади. Шоирлар ҳар гал ўз замонларининг адабий-эстетик қарашлари, янги дид ва талаблар билан қуролланган ҳолда классикага кўл урар эканлар, тоза йўл, янгича усул қидирадилар. Бисотларида имкониятларидан фойдаланишга итиладилар. Ўзбек китобхонларига тушунарли бўлган тоҷикча сўзлар таржимонларимиз ихтиёридаги шундай имкониятлардан эди. Улар буни мавриди билан унумли қўллаганлар. Аммо бу масалада эътиrozимиз ҳам бор: қофияга олинган тоҷикча сўзларнинг бир қисмини бугунги ўзбек ўқувчи тушунмайди. Таржимонлар нияти тушунарли: классик асарни соддалаштириш, изоҳ-шарҳни кўпайтириш (ҳатто мифологик образларда акс этган сўз ўйинлари, матн орқасидаги яширин маъноларни биринчи ўринга олиб чиқиши ҳам) таржимани талқинга айлантириб кўйиши хеч гапмас. Байтларнинг асл нусхадаги ҳолати, бутунлигини сақлаш учун эса Фирдавсий лугатини кўпроқ олиб қолишга тўғри келади. Аммо шундай бўлса ҳам, масалан, мана бу сўзлар таржима қилиниши керак эди: ганг, ком, заҳра, дебо, чандин, пешбанд, дурри салин, муфид, яксара, раҳнамон, шикан баршикан, мастан, обу ҳок, гарон, равон (жон маъносида), домод, ож, ҳакимон, боҳуш ва бошқалар. «Шоҳнома»нинг ўзига хос архаизми бўлмиш рой, ғаррон, ҳанзал, сипоҳ, силем сингари сўзлар ўзгаришсиз олинган, булар ҳозирги форс ёки тоҷик китобхонига ҳам тушунарли бўлмаса керак. Ўзбекча жилларнинг охирда илова қилинган изоҳларда бу сўзлар йўқ. Афуски, ўзбек ўқувчисига ёрдамга келадиган зарурий лугатларга ҳам эга эмасмиз.

Профессор Шоислом Шомуҳамедов «Шоҳнома» таржимасининг биринчи китобига сўзбошисида ва эълон қилган мақолаларида таржима жараёнида юз берган қийинчиликлар, кўлланилган метод ва принциплар хусусида гапириб, иш вақтида пайдо бўлгани энг катта муммом — бу вазн масаласи эди, дея қайд этади. Шундай бўлиши табиий. Чунки шеърий таржимада вазнни акс эттириш анча мурракбаба тортишуви проблемадир. «Шоҳнома» таржимасига келганда бу яна мухимроқ аҳамият касб этади. «Шеърнинг вазнини акс эттириш, — деб ёзди профессор Ш. Шомуҳамедов, — унинг куйи, музикаси, бинобарин, кайфият ва туйғуларини акс эттириш демак».

Ана шу талабга асосан, кўпгина таржимонлар ва таржима назариётчилари асл

¹ «Шоҳнома». Биринчи китоб. F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 711-б.

нусханинг вазнини айнан сақлаш идеясин оғла сурадилар. Бошқача айтганда, таржи мадда эквиметрик позицияни қатъий ҳимоя қилиб чиқадилар. Бироқ бу маънодаги вазнлар мувофиқлигига кўн ҳолларда эришиб бўлмайди. Негаки, вазн — ҳалқ тили ва унинг адабий-эстетик анъаналари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ҳодиса. Ҳар бир миллий адабиётнинг (бъзан бир неча кўшини ҳалқлар адабиётини) ўз шеърий системаси, тарихин шакланган вазн тури бор. Шундай бўлгач, вазнни айнан сақлашга интилиш аксарият ҳолларда она тилига зўравонлин килиш, ватан адабиёти талабларини менсимасдан иш кўриши билан баравар бўлиб чиқади. Немис таржимонлари Шайх Саъдийнинг «Бўстон»ини ўз вазни-мутақориб орқали таржима этишга уринганлар. Лекин бу иш муваффақиятли чиқмаган. Бунга ўхашаш мисоллар кўп. Шу сабабли бир-бираидан узоқ адабиётлардан асар таржима килинганда кўпинча вазнни айнан сақлашни эмас, балки ватан адабиётидан муровфик, яқин келадиган вазн турини топиб қўллашни маъқул кўрадилар. Яъни таржимада эквиметрик учун эмас, балки эквиритмикликин кўлга киритиш учун кураш олиб борилади. Чунончи, рус таржимонлари «Шоҳнома» ритмини акс эттириш сари интилиш, А. С. Пушкин замонидан то хозиргacha бўлган ўнлаб вазн хилларини синаб кўрдилар.

Бундай қараганда, шарқ классик адабиётидан таржима қўлувчи ўзбек адаблари олдида вазн муаммоси йўқдай бўлиб туюлади. Ҳақиқатанам, кўп асрлик адабиётимиз арузда яратилган, ўзбек ва тоҷик шеърияти услуб ва усуслар, адабий-эстетик анъаналар жиҳатидан бир-бираига яқин. «Қутадғу билик», «Садди Искандарий», «Чор дарвеш» (Хиромий), «Русия қўзғолониҳ» (Сидқий Ҳандайлиқий) ва бошқа бир қанча достонларимиз мутақориб баҳрида ёзилган. Шундай бўлгач, «Шоҳнома»ни ўз вазни-мутақориби мусаммани мақсур

ложи йўқ бу тунлай яккаланиб қолган гул макондан. шахс сифатида тасвирланмайди. Аксинча, муаллэди, совет даври ўзбек адабиётининг етакчи вазни — ҳижо системаси. Шунга кўра ҳозирги китобхонларимизнинг кўпчилик қисми ҳижо шеърияти руҳида тарбияланган. Шу маънода таржимонларнинг: ўзбек ўқувчиси арузда ёзилган шеърни ҳазм қйлмайди, уни бармоқса солиб ўқиди, деган фикри тўғри бўлиб чиқади. Албатта, бу гапни китобхонларнинг ҳаммасига нисбатан айтиш хато. Арузни талаффуз қилолмайдиган зиёлилар билан бир қаторда, бу вазнда ёзилган шеърни жуда қадрлайдиган, уни севиб, тушуниб ўқидиган «коддий» китобхонлар ҳам талай. Афтидан, гап қайси вазннинг тилимизга мос келиши-келмаслигига эмас. Гап кишининг қандай адабий анъана руҳида тарбияланганидайдир. Ҳам аруз, ҳам бармоқ шеърияти руҳида тарбия топган кишилар адабиётимизнинг бу икки ҳазинасидан бирдай баҳраманд бўлиб келмоқдалар.

Айтилган гаплар «Шоҳнома» ва унинг таржимаси ҳақида баён қилинган айrim қайдлар, холос, «Шоҳнома» таржимонлари чинакам улкан ижодий ишни адо этганлар. Бу замондошларимизга муносиб тұхфа бўлди. «Қачонлардир одамизод зехни билан яратилган асарларнинг замона гирдобларидан омон қолиб, давримизга келиб етганига гувоҳ бўлиш ҳар бир маданият дўстини беҳад севинтиради», — деган эди Шайхзода.

«Шоҳнома» — Абулқосим Фирдавсийнинг ўзи башорат қилганидай завол билмас шеърият обидаси, маънолар карвони. Бу карвон авлоддан-авлодга томон йўл босиб, турли ҳалқлар дилидан манзил эгаллаб келмоқда. Ҳар бир янги таржима унинг янги қўнимгоҳидир. «Шоҳнома»ни таржима килиш, мавжуд таржималар устида иш олиб бориш тұхтамайди — Фирдавсий карвони йўлда давом этади.

оҳанглар шоир юрагининг қат-қатидан си-
зib чиқсан наводай ёқимли.

Бироқ шуни айтиш керакки, шеърда
ички оҳангдошликнинг бўлиш-бўлмаслиги

Солих Қосимов

БИЛЛУР ШАМ

«ШУКУХЛИ КАРВОН» ШЕЪРИЙ РОМАНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбек совет адабиёти яна бир йирик эпик асар билан бойиди. Талантли шоир Барот Бойқобиловнинг «Шукухли карвон» шеърий романі ўзбек на-
войномасига кўшилган қимматли ҳисса бўлди.

Барот Бойқобиловнинг биринчи шеъри матбуотда пайдо бўлганига чорак асрдан ошди. Шундан буён у тинмай адабий ижод билан шуғулланади.

Бу давр ичидаги ўқувчи унинг қатор шеърий тўпламлари билан танишди. Бу тўпламларга унинг жўшқин лирик асарлари билан бир қаторда достонлари ҳам киритилган. Барот Бойқобиловнинг кейинги йилларда ёзган «Кун ва тун», «Қуёш фарзанди», «Шарора», «Сибирь сурори», «Шукухли карвон» сингари йирик асарлари ўқувчилар ва кенг жамоатчилик олқишига сазовор бўлди, матбуотда ижобий баҳо олди.

Барот Бойқобилов асарларининг марказида она юрт мадҳияси ва ҳалқ қаҳрамонлигини улуғлаш, Сармарқанд ва буюн аждодлар тавсифи турди. Узининг сўнгги йирик асари «Шукухли карвон» шеърий романни ҳам автор ижодининг имана шу бош мавзуига бағишига.

Тарихий темада асар ёзишининг ўзига хос «инжиқлиқ»лари бўлади. Фақат мана шу қийинчилкларга бардош берган адаб-

гагина толе ёр, акс ҳолда у ўз вазифасини уddyдай олмайди. Даставвәл, тарихий темада иш кўрадиган ёзувчи қаламга олган даврини мукаммал тасаввур қилиши, давр руҳини гавдалантира билиши шарт.

Тасвиrlанаётган тарихий давр ҳаётини мукаммәл ўрганмаган адаб тарихий темада муваффақият қозона олмайди. Бироқ, табиийки, материални пухта ўрганиш автор ижодий меҳнатининг фақат дебочасидир голос. Тарихий темада бундай асар ёзишини ният қилган ёзувчи ҳам тарихчи, ҳам адаб сифатида иш кўради. Чунки у қаламга олган воқеаларнинг баёнини эмас, тасвирини бериши зарур. Тарихий теманинг «инжиқлиқ»лари худди шу жараёнда намоён бўлади: агар тарихий маълумотлар етарли бўлмаса, тарихшунос тўла характеристика учун материал етишмаслигини таъкидлайди голос, аммо ёзувчининг бунга ҳаққи йўқ: у тарихий темага кўл урдими, тарихий даврнинг, воқеаларнинг, шахсларнинг жонли тасвирини бериши шарт. Акс ҳолда бу соҳада иш бошламагани маъқул.

Тарихчининг асаридан биз муйайн тарихий давр ёки тарихий шахслар ҳақида маълумот олишимизнинг ўзи кифоя. Аммо адаб тасвиrlанаётган даврдаги ҳодисаларнинг реал манзарасини ва тарихий шахсларнинг жонли қиёфасини гавдалантиради. «Шукухли карвон» билан танишар эканмиз, муаллифнинг шахсиятида тарих билимдони ва хассос санъаткорнинг хислатлари мужассам эканлигига қаноат ҳосил қила-
миз.

Барот Бойқобилов, Шукухли карвон. Шеърий роман. «Шарқ юлдузи» журнали. 1980 йил, № 3—6.

Тўғри, тарихчиларнинг асарлари тарихий тема устида ишловчи адабининг ишини муйайн даражада енгиллаштиради. Чунки улар туфайли адаб ўз объективининг умумий характеристикасини тайёр ҳолда олади. Шубҳасиз, адабиёт тарихчиларининг асарларида Барот Бойқобилов учун қимматли материаллар жамланган эди. Шу сабабли «Шукухли карвон» романининг муқаддимасида автор Ойбек, Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Садриддин Айний, Уйғун, Абдураҳмон Саъдий, Олим Шарафиддинов, Вожид Абдулла, Вожид Зоҳид, Иззат Султон, Ҳамид Сулаймон, Азиз Қаюм, Абдуқодир Ҳайитметов ва Абдурашид Абдуғафуров каби навоийшунос олимларнинг номини зўр фарҳ ва ташаккур ҳисси билан тилга олиши ўз бурчи деб билган. Бу билан муаллиф шарқ адабиётидаги кенг тарқалган бир приём — тема соҳасидаги ўз салафларига ҳурмат бажо келтириш анъанасини замондошларимиз ичидаги илк бортилтирган. Бу манера, бизнингчча, шоирнинг вижидоний соғлигига гувоҳ ва ўзгалар материалини ҳеч қандай ном-нишонсиз ўзлаштирувчи ёйрим илмий ходимларга ўрнак қилиб кўрсатишга арзигулик даражада мақтовағ сазовордир. Бироқ «Муқаддима»да «Навоий довруғини оламга ёймиш» зотлар қаторида рус олимларидан В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, А. А. Семёнов, ўзбек на-
войшуносларидан Ота-
жон Ҳошим, Мақсад Шайхзода, Тўхтасин Жа-
лол, Порсо Шамс, Ҳоди

Зариф номларини ҳам эслатиш ҳақида автор ўйлаб кўрар деган умиддамиз.

«Шукуҳли карвон» — лироэпик асар. Муаллиф Алишер Навоий ҳаётининг энг драматик даврларидан бирини қаламга олади: унинг Самарқанддаги ҳаяжонин воқеаларга бой ҳаёти шоирнинг ҳисси орқали ўтади ва эҳтиросли мисралар қиёфасида намоён бўлади.

Автор Алишер Навоийнинг Ҳиротни тарк этишини мунгли бўёклар, ҳазин тонда тасвирлайди. Бу ўринда шоир «Хаёлга гарқ бўлиб турмисх Алишер», дейиши билан чекланмайди, табиатни ҳам Навоийга ҳамдард қилиб тасвирлайди:

Беҳудуд осмон уйгандир
қабоқ,
Юзига булуатдан
солинмиш ямоқ.

Бу тонгда шоир суюкли фарзанди билан хайрлашашётган Хуросонин ҳам «кофтобга илҳақ» ҳолда, ҳатто осмондаги ҳулкарни булутилар тўдасида мунғайган тарзда кўради. Бундай ғариф манзарани яратиш билан автор Навоий Ҳиротни ноилож тарк этаётганини мохирона таъкидлайди. Муаллиф Навоийнинг бу севимли шаҳри билан хайрлашиб картинасини ҳам ёниқ қалб ҳарорати билан жуда жўшқин тасвирлайди. У карvon ўтган мазгилларни бирма-бир жонлантирап экан, севимли шаҳрига сукланиб боқаётган шоир қиёфасини жонли равишда гавдалантиради: Ҳиротнинг кўк ўпар миноралари, Гавҳаршодбем гумбази, Бўстон гузари, Бозорчали Малик кўчаси, Бозори Қандаҳар, Ихтиёридин қалъаси, Масжиди жомеъ, Херируд, Гули Молон, Тахти Сафар, Давлатхон... Бу мазгиллар оша карвон ҳамон илгарилаб боради. Шоир таъкидлайди:

Бу ажаб манзара
кўзега зўр ҳавас
Навоий завқ билан
кузатар бирпаст...
Лек шаҳри жаҳонни
севса-да жондан,

Кетмай иложи йўқ бу
гул макондан.
Қўзлари ёшланиб
боқи-да мафтун,
Гозургоҳ томонга
отланди маҳзун.

Навоийнинг Ҳиротни тарк этиши ўқувинда мунгли ҳис уйғотиши учун шоир Абусаид истибододига нисбатан нафрят уйғоти билиши зарур эди. Бусиз шоирнинг тасвиридаги рӯҳ ўқувичда ўйгун ҳис қўзғамаслиги анис. Шоирнинг ижодий ютуғи шундаки, мана шу мустағабд ҳукмдорнинг Алишер Навоийга нисбатан адватини тасвирашга бағишиланган лавҳаларда феодал зулмнинг мудҳиш манзарасини фош эта бориб, ўқувчининг қалбидаги Абусаид истибододига ғазабни аллангалатади. Бу билан чекланмасдан романнинг II кисмидаги учинчи қўшида сиқиқ мисраларда бу зулмнинг танг қоларли даражадаги чўнг характеристикасини ҳам яратишга муваффақ бўлган.

Унда автор халқининг «бешафқат солиқлар жонига теккан», «ҳаддидан ошган девон маъмурлари»нинг ўзбошимчаликларидан безор бўлгани, «харажу мажрдан юрт барбод» қилинганини тўлқинланиб тасвирлайди, қанчалаб бечора-лар ноиложликдан тарки Ватан айлагани ёки аянчли аҳволда яшаганини таъкидлайди ва, ниҳоят форату тарожга макон бўлган Ҳиротдаги бало шамоли қамалида яшаган меҳнаткаш ҳалқ аҳволи ҳақидаги лирик чекиниш халқнинг аянчли аҳволига Абусаиднинг муносабатини таъкидлаш билан якунланади:

Фарёду фифонга
тўлса-да олам,
Лек Султон қилмади
заррacha карам.

Ўқувчи Алишер Навоий Самарқандга келган дастлабки кунларда ҳам уни ҳазин ҳиссиси оғушида кўради. Бундай тасвир билан шоир ўз қаҳрамонининг иккичунёсини борган сари нуқурроқ очиб, Абусаид истибододига нафротни ошира боради. Бироқ романда Алишер Навоий бу-

тунлай яккаланиб қолган шахс сифатида тасвириланмайди. Аксинча, муаллиф ўша замоннинг Лутфий, Паҳлавон Муҳаммад, Фасиҳиддин ва Ҳўжа Ағзал каби энг покдил, энг порсо ва энг мумтоз зотлари Алишер Навоийга ҳамдард, ҳамфир бўлганликларини ҳам алоҳида таъкидлаган, ҳатто айrim темурийларнинг у билан ғоявий ҳамфирларини ҳам кўрсата билган. Паҳлавон Муҳаммад орқали хабар топган Ҳусайн Бойқаро карвоннинг сафари давомида дўсти Навоий билан Майманада учрашади ва узоқ сұхбатлашади. Бу эпизодни романга киритиш билан автор бир йўла «икки қуён»ни урган: биринчидан, Навоий ёлғиз эмаслигини таъкидласа, иккинчидан, Абусаид истибододига қарши курашган кишилар ичидаги ҳатто темурийлар ҳам анчагина борлигини кўрсатмоқчи бўлган.

Алишер Навоий Самарқандга келган дастлабки кунларда унда, бегона шаҳардаги ҳаёти, фан ва маданият арбобларининг муносабати қандай бўларкин, деган ташвиш бор эди. Бироқ тез кунда уни Фазулло Абуллайс, Аҳмад Ҳожибек, Мирзабек, Юсуф Бадий, Юсуф Сафой, Ҳожа Суғдий каби ҳаммаслак шахслар даврасида кўрамиз. Шу билан бирга автор Самарқандда Алишер доимо таъкид остида яшаганинг ҳар бир қадами ҳақида Абусаидга мавъумот бериб турган разил шахслар, ҳатто, шоирга салбий муносабатини аспло яширган кишилар бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Ҳарактерлики, бу икки кутбда йигилган шахсларнинг маънавий салмоғи бир хил эмас. Навоийнинг мухолифлари сифатида Абусаиднинг чизган чизиғидан четга чиқишига ботиномайдиган Султон Аҳмад ва Шакурмирзолар каби амалдорлар, уларга майлилк қилган савдогар Абубакр, мишлоғе калон Зокир Али, соҳиби зиндан Мир Аҳмад каби қўрқоқ ва мутеъ шахслар эслати-

лади. Аксинча, Абусаид истибодидан норози бўлган кишилар қаторида Лутфий, Паҳлавон Муҳаммад, Ҳусайн Бойқаро, Фазулло, Абуллайс каби шахслар тасвириланади. Жумладан, романнинг биринчи кисмидаги 16-кўшиқда Фазулло Абуллайс билан Навоий ўтасидаги сұхбатда ҳам Абусаид истибодидан норозилик яқъол ифодаланган. Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегимнинг, Амир Темурнинг эварлари (Улуғбекнинг набиралари) Мирза Аҳмад, Мирзо Абдураззоқ ва Мирзо Маҳмуднинг қатл этилиши ҳақидаги хабар олингач Фазулло Абуллайс ва Навоий ўтасида шундай диалог бўлиб ўтади:

Фазулло Абуллайс
Тагин қатагонда қолмиш
Хурросон,
Шарордек сачрамиш эл
бўғзидин қон.
Хири кўкин тутмиш
фигон оҳангি
Қон билан ювилмиш
қиличлар занги...
Амир авлодидан эрса-да
султон,
Ўзининг қавмига
келтирмиш қирон...
Навоий
Эй офтоб, тутилпил,
бу олий жазо
Мотамидин кийсин
Хурросон қаро.
Найлайин, тарҳи дил
таҳ-батаҳ қондур.
Жонимга санчилган
ўқи камондур.

Гавҳаршодбегимнинг қатл этилишидан Навоийнинг айниқса кучли ғазабланганлиги романда унинг қўйидаги сўзлари орқали ифодаланади:

Мирзо Улуғбекни
туқсан улуғ зот,
Бошидан дур сочса
арзир конинот!..
Султон Абусаид курган
салтанат,
Шаънига замонлар
ўқигай лаънат.

Шундай қилиб, замона-даги воқеаларга Навоийнинг муносабати, унинг Самарқандаги драматик ҳолатларга бой ҳаёти ёзувчи томонидан усталик билан жонлантириб берилган. Ёзувчининг маҳорати

шундаки, у ҳатто адабий ҳаёт тасвирида ҳам темурийзодаларнинг таҳт учун курашлари ҳалқ бошига қандай белоларни ётдириганини кўрсатувчи деталлардан ўринли фойдалана билган. Абусаид тарафдорлари Улуғбекнинг ўлмас меросини йўқотишга интилаётган, унинг аводини қирғин қилаётган бир даврида Самарқанднинг Навоий иштирок этган илмий ва адабий доираларида Улуғбек номи фаҳр билан тилга олинади. Шу сабабли шоир Фазулло Абуллайс тилидан «Мунда Улуғбекнинг руҳи барҳаёт» дейишида тамомимила ҳақли эди. Шундай адабий йигинларнинг бирида Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг хотима кисмida келтирилган Улуғбек мадҳин мустақил шеър тарзида ўқиди. Бундан кўринадики, роман автори Улуғбек мадҳи улуғ шоир Самарқандалигига яратилган бўлиб, кейинчалик «Фарҳод ва Ширин» достонига киритилган демокчи бўлади. Бу таҳмин ҳақиқатга анча яқин. Бу ўринда шуни таъқидлаш зарурки, Самарқанд илмий ва адабий жамоатчилигига Улуғбекнинг руҳи барҳаёт эканлигини шоир шеърнинг аудиторияга таъсири орқали ҳам таъқидлаган:

Сұхбат аҳли «ваҳ» деб
юборди бирдан,
Улуғбек мангулик топди
бу шеърдан.
Кўзлар чақнаб кетди,
жунбушда қонлар
Фаҳрдан оромин
йўқотди жонлар.
Навоий олқишибдан
ҳаяжонда, лол,
Илҳом туллорида
қутлар истиқбол.

«Шукуҳли карвон»ни таҳрихий роман сифатида биз учун янада қимматли қиласидаги энг муҳим хусусияти шундаки, ундаги персонажларнинг деярли ҳаммаси реал тарихий шахслар ва уларнинг хатти-ҳаракатининг тасвирида ҳам бадиий тўқима йўқ даражада. Биз романда тасвириланган персонажларнинг асосий қисми билан тарихий манбалар, тазкиралар орқали аллақачон таниш-

миз. Ёзма манбаларда, айниқса Навоийнинг «Мажолис-ун нафоис»ида уларнинг кўпчилигига қисқача характеристика берилган, улар яратган асарлардан намуналар келтирилган. Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқа авторларнинг асарларида ҳам улар ҳақида, уларнинг давр ижтимоий ва адабий ҳаётидаги ўрни ҳақида қимматли материаллар учрайди. Барот Бойқобиловнинг хизмати шундаки, у мана шу манбалардаги узук-юлук, гояй қисқа материалларни қунт билан жамлаган, уларнинг бирбирига муносабатини тўғри белгилаган ва бой ижодий фантазисида Алишер Навоий даври ҳаётининг ҳаққоний манзарасини тиклай олган ва ўз романнада уни маҳорат билан акс этирган. Бунда автор энг қийин йўлдан борган: манбалардаги асосий маълумотларни ўзгартирасмасликка ҳаракат қилган ва ҳақиқатдан чекинмаган ҳолда, реал фактларнинг ўзини жонлантириб беришга эришган. Ҳатто романда шундай ўринлар борки, манбаларда бу маълумот прозаик ҳолатда учраса, шоир уларни жуда қойип қилиб, шеърий мисраларда ифодалайди.

Масалан,
Алишер Навоий Юсуф Бадий ҳақида дейди:

«Фақирдин ўзга киши анинг шеърида сўз айта олмас эрди». Барот Бойқобилов буни бундай ғавдалантиради:

Навоийдан ўзга бирорта шоир,
Сўз айта олмасди
шеърига доир.

Баъзан лирик чекинишларда ҳам манбалардаги материалнинг эмас, ибораларни ҳам сақлаб қолади. Жумладан, Мирзобекнинг характеристикасида у худди шундай йўл тутган.

Агар Алишер Навоий Мирзобек ҳақида:

«Ҳайф ва юз ҳайф ва да-
риғ ва юз минг дарифким,
ҳаёт ҷашмасидин сероб
бўлмади ва умри нахли-
мевасидин бар емади», деса,
Барот Бойқобилов бу фикрнингина эмас, Навоийнинг афсус надоматидан

ҳам фойдаланишга қарор
қиласи ва ёзди:

Ҳайф, юз ҳайфким,
анинг баҳти кулмади,
Ҳаёт чашмасидин сероб
бўлмади.

Умр чинорига
тортилди арра,
Иқбол мевасидан
топмади баҳра.

«Шукуҳли карвон» романни ютуқлари ҳақидаги мулоҳазаларимизни якунлаш учун асарнинг тили ҳақида ҳам тўхташ зарур. Шубҳасиз, тарихий темадаги асарларда тарихий шароитни гавдалантириш учун асар тилида ҳам ўша замон руҳини жонлантириш зарур, бунинг учун ҳозир баъзан архаизмга айланган сўзларни ҳам қўллаш эҳтиёжи туғилади. Шу билан бирга жанрларга қараб уларни қўллаш ўрни ва кўлами фарқ ҳам қиласи. Масалан, тарихий пъесада персонажлар тилида архаик сўзларни қўллаш эҳтиёжи туғилади, экспозиция ва ремаркалар ҳозирги замон адабий тилида ифодаланиши мумкин ва лозим. Ҳолбуки, проза ва поэзияда автор тилида ҳам, персонажлар тилида ҳам архаик сўзларни қўллаш эҳтиёжи туғилади. Зеро-ки, прозаик ва поэтик асарнинг ўкувчиси ҳам персонажлар тили, ҳам автор тилининг таркибий бирлигидан иборат бўлган яхлит асарни қабул қиласи. Демак, автор тилини беҳад даражада замонавийлаштириш асарнинг таъсир кучини сусайтиради. «Шукуҳли карвон»да бу ҳол юз бермаган. Чунки шоир ҳам персонажлар тилида, ҳам автор нутқида XV аср тилининг колоритини түғри берга билган.

Таҳсинга сазовор ўрин шуки, Барот Бойқобилов персонажларнинг ички дунёсини характерлайдими, давр ҳодисаларини тасвирлайдими автор тилида ҳам XV аср учун характерлар тил гавдалантирилади, асарнинг бу парчалари билан персонажлар тили ноўрин фарқка эга эмас, на-тижада роман яхлит холда қабул қилинади. Бу, албатта, жуда катта ижодий меҳнатнинг самарасидир.

Авторнинг асар тили устида пухта ишлаганини шундан ҳам кўриш мумкини, у қисқа сатрларга катта ғоявий мазмунни жойлай олган. Жумладан, қуйидаги мисраларда муаллиф Навоийнинг чукур ижтимоий-сиёсий қарашлари, замон ва одамлар ҳақидаги фалсафий хуласаларини ихчам тарзда ифодалашга эришган:

Улусга суюнмай,
тортсангиз лашкар,
Елга учеб кетгай улуг
орзула...

Саройдан мурувват
ахтарманг ҳаргиз,
Суё келтирган кимса
элгадур азиз..

Саллани олиб кел, деса
гар вазир,
Каллани олмоққа улар
мунтазир.

Тили пухта ишланганлиги-дан баъзи мисралар ҳатто мақол янглиғ жаранглайди:

Кимки сумалакдан
бўлса баҳраманд,
Яна бир йил бўлур
умрига пайванд...

Қалам билан қилич кун
билан тұндур.
Қаламдин нур томур,
қиличдин хундур.

«Шукуҳли карвон» романни тилининг хусусиятларидан яна бирни шундаки, автор ўз асарида Алишер Навоийга чукур муҳаббат, унинг фаолияти билан фаҳрланиш ҳисларини ифодалашга уринади ва ўзининг мана шу ижодий кайфиятига мос тушадиган хаяжонли романтик тон тона билди ва ҳисларини ўкувчига етказа оладиган ўйноқи мисралар яратади. Романнинг ғоявий мундарижаси шоирнинг қалб ҳароратини ифодалаш даражасига кўтирилган поэтик шакл билан ўйғунлашиб, ўкувчини ўз сеҳрига торта оладиган асар яратилгани муаллифнинг улкан ижодий ютуғидир. Романнинг юксак бадийи савиаси, асар тили ва шерьи шаклини пухта ишланганлигини кўрсатувчи айрим парчаларни көлтирасдан ўтломаймиз.

Барот Бойқобилов туркий

ва форсий тилларида яратилган адабётнинг ўзаро муносабати ҳақида мулоҳаза юритар экан, уларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини, бир даврда, бир ҳалқда, бир адабий муҳитда уларнинг ҳар иккисидан бир хилда баъбаравар фойдаланганликлари ҳақида гапиради ва бу илмий жиҳатдан асосли фикрини қўйидаги ча сермазмун ўйноқи мисраларда ифодалайди:

Туркигўй шоирлар
сургандга қадам,
Ўз она тилидек яйрар
форсий ҳам.

Форсигўй шуаро назмини

безар

Туркий уммонидан

терилган гавҳар.

Дил билан тил каби бу

тиллар сирдош

Гўёки бир қалбда иккى

зўр қўёш.

Форсий узук бўлса,

туркий кўз эрур,

Туркий қўшип бўлса,

форсий сўз эрур.

«Шукуҳли карвон»нинг чорак асрлик поэтик тажриба ортириган шоир томонидан ёзилганлиги мураккаб илмий проблемаларни ҳам ревон шеърий мисраларда, мазмунни тўла ифодалашга хизмат қуловчи ёрқин образлар воситаси билан ширали тilda баён қила билганлиги ҳам яққол кўрсатади. Бунга форсигўйлик ва туркигўйлик сунъий равишда ажратиш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрини пафос билан таъкидловчи юқоридағи мисралар ҳам гувоҳ. Барот Бойқобилов ҳали фанда етарлича ёритилмаган масалалар ҳақида мулоҳаза юритиш ва узок изланишининг самараси бўлган хуласаларини ёрқинроқ ифодалашга ҳам алоҳида эътибор бериб, шу мазмунни тўлароқ очадиган, акс эттирадиган тасвирий воситалар қидирган. Туркий ва форсий тиллари-нинг имконияти тенглиги, амалда ажралмаган ҳолда қўлланиб келганлиги ҳақидаги хуласалардангина эмас, Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг бирбирига муносабатини кўрсатиш, улуг шоир етук ижодини эндиғина бошлаган даврда ёқ «Ҳамса» яратишга қодир эканлиги ҳақи-

даги мунозара тасвири, адабий гурнглар, турли темурийзодаларга хайрихоҳ шахслар ўртасидаги ички зиддиятлар тасвирида ҳам роман авторининг поэтик кашфиётлари ўқувчина ром қиласи. Таҳсинга сазовор нарса шуки, зўр ижодий меҳнат соддалик шаклида намоён бўлган. Масалан, Навоийнинг Улуғбек ҳақидаги шеърининг тингловчиликларга таъсирини кўрсатар экан, ўринни топиб қўйилган биргина «вəҳ» сўзи шу мажлис аҳлиниңг руҳий холатини узоқ мулоҳазалардан кўра чукурроқ ифодалаган. Ёки қўйидаги байтдан Алишер Навоий билан салтанат учун курашаётган темурийзода Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги самимият яққол сезилиб туради:

Навоий ихроҳин
эшитган замон,
Бойқаро қалбидан
сирқиб кетди қон.

Ҳали анча ёш бўлишига қарамай, поэтик маҳорати билан танилган Навоийнинг ижодий имкониятлари ҳақида роман персонажларининг бири томонидан айтилган қўйидаги парча ҳам роман тилининг бадиийлигини кўрсатишга далил бўла олади:

Навоий «Ҳамса»ни
битмакка қодир:
Ки тошга қўл урса
бўлур жавоҳир.
Вале ўзгаларга дур
ҳам бўлур тош,
Назмда барча ҳам
эмасдур наққош.

«Шукуҳли карвон» —муваффақиятли чиққан асар. Аммо, шунга қарамасдан, унда айрим мулоҳазалаталаб масалалар ва қўемига етмаган шеърий парчалар ҳам йўқ эмас. Муаллиф бундан кейин ўз асарининг китоб вариантини босмага тайёрлагандага уни чираратар деган умидда баъзи мулоҳазаларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Мулоҳазаларимиз, даставвал, Алишер Навоий характеристикасига оид. Биз-

нингча, улуғ ёзувчининг Самарқандаги сермазмун ва септашиби ҳаётини автор, умуман, тўғри баҳолаган. Биз, Навоийнинг Самарқандада бўлишини, маданият аҳли учун байрам тарзида тасвирланганлигини тўғри хисоблаймиз. Дарҳақиқат, Улуғбек даврида ардоқланган илм-маданият аҳли талантли шоирга ҳам-фикр, ҳамдард бўлганлигини Барот Бойқобилов кўтиарники руҳ билан ўринли таъкидлайди. Бу муаллифнинг ютуғи. Аммо, фикримизча, айрим лавҳаларда муаллиф тасвирида меъёрни йўқотиб қўйган. Ҳусусан, романнинг хотимасига яқинлаша борар экан, давлат арбоби сифатида ўз фаолиятини энди бошлайтган Навоийга ҳурмат тажрибали давлат ва маданият арбобига таъзим тусиға киради. Бундай баҳо янги ҳукмдор Ҳусайн Бойқаронинг таклифига биноан Ҳиротга қайтаётган Алишер Навоий билан Самарқанднинг давлат ва адабиёт арбобларининг хайрлашишини тасвирлашга багишиланган картинага келиб айнича кучайиб кетган.

Бу билан биз асло асардаги умумий пафосни ўзгартириш керак, туркигўй шоир сифатида кенг танилган машҳур ижодкорга ҳурмат ва эҳтиромни, адолатпарвар давлат арбоби сифатида танила бошлаган шоир билан фарҳланиш ҳиссини асардан чиқариб ташлаш керак, демоқчи эмасмиз. Бундай йўл тутиш романнинг бадиий қийматига путур етказган бўлур эди. Зоро, романнинг эстетик таъсирини таъминлаб турган нарса ҳам автор халқимизнинг Навоий шахсиятининг жозибасини кўрсата билганида, унга умумхалқ мухаббатини ифодалагани ва нодир искеъдод эгасига ҳурмат ҳиссини ўқувчининг қалбига жо қила билганидадир. Бирорқ унумтамлилки, асар эндигина 28 ёшга тўлган, давлат арбоби фаолиятининг биринчи пиллапоясиға


эндигина қадам қўйган йигитча Алишер Навоий ҳақида ёзилган. Қадам олишидан унинг парвози баланд бўлиши сезилиб турган бўлса-да, пирлик мартабасига у кейинроқ эришди. Бу ўринда муаллиф бошқачароқ усул кўллаши даркор эди. Яхшики, бундай ўринлар унчалик кўп эмас. Автор истаса (бу унинг эрки) бемалол боғсироқ талқин қилиши мумкин.

Роман устида ишлаш шароитида Султон Абусаид мағлубиятининг сабабини чуқурроқ очиша интилса, асарнинг маърифий аҳамияти янада ошарди. Романнинг II қисмидаги 15-қўшиқда автор бу мағлубиятни бир даста норизо аскарнинг Ҳусайн Бойқаро томонига ўтиши билан изоҳлайди, холос. Ҳолбукни, романнинг II қисмидаги 3-қўшиқда автор халққа Абусаид томонидан ўтказилган зулмнинг мукаммал ва ҳаққоний баҳосини берган эди. Шу сабабли Ҳусайн Бойқаронинг муваффақияти сабаблари ҳақида сўзлар экан, даставвал халқнинг Абусаид истибодидан норозилиги, лашкардаги нижозлар, Озарбайжон халқининг мардана қаршилиги ва темурийлар хонадонининг нуфузли вакиллари Ҳусайн Бойқарога кўмаклашаётганигини далил килиб келтириш ўринни бўлур эди.

Ниҳоят, романнинг умуман пухта ишланган тилида аҳён-аҳёнда учрайдиган фализиклар ҳам йўқотилиши зарур.

Талантли шоир Барот Бойқобиловнинг «Шукуҳли карвон» романни қайд этилган жузъий камчиликларига қарамай, муаллифнинг улкан ижодий зафари, ўзбек совет поэзияси хазинасидан мустаҳкам ўрин олишига мунносиб бўлган асардир. Улуғ ажодимиз Алишер Навоий руҳини эъзозлаб талантли шоир томонидан ёқилган бу биллур шам ўқувчилар дилини равшан қиласи.

Түркайчи



Конвертларни қайчилаганда

«Ҳамма хурсанд кулги остида,
Юрак шоддир уйга келгандек...»

□

«Севган ёри кир ювар эди,
Тоғорага ўғли уриниб». □

«Елкасича келарди бўйи—
Бўлган эди пастгина ёри!»

□

«Севги билан ташларди нигоҳ». □

□

«Не кўрди бу ойимқизлар,
Тўрт бурчакли дунёлари —
Уйи ҳамда автобуси,
Ғалтак каби умрин ўтар». □

«Сиз кулманг!
Ахир бу энг оғир дарддир —
Мен асл қалбимни йўқотиб қўйдим». □

«Биламан, ўжарим, шу ноҳуш фурсат,
Бенаф эканлигин ёлборгувчи сас». □

«Ҳар кун оқшом клубда ўзим
Ёшлар ичин ахтарар кўзим». □

«Қоши, кўзи бўлса ҳам бир инсон,
Ез кунлари бир-биридан қилмас фарқ!» □

«Ўзга бир забт айлади қалб қасрин». □

Ёзувчи меҳнати — партия ва халқقا

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи партия ташкилотининг 17 марта бўлиб ўтган навбатдаги йигилиши КПСС XXVI съездиде делегатлари билан учрашишга бағишлианди.

КПСС XXVI съездиде делегатлари: Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Азимов**, СССР Олий Совети депутати **Комил Яшин** йигилгандарга съезд таассуротлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб бердилар.

Йигилишда Ўзбекистон Компартияси МК масъул ходими **Ў. И. Усмонов** иштирок этди.

* * *

17—18 марта кунлари Тошкентда СССР Ёзувчилари союзи Бадий адабиётни пропаганда қилиш Бюросининг кўчма XIII пленуми бўлиб ўтди.

Пленумни **Сарвар Азимов** очди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госплани раиси **К. А. Аҳмадов**, СССР Ёзувчилари союзи правлениеси секретари **Римма Казакова**, Кизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи кўшиллари кўмандони, генерал-полковник **Ю. П. Максимов**, ёзувчи, Совет Итифоқи Қаҳрамони **В. В. Карпов**, СССР Ёзувчилар Союзи Бадий адабиётни пропаганда қилиш советининг раиси **Л. И. Ошанин**, Бадий адабиётни пропаганда қилиш Бутуниттифоқ Бюросининг директори **В. Ф. Шескин**, М. Горький номидаги Адабиёт институтининг проектори **Е. Ю. Сидоров** ва Назир Сафаров, **Туроб Тўла**, **В. Коротич**, **К. Лагунов**, **М. Мирзагитов**, **П. Осадчук**, **М. Сергеев**, **Ф. Содих**, **П. Магзумов**, **Е. С. Усачева**, **М. Шешукова**, Раҳмат Файзий, **Н. Винокуров**, **Д. Ляшкевич**, **Т. Қаипбергенов** ўртоқлар КПСС XXVI съезди қарорлари ва ёзувчилар олдида турган вазифалар ҳақида гапирдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети секретари **О. У. Салимов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари **Р. Х. Абдуллаева**, Ўзбекистон Компартияси МК бўлим мудири **А. О. Тўраев** ўртоқлар иштирок этдилар.

* * *

17 марта куни «Дружба народов» журналининг Санъат саройида бўлиб ўтган адабий кечаси Ўзбекистонда бошланыётган Совет адабиёти кунларининг дебочасига айланди.

Кечани «Дружба народов» журналининг бош мұхаррири **С. А. Баруздин** бошқарди.

Сарвар Азимов меҳмонларни қизғин қутлади.

Адабий кечада **Р. Казакова**, **Л. Ошанин**, **Ф. Алиева**, **О. Аминова**, **Т. Тўла**, **Н. Гребнев**, **Фикрат Содик**, **А. Веян**, **И. Драч**, **Д. Костюрин**, **М. Сергеев**, **А. Мишин**, **А. Николаев**, **Т. Зумақулова**, **Г. Жўраева**, **Г. Нурилаеваларнинг шеърлари янгради.**

Кечада Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари **О. У. Салимов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси ўринбосари **Р. Х. Абдуллаева**, Ўзбекистон Компартияси МК бўлим мудири **А. О. Тўраев** ўртоқлар иштирок этдилар.

Ўзбекистонда Совет адабиёти кунларининг қатнашчилари 19 марта куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий буороси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** республика меҳнаткашлари партия XVI съездининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Баш секретари ўртоқ **Л. И. Брежнев** съезда сўзлаган ҳисобот докладида, мамлакат коммунистлари бу тарихий анжумандада қабул қилинган тарихий ҳужжатларда ўргатга қўйилган вазифаларни сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати юксалган ҳолда қабул қилингилари тўғрисида гапириб берди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари **В. М. Озеров** самимий қабул ва адабилар шаънига айтилган яхши истаклар учун миннадорчилик билдириди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар **Е. Айтмуротов**, **И. Г. Анисимкин**, **Л. И. Греков**, **Т. Н. Осетров**, **О. У. Салимов**, **И. Б. Усмонхўжаев**, **А. А. Хўжаев**, **Н. Ж. Худойбердиев**, **У. Умаров**, КПСС Марказий Комитетининг масъуи ходими **Г. С. Гоц** ўртоқлар қатнашдилар.

* * *

19 марта, Алишер Навоий номли Давлат Академия Катта театрида Ўзбекистонда Совет адабиёти кунлари тантанали очилди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесинини секретари **В. М. Озеров** адабиёт кунларини очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий буороси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** ўз нутқидан, адабиёт кунлари қатнашчиларига тарихий XXVI съезд қарорларини меҳнаткашлар